

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

А. П. ЧЕХОВ

БҲИИИГА ОСИДАГАН

АННА



ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

А. П. ЧЕХОВ

# БЎЙИНГА ОСИЛГАН

# АННА

Ҳикоялар



„O‘QITUVSINI“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 811.161.1-32

КБК: 84(2 Рос)

Ч 51

Ушбу тўплам жаҳон адабиётида реалистик ҳикоялари билан танилган машҳур рус ёзувчиси А. П. Чеховнинг Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Одил Раҳимий ва бошқалар томонидан ўзбек тилига ўгирилган сара ҳикояларидан тузилган.

ISBN 978-9943-22-203-8


© „O'qituvchi“ НМИУ, 2018

## НАШРИЁТДАН

Китоб дўконларини айлансангиз, турли хил жанр ва йўналишдаги янги асарлар билан бирга илгари бир неча маротаба нашр этилган, бугун ҳам китобхонлар кўлидан тушмайди-ган, ҳатто уларнинг эски нашрларини бўлса-да кидириб топиб ўқиладиган кўплаб асарларга кўзингиз тушади. Бундай асарларни биз, хоҳ жаҳон адабиёти, хоҳ ўзбек адабиёти намунаси бўлсин, «Шоҳ асарлар», «Мумтоз асарлар» деб атаемиз. Дарҳақиқат, бу уларга берилган энг юксак баҳо. Бундай китоблар ҳар қайси хонадоннинг китоб жавонидан топилади, замонлар ўтса-да, мудом ўз ўқувчиларига эга.

Л. Толстой, В. Короленко, М. Горький, И. Бунин, А. Суворин сингари ёрқин сиймоларнинг эътирофи ва хурмати-га сазовор бўлган, дунё адабиёти ҳикоянавислигида юксак ўринларда турувчи, таниқли рус ёзувчиси Антон Павлович Чеховнинг асарлари ҳам ана шундай мумтоз асарлар сираси-га киради. Унинг деярли барча ҳикоялари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган ва қарийб барча мамлакатларда севиб мутолаа қилинади. Хусусан, юртимизда А. Чехов адабий меросини ўрганиш, ижод намуналарини ўзбек тилига таржима қилишни XX асрнинг 30-йилларида Чўлпон бошлаб берган. Бу 40-йилларга келиб Абдулла Қаҳҳор ва бошқалар томонидан давом эттирилган.

«Мен ҳаётни ёзаман!» – деганди адабиёт майдонига эндигина кириб келаётган Антоша Чехонти. У ҳаёт ҳақиқатини ниҳоятда теран ёритди, қаҳрамонлар руҳиятидаги ўзгаришларни санъаткорона акс эттирди. Балки, Чехов асарларидаги ўзига хосликнинг, бутун дунёга машхурлигининг сири, биринчи навбатда, ана шу ҳаёт ҳақиқатининг мавжудлигидадир.



Чеховнинг ҳамма хикоялари — етук, юксак маҳорат самараси. Ҳар бир хикоя осларор драма — руҳий ғалаёнлар, индициялар кўришиши. Тўлиқнинг юксак маҳоратини, даҳлигини намояи олуви ҳаёт ҳақиқати аке эган хикоялари ҳар қонм китобхон бар олноориди бўлган.

Чеховнинг асос қишда таржима қилинган эш сара хикоялари жамланган «Бўйинда осидан Ашша» номли мазкур тўпламда Чўшон, Абдулла Қахҳор, Мирзақалон Немолиий, Оши Раҳимий, Наво Ашмухамедов, Н. Раззоков, Н.Ҳом Ҳафизов, Зумрад, Зухриддин Немолиидинов таржималари қиритилган.

Илмориҳиз қомилки, Чехов қаламига мансуб хикоялардан ноора мазкур тўптам ҳам сиғини севимли китобларини қаториди жой олди.

## ЭСКИ ҚЎРА

*(Қўраси бор одамнинг ўз оғзидан)*

Эски қўрани бузиб ўрнига янгисини солиш керак эди. Мен мейморни бош қўра ичида уйдан-уйга бошлаб юриб, иш устидаги гаплар орасида, ҳар хил баланд-паст гаплардан ҳам гашириб бердим. Йиртилган девор қоғозлари, чанг қоплаган тарелкалар, қурум босган печка – буларнинг ҳаммаси яқин орада кечмиш бир ҳаётнинг излари бўлиб хотираларни кўзғатардилар. Мана бу зинадан, чулоқчи, бир тўда маст одамлар бир ўликни олиб тушаётди кокилиб келганлар ва тобут билан бирга қуйида юмаланган эдилар; тириклар алам ўтарлик даражада задаланганлар, ўлик бўлса, ҳеч нарса бўлмагандай, сиқоҳликни қўлдан бермаган ва ердан кўтариб олиб яна тобутга солаётган вақтларида унамагандай қилиб бош тебратқан эди. Мана, каторасида уч эшик: мана мунисида лорсиллаган уч жувон яшарди: учаласининг ҳам «мехмон-измони» кўп бўлганлигидан ҳаммадан яхши ясанар ва уй ижарасининг ҳам вақтида тўлардилар. Йўлакнинг охиридаги эшик – кирхонаники, унда кундузлари кир ювилар, кечалари эса пиво ичилиб тўполон базмлар бўларди. Мана бу уч хоналик квартирага келсак, унинг ҳамма ёғини бактерия ва батенил каби касаллик қурғлари боскан. Ярамайди бу жой. Бу ерда кўп одамлар бе-маҳал ўлиб кетишди, мен сизни ишонтириб айта оламанки, бу квартирага бир замон бир бечоранинг қарғини теккан. шу учун мунинг ичида яшаган одам аллақандай номаълум бир махлук билан ҳамма вақт бирга яшайди. Мен, айниқса, бир оилани сира эсимдан чиқара олмайман. Ўзингиз тасаввур қилингиз: бошқалардан ҳеч бир ортиқлиги йўқ олдий бир одам; онаси, хотини, тўртта боласи бор. Унинг фамилияси Путохин бўлиб ўзи нотариусникида ойига ўттиз беш сўм

олиб мирзалик қиларди. Ўзи ичкилик ичмайтурган диндор ва жиддий одам эди. Уй ижарасини тўлагани меннинг ёнимга кирганида, ҳамавақт «тузук-курук кийиниб келолмадим», деб узр айтарди; «уй ижараси беш кул кечикиб кетди», деб ҳам узр айтар, нулни олганини им хусусида тилхат ёзиб берсам ок кўнгил билан кулиб туриб, «муниги нима кераги бор, ёмон кўраман мен тилхат деган парсани!» дерди. Ўзи бечораҳол бўлса ҳам озодагина яшарди. Ўртадаги бир хонада тўртга бола билан бирга уларнинг катта оналари ётарди; овқатлари ҳам шунда пишар, шунда ётиб ухлар, шунда меҳмон кузатар ва ҳатто шунда уйи-қули қилардилар. Мана бу хонада Путоҳиннинг ўзи яшарди; унинг бир ёзув столи бўлиб, баъзи бир хил хусусий буюртмаларни: роллар, маърузалар ва хоказолар кўчиришни шунда ўтириб бажарарди. Мана бу - ўнг кўлдаги хонага кўшинини ўтказган; кўшинини Егорич деган бир слесарь бўлиб ўзи тузуккина, лекин ичкиликка мубтало бир одам эди; у ҳамавақт несикдан кийналар, шу учун доим устида битта калтача, ялашоек юрарди. Бу одам кулф, тўшонча, ёш бола тенки араваларини тузатар, арзон баҳо девор соатларини тузатишдан ҳам қочмас, тапгамири олиб болаларга сийғанғич қилиб берарди, лекин бу ишни жини севмас, у ўзини муспкий асбоблари тузатувчи уста деб биларди. Унинг столи устида, тапландик пўлат ва темир парчалар орасида, қонқонни кўчган гармонь ёки буқулган эри қарнайлар кўринарди. Ўтирган уйи учун Путоҳинга икки ярим сўм берар, ҳамма вақт уйда - ўз дастгоҳи бошида ўтирар, уйдан чиқса, фақат, туника лаштакларини печкада кизитмоқ учунгина чиқарди.

Мен, баъзи-баъзида кеч фасллари шу квартирага кириб қарардим, шунда, ҳар кирганимда мана бундай бир кўришишга дуч келардим, Путоҳин ўз столида ўтириб алапарсаларни кўчириб ёзмокда; унинг онаси билан хоргин чехрални пўрдоқ хотини, широк несинида чок тикиб ўтирардилар; Егорич эговни чийқиртмокда. Ҳали ўчиб етмаган несик печка эса ҳарорат ва дам пуркамокда; оғир ҳаводан ичи (карам шўрва), йўртак, Егорич хиди келмокда. Қанча пўкеул ва тикки бўлса ҳам, ҳар ҳолда, бу квартирага печка олдига ёйилган ёш бола иштончалари, Егоричнинг темир лаштакларидан жимшик, юмшоқлик, мамнушлик шамоллари келарди... Эшик кетида, шундаққина

йўлакчада сочлари чиройли қилиб таралган, қувнок болалар югурнишиб ўйнайдилар, уларнинг чуқур эътиқодларича, бу ёруғ дунёнинг ҳамма ишлари жуда жойида ва шу бўйича бениҳоя чўзилиб кетаверади, буни учун ёлғиз эрта билан – уйкудаш турганда ва кечкурун уйкуга ётганда ёдланган дуоларни ўқиш керак, ҳоло.

Энди сиз ўзингиз шу уйнинг ўртасида, печкадан икки кадамгина бериди, бир тобуг турганини ва унинг ичида Путоҳиннинг хотини ётганини тасаввур қилингиз! Албатта, хотини бир умр ўймай турган эркак йўк дунёда, лекин бу ўлим – бошқача бир ўлим бўлди. Жағоза вақтида мен эрнинг жиддий юзлари ва забўиқ кўзларини кўргач: «Ё, қудратингдан!» деб ўйладим.

Менга шундай туюлдиким, унинг ўзи, болалари, катта онаси, Егорич – буларнинг ўшалар билан бирга квартирада яшаб турган номаълум махлуқнинг қора дафтарига аллақачон лиркалиб қолганлар. Мен ўзим хурофотчи одамман, бу балки, меннинг ховли-жойи эгаси бўлиб қирқ йилдан бери ижарага қўйишлар билан додмамила қилганимдан қолгандир. Ҳар қалай меннинг эътиқодим шуки, ҳар қандай ўйинда ҳам бошқа омадингиз келмадими, ундан кейин то қокланғунингизча ютқузи берасиз; агарда тақдир сизни ва оилангизни шу ёруғ дунёдан йўқ қилишга бел боғлаган бўлса, доим сизнинг пойингизга тушиб кетишгиздан қувлайди ва бошингизга келган биринчи фалокат, раеми, тугалмас фалокатлар заنجирининг боши бўлади... Ўз табиатлари жиҳатидан фалокатлар ҳам тошга ўхшайдилар. Баланд қирғоқдаги тошларнинг биттаси ўридан қўчиб настига юмаланганидан кейин, бошқалари бирин-кетин ўза берадилар. Худласи қалом, Путоҳинникида жағозани ўқиб чиққандан кейин, унга ва унинг оиласига бу беомон чаналдан қутулиш йўқ эканига ишониб қолдим...

Дарҳақиқат, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, натариус Путоҳинни хизматдан бўшағиб, унинг ўрнига аллақандай ёш қизни ўтқизиб қўйди. Шима бўлди дейсиз? Путоҳин жойидан қуруқ қолганига унча хафа бўлмади, йўқ! Унинг гзабини келтирган нарса ўз ўрнига эркак кишини эмас, ёш бир қизни келтириб ўтқизганлари бўлди. Нега ёш қизни ўтқиздилар? Бу нарса унга шу қадар қаттиқ текканки, уйига қайтиб келганидан кейин, у болаларини тутиб олиб урган, ўз опасини сўққан ва



ўлгудек ичиб маст бўлиди. Жўрачилик ҳурматига Егорич ҳам у билан ичишган.

Бир кунги Путохин ун ижара тўлагали менинг ёнимга кириб турар эди, бу сафар, муддатидан ўн саккиз кун ўтиб кетган бўлса ҳам узр айтмасди, пулнинг теккачилиги хусусида ёзиб берган тилхатимни ола туриб ҳам ишдамади. Иккинчи ойнинг ижарасини эса опаси охиб кириб берди; унинг ҳам факат ярмини бериш қолган ярмини бир ҳафтадан кейинга ваъда қилди. Учинчи ой учун бир пул ҳам ола олганим йўқ, дарвозабон ҳам менга келиб 23-квартирада ўтирганларнинг «бемани» юришларидангина қилаётган бўлди. Бу парсалар, албатта, яхшилик аломати эмасди.

Сиз мана бундай бир кўрinishини тасаввур қилишсиз. Петербургнинг ковоғи солиқ эрталаридан бири шу хира ойнакларга тикилган. Печка олдида кампир болаларга чой ичириб туради. Невараларидан факат биттаси — энг улканигина ётакан билан ичади, қолганлари чойни тўнпа-тўғри таликкачада ичади. Печка олдида Егорич канкайиб ўтириб, туника лап-пакчаларини ўтга товлайди. Кечаги ниянисталик таъсири хали ҳам кетмаган: боши оғирлашиб кўзи тинади; овози бўғилиб чиқади, ўзи титраб-қалтирайди ва йўғалади.

Жуда ёмон йўлдан урди мени бу лаънати! — деб гудуранади у. Ўзи ичгани етмаган, бошқаларни ҳам ёмон йўлга бошлайди.

Путохин ўз хонасида қачонлардан бери кўриш-тўшак каби парсалардан қокланиб қолган каравоти устида ўтиради: ташвишнинг зўрлигидан бармоқларини сочлари орасига киришиб, маънисиз кўзларини ердан ола олмайди. Уст-боши йиртилган, сочлари тўзган, ўзи натоб...

Кампир Васяни шошилтиради:

— Ич тезроқ, ич дейман, мактабингдан қоласан йўкса. Менинг ҳам пол ювгани кетатурган вақтим бўлиб қолди... — деди.

Бутун шу уйда ўзини тетик тутган битта шу кампир, холос. У, эски замонларни ёдига солиб ифлос, қора ишлар билан шуғуллана бошлади. Жума кунлари қарз кассасининг полини ювади. Шанба кунлар бойлариникига бориб қир ювади, якшанба кунлари бўлса, эртадан кечгача кўчама-кўча юриб хайру саховатли ойимларни қидиради. Циклишиб ҳар кун бир иш бор.

Кир ҳам ювади, пол ҳам тозалайди, дояликка ҳам катнайди, совчилик ҳам килади, гадоёликни ҳам кўймайди. Ори рост, гаму хасратнинг кўлигидан у ҳам бир-икки стакан ичади. Лекин ҳар канча маст бўлганида ҳам ўз ишини биллиб килади. Бизнинг рус элида мунака пишик кампирлар кўп, ўшалар туфайлидан юртда мунчалар барака бор!

Чоїини ичиб бўлиб, Вася, китоб-дафтарларини халтага солади-да, печканинг оркасига ўтади; у ерда кампирнинг кийимлари билан бир каторда унинг пальтоси бўлмоғи керак. Бирор минутдан кейин у қайтиб чиқиб:

– Менинг пальтом қаерда? – деб сўрайди.

Кампир билан бошка болалар – ҳаммаси бир бўлиб пальтони излагали киришадилар, анчагача излайдирлар, лекин пальто, сувга синган кесакдай, бедарак бўлиб кетган. Қаерда қолди? Кампир билан Вася ваҳимага тушганлар, ранглари ўчган. Егорич ҳам хайрон. Факат Путохин дамни чикармасдан тек ўтиради. Бир нарса салгина жойида бўлмаса дупени бузатуртун нарса, бу сафар ҳеч нарса билмаган ва ҳеч нарса эшитмаган бўлиб ўтиради. Муида бир гап бор.

– Ўша сотиб ичган! – деди Егорич.

Путохин илламайди, демак рост. Васянинг жони чиқади. Унинг марҳум онасининг мовут кўйлагидан бузилиб тикилган, жуда яхши коленкор астарлик, шундай яхши пальтоси араққа кетган! Демак, пальто билан бирга, ён чўнтагидаги кўк қарадан қалам, олтин ҳарфлар билан французча қилиниб «Пота бене» («Сўғиниб эсла!») сўзлари ёзилган қайдлар дафтарчаси ҳам араққа кетган! Дафтарча орасида яна битта резинкалик қалам, ундан бошка яна тағин аллақанча суратлик елим қоғозлар бор эди.

Васянинг хўп йиғлагиси келиб эди-ку, лекин йиғлаб бўлмайди. Шу тобда боши оғриб турган отаси йиғи товушини эшитса, шовкин солиб, ер денсиниб боради, балки тутиб олиб уради, шу хуморлик вақтида урса ҳам хашилакам урмайди, лекин. Кампир Васяга бўлушади, унда ота, кампирни ҳам аяб ўтирмасдан қалтаклай беради; бу хангома, охирда келиб Егоричнинг мушлагини а аралашмоғи, Путохинга ёпинмоғи ва иккаласининг турсиллаб ерга андарилмоғлари билан ҳамом бўлади. Иккаласи ерда сурилишиб, тиширчишиб юриб,

мастлар, хайвонлар сингари вахшат билан пишнашадилар, кампир бўлса йиғлайди, болалар чийиллашади, кўни-кўшни бесарапжом бўлиб дарвозабонга одам юборадилар. Йўк йиғламагани яхши.

Овозини чиқариб йиғлолмасдан ва жаҳлини юзага чиқаролмасдан, Вася, сизирдай мутрайди, бармоқларини эгиб сиздиргундай бўлади ва ер тепинади ёки ўз егини маҳкам тишлаб олиб, тиш ўтмасрак нарсага ёпишган итдай, зўр бериб у ёқ-бу ёққа жиркийди. Кўзлари кинидан чиққан, юзи жаҳлининг кучидан кийшайиб кетган унга қараб туриб, ўз бошига рўмолини бирданга тортиб олиб, дамни чиқармасдан, икки кўзини бир нуктага тиккани холда, қўл ва оёқларини жиннилардек ўйната бошлайди. Ана шундай вақтда, мен ўйлайманки, бола билан кампирнинг миёсида «биз тугадик энди, бизга тириклик йўқ!» деган равшан бир хаёлдан бошқа нарса айланмайди...

Путохин йиғиларни эшитмайди, лекин у ўз уйида ўтириб ҳамма нарсани кўриб туради. Орадан ярим соат ўтказ, Вася кампирнинг қалин рўмолига ўралиб мактабига жўнагандан кейин, ога, юзи таъриф ва тавсиф қилиб бўлмайдиган бир холда, кўчага чиқиб ўғлининг кетига тушади. Ўғлини чакиртган, юнатган, мархум онасининг арвоқини шафеъ келтириб туриб ундан кечирим сўраган келади, лекин кўкрагидан сўз ўрнига ёлғиз хўрсинишли йиғи чиқади. Кун эрта, ҳали ҳам совуқ ҳаво. Шаҳар мактабига етканидан кейин, Вася, ўз ўртоқларидан «кампирга ўхшайсан» деган ормакни эшитмаслик учун, устидан қалин рўмолини олиб устидан яланг каваг, енгил кийими билан мактабга киради. Путохин бўлса, уйига қайтгач, яна хўнграк отиб йиғлайди, аллақандай бир-бирига ёпишмаган сўзларни айтиб гудуранади, ҳам онага, ҳам Егорицга, ҳам унинг иш дўконига қуюк-қуюк таъзимлар килади. Сўнгра, бироз ўзига келганидан кейин, югурганича меннинг ёнимга келади ва нафаен бўтзига тикилгани холда, худо хурматига ялиниб менадан бирорта ишга жойлаб қўймоғимни сўрайди. Мен ваъда бериб ишонтираман, албатта.

Энди кўзим очилди, хайрият?! дейди у. Оёғим кирадиган вақт ҳам бўлди. Хўб айнидим, бае энди!

Севинади, менга қулиқлар килади, мен бўлсам, шу кўрага ога бўлганимдан бери, шунча замоннинг ичиде, бу хурматлик

кўшчиларни жуда яхши таниб олганлигимдан, унинг юзига қараб туриб, тўнча-тўғри ўз бетига:

- Кеч қолдинг, жигарим! Сен ўлган кишисан, - дегим келади.

Меникидан чиқиб, Путохин, тўнча-тўғри шаҳар мактабига чопади. У ерда, у ёқ-бу ёққа бориб юриб ўғлининг мактабдан чиқишини кутади.

Нихоят, Вася чиққанидан кейин, севиниб:

- Менга қара, Вася! - деди у. - Менга ҳозир хизмат топиб берадиган бўладир. Сен шошма, мен сенга жуда яхши пистон олиб бераман... Мен сени гимназия мактабига бердираман, тушундингми? Гимназия мактабига!.. Мен сени қатта одам қиламан! Ичкиликни мундан нари оғзимга олмайман. Азбаройи худо, оғзимга олмайман.

У порлок келажагига жуда пухта ишонади. Лекин яна кеч киради. Кампир, иккита бир мириллини кўтариб, ҳориган-чарчаган ва эзилган ҳолда уйга келади-да, болаларнинг кийимларини ювгани ўтиради. Вася ўтириб ҳисоб масаласини ҳал қилади. Егорич ишламайди. У Путохиннинг «шарофатида» ичкиликка ёмон ўрганиб қолди, шу тобда ичкиликнинг қаттиқ хумори тутаётир. Уйлар исенк, дим. Кампир кир ювиб турган туника тоғарадан буруксаб-буруксаб буг чиқади.

- Бир бориб келсакми? - деб, тундик билан сўрайди Егорич.

Менинг ижарачи кўшим индамайди. Шунча кўнгиш қароллигидан кейин у асло чидаб бўлмайдиган даражада сиккилади. Хумор билан, хафалик билан зўр бериб олишади... Албатта, хафалик зўр келади. Ундан нарисен маълум...

Қоронғи гушқандан кейин Егорич билан Путохин чиқиб кетишди; эрта билан Вася кампирнинг қалин рўмолини ҳам тополмай қолади.

Мана шундай гаплар ўтган бу квартирада. Қалин рўмолини сотиб ичкач, Путохин, шу бўйича уйга қайтиб келмади. Қасрларда йўқ бўлганини билмайман. У бедарак йўқ бўлганидан кейин кампир ҳам ичкиликка берилди, сўнгра оғриб ётиб қолди. Уни хастахонага олиб келдилар, ёш болаларни алақайсен қарилошлари олиб кетди, Вася бўлса мана шу қирхонага ишга кирди. Қундуз қушлари дазмол қизитиб бериб, кечалари

пиво кетидан чопарди. Кирхонадан хайдаб чиқарган эдилар, аллақандай бир ёш жувонининг хизматига кириб, аллақандай хизматлар кетидан, кечалари чопадиган бўлди. Унинг ўзини ҳам «даллол бола» кўйдилар. Ундан кейин шима бўлди экан, хабарим йўқ.

Мана бу хонада эса ўн йил бўлиб бир қашшоқ, гадоё чолғучи яшади. Ўлганидан кейин кўрмасининг каватидан йиғирма минг сўм пул топиб олдилар.

## ГАМ

**Б**утун Галчин волостида бурундан бери жуда хушарманд уста, шу билан бирга бузук бир одам бўлиб танилган қирмачи Григорий Петроф ўзининг касал камширини (хоганини) земство хастахонасига олиб бораётди: хастахонага ҳали 30 чақирим бор, ҳолбуки, йўл жуда ёмон, унда бу хушкмас уста Григорийни эмас, подшоликнинг хат таъиниб турган чопарлари ҳам ожизлик қилинади. Худди қаршидан – одамнинг юзига ўтқир, совуқ бир шамол келиб уради. Кўкка, қай томондан қарасанг ҳам, қор парчаларидан бутун-бутун булутлар кўрилади, шу учун қорнинг на кўкдан тушгани ва на ердан кўтарилганини билиб бўлмайди. Қор туманлари кетидан на тепа кўрилади ва на телеграф мўминлари ва на ўрмон; шамолнинг энг қаттиқ зарбалари келиб Григорийнинг юзига тушганда эса, ҳатто араванинг дўғасини ҳам кўриб бўлмайди. Дармони йўқ бия аранг судралади. Унинг бутун кучи бел бўйи қордан оёғини тортиб олиш ва бошини чайқашга кетади. Уста бўлса шовилди. У эгар-курси устида бетоқат бўлиб санчин бирушга бечора ҳайвонни камчилайди.

– Сен Матрёна, йиғламагни... – деб сўзлади у. Жиндак бардош қилгин. Хастахонага лахзада етиб борамиз. Худо хоҳласа; ундан кейин бир нафасда есени ҳалиги ниманг... Павел Иванович есени томизадиган дорисидан беради, ё жиндак қон олганга буюради, ё бўлмаса, таъби хоҳлаб кетса арақ-марак минан ишқалайди, шу минан ишқайкейин... Ёнбошиндан иллагин тортади олади. Павел Иванович, бўш келмайди... Бир ўшқуриб олади, ер дегениш юнуса қилади, аммо яқин бўли

келмайдн... Жуда яхши, муомала килдишни билдирган одам, худо илоҳим умрини узок килсин... Етиб боришимиз билан, уйдан чоғиб чиқиб, аввал бир қур койиб, уришиб ҳам олади. «Бу нимаси, бу кандай гап? - деб бакиради. – Нега бемаҳал келдинг? Нима гап? Мен сешларнинг итларингманмишки, эртадан кечгача сен лаънатлар минан чувалашайини? Нега эрта минан келмадинг? Йўқол! Арвоҳиш ҳам қолмасин бу ерда! Эртага кел!». Мен ҳам бўшашмайман: Хурматлик доктор Павл Иванович. «жаноб таксир!» Юрушуб қол, эй ер тортқур, лаънати, чу!..

Уста хайвон бенорани камчилади ва кампиринга карамасдан ўзига ўзи гудуралиб тапиреди:

– Жаноб таксир! Худони шафесь келтириб айтаман, агар... ҳар нима бўлай, ишонинг-ишонманг тонг отар-отмас чиққанман. Вақтида келиб етиб бўладими, шундайда, худованди каримнинг биз қулларига қаҳри келиб, мундай қорли бўрошларни юбориб турса? Ўзингиз кўриб турибсиз мана... «Мана-ман» деган отлар ҳам шу тобда бир қадам босолмайдн, менники бўлса, ўзингиз кўриб турибсиз, от эмас, бир шармандалик! Иннайкейини Павл Иванович ковоғини солиб кичқиради: «Биламиз сизини! Сиз ҳамма вақт гап топасиз! Айниқса сен, Гришка! Яхши биламан мен сени! Йўлда келгунча беш-олти жойга арақ ичгали киргандирсан!». Яна мен жавоб қиламан: «Жаноби таксир! Мен нима: у дунёдан умиди йўқ бандан даргоҳманми? Кампирим жон бериб ўлиб ётади-ю, кўнглимга арақ сиғадими? Йўқ-е, инсоф қилинг-е! Аракхонаси қуриб кетсин!». Иннайкейини Павл Иванович сени хастахонага олиб киришга буюради. Мен бўлсам ўзимни унинг оёғига ташлайман... «Павл Иванович, жаноби таксир! Сизга жон-дишимдан қуллиқ қиламан. Биз аҳмоқларини, биз осийларни кечиринг. Сиз айб қилманг, биз қишлоқ одамларини! Бизни тешиб хайдаш керак-ку, аммо сиз машаққат тортиб, биз учун оёғишизни совуқ корга тушуриб ўтирибсиз!». Павл Иванович, мана бундай килиб, ургундай бўлиб бир қарайди-ю, дейди: «Сен аҳмоқ, ўзингни ерларга ургандан кўра, арақ ичвишни ташлаб, кампирингга қарасанг-чи! Қалтаклаш керак сени!». «Рост айтасиз, қалтаклаш керак Павл Иванович, азбаройи худо, қалтаклаш керак! Нега, ахир оёқларингизга ўзимизни урмайлик, сиз бизнинг марҳаматлигимиз,

отахонимиз бўлсангиз? Жағоби тақсир, рост айтаман... Худо гувоҳ, мана... ёллон айтсам юзимга тупиринг. Менинг кампирим, ана у, ўзини бир ростлаб бурунги аслига келиб олса, жағобингиз нима бутурсангиз ҳаммасини килиб бераман! Агар хоҳласангиз карелия карагайидан жуда ғалати папирос кутиси... Крокет деган ўйинингизга соккачалар... Жуда ғалати «заграничний» кегллар йўниб бераман... Нима десангиз килиб бераман. Бир чака олмайман сиздан! Маскавдан оламан десангиз ўшандай папирос кутисини тўрт сўмдан камига ололмайсиз, мен бўлсам бир чака ҳам олмайман». Доктор куладлю, дейди: «Хим, бўпти-бўпти, ихлосингни биламан, фақат шуниси борки ниянчтасан...» Мен кампиржон, улуғлар билан гаплашганини яхши биламан. Мен гапирсам йўлга тушмайди-ган улуг йўк сира. Ичкилиб худо ўзи саклаб йўлдан озмасак бўлади. Бўрончи кўрғин! Кўзим кўр бўлай дейди.

Шундай килиб, устанинг сўзланишин тугамайди. Ўзидаги оғир хиёни босмоқ учун бирушта тилига зўр беради. Тилига келиб турган гап кўн, лекин бошини тўлдирган ўйлар ва саволлар ундан ҳам кўнрак, бу гап устани бирданга, ҳеч бир кутилмаганда келиб босди, шу учун у ҳеч бир кўзини очиб, ўзига келиб ўнганолмаётир. Хали шу вақтгача на ғам, на шодлиқни билмасдан, ярим мастлик ҳолида нарвосиз ва гашвинсиз яшарди. Энди мана бирданга кўнгида мудҳиш бир оғрик хис эди. Ўлиудай бепарво, эришчак ва пияшета бўлган бу махлук, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўк, бирданга ишлик, серташвиш, шошилган ва ҳатто табиат билан кураш бошлаган бир инсонга айланди.

Уста бу гамнинг кечаги кундан бошланганини биларди. Кеча кечкурун у хар кунгидай шпракайф бўлиб уйига қайтган. Ёки одагини килиб сўкинмакка ва мувит дўлаймоққа бошлаган эди, кампир ўзининг бу феъли ёмон эрига шундай бир қараш билан қаралики, илгарги сира бу хилда қарагани йўк эди. Одатда, унинг қариган кўзлари аламзадалар қарашини кўрсатар, овқатни кам, калтакни кўн ейдиган итларникики сини ари халим бўларди. Бу сафар бўлса у муқаддас расмларда и азизлар ёки ўлим олдидаги кинилар синигари шиддатлик... қаради. Ўша ажаб ва ёмон кўзларни кўришдан бошланди бу ғам. Эсини йўкотган уста кўншисидан от-арава сўраб олиб, энди мана

Павл Иваничга қап отадиган ва суркайдиган дорилар бериб, камширимнинг бурунги «карашнини кайтаради» деган умидлар билан уни хастахонага олиб кетаётир.

– Сен Матрёна, анака... – дея сўзланади у. Башарти Павл Иванич сендан эринг урардим, йўғимди деб сўраб қолгудай бўлса, тақир урмасиди, дегин. Энди мундан нари, сира урмайман сени. Пон урсун агар! Жаҳлимга чидамасдан урибманми сени? Бекордан-бекорга ургаиман. Энди раҳмим келаётир сенга. Бошқа одам бўлса парво ҳам қилмас эди. Мен, мана, хастахонага олиб кетаётирман... Ҳаракатдаман ишқилиб... Бўроини айтигин, бўроини! Ўзинг подшоҳсан эгам! Ишқилиб худо ўзи сақлаб йўлдан алашмасак бўлди... Қалай, оғрип ётирман биқининг? Матрёна, нега инламайсан? Сендан сўраётирман: биқининг қалай?

Камширинини бетига тушган қорларнинг эримаганлиги устага кизикрок туюлади, ажиб: бетининг ўзи ҳам алланечик чўзилди, оқимти, кўкимти, ранларга кириб, мўмдай хиралашиб, забитлик ва жиддий бир тус олди.

Эси настеан-да, лекин ўзинг ҳам! – дея гудуранди уста. – Мен маҳларда ҳисоб бераёткандай чини кўни билдан гапирётирман-у, сен бўлсанг мунақа... эси настеан-да, лекин! Аччиғим келса отини бошини бураман-у, Павл Иваничга кўрсатиндан ҳам кечиб юбораман!

Уста тизгинини ташлаб кўйиб ўйлайди. Бурилиб камширига карагани ботинолмайди: кўркич! Ундан гап сўраб жавоб ололмастик ундан бағтар кўркич. Ниҳоят, бу чучмалшиқини бартараф қилмоқ учун, у кампир томонга буришмасдан қўл узатиб, унинг совуқ қўлини ушлаб кўради. Юқори кўтарилиган қўл, гавроп ешиғари, яна настега тушади.

Ўлиб қолганга ўхшайди. Қиёмат!

Шундай қилиб, уста йилдай бошлади. У ачининдан кўра кўпроқ қуюларди. У «Мунча бевафо бу дунё» деб ўйлайди. Бошқа тушган ҳам бошланмасдан туриб тугалаётир. Камшири билан яшаб унга кўнлидаги гапларини айтиб, унга раҳми келиб битмасдан туриб кампир шўрлик ўлди кетди. У билан бирга қирк йил умр қилди, лекин бу қирк йиллик умр худди тумандай ўтмадими? Маслик, уриш-галани ва муҳтожликлар нчида умрининг ўтгани ҳам билинмади. Худди шу ўчашкандай,



кампир ҳам шундай бир вақтда ўлдиди, уста эндигина уни аямоққа, усиз яшай олмаслигини, унинг олдида жуда катта гунохкор эканини англамоққа бошлаган эди.

– У шўрлик гадойлик қилишгача етмадимми? – деб ўтканларни эслай бошлади уста. – Кўча-кўйдан нон тилаб келгали чиқарган ўзим эмасмидим? Қиёмат! Бу эсипаст яна бир ўн йил яшаса бўлмасмиди, мана энди, мени, чинакам бўлмағур одам деб билиб, армон билан ўтади. Ё қудратингдан эгам, қайси гўрга кетаётирман мен? Энди муни хастахонага эмас, гўристонга узатиш керак. Қайтдим орқага!

Уста аравани орқага қайтариб, бор кучи билан отини камчилайди. Йўл борган сари оғирлашиб боради. Энди дўғани ҳам ҳеч бир кўриб бўлмайди. Баъзида арча дарахтининг ёш бачкилари устига бориб қолади, алланималар келиб унинг қўлларини тимдалайди. «Лип» этиб кўз олдидан ўтиб кетади ва кўз ўнгида яна оқ майдон ёйилиб гир-гир айлана бошлайди.

«Қайта бошдан бир яшасам эди»... – деб ўйлайди у.

Матрэнанинг мундан қирқ йиллар бурун ёш, чиройлик, кувноқ ва бой хонадондан бўлганини эслайди. Мунинг ҳунарига кизиқиб бойлар ёш кизларини мунга бердилар. Чиройлик умр ўтказиш учун нима керак бўлса ҳаммаси бор эди, фақат эссизки, тўй тугалишида ўлгудек маст бўлиб, печь устида ўчиб қолганидан бери энди мана ўзига келгандай бўлади. Тўй эсида бор, аммо тўйдан кейин нималар бўлганини ўлдирсанг ҳам билмайди, жуда билган бўлса ичгани, ағанагани ва мушталашканини билади. Қирқ йил умр шу билан ўтди.

Қор сингари оппоқ булутлар аста-аста қорая бошладилар. Кеч кирмакда.

Бирдан эсига тушади:

– Қаерга кетаётирман мен? – деб ўйлайди у. – Муни гўристонга узатиш кераг-у, мен хастахонага кетаётирман... Жинни бўлибман!

Уста отнинг бошини яна орқага буриб, яна камчилай бошлади, кичкина байтал бор кучини тўплаб, пишнай-пишнай майда қадам ташлаб, йўртади. Уста у бечорани тўхтовсиз камчилаб боради... Орқадан алланиманинг тақиллагани эшитилади. У орқасига қайрилиб қарамаса ҳам, мархумнинг боши

чанага тегиб қақиллаганини билади. Ҳаво борган сари қорайиб, шамол борган сари совуғроқ ва аччиғроқ келиб тегади.

«Қайта бошдан бир яшаса эдим... – деб ўйлайди уста.

– Янги асбоб-ускуна килиб, буюртмалар олиб... пулларни кампирга берсам... маза!»

Бирданига тизгини кўлидан тушиб кетади. Ахтаради, яна кўлига олмоқчи бўлади, тақир ололмайди, кўли ишламайди...

«Эй, майли... – деб ўйлади у, – от ўзи кетаберади, йўлни билади. Ухлаб олсамми жиндак... Ҳали жанозаси ўқилиб кў-милгунча, жиндак ётсам бўлади».

Уста кўзини юмиб уйқуга кетади. Бир оздан сўнг у, отнинг тўхтаганини пайқайди. Уста кўзини очиб, чолдевор ё ғарамга ўхшаган бир нарсанинг кўз олдида қорайиб турганини кўради.

Чанадан тушиб аҳволни билиши керак эдики, лекин бутун аъзойи баданини шундай оғир бир эринчаклик қоплаганки, шу тобда ўрнидан кўзғолганидан кўра қотиб қолгани яхшироқ... ва шу билан данг қотиб ухлаб кетади.

Деворлари бўялган катта бир уйда кўзини очади. Деразадан куннинг ёруғ шуълалари куйилмоқда! Қаршисида бир мунча кишиларни кўриб, ҳаммадан бурун, ўзини уларга маънилик ва билимдон одам қилиб кўрсатмак истади.

– Кампирнинг жанозасини ўқиб юборсак, яхшилар! – дейди у! – Домла-имомга хабар қилсак...

Аллакимнинг овози унинг сўзларини бўлади:

– Ҳа, хўп, хўп! Ётатур ҳали! – дейди у овоз.

Қаршисида докторни кўриб, хайрон бўлади уста.


– Ё қудратингдан! Павл Иванич – дейди у. – Жаноби тақсир, саховатпешам!

У ўрнидан ирғиб туриб, олижаноб табобатнинг оёғларига ўзини ташламоқчи бўлади, лекин кўл-оёғи унинг гапига кирмайдилар.

– Жаноби тақсир! Оёғим кани менинг!? Кўлим қаерда қолди?

– Кўл-оёғингдан умидингни уз. Музлатиб кўйибсан! Кўй... кўй... Йиғлаб нима қиласан? Ёшларни яшагансан, худого шукур олтмиш йил яшагандирсан-ку, баъда ахир?!

– Шўрим куриди!.. Жаноби тақсир, шўрим куриди! Кечиринг мени тақсирим! Яна бир беш-олти йилгина...



- Нима даркори бор?

- От-арава бировшики, тошириш керакми... Кампирни кўмиш керакми... Бу дуиснинг вафосизлигини айтинг, жаноби таксир! Павл Иванович! Карелия карагайдан энгяхши папирос кутиси килиб бераман! Крокет ўйишига зш яхши...

Доктор қўл слтаб чикиб кетди. Устамиз - омин оллоху акбар.

## БИТАЎТГАН АВЛОДНИНГ СЎНГГИ ҚИЗИ

ЛГизматдап озов бўлган аскарый тўралардан ва хам помешчик (катта мулкдор) Докукиншикига куклам фаслида мехмон бўлиб бориб, энг гўзал куклам кушларидан бирида - зрталаб у иккаламиз ота-бободан қолган юмшоқ курсида ўтиришкан ваўлгудек хушёкмас бўлганимиз ҳолда, дераза оркали ташқарини томоша қилардик, ёмон зериккан эдик лскип.

Докукин ғудуранди:

Тууфф! Шундай зерикдимки, шу тобда судья присгав (суд ижрочиси) кириб келса хдм хурсанд бўлардим! - деди.

«Ўтиб ухласакмикан» деб ўйладим мен.

Шунака килиб иу зерикшиш тўтрисида биз икковимиз жуда узок ўйлаб кетдик; бир вақт, капчадан бери артилмаган ва ўзи най камалак каби неча рангли ойнаклар билан қопланган деразадан, ташқарида руй берган оламшумул аҳамиятга )га бўлган - кичкинагина бир ўзгаришка кўзимиз тушди ва шундан кейингина халиги ўйимиз узилди. Узгариш эса мана мундан иборат эди: дарвоза олдидаги ўткан йилги хашаклар устида дам бир оскин ва дам иккинчи оёгини кўтариб турган хўроз (у қурғур бирданига иккаласини кўтармоқчи эди, шекилли) бир варакасига чўчиб кстиб, ари чаккан боладай, бсзиллаб чопиб қолди.

Докукинга жоп кирди:

- Биров келаётир, ё отлих, ё пиёда... *-дсди* у, кулимсираб, худодан бўлиб мехмон-измон келсайди. Ҳар қалай кўнгил очиларди...

Хўроз алдамаган экан. Дарвозадан илгари отнинг боши билан кўкка бўялган дўға, ундаи кейин отнинг бугун ғавдаси

ца, ннх.оят, учншка хознрланган кўнгнзнннг канотларннш юлаткан - зўр ва беўхшов канотли, сурранг, огнр бнр «брнчка» (йўл нзвошн) кўрнндн. Брнчка дарвозадан кнрнб, ўлгудай кўноллк бнлан чапка бурулгач шалднр-шулднр ва тарақ-турук бнлан отхопага кнрнб кетдн. Аравада бнрн хотнп, яна бнрн, кнчкинароғн эркак бўлгани холда нккн йўловчнпнннг ўтнрганн кўрншардн.

Қуркув босган кўзлари бнлан менга караб, бош оркасннш қашнб гурнб:

- Эй, падарнга лаънат... - дея ғудурандн Докукнн. - Шунча берганлари етмагандек бу тортиғн ҳам бор жан фалакнннг. Бу кечатушнмда печкани кўрншнм ҳам бежнз бўлмаган экан-да...

- Хўш, ннма гап ўзн? Келган кнм?

- Сннглим-қуёвн бнлан, уннга ўт кетснн...

Докукнн ўрнндан турнб, ўзн тажанг, ун нчнда юруна бошлади.

- Юрагнм шундаккннн музлаб колдн... - дея зндн вайсагалн гушдн у. - у гнў нпннКайн сннглнснга қарнндошлик муҳаббатннн асрамаслк смон нарса, лекнн ншонннг-ншонманг у бнлан кўрншкандан жангаллардағн ўғрнбошлар бнлан кўрншмакнн ўзнм учун сннгнлроқ деб бнламан. Бнр жойга беркннеакмнкан дснман. Тнмошка маслаҳат «мажлиенга кетншкан» дсб баҳона қнлнб кўяр.

Докукнн баланд овоз бнлан Тнмошкани чақнра бошлади. Лекнн бахона кнлнш ва беркнннш вактн ўткан эдн. Бнрор минут ўтар-ў гмас дахлнздан внснрлаш овозлари келдн: йўгон овозлн бнр хотнн ннгнчка овозлн бнр )ркак бнлан ннчнрлаш-мокда здн.

- Этннгнмнн ўнглаб қўй! - дсдн йўгон овозлн хотнн. - Нарнғн шнмнннннн яна кннмай келнбсан!

Нннгнчка овозлн ўзннн оқлап а тнрнншб:

- Ҳаворанг шнмнмнн снз ўзнннгнз марҳамат қнлнб, Ваанннн Днптоннчка бернб қўйган эднннгнз, алвон олнмннн бўлса кнштача беркнтнб қўй дсган эднш нз - дсдн. - Рўмолинннгннн нчкарнга олнб кнрнб бераймн, ё шу ерда тура турснн дсйснзмн?

Ннқоят, эшнк очнлнб, унга қнрк сшларда, повча бўйлн, семнз, бордонсмон, мовнй рашла нпак қўйлак кннган бнр хотнн кнрнб келдн. Унннг кнзнд споклн, сепкнллн юзларнда

шу кадар дағал «катгалык» асари бор эдики, Докукиининг бу хогинни нега бу кадар ёмон кўрганини мен хам дарров кие қила олдым. У хотиннинг орқасидан майда босиб пакана, арвок, алвон сюртук, кенг шим ва бархиг жслаг кейган, гор елкали, гарашли, кизил бурунли бир одам кирди. Унинг кийимлари, юрүти-туриш, буруни ва бутун келишимсиз шаклидан кулларча ҳақирлик, эзилганлик... хиди келарди. Хоним, уйга кирганларидан сўнг, бизни кўрмагандай бўлиб гўнна-гўғри гасвирлар ёнига ўгдилар-да, ибодат расмини бажармакка бошладилар. Сўнгра бирдан эрига юз угириб:

- Ибодат қил! — дедилар.

Кизил бурунли махлукча бир сесканиб олиб ибодат қилмокка киришди. Хоним ибодатларини тугатқанларидан сўнг:

- Саломат келдингми, синглим! - деди Докукин унга ва бир «ух» торғди.

Хоним улугеимон бир кулимсирадилар ва лабларини Докукиининг лабига тўғри чўздилар.

Ҳалиги махлукча хам ўнч ҳаракагига тушди.

- Рухсаг этингиз, ганишгирай... Менинг синглим - Алимниада Егоровна Хилкина... Куёвлари - Досифей Андреевич. Бу киши менинг кадрдон дўетларимдан...

Алимниада Егоровна менга қўлини узатмаедан, кироят қилгандай чўзиб туриб:

- Қўн яхни. Жуда яхни... - деди.

Утирдик ва бир минут хаммамиз жим колдик.

Сўнгра Алимниада Егоровна Докукиинга караб сўз бошладди:

- Мехмон келишини кутмаган бўлсанг керак, а? - деди.

Мен ўзим хам бу ерга келарман деб ўйламаган эдим, хозир оксоколдизмишнинг ёпларига ўтиб кстаётирман, бу ерга йўл усти тўхгалдим...

- Оксоколда қандай ишинг тушиб колди? - деб сўради Докукин.

Хоним химо қилиб эрини кўрсатди:

- Нима ишим тушади? Мапа мушинг устидан арз қилмокчиман! - деди.

Дворян (оксуяк)ларнинг катгалари, раҳбарлари.

Досифей Андреевич кўзини қуйи солиб, оёқларини курсинг тагига яширишга тиришиб, уяганидан мушти билан озини тўсиб туриб бир-икки марта йўталиб олди.

- Нега бу кишининг устидан арз қиласан?

Алимнида Егоровна бир «уф» торғди.

Даражасини унутади бу! - деди у. - Нима қилай? Сенга айтдим бу тўғрида, мушинг ўз ота-оналарига айтдим, бир воиз насиҳат қилиб қўйсин деб Григорий домиллаининг ёнларига ҳам олиб борди, ҳеч нарса чиқмади! Ночор-ноилож оқсоқолларимизни потишчи қилишга тўғри келади...

- Нима гуноҳ қилди бу киши?

- Ҳеч нарса қилгани йўқ, даражасини унутади, даражасини! Бу, ўзини билсин, ичкилик ичмайди, ювош, боадаб - лскин даражасини билмагандан кейин муздан нима фойда? Муш қара, ахир, худди маҳкаматага арзга келган, ё бўлмаса, насл-насаби белгисиз одамдай бўкилиб ўтиради. Дворян (аслзода) деган шунақа ўтирадимиз? Тузук ўтир! Ҳой сенга айтаман!

Досифей Андреевич, коидага тўғрилаб ўтирмоқ учун бўлса керак, бўйинини тоз қилиб гиклади, жагини кўтара тушди, сўнгра авайлаб туриб, кўзини тснага кайгаргани холла, хоғинига қаради. Бу қараш, айб иш қилиб қўйган ёш болаларнинг қарашларига ўхшарди. Бу суҳбатчиланинг ички, сирли томонларига қараб кета бошлагач, мен чиқиб кетмак учун ўрнимдан гурдим. Хилкина менинг ииятимни пайқади:

- Майли, ўтирабсринг! - деб мени тўхтатди. - Ёш йигитларга бу хил гапларни эшитиш фойдали. Биз ўқимаган одамлар бўлсак ҳам сизлардан кўра кўнрақ яшаганмиз. Худо илоҳим, ҳаммага биздак яшамокни насиб қилсин... - Сўнгра укасига томон бўрилиб - энди ука, овқатни ҳам ҳаммамиз бирга қиладиган бўллик, айтканча, бугун сизлар учун бс-нарҳез<sup>1</sup> овқат иширтанлардир. Сен, балки, бугун чоршанба 'жанини ҳам билмай тургандирсан... - иу срда бир хўрсиниб кўйди хоним. - Бўлмаса одамларинггаайткиш: бизга нарҳезлик овқат қилиб беришсин. Сен нима десанг-дегин, биз бепарҳез овқатни емаймиз.

Насронийлик лши, рўчди ди ўхшаш, баъчи овқатлар учун лшини нарҳез оюрилади.

Докукин Тимошкани чакириб, парҳезли овқат буюрди.

- Овқатни киламизу оқсоколпикига жўнаймиз... - дея сўзида давом қилди Хилкина. - Шунга бир зехнингизни қўйсангиз деб ялиниб кўраман. Иўлдан озган дворянларни йўлга солиш - ўшанинг иши-да.

- Досифей йўлдан оздими ҳали? - деб сўради Докукин.

Хилкина аччиги келиб қовоғи солинди:

- Худди эди эшитастган одамдай ганирасан, - деди у. Ундай дссам, сенга барибир-ку... Сен ўзинг ҳам ҳали ўз даражангни унча кадрламайсан-ку... Қани, манабу ёш афандидан сўраб кўрайликчи. Менга қаранг, яхши йигит, деб менга хитоб қилди хоним. - Сиз нима дейсиз: нажиб бир оиланинг боласи кай ердаги зоғи паст одамлар билан чуваланиб юрса яхшимми?

Мен довдираб колдим.

- Зоғи пастнинг ҳам хар хили бор... - дедим.

- Чунончи, масалан, Гусев деган савдогар бой билан. Мен у Гусевни остонамга қадам бостирмайман, бу бўлса у билан «шашка» ўйнайди, уникига бориб овқатини ейди. Оддий бир мирза билан овга юрганига нима дсйсиз? Бир мирза билан гаплашадиган нима гани бўлади муниг? Сиз мендан сўрасангиз агар, ҳурматлик меҳмон, мирза деган нарса бу билан гаплашмак тугул, муниг ёнида унини чиқармаслиги лозим.

- Менинг кўнглим юмшоғроқ... - деб пичирлаб қўйди Досифей.

Камоли жахлидан, каттакон узуги билан куреининг оркасига так-тақ уриб туриб:

- Кўрсагаман мен сенга томшоғликни, шошмай тур ҳали! — дея иўнуса қилди хотини. - Аслазодалик номимизни хор қилдириб қўймайман мен сенга! Гарчи сен менга эр бўлсанг ҳам, шармандалар киламан мен сени! Тушунининг керак! Сени яхши одамлар орасига олиб кирган мен бўламан! Булар, бу Хилкинлар авлоди, мен сизга айтсам, афандим, буди-шуди колмаган авлод, мадомики, мен, Докукинлар авлодининг боласи бўлиб туриб мун эр қилибман, бу менинг кадримга стиб иззатимни бажо келгириши керак! Мен си л а айтсам, муниг ўзи ҳам менга арзон гушкани йўқ! Хизматга жойлаб қўйишимнинг ўзи қанчага тушди! Узидан сўранг! Мен сизга айтсам, мун имғихон билан биринчи даражага ўтказиш учунгина уч

юз сўлкавоим кетди! Нега мен мунча уринаман? Сен... хапи, мен учун уринади дея тургандирсан? Ялглишасан! Менга ўз асизодалик номимиз қиммат! Агарда шу асизодалик номимиз бўлмаса, мен сенга айтсам, сенинг умринг ўчоқ бошида чириб кетарди!

Шўрлик Досифей Андреевич, индамасдан кулок еолар, фақат, қўрққанидаими, хижолатидаими билмадим, хадеб кимгиннардн. Бу забглик хотин овқат вақтида ҳам унга тиичлик бермади. Хоним, кўзини ундан узмае ва униинг хдр бир харакатиши кузатиб борарди.

Шўрвани а жиндак гуз ташла! Кошикни йўғри тут! Салам идишини еал нарига еуриб қўй, йўкеа ентинг тегиб қолади! Кўзини шинилпиллатма!

У бўлса шошилиб-иншилиб овқатиши еяр ва хотинишинг кўзлари оегида, захарлик илон чангалга тушкан куён каби, хар нафасда минг бураларди. Хотини билан бирга парҳезлик овқатиши еб ўтириб бизнинг гўштлик котлетларга кўзи ўтарди.

-Фотиҳа кил! -дсди хотини унга овқатдан кейин. - Куллик кил укамга.

Овқатдан сўнг Хилкина истирохат қилмоқ учун ётоқ уйига кириб кетди. У чиқиб кеткач, Докукин ўз сочлариши чангаллаб олиб уй ичида юрнди.

Тснаеидан тоғ тушкан кишидай эркин бир нафас олган Досифейга караб:

- Шўринг курсин сени, дўстим, пешонаинг курсин! Бир соат бирга ўғириб - дўзах азоби торгдим, сел бечора кеча-кулдуз биргасан... Аҳ! Сен кулсан, асирсан, кишанга тушган бир бапдирсан?

Досифей кўзларини пилпиллатиб туриб сўзланди:

- Узлари, дархақиқат, анча забгликлар-ку, лскин кеча-кундуз ҳақларига дуо килишим керак, чароки у кишидан кўрганим камавакт мурувват ва мухаббат бўлди.

Докукин кўл силтади:

-Тамом бўлибсан! - деди, - Йўксабирзамон мажлисларда сўз килган, уруг сепадиган машина ихтиро килган одам гадинг! Бу алвасти сени ҳам ўз жинсига айлангирибди! Эҳ!

У ёқдан хотини, ўзининг йўгон овози билан:



- Досифей! - дсб чакирди. - Қасрда қолиб кегибсан! Бу ёкка кир, маиа бу чивииларни кўри!

Досифей Андреевич бир чўчиб тушди-да, оек учи билан кадам кўйиб, стоқуёига томон чоңди.

Унинг кстидан Докукин:

- Тууфф қаммангга! - деб тупуриб колди.

## ЕГЕР<sup>1</sup>

Чгошка вакти. Исик ва дим. Кўкда булутдан асар ҳам йўк... Офтобда қовурилган нарсалар мунгли, умидсиз бир караш билан қарайдирлар, энди ёмгир ётса ҳам уларга кўкармак йўқ... Урмон, бошини чўзиб аллақайларга караган ски алланарсани кутган каби, индамасдан, қимирламасдан турали.

Бедазорнинг бир чаккасидан кизил кўйлакли, бойлар киятурган, лекин ямокли кснг шим кийган ва остида зўр этиги бор, қирқ ёшларда, новча бўйли ва тор елкали бир кишлоки лапанглаб олиб эрина-эрина судралаиб келмоқда. Ундан кўм-кўк бедазор, сўлда эа, то уфкларга кадар чўзилиб етилап кора бугдой дсш изи старди... Кишлоқи қиққизариб, терлаб кеткаи. Унинг ошноқ сочли, чиройлик бошида пайгарчиларники сингари узун соябонли ок шапка, от ўйнаткан ботирлардай, басавлат ўтирала; буса-муса уни бирорга танги бойбачча хадя килган. Елкасига илварсин халтаси осилган, халтанинг ичида мажакланиб хирмоншокушининг зркаги ётади. Қишлоқи, кулангири кўгарилган икки тигли ов милтиги қўлида, кўзини қисиб ўзининг қари, арвоқ кўнчагига қарайди, кўинак бўлса бачкиларни искай-искай олдида чошиб боради. Теварак-атроф жим-жит, ун йўк... Бутун жонивор исситдан қочиб беркинган.

Овчи бирданига оҳистагина бир овоз эшитгади:

- Егор Власич!

У есеканиб кетади, сўнгра, айланиб карагач, қовоғини буруштиради. Унинг ёнида кўлида ўроғи билан, худди гайбдан зпандик, захл рангли, ўтгиз спларида бир хотин турали. У

<sup>1</sup> Немецча сус. овчи демакдир. Бурупти рус мулкдорлари ўчлари учуп махсусе овчи саклардилар, бу овчиларни «егерь» дердилар.

хотин овчининг ючини кўришқа тиришади ва уялчан кулум-сирайди. Овчи тўхталиб ва милтик кулангиридан секин-ескин кул тортиб:

Ҳа, сенмисан, Пелагея! - деди. - Ҳим!.. Қандай бўлиб сен бу ерларга келиб колдинг?

- Бу ерда бичнинг қишлокли хотин-халаж ишлашади, мен ҳам ўшалар билан биргаман... Ёлланиб хичмаг қилаётирман, [о]р Власич!

Егор Власич сигир мурағапдай:

-Ҳўн... - деб қўйиб яка астагина ўч йўлига кета бошлайди.

Кстига Пелагея тушади. Шундай килиб иккаласи индамасдан йигирма-ўттич қадам босадилар.

Овчининг сидкиниб бораётган елкаларига ва оркасига мулойим карашлар билан карай-карай:

- Сичши кўрмаганимга анча бўлиб колди, Егор Власич... - деди Пелагея. - Бичнинг қишлоққа бир бориб бичнинг уйда биргина коса сув ичдиғич ваўшандан бери сичши кўрмадик... Бичнинг қишлоққа бир нафасқа тушдиғич ва ўшанда ҳам, худоўчи гувоҳ... қапдай маёт холда тушдиғич... Сўкиб-сўкиб, уриб-уриб чиқдиғич кетдиғич... Кўч тутдим-кўч тутдим... кўчларим тўрт бўлди сичнинг йўлинида... Эҳ, Егор Власич, Егор Власич! Бир марта кириб чиқсанғич нима бўларди!

- Мен кирганим билан нима бор сеникида?

- Албатта, ҳеч нарса йўқку-я... Шундай бўлса ҳам... Ҳарна рўчгор деган нарса бор... Нима бор, нима йўқлигини сўрадиғич... Рўчгорнинг эгаси бўласич, ахир... Ё кудратингдан, галати куш урибсич-ку, Егор Власич! Утириб жиндак дам олсанғиччи...

Шу гапларни гапираркан Пелагея, гелба одамдай, ҳадсб кулади вабосини кўғариб Егорга карайди... Ючларидан шундоқкина саодаг егдулари қуйилади...

Егор лоқайд бир оҳанг билан:

- Утирсам ўтирай деди ва икки тун арча дарахт баққиси орасида ўчига жой гаплайди. - Сен нега ўгирмайсан? Утир сен ҳам!

Пелагея ундан йирокроққа - офтобга ўтиради ва ўч шодлигидан хижолат тортиб, кулиб гурган огчини қўли билан беркитади. Икки дақиқа қадар иккаласи ҳам жим қолишади.

С'ушгра Педагея астагиа сўз бошлаиди:

- Биргина марга кириб чиқсангиз бўлмасиди? - деди.

Бошидаи шаикасии олиб кизарган испонасини аргаркан:

- Нима кераги бор? - деди Егор. - Ҳеч бир ҳожаги йўқ.

Бир соат-ярим соатга борсам бехуда оварачилик бўлади, фақат сени бссаранжом қилганим қолади, қишлоқда муқим қолиб кетишга кўнгила унамайди... Сен ўзинг биласан, мен ёмон ўрганиб қолган одамман... Менга крават ҳам жойида, жой ҳам точа, гап-еўз ҳам бамаъни... Ишқилиб маишаг асбоби гўла бўлсин, сенинг кишлоғингда бўлса йўқчиликдан, аччиқ тутундан бошқа ҳеч нарса йўқ... Мен бир кун ҳам гурулмаймаман. Башарти чунончи, масалан, мен, албатта, сен билан бирга гурсин деб қағдалардаи бир фармойиш бўлса, мен ё - уйимга ўг кўярдим, с ўз-ўзимни ҳалок қилардим. Болалигимдаи менга бу одаг сингишиб қолган, ҳеч бир иложим йўқ.

- Шу тобда қаерласиз ўзингиз?

- Дмитрий Иванович хўжайним бўлади, ўшанинг овчисиман. Уша кишининг овқатига илварсин уриб бераман, аммо лекин кўпроқ ҳавас учун олиб юради мени.

-Улутсимон ишта ўхшамайди бу ишингиз, Егор Власич... Одамларуни кўнгила очип учун қилишади, сиз бўлсангиз пеша айлаб... қасбдай бир нарса қилиб олибсиз...

Ҳасрат билан кўқларга тикилгани холда:

- Сен, лодон, мунақа нарсаларни билармидинг, қалай? - деди Егор. - Мен нима одамман? Мени сен шунча йил умр кўриб, билган эмассан, мундан нари ҳам то ўлгунингча билмай ўтасан... Сен мени бир девопа, бир бетовфиқ банда деб ўйлайсан, аммо тушунадиган одамлар бор, улар бўлса мени бутун шу уезда энг уста мерган деб биладилар, у одамлар мени яхши билишади, мени тўғримда газетка ҳам бигишди. Бу овчилик хусусига келганда мен билан тенглашадиган ҳеч ким йўқ. Сенларнинг дехқончилигингни жиним суймайди, аммо лекин бу менинг хон қизидай зрака ўсканимдан с бўлмаса қағдалик қилганимдан эмас, мен сенга айтсам, умримда ов милтиги, ов итидаи бошқа нарсани кўрматганимдан милтигимни олиб қўйсалар қармоққа ёпишаман, қармоғимни ҳам олиб қўйсалар, қўлим мишаи ов қиламан. Ори рост, бир замоналар от жаллоблиги ҳам қилганман, чорбозорга ҳам қағнаганман, у вақтларда

пул дстан нарса бўларди менда, ўзинг ҳам биласанки, овчилик иштига тушкан, с от жаллоблик йўлга кирган кишлок одами омов буйиштурук билан хайр-манзур қилади. Бу еаёллик савдоси одам боласига бир ёнишкандан кейин, сира чикариб бўлмайди уни. Мана, чунончи, хўжайинларда ҳам баъзи бир хиллари артистликка с бошқа шунақа ўйин кўчаларига кириб кетса, кейин на гўраликка ярайди, на номешчикликка. Сен, аёл нарса, мунака нарсаларни тушунмайсан, тушунини керак лекин.

- Тушунаман мен, Егор Власич.

- Ийглай-ийглай деб турибсан, тушунмаганинг - шу...

- Мен... Мен ийлаганим йўк, - деди Пелатая тескари караб. - Айб, Егор Власич! Биргина кун бўлса ҳам мен шўрлик билан туриб кўйишингиз лозим эди. Сизга эрга текканимга мана 12 йил бўлди, аммо... аммо лекин орамизда бир мартаба ҳам бўлсин суюшув дстан нарса ўткани йўк!.. Мен... Мен ийглаб ётканим йўк...

Қўлларини каший-каший.

Суюшув... дся гудуранди Егор. - Суюшув нима қилсин бизда. Бизнинг эр-хотинлигимиз қурук ном, холос, шундай эмасми, ахир? Сенинг кўзингда мен бир ёвойи одамман, менинг назаримда сен бир лодон, бир соддади аслсан. Хил келган еримиз борми? Мен - нуктаси йўк, саёк бўлиб ўскан, ўйинкароқ бир нарсаман, сен бўлсанг - юмушга юрадиган, чорик судрайдиган бир кишлоки аслсан, турмушинг ифлос, бошинг меҳнагдан чикмайди. Мен ўз хусусимда шундай мулохаза қиламанки, овчилик хусусида мен биринчидан, сен бўлсанг мента рахминг келгандай бўлиб қарайсан... Қани хил келганимиз?

- Орамизда инкоҳ бор, ахир, Егор Власич! - деди Пелатая хўрсиниб.

- Зўр билан никоҳланганмиз... Эсингдан чикдими ё? Граф Сергей Павлочка қуллик қилишинг керак... ундан кейин ўзишта. Мен мерганликда ундан ўткур эмасманми, шунга і аши келиб бир ойгача меня ичкилик билан сувгарди, масг одамни уйлантиришқина эмас, бошқа динга киргизиши ҳам хеч гап эмас. Ана ўша аламини оламан деб мени сенга уйлантириб кўйди... Егерга бир молбоқарни олиб берди! Сен менинг

мастигимни билардинг-ку, нега тегдинг? Крипоснойлардан эмасдинг-ку, унамасанг бўларди! Албатта, бир молбоқар егерга текеа жон дейдику-я, лекин мулоҳаза қилиш керак эди. Мана энди азобини ўзинг торт, ўзинг йигла. Графка - кулги, сен бўлсанг йигла. Бошипги тошга ур...

Жимлик чўқади. Бедазор устидан учта ўрдак учиб боради. Егор уларга тикилади ва кўзга сал-сал илашадиган кора нукта сингари бўлиб хув... олисларга - ўрмон кетига тушкунча уларни кузатади.

Кўзиши ўрдаклардан Пелагеяга кўчириб:

- Тириклигинг нима билан? - деб сўрайди у.

- Мана хозир юмушга бошладим, кишда бўлса гўдакхонадап бола олиб эмизги билан боқардим. Ойда бир ярим сўм беришарди.

- Хўп...

Яна жимлик. Урилган бугдойзор томонидан келган юмшок бир ашудаовози бошланар-бошланмас тўхтаб қолади. Иссигда ашула айтиб ҳам бўлмайди...

- Сиз Акулинага янги уй қилиб берган эмипенизми? - деди Пелагея. - Ундай бўлса у сизга ёкиб қолгандир-да...

- Сенинг бахтинг шу ўзи, езмишинг! - деди Егор кизишиб туриб. - Бардош қил, етимча. Хайр энди, кечиргин, хали ҳам кўп ганирдим... Кечкача Бўлвога етиб бормасам бўлмайди.

Егор ўрнидан туриб, бир киришиб сўнгра милтигини слакасига олади. Пелагея ҳам ўрнидан туради.

У оқистагина:

- Қишлоқ томонга қачон ўтасиз? - деб сўрайди.

- Нима бор қишлоқда. Хўшёр бўлсам агар якин йўламайман, маст бўлиб келишимдан сента наф йўк. Маст вақтимда одамликдан чиқаман мен... Яхши қол!

- Яхши боринг бўлмаса Егор Власич!

Егор шанкасини кийиб игини имлагач йўлга гушди. Пелагея турган жойида туриб қолиб уни кузагади... У Егорнинг силкиниб бораётган куракларини, ҳайбаглик гарданини, хушкмас, бснарво қалам ташлашларини кўради ва кўзларига мунг билан юмшок бир эркалик тўлади. Унинг назарлари эрининг орик, новча бўйлари бўйлаб чопади ва уни эркалатиб сийналайди... Егор бу қарашни сезгандай, гўхтаб оркасига қарайди...

У индамайди, жим, лекин унинг юзини, кўгарилган елкаларини кўриб, Целагея, Егорнинг ўзига бир нарса айтмоқчи бўлганини пайкайди. Пелаг ея, унча ботинолмасдан асгагина яқинлашиб бориб, ёлворувчи қарашлар билан унга қараб қолади.

У мунга гомон бурилиб:

- Ма! - деди:

Ва қўлига мажақлашиб ксган бир сўмликин узагиб, яна тезгина ўз йўлига кетади.

Целагея, беихтиер пулни олиб туриб:

- Хайр энди, Егор Власич! - деди.

Егор узун, қайишдай тўтри тортилган йўл билан кетиб боради... Целаг ея эса, ранги ўчкап, ҳайкалдек котқани холда بازارлари билан унинг ҳар бир қадамини овлайди. Ана, кўйлагининг кизил ранги шимининг қора ранги билан куйилишиб кетди, қадамлари кўзга илашмайди, итини этигидан ажратиб бўлмайди. Ёлгиз шапканинг ўзигина кўрипади, факат... Егор бирданига ўнга - бедазор томонга бурулгач, шапка ҳам кўк орасида гойиб бўлади.

Хайр энди Егор Власич! - деб ичирлайди Целагея ва оқ шапкани яна бир марта бўлса ҳам кўриб қолмоқ учун, оёқ учи билан туруб, чузилиб қарайди.

Егор индамайди.

## БЎЙИНГА ОСИЛГАН АННА

### I

Янкох ўқилгандан кейин енгилтаккина бир ош-сув ҳам бўлмади; қуёв-қайлик бир қадахчадан «шампань» нчишиб, кийимларини алмаштирдилар-да, вокзалга жўнадилар. Уйинкулгили тўй базми ва знефати, чолғулар ва рақслар ўрнига икки юз чакирим ердаги мозорда тунаб келиш! Кўп одамлар буни маъқул кўрардилар; уларнинг айтишларича: Модест Алексич мухимгина даража (рутба)га эга ва кўп ҳам ёш эмас бир одам бўдганлигидан, унга тўс-тўпалан]~ тўй ҳам ярашмасиди; ундан кейин, эллик икки яшар бир тўра эндигинаўн саккизга кирган бир қизга уйланиб турганда, чолғу эшитишнинг ўзи

хам одамга малол келади. Яна, одамларнинг айтишларича: Модест Алексич такводор бир одам бўлганлигидаи, шикох устида ҳам биринчи мавкени дин ва ахлоқга берилганлигини ўзининг сш қайлигига англашиш мақсадн билан бу мозор зиёратиши агайлаб қўзготган эди.

Куёв-қайликни узатмоқда чдилар. Хизмагдошлари ва кавм-кариндошларидан иборат бир туда, қўлларида қадахлари билан, урра кичқирмоқ учун поездининг жўнашиши кутиб турардилар; шулар ўртасида келиннинг отаси Петр Леонтич ҳам, бошида «цилендр», устида муаллимлар «фраг»и, ўзи ўлгудак маст ва ранги оппок оқарган, қўлидаги қадахи билан хадеб деразага томон индилар:

- Анюта! Аня, Днька, бир оғизгина гаширай, деб ёлворарди.

- Аня деразадан туриб унга томон эгилди, у эса, кечаги ичкан арақларининг сассиғи билан кизининг димоғларини ёриб, қулоғига хавур пуфлади - чунки нима дегани англашилмасиди, - ҳамда юз-қўкрак ва қўлларига бармоқлариши тегизиб чўкинтирди; бу вақгда унинг нафаслари калтирар ва қўзларида сшлари йилдиларди. Анянинг укалари бўлган гимназия талабалари - Петя ва Андрюшалар оталарининг оркасида туриб унинг фрагидан торгар ва кизариб-бўзариб:

-Отажон, бас... Отажон, бўлди... - деб пичирлардилар.

Поезд юргач, Аня отасининг тентираклана-тентираклана ва арағини чайкалтира-чайқалтира, вагон билан бирга бироз югуриб борганиши ва шунда унинг юзлари накадар аялч, пок ва хижил бўлганини кўрди.

- Ур-ра! - деб қичкирарди ота.

Куёв-қайлик ёлғиз қолишди. Модест Алексич «купе»нинг у ёқ-бу ёғига каради, нарсаларини тоқчаларига жойлади ва кулимсираб туриб, сш қайлигининг каршисига ўтирди. Бу ўрта бўйли, анчагина ссмиз, шинима, корни қаинайган, айрисокол ва мўйловсиз бир одам бўлиб, унинг кирма, думалок, кескин чизикли жағи одамнинг товошига ўхшарди. Унинг юзидаги >т кизик аломати мўйловининг йўқлиги эдиким, унинг эндигина кирдирилган яланг жойи аста-секин семиз, думба сингари килкиллаб турган ёпоқларига улашиб кетарди. У ўзиши улут-

сифат тутар, юриш-турушлари шошилиш эмас, салмогида, килиқлари юмшоқли.

— Шу тобда бир воқеани эсимга тушурмакдан ўзимни май килдирмайман, - деди у, кулимсираб туриб. - Мундан беш йил бурун Косороговга иккинчи даражали мукаддас Анна нишони леккач, гапаккур арз килгани генерал қазратларининг ёнларига кирган экан, у киши илтифот килиб дебдиларки: «демак, сиз уч Аннага эга бўлдингиз: биттаси кўкратингизда, иккитаси бўйинингизда». Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, ўша вақтларда Косороговнинг уйига унинг Анна деган урушқок ва Тенгачалиш хотини эндигина кайтиб келган эди. Умид килманки, бир кун келиб мента ҳам Анна нишонининг иккинчи даражаси текканда, менинг хақимда ҳам ўша сўзларни айтмак учунгина генерал хазратлари ҳеч бир баҳонатолмаяжаклар.

Сўнгра унинг жиндаккина кузлари кулимсирадилар. Келинчак ҳам кулимсиради, лекин бу одамнинг ҳар бир минутда мунга яқинлашиб келиб ўзининг дўрдоқ ва ҳўла лаблари билан уни ўнмаги мумкин эканлиги, бу нарсага қарши келмакка энди ўзининг хақи бўлмаганини ўйлаб келинчак бесаранжом бўларди. Пишма вужудлик эрининг юмшоқ қимирлашлари уни кўркитар, унга ҳам кўркич ва ҳам оғир келарди. Эр ўрнидан турди, шошмасдангина бўйнидаги нишонини олди, устидаги (ф)раи и билан жилегини ечиб кечалик яктагини кийди.

Аннанинг ёнига келиб ўгираркан:

- Мана холос, - деди.

Келинчак шу тобда эсладиким, никоҳ маросими жуда оғир ўтди, пош ҳам, меҳмонлар ҳам ишқилиб ибодағхонада ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси: Туундай гўзал, сеvimли қиз нима учун бу қари, хунук одамга тегар экан-а, нима учун, дегандай килиб мунга мунгли-мушгли тикилгандай бўлдилар. Ишларнинг мунчалик яхши битканини ўйлаб бугун эрга билангина ичига сиғмай сеvimган нарса, никоҳ вақтига келиб, сўнгра мана бу вагонда ўзини туноҳқор, алданган ва кулги бўлгандай эсза бошлади. Мана, бой одамга эрга тегди, шундай бўлса ҳам кўлида пули бўлмади, никоҳ кўйлаги насиёга тиктирилди, ҳозир ҳам оғаси билан укалари мунга кузагишка чиққан вақтларида, бу, уларнинг яна бир пулсиз бўлганларини ўзларининг кўринишларидан пайқайди. Бечоралар бугун кечкурун иссиғ-мис-



сит қилншармикан? Эртага-чи? Ҳамда унга негадир шундай гуюлардиким, отаси билан укалари ҳозир уйда бу бўлмагани учун оч туралар ва оналари ўлган куннинг эрта кечасини қандай сиқилиш билан ўтказган бўлсалар, ҳозир ҳам ўшандек сиқинди кечирмақдалар.

«Аҳ, нақалар бахтсизман мен, деб ўйлар у. - Нега мен бу қалар бахтсиз бўлдим экан?»

Хотин билан ўйнашиндан хабареиз улусифат одамларда бўлатўрган келинмас муомала билан, Модест Алексееч, келинчакнинг белига қўл узатиб елкасини қоқди, келин бўлса бу вақтда пулли, ўз опасини ва унинг ўлган вақтларини ўйларди. Гимназияда қуснихат ва имло муаллими бўлган отаси - Петр Леонтич, келиннинг опаси ўлгандан кейин ичкиликка мубтало бўлиб қолиб, шу орқала она йўқчилик торта бошлади; болаларнинг оёқларида на этик бор, на қалиш, отани суд маҳкамасига чақиртирдилар, «судья пристав» келиб рўзгор жихозларини хатлаб кетди... Қандай шармандалик! Аня эсрик отасига қаранска, укаларининг йиртиқларини яманска, бозор-учарни килинска мажбур бўлди; одамлар унинг чиройини, жуволиги ва гўчал қилиғларини мақтаган вақтда, унинг ўзига, бутун дунё унинг арзимас шалқасини ва сиёҳ билан бўёлган ботиқкаларидаги йиртиқларни кўраётқандай гуюларди. Кечалари эса тўхтамас кўз ёшлари ҳамда «яқинда шу ичкиликка берилгани туфайлидан отани гимназиядан ҳам ҳайдайдилар, у мунга чидамасдан онамга ўхшанқ ўлиб қолади», деган ўжар ташвишлар. Мапа, бир вақт таниш-билиш хотинлар шошилиб-пишилиб Аня учун яхши куёв ахтара бошладилар. Кўн ўтмай мапа шу Модест Алексееччи тоштиларким, бу одам - ёш ҳам эмас, чиройлик ҳам эмасди, лекин пули кўн эди. Унинг банқада юз минг сўм пули бор, мунинг уси ига ота-боболаридан қолган кўн ер-сувлари бўлиб уларни ижарага кўярди. Узи зақводор, генерал хазратларининг олдиларида обрўси баланд; одамларини Аняга тушунтиришларига Қараганда, гимназия директорига ва ҳатто мутавааллисига Петр Леонтиевиччи бекор қилинмасин леб бир нарча қотоз олиб бериш унга ҳеч гап эмас...

Келинчакнинг ўйлари ҳали шу икир-чикирлар устида эдиким, бирданига, одам овозлари билан бирга деразадан

уриб кирган мусика говуши эшитилди. Бу - поезднинг ярим стапцияда гўхташи эди. Платформанинг у ёғида - одамлар орасида гармон билан бирга арзон ва чийиллагич бир скрипка чалинмоқда, ой нурларига фарк бўлган «дача»лар кетидан аскарний оркестр овози келмоқда эди: дача аколиси рақс ксчаси ўтказаёткан бўлса керак. Платформада дача одамлари билан бирга яхши хавода яйраб кегмак учун кслган шаҳар одамлари сайр килишарди. Бутуп шу дачали ерларнинг эгаси булган Артипов дсган бой хам шу сайрчилар орасида эди; у - новча бўйли, бўла ва қоратурук кслган бир одам бўлиб, гурки арманига ўхшаган, кўзлари буртиб чикиб турган ва ўзи антика книйим кийган эди. Яъни: калта куйлагининг ска тугмалари ечилган, остида офицер пусха шнорли этик, елкасита, этаклари ерда судралиб юрадиган кора бир ёгмурлик чакмон ташлангап... Унинг кетига, узун гўмшуқларини куйи солиб, иккита олгир ов ити эрчиган эди.

Апянинг кўзларида хали хам кўз ёшлари йилтираб, лскии у энди па она, па пула ва туйиши эска олмасдап, ошла гимназист ва офицерларнинг кўлларини қисар. кувпаб-кувпаб кулар ва:

- Омонмисиз! Кайфингиз нечик? - дсб тез-тез улар билан сурашарди.

У вагондап настга тушди ва пиҳоят даражада гўзал куйи-лаиТи ва шланаси билан хамманинг кўзига дарров кокиладиган бўлиб, ойдинда тўхтади.

- 1 iii\iaia а бу ерда гўхтаб колдик? - дсб сўради у.

- Бу ср тўкнаш ксладиган жой, почта поездинп кўтиб турибмиз, - дсб жавоб қилдилар.

Артиповнингўзигатикилганини блгач, у ноз килиб кўзипи суздп ва овозини баланд чиқариб фрапцузча гапира бошладди; унинг ўз овози ўзига жуда чиройлик эшптилгаплигидап, муниг устига, мусика овози хам келиб ва ойнинг акси хам ховузга тўшиб турганлш пдап, муниг устига донги чиккан допжуон (хотипиараст) ва шўх машраб Артиновунга тамакор ва кизиқувчи бир кўз билан тикилганидан, муниг устига, у ерда хаммани кайфи чоғ бўлганлштгтаи кслинчак бирданига узида бир хўрсандлик сезди, сўпгра поезда жўпаб, ўша ердаги lainiHi офицерлар кўлларини пешоналарига олиб бориб унта аскарний салом берган эдилар, у «полка» куйига ашула бошлаб

юборди; унинг ашуласига жўр қилиб аллақайларда, дарахлар орқасида аскарний оркестир ҳам ўша куйни вангилламоқда 'ели; шундай қилиб у, шу ярим станциядан; ҳеч нарсага қарамасдан, албатта, бир кун бахтли ва масъуд бўлишга ишонгани ҳолда ў5 кунесига қайтиб кирди.

Куёв-қайлик мазорда икки кун гунағач, шаҳарга қайтиб келдилар. Улар ношолик квартирада яшардилар. Модест Алексееч хизматига кетганда, Аня ё рояль чалар, ё бўлмаса зерикиб сиқилганидан йиғлаб ёхуд юмшоқ курсига ёнбошлаб роман ўқир ва мода журналларини кўрарди. Овқат вақтида Модест Алексееч таомни кўп еяр; сиёсат, мансабларга янги гайин қилинганлар, бошқа мансабларга жиқдирилганлар ва инъомлар тўғрисида гапирар; меҳнат қилиш кераклиги, оила ҳаётининг бир завқ-сафодан иборат бўлмасдан, балки бир вазифа эканини, сўмнинг тийиндан ҳосил бўлганини ҳамда ўзининг ҳаммадан баландгадин билан ахлоқни қўйганлигини сўзларди. Ва қўлидаги пишонини худди қилич сингари ушлаб туриб:

- Ҳар бир одамнинг ўзига яраша вазифаси бўлмоғи лозим! - дерди.

Аня унинг гаиларини эшитиб кўркар, овқатини еёлмас, шу учун аксари дастурхондан оч ҳолда туриб кетарди. Овқатдан сўнг эри ухлагали ётиб хуррагини кўяр, Аня бўлса оталариникига кетарди. Отаси билан укалари унга алапечик қизик бир қараш билан қарашар, гўё бу кириб келмасдан бурунрок пул-мол деб ўзи севмаган, совуқ ва дам бир одамга теккани учун уни сўкиб ўтиргандай кўринишарди, унинг шнлдирам қўйлақлари, биллагузуклари ва умуман бутун хонойимларча кўриниши уларга малол келар ва ҳақоратдай бўлиб тушарди; бир вақтда улар хижолат тортишар ва бу билан нима тўғрида гапиришмакни ҳам билмасдилар; лекин ҳар ҳолда яна уни севмакда давом эталар ва усиз овқат қилишга кўниқолмас эдилар. Аня ҳам улар билан бирга ўтириб қарам шўрва ичар, ширбиринч ва ҳам шам ҳидли кўй ёғида қовурилган картошка ер эди. Петр Леонтич қалтирок кўллари билан шиша идишдаги арақни стаканга қўйгач, катта иштиёқ билан, лекин жирқиниб туриб, тезгина ичиб юборар, ундан кейин яна бир стакан, унинг орқасидан яна бир... Петя билан Андрюша, йирик-йирик кўзли

арвок ва ранги заҳил болалар, стаканни олиб қўйиб ўзлари ҳам гангиганлари ҳолда:

- Қўйингогажон... Бас энди, отажон... — деб жаврардилар...

Аня ҳам безовта бўлиб отасига «энди мундан нари ичманг» дсб ялинар, отаси эса бирданига кизиб кегиб овқат столини муштлар:

- Менинг устимдан кузагмакка ҳеч бир кимсага йўл қўймайман! - дсб қичкирарди. - Ҳой болалар! Ҳой киз! Ҳаммангни кўчага хайдаб чиқараман!

Лскин овозида бир заифлик ва ювошлик аеари бўлганлигидан ҳеч ким унинг нуҷисасидан кўрқмасди. Овқатдан сўнг унинг ясанмок одати бор эди: ранги ошпок, жағлари усгарада кесилгани холда, у ингичка бўйинини чўзиб, ярим соат қадар ойна қаршисида ўзини гузагар; дам сочини гарар, дам ўзининг қора мўйловларини бурар, усгига атир сочар, чиройлик ёкалар боғлар, сўнгра биялай (кулқон)лари билан «цилиндр» шапкасини кийиб хусусий дарсларга кегарди. Агар дам олиш куши бўлса уйдан чиқмасдан ҳар хил ранглар билан ёзув ёзар ёки вишшиллаб ва ирриллаб овоз чиқара турган фисгармонияни чаларди; бу асбобдан у текис, оҳангдор унлар чиқаришга уринар, ўзи ҳам кўшилиб жўр бўлар, ё бўлмаса болаларни койиб уларга:

- Жувонимарглар! Бўйининг узултурлар! Асбобни бузиб қўйибсиз! - деб бақирарди.

Ксчқуруплари Анянинг эри ўзи турган ховлида яшовчи ўз хизматдошлари билан карта ўйнагани ўтирарди. Карта ўйини вақтида тўраларнинг - хунук, бемаза ясанган, хизматчи хотишлар синтари кўнол муомалали хотишлари ҳам тўпланишар, шунда ўша хотишларнинг ўзларига ўхшаган хунук ва бемаза гийбагларнинг бозори кизирди. Модсст Алексеевичнинг Аня билан бирликда театрга борган вақтлари ҳам бўлади. Танаффус чоғларида у ўз хотишини бир қарич ҳам ўзидан ажратмас, ўзи қўлтиклагани холда йўлаклар ва фозларни айлаитирарди. Тэиров билан салом-алик килишса, дархол Анянинг қудогига; «сгатский советник» даражасиданилардан... «генерал хазратлари қабул қилиб туради»... Еки: «давлати катта... ўз кўраси бор» чеб пичирларди. Буфет ёнидан ўтаркан Анянинг бир шириш парса егиси келди; у шоколат билан олма сомсаани яхши кўрар-

ди, лекин ўчида пул йўқ эди, эридан сўрагали уялди. Эри билга **нашватини** олиб кўлида сиқиб кўрди, сўйгра ботинолмасдап:

- Несча пул? — деб сўради.
- Иигирма беш гийин, дедилар.

Жойида, дегач нашватини яна жойига қўйди; лекин ҳеч нарса **олмасдан буфстни ташлаб** кетинг бироз ўнгайсиз бўлганлигидап бир шиша «селтер» **суви** олиб **ҳаммасини ёлғиз** учи ичиб эди, кўзларидан ёшлари чиқиб кетди ва шунда Аня уни чиндан ҳам смой кўриб кетган эди.

И бўлмаса, Модест Алекссич, бирданига кипкизариб кетиб Аняга:

Мана бу кампирга салом бер! дерди.

Аня:

Мен таншш бўлмасам у билан? деб эътироч килса у:

Барибир, Давлаг палатаси бошлигининг хотини бўлади. (Салом бер дейман мен сепга! гудурапиб беради. Бошинг узилиб тутимас!

Дня салом берар, **дарҳақиқат** унинг боши жойида колса ҳам, лекин **учи жуда** кийиаларди. Эри нима десса шуни қилар, сўйгра шунга мунчалар алдандим мен **тентак!** деб ўчидан хафа **бўларди**. У буша пули учун теккан **эмаемиди?** Ҳолбуки, хочир унинг сида эрга гегмасдан бурунги кадар ҳам пул мук. **Илгари** отаси ун тишип, йигирма **тийиш** бўлса ҳам бериб турарди, **энди** бир **чақа** ҳам йўқ. Угирлаб с сўраб олишга ботинолмасди, чунки эридан кўрқар, **унинг** сида **қалтираб** чурарди. Дпяга шундай туюлардиким, унинг бу одамдан куркини бурундан бор. **Ху...** Болалик вақтларида **худди** кора иулутга ёки ўғхонага ўхшаб одамнинг усига юриб келадиган >iii ҳайбатлик ва кўркипч нарса, унинг начарида, ҳамавакт гимназия директори бўларди; оилада доим ганириладиган ва негадир ҳамма ундан кўрқадиган яна бир нарса генерал ҳаҷрагларди эди: улардан бошқа яна ўша хил кўрқичч нарсаларнинг майдаракларидан яна унларчаси **мавжуд**, улар орасида, **мўй-**

иарий қириган, чабтлик ва омонсич гимназия муаллимлари бор. Энди мана, ниҳоят, такводор Модест Алекссич келиб кушилди, бу одамнинг ҳатто башараси ҳам директорга ўхшаб кеч ади. Анянинг хаёлида бу нарсалар ҳаммаси бирга кўшилиб

каттакон ва куркинч бир айик сувратида, унинг отаси сингари чаиф, очилган одамларнинг усп-па солдириб келишарди; кич бсчора бир нарса дсб қарши гапиргали ботинолмас, купол на дағал муомалалар, севган ва жонини олатурган кучоклашлар билан уни «булгаган» вақтларида учини чавк олгандай килиб кўрсатади.

Факат биргина мартаба Анянинг отаси унинг придан хилик сум пул сўраб келди, бу пул тўланмаса ҳеч бир бўлмай турган бир қарчга берилмокчи жап, дскин қандай ачоблар билан олниси у пул!

Модест Алексеич ўйлаб тургандан кейин:

- Яхши, берсам берайин сичга, деди: - лекин хочирлан ганбиҳ килиб қўяйипким, то шу ичишингичпи ташламас жансич, сичга - мундан буси ҳеч қандай срдм бўлмайди менинг тарафимдан. Давлат хичматида бўлинган бир кимсага бу хил чаифлик айбдир. Мен сичга умум ўргасида маълум ва машхур бўлган бир кайфиятни басы қпямасдап ўтолмайман, у ҳам, чунончи, шундан иборатким, бу ибтило чандон-чандон лойиқ ва қобил кишиларни нобуд килди, ваҳолаинки, башарти у кишилар шу балодан пмтипо қил"ап бўлсалар, эхтимол, мачкурлар вақти келганда мансабларга соҳиб бўлгуси эдилар...

Шундан кейин: «камина бапдалари дуои жонлариши»... «сояйи давлатларида»... «ушбунинг баробарида арч килурманким»... дегандак ссртакаллуф жумлалар чичилиб кетди, бсчора Петр Леонтич бўлса тахқир остида эчилиб, шу тобда ўчида бироч ичиб кайф қилмоқ учун жуда чўр ингтиск сечарди.

Аксари йиртик этик ва жулдуз шимлар кийиб опаларишикига мехмон бўлиб келатурган болалар ҳам, шу хилда ваъч-пасихат эшигмакка мажбур эдилар.

Модест Алексеич уларга ҳам:

-- Ҳар бир кимсанинг ўчига яраша вачифаси бўлмоги лочим! - дсрди.

Лекин пул бермасди. Шу билан бирга, «бу парсалар қора кунда асқотади» дсб, Аняга учуклар, билагучуклар ва майда Гуморчалар олиб берардн. «Ҳамма нарса жойдамикан?» дсган фикр билан, гечда-гечда хотиншинг сапдигипи очиб, тафтиш ҳам киларди.

Бу орада қиш келди. Мавлуд (рождество) ойдан анча бурун маҳаллий газетада - декабр ойининг 29-куни дворянлар клубида ўйин кечаси «барпо қилишмоғи» хусусида эълон босилиб чиқди. Одатда, бу хил ўйин кечалари қиш фаслида еероб бўларди. Модест Алексеич, ҳар кеча карта ўйнаб булганганидан кейин, учинчиси безовта, мушавваш пазарларида кур-кур Аняга қараб қўйиб, тўраларнинг хотинлари билан пичирлашар, сўнгра алланарсаларни ўйланиб, анчагача у бурчак билан бу бурчак орасида юриларди. Ниҳоят, бир кун кеч тушда у Анянинг ёнига келиб:

- Сен ўзинга ўйин кечаси учун бир қўйлак тиктиришни керак. Уқдинми? Аммо лекин Мария Григоревна, Наталия Кузмичналар билан кенгашмасдан иш қилмагил деди.

Ва қўлига юз сўм пул берди. Аня пулни олди; лекин ўйин кечаси учун қўйлак буюраркан ҳеч кимдан маслаҳатсўрагани йўқ, фақат ўз отаси билангина гаплашди ва ўз онасининг, агар эсон бўлганда, ўйин кечасига қаңдай кийиниб боришини эсига тушурмакка гиришди. Унинг марҳума онаси ўзи ҳамма вақт сўнги мода билан кийинар, Аня учун ҳам кўп ҳаракат қилар, уни, худди бир қўтирчоқ каби ясаптирарди; унга француз тилини ва «мазурка» куйига ўйлашни жуда яхши гаълим берган эди (чунки у ўзи эрга тегмасдан бурун беш йилча мураббиа бўлиб хизмат этган эди). Аня ҳам, онасига ўхшаган, эски қўйлакни бузиб янги қилиш, қўлқонларини бензинда ювиш, бир хил қимматбаҳо зийнат асбобларини аиятга олиш, шу билан бирга, яна онасига ўхшаб, кўз сузиш, француз тилига ўхшатмоқ учун «р» харфини халқумдан чиқариб гапириш, чиройлик жилвалар қилиш, керак жойда жуда хурсанд бўлиб кўриниш, мунгли ва сирли карашларни яхши биларди. Қора соч билан қора кўз, тсжоғлик ҳамда доим пардоз ва тузанишдан қолмаслик унга отасидан ўтган удуум эди.

Уйин кечасига жўнашга ярим соат қолганда, Модест Алексеич, Аняга қараб туриб бўйнига пишониши осмоқучуп келиннинг уйига кирган эди, у ерда, ўз хотинининг чиройини қамда янги, қарир либосларнинг порлоқлигини кўриб олди

очилиб қолди; сўнгра, «ўзида йўк» бўлиб туриб, айрисақол-лариши силай-силаи:

- Куйдирма жонсан, лекин, хотин! Балойижонсан! - деди. Сўнгра бирданига тантаналик бир овозга кўчиб давом этди: - Анюта, сени мен бахтли қилган эдим, энди бугун мени сен бахтли қилмогинг мумкин. Угинаман сендан, генерал ҳазратларининг рафиқаларини зиёрат қил. Худо хақки; Анюта, у киши туфайлик ҳудайчилик мансаби тегиб қолса ҳам ажаб эмас!

Ўйин кечасига жўнадилар. Мана: дворянлар клуби, унинг доим бир одам муптазир турадиган катта эшиги. Дахшз: кийим иладиган қаиқлар, калин пистонлар, югуришиб юрган хизматчилар, ярим очиқ кўкракли кўйлак («декольте») кийган ва шамоллашдан кўрқиб юзларини елпигич билан тўскан хонимлар; чирок газларидан ва саллотлардан чиққан бой. Апя, эрининг кўлтигида, зинадан юқори чиқаркан, муеиқа овозини эшптиб, жуда кўп чироглар ораеида порламоқда бўлган вужудини каттакои тош ойнада кўргач, ажиб бир севинч ва ҳамда бир куп ойдин кечада ярим станцияда келиб кечкан еаодат шарпаеини хис тгди. У шу тобда магрур, ўз-ўзига ишонган, умрида биринчи мартаба ўзини киз деб эмае хоним деб сезгани холда, юрушлари ва ҳаракатларида истар-истамас марҳум онаеига таклид қилиб борарди. Умрида биринчи марта ўзини бой, эркин деб сезарди. Ҳатто шу эр билан бирга бўлиши ҳам уни хижолат қилмасди, нега десангиз, клуб бўсағасини ҳатлар-ҳатламае, у савки табиий қуввати билан англадиким, бу кари эриинг бирга бўлиши шунини ҳеч бир паслатмайди, балки, аксиича, унга эркакларни кизиктирадиган ширин бир сирлилик бсради. Катта залда муеиқа овози вангиллаб, ўйин эса аллакачон бошланган эди. Совуқ ишошлиқ квартирадан қутилиб бу ерга ёруглик, турли-туманлик, чолгу шовкин-тўиаланг гаъсирига тушкач, Аня кенг зални бир кўр кўздан утказди-да, «ох, қандай яхши!» деб ўйлади ва дарҳол - кўпчилик орасидаги ошналарига; илгарилари ўйин кечаларида ва сайилларда учраткан одамларига; бутун шу офицер, муаллим, адвокат, тўра, мулкдор, генерал қазрат ва Артиновларга; камбагаллар фойдасигаул-бул сотмоқучун хайрот бозорчасидаги кўшқлар ва шипоиларга кириб ўз мавқслариши эгаллаган, жуда ясаптап,



«декольте»га чўр бсрган чиройлик ва хунук... юкори жамият хонимларига кўчи тушди. Гимназияда ўқиган вақтларида Старокиев кўчасида ганишгани ва шу тобда фамилиясининг унуткани бир одам - елкаеида эъюлиглари бор хайбатлик бир офицер бирданига аллақайдан келиб чиқиб мунн ўйингадэъваг килди, бу хам эрини ташлаб у билан бирга майдонга отилди ва шундаёк Аняга - ўчи қаттик бўронда елкаилик қайикчада сучиб кетаёткандай, эри бўлса кирғоқларда қолиб кеткандай туюлди... У қўлдан-қўлга ўтиб, мусиқадан ва тавур-тувурдан масг бўлиб, рус тилига француч тилини аралаштириб, «р» харфини халқумдан чиқариб, кулиб, на эрини, на бошка биров ва на бошка бир нарсани эсига олмай, «валис»ни, «полка»ни, «кадрил»ни - хаммасини хирс кўйиб, берилиб ўйнади. Унинг эрлар қошида муваффақият қочонгани аниқ эди, чотан, бош-кача бўлиши хам мўмкин эмаеди, у талвасадан бўтилгандай бўлар, титраб-қалгираб кўлидаги елцигични мижиғлар ва ёмон чанкарди. Отаси Пегр Леонгич эски, тахлари бучулган ва бенчин хидли фраги билан келиб кичкинагиатаринкачада қичил морожний учағди.

Сўнгра катга чавқ билап қичига қарагач:

- Бугун жуда хам очилибсан, - деди: - шошилиброк эр қилганинг учуп хсч қачон бугунгидай афсус еганим йўк эди... Нега мундай килдинг? Сен бу ишни бичпи деб килдинг, биламан, лекин... — шу ерда қалтироқ кўллари билан ёшидан бир ўров пул олиб деди: - бугун дарсларимнинг хакини олдим, эрипга карчимни қайтарайин.

Қичи, талишқачани отасининг кўлига туткичди-да, кўлтигидан олган бир одам билап бирга, ўйинга кириб кстди ва отасининг «паркет» устидан сийганиб бориб бир хопимни кўлтигига олганини ва у билан ўйин майдонига тушқанини ўч жўрасининг елкаси устидан, чўрга-чўрга кўра олди.

- Ичмаса, қагдай севимли одам! - деб ўйлади у шу тобда.

Мачуркани яна ўша хайбатлик офицер билан ўйнади; офицер, худди аскар чопони кийган кўтос каби, виқорли ва оғир босиб юрар, кўкраги ва елкаси билангина ўйнар, чўрга-чўрга оёқ денсар, сира ўйнағуси келмас, лекин Анянинг ёнгинасида қанот қоқиб таллинар, тўчаллиги ва очик бўйинлари билан унинг қитигини келтирарди. Анянинг кўчлари жангарлик

билан ёнар, харакаглари унинг хирси ғалаба қиганини кўрсат-  
гарди; офицер борган сари локайлашар ва қўлларини Аняга  
гомон, худди бир подию каби, илтифот билан узатарди.

Кўичилик орасида буларга:

-Офариш, офарин!.. дердилар.

Бора-бора ҳайбатлик офицер ҳам чидаёлмади: унга жон  
кирди, унда бир хаяжон бошланди, энди Анянинг фусунига  
учиб, ўйинга атойдил киришди ва бўз йигитлардай енгил ҳа-  
ракат эга бошлади; Аня бўлса факат елкаси билангина уйшар,  
(!)ирбгар карашлар билан боқар, гўё жўрасини кул билиб, узини  
малика ҳисобларди ва шу тобда унга шундай туюлардиким,  
гўс ҳамманинг кўзи бўларда, ҳамманинг ҳаваси келган, ҳамма  
куяди. Ҳайбатлик офицер мунга энди қуллик килиб гурган  
здики, бирданига халқинг ораси очилиб, эркаклар қўлларини  
гашлаганлари холда алақандай ғалаги бир вазиятда гўхта-  
дилар.. Муниш- сабаби, генерал ҳазратлари, икки юдузлик  
<|)рак кийгани холда, Аняга томон кслаётган эди. Шубҳасиз,  
генерал ҳазраглари Анянинг ёнига борардилар, нега десангиз,  
кўзларини гўина-гўгри унга гиқиб, канд шимиган одамдай  
қулардилар, шу билан бирга, чиройликкина хотинларни кўр-  
ган вақтларидаги одаглариши килиб, лабларини кавшардилар.

-Жуда хурсандман, жуда хурсандман... деб гап бошлади  
у. - Шундай хазипани биздан беркитиб ётқани учун зрингизни  
камokka буюрадиган бўлдим зиди мен. - У Аняга қўл бериб  
гуриб давом этди: - Мен сизга рафикаминг илтимосини эшит-  
тиртали келдим: сиз бизга ёрдам қилишингиз керак... Шун-  
дай... сиз а хусингиз учун мукофот тайини килмок керак...  
Америкадаги сингари... шун-дай... Амсрикалилар ситгари...  
менинг рафикам сизга муштазир.

Шундай қилиб, у Аняни шипонга олиб келди. У ерда,  
юзиниш' паски ярми ҳаддан зиёда катта бўлганлигидан, огзига  
катта бир тош солиб олгандай кўринадиган кари бир хошим  
ўтиргап эди.

У киши димоглари билан пишгиллаб, қуйга ўхшашроқ  
қилиб:

- Бизга ёрдам этсангиз! - деди. - Ҳамма чиройлик хотин-  
лар хайроғ бозорида ишлашастирлар, факат сиз ўзингизгина  
пегадир кочиб юрибсиз. Нега бизга ёрдам қилай дсмайсиз?

Шундан кейин у хоним кстиб, ушинг ўрнига — пиёлачалари катор чизилган кумуш самоварнинг ёнига Аня ўтиб ўтирди. Уша ондан бошлаб савдо-сотик ҳам авж олди. Бир пиёла чой учун Аня кам деганда бир сўм оларди, халиги хайбатлик офицерга эса уч пиёла ичирди. Ёзда Аня кўрган ғалати кийимда эмас - эл катори «фрак» кийиб каварган кўзли ва бўгма касалли Артипов келди. Кўзларини Анядан узмасдан бир қадах шампанни шимиргач юз сум чиқариб берди, кейин бир пиёла чой ичиб яна юз сумликни узатди — шуларнинг ҳаммасини у бўгма касал таъсири билан ишдамасдан киларди... Ўз габассумлари ва карашларидан бу одамларга кагга бир завк ва наъшадан ўзга нарса етмаганига хўп ипкўнган Аня, сгламати билан ўткан-кетканларни чакириб уларнинг пуллариини оларди. Узининг фақаг шу ғавур-гавурли, порлок, кулиб турувчи ҳамда чолгуси, уйин ва хушторлари бор хаёт учушгипа яратилганини у энди англаар, устига босиб келиб бўгмокчи бўлган ва шу билан муни кўрқитиб келган эски кўркўв, энди шу тобда унга хазилакам бир нарса бўлиб кўринарди; у энди хеч кимдан кўркмас, фақаг онасининг бўлмаганига ва ўзи билан бирга бу кўнларни кўриб севинмаганига афсус эгарди.

Рашиг ўчкап, лекин хали ўзини тетик ушлаган Петр Леонич қизининг ёнига келиб бир қадах коньяк сўради. Отасининг ярашмаган бир сўз айтиб юборишидап кўркиб, Аня кипкизариб кетди (шундай камбагал, шундай содда отаси бораиги учун хали ҳам хижолат торгарди), лекин отаси, коньякни ичди, ёнидаги бир тўда нул орасидан битта ўн сўмликни олиб ташлагач, хеч парса демасдан, сиполик билан у ердан йироклашди. Бироз ўткач, Аня, отасининг, ўз жўра хоними билан грандронд деган ўйинда - ёнидагилар билан кўл ушлашиб - айланишканини кўрди, лекин бу сафар у узининг жўра хошимини қаттиқ хижолатга солиб, у ёк-бу ёкка тен гиракланар ва алланарсалар деб шовкин соларди. Шунда Аня - мундан уч йилча бурун отасининг бир ўйин кечасида шушакка теширакланиб шовкин солганларини эсладиким, нағижала уни ўз уйига миршаблар олиб бориб кўйганлар, эртаси куни эса гимназия директори муаллимликдап хайдамокчи бўлган эди. Бу эсаликнинг шу тобда келини кизик!

Кўшк ва шипошлардаги самоварлар ўчиб, хориб-чарчатап хайротчи хопимлар тушкан пулни оғзида гош бор кекса хопимга ўтказгач, Артипов Аняши кўлтиглаб, хайрот бозорида иштирок қилганлар учун дастурхон ёзилган залга олиб ўтди. Дастурхонга кўп эмас, факат йигирма кадар одам ўтирган, лекин шовқин катта эди. Генерал хазратлари қадах кўтариб мундай дедилар: «бу пози неъматлар билан тўла дастурхон устида бугунги бозорининг барпо қилинмоғига сабаб бўлган бечорахол дастурхонларнинг ривожини учун қадах кўтармак бежо бўлмаса керак». Бригада генерали туриб: «қаршисида тўплар ҳам ожиз колатурган бир куч»нинг (яъни хотин-қизларнинг) шарафига қадахтаклиф қилгач, ҳамма эркаклар, чукиштирмак учун, қадахларни хопимлар томонга узатдилар. Хурсандлик, кайф-сафо жуда жойида эди!

Аняни уйига узаткан вақтларида гонг оғкан ва оксоч хотинлар бозор қилишга чиққан эдилар. У жуда хурсанд, хурсандлигидан маст-бесхуш, янги таъсирларга гарк бўлган, хориб-толган бир холда уйига келиб, наридан-бери уст-бошиши ечди-да, ётоғига ўзини ташлаб дархол уйқуга кетди...

Кундуз соат иккига яқинлашканда оксоч хотин кириб ушун уйготди ва Артиповжапобларининг зиёратчун келганларини арз қилди. Аня тезгина кийимларини кийиб мехмонхонага чиқди. Артиповдан кейин, кўп ўтмай, хайрот бозорига иштирок этгани учун қуллуқ қилгани генерал хазратларининг ўзлари келди. Генерал, тиллари билан асал татиб ва лабларини ковшаб туриб Аняга қаради ва унинг қўлини ўпди, сўнгра мундан сўнг ҳам келиб туришга рухсат сўрагач, қайтиб кетди, Аня эса хайроп бўлиб, худди афсуслангандай, хаётидаги ўзгаришнинг, у ажиб ўзгаришнинг мунча тез бўлганига ишополмай - мехмонхонанинг ўртасида туриб қолди; худди шу вақтда эшикдан эри - Модест Алексеевич кириб келди... Энди у одам мушинг олдида ~ Аня ўзи кўриб юрган ва кучли одамлар билан катта одамлар олдида қиладиган одатини қилиб — мулозимаг, хушмуомалалик, қуллар ва хизматкорлар таъзими билан тўхтаган эди; Аня, бу иш учун ўзига ҳеч нарса стмаслигига ишонгани холда, хурсандлик, аччик ва нафрат билан, ҳар бир сўзини дона-дона чиқариб туриб деди:

- Чикинг бу ердан, хайвон!

Шундан кейин Анянинг дем бир буш куни бўлгани йўқ, негаки, у бугун шаҳар ташқарисида буладиган гафарружга, эртага от ё арава саёҳатларига, ишдишга театру уйишга иштирок киларди. Ҳар кун тонга яқин уйга келар, эри билан бир ётоқда ётмаедан жойини ерга солиб меҳмонхонада ётар, сўпгра гулдасталар остида қандай ухлаганини таъсирлик килиб ҳаммага айтиб бсрарди. Унга кун пул керак бўларди, лекин энди бу тўғрида придан сира қўркмасдан унинг нулларини уз пулидай ишлатарди; пул керак бўлса придаш сўраб ёки талаб килиб ўтирмас, факат счёт юборар, ё бўлмаса, «ушбунн тонширгувчига 200 сўм берилсин» ёки: «гўхговсиз 100 сўм гўлапсин» деб бир парча коғоз ёзарди.

Пасха байрамида Модест Алексичка иккинчи даражалик Анна<sup>1</sup> нишопи тегди. Шутўғрида куллик килгали генералнинг ёнига борганида, генерал, ўқиб турган газетини бир чекага олиб қўйиб курсига махкамрок ўриашди.

Сунгра, ўзининг қизил тиронкли ок қўлларига караб туриб:

Демак, энди сизнинг Анпангиз учга бўлди: бирви - кўк-ратингизда, иккиси - бўйнингизда, - деди.

Модест Алексич каттиқроқ кулиб юбормайин деб эҳтиёт юзасидан икки бармогини лабларига қўйиб туриб:

- Энди кичкинагина бир «Владимирча»<sup>2</sup> дунёга келмаганини кугишга тўғри келади. У холда уз тарбияларига олмоқларини сўрашга журъат қила оламан.

У бу сўзлари билан IV даражалик Владимир нишонини касд килгап эди ва шу ондаёқ - бу кадар хикматлик ва ўткир киноя топқачини қанақа килиб ҳаммага айтиб беражали тўғрисида ўйлаб кетди, сўнгра яна шундай хикматлик бирор парса тоғшб айтмоқчи бўлган эди, генерал хазратлари яна газетга ўқишга тушдилар ва «бас» дегандай килиб бошларини тебратдилар.

<sup>1</sup> «Лица» - 1) кўкракка тақлашди ва бўйишга осилди ва бир нишонини номи; 2) хоғин кишинини номи.

<sup>2</sup> «Владимир» - гўртинчи даражалик ва «гасига дворянлик мақомини берадшди бир нишон ва ҳам чрак кишининг номи. Бу ерда ҳам «Владимир нишонини олсам», ҳам «Владимир деган унгл курсам» асмоқчи.

Аня бўлса ҳамма вақт уч огли ичвошларда кечар, Артинов билан овга чиқар, бир нардалик нъссаларда ўйнар, ксчки овкат-пи бошқа жойларда қилар, ўчларишикига жуда кам ксарди. Овкатни улар ўчлари қилардилар. Петр Леонтич ичкиликка бурунгидаи кўнрок берилган, пул деган нарса йўк ва фисгармония аллақачоплар карчга етилиб кеткан )ди. Болалари ёлғич ўчини кўча-кўйга чиқармайлар, йикилиб петмасип деб ҳаммалари кучатиб юрардилар; бир кун Старокиев кўчасида ичвош чопишлари вақтидаулар Аняга дуч келдилар: Аня, икки от кўшилган, лскии чеккадаг и от слғич чопиб бориш учунгина (бўн) килиниб боғланган ва кучср курсисида Артиновнинг ўчи ўтирган ичвошда )ди. Петр Леонтич бошидап «цилиндр» iiiiiiКаспiiii олди, сўнтра уларга алланима деб кичқирмокчи бўлган эди, Пегя билан Андрияна дархол уни қўлтиқга олиб:

Кўйиш отажон... Бас, отажон... деб жаврашди.

## НИҚОБ

Х. деган жамоат клубида эзгу бир ният билан бал-маскарад ёки шу ерлик нозанинлар таъбири билан айтганда бал-нарсй берилди.

Соат тунги ўн икки. Танца тушмайдиган никобсиз зиёлилар (булар беш нафар эди) кироатхонадаги каттакон стол атрофида ўтириб, бурун ва соқолларини газетага ишқаб ўкишар, мудрашар, пойтахт газеталарининг маҳаллий мухбири ўтакегган либерал бир жанобнинг таъбири билан айтганда «фикр» қилишар эди.

Умумий 'залда «Вьюшки» деган кадрий садоси эшитиларди. Эшик олдида гурс-гурс кадам босиб, идиш-тавоқларни Шарақлатиб дамба-дам, лакейлар ўтиб туришар эди.

- Мана шу ер тузукка ўхшайди, - деди кимдир босинки, бўғик товуш билан. - Кирабсринглар! Буёққа киринглар!

Эшик очилиб, йўгон тавдали, накана, кучерча уст-бош кийган, шлянасига товус папи таққап ниқобли бир киши кирди. Унинг кегидан ниқоб кийган икки хоним ва патнис кўтарган лакей ҳам кирди. Патнисда бир кўзача ликёр, уч шиша кизил вино ва бир неча стакан бор эди.

- Буёққа! Бу ер салқинрок ҳам, - деди у киши. - Патнисни столга қўй. Утиринглар, хонимлар! Же ву при а ля тримонтран'. Сизлар, жаноблар, нарироқсилжишлар... Нимабу ерда...

У калқиб, студаги бир печа журнални қўли билан суриб ташлади.

- Бу ерга қўй! Сизлар, китобхон жаноблар, нарирок силжишлар; бу ерда газета-ю, сиёсатга бало борми... Ташланглар!

: Же ву при а ля тримонтран (*фрэнц.*) - маркамат қилиш.

- Мумкинми, секинроқ гапирсангиз, деди зиёлилардан бири ниқоб кийган кишига кўзойнак орқали қараб. - Бу ер буфет эмас, кироатхона... Бу ер ичкилик ичиладиган жой эмас.

- Нега ичкилик ичиладиган жой эмас экан? Нима стол кимирлаб тўкиладими, ё шип ўпирилиб тушиш эҳтимоли борми? Ажаб! Аммо... Гапни чўзмаг! Ташланг газеташи... Шусиз ҳам жуда ақлсизлар... Бироз ўкибсизлар, бас, кўз ҳам ишдан чикади. Ҳаммадан ҳам мухими менга ёкмаяпти, ҳамма гаи шунда.

Лакей пагнисни столга қўйди, сочикни биласига ташлаб, эшик ёнига бориб гурди. Хоинлар шу ондаёқ вино ичишга киришишди.

-Газетани шундай ичкиликлардан орғиқ кўрадиган ақли одамлар ҳам бўлар экан-да, дейман, - деди товус паги таққан киши, ўзига ликёр қуяётиб. - Менимча, мухтарам зотлар, ичгани пулларинг бўлмагани учун газетани яхши кўрасизлар. Шундай эмасми? Хо-хо!.. Уқиятчилар! Хўш, нима деб ёзибди? Ҳой, кўзойнакли зот! Канақа фактлар тўғрисида ўкиётибсиз? Ҳо? Э, қўйсангизчи-я! Олиф-гагарчилик ҳам эви билан-да! Ундан кўра ичинг-чи!

Товус паги таққан киши ўрнидан туриб, кўзойнакли жапоннинг қўлидаги газетани тортиб олди. У кишининг ранги оқарди, кейин қизарди ва ҳайрон бўлиб, гоҳ бошка зиёлиларга қаради - улар ҳам бунга қараб туришар эди.

-Сизталтайиб кетаётирсиз, мухтарам жаноб! - деди у жаҳли чикиб. - Сиз кироатхонаши майхонага айлаштираётирсиз, тар-тибсизлик қилишга, менинг қўлимдаги газетани тортиб олишга ҳақингиз йўқ! Мен сиз айтган одамлардан эмасман! Сиз мени биласизми, кимман! Мен банк директори Жестяков бўламан.

- Сендака Жестяковлар менга писанд эмас! Газетингни эса мана-мана...

У газетани ердан олиб майда-майда қилиб ташлади.

- Жаноблар, бу нима деган гап? - деди Жестяков. - Бу қандай бўлди... Бу ҳеч ақлга ситмайдиган иш-ку...

- Аччиғлари келди, - деди у киши қулиб, - ҳай-ҳай, жуда кўркиб кетдим-ку! Лъзойи баданим титраб кетаётибди! Менга қаранглар: мухтарам зотлар! Ҳазил ҳаром, менинг сизлар





билап гаплашгани хушим йўқ... Мен мапа бу хонимлар билан якка ўзим айни-ишрат қилмоқчиман, шунинг учун кун хира бўлмасдан, бу ерни бўшагиб қўйинлар... Бўлақолинглар! Жапоб Белебухий, кани туёғингни шикиллат! Нега тумшутингни жийирасан? Чик дегандан кейин чик! Чик тезроқ дейман, бўлмаса бўйнингга гушираман!

- Бу қагдай бўлди? - деди суд хазиначиси Белебухий кизариб, елкаларини кисиб. - Тушунолмадим. Бир сурбет бу ерга кирса-ю... шунақа қилиб ўтирса.

- «Сурбет»нинг нимаси? - деди товус паги гаққан киши газаби келиб кичкирди ва столга шундай муштладик, патислагаги стакалар сакраб кетди. — Кимга айтаётирсан? Бу ниқоб кишиб олган, нима десам бўлаверади деб уилайсанми? Хе хотин талоқ! Чик деганимдан кейин чик! Ҳой, банк дирсктори, яхшиликча чиқиб кет. Йўқол ҳамман, мутгахамлар! Туёғингни шикиллат.

- Кўрамиз ким чиқиб кетаркан! - деди Жестяков хаяжондан кўзойнагигача терлаб. - Кўрсатиб қўяман! Ҳой, оқсоқоли чакир буёққа!

Бир дақиқадан кейин ганцадан хансираб қолган кўкрагига кўк тасма тоққап, кичкинагина, мадда ранг оқсоқол кирди.

- Чиқинг бу ердап! - деди у. - Бу ер пчкилик ичиладиган жой эмас. Мархамат килиб буфетга чиқинг!

- Сен нега келдинг, - деди ниқобли киши. - Мен сени чакирдимми?

- Кўлингизни пахса қилманг! Чикинг дейман.

Менга кара, сента бир дақиқа муқлат бераман... Сен бу ернинг оқсоқолисан, улуғисан, шунинг учун мана бу масхарабозларни секин, иззати билан бу ерда олиб чиқиб кет. Менинг хонимларим бу ерда бегона одам бўлишини хушламайди... Уялишади. Мен пул сарф қилганман. Буларнинг ечишиб, яйраб ўтиришини истайман.

- Бу шўртумшук бу ер оғил эмаслигини билмайди, шикили, - деди Жестяков кичкириб. - Евстрат Спиридонични чакиринглар!

- Евстрат Спиридонич! - деб кичкирди заада кимдир. - Евстрат Спиридонич қанилар?

Полиция муздирини кийган чол - Евстрат Спиридонич дарров келди.

- Марҳамат қилиб, чикшиг бу ердан! — деди у бүгик товуш билан ва бақрайиб, бўялган мўйловларини кимиралатди.

- Оббо, жуда кўрkitиb юбординг! - деди никобли киши хохолаб кулиб. - Вой, вой, кўрkitдинг-ку! Буни қаранглар-а! Мўйлови мушукниг мўйловига ўхшайди. Бақрайганини кўр... Ҳа-ха-ҳа!

- Гапни чўзма! - деди Евстрат Спиридонич бор товуши билан бақриб титраб. - Чик бу ердан! Ҳозир буюрамап, олиб чикиб ташлайди!

Қироатхона гала-говур бўлиб кетди, кискичбакадай қизарган Евстрат Спиридонич ер тепиниб кичқираб эди. Жс-тяков қичкирарди. Белебухин қичкирарди. Ҳамма зиёлилар кичкирарди, аммо ҳаммасининг товушини никобли кишининг йўгон товуши босиб кегар эди. Бу тўполон натижасида танца тўхтади, ҳамма қироатхонага спирилиб кирди.

Евстрат Спиридонич, дағдага учун клубда бўлган ҳамма миршабларни чақирди, ўзи басшома сзгани ўтирди.

- Ез, ёз, - деди никобли киши унинг қоғозига бармоғи билан никтаб. - Энди мен шўрликниг бошимга шималар келар экан-а? Шўргинам курсин! Мен ғарибни нега энди хароб қиласиз? Ҳа, ха! Хўш? Баённома тайёр бўлдими? Ҳамма қўл қўйдими? Хўп, энди қаранглар!.. Бир... икки... уч!!.

Никобли киши ўрнидан турди, коматини ростлаб юзидан никобини олди. Масг башарасини очиб, ҳаммага қаради ва килимиши каттиқтаёсир этганидан завклапиб, ўзини креслога ташлади ва қаҳқаха уриб қулди.

Ҳақиқатдан унинг бу килимиши ҳаммаси хашгуманг қилиб кўйди. Ҳамма зиёлилар тангиб - оқариб-бўзариб бир-бирига қаради, баъзиси бўйнини кашлади. - Евстрат Спиридонич билмасдан кўп ахмоқона бир иш қилгандай томоғини қириб кўйди.

Маълум бўлдики, тўполон қилган киши шу ерлик миллионер, фабрикант, фахрий гражданин<sup>1</sup>, ўзининг жапжалкашлиги, эзгу ишларга ҳиммати экани ва маҳаллий матбуотда кўп марталаб зикр қилинган, маорифпарварлиги билан танилган Пягигоров экан.

<sup>1</sup> Ф а х р и й г р а ж д а н и н - подшо ҳукумати чамонида гурди хичматлари (аксари черкол, монастыр, касалхона фойдасига иона **КНИ** апликалари) учун кўпрок санид()Гарларга бсриладш ан ушвои.

- Хўш, чиқиб кетасизларми, йўқми? - деди Пятигоров бирпасдан кейин.

Зиёлилар индамасдан, оёқ учида юриб, чиқиб кетишди ва Пятигоров эшикни кулфлаб олди.

- Бунинг Пятигоров эканини сен билар эдинг-ку, ахир! деди секин хириллаб Евстрат Спиридонич, қироатхонага вино олиб кирган лакейнинг елкасидан ушлаб, силкиб. - Нега индамадинг?

- Айтмагин деган эдилар!

- «Айтмагин» деган эмишлар... Бир ой қамаб кўйсам, ана ундан кейин «айтмагин дедилар!» дейишни билиб оласан. Йўқол!! Сизлар ҳам чакки эмас, жаноблар, - деди у зиёлиларга қараб, -бирпас чиқибтурсаларинг нима бўлар эди! Мапаэнди ўзларинг пиширган ошни ўзларинг ичинлар! Э жаноблар, жаноблар... Ёмон кўрганим шунақа иш, худо хаки!

Зиёлилар худди бир қор-қол бўлишини олдиндан сезгандай бир-бирлари билан пичирлашиб, бўйинларини қисиб, хомуш ва хафа ҳолда клубда юрар эдилар... Уларнинг хогинлари, кизлари Пятигоровнинг «қойигани»ни ва жаҳди чиққанини билиб, аста-ескин уйлари татарқалдилар. Танца тўхтаб қолди.

Соат иккида Пятигоров қироатхонадан чиқди. У маст, гандираклар эди. Залга кириб, оркестрга яқин бир срга ўтирди ва мусиқа эшитиб, пипакка кетди, кейин бир ёкқа кийшайиб, хуррак о'тди.

- Чалма! - деди оксоқол мусикачиларга. - Жим!.. Егор Нилич уйкуга кетдилар.

- Уйингизга элтиб қўяйми, Егор Нилич? - деди Белебухин шташиб, миллионернинг қудогига.

Пятигоров худди юзига кўнган напшани учирмоқчи бўлгандай лабипи қимирлатди.

- Уйингизга элтиб қўяйми, - деди Белебухин яна. - Ё извошингизни чақиртириб берайми?

- А? Кимни? Сен... нима дейсан?

Уйингизга элтиб қўяй... Алла қилинг.

Уйга кетаман... Элтиб қуй!

Белебухиннинг жони кирди ва Пятигоровни кўтара бошлади. Бошқа зиёлилар ҳам чопиб келишди ва ийиб кетишиб, (>ахрий гражданини кўтаришди, авайлаб извошга олиб чиқишди.

- Факат артист, талант эгасиғина шунча одамни лақиллатиб кетиши мумкин, - деди Жестяков қулиб, уни извошга ўтказаётиб. - Жуда-жуда қойил колдим, Егор Нилич! Ҳали-хали куламан-а... Ҳа, ҳа... Биз бўлсак югуриб, жон куйдириб юрибмиз! Ҳа, ха. Ишонасизми? Театрда ҳам бунчалик кулган эмасман... Қўй кизиқ иш қилдингиз-да! Бу кеча - умр бўйи эсимдан чиқмайди.

Пятигоровни куза гиёб, зиёлилар хурсанд бўлишди, тасалли топишди.

- Менга қўлини бериб хайрлашди, - деди Жестяков мамнуният билан. - Демак, тузук, хафа бўлмапти...

- Илойим шундай бўлсин, - деди Евстрат Спиридонич уф тортиб. - Узи кўп расво, ярамас одам, лекин хайрли ишларга химмагли-да, шуниси бор!.. Хафа қилиш ярмайди!..

## ЁВУЗ НИЯТЛИ киши

Ал терговчиси хузурда гик кўйлак, ссрямоғ лозим кийган кичкинағина, пихоят даражада озғин бир мужик турибди. Унинг мўй босган бужур юзларида, қалиш ва узун қошлари остидан зўрға кўриниб турган кўзларида гунд бир шиддат ифодаси бор. Қанчадан бери тарок тегмаган чигал сочлари бошиши шапкадек қоилаб олиб, у чехрага яна кўпрок шиддат, ўргимчак шиддати бсрарди. У ялангоёқ.

- Денис Григорьев! - деб унга хитоб қилиб суз бошлайдди терговчи. - Яқинроқ келиб менинг саволларимга жавоб бср. Ушбу июль ойининг етти[Ҳчн кунн темир йўл коровули Иван Семёи ўгли Акинфов эрга билан йўлни айлашиб юриб, 141-чақиримда сени кўрибди, сен - рельсни<sup>1</sup> шпалга<sup>2</sup> боғлайтурган гайкани<sup>3</sup> бўраб, чиқариб турган экансан. Мана ўша гайка!.. У сени шу гайка билан ушлапти. Шундай бўлган эдимми?

- Лаббай?

- Бутун вокса шу Акинфов айтгандек бўлганмиди?

- Ҳа, шундай бўлганди.

<sup>1</sup> Рельс - темир и ?.

<sup>2</sup> Шпал - темир ви остида кўндаланг ётқизиладиган ёқоч, хода.

<sup>3</sup> Гайка - бурма миҳларни бир-бирига боғлайтурган қалғюқ

- Яхши; хўш, энди айтиб бср-чи: гайкани нега бураб чикардинг?

Лаббай?

- Сен у «лаббай»ларингни кўйиб, саволга жавоб бер; гайкани нима учун бураб чикардинг?

Денис шипта караган холда хирқираб жавоб беради:

- Бир кераги бўлмаса бураб чикарармидим?

- Бу гайка сента нима учун керак бўлди, ахир?

- Гайками? Биз бу гайкадан чўкдиргич<sup>1</sup> ясаймиз...

- Ким у, «биз» деганинг?

- Биз, ахоли... Климов қишлоғининг мужиклари.

- Менга қара, отайни, сен унақа ўзингни гелбаликка солмасдан, дурустроқ гапирсанг-чи. Бўлмагур чўкдиргичлар билан бошни айлангириб ёлгон гапирма.

Денис кўзларини илниллатиб туриб, сўзлайди:

Умримда ёлгон гапирган одам эмасман. Энди келиб, мана ёлгончи бўлиб ўтирибман... Чўкдиргич бўлмаса иш битадими, таксир? Қармоққа чувалчанг ё бўлмаса майда баликни ўтказганингминан, у ўлтурда чўкдиргич бўлмаса, сувга богадими? Вдгончи эмишман... илжайди Денис. - Сув бегида калқиб юравсрадиган бўлса, ундан нима фойда? Олабуғани олинг, чўрганни олинг, ширин баликни олинг - хаммаси чукурдаги имламага<sup>2</sup> келади; сув бегида турган имламани шилишпер<sup>3</sup> чўкиса чўкийди, уям бўлса йилда бир... Бизнинг сойда шилишпер ўзи йўтам... У балик кенг жойни ёкгиради.

Сен менга шилишпердан гапириб нима киласан?

- Лаббай? Узингиз сўраб ёғибсиз-ку! Биз томонда кагта-кагта бойлар ҳам баликни шунақа килибтутади. Энг ярамас бир болани олган вақтингиздаям: чўкдиргич бўлмаса балик овламайди. Албатта, тушунмаган одам бўлса бошқа гап: - у, чўкдиргич бўлмасаям овга чиқаверади. Аҳмоқка закон йўк деган гап бор эмасми, ахир?..

- Демак, сен ўша гайкани чўкдиргич ясаш учун бураб чикарган экансан-да?

<sup>1</sup> Чўкдиргич - кармоқ ёки тўриш сувга ботириш учун уларга осилдиган оғрик.

<sup>2</sup> Имляма - приманка.

<sup>3</sup> Шилишпер - балик тури.

- Бўлмасамчи? Нима, уни соққа қилиб ўйнардимми?  
- Чўқдирғич улун с кўрғошин, ё милтик ўки... ё биронга  
мих топиб ишлатсанг бўларди-ку...

- Кўрғошин кўчада тушиб ётгани йўқ, у пудга келади, мих  
бўлса ярамайди. Гайкадан бошқаси кўл келмайди... У хам оғир,  
хам тайёргина тсн!ги бор.

- Жинниликка солади-я ўзини! Гўё кечагина дунёга  
келган-у, ё бўлмаса осмондап тушган. Бу гайка бурашнинг  
окибати қандай бўлишини билмайсанми, хой эси паст? Агар  
қоровул кўриб қолмаса, поезд изидан чиқиб ксгиб, канча одам  
ўлади! Сен одам ўлдирган бўлардинг, одам!

- Э, худо сакласин, таксир! Нега одам ўлдирай? Нима,  
биз чулчуг-мидик, ё йўлбарсмидик? Худога шукур, гақсир,  
ёшимиз шунчага этиб одам ўлдириш тугул, ундай парсаларни  
ўйлаганимизам йўқ... Узинг сақла, парвардигорим, рахминг  
келсин... Гагингизни қаранг-а?

- Хўш, сенингча, поездларнинг ағанани нимадан бўлади?  
Бир-иккита гайкани бураб чикардигми, ағанайди кетади!

Денис илжаяди, ишонмагандек бўлиб, бақрайиб герговчига  
қарайди.

- Йўғ-э! Неча йилдап бери бутун қишлоқ гайка бураш  
билан тирикчилик қилсак хам, шу кунгача худо ўзи сақлаб  
келди, мана энди ағанани, одам ўлдириш деган гаплар чиқиб  
турибди... Мен унинг рельсини олиб кетсам, с бўлмаса, ай-  
тайлик, йўлга битта-яримта ходани кўндаланг қилиб кўйган  
бўлсам, анаунда поезд, эҳтимол, ағанарди, бу бўлса... ниҳоятги  
бир гайка, холос... Гайка-я!

- Сен ахир тушунсанг-чи, рельсини шпалларга ўша гайкалар  
билан боғлайдилар!

- Э, упи биз яхши биламиз... Биз, унақа, ҳаммасини бураб  
олмаймиз-да... жиндак қолдираамиз... Телбаларнинг ишини  
қилмаймиз... тушунамиз...

Денис эснайди ва озини чўқингиради<sup>1</sup>.

- Утган йили шу ерда бир поезд ағанаб эди, - дейди гер-  
говчи. - Сабаби энди маълум бўлди...

- Нима дедингиз?

<sup>1</sup> Эснаганда оғич очилани, шунда шайтон кириб қолмасин деб. оғ чини  
чўқинтириш пасропийдарда бор.

- Ўтган йили дейман, бир поезд изидан чиққан эди. Шунинг сабаби мана энди маълум бўлди... Ҳа-а, билдим!

- Сиз меҳрибонларимиз, шунака нарсаларни билиш учун билимдон бўлгансизлар-да. Худо фақм берганда кимга беришини яхши билган... Сиз, мана, бу ундай, бу мундай деб дарров таънинг фахмига етдингиз, аммо анову қоровулингиз бир мужик эмасми, ҳеч нарсанинг фахмига бормасдан, одамнинг сқасига осилиб, судрай беради... Илагри бир нарсанинг фахмига бордин, ундан кейин судра-да! Мужик бўлдими, мияси ҳам мужикка яраша бўлади... Тақсир, мун ҳам дафгарингизга ёзиб кўйинг, у мени икки марта дунжимга, яна тағии кўкрагимга мушгади.

Сснинг уйинини ахтарган вақтда яна битта гайка топибдилар... Мунисини қачон ва қаерда бураб олган эдинг!

- Э, сиз анови қизил сандиқ остида ётган гайкани айта-сизми?

- Қаерда ётганини билмайман, ишқилиб сеникидан топганлар. Қачон бураб олгансан?

- Уни мен бураб олганим йўк. Уни менга ана у Семён кийшиқнинг ўғли Игнашка берган. Мен халиги қизил сандиқ остидагисини айтаётиман, аммо ташқарида, чанадан топилганини Митрофан икковимиз бураб чиқарганмиз...

- Қайси Митрофан у?

- Петров Митрофан... Эшитмаганмисиз? Узи тўр қилиб, бойларга сотади. Унга халиги гайка ўлгурдан жуда кўп керак бўлади. Ҳар бир тўрга, мен сизга айтсам, ўнтадан кстади...

- Менга қара... Жазо қонуни мажмуасининг 1081-моддасида айтилганки, башарти бирор кимса ёмон ният билан темир йўлга бирон зарар етқизса, парда мазкур зарар натижасида ўша йўлда кетаётган транспорт хавф остида қоладиган бўлса ва у ишнинг натижасида фалокат рўй беришини ул кимса ўзи билса... тушундингми? Билса!.. Бу бураб олишнинг оқибати қандай бўлишини сен билгансан, албатта... Ул кимса қаторга ишларига юборилмоққа ҳукм этилади.

- Сиз яхши биласиз, албатта... Биз подоп одамлармиз... биз пимаши билардик?

- Сеп ҳамма нарсани биласан! Ҳозир сен ситон айтаётиман, ўзингни тедбаликка соласан!



- Нега ёлгон айгай? Ишонмасангиз қишлоққа бориб сўранг... Чўқдиргич бўлмаса едим баликдан бошқа нарса тугиб бўлмайди; гошбоши баликдан бемаза балик борми дунёла, ушайм чўқдиргич бўлмаса илинмайди.

Терговчи кулади:

- Ха-а, шилишнердан ташир гагин!

- Бизнинг соида шилишнер бўлмайди. Қармоққа капалакни угказиб, чўқдиргичсиз гашласак кўшбоши балик илинади, холос, уям онда-сонда.

- Бўдди, жим...

Жимлик чўқди. Денис огирилиши тох у оёгига, тох бу оёгига солиб, кўк мовут ёпилган столга каради ва зўр бериб киприк коқди, каршисида гўё мовут эмас, куёш кўрипаётгандай. Терговчи шошилиб ёзади.

Бироз жимликдан сўнг:

- Мен энди кетаверайми? - дейди Денис.

- Йўқ. Мен сени миршабларга қўшиб, камоқхонага жўна-таман.

Денис киприк кокинидан тўхтаб қалин кошларини кўтариб, гўрага савол назари билан каради:

- Бу нимаси? Нега камоқхонага юборасиз, жаноб? Сира вақтим йўқ, hozир катта бозорга жўнашим керак; Егорда ёг пулидан уч сўм колувди, ўшани олмасам бўлмайди...

- Жим тур, халакиг берма.

- Қамоқхонага эмиш... бирон тупоҳим бўлса, майлиди, борардим, йўқсабекордан-бекорга... курук тухмакка-я... Бўлмаса нимата ахир? Угрилик килган бўлмасам, мунглашган бўлмасам... Олиқ-солиқдан бокиманда колган деб ўйласангиз, жаноб, хотиржам бўлинг, оқсоқолнинг тапларига ишонманг... Сиз ана у тўрадан сўранг, тақсир... У оқсоқолда имон деган нарса йўқ ўзи...

- Жим тур!

Денис:

- Ҳалиям жим турибман... - деб тудиллайди. - Хатлаш вақтида оқсоқол жуда ортгириб ёзган, мунга мен касам ичиб гасдиклайман. Биз ўзимиз - уч оғайнимиз: Кузма Григорьевич, чунончи, Егор Григорьевич, ундан кейин мана мен, Денис Григорьевич...

-Сен мента халақиғбсраёғибсан... -дейди терговчи, сўнгра кичқиради. Ҳой Семён! Олиб бор муни!

Иккита хайбатли солдат келиб, уни махмадан олиб чикиб кетаркан, Денис яна сўзлайди:

Биз ўзимиз уч оғайшимиз. Бирининг гуноҳига бири жавобгар эмас... Солиқни Кузьма туламасин-у, жавобини мен, Денис берай эмиш... Судьядар! Аттанг, бурунги хўжайишим катта генерал ўлиб кетди-да, худо раҳмат килгур, йўкса сиз судьяларнингтоза адабишгизни берарди... Адашмасдан, яхши билиб ҳукм килиш керак. Урсанг қам майли, лекин гуноҳим бўлса ур, инсоф билан ур...

## ЛОЗИМ ЧОРАЛАР

аҳаллий камоқхона назоратчисининг ифодасича, география харитасида исмиши телескоп билан ҳам кўриб бўлмайдиган кичкина ва уездесиз бир шаҳарча, куёшнинг нурлари билан порламоқда. Жимжитлик. Шаҳар идорасидан чикибсавдо расталари томон секин-секин санитария комиссияси кетиб бормоқда, бу комиссия шаҳар доктори, полиция назоратчиси, шаҳар идорасининг икки вакили ҳамда бир савдо вакилидан иборат. Орқада камоли хурмат билан миршаблар кетмова... Комиссиянинг йўли ҳам, дўзах йўли сипгари, яхши шиятлар билан тўшалган. Бу санитарлар, кетиб бораркан қўлларини тўлгай-тўлгай ифлосликлар, бадбўйликлар, лозим чоралар ва бошқа, шунингдек, ўлатга тегишли нарсалар тўғрисида сўзлашадилар. Уларнинг гаплари шу кадар мазалик бўладикки, ҳаммадан олдинда кетиб борувчи полиция назоратчисини бирдангига завк олиб кстади-да, оркаеига қайрилиб, дейди:

- Мана шу тарикада тез-тез йитилишиб, музокаралар қилишиб турсак эди, таксирлар! Ҳам кўйигил очиларди, ҳам киши ўзини бипойи сезарди, йўкса биз тажиштангиз-тажишган. Лазбаройи худо!

Савдо вакили худди ўзига қурбон таплаб турган бир жаллод сипгари, докторга юзлапади:

Кимдан бошласак экан? Ошсйпиковининг дўконидан бошласак қандай бўлар экан, Аникита Николанч? Аввало у ўзи

мутгаҳам одам, ва... иккинчидан, уни лам текширишга вақт келди. Бир кун унинг дўконидан бизникига гречиха ёрмаси олиб келган эдилар, қарасам, ичида каламуш тезаги юрибди... Хотиним оғзига ҳам олмади!

Доктор лоқайд жавоб берди:

- Нимаси бор? Ошейниковдан бўлса, Ошейниковдан бошлайберамиз-да.

Санитарлар, вивескасига - «А. М. Ошейниковнинг қант, қаҳва ва бошқа колониал моллар магазини», деб ёзилган бир дўконга кирдилар-да, узундан-узоқ муқаддималарга киришмасдан дарҳол текшира бошладилар.

Қозон совунларидан чиройлик қилиб уюлган эҳромга қараркан:

- Жойида... - дейди доктор. - Совунлардан қандай Бабиль калъалари ясаб юборибсан! Ҳунар бу, қаранг-а! Ийи, ийи! Бу қандай гап бўлди? Буни қаранг, тақсирлар! Демьян Гаврилович совунни ҳам, нонни ҳам бир гинчокда кесар эканлар!

Дўкон эгаси бунга қарши, худди ҳақли жавоб кайтаргандай бўлиб, деди:

- Бундан ҳеч бир вақт вабо пайдо бўлмайди, Аникита Николаич!

- У-ку рост-а, лекин яхши эмас, ахир! Мен ҳам, ахир, нонни сендан оламан.

- Яхши одамларга алоҳида ничоғимиз бор. Э, хотиржам бўлинг... Нима деб ўтирибсиз...

Полиция назоратчиси қўзларини сузиб чўчка сонига қарайди, анчагача уни тирноғи билан тимдалаб кўради, қаттиқ искайди, сўнгра чўчка сонини чертиб туриб сўрайди:

- Бунинг ичида стрихнин<sup>1</sup> ҳам бўладими?

- Йўғ-с... Ундай демасилар-с... Ундай килармидик!

Назоратчи хижолат бўлиб, у ердан кетади, ундан кейин яна қўзларини сузиб, Лемолов ва шерикларининг прейскуранти<sup>2</sup> тикилади. Савдо вакили қўлини гречиха ёрмаси турган бочкага солса, қўли юмшоқ, баркут сингари бир нарсага уринади... Бочкани ичига қарайди ва сўнгра юзида меҳр аломати пайдо бўлади.

<sup>1</sup> Стрихинин - ўл кир заҳар.

<sup>2</sup> Прейскурант - нархларнинг рўйхати.

Мушукча... мушукча! Юмшок махлукча! - дсб гужурлайди у, - ёрманинг устига узалиб, бошларини кўгарибдилар... - Эркалик килаётирлар... Сен, Демьян Гаврилич, мушукчадан биронгаенини бизникига бериб юборсанг бўларди!

- Мумкин... Аммо, таксирлар, газакларни кўрмакчи бўлсангиз агар... мана селодка, пишлок-- қизил балик, марҳмат қилиб кўринг... Бу баликни пайшанба кuni туширдим, энг яхши балик... Мишка, пичокни бер!

Санитарлар баликни иичоқ билан тўнрагач, илгари бир кур искаб олиб, сўнгра татиб кўрмоқ учун оғизларига солдилар.

Дўкон эгаси Демьян Гаврилич, худди ўз-ўзига гапиргандай дейди:

- Шу бахонада мен ўзим ҳам жиндак овқатланиб олай. Аллақандай бир шиша дори ёғиб эди. Баликдан олдин жиндак уриб олсамми... Унда, балиқнинг таъми ҳам ўзгача бўлади... Мишка, ўша шишани буюққа бер!

Мишка, лунжини шишириб ва кўзини бакрайгириб шишани оғзини очади-да, «такк!» эғиб прилавка устига қўяди. Полиция позири, чучмаллашиб, гардашини қашигани холда дейди:

- Нахорда ичиш... - дейди. Аммо биргина ситакан бўлса, балки... Демьян Гаврилич, берадиган бўлсанг, тезроқ бўл, йўқса сенинг арағинга сира вақгимиз йўқ!

Чорак соатдан кейин сашитарлар лабларини арта-арта ва гугурт чўни билан тишларини ковлаган холда, Голорибенко деганнинг дукони гомон кетиб борадилар. Учакишгандай, ўтадиган йўл ҳам йўқ... Бсш пафар полвои киши юзлари қиққизарган ва терлаган холда, дўкондан ташқарига ёглик бочкаларни филдиратмоқдалар.

- Унга ўт... Чеккасидан горт... горт, торт дейман! Татига ёгоч кўй... э, падарингга лаънат! Четроққа ўтиб туришг, тўра, босиб кетади!

Бочка эшикка тикилиб қолиб, ўрнидан сира жилмайди. Полвоилар бутун кучлари билан зўр бериб, уни итардилар ва каттиқ-каттиқ пишиллашиб, баланд овоз билан сўкмадилар. Жуда зўр бериб итариш натижасида, шунча кўн пишиллаш билан хавонинг софлиги ҳам яхшигина бузилгач, ниҳоят, бочка ўрнидан жилади, аммо, табиат қонунининг акси ўлароқ сўрқага қараб гилдирайди-да, яна эшикка тикилиб қолади. Яна пишиллаш бошланади.

- Тфу! - дейди назоратчи. - Шибуккишикига ўта қолайлик. Бу лаънатилар кечгача пишиллашадиганга ўхшайди.

Аммо Шибуккишининг дўкони бу вақтда қулфламган эди.

Санитарлар, бир-бирларига қаршиб, таажжубланадилар:

- Ҳочиргина очик эди-ку! - дейдилар. - Биз Ошейниковникига кирган вақтимизда, у эшик олдида мис пойнакни юшиб турган эди. - Сунгра ёшиқ дўкон олдида турган гадойдан сўрайдилар: - қани бу?

Гадоё хирқирок овоз билан дейди:

- Исо йўлига бир нарса беринглар. Бир майиб бечораман, хайру саховат қилинг, тўралар. Илоҳим, бола-чакаларингизнинг...

Санитарлар қўл силтаб, нари кетдилар. Шахар идораси вакили Плюнингина улардан ажралиб қолиб, гадоёга сундан бир тийин олиб берали-да, худди бир нарсадан кўрққандай ашиқ-ташиқ чўкиниб, шеркларининг орқасидан югуради.

Икки соатча ўтгандан кейин, комиссия энди қайтиб боради. Санитарлар чарчаган ва эзилган кўринадилар. Уларнинг бу сафарлари бекор кетгани йўқ, чунки миршаблардан бири, тангана билан қадам босаркан, бир саваг тўла сасиган олма кўтариб боради.

Назоратчи «Арақ савдоси. Арақлар ва винолар» деб эзилган вивескага қараган ҳолда, дейди:

- Шуича ҳалол меҳнатдан кейин, энди жиндаққина томоқни ҳўллаб олсак смон бўлмас эди.

- Ҳа, албатта. Ёмон бўлмас эди. Истасаларинг қирайлик.

Санитарлар ергўла - майхонага тушадилар-да, оёғи қийшиқ стол теграида давра олишиб ўтирадилар. Назоратчи хўжайин томонга имо қилади, шундан кейин стол устида дарҳол шишалар пайдо бўлади.

Савдо вакили ичкиликни ичаркан юзини буриштириб:

- Афсуски, гачаги йўқ, - дейди. - Тузланган бодирингдан берсақмикан... Ундай десам...

У киши дарҳол ҳалиги миршаб томонга бурилиб, олманинг яхши-яхшисини танлайди-да, гачак қилади.

Назоратчи, ажаблангандек бўлиб, дейди:

- Ох... бунинг унча бучилмагандари ҳам бор экан. Қани берчи, мсн ҳам бир-иккита танлаб олай! Э, сен идишнинг

ўзини шу ерга қўй... Яхши-яхшиларини танлаб оламиз-да, арчиб еймиз, колганини ташлаб юборсанг ҳам бўлади. Аникита Николаич, қўйишг! Мапа шу пака тез-тез йиғилишиб, музокара қилишиб турсак. Йўкса бу насагкам жойда ҳеч нарсани кўрмай умринг ўгади: на маърифат, на клуб, на улфатчилик - Австралияшиг худди ўзгинаси! Қўйиб ичишлар, тақсирлар! Доктор, олмадан олинг! Сиз учун ўзим, ўз қўлим билан арчим!

Миршаб, ертўладан чиқиб кслаётган назоратчидан:

- Таксир, тўра, бу саватни нима қилдим энди? -- дсб сурайд.

- И... сават? Қандай сават? Ҳа-а! Олмаси билан бирга йўк қил дарров!.. Юқумли касаллиг уяси у!

- Олмасини еб бўлдилар-да!

- Ҳа-а... жуда саз! Ма-анга к-кара... менинг уйимга бориб, болаларимга айт, хафа бўлмасин... Мен факат биргина саз... Пляшишикида ухлаб келаман... Укдингми? Ухлаб келаман. Уйку тангрисига салом бериб келаман. Шпрехен зи дойч!, Иван Андреич.

Шундан кейин, у кўзини юкори кўтариб, аллақандай бир алам билан бош чайқайди-да, кўлларини кериб туриб:

- Бутун умримиз шундай ўгади! - дейди.

## СЕМЮ ВАОРИҚ

п иколасев темир йўлининг вокзалида икки ошна учрашиб қолишди. Бирини семиз, бирини орик. Семиз ҳозиргина вокзалда овқат еган - ёғлиқ лаби пишган олчадай ялгираб турибди. Ундан херес виноси ва флердоранже леган атиришнинг ҳиди келар эди. Орик эса вагондан ҳозиргина тушган ва чемодан, туғун, каргонлар кўтариб олган эди. Ундан ветчина ва қаҳва хиди келар эди. Унинг оркасида орик, чўзиқ юзли хотини, кисик кўзли повча гимназист - ўгли туришибди.

- Порфирий! - деди семиз, орикни кўриб. - Сенмисан! Бўғалогим! Неча-неча ёз, неча-неча қишлар ўтиб кетди!

- Э! - дсди орикхайрон қолиб. <sup>1M</sup> Миша! Биродарим! Кадрдоним. Хўи эсон-омон бормисан?

<sup>1</sup> Шпрехен зи дойч? (нем.) - Немисча биласизми?

Ошналар қайта-қайтауч маротабаоғиз-бурун ўнишгандан ксийн, ёшли кўз билан бир-бирларига тикилишди. Иккови ҳам ўзида йўқ хурсанд бўлиб довдираб қолди.

- Азизим! - деди орик оғиз-бурун ўишгандан кейин. - Буни қара-я! Хўи учрашиб қолдик-да! Қани менга тузукрок қара-чи! Ҳали ҳам ўша илгаригидек, чиройликсан-а! Ҳамон ўшандай жонон, олифта! Оббо сеней! Хўш, қалайсан? Бойдингми? Хотин олдингми? Мсн уйландим, мана... Бу хотиним, Луиза Ванценбах... Лютеран мазҳабида... Бу эса ўғлим Нафанаил, учинчи синфда ўқийди... Нафнаил, бу киши менинг қадрдон дўстим! Гимназияда бирга ўқиганмиз!

Нафанаил бир оз ўйлаб туриб, шапкасини бошидан олди.

- Гимназияда бирга ўқиганмиз, - деди орик, давом этиб. - Эсингда борми, сени нима деб калака қилишар эди? Ҳукумаг кигобини папирос билан куйдирганинг учун сени Герострат<sup>1</sup> дсб калака қилишар эди. Мен чақимчи бўлганим учун Эфиальт<sup>2</sup> деб калака қилишар эди. Ҳа-ҳа... Бола эди к! Тортинма, Нафания! Яқинроқ кел... Бу менинг хотиним Ванценбах... Ўзи лютиран...

Нафанаил бир оз ўйлаб туриб, ўзини отасининг орқасига олди.

- Хўш, ишлар қалай, дўстим? - деди семиз, дўстига севиичли назар ташлаб. - Бирон жойда хизмат қиласанми? Қапарок амалга миндингми?

-Хизмат киламан! Икки йилдан бери коллежский ассесорман, Станислав<sup>1</sup> олдим. Маош яхши эмас... Садақаи еарку-я! Хотиним мусика дарси беради, мен уйда ёгочдан портсигар килиб сотаман. Жуда галати портеигарлар ясайман! Биттаси бир сўм. Улгуржи оладиган одамга арзонрок килиб бераман. Сабаби тирикчилик-да. Департаментда хизмат қилар эдим, шу махкама бўйича буёққа ишлар мудирини бўлиб келдим... Шу ерда хизмат киламан. Хўш, сенчи? Статский советник бўлгандирсан, дейман? А?

<sup>1</sup> Г'срост'рат- юном афсонасининг қахрамони. Ном чиқариш учун маъбула Диананинг ибодатхонасига уг қўйган.

Э ф и а л ь т - афсона қахрамони. У Эрой кўшининга тогдан ў п ани йўл кўрсагиб, ватандошларига хиёнат қилган.

<sup>1</sup> Орден.

- Йўқ, азизим, юкорирокдан кславср, - деди семиз. - Мен тайний советник бўдиб қолдим... Иккита Юлдузим<sup>1</sup> бор.

Бирданига ориқнинг ранги оқариб кетди, тошдай котиб қолди, лекин ҳаял ўтмай юзи тарвайиб, куйдирилган калладай иржайди; худди юз-кўзидан учқунлар ёғилаётганга ўхшар оди. Ўзи қўнишди, букчайди... Хотинининг чўзиқ юзи яна қам чўзилди; Нафанаил гоз туриб, мундирининг ҳамма тугмаларини солди...

- Мсн, жаноби олийлари... Кўп яхши!.. Болалигиндан бери дўст бўлиб юрган кишинг шундай мартабага етса! Ҳи-хи!

- Қўйсанг-чи! - деди семиз афтини буриштириб. - Бу гаиларнинг нима кераги бор? Бирга, кўрпа тенишиб катга бўлган одамлармиз, мунча эҳтирому қўл қовуштиришнинг нима кераги бор!

- Қўл қовуштирмасдан бўлар эканми... Наинки... - деди орик яна қам қўнишиб, - жаиобларининг назари марҳаматлари... Гўёки оби ҳаёт... Бу жаноби олийлари, ўғлим Нафанаил... хотиним Луиза лютиран, бир даража...

Ссмиз унга қарши нимадир демачи эди, унинг юзидаги ортиқ даражада бўлган мутелик, хоксорлик аломатлари энсасини қотириб юборди. У ўгирилиб, хайрлашгани қўл узатди.

Ориқ бутун вужуди билан таъзим килиб хайрлашди ва хитойдай **қи-ҳилади**. Хотини илжайди. Нафанаил тавозе билан қадам ташлайман деб, шаикасини қўлидан тушириб юборди. Учови ҳам ўзида йўқ хурсанд эди.

## ХАМЕЛЕОН<sup>2</sup>

**У**стига янги шинель кийган, қўлида тугунча, полиция назоратчиси Очумслов бозор майдони ўртасидан юриб келмоқда. Унинг оркасидан қўлида мусодара қилинган крижовник<sup>3</sup> тўла галвир кўтариб афт-ангори сап-сариқ городовой<sup>4</sup> қадам ташлаб келаётир. Теварак жимжит... Бозор майдонида кимирлаган

<sup>1</sup> Орден.

<sup>2</sup> Хамелеон, кал гакесакнинг бир хили. У ўз териеншиш' рангини ] е ] у и ] артириб, учи яшаб турган шаронгтаги рангга кира олади.

<sup>3</sup> Крижовник мева.

<sup>4</sup> Городовой - миршаб.



жон кўринмайди... Дўкон ва қовоқхоналарнинг эшиклари оч йирткичининг оғзидай очилиб, хувуллаб турар эди; уларнинг олдида ҳатто гадой ҳам йўқ.

Очумеловнинг кулогига бирдан:

- Сси ҳали одамни тишлайсанми, малъун! Биродарлар, қочириб юборманглар! Ҳозир бировни тишлашга руҳсат йўқ! Ушла! А... э! - дсган товуш эшитилди. Кучук вапгиллади. Очумелов атрофига караб, савдогар Шичугинининг ўтинхо-иасидаи бир иг уч оёқлаб, орқа-ўнгига караб, чопиб чикиб келаётганини кўриб қолди. Кучукни чит кўйлак кийган ва нимчасининг тугмалари ечилган бир киши кувлаб келмокда эди. У кучукнинг кетидап чопаркан, ўзини ерга гашлаб, кучукнинг кейинги оёғидан ушлаб олди. Кучук яна вапгиллади ва «кочириб юборманг» дсган овоз эшитилди. Дўконлардан мудроқ босиб ўтирган кишилар каллаларини чиқариб қарашди ва бир дам ўтинхонанинг олдига, худди ер остидан чикқандек, халойиқ йигилди.

- Мухтарам афандим, бу гартибсизлик... - дели городовой.

Очумелов сўлга бурилиб, одамлар йигилган жойга караб юрди. Утинхона дарвозаси олдида, юқоридатасвир килинган, нимчасининг тугмалари ечилган киши ўнг қўлини юкорига кўтариб, конга бўялган бармогини одамларга кўрсатиб турарди. Унинг ширакайф башараси гўё: «Сешими, караб тур, лаънати!» деб турар ва бармоги ҳам галаба тугига ўхшарди. Очумелов бу кишини таниди: у заргар Хрюкин эди. Уртада олдинги оёқларини кериб, вужуди титраб, гўполоннинг сабабчиси - тумшуги узун ола този турарди. Унинг ёшланган кўзлари жавдирарди.

Очумелов одамлар орасига ёриб кираркан:

- Нимага йигилдиларинг, нима гап? Бармогингга нима қилди? Ким қичқирди? - деб сўради.

Хрюкин мушгумини оғзига тутиб, йўғалиб кўйиб сўз бошлади.

- Мен, мухтарам афандим, ўз йўлимда кетаётган эдим... Митрий Митрич билан ўгин тўгрисида гаплашмокчи эдим. Сиз мени кечиринг, мен ин киладиган одамман. Менинг ишим майда иш, мента товон тўласинлар, чунки ким болади, балки мен бу бармогимни бир хафта қимирлатолмасман. Мухтарам

афандим, қонунда мундақа махлук кишига озор брсини дейилган эмас... Агар хар парса тишлайверса, у вақта дупёда турмаслик яхширок...

- Ҳм... яхши... - деди Очумелов жиддият билан йўталиб ва кошларини кимирлатиб, - яхши... Кимнинг кучуги? Мен бунни шундай кўймайман! Мен сизларга кучукларни бўш кўйиб юбориш нима эканини кўрсатиб қўяман! Қарорларга бўйсуннишни хохламаган афандиларга ахамият бериш вақти келди. Бу аблаҳга жарима солинса, у вақта кучук ва бошка тентираб юрадиган хайвон нима эканини билади. Мен унга кўрсатиб қўяман! Елдин, - деди назоратчи городскойга караб, - сен бу кучукнинг эгасини топиб, баённома ёз! Кучукни йўқотиш керак. Тезда! Кутурган кучуккаўхшайди... Бу кимнинг кучуги ўзи!

- Генерал Жигаловники шекилли, - деди кимдир.

- Генерал Жигаловники? Ҳм... Елдин, қани мени пальтомни ечиб ол: жуда ҳам кун исиб келди! Ёмғир ётса керак!.. Лекин мен бир нареага гушунолмадим, у сени қандай қилиб тишлаб олди? - деб Очумелов Хрюкинга мурожаат қилди. - Қандай қилиб бармоғинга бўйи етди? У кичкина, сен бўлсанг қап-қапга одамсан! Сен балки бармоғингни миҳ билан гешгандирсан, ундан кейин кучукни баҳона қилиб говон олиш фикри бошинга келгандир. Сенинг ким эканинг ҳаммага маълум. Мен сен лаънагиларни биламан.

- Бу, муҳтарам афандим, кулги бўлсин учун ёниб турган папиросини кучукнинг тумшугига тутди, кучук ҳам аҳмоқ эмас, гирч этиб тишлаб олди... Бу одамнинг ўзи тентак экан, муҳтарам афандим.

- Ёлғон айтасан, **кишпик!** Кўрмагапингдан кейин нимага ёлғон гапирасан? Жаноблари ақлли одамлар, ким ёлғон гапирганини, ким худо олдида тургандек, рост айтганини - хаммасини биладилар... Агарда мен ёлғон гапирган бўлсам, суд ҳукм қилсин... Ҳозир ҳамма баробар... Менинг биродарим жандармада ишлайди. Агар билгингиз келса...

- Тилингни гий!

- Йўқ, бу генералнинг кучуги эмас. Генералнинг бундақа ити йўқ: унинг иглари овчи итлар, - деб городской маънолик қилиб.



- Сен буни аниқ биласанми?

- Аниқ биламан, афандим.

- Учим ҳам биламан. Генералнинг итлари қимматбаҳо, зотли итлар, шу ҳам итми? Бунинг афтини кара... Расво бир нарса... Шунинг қам ит деб сақлайдими киши?! Сиздаақл борми ўзи? Бундақа ит Петербург ёки Москвада кўришиб қолса биласизларми, нима бўлар эди? У ерда қонунга қараб ўтирмасдан, ўлдириб қўя қолар эдилар. Сен Хрюкин, қанча азоб кўрибсан, бу ишни шундай қўйиб қставерма!.. Адабини бериш керак! Вақт келди...

- Эҳтимол, генералникидир... - деб тородовой овозини чиқариб қўйди. - Унинг тумшугига ёзиб қўйилмаган-ку... Бир кун генералнинг ховлисида шундай итни кўрган эдим.

- Албағга, генералники бўлса керак, - деди кимдир.

- Ҳм... Елдин, биродар, пальтони елкамга гашла... Шамол гургандек бўлди... Баданим увишиб кетди... Сен итни генералнинг олдига обориб сўра. Итни мен топиб юборганлигимни айт... Кўчага чиқармасинлар. Айгиб қўй. Балки у қимматбаҳоқдир, ҳар бир тўнғиз унинг тумшугига папирос текизаверса, ит айнаиб қолади. Кучук деган нарса возик махлуқ бўлади. Ахмоқлик қилиб, бармогинини кўрсатиб туришга ҳеч ҳожат йўқ! Айб ўзингда!..

- Генералнинг ошпази келаяпти, ўшандан сўраймиз... Ҳай, Прохор! Азизим, қани буёққа кел! Итни кўр-чи... Сизларникими?

- Шу ҳам гап бўлдимми?! Биз қсч қачон бунақа ит тутганимиз йўқ.

Бу ерда сўраб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ, - деди Очумелов. - Бу ўзи саёк ит! Нима кераги бор гапни чўзишни? Узим саёк ит деб айтдим-ку. Саёқда! Улдириш керак, вассалом!

- Бу бизники эмас, - деди ошпаз, - бу генералнинг яқинда келган укасиники. Бизда бунақа итни ёқтиришмайди. У кишининг укалари бунақа итни яхши кўради...

- У кишининг биродарлари келдиларми? Владимир Иванович-а? - деб Очумелов сўради, ийиб кетиб олган кулагига етди. - Уни қара-я. - Мен билганим йўқ, меҳмон бўлиб келдилар дегин?

- Меҳмон бўлиб келдилар.

- Уни каранг, с худо... Акаларини соғиниб қолибдилар-да... Мен билганим йўқ эди. Бу ўша кишининг иглари дегин? Жула хурсандман... Ол, мана бунинг бармоғини гишла, ха-ха-ха... Нега ги грайсан? Ол, киш-киш! Кўрдинми... жаҳли чиқади-я...

Ошпаз Прохор игни чакириб олиб кетди... Тўпганиб гурган одамлар Хрюкинни масхара қилиб, қаҳқаҳа урадилар.

- Шонмай тур, мен сенга кўрсатиб қўяман! - деб Очумелов Хрюкинга дўқ қилади ва шивелига ўраниб, бозор майдонидан йўлда давом этади.

## УНТЕР ПРИШИБЕЕВ

- Унтер-офицер! Пришибсев! Сиз шунинг учун айбла-насизки, 3 сентябрь куни сўз ва ҳаракатишгиз билан урядник Жигиши, волость бошлиги Аляповши, юзбоши Ефимовши, гувохлар каторида ўтирувчи Иванов ва Гавриловши, яна олти нафар деҳқонши ҳақорат қилгансиз. Шунинг ҳам айтиш керакки, урядник, волость бошлиги ва юзбошиши хизмат вазибалариши ўгаб турган чоғда ҳақорат этгансиз. Айбишгизга икрормисиз?

Юзи буришган, башарасини жун босган Пришибеев таз туриб, хирқирок ва бўғилган овоз билан, худди буйрук бергандай, ҳар сўзини бигга-бигга айтиб жавоб қайғаради:

- Жаноби олийлари, суд хазратлари! Демак конуннинг бутун моддаларига Караганда, ишнинг сабабини харёқлама текширув лозим эди. Айб менда эмас, бошқаларда. Бу иш ҳаммаси худо раҳмат қилтур бир мурда устида келиб чиқди. Шу оининг учинчи куни хотиним Анфиса билан секин, олижаноблик билан кетаётган эдим, қарасам - сув бўйида бир гўда хар хил одам турибди. Халқнинг тўпганишга қандай ҳаққи бор, дедим. Нечун? Конунда халқ пода сингари тўпганиб юрсин деб айғилганми? «Тарқалингиз!» деб қичқирдим. Уйларига гарқалсин, деб одамларни нари-бери итара бошладим, юзбошига, бўйнига уриб хайлашни буюрдим...

- Шошманг, сиз ахир урядник ҳам, оксоқол ҳам эмассиз-а, халқни хайдаш сизнинг ишингиз эмас-ку?

Унтер-офицер    кичик офицер.

Ҳар бурчакдаш:

- Унинг иши эмас! Унинг иши эмас! — деган овозлар эшитилди. — Таксир, у бизга кун бермай кўйди! Ун беш йилдан бери ундан кўрмаган кўргилигимиз қолмади, у хизматдан қайтгандан буён қишлоқни ташлаб кетгудай ҳолдамиз. Ҳаммани жонидан бездирди.

- Худди шундай, таксир! - деди гувоҳлик берувчи оксокол. - Бутун юрт бир бўлиб, шикоят қиламиз. Унинг билан мураса қилиш қийин бўлиб қолди... Маъракаларда ҳам, тўй-томшаларда ҳам ёки бошқа бир маросимда бўлса ҳам, хуллас ҳар қачон қичқиради, шовқин солади, ўзинча тартиб ўрнатган бўлади. Болаларнинг қулогидан чўзади, бир гап чиқиб қолмасмикин, деб хотинларга секин назар солиб юради, тўё қайнагата ўхшайди. Бир куни, ашула айтманг, чирок ёкманг, деб уйма-уй буйруқ қилиб юрди. Қонунда ашула айтсин деган, деб қичқирди.

- Шошманглар, ҳали гувоҳлик беришга улгурасиз, - деди судья, - Пришибеевнинг ўзи гапирсин-чи. Қани, Пришибеев, гапингизни давом эттиринг.

- Хўш таксир! - деб хириллади унгер. - Сиз жаноби олий, халқни тарқатиш менинг ишим эмаслигини гапирдингиз... Яхши... Хўш, ахир, тартибсизлик қилувига йўл кўйиб бериш ксракми? Қайси қонунда халқни ўз эркига кўйиб берилсин дейилган? Мен бунга йўл қўя олмайман. Мен уларни қайдамасам, жазо бермасам, буни ким қилади? Чиакам тартибни ҳсч ким билмайди. Айтиш мумкинки, гақсир, оддий фуқаро билан қандай муомала қилишни, бутун қишлоқда фақат мен ўзим биламан, ўзим, таксир, ҳамма нарсани тушуноламан. Мен мужик эмас, унгер-офицерман, хизматдан бўшаб келган каитенармуслан. Мен Варшавада, штабда ишлаганман... Агар билишни истасангиз, ундан сўнг ўт ўчирувчилик хизматига кирдим. Шундан кейин нотоблигим, заифлигим сабабли ўт ўчирувчиликдан бўшаб кетиб, икки йилгача эрлар классик прогимназиясида швейцарь бўлиб хизмаг қилдим... Мен бугун тартибни биламан. Мужик эса солда одам, у ҳеч нарсани тушунмайди, менинг айтганларимга кулоқ солиши лозим, чунки ўзига фойда бўлади. Мисол учун шу шини олайлик... Мен одамларни хайдай бошладим. Сув бўйидаги қум устида бўлса

ўлап кишининг тавдаси стибди. Хўш, қайси асосга биноан бу киши бу ерда ўлиб ёгади, дедим. Шу ҳам тартиб бўлдими? Нимата урядник индамай қараб туради. Сен, урядник, нимата бу тўғрида катталарга хабар қилмадинг, дедим. Балки бу одам ўзи сувга чўкиб ўлгандир. Балки, биров қилган жиноят бўлиб, жиноятчини Сибирь кутаётгандир. Жинояткор котил бўлса ҳам ажаб эмасдир... Урядник Жигин бўлса нарво қилмай, напирос чекиб ўтирибди. «Бу қанақа буйруқчи ўзи? Уннинг ўзи қаердан пайдо бўлиб қолди? - дейди. - Усиз биз қиладиган ишимизни билмаймизми?» - дейди. Демак дедим мен, сен аҳмоқ, бу ерда ҳеч нарсага эътибор бермасдан тўдайиб турибсан, ҳеч нарса билмайсан, «Мен, - деди у, - кеча кечқурунок даҳа полицияси бошлиғига хабар қилганман». Даҳа полицияси бошлиғи нима учун хабар қиласан, деб сўрадим. Қоиунлар мажмуасининг қайси моддасига асосан? Ахир, чунончи, биров сувга ботганда ёки ўзини бўғиб ўлдирганда ва шунинг сингари ходисаларда, хуллас бундай ишларда даҳа полицияси бошлиғининг қўлидан бир нарса келадими? Бу жиний иш, граждан иши... Тезлик билан терговчи ва судья жанобларига, чопар юбормок керак. Ҳаммадан аввал сен далолатнома тузиб мировой судья жанобларига юборишинг лозим, дедим. Урядник бўлса менинг таимни эшитиб кулаберди, мужиклар ҳам кулдилар. Ҳамма кулди, тақсир. Қасамёд қилиб буларни кўрсатоламан. Мана бу ҳам кулди, анови ҳам кулди. Жигин ҳам кулди. Нега илжасиз. Урядник: «Мировой судья, бундай ишларни қарай олмайди» деди. Бундай сўзларни эшитиб, жуда кизишиб кетдим. Урядник, сен шундай деб айтмадингми? - деди унтер, урядник Жигинга қараб.

- Ҳа, айтдим.

- Оддий халқ олдида: «Бундай ишларни мировой судья қарай олмайди», - деб айтганингни ҳамма эшитди. Бу гапни ҳамма эшитгандан сўнг, десапгиз, тақсир, мен кизишиб кетдим. Жоп-поним чикиб кетди. «Нима дединг, қани кайтариб айт!» дедим. У менга тагин ўша сўзларни тақрорлади. Мен унга ўшқирдим. Қапдай қилиб, дедим, сен мировой судья жаноблари тўғрисида шундай сўзларни айтоласан... Сен полиция урядшиси бўла туриб, ҳукуматга қаршимсан, а? Биласанми, дедим, агар мировой судья жаноблари истасалар, бундай сўз-





ларинг учун сени ишончсиз деб айблаб, губерна жандарми идорасига юборишлари мумкин? Ахир бундай сиёсий сўзлар учун мировой судья жаноблари сени каерларга қайдаб юборишини биласанми, дедим... Оксокол бўлса: «Судья ўз ҳаддидан ташқари ҳеч нарсага қўл уролмайди. У фақат майда ишларнигина қарайди» деди. Худди шундай деб айтди, ҳамма эшитди... Ахир қандай қилиб сен маъмуриятнинг обрўйини туширасан, дедим. Ҳазилингни бир чеккага йиғиштириб қўй, дедим, бўлмаса ишинг ёмон бўлади, биродар, Варшавада ски эрлар прогимназиясида хизмат қилганимда бирорга ноқулай сўзни эшитсам, жандарим кўринмасмикин деб, дарров кўчага қарар эдим, кўриниб қолса: «Буёкка кел, йигит» дер эдим-да, эшитган ҳамма гапимни айтардим. Бу ерда бўлса, кишлоқда бундай гапларни кимга айгасан?.. Жоним чиқиб, юрагим гаре ёрилиб кетди. Ҳозирги халқ ўзбошимча ва итоғсиз бўлиб, ўзини унутиб қўйганидан жуда койиндим, айлангириб бир солдим... Албатга, унча каттик урганим йўқ, сиз жаноби олиининг шаънига иккинчи бундай каттик сўз айгмаелиги учун урдим. Урядник бўлса оксоколнинг тарафани олиб қолди. Шундан суш , албатга, мен урядникка ҳам гарсаки тортиб юбордим. Шу билан бошланиб кетди... Қизишиб кетгандан кейин, тақсир, ахир урмасдан бўлмайди-да. Агар аҳмоқ кишини урмасанг ўзинг гуноҳига қоласан. Айниқса, иш устида, тартибсизлик устида.

- Тўхтаг-чи! Тартибсизликни текширадиган киши бор, бунинг учун урядник, оксокол, юзбоши бор...

- Урядник ҳамма нарсани кўриб улгура олмайди, ахир урядник мен тушунган нарсани тушунмайди...

- Ахир, бу сизнинг ишингиз эмаслигини тушунсангиз-чи!

- Нега? Қандай қилиб бу менинг ишим бўлмасин! Ажаб... Одамлар тартибсизлик қилсин-у, менинг ишим бўлмасин. Нима қилай, уларни шу қилиги учун мақтайми? Аиавилар бўлса, мени ашула айттирмайди, деб сизга чакади... Хўш, ашуланинг нима яхши жойи бор? Иш ўрнига улар ашула айтадилар... Бу ҳам етмагандай, кечаси чирок ёкиб ўгириш одат бўлиб қолибди; ётиб ухлаш пайти келган, улар бўлса гап сотишиб, ҳиринг-ҳиринг қуладилар. Бу нарсаларнинг ҳаммасини ёзиб қўйганман.

- Нимаи ёзиб қўйгансиз?

- Чирок ёқиб ўтирган кишиларни ёзиб қўйганман, - Пришибеев чўнтагидан сг босган қоғоз чиқариб, кўзойнагини тақиб ўқиди: - Чирок ёқиб ўтирадиган деҳқонлар Иван Прохоров, Савва Микифоров, Пётр Петров, солдат хотини Шустрова, ўзи тул, Семён Кисловни ўйнаш тутган. Игнат Сверчок жодугарлик килади, унинг хотини Мавра бўлса, кечалари бировларнинг сизирларини соғиб олади.

- Бас! - деди судья ва гувоҳлардан сўрай бошлади.

Унтер Пришибеев кўзойнагини пешонасига кўтариб ажабланган ҳолда, судьяга қарайди. Судья унинг тарафини олмайдиганга ўхшайди. Унинг шохсоққадай иргиби чиккан кўзлари ялтирайди, бурни кичкизариб кетади. У дам судьяга, дам гувоҳларга қарайди. Судья нега бунчалик хаяжонланганини, нима учун бурчаклардан, гоҳо порозилик баси килинган, гоҳо секингина қулган овозлар эшигилганини англолмайди. Бир ой камалсин, деб чиқарилган ҳукми хам у англолмади.

- Нима учун! - дейди унтер, хайрон бўлиб. - Қайси қонунга асосан?

Ва шу ондаунга маълум бўлдики, дунё ўзгарган, энди ёрут жаҳонда яшаш сира мумкин эмас. У кўнгилсиз ва туссали фикрлар ичида қолди. Бирок, судья олдидан чиқиб мужикларнинг тўпланиб аллашималарни гапириб турганини кўргач, тарк этолмайдиган одати бўйича, Пришибеев яна гоз туриб, хирқирок вагазабли товуш билан кичкиради:

- Ҳалойиқ, таркал! Тўпланма! Уй-уйинга жупа!

## ЧИҚДИ

Туи.™ овқатни еб бўлишди. Коринлар гўйиб, димоглаар чоғ; эснаб, ширин уйқу босиб, кўзлар биё-биё. Эр сизгара чекди, керишди ва кушеткага ўзини ташлади. Хотин унинг бош томонига ўтириб, мушукка ўхшаб хириллади... Эр-хотин бахтиёр эди.

- Гапирсанг-чи, - деди эр эснаб.

- Нима дейинг? Ҳм... Ҳа, айтгандай! Эшитдингми? София Окуркова халиги... оги нима эди-я... Фон-Трамбга тегибди! Буни кара-я!

- Тегса, тегибди-да, нима қини?

- Трамб разил одам-ку, ахир! Шундай ҳам ярамас... Шундай ҳам виждонсиз одамки! Бунақа тутуриқсиз, бетамиз махлуқ дорига ҳам гошилмайди. Ахлоқини ҳам асти қўявср! Графнинг иш бошқарувчиси эди, шунинг оркасидаш куп дуёе орттирди, энди тегмир йўлда ишлаб, ўтирлик қилади... Сипп-лисини фораг қилди... Қисқаси кўп ярамас ва ўғри... Шунақа одамга тегадими киши?! Шу билан умр қиладими киши! Ҳайронман! Шундай бинойи қиз бўлса-ю... Шунақа қилиб ўтирса-я! Бунақа махлуқка ўлсам ҳам тегмас эдим! Миллионер бўлса ҳам барибир тегмас эдим! Дуседа якка-ю ягона чиройли бўлса ҳам афтига туфлар эдим. Тоқатим борми разил эрга!

Хотин ирғиб ўршидаш турди ва кипқизарган, газабланган ҳолда уйда нари-бери юрди. Унинг кўзлари газабдан ёнар, сўзлари самимий эканлиги очик кўриниб турар эди...

- Бу Трамб шунақа махлуқ. Шунақа одамларга тегадиган хотинлар ўлардай ақмоқ, ўлардай шарманда хотинлар!

- Ҳм... Сен, албатта тегмас эдинг... Ҳм... Борди-ю, мен ҳам разил одам бўлсам-чи? Нима қилар эдинг?

- Менми? Сендан чиқар эдим! Бир сония ҳам сен билан умр қилмас эдим! Мен фақат пок кишини яхши кўроламан, ҳолос. Агар Трамб қилган ишларнинг юздаш бириши қилганини билиб қолсам, борми... Тамом!

- Ҳм... Ҳали шунақаман дегин... Мен билмаган экамман. Ҳа-ха-ха... Бақрайиб туриб ёлгон гапирди-я!

- Мен умримда ёлгон танирган эмасман! Қани, разилик қилиб кўр-чи, нима қилар экамман!

- Нима хожати бор? Узинг биласан... Мен ўша сенинг Фон-Трамбинини бир чўқишда қочираман!.. Трамбини менга Карагада қисавур деса бўлади. Нста кўзиниши дўқ қиласан? Ажаб... (Пауза). Мен печа пул ойлик оламан?

- Бир йилда уч минг сўм.

- Бунадаш бир ҳафта бурун олиб берганим марварид исча пулга келди? Икки минг... Шундай эмасми? Ксча олиб берган кўйлагим беш юз... Дача икки минг... Ҳа-ха-ха... Кеча огаҳонинг бир мингши ўмариб кетди...

- Ахир, Пьср, бошқа даромадлар ҳам...

Отлар... Шахсий доктор... Машиначиларнинг сестлари. Бундан уч кун бурун юз сўмиш узинг картага бой бердинг...

Эр бошини кўтарди, чаккасига муштини тираб, бутун бошлик бир айбнома ўқиб берди; ёзув столининг ёнига бориб бир печа далил ва хужжатлар кўрсатди.

- Мана, кўрдингми, жоним, Фои-Трамбинг менинг олдимда чакана ўтри, кясавур! Мишбаъд биров тўғрисида бунақа лема!

Мен ҳикояни тамом қилдим. Эҳтимол китобхон:

- Хотин чиқдимми? - деб еурар.

- Ҳа... чиқди. Лекин эридан эмас, нариги уйга чиқди.

## ЧИНОВНИКНИНГ ЎЛИМИ

Оўлим оқшомларнинг бирида худди шундай сулим экзекутор Иван Димитрич Червяков креслоларнинг иккинчи қаторида ўтириб, дурбин орқали «Карневильские колокола» деган сискакани томоша қиларди. У саҳнага қдраб, ўзини энг роҳатда ўтирган ҳис қиларди. Лекин бирданита... Ҳикояларда «лекин бирданита» сўзи тез-тез учраб туради. Муаллифлар шундай дейишга ҳақли, чунки ҳаётда тасодифий ҳодисалар жуда кўп! Лекин бирданита унинг юзи бўришди, кўзлари олайди, нафаси тўхгади... У кўзидан дурбинни олди, энгашиди ва... ашишу!!! Кўриб гурибсизки, у аксирди. Аксирининг айби йўқ. Мужиклар ҳам аксиради, полицмейстрлар, баъзан ҳатто тайний советниклар ҳам аксиради. Ҳамма аксиради. Червяков ҳеч қанча хижолат бўлмади, рўмолчаси билан оғзи бурнини арғди ва одобли одам бўлгани учун аксирганим бировга малоол ксмадимикан деб атрофига каради. Мана шунда хижолат бўлиб колди. Караса, олдида ўтирган чол қўлқоии билан тенакал бошини, бўйинини артиб, алланима деб жавраёғибди. Червяков чолни таниди: бу чол статский генерал Бризжалов бўлиб, гемирйўл мақкамасида хизмат қиларди.

«Мен унга тупук сачратдим, - деб ўйлади Червяков. Менинг бошлигим эмас, бегона, шундай бўлса ҳам яхши эмас, афв сўраш керак».

Червяков йўталди, биров олдинга энташиб генералнинг кулогига пичирлади:

- Кечиринг, жапоби олийлари, беадабчилик бўлди... Мен билмасдан...

- Майли, майли...

- Худо хдки, кечиринг. Ахир мен... Қандок қилай...

-Оббо, ўтирсангизчи, азбаройи худо! Кўйинг, эшитайлик!

Червяков хижолат бўлди, тиржайди ва сахнага қарай бошлади. У еахнага қараркан, энди ҳеч қандай роқаг хис қилмасди. У ташвишлана бошлади. Гапаффус вақтида Бризжаловнинг ёнига келди, атрофида айланиб юрди ва ўзини дадил тутиб, сскин деди:

- Мен сизга тушук еачратдим, жаноби олийлари... Кечиринг... Ахир мен... мен...

- Э қўйсангизчи... Мен алақачон эсимдан чиқариб юбордим-у, сиз хаали ҳам ўша гапни гапириб юрибеиз! - деди генерал ва токати тоқ бўлиб, пастки лабиши кимирлатди.

«Жахли чиқиб кетгани кўзларидан ҳам кўриниб турибди-ю, эсидан чиққан эмиш, - деб ўйлади Червяков генералга шубҳали қараб олгач. - Гаплашгиси ҳам келмайди. Ахир мен ўзимга қолеа... Бу табиагнинг қоқуни эканини бунга гушунтириш керак. Бўлмаса менга гупурди деб ўйлайди. Ҳозир ўйламаса ҳам кейин ўйлайди!».

Червяков уйга келиб, қилган беодоблигини хотинига гапириб берди. Червяковнинг назарида хотини бу сўзга жуда енгилтаклик билан қаради, у фақат кўрқди, еўнтра Бризжаловнинг «бегаца» экаплигини билиб тишчланди.

- Шундай бўлса ҳам бориб, афв сўра, - деди у. - Бўлмаса сени, хаал орасида ўзини тутолмас экан, деб ўйлайди!

- Ҳаммадан шушиси бор-да! Мен афв сўрадим, у галаги одам жан... Бирор оғиз дуруст сўз айтмади. Гаплашгани вақт ҳам бўлмади.

Эртаси куни Червяков янги костюмини кийди, сочини текислатди ва узр сўраш учун Бризжаловнинг олдига кетди... Генералнинг қабулхонасида арзга келган бир қанча одамлари кўрди, бу одамлар орасида генерал ҳам бўлиб арз сўрамоқда эди. Генерал бир неча одамдан арз сўраб бўлиб, Червяковга қаради.

- Агар эсларида бўлса, жаноби олийлари, кеча мен «Аркадий»да, - деб экекутор сўз бошлади, -- аксириб, билмасдан тушук сачратдим... Кечи...

- Ҳечкиси йўқ... Шу ҳам гап бўлдим... Сизнинг нима арзингиз бор? - деди генерал навбатдаги шикоятчига.

«Гаплагиниси ҳам келмади! - деб ўйлади Червяков, бўзариб кстиб, - демак аччигланган... Йўқ, буни шундай қолдириб бўлмайди... Мен унга тушунтираман...»

Генерал охирги шикоятчи билан суҳбатини тугатиб энди-гина ичкари уйга қадам қўйган эдики, Червяков унинг кегидан бориб:

- Жаноби олийлари! - деди. - Агар ҳаддим еиға, еизга еамимият арз килиб, узр сўрамокчи эдим, ўзингиз билаеиз, жўрттага қилганим йўқ!

Генерал юзини буриштириб кўл силтади.

- Сиз мени калака қилаётибсиз, шекилли, муҳтарам афанди, - деди у, эшикни ёпатуриб.

«Калака нимаси! - деб ўйлади Червяков. - Ҳеч ундай шиятим йўқ! Генерал бўлатуриб шуни ҳам тушунолмайди! Бундай бўлса мен бу кеккайгандан афв сўраб ўтирмайман! Афти қурсин! Хат ёзама, кўяма, келиб юрмайман. Худо урсин, ксмайман!»

Червяков уйга кетаркан шундай ўйлади. У генералга хат сзмади. Ўйлаб-ўйлаб нимадеб хатёзишини билмади. Иккинчи куни яна узр сўрагани боришга тўтри келди.

- Мен кеча келиб сизни безовта қилган эдим, жаноби олийлари, - деди у, генерал бошини кўгариб унга қараганда, - сиз айтганингиздай, мен калака қилиш учун келган эмасман. Мен аксириб тушук сачраганим учун афв сўрадим... Калака қилиш менинг ҳаслимга ҳам келган эмас. Ахир калака қилгани менинг ҳаддим борми? Агар биз калака қилсак, ҳурмат қилган бўлмаймиз.

- Йўқол! - деб бақирди бирданита, генерал кўкариб ва қалтираб.

Кўрққанидан икки букилиб қолган Червяков:

- Нима? - деб секингина сўради.

- Йўқол!! - деб генерал яна кичқирди ва ер гепинди.

Червяковнинг қоршида нимадир узилиб кетди. У ҳеч нима кўрмай, ҳеч нима эшигмай эшиккача тисарилиб борди, кўчага чиқиб, жўпаб қолди... Узини билмай уйга келиб, усгидаги янги костюминини ҳам ечмай диванга ётди ва... ўлиб қолди.

## САРЛАВҲАСИЗ

v асрда ҳам ҳозиргидек ҳар куни эрталаб қуш чикар ва кечқурун ухлагани ётар эди. Эрталаб қуёшнинг дастлабки нуллари шудринг билан ўпишганда ер жонланар, ҳаво қувонч, шодлик ва умид товушларига тўлар, кечқурун эса шу ер тск қолар ва шафқатсиз коронгиликка чўмарди.

Кун-кунга, тун-тунга ўхшайди. Ҳар замон кўкда қора бўлутлар пайдо бўлиб, жаҳл билан момақалдирок қалдирарди ёки юлдуз учарди, ё бўлмаса, ранги ўчгап монах зоҳидларнинг олдига югуриб келиб, монастирга яқин бир срда йўлбарс кўрганини айтарди, вассалом, сўнгра яна кун-кунга, туп-тунга ўхшарди.

Монахлар ишлар ва ибодат килар, уларнинг бошликлари бўлган чол орган чалар, лотинча шеърлар ҳамда ноталар ёзарди. Бу ажойиб чол фавкулудда қобилият эгаси эди. У органни шундай усталик билан чалар эдики, ҳатто умрининг охирида мусиқий завқи бир тарзирок бўлиб қолган энг қари монахлар ҳам, унинг хужрасидан орган товуши келганда ўзларини йигидан тўхтатолмасдилар. У қатто энг оддий нарсалар тўғрисида, масалан, дарахт, йирткич хайвонлар ёки денгиз ҳақида сўзлаганда ҳам киши ё кулар, ё кўзига сш олар, худди унинг қалбида орган торларидай торлар садо берастгандай туюларди. Унинг аччиги келса ски жуда қувониб кетса, ё бўлмаса бирон дахшатаи, зўр нарса тўғрисида гапирса, эҳтиросли илҳомга толар, чакнаб турган кўзлари ёшларар, юзи қизарар, товуши момақалдирокдай гулдирар эди. Монахлар, унинг сўзига кулок бсрар эканлар, унинг илхоми ўз қалбларини банд қиластганини сезар эдилар. Мана шундай соз ва ажойиб лаҳзаларда унинг хукмронлиги чксиз бўлар, агар у зоҳидларига дарёга ўзларини ташлашпи буюрса, ҳаммаси хурсандлик билан бу амрни ижро этгани шошиларди.

Унинг мусиқаси, товуши, худо, ер ва осмонни мадх этган шеърлари монахларга доимий хурсандлик манбаи эди. Умргузаронлик бир хилда бўлавергандан кейин баъзан дарахт, гуллар, баҳор, куз уларининг мсъдасига те/ар, денгизнинг шовуллаши толиқтирар, қушларнинг сайраши сқмас, аммо чолнинг таланги уларга нондек ҳар куни керак эди.

Ўн йил ўтди, ҳамон кун-кунга, тул-тулга ўхшарди. Моно-  
стир атрофида ёввойи кун ва йиртқи хайвонлардан бўлак жон  
эгаси кўринмас эди. Одам турадиган энг яқин ер моно-  
стирга юз чакирим келар ва юз чакирим йўл нуқул чўлдан боради.  
Бу чўлдан ўтишга фақат ҳаётга тахкир кўзи билан қаровчи,  
хаётни тарк этиб, моно-стирга киришни қабирга кириш, деб  
билувчи кишиларгина журъат қила оларди.

Шунинг учун бир кун кечаси биров моно-стирнинг эши-  
гини тақиллатганда монахлар жуда хайрон қолишди. Эшикни  
тақиллатган киши шаҳарлик бир одам бўлиб, хаётни севиувчи  
оддий бир осий уммат экан. Бу одам монахлар бошани дуо-  
сини олиш ва ибодат қилиш ўрнига аввал вино билан овқат талаб  
қилди. Нима бўлиб чўлга чиқиб қолганини сўралганда у,  
узундан-узук сўзлаб, овқат чиққани, кўпроқ ичиб кўйиб алаш-  
ганини айтди. Моно-стирга кириб, қисматнинг гамини егин,  
деган тақлифга, қулиб: «Мен сизларга ўртоқ эмасман», - деб  
жавоб берди.

Еб, ичиб тўйганидан сўнг, хизматиши қилиб турган мо-  
нахларга бир-бир қаради-да, бош чайқаб таъна билан деди:

- Бекор ўтирасизлар, монахлар. Ёйин-ичишдан бошқани  
билмайсизлар. Қисматни гамини шу хилда ейдими киши?  
Ўйлаб кўришлар: сизлар бу ерда тишгина сб-ичиб саодат  
хаёлида ўтирган чоғларда, яқин кишиларнинг ҳалок бўлиб, жон-  
лари дўзахга кетмоқда! Бир қараглар-чи, шаҳарда нималар  
бўлмоқда. Бирин оқдан ўлмоқда, бошқаси ўз олтинини қаерга  
кўмишини билмасдан бузуқликка тарк бўлмоқда ва асалга  
ботган нашнадай ҳалок бўлмоқда. Кишиларнинг қалбида на  
имон бор, на ҳақиқат. Буларни қутқариш қимнинг иши, ахир?  
Ваъз-насихатни қим қилади? Эртдан кечгача маст бўлиб  
юралган одам мен қилайми? Нахот, худо, эзу рух, севиувчи  
қалб ва имонни сизларга тўрт девор орасида ўтириш учун  
берган бўлса?

Шаҳарликнинг мастлик билан айтган сўзлари қаттиқ ва  
одоб доирасидан ташқари эди, аммо нима бало бўлдики,  
чолга таъсир қилди. Чол ҳамма монахлар билан бир-бир кўз  
уриштириб, ранги оқарди ва деди:

- Биродарлар, бу тўғри айтади! Чиндан ҳам, бечоралар  
ўзларининг нодонликлари ва галбирсизликлари орқасида



гунохкор ва динсиз ҳалок бўладилар, биз эса жойимиздан кимирламаймиз, гўё бунинг бизга дахли йўқ. Шақарга бориб, ўз пайғамбарларини унутган умматларнинг эсига Исо алай-хиссаломпи солсам бўлмайдимиз?

Шахарликнинг сўзлари чолни қизиқтирди: эртасига у асосини қўлига олди, зоҳидлар билан хайрлашди ва шақарга қараб кетди. Монахлар унинг мусиқасидан, сўзларидан ва шеърларидан маҳрум бўлдилар.

Бир, икки ойни улар чолни соғиниб ўтказдилар, чол келмади. Окибат учинчи ойнинг охирида қаммага маълум бўлган асо товуши эшитилди. Монахлар югуришиб унинг истиқболига чиқдилар ва унга бениҳоят кўп саволлар бердилар, аммо чол, уларни кўриб севиниш ўрнига куйиниб йиғлади ва бир огиз кам сўз айтмади. Монахлар унинг жуда қариганини ва озганини пайқадилар; унинг юзидан чарчаганлик ва чуқур қайғу акс этар эди, йиғлаганида эса таҳқирланган кишига ўхшар эди.

Монахлар қам йиғладилар ва ундан нимага йиғластганини, нима учун хафа эканини сўрадилар. Бирок, у бир огиз ҳам сўз айтмади ва хужрасига кириб, эшикни бекаб олди. У стги кун уйдан чиқмади, туз тотмади. Орган чалмади, нуқул йиғлади. Монахлар эшигини тақиллатсалар, чикиб биз билан дардлаш деб илтимос қилсалар ҳам, чурк этмади.

Охир ташқарига чиқди ва монахларни тўплаб, ёшли кўз, чуқур қайғу ва газаб билан сўнги уч ой ичида бошидан кечирганларини айтиб берди.

У монастирдан шақаргача босган йўлини гасвираб бсрганда кўзларида табассум, товушида осойишталик акс этар эди. Айтишича, йўлида унга кушлар сайраб берган, унинг учун ариқлар шилдираб оққан, қалбини ширин, ёш умидлар ҳаяжонга келтирган: у йўлда борар экан, ўзини жангга кетаётган ва галаба қозонишига амин бўлган солдатдай сезган, шеърлар ва наътлар айтиб шақарга етганини билмай қолган.

Бирок шақар ва у ердаги одамлар тўгрисида гапира бошлаганида тутақиб келди, кўзлари чақнади. У шақарга кириб кўрганларини умрида кўрган эмас, хатто шундай бўлишини тасаввур қилишга ҳам журъат этган эмас.

Шайтон нақадар қўдратли, ёвузлик канчалик гўзал эканини, кишиларнинг на даража юраксиз ва ғариб экафликларини у умрида биринчи дафъа кексайган чоғида кўрди ва англади.

Бахгсиз тасодиф бўлиб, биринчи кадам босгани уй бузуклик макони бўлиб чиқди. Эллик чамаси пулдор кишилар овқат сар ва винони кўп ичар эди. Вино ичиб маёт бўлган одамлар куйлайдилар ва художўй киши айтгани ботиқолмайдиган ярамас сўзларни ҳеч ибосиз айтадилар. Чексиз эркин, тстик, бахтиёр бу одамлар на худодан кўрқадилар, на шайтондан ва на ўлимдан, пимани хоҳласалар шуни айтадилар, шуни қиладилар, кўнгиллари қасрни тиласа, ўша ерга борадилар. Вино эса ҳақиқдай соф, хаддан ташқари ширин ва хушбўй бўлса керак, чунки ичган киши роҳатланиб кулади ва яна ичгуси келади. Киши кулганда вино ҳам кулгандай бўлади, ичилганда қувонч сочиб, учкун олади, гўё ўз ширинлигида қандай шайтоний латофат беркитиб турганини ўзи билади.

Чол газабдан борган сайин тутақиб, йиглаб, кўртанлариши ҳикоя қилиб бераверди. Базм қуриб ўтирганлар орасида, деди, - столнинг устида ярими яланғоч бир бузук хотин турар эди. Табиатда бундай кўра гўзал ва жозибали парсанг хотинни кийин. Еш, узун сочли, дўндик, қоракўз, дўрлок лабли ҳаёсиз ва шарманда, бу палид садафдай гишлариши кўрсатиб илжайиб, худди «Кўрдиларингми, мен қандай шарманда ва чиройлик» демокчидай эди. Шоҳи кимхоёлар бурма-бурма бўлиб, унинг елкасини қонлаган, аммо гўзаллик кийим остига беркинишини истамас, бахори сабза кўниб турган ерни ёриб чиққандай, ташқарига чиққани интилар эди. Шарманда хотин вино ичар, ашула айтар ва ким хоҳласа ўшанга ўзини тақдим этар эди.

Ундан сўнг чол титраб-қақшаб от ўйини бўладиган майдон, хўкиз уриштириш, теагрлар, лойдан яланғоч хотиннинг сурагини ясайдиган рассомлар қорхонаен гўғрисида сўзлаб кетди. У илхом билан, чиройли ва гиниқ говуш билан, худди кўзга кўришмайдиган бир торни чергаётгандай сўзлар, монахлар эса унинг атрофини қуришаб, диққат ва иштиёқ билан сўзига қулоқ солар ва хурсандликдан энтиқар эдилар.... Шайтоннинг барча жозибаси, ёвузликнинг гўзаллиги ва жирқач хотин баданининг мафгун қилувчи латофатини тасвир қилиб бўлганидан сўнг чол шайтонни лаънатлади. Бурилиб хужрасига кириб кетди...

Эртасига эрталаб хужрасидан чиқиб қараса монастирда битта ҳам монах қолмангн. Ҳаммаен шаҳарга кетиб қолибди.

# КАШТАНКА

## I

### Я р а м а с х у л қ

Този билан хонаки игдан бўлган тулкитумшук, малла бир ит йўлакда у ёқдан-бу ёкка югурар ва токагсизланиб агрофга алаплар эди. У ҳар замон-хар замонда тўхтар ва ишпиллар, гоҳ бир оёғини, гоҳ иккинчисини кўтарар, қандай адашиб қолганини билишга уринарди.

Шу кунни у қандай ўтказганини, бу ет йўлгага келиб қолганини яхши эсларди.

Кун гиундай бошланди: эгаси дурадгор Лука Александрий шапкасини кийди, ёғочдан ясалган аллақандай парсаши кизил рўмонга ўраб, кўлтигига кистирди-да:

- Каштанка, юр! - деди.

Каштанка ўз номини эшитиб, ётган сридаи - дурадгорлик столи тагидаги иайраха орасидан чикди-да, хузур килиб керишиб олгач, эгаси кегидан югурди. Лука Александричга буюртма берган кишилар хаддан ташқари узокда туришар эди. Шу сабабли улардан ҳар қайсисининг олдига бориш учун бир неча марта майхонага кириб хўлланиб чиқишга мажбур бўлар эди. Каштанка ўзининг йўлла гантиқлик килиб келаётганлигини билар эди. Кўчага олиб чиқилгани учун суюниб сакрар, конканин<sup>1</sup> отларига қараб хурар, бетона ховлиларга кириб чиқар ва игларни кувлар эди. У кўздаи йўқолганда дурадгор тўхтади ва чакириб олиб қойиди. Бир сафар ҳатто тулки қулоғи сингари қулогидан ушлаб, сиатаб:

- Улат теккур!.. — дсб хам қўйди.

Лука Александрович буюртмачиларнинг олдига бориб, кайтишида сингисининг уйида меҳмон бўлди. Сўнгра, бир муқовасоз ошнасиникита, ундан майхонага, у ердан чиқиб қудачасинингуйига борди вахоказо. Қисқаси, Каштанка ундан адашиб бу ёғ йўлгага келганда кун кеч бўлган эди.

<sup>1</sup> Конка - элекерик куввати билан юрагурган грамвайлар чикмасдан бурун, ол кўшиладиган грамвай, дилижон.

Каштанка эгасини топиш умидида у ёқдан-бу ёққа югурар, қоронғи тушиб борар эди. Кўчанинг ҳар икки томонида ҳам чироглар ёқилди. Уйларнинг деразасидан шуъла тушди. Шиддат билан ёғаётган лайлак қор қатта тош йўлни, оғларнинг устини, извошларнинг телпагини оқартирди ва қоронғи тушган сайин нарсалар оқариброқ кўрина бошлади.

Тамом қоронғи тушгандан кейин Каидтанка умидсизликка ва ваҳимага тушди. У қадайдир бир қопкашнинг ёнига қисилиб, аччиқ-аччиқ инграй бошлади. Қуни бўйи Лука Александрни билан қилган саёҳати уни чарчатган; оёқ ва кулоқлари совукдан зиркирайди, бунинг устига оч эди. Қуни бўйи факат икки мартагина оғзига овқат тегди: муковасозникида озгина хом атала ичди, майхоналардан бирида эса студнинг ёнидан жиндақ қазининг пўстини топиб олди, холос. Агар у одам бўлса, эҳтимол:

- «Йўқ, бундай яшаш мумкин эмас!» деган бўлар эди.

## II

### Сирли бир танишиш

Аmmo у ҳеч нарса ҳақида ўйламас, ёлғиз инграй эди. Юмшок, момикдай қор уст-бошини бутуцлай қоплаганда ва бемадорликдан мудраганида, бирдан эшик шикирлади, гич этиб очилиб, биқинига тегди. У ирғиб ўрнидан турди. Эшикдан биров чиқди. Каштанка гиншиб, оёғи остида ўймалашгани учун бу одам унга эътибор қилишга мажбур бўлди. Энганиб сўради:

- Кўпиақ, сен қаердан келдинг? Майиб килмадимми? Эй, бечора-бечора! Хайр, хафа бўлма... Билмабман.

Каштанка киприкларига илиниб қолган қор учқунлари орасидан бу нотаниш кишига қаради. Каршисида пакапа, йўтон, соқоли қирилган, кўнчиган юзли, цилиндр, пўстин кийган бир киши турар эди. У Каштанканинг устидаги қорни кокаётиб, тагин:

- Нега инграйсан? Этанг кани? Адашибсан шекилли? Эй, бечора кўппак! Нима киламиз энди-а? - деди.

Бу одамнинг товушидаги шафкат оҳаигини сечиб. Каштанка унинг кўлини ялади ва яна ҳам қагтикрок гишиди.

-Оббо, сей-эй!.. Жуда антиқасан-ку! - деди у киши, - худ-дитулкиниигў'зи сан-а! Хайр, шима килай бўлмаса, юр! Бирон ишга яраб қоларсан... Бах-бах!

У чук-чуқлаб итни ўзига қаратди-да, кўлини кўтарди. Бу фақат «юр!» дстаптагина ишора эди. Каштанка эргашди. Орада ярим соат ўтмай Каштанка катта, ёруғ уйнинг полида бошини ёнбошига қилиб ўтирар ва қаршисида, стол ёнида овқатланиб ўтирган бу нотаниш кимсага ювошлик ва марок билан қарар эди. У Каштанкага ҳам аввал нон ва пишлокнинг кўк пўстлоғини, сўнгра бир парча гўшт, яримта сомса, товук суяги берди. Каштанка буларнинг ҳаммасини шунча тез ямладики, ма'засини ҳам билмади. Овқатни қанча кўп еса, шунча очқар эди.

— Эгаларинг яхши карамас экап-да, - деди у киши Каштанканинг овқатни очкўзлик билан, чайнамай югинини кўриб. - Ориқлигингни кара-я. Этинг бориб суягингга ёпишибди.

Каштанка овқатни кўп еди, аммо тўймади... Овқатдан кейин уйнинг ўртасида ётди, оёқларини узатиб роҳат килди ва думини ликиллатди. Янги эгаси креслода керилиб ўтириб ситара ческар экан, Каштанка думини ликиллатиб, ўйларди: бу ерми, с илгариги эгасини уйи яхши эдимиз?.. Бу одамнингуйида жиҳоз кўп эмас ва борлари ҳам хунук: креслолари, диван, лампа ва гиламларидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Дурадгорнинг уйи эса нарсалар билан лиқ тўла эди. Унинг столи, дўкони, рапдаси, исқанаси, чилкарчали тўркавоғи, итялоғи бор эди. Бу одамнинг уйидан ҳеч нарсани хиди келмайди. Дурадгорнинг уйидан эса хамавақт елим, лак ва пайрахапинг хиди келар эди. Аммо бу одам бир томондан жуда яхши, овқатни кўп беради ва Каштанка стол олдида мунгайиб караб турганда сира урмайди, ер тепиниб пўписа қилмайди ва асти: «Иўкол, турқинг қурсин!» деб кичқирмайди. Инсоф юзасидан бунга тан бериш керак.

Янги хўжайин ситарани чекиб бўлганидан кейин ташқарига чиқди-да, дам ўтмай кичкина кўрпача олиб кирди.

- Ҳай, кўншак, бу ёкка кел!.. - деди кўрпачани бурчакка, диван сшига солаётиб. - Ёт, ухла!



Каптанка уйкуга кетди. Хаёлида итлар югуриб юрар эди. Буларнинг ичида сержун, кўзига ок тушган, тумшуғи жулиги кекса бир ит ҳам бор. Буни Каптанка бугун кўчада кўрган эди. Дурадгорнинг ўғли Федюшка, кўлида искана билан, унинг кетидан чопади. Сўнгра бир варакайига унинг ўзи жунига ўралди: ит кифасига кирди-да, кувониб хурди ва Каптанканинг ёнига келиб қолди. Каптанка иккови беғараз бир-бирини искашди ва кўчага югуриб чиқиб кетишди...

### Ш

#### Кўнгилга жуда хуш келадиган бир танишиш

Каптанка уйғонганида тонг ёришган, кўчадан кундузи ғала-ғовур эшитилар эди. Уйда ҳеч ким йўқ. Каптанка керишди. эснади ва қовоғини солиб, у ёқ-бу ёққа юрди. У ҳамма бурчакдаги ва уйдаги жиҳозларни бир-бир искади, дахлизга чикди, ҳеч бир қизиқ нарса тополмади. Дахлиз эшигидан бошқа яна бир эшик бор эди. Каптанка ўйлаб туриб, икки оёғи билан шу эшикни тирмалади ва очиб нариги уйга кирди. Кроватьда қалин кўрпачага бурқаниб биров ётар эди. Бу – кечаги одам эканини билди.

– Рррр, – деди Каптанка, аммо кечаги овқат ёнига тушиб, думини ликилатди ва ҳидлай бошлади.

Каптанка бу одамнинг кийим ва этигини ҳидлади. Булардан димоғига оғ хиди келди. Бу уйнинг яна бир эшиги бўлиб, у ҳам берк эди. Каптанка қорин билан ётиб, эшикни оёғи билан тимдалаб очди. Эшик очилиши билан бурнига ғалағи, шубҳали бир хид келди. Кўнгилисиз бир учрашиш рўй беришини олдин сезиб, ириллади ва у ёқ-бу ёққа каради-да, кирди. Деворларига ёпиштирилган қоғозлари қасмоқ боғлаб кетган кичкина бир уйча. Каптанка ваҳимага тушиб, орқага чекниди. Қаршиенда ҳеч қутилмаган кўркинчли бир кулранг ғоз турар эди. У курак товукдай бошини пастлаб, қанотларини ёзди ва Каптанка томон юрди. Ундан нарироқда кичкина кўрпача устида ок мушук ётар эди. Каптанкани кўриб у ҳам ўрнидан турди. белини камалак килиб, думини кўтарди, юнгини хурпайтириб

пихиллади. Каштанка қаттиқ кўрқди, аммо сипоҳгарчиликни бой бермай, хурди ва мушукка ҳужум қилди... Мушук белини яна ҳам эгди, қаттиқроқ пихиллади-да, кули билан Каштанканинг бошига урди. Каштанка чекинди, чўнқайиб ўтирди ва мушук томон тумшугини чўзиб хура бошлади. Шунда, кетидан гоз келиб, орқасини чўқиди. Каштанка бир ирғиб тушди ва гозга ҳужум қилди.

Бу нима гаи? - деди кимдир ва жаҳл билан ҳалиги одам кириб келди. Унинг устида ок авра гўн, отзида сигара бор эди. - Бу нима деган гаи? Бор жойингга!

У мушукнинг ёнига келди ва камалак килиб турган белига уриб, деди:

- Федор Тимофеич, бу нима деган гаи? Жанжал кўзгадиларингми? Оббо, беговфик-эй! Ёт!

Гозга қараб бакирди:

- Иван Иванович, жойингга бор!

Мушук бошини қуйи солиб, кўрпачасининг устига бориб отди-да, кўзларини юмди. Тумшуги ва муртларининг hozирги туришига Караганда, қизикқонлик килиб, жапжалга аралашганидан ўзи ҳам порозидай кўринар эди. Каштанка койиди, тишларини иржайтирди. Гоз эса бўйинини чўзиб, нима тўғридадир қизгин ва тез гагшрди. Аммо унинг шошиб, қизгинлик билан нима деганини тушуниб бўлмас эди.

- Хўп, хўп! - деди эгаси эсаб. - Муроса килиб туриш керак. - Каштанкани силади. - Сен, малла, кўркма... Бу халойиқ сенга озор бермайдиган, яхшилардан. Шошма, сенинг отинг нима бўлади энди? Исмсиз юриб бўлмайди-ку, ука.

У ўйлаб туриб деди:

- Менга қара... Сенинг отинг - Тётка!.. Уқдингми? Тётка!

У «Тётка» сўзини бир неча марта такрорлаб чикиб кетди.

Каштанка ўтириб, атрофга зеҳи сола бошлади. Мушук кўриача устида тек ўтирар ва ўзини уйқуга солар эди. Гоз бўйинини чўзган, ер тешилади, тез-тез ва қизгин равишда нима ҳақиладир гапирди, алланарсалар дейди. Бу жуда ақли гоз экан шкилли. Ҳар сафар узундан-узук гапиргандан кейин, ўзи хайратда қолиб, орқага чекинар ва ўз сўзидан ўзи хурсанддай кўринар эди... Каштанка унинг сўзига кулоқ солар, «хирр» деб жавоб берар ва бурчакларни ҳидлар эди. Бурчаклардан бирида



кичкина бир чара турар. унда нўхат ва ноп увитиб қўйилган эди. Каштанка нўхатни еб кўрди – бемаза, нонни еб кўрди – яхши, ея бошладди. Бегона нт ўз овқатини еяётгани учун гоз койилади. Акенича яна ҳам кизгирок гапира бошладди ва ўзининг ишончини кўрсатини учун чаранинг олдига келиб, нўхатдан бир печа донасини еди.

#### IV

##### Р а м н ч и д а а ж о й и б о т

Бир оздан кейин халиги киши рам ва «I» харфига ўхшаган талати бир нарсга олиб кирди. Ёғочдан қўнол килиб ясалган бу «I»нинг юкорисига кўнчирок осилган ва тўппонча боғланган эди. Кўнчирокнинг тили ва тўппончанинг тепкиси а нп боғлаган. У киши «I»ни уйнинг ўртасига қўйди. Узок ивиреиб ниманидир ечди, ниманидир боғлади. Сўнра гозга караб деди:

– Кани, Иваан Иванич, мархамат!

Гоз унинг олдига келиб, кутган вазиятда.

– Кани, – деди у киши, – бошидан бошлаймиз. Аввал салом бер! Тезрок!

Иваан Иванич бўйинини чўзди, ҳар ёнга караб таъзим килди.

Ҳа, балли... Энди ўл!

Гоз оёғини осмонга кутариб чалқанча ётди. У киши яна шунга ўхшаган бир печа, у калар аҳамияти бўлмаган фокусларни килиб, бирдан бошини ушлади ва юзидан ваҳима акс элттириб кичкирди:

Дод! Ёлтин, ўт келди!

Иваан Иванич «I»ни олдига чошиб келди ва ишни тортиб кўнчироқни чалди.

У киши мамдул бўлди. Ҳозининг бўйинини силаб деди:

Баракалла, Иваан Иванич! Энди ўзинини заргар хаёл кил; тилла, бриллиант сотасан. Фараз кил: магазинга келсан, ўрни юрибди. Шунда шима килар эдинг?

Ҳоз иккинчи ипни гишлаб тортиши билан гумбиллаб тўппонча отилди. Каштанкага кўнчирокнинг жиринглаши жуда ёккан эди, гумбиллаган товуш чиккандан кейин, шунча севидикки, «I» нинг атрофида югурди ва хурди.

- Тетка, бор жойингга! - деди у киши. — Тек ўтир!

Иван Ивановичнинг иши тўппонча отиш билан гамом бўлмади. У киши бутун бир соат хипчиши шип-шип эгкизиб, Иван Ивановичи ўз атрофида айлангирди. Ҳоз говдан сакраб утиши ва думи ўзра ўгириб, оёқлариши кўтариши, ҳам қимирлатиши керак эди. Каштанка Иван Ивановичдан кўзиши олмай хурсанд бўлганидан гишиди ва қуриб, унинг кстидан югурди.

Таълим у киши пенсона терини аргиб кетиши билан гугади. Федор Тимофеич бошини буриб «нуф» деб, кўрпачага ёгди-да, кўзини юмди. Иван Иванович чаранинг олдига борди.

Кўп янги таассуротлар натижасида Каштанка куннинг ўтганини билмай колди. Кечкурун у кўрпачаен билан деворларига ёпиштирилган коғозлари қаемоқбоглаб кетган уйчага киритилди. Федор Тимофеич ва гоз билан ҳамхона бўлди.

## V

### Талант! Талант!

Бир ой ўтди.

Хар купи кечкурун яхши овқат берилишига ва «Тётка!» деб чакирилишига Каштанка ўрганди. Шунипгдек, у янги хўжайинга ва ўзининг улфатларига кўникиб колди.

Тирикчилик силлик, равон кетар эди.

Бутун кунлар бир хилда бошлапади. Одатда, ҳаммадан бурун Иван Иванович уйғонади ва уйғопиши билан Тёткапинг ёки мушукнинг олдига боради-да, нима тўғридадир кизгин ва астойдил гапиради, аммо унинг нима деганига тушуниб бўлмайди. Каштанка у билан биринчи танишган кунлари «у жуда ақли, шунинг учун куп гапиради» деб ўйлаган эди, аммо оз ваю ўтиши билан Каштанка ҳам уни иззат қилмайдиган бўлди. У Каштанканинг олдига келиб, узундан-узук гапирар экан, Каштанка думини ликилатмас, ухлагани кўймай, безор қилган эзма кишига қилингандай муомилада бўлар ва ҳсч қапдай мулоҳазага бормасдан, «хирр» деб жавоб берар эди.

Федор Тимофеич бўлса, бошқача ют. У уйғониб *товуш* чиқармайди, қимирламайди ва ҳатто кўзини ҳам очмайди. Ўзига қолеа уйғонмас эди. Чунки у ҳаётни етарли даражада

севмайди. Бу, афтидан куриниб гуради. У хеч нарсага қичқмайди. борликқа бўшапг ва бепарво мупосаба)да бўладн. Х,аммага тахкпр кўчи билаи караиди ва хатто лаччатли овқатни сб бўлганидан сўнг хам жиркапиб «нуф-пуф» дср эди.

Таълим ва овқат еб ўтган куплар яхши. аммо ксчкурунлар черикиш билаи ўтади. Одатда, ксчкуруи у одам аллакаёкка йўқоладн. Гол билан мушукни хам ОЛНО кетадн. Тётка ўчи ёлгич колиб. кўриачада Стади на днқкат бўлади. Диккатликнинг каёкдаи кол аиипи билмайди. Уйпи босган қорош иликдай диккатлик уин секип-сскнп уч чангалша олади. Шундай бўладики Каштанкаишп хурми, оикат ейнш, уйда пари-бсри югуриш ва хатто карашга хам хуши келмай кўяди. Сўнгра и I ми, одамми экаи и аник булмаган икки нарса хаелидап ўтади. Ву истараеи исек. мсхрлбон, аммо нима эканини билле бўлмайди. Хаёлидан шулар кеч! айда, Каштанка думини ликиллатади ва буларни каердадир кўргандай ва севгандай бўладн... Уйқут а кетар экан. хар сафар улардан едим, пайраха, лак хнди кслгаидай бўлади.

Каштанка бу яигича гурмушга жуда куникиб орик, ко-виргалари чиккан хопаки итдап тўк ва шўх ииа айлаиганда бир куни таълим бериш олдидан янги эгаси уни силаб деди:

- ' )нди итни бошласак хам бўлади. Тётка. Фурсат етди. Хайбаракаллачилик қилишинг бўлди энди! Мен сени артист киламап... Артист бўлганиг келадими?

У Каштанкага турли хунарлар ўргата боптлади. Биринчи дареда Каштанка кейинги оёқлари учра тикка туришни ва юришни ўрганди. Бу ўчига жуда маъкул келди. Иккинчи дареда кейинги оёқлари билан еакраши ва муаллими баланд ушлаб турган каидни ост билан одтни керак эди. Кейинги дареларда ўинига тушиш, муаллимпицатрофида айлапиш, муеикага жўр бўлиб улиш, кўнгнрокчалнш. тут тонча отмшии ўрганди. Бир ондан еунг эса, Федор Тимофеич ургатган машклярии шнтиск билан қиладнган бўлди. У капа қичнқштг билан таълм олар ва муваффакиятларидап мамиун эди. Ти.чини чикариб, муаллими атрофида айлапши. юидап сакраб ўпни, кекса Федор Тимофеичии мипиб юришдап кўн рохатланар эди. Х^Р капдай хуиар кўрсап апидап кейин қувопиб хурадп. муаллими эса хайрон қолар ва семинар, кўллариин бир-бирт а ишқаб:

- Талант! Талант! Хеч шубҳасиз талант! Ҳйшнингни, албатта, манзур қиласан! - дер эди.

Тётка «талант» сўзига шундай ўргандики, н аем хар сафар «талант» деганда, бу сўз ўз исмидай эшигилар ва ен-верига қарар эди.

## VI

### Муваффақиятсиз чиқиш

Бир кун кечкурун у одам, дсворига спиштирилган коғозлар касмоқ боғлаб кетган уйга кирди-да, куллариини бир-бирнга ишқаб:

- Хўш... - деди.

У яна нимадир дсмоқчи эди, лекин айтмасдан чикиб ксди. Даре вақгларида унинг башарасига тушуниб қолган Тётка бесаранжом, ташвишли ва хафа эканини пайқади. Бироздан кейин у кайғиб кирди-да, деди:

- Мен бутун Тётка билан Федор Тимофенчни олиб кетаман. Иван Иванович касал. Сен, Тётка, унинг ўрнида бўласан. Ким билади, нима бўлади! Тайёргарлик йўқ, машқ қилинмаган, ренегция кун бўлмади. Шарманда бўламиз, кулгига қоламиз!

У яна чикиб кетди-да, бир дақиқадан кейин пўстин ва цилиндр кишиб кирди. Мушукнинг олдига борди: унинг олдинги оёқларидан ушлаб кўтарди-да, пўстинига ўради. Аммо Федор Тимофенч хеч кимирламади, хатто кўзини ҳам очмади. Ётадими, ё уни эгаси олдинги оёқларидан ушлаб кўтарадим; кўрпа устида ётадим, с пўстин ичида ором оладими - унинг учун бари бирдай кўринар эди.

- Тётка, юр! - деди эгаси.

Тётка хеч нарса англамай думини дикиллатди-да, унинг ксидан эргашди. Бир оздан еўнг у, чанада эгасининг оёғи остида ўтирар, эгаси эса совук ва хаяжондан эти учиб:

- Шарманда бўламиз! Кулгига қоламиз! - деб гулдирар эди.

Чана, ағдариб кўйилган қатта шокасага ўхшаган ажойиб бир бино олдида тўхтади. Бинонинг олдинги учта ойнакорлик эшиклари устида ўн иккита ёруғ чироғ ёниб гуларди. Эшиklar жаранглаб очилди, нари-бери юриб гурган одамларни тўё

хўналайди. Одам кўн. Бу эшиклар олдига тез-тез отлар келиб тўхтайдди, аммо ит кўрнимас эди.

У одам Тёткани кўлига олиб, кўйинига солиди, Федор Тимофеич ҳам кўйинида эди. Унинг кўйини қоронғи, нафасни қайгарадиган, аммо иссиқ эди, иккита хира ва зангор учқунча милг этди. Бу - Тётканинг совук ва каггик оёғи тегиб, ноғич бўлган мушукнинг кўзлари эди. Тётка унинг қулоғини ялади ва қулаирок ўрнашиб угирини учун тиширчиланди, мушукни оёқоси қилди ва билмасдан нўстиннинг остидадан бошини чиқарди, аммо шу ондаёқ жаҳл билан гўнгилаб, бошини ичкарига тортиди. У гира-шира ёруғ бўлган ва гаройибот билан гўла кагга бир уйни кўргандай бўлди. Унинг икки томонини эгаллаган гов ва панжаралар орқаидан отга ўхшаган, учуй қулоқли, яна бир бурун ўрнига дум ўстан ва оғзидан иккита узун-узун суяк чиқиб турган шохдор кўрқинчли махлуқлар караб турарди.

Мушук Тётканинг оёғи остида хириллаган товуш билан «мисв» деди. Шу онда у одам, кўйини очиб «хўп!» деди ва Федор Тимофеич, Тётка иккови ери а сакраб тушди. Иккови, дсвори сарик тахтадан ясалган уйчага олиб кирилади. Бу уйчада унча ҳам катта бўлмаган бир стол, унинг устида ойна. Бурчақларда кийим-кесчак осилиб туради, бошка ҳеч нарса йўқ. Федор Тимофеич Тётка ости остида гўймол бўлган мўйини ялаб, ўршидик остига кирдида ётди. Эгаси ҳамон қўллариши бир-бирига ишкаб, Ҷовликар эди. Ечинди...

У стар махалида уйда счингандай ечинди, яъни ички кўйлак, лозимидан бошка ҳамма кийимши ечди. Уршидикка ўтирди ва ойиата караб банарасини ажойиб киёфата сола бошлади. Аввал бошига фарқи очилган нарик кийди. Нарикнинг теңасида иккита шохга ўхшаган кокили бор эди. Сўнгра юзига ок бир нарса суркаб, унинг устидан кош кўйди, мўйлов қилди. Икки юзига кизил суртди. Бу билан кифояланмади. Юз ва бўйинини бўяб, сўнгра ясана бошлади. Алақандай кийимлар кийди. Бундай кийимни Тётка на уйда ва на кўчала кўрган эмас эди. Нарда ва мебеларга шплатиландиган нарча гулли оддий чигдан тикланган, гўтмаси кўлатинининг тағидан солинадиган, халдан ташқари кенг бир шптонши тасаввур қилингиз. Иштоннинг бир почаси малларанг, иккинчиси оқин-сарик чигдан

гикилган. У бу иштой ичида йўқ бўлиб кетиб, устидан чит кунпура ёкали камзул кийди. Бу камзулнинг салкасида олтин юлдуз бор. Сўнгра икки хил пайпоқ ва зангор кавуш кийди.

Тётканинг кўзига хаммаёк чипор бўлиб кўриши ва таралдулла қолди. Ок юзли, қанотга ўхшаган бу одамдан ўз эгасининг ҳиди келар, унинг товуши ҳам ганиг - уз эгасининг товуши, аммо Тёткани шубҳага соладиган, газаблантирадиган шундай лақиқалар ҳам бўлар эдики, у чипор одамдан қочинга ва ҳуришга тайер бўлар эди. Янги жой, янги хид, эгасининг бошка қиёфага кириши уни ваҳимага соларди. У ҳозир, бурши ўрнида дум ўсган махлуққа ўхшаган бирон дахшатли нарса билан гўқнаш келишини кутар эди. Тагин каердаидир, деворнинг орасидан ёқимсиз бир чолгу овози эшитиларди. Ҳар замой, нима эканини билиб бўлмайдиган ўкириш товуши ҳам келарди. Фақат бир нарса унга гасалли беради, бу - Федор Тимофсичнинг бегамлиги эди. У ўриндиқ остида стиб, пинагини бузмас, ҳатто ўриндиқ қимирлаганда ҳам кўзини очмас эди.

Фрак ва ок желитка кийган бир киши эшикдан бошини суқиб:

- Ҳозир Арабелла хоним, ундан кейин сиз чиқасиз, - деди.

Тётканинг эгаси индамади. Стол остида кичкина бир чемодан олди-да, остига кўйиб, куғиб ўтирди. Қули ва лабларидан унинг ҳовлиқаётгани, ваҳм босганини билса бўлар эди. Титрокли нафас олишини Тётка эшитди.

- Жорж афаиди, марҳамат қилин! - деди кимдир эшик орка-сидан.

У ўридан гурди. Уриндик остида мушукни олиб, чемоданга солди.

- Кел, Тётка! — деди у секин.

Тётка ҳеч нарсанинг фақмига бормай, унинг олдига келди. У Тётканинг бошидан ўпди-да, Федор Тимофеичнинг ёнига қўйди. - Чемоданнинг қонқоғини ёлди. Унинг ичи қон-қоронги -- зимисгонга айланди...

Тётка мушукни босди. Чемоданнинг тимдалади. Каттиқ қўрқ-қанидан, овози ҳам чикмас эди. Чемодан кўзгалар ва кимиралар эди.

- Мана, мен ҳам келдим! - деди қичкириб хўжайини.

Тётка бу кичкирикдан сўнг, чемоданнинг нимадир дўк этиб текканини сзди. Ниманингдир бўкирган товуши эшитилди. Нимадир урилди. Бу - ҳалиги бурни ўршида дум ўсган балбашара махлук бўлса керак. У шундай қаттиқ бўкирдик, чемоданнинг кулфи шириклаб кетди. Бу бўкиришга қарши хўжайин қаттиқ чийиллаган товуш чиқариб қолди. У ҳеч қачон бундай товуш билан қулмаган эди.

- Ҳа! - деб қичкирди у, бўкирган говушни босишга тиришиб, - муҳтарам халойик! Мен ҳозир поезддан тушдим. Катта иним ўлиб, ундан менга мерос қолди! Бу чемоданнинг ичида оғир бир нарса бор. Тилла бўлса керак деб ўйлайман... Ҳа, ха! Миллион сўм тилла бўлса-я! Ҳозир очиб кўрамыз.

Чемоданнинг кулфи ширк этиб очилди. Ёруғ шуъла Тётканинг кўзини камангирди. У чемодандан еakraб чиқди. Гулдураган говушдан қулоғи коматга келиб, эгаен атрофида сakraб, хуриб айлана бошлади.

- Ҳа! Федор Тимофеич тога. Қимматли Тётка! Меҳрибон қариндошлар!

У қумга қорни билан ётди-да, мушук билан Тёткани қучоғига олди. Тётка унинг қучоғида туриб, тақдири олиб келган бу оламга секин кўз ташлади. У хайронлик ва қувончдан бир лахза тек қолди-да, сўнгра унинг қучоғида чиқиб, бир жойда пириллаб айлана бошлади. Бу янги олам жуда катта ва ёруғ чироклар билан тўла эди. Каерга қараманг, ердан шифтгача одамларнинг юзи кўринди. Бошқа нарса йўқ.

- Тётка, марҳамат қилиш, ўтириш! — деди эгаси. Тётка бунинг маъноеига тушуниб, стулга еakraб чиқди ва ўтирди. Эгасига қаради. Эгасининг кўзлари одатдагича жиддий, суюкли кўришар, аммо башараси, айшикса, озги ва юзлари табаесумдан кийшайган эди.

У қулади, сakraйди. Елкаларини учиради ва минглаб одам бўлган ердан хурсанд эканини кўрсатмокчи бўлади. Тётка унинг хушвақтлтигига ишонди ва шунда бирдан ўзига минглаб киши қараб турганини найқади-да, тулкининг тумшугига ўхшаган тумшугини юкорига кўтариб, шодлик билан улиди.

- Тётка, сиз ўтириш, - деди эгаси, - биз тоғам билан икковимиз ўйинга тушамиз.

Федор Тимофеич, эгам качон гурли номакулчиликлар ки-лишга мажбур килар экан деб, бепарволик билан атрофга кўз ташлаб, тек турар эди. У пала-партиш ўйинга тушди. Ковоги солик. Ҳаракати, думи ва мийиқларидан унинг халойиққа, еруғ шуълага, эгасига ва ўзига ҳам тахкир кўзи билан кара-гайлиги кўришиб турар эди... Керагича ўйинга тушди, еўштра эснаб ўтирди.

- Қани, Тётка, - деди эгаси, - аввал иккаламиз кўшиқ айтамыз, кейини ўйинга тушамиз. Хўпми?

У чўптагидан сурнай олиб чалди. Тётка чолгу товушига чиқолмай бегокатлик билан стул устида тиширчилай бошлади ва улиди. Ҳар ёқдан гулдурос ва чанак товуши эшитилди. Эга-си қуллик килди. Ҳамма жим бўлгандан кейин яна сурнайни чалди... Сурнай авжига чиққанда, юкори қаватда, халойиқ ичидан кимнингдир «эй!» деган каттик товуши эшитилди.

- Дада! - деб кичкирди бир ёш бола. - Бу Каштанка-ку!

- Ҳа, Каштанканинг ўзи! - деб тасдиқлади йўғон, гулдир-раган маст товуш, - Каштанка! Худо урсин, бу - Каштанка, вой курғир-ей...

Галлериядагилардан кимдир хуштак чалди. Бир катта одам ва бир ёш бола бараварига кичкирди:

- Каштанка! Каштанка!

Тётка бир иргиб тушди-да, товуш келган ёққа қаради: Бирини - соқол-мўйловли, маст башара, иккинчиси - семиз, қизил юзли - икки киши кўзга чалинди. Буларга қараб, илгари ёруғ шуъла қамаш-тиргандай итнинг кўзи қамашди... У осласди, стулдан ўзини гашлади ва қумда нигиллади-да, ўрнидан туриб қувончдан вангиллаганича ўша томонга, ҳалиги кишилар ёни-га югурди. Гулдирраган товуш эшитилди. Хуштак товуши ва боланинг «Каштанка! Каштанка!» - деб кичқириши қулоқни коматга келтирар эди.

Тётка говдан сакраб ўтди. Сўнгра кимнингдир елкасини босиб ўтиб, юкори қаватга сакраш учун ложага чиқди. Баланд ердан сакраб ўтиши керак эди. Тётка сакради, аммо етолмади.

Қайтиб тушди, сўнгра қўлдан-қўлга ўтди. Кимнингдир кўлини, кимнингдир юзини ялади ва борган сайин юкорига чиқиб борар эди. Оқибат галлерияга етди.



Ярым соатдан сўнг Қаштанка кўча тўла одамлар кетидан эрганиб борарди. Бу одамлардан елим ва лак ҳиди келар эди. Лука Александрич гандираклар ва ўзини зовурга тушиб кетишдан мумкин қадар эҳтиёт қилиб борар эди.

– Оббо Қаштанка–ей! дер эди у хайрон қолиб. Дурадгорнинг ромсоздан қандай фарқи бўлса, сенинг ҳам одамдан шунча фарқинг бор.

Унинг ёнида отасининг тўниси кийган Федюшка борар эди. Қаштанка икковининг орқасига қаради ва базарида уларнинг кетидан бораётгандай бўлди. Умрида улардан бир дақиқа ажралмагандай севинар эди.

У деворларга ёништирилган қоғозлари касмоқ боғлаб кетган уйчани, гозини, Федор Тимофеични, лаззатли овқатларини, таълимни, циркни ҳаёлидан кечирди, аммо уларнинг ҳаммасини эди унга узокдан-узок ёмон тушлай кўришар эди...

## ГРИША

**Г**риша, булдан икки йилу саккиз ой илгари дунёга келган дўндикқина бола, энагаси билан бульварни сайр қилиб юради. Ёнида пахталик тўп, бўйида шарф, бошида чўққисига қатқон пахмок тугма тикилган қалпоқ, оёгида эса пестик қалини. У неиб кетганидан нафаси сиқилиб, герлаб ишпади, бунинг устига ашрадининг шўх куёни кўзларини қамаштиради.

Унинг кўпол, чўчиброқ битта-битта кадам ташлаб борувчи гавдасида ҳайрат аломати зоҳир эди.

Шу маҳалгача Гриша фақат тўрт бурчакли дунёни билар эди; бир бурчакда ўзининг кровати, иккинчи бурчакда – энагасининг сандиғи, учинчи бурчакда – курси бўлиб, тўртинчисида шамчирок ёниб турарди. Кровать тагига энгашиб қараса, бир кўли синдирилган кўғирчоқ билан дўмбирани кўрарди, энагаси сандиғининг орқасидаги парчаларининг санғони йўқ; ғалтақлар, қоғоз парчалари, қопқон йўқ қутнчалар, синик масхарабоз кўғирчоқ ва бошқалар ётади. Бу оламда Гриша билан энагадан бошқа, кўшинча опаси ва мушуги ҳам бўлиб турарди. Опаси кўғирчоққа ўхшайди, мушук эса адасининг пўстинига ўхшайди, аммо пўстинининг кўзи билан думи йўқ. Гўдақлар бўлмаси

деб агадан дунёнинг эшигидан каттакоп бўшликка чиқилади, у ерда овқат ейилади, чоё ичилади. Бу ерда Гришанинг баланд стули туради, деворда эса соат оснелик бўлади, бу соатнинг кашғирчасини сикитиш ва жом чалиндан бошқа иши йўқ. Овқатхонадан кизил креслолар тизилиб турган бўлмага ўтиш мумкин. Ерга солинган гиламнинг ўртасида каттакоп доғ бор, бу доғ учун ҳамон Гришага бармоқ ўкталинилади. Ундан кейин яна бир бўлма бор, у ерга ҳеч ким киритилмайди. У ерда фақат дадаси туради, у ниҳоят даражада сирли шахс кўришади. Энага билан онаси маълум: улар Гришани кийинтиришади, унга овқат егизишади, кроватга ётқизиб ухлатишади, аммо дадасининг нимага керак эканлиги – номаълум! Яна бир сирли шахс бор бу дунёда: у – Гришага дўмбира олиб берган холаси. У гоҳ пайдо бўлади, гоҳ ғойиб бўлади. Қасққа ғойиб бўлар экан у? Гриша, кўнничча, кроват тагини қарайди, сандикнинг орқасини, диваннинг тагини қидиради – йўқ...

Бу янги, кўзни камаштирувчи куёшли дунёда эса дадалар, оналар, холалар шу қадар кўчки, қайси бирининг олдига чоғиб боришининг билмайсан. Аммо ҳаммадан қизиғи ва галатиси – отлар. Гриша юриб бораётган отларнинг оёқларига тикшади, аммо ҳеч нарса тушунолмайди. Ўзини ажаблантирган нарсани тушунтириб бериш учун энагасига қарайди, аммо энага илдаммайди.

Бирдан унга даҳшатли гуренлаш товуни эшитилади... Қўлтиқларига ҳаммом супургилари кесирган, юзлари киш-кизил бир тўда солдат бульвардан тўғри унинг устига бостириб келмоқда эди. Гришани даҳшат босиб, бадани жимирлашиб кетади. Қўрқинчли эмаеми, деб энагасига қарайди. Энагаси йиғламайди ҳам, жойида туради, – демак, хавф йўқ. Гриша солдатларни кўзи билан кузатади ва ўзи ҳам уларнинг қадамига мослаб қадам таштайлади.

Иккита узун тумшук қатта мушук тилини осилтириб, думларини хода килиб, бульвардан чоғиниб ўтди. Гриша мен ҳам чопсам бўлар экан деб, мушуклар кетидан югуради.

– Тўхта! – деб қичқиради энага унинг елкасидан сиқиб ушлаб. Қасққа чопасан? Ким айтди сенга шўхлик қилсин деб!

Бир жойда қадайдир энага тоғорада апельсин олиб ўтирарди. Гриша унинг ёнидан ўтиб бора туриб, илдამасдан бир апельсин олади.

- Нега бундай қиласан? - деб қичқиради энага ва Гришанинг қўлига бир уриб, апельсинни тортиб олади. - Тентак!

Энди Гриша, осги гагида шамчирокдай ялтираб ётган синик шишани олгуси келади, аммо яна кўлимга уради деб кўрқали.

Гриша худди қулоғининг устида бир кимсанинг:

- Салом! - деган йўгон овозини эшитади ва тугмалари ялтироқ повча кишини кўради.

У кишининг энагага қўл беришидан ва тўхтаб тапиришидан Гриша ниҳоятда хурсанд бўлади. Қуёшнинг нури, извошларининг гарақа-туруғи, отларнинг чопиши, ялтироқ тугмалар,-буларнинг бариси шу қадар янги ва ҳеч кўркинчли эмас эдики, Гриша хоҳолаб кулади.

- Юр! Юр! - деб қичқиради у, ялтироқ тугмали кишининг этагидан тортиб.

Каёкка юрамиз? - деб сўрайди киши.

- Юр! - деб ундади Гриша.

Унинг онами ҳам, дадамни ҳам, мушукни ҳам бирга олиб келеак ёмон бўлмаеди дегуси келди, бироқ тилидан бутунлай бошқа нарсалар чиқади.

Бириасдан кейин энага бульвардан бурилиб, Гришани қор босиб ётган катта қўрага етаклаб киради. Ялтироқ тугмали киши қам улар билан бирга. Қор уюмларини ва қўлмақларни айланиб ўтишади, кейин ифлос ва қоронғи пиллапоядан чикиб, уйга киришади. Уйни тутун боеган, пиёздоз хиди келади, қандайдир бир хотин печка ёнида туриб котлет пиширмокда. Кухарка билан энага ўпишиб кўришади, бирга келган киши билан скамейкага ўтириб секин-секин гаилашишди. Бурқаб ўралган Гриша исиб кетиб, нафаси бўғилади.

«Бу нимадан экан?» деб ўйлайди ва атрофга қўз ташлайди.

Тенада ис боеган қора шинни, ерда каттакон оташкуракни, ўчоғи катта печкани кўради...

- А-я! - деб кичкирди у чўзиб.

- Ҳа, бўлди! Бўлди! - деди энага. - Бирпае турсанг ҳеч нарса бўлмас!

Кухарка столга бир шиша, икки рюмка ва сомса келтириб қўяди. Иккала хотин ва ялтироқ тугмали киши рюмкаларни уриштириб, бир неча марта ичишди. Ҳалиги киши бўлса гоҳ

энагани, гоҳ кухарками қучоқлайди. Кейин уччовлашиб секин қўшиқ айтишади.

Гриша сомсага қўлини чўзади, унга битта сомса бсришади. У сомсаи чайнаб, энаганинг ичишига қараб туради... Унинг \ам ичгиси келади.

- Менга ҳам бер! Энага, бер! - деди.

Кухарка ўз рюмкасидан унга бир култум ичкизади. Гришанинг кўзлари олайиб кетади, йўталади, қўлларини силкитади, кухарка бўлса унга қараб, қулади.

Уйга қайтишгандан кейин Гриша қаерларга борганини, нималарни кўрганини онасига, деворларга, кроватига гапириб беради. Бутун гапни у сўз билан эмас, кўпинча қўллари ва юзи билан айтади. Қуёшнинг ялтираганини, отларнинг чонишини, бахайбат печкани, кухарканинг ичишини кўреатади...

Кечқурун у ҳеч ухлаёлмади. Суиурги кўтарган солдатлар, катта мушуклар, отлар, синиқ шиша, апельсин солинган тоғора, ялтироқтугмалар бир ерга йигилиб, унинг бошипи айлантиради, у ёқдан-бу ёққа аганайди, вижирлайди ва, ниҳоя г, хляжонланишни кўтаролмай, йиглаб юборади.

- Боламнинг иесити бор, — дейди онаси, унинг пешонасини ушлаб кўриб. - Нимадан иссик чикди экан-а?

- Печка! - деб йиглайди Гриша. - Кет бу срдан, печка!

- Бўкиб колгандир... - деб тахмин килади онаси.

Яқинда ўзи кўрган янги олам таассуротлари билаи тўлиб-тошган Гриша онаси кўлидан бир қошиқ касторка ичади.

## ОИ ТУТИЛИШИ

(Провинция ҳаётидан)

№ 1032 *Циркуляр*

**У**шбу сентябр ойининг 22-куни соат 10 да ой тутилиш содир бўлади. Бу янглигтабиатходисалари айб иш эмас, балки ибратдир. Шу хусуедаким, ҳатто сайёралар ҳам аксари табиат қонунларига итоат қиладилар ва бинобарин рағбатлантирмоқлик важҳидан сизга, сиз жанобларига таклиф қиламанким, шу кеча ўз участкангизга қарашли кўчаларнинг чироғларини скиб

кўймоклик хусусида амр-фармон қилинганки, тунгги қоронғилик арбобларга ҳамда фуқарога ушбу ҳодисани кўзатмоқликка мөнелик қилмасин ва, шунингдек, сиздан сўрайманки, мухтарам зот, қатъий суратда назорат қилинганки, бу хусусда кўчаларда йиғинлар, хуреандчилик ҳайқириқлари содир бўлмасин ва хоказо. Ушбу табиат ҳодисасини мухалиф тарзда баён қилувчи кишилар хусусида, агар шундай кимсалар бўлса (мен фуқароларнинг соғлом ақл эгалари жанликларини билганим учун бундай одамлар бўлишига ишонмайман), улар тўғрисида менга маълумот бергайсиз...

*Гиллодушин*

Асли тўғри: секретарь Трясунов.

Сиз жаноби олийларининг 1032-рақамли алоқаларига шу тариқа жавоб қиламанки, менинг участкадаги кўчаларининг чироғи йўқ эди, бинобарин ой тугилиши ҳаво тим-қоронғи бўлгани қолда содир бўлган эса-да, бунга карамасдан кўп кишиларга етарлик даражада аниқ кўринди.

Умум тинчлигини ва осойишталигини бузишлик ҳамда, шунингдек, мухалиф басналар ва норозилик иборалари бўлмади, магарким, хонаки муаллим, дьяконнинг ўгли Амфилохий Бабельмандебскийни мустасио қилсак, қайсики, бир фуқаронинг ой тутилмоғининг сабаби нима деган саволига узундан-узоқ шундай баёнотлар бсрдиким, бу баёнот соғлом ақл гушунчасини бузмокликкаочикдан-очик мойил эди. Унинг баёнотининг маънисини фахрламадим, чероки мазкур илм муқтаи назаридан изохлаб ўз сўзида кўп ажнабий қалималар истъсмол қилди.

Укуси - *Каланчевский*.

Сиз жаноби олийларининг 1032-рақамлик алоқаларига жавобан маълум қиламанки, менга ишониб топширилган участкада ой тугилмади, аммо осмонда ой нурининг хира бўлишидан иборат бир табиат ҳодисаси кўрилдиким, шу ой тугилишими ё бошқа нарсами эканини аниқ айтолмайман. Қун қидириш ва текширишлардан кейин менинг участкада

учта кўча чироги борлиги маълум бўлди, қайсиким, шишасини ва ич томонларини нокиза килиниб ювилиб ёқилганда бу чоралар тегишли даражада фойда бермади, сабабики, юқорида айтилган ҳодиса, яъни ой пуришинг хираланиши чироқларнинг шишалари синиқ бўлганлиги сабабли шамол ўчирган пайтда, демакким, чироқлар сиз жаноблари зикр қилган коронгиликни ёритолмаган пайтда воқе бўлди. Иигишлар бўлгани йўқ, чунки Земская управанинг мирзаси Иван Авелсвдан бошқа хамма фуқаролар ухлаган, қайсики мазкур Иван Авелев девор устида ўтириб, ҳовучини дурбин килиб, қоронгиликка қараб кулиб, ундай деб тунунса қам бўладиган, бундай деб тунунса хам бўладиган сўзларни айтди, яъни «Менга деса ой мутлак бўлмасин эди... Тфу!»-деди. Бу сўзларининг ақсизлик эгани менинг тарафимдан айтилганда, у бисодоблик билан: «Сен нега ойнинг тарафини оласан? Ҳайит кунни уни ҳам қутлагани борганмисан?» деди. Шу билан бирга, авом халқининг ҳақорати мазмунидаги ахлоқсиз иборалар айтдиким, сиз жанобларига маълум қиламан.

*Глоталов.*

*Аслига тугри деб Талогин йўқ одам.*

## **РОТШИЛЬДНИНГ СКРИПКАСИ**

Бу шақарча кичкинагина кишлоқдан баттар бўлиб, унда факат кекса одамлар яшарди. Улар шундай кам ўлардики, одам катто хафа бўлар эди.

Касалхона ва камокхонага эса тобут камдан-кам ксрак бўлар эди. Кисқаси, ишлар ёмон эди. Агарда Яков Иванов губерна шаҳрида тобутсозлик қилганда, эҳтимол унинг ўз уйи ҳам бўлар эди ва уни Яков Матвейч деб аташарди. Бу шақарчада эса уни шунчаки Яков деб аташади ва негадир кўчада уни Бронза деб чакиришади. Аммо у факат бир хонадан иборат кичкина, эски уйда, оддий бир мужикдек камбағал яшар, бу хонада ўзи, Марфа, печь, икки кишилик кроват, тобутлар, дурадгорлик столи бўлиб, бутун хўжалиги шулардан иборат эди.

Яков яхши ва мустаҳкам тобутлар ясар эди. Мужиклар ва мешчанлар учун у тобутни ўз бўйига яраша кириб тайёрлар ва ҳеч қачон янгилашмас эди, гарчи, у егини сизда бўлса-да, ундаи повча ва бақувват киши ҳеч қаерда, ҳаттоки қамокхона кўрғонда ҳам топиламас эди. Оксуяклар ва аёлларга эса тобутни ўлчов билан ясаб, бунинг учун темир таз шилатар эди. Болаларга тобутни ясагани у истамас, уларга тўғридан-тўғри, жаҳли чиқиб, ўлчовсиз ясар эди ва ҳар вақт иш хақини олганда:

- Тўғрисини айтсам, бачкана ишлар билан шуғулланишни ёмон кўраман, - дерди.

Шунингдек, унга бу хунардан бошқа скрипка чалиш ҳам бироз даромад келтирар эди. Шахарчадаги тўйларга, олатда яхудийлар оркестри келар, унга мискар Моисей Ильич Шахкес бошлик бўлиб, тушган даромаднинг ярмидан кўпини ўзи оларди. Яков, айниқса, рус куйларини скрипкада жуда яхши чалгани сабабли, Шахкес уни баъзан меҳмонлардан келган совгалардан танқари купига эллик тийиндан байлашиб оркестрга чиқарар эди.

Бронза оркестрда ўтирганда аввал унинг юзи кизариб, герлаб кетарди. Уй ичи дим бўлиб, саримсоқ иси нафасни бўғар, скрипка чийиллар, унинг ўнг қулоғи гагида конглобас хириллар, чап томонида сан-сарик, ориқ, юзи қизил ва кўк кон томирлари билан конлашган, машҳур бойнинг фамилиясига эга бўлган Ротшильд деган яхудийнинг чаладиган пайи йиғлар эди.

Бу лаънати яхудий энг қувноқ куйларни ҳам мунгли кириб чалар эди. Яков аста-секин яхудийларни ёмон кўриб, улардан нафратлана бошлади. Айниқса, Ротшильдни кўролмай қолди. Яков унга ёпишар, уни ёмон сўзлар билан сўқар, ҳаттоки уни бир маротаба урмоқчи кам бўлган эди. Шунда Ротшильд ранжиб, унга жаҳл билан қараб:

- Агар мен галантингизни хурмаг қилмасам эди, сиз алақачон дсразадан улоқтирилган бўлар эдингиз, - деди.

Кейин у йиглаб юборди. Шунинг учун Бронзани оркестрга тохи вақтларда, фақат яхудийлардан биронтаси егинмай қолган тақдирдагина чақирар эдилар. Яков ҳеч вақт яхши кайфиятда бўлмас эди, чунки хамавақт тояг қатга зиёнлар

кўрар эди. Масалан: якшанба ва байрам кунларида ишлаш гуноҳ, душанба эса оғир кун, шундай қилиб бир йилда икки юзга яқин кун ихтиёрли – ихтиёрсиз кўл ковуштириб ўтиришга тўғри келар эди. Бу ахир нақадар зарар! Агар шаҳарда баъзи бир кишилар мусикасиз тўй қилса ёки Шахкес Яковни тўйга чақирмаса бу ҳам зарар бўлар эди. Полиция нозириники йил қасал бўлиб, бир оёғи гўрда бўлиб қолди. Яков эса чидамсизлик билан унинг ўлимини кутар эди. Аммо нозир губерна шахрига лаволанишга кетиб, ўша ернинг ўзидаёқ ўлиб кўя қолган. Мана бу ҳам энг қамидан ўн сўмларча зарар, чунки тобутни зиёнатлаб, қимматбаҳо қилиб ясашга тўғри келар эди. Зарарлар тўғрисидаги ўйлар Яковни, айниқса кечалари безор қилар эди. У скрипкасини ёнига қўйиб ётадиган ва ҳар қандай сафсата ўйлар бошига келганда уни кўлига олар, скрипка қоронғиликда товуш чиқарар ва шунда унга снгл бўлгандай туюлар эди.

Ўтган йилнинг олтинчи майида Марфа бирдан бетоб бўлиб қолди. Қамшир оғир нафас олар, кўп сув ичар ва қалтирар эди. Аммо шундай бўлса-да, эрталаб ўзи печка ёқди, ҳатто сувга ҳам ўзи бориб келди. Кечкурун эса ётиб қолди. Яков кун бўйи скрипка чалди. Қоронғи тушгач, ўзининг ҳар кунги зарарларини ёзиб борадиган дафтарчасини олди-да, хафалигидан йиллик якуни ҳисоблай бошлади. Натижада зиёи минг сумдан ортик чиқди. Бу уни шундай қалтиратдики, счётни олиб ерга урди ва оёқлари билан ер тенди. Сўнра яна счётни олиб ҳисоблаб кўрди ва чуқур оҳ торди. Унинг юзи жигарранг тусга кирган ва тер босиб кетган эди. У, агар бу йўқолган минг сўмни банкага қўйганда йилига қамидан қирқ сўм фоиз туғар эди, деб ўйлади. Демак бу қирқ сўм ҳам зарар. Алҳосил қаёққа қарамагани ҳамма жойда зарар, бошқанга йўқ.

Яков! Мен ўлаётirman! - деб Марфа уни бирдан чақирди. У хотинига қайрилиб қаради. Марфанинг юзи ҳароратдан қизариб, гайри табиий равишда равшан ва хурсанд эди. Бронза унинг юзини ҳаммавақт мурдадек, ювош ва бахтсиз кўришга одатланганидан танишига тушди. У ҳақиқатдан ҳам худди ўлаётгандай, охири бу уйдан, тобутлардан, Яковдан ажрлиб манзуликка кетаётганидан хурсанд бўлаётгандай



кўрилар эди... У нинга қараб лабларини кимирлатар, кифаси бахтли кўрилар, гўё ўзининг нажотчиси бўлган ўлимни кўриб, у билан шивирлашгандай бўларди.

Тонг пайғи эди. Деразадан эртанги тонгнинг нурлари ёниб кўриларди. Яков кампирга қараб нима учундир умр бўйи, уни бир бор ҳам эркалатмаганиги, раҳми келмаганиги, бир марта ҳам рўмол олиб бериш эсига келмаганини ёки тўйдан бироқ ширин парса олиб келмаганиги эсига тушди. У фақат зарарлар учун хотинига ўшқирар, уни сўқар, уни а мушт кўтариб югурар, лекин уни ҳеч вақт урган эмас эди. Аммо ҳар ҳолда уни кўрқитар, Марфа эса кўрққанидан ҳаммавақт қотиб қолар эди. Шундай, у хотинига чой ичирмас эди, чунки, буилан бошқа ҳам харажат кўн эди. Хотини фақат кайноқ сув ичар эди, ҳоло. У хотинининг юзи нима учун одатдан ташқари хурсанд эканлигини энди англади ва хавфга тушди.

Эрталабгача кутиб, кўшнисининг отини сўраб олди-да, Марфани касалхонага олиб борди. У ерда касаллар кўн эмас эди, шунинг учун ҳам унга уч соатдан ортиқ кутишга тўғри келмади. Унинг бахтига бу сафар касалларни доктор касал бўлиб қолгани учун, ўзи ичувчи ва урилиқок бўлса ҳам, доктордай кўн бўлади деб ном чиқарган кекса фельдшер Максим Николайич қабул қилар эди.

- Ассалому алайкум деди Яков, кампирни қабулхонага олиб кета туриб. - Бўлар-бўлмас ишлар билан сизни овора қилганимиз учун Максим Николаевич кечирасиз. Мана шу хотинимнинг ташга пўноқлиги учун кечирасиз, умр йўлдошимнинг тоби қочиб қовди, шекили...

Оқ қош фельдшер қовоғини солиб, соқолларини силаб кампирни қарай бошлади. У эса курсида, сув ичмоқчи бўлиб турган қушга ўхшаб, қирра бурнини чиқариб, букчайиб ўтирар эди.

- Ҳм... ҳа... хўш... - деди фельдшер охишта ва оқ тортиб. - Тумов, балки терлама ҳам бўлиши мумкин. Ҳозир шаҳарда терлама касали тарқалган. Нима ҳам дейлик, худога шукур, кампир ёшини яшаган... ёши қанчала?

- Бир кам етмишда, Максим Николайич.

- Нима ҳам деяйлик, кампир ёшини яшаган. Энди иззагини билиш керак.

Яков мулойим бўлиш ниятида илжайиб:

- Бу айтганингиз, албатта, тўғри, Максим Николаич. Сизнинг бу хурматингизга чин кўнгилдан раҳмат айтаман. Аммо ўзингиз биласиз, ҳар бир жонивор ҳам яшашни исгайдиди-да, - деди.

- Нима бўлибди! - деди фельдшер худди кампирнинг хаст-мамоти унга боғлиқ бўлгандай овоз билан, - мапа шундай, азизим. Унинг бошига совуқ компресс кўйиб, кунига мана бу порошоклардан икки марта бергин. Хўк бўлмаса, хайр.

Яков фельдшернинг киёфасидан ахвол чаток эканини ва ҳеч қандай порошок билан ёрдам бериб бўлмайдиганга ўхшашини англади. Унга Марфанинг яқин ўртада, эрта-индин ўлиши аниқ бўлди. У секингина фельдшернинг тирсагига туртиб, кўзини кисиб охиста деди:

- Унга банка қўйсангиз қалай бўларкан, Максим Николаич!

- Кўлим тегмайди, вақтим йўқ, азизим. Кампирнинг олиб, худо деб жўнаб кетавер! Хайр.

- Рақм қилинг, - деб ёлворди Яков, - ўзингиз биласиз-ку, масалаи, агар уни қорни оғриси ёки ичида касали бўлса эди, у маҳалда порошок ски дори берса бўларди. Бу эса шамоллаган-ку, шамоллагаанда биринчи навбатда қон юргизиш керак, Максим Николаич!

Фельдшер шу вақт навбагдаги касални чақирди ва қабулхонага бир хотин ўғли билан кириб келди.

- Жўна, жўна, - деди фельдшер бўзариб Яковга, - кўн лакиллама!

- Ҳеч бўлмаса зулук солинг! Мен донмий дуоғўйингиз бўлай.

Фельдшер аччигланди ва жиркиб ташлади.

- Мунча лакма бўлмасанг! Сўтак...

Яков ҳам тамом жаҳли чиқиб қизарди, лекин ҳеч нарса дсмасдан Марфани қўлтиклаб касалхонадан чиқди.

Факат аравага ўтиргандагина жаҳл ва захарханда билан касалхонага қараб деди:

- Хўн одамларини кўйишибди-ю! Бойга, албагга, банка кўяр эди, камбағал кишига эса битта зулукни ҳам раво кўрмади, шафқатсизлар.

Уйга келгач Марфа ичкари кириб ўн дакиқалар чамаси ичкарага суяниб тикка турди. Агар у ётса Яков зарарлар гўтри-сида жавраб уни ҳамавақт ётганлиги, ишлашни исгамаганлиги учун сўкадигандай туюлди. Яков эса унга ғамгин назар ташлади ва эртага Лоанинг ибодат кунини, индинга Николайнинг мўъжиза байрами, ундан кейин эса якшанба, ундан сўнг отир кун — душанба эканлиги эсига тушди. Тўрт кун ишлаш мумкин эмас. Марфа эҳтимол шу тўрт куннинг бирида ўлса. Демак тобутни бугундан ясаб кўйиш керак. У ўзининг темир газини олиб кампирнинг ёнига келди ва уни ўлчади, сўнг кампир гўшакда ётди. У бўлса чўкиниб тобут ясай бошлади.

Иш биттадан сўнг Бронза кўз ойпақларини тақди ва ўзини дафгарчасига:

«Тобут Марфа Исаковнага - 2 сўм 40 тиғин», деб ёзди ва ух тортди. Кампир кўзини юмиб жим ётар эди. Аммо кечқурун - қоронғи тушгач, тўсатдан чолни чакирди.

- Эсингдами Яков! деди хурсандлик билан унга қараб, - эсингдами, бундан элик йил бурун худо бизга оқим тил сочди чакалок берган эди. Икковимиз у вақтда хамиша тол тағди, дарё лабида ўтириб ашула айтар эдик, - ва ғамгинлик билан илжайиб яна - шу қизча ҳам ўлиб қолди - деди.

Яков аввало эсига туширишга тиришди, лекин на қизчани, на толни эслаёлмади.

- Қўзингга сароб кўришаётгандир, деди Яков.

Имом кслиб дуо ўқиди. Ундан кейин Марфа аллашималар деб аажиради. Азон найтида вафот қилди.

Қўшни кампирлар уш ювиб, қафалаб тобутга солдилар. Ортиқча чиким бўлмасин учуй Яков домла ўршида жанозани ўзи ўқиди. Қабристоннинг қоровули унинг қудаси бўлгани сабабли мазорда ҳам ундан ҳеч нарса олмадилар. Тўрт мужик тобутни пул учун эмас, балки ҳурмат юзасидан қабристонга ча кўтариб бордилар. Кампирнинг тобути орқасидан кекса аёллар, гадойлар ва икки дарвеш эргашиб борди. Учраган кишилар чин кўшиқдан чўкидилар. Яков ҳам ҳамма ишнинг шундай бинойи ва арзонга тушганига, ҳеч кимга жабр бўл-

магашига жуда хурсанд бўлди. У Марфа билан суишти марта хайрлашиб, тобутни ушлаб «яхши ишлаган!» деб ўйлади.

Лекин кабрисгондан қайтгач, уни оғир ҳам босди. Нима учундир ўзиши бстоб сезди. Ҳарорат билан оғир нафас олиб, оқларидан мадор кетди, чанқали. Шу билан бирга, бошига турли уйлар келди. У яна бутун умр бўйи Марфага бир марта ҳам раҳм қилмаганлигини, эркаламаганлигини эсига туширди. Улар элик икки йил бир уйда яшаб, узок умр кўрдилар. Аммо вақтлар шундай ўгиб кетдики, шу ўтган умрида у бир марта ҳам унинг тўғрисида ўйламади. Бир марта ҳам унга эгибор бермади. Марфага худди мушукка ёки итга қарагандай қаради. Марфа бўлса хар қун печкани ёқар, овқат ниширар, пош ёпар, сув ташир, ўтни ёрар, у билан бир каравотда ётар, тўйдан маег бўлиб қайтганда ҳамавақт унинг скрипкасини авайлаб деворга илиб кўяр ва уни ухлашга ётқизар эдики, буларнинг қаммаси охисталик, ювошлик ва гамхўрлик билан бажарилар эди.

Яковнинг олдига жилмайиб ва таъзим билан Рогшильд келди.

- Амаки, мен сизни кидириб юрибман, - деди у, - сизга Моисей Ильич салом дедилар ва ҳозир уларнингга боришингизни сўрадилар.

Бу Яковнинг юрагига ситмас. Унинг йиғлагиси келар эди.

- Йўқол! - деди ва нарига қараб кетди.

- Бу нима деган гап, ахир - деб ҳаяжонланди Рогшильд унинг кегидан бориб. - Моисей Ильич хафа бўладилар-ку. Улар ҳозир келишингизни сўрадилар!

Яковга яхудиёнинг хирллаши, кўз кисиши ва унинг юзидан сарик сенкиларнинг шунчалик кўп бўлиши жирканч бўлиб кўринди. Унинг қора ямоқлар билан қонланган кўк камзулига, бўшашган позик гавдасига қарагиси келмади.

- Мунча менга гарманасан, саримсоқ - деб қичқирди Яков, - осилма!

Яхудий ҳам аччиланиб қичқирди:

- Сиз марҳамат қилиб секинроқ муомала қилсангиз, бўлмаса девор орқасига итқиғивораман!

- Йўқол, кўз олдидан! - деб бақирди Яков ва мушгини ўкталиб унга югурди, - сиз ярамасларнинг дастидан тишчилик ҳам йўқ.

Ротшильд кўрқанидан ўлаёзди. У хужумдан ўзини кутқаргандай бўлиб чўккалади ва қўлларини баландга кўтариб ҳаракатга келтира бошлади. Ундан кейин туриб жонни борича нарига кочди. У югурганда сакрар, қўлларини шапиллатар, узун, ориқ елкасининг калтирагани кўринар эди. Болалар бу ҳодисадан хурсанд бўлиб: «Жухуд! Жухуд!» деб унинг орқасидан югуришди. Итлар ҳам вовуллаб унинг орқасидан кувдилар. Кимдир қаҳқаҳлаб кулиб, хуштак чалган эди, итлар бир-бирларига жўр бўлишиб каттикрок вовуллашди... Ундан кейин, Ротшильдни ит копиб олган бўлса керак, даҳшатли дод-войи эшитилди. Яков яйлов бўйида томоша килиб юрди. Ундан сўнг шаҳар чекаси бўйлаб кўзи тушган томонга қараб кетди. Болалар эса «Бронза келаяпти! Бронза келаяпти!» деб кичкиришар эди. Мана дарёга ҳам етди. Бу ерда лойхўрақлар сайрар, ўрдақлар ғағалашар эди. Куёш киздирар ва сув шундай ялтираб оқардики, кўзни камаштирар эди. Яков сўкмок бўйлаб дарё лабига ўтди ва чўмилиш жойидан семиз, кизил юзли бир жувоннинг чиққанини кўриб ичиди: «Сени кара-я, қок суяк!» – деб кўйди. Чўмилиш жойидан бироз нарида болалар киекичбака тутар эдилар, уни кўриш билан «Бронза! Бронза!» деб қичқира бошладилар. Мана бу ерда йўғон, катта ковакли кекса толлар, унинг тепасида қарға уяси бор эди... Тўсатдан Яковнинг кўз олдиди Марфа айтган оқимтил сочли бола ва халиги тол пайдо бўлди. Ҳа, бу ўша кўм-кўк, тинч, ғамгин толнинг ўзи... Қандай қариган-а, бечора!

У толнинг тагига ўтириб ўйлай бошлади. Дарё лабидаги hozирги кўкала-майдон илгари катта қайин ўрмони эди. Анави узоқдан кўринган қақир тепаликда бўлса илгари вақтда жуда қари қарағай ўрмони кўкариб турар эди. У вақтда дарёдан юк кемалари ўтиб турар эди. Ҳозир эса ҳаммаси теп-текис бўлиб қолган, дарёнинг нариги томонида кизга ўхшаган, қалди-комати келишган ёлғиз ёш қайин дарахти қаққайиб турибди, холос. Дарёда бўлса фақат ўрдақлар ва ғозлардан бўлак ҳеч нарса йўқ. Бу ерда азалдан юк кемалари юрмаганга ўхшайди. Илгарига қараганда ғозлар ҳам сийраклашиб қолганга ўхшайди. Яков кўзини юмди ва унинг хаёлида бирин-кетин катта оқ ғоз тўдалари пайдо бўлди.



У бунинг шундай бўлишига хайрон қолди. Ўз умрининг сўнгги қирк ёки эллик йилларида бирон марта ҳам дарё бўйига келмай ёки келса ҳам бунга диққат қилмаган экан, шекилли. Дарё-ку, апча каттагина, бунда балиқ овини юргизиб юбориб, балиқни эса савдогарлар, чиновниклар, станция буфетчиларига сотиб, пулини банкага кўйиш мумкин эди. Қайиқда кўрадан-кўрага юриш, скрипка чалиш мумкин эди. Халқ бўлса, ҳар холда пул тўлар эди. Яна кема юргизиб юбориш мумкин бўлар эди. Кема юргизиш бу – тобут яшашдан яхшироқ бўлар эди. Ниҳоят ғозларни кўпайтириб, уларни қишда сўйиб Москвага юбориш ҳам мумкин эди-ку. Ҳе, ҳар йилда битта парнинг ўзидан ўн сўмларча пул тушар эди. Лекин у ҳеч нарса қилолмай анграйиб қолаберди. Эҳ, қанчалик зиён-зарарлар! Қанчалик зиён-зарарлар! Агарда ҳаммасини жамлаб ҳам балиқ овласанг, ҳам скрипка чалсанг, ҳам кема юргизсанг ва ғоз овласанг, у маҳалда қанчалик сармоя тўпланар эди. Лекин буларнинг ҳеч қайсиси тушда ҳам амалга ошмасдан, умр бир чеким тамакига ҳам арзимасдан, фойдасиз, кайф-сафосиз бекорга ўтиб кетди. Келажакдан эса ҳеч қандай умид ҳам қолмади. Ўтган умрга қарасанг зарардан бошқа ҳеч нарса йўқ, у хатто шундай кўрқинчли, ўйласанг қалтироқ босади. Киши нима учун бундай зарар ва йўқотишлар кўрмасдан яшаёлмас экан? Нима учун қайин ва қарағай ўрмонларини кесдилар деб сўрайсан киши, нега яйловлар бекорга ётади? Нимага кишилар ҳамавақт керак бўлмаган ишларни қиладилар? Нимага Яков бутун умр бўйи ўз хотинига бақирди, сўқди, мушт ўқталиб унга ёнишди, жабрлади ва боягина яхудийни кўрқитишга, жабрлашга нима мажбур қилди? Умуман кишилар нима учун бир-бирларининг ҳаётига тўсик бўладилар? Бунинг натижасида қанчадан-қанча зиён-зарар келади-ку? Нақадар ваҳимали зарарлар! Агар душманлик ва жоҳиллик бўлмаса кишилар бир-бирларидан қатта фойда кўрган бўлар эдилар.

Кечкурун ва кечаси унинг кўз ўнгидан фарзанд, тоғ, балиқлар, ғозлар ва сув ичмокчи бўлиб турган қора бурунли қушга ўхшаган Марфа ва Ротшильднинг қонсиз ва кизгончли юзи ўтар эди ва ҳар томондан қандайдир башаралар унинг устига ёпирилиб зарарлар тўғрисида пичирлар эди. У бир

томондан иккинчи томонга ағдарилиб ётиб, скрипка чалиш учун ўрнидан беш-олти маротаба турди. Эрталаб зўрға туриб, касалхонага кетди. У ерда ҳалиги Максим Николаич унинг бошига совуқ компрессе қўйишига буёрди ва порошоклар берди. Яков фельдшернинг киёфасидан, гап оҳангидан ишнинг ёмонлигини ва ҳеч қандай порошоклардан фойда чикмаслигини пайкади. Сўнгра уйига кетаётиб, фақатгина ўлимдан фойда бўлишини ўйлади. Гўрда ейиш, ичиш, солиқ тўлаш, кишиларни жабрлаш бўлмайди. Киши гўрда бир йил эмас, балки юз минг йиллар ётгани сабабли, хисоблаб кўрганда фойдаси жуда катта бўлса керак. Киши яшанидан зарар, ўлимдан эса фойда кўради. Бу фикр, албатта, тўғри. Аммо шундай бўлса ҳам бир нарса кишига алам қилади ва ранжитади. Кишига умр биргина маротаба берилади, у ҳам фойдасиз ўтиб кетади-ю, бундай бемаза тартибнинг нима кераги бор?

У ўлимдан чўчимади, лекин уйдаги скрипкани кўриш билан юраги сиқилди ва афеус килди. Скрипкани ўзинг билан бирга гўрға олиб кетолмайсан. У етим қолади, кайиш ва карағай ўрмонларининг воқеаларини бошидан кечиради. Бу дунёда бутун нарса йўқ бўлиб келган ва йўқ бўлиб кетажак! Яков уйдан чикиб остонага ўтирди. Скрипкасини бағрига босди. У хароб бўлган зарарли турмуш тўғрисида ўйлаб, ўзи сезмасдан скрипкасини чалиб юборди. Таъсирли ва хаяжонли оҳанг эшитилди. Унинг кўз ёшлари юзидан оқиб тушарди. У чуқур ўйларга борган сари, скрипка шушча мунгли товуш чиқарар эди.

Эшикнинг турми бир икки марта гижирлади ва дарвоза олдига Ротшильд кўринди. У ховлининг ярмигача дадил юриб келди, аммо Яковни кўриб, бирдан тўхтаб элгашди. Кўркишдан бўлса керак, кўли билан хозир соатнинг неча экашлигини кўрсатгандай бўлиб, турли ншоратлар қила бошлади.

– Қўркма, ҳеч нима йўқ! – деди Яков ва уни ўз ёнига чакирди, – кел буёққа!

Ротшильд шубҳаланиб қўрқа-қўрқа кела бошлади ва бир саржин нарида тўхтади.

Сиз раҳм қилинг, мени урманг! – деди у чўккалаб, – Моисей Ильич мени яна юбордилар. Қўркмасдан бориб, усиз



хеч мумкин эмас экан деб айтгин, дедилар. Чоршанба куни тўй... Ҳо... Ҳо! Шаповалов жаноблари бир яхши кишига қизини беради. Тўй жуда данғиллама бўлади. Бай... бай! – деб кўйиб кўйди яхудий бир кўзини кисиб.

– Боролмайман... деди Яков оғир оҳ тортиб, тобим кочиб қолди, ошнам.

У яна скрипкани чалишига тушди, кўз ёшлари скрипка устига томарди. Ротшильд унинг ёнида ўтириб кўлларини ковуштириб, диққат билан тинглади. Унинг кўрққан, тааж-жубга тушган юз киефасидан аста-аста қайту, азоб аке эта бошлади, у худди азоб билан севингандай кўзларини осмонга каратиб «эвох!..» деди. Унинг кўз ёшлари секинлик билан юзидан оқиб, кўк камзулига тома бошладилар.

Яков кейин кун бўйи диққат бўлиб ётди, кеч бўлганда домла унга калима ўгиртириб бирон гуноҳнинг йўқми деб сўраганда, у ўзининг заифланган хотирасига зўр бериб, яна Марфанинг бахтсиз юзини ва ит қониб олган яхудийнинг дод-войини эсига солиб аранг эшитарлик овоз билан:

– Скрипкани Ротшильдга берингиз! – деди.

– Хўп! – деди домла.

Энди шаҳардагиларнинг барчаси Ротшильд бундай яхши скрипкани қайдан олган деб сўрайди. Сотиб олганими, унга гавҳарга тушганими? У энди лайин аллақачон ташлаб, хозир фақат скрипка чалади. Аммо у остонада ўтириб Яков чалган куйларни такрорламокчи бўлганида, скрипкадан шундай мунгли, ҳамгин товушлар чиқадики, тингловчилар йиғлайдилар ва у ўзи ҳам охирида осмонга қараб «эвох» деб қўяди. Ротшильднинг бу янги куйи шаҳар халқига шундай ёкардики, уни савдогарлар, чиншовниклар ўзлариникига тўхтовсиз қақириб, бу янги куйни ўн маротабалаб чалдирар эдилар.

## ЎҒИЛ БОЛАЛАР

**Х**овли томондан ашлакимнинг:

- Володя келди! - деб кичқирган товуши эшитилди.

Володя келдилар! - деб чақирди Наталья ошхонага югуриб кириб. - Э, худойим!

Ҳадемай келади, деб Володяларини тўрт кўзлаб кутиб ўтирган Королёвлар оиласидагиларнинг ҳаммаси деразага отилиб, қарай бошлади. Эшик олдига кенг чана келиб тўхтаган, унга кўшилган учта оқ отдан буг кўтарилар эди. Чанада ҳеч ким йўқ, чунки Володя даҳлизга кириб, совуқда қизариб кетган бармоқлари билан бошидаги қалпоғининг ишини ечмоқда эди. Унинг гимназиядан берилган цальтоси, фуражкаси, калишларини ва сочларини киров босиб, бутун вужудидан эса ёқимли совуқ ҳиди келар эди. Онаси билан холаси уни кучоқлаб ўпа бошладилар. Наталья эса оёғига энгашиб, кигиз этигини ечтира бошлади. Сингиллари чинкириб юбордилар, бунинг устига эшиклар так-гук ёпилиб очилмоқда эди. Володянинг отаси эса фақат желитга кийган, қўлига кайчи ушлаган ҳолда даҳлизга югуриб чиқиб, кичқира бошлади.

Биз сени кеча келади, деб кутган эдик! Яхши келдингми. Тинчликми? Э, худойим, ахир отаси билан сўрашгани кўйинлар! Нима, мен унинг отаси эмасманми?

Вов! Вов! - деб Милорд деган катта қора ит чикди ва думи билан девор ва стол, курсиларни ура бошлади.

Қий-чув ва шодлик шовқилари икки дақиқагача давом эди. Шодлик бироз босилгандан кейин, Королёвлар даҳлизда Володядап бошқа яна бир кичкина одамнинг турганини кўрдилар. У рўмолига ўралган ва киров босган қалпоғи билан бир бурчақда, катта тулки пўстин соясида турар эди.

Володя бу ким? - деб сўради онаси секингина.

– Айтгандай! – деб колди Володя, бу... танишинлар, менинг ўртоғим Чечевици, иккинчи класс шогирди... Мен уни бизникига меҳмонга олиб келдим.

– Жуда яхши, марҳамат қилинг! – деди отаси хурсанд бўлиб. – Кечирасиз, мен сюртук киймаган эдим. Уйда бўлганим учун... Наталья, бу кишининг пальтолларини ол! Бу итни хайдасаларинг-чи! Нима бало бу!

Сал ўтгандан кейин Володя ва унинг дўсти Чечевици, кутиб олишдаги шовқин-сурондан бироз гаранг бўлиб, совуқдан кизарганлари ҳолда чой ичгани стол ёнига ўтирдилар. Қишқи кўёсининг нурлари деразадаги қор ва муздан ўтиб, самоварин ялтирагар ва сув тўкатурган идиш ичига тушар эди. Уй ичи иссиқ, болаларнинг совуқ еган баданларида иссиқ билан совуқ олишиб, бир-бирини енгмокчи бўлар эди.

– Мана яқинда рождество байрами ҳам бўлди, – деб гап бошлади отаси ва ёниг рангидаги тамакидан папирос ўраб олди. Лекин яқиндагина ёз эмасдими ва онаг сени йиглаб узатиб қолмабмиди? Энди бўлса, сен қайтиб келиб турибсан... Вакт тез ўтади, биродар! Ҳақ-наш дегунингча қариб қоласан... Чебисов жаноблари, еб ўтиринг ахир, уялмаг! Биз такаллуфни билмаймиз.

Володянинг уч нафар синглиси - Катя, Соня ва Маша (уларнинг энг каттаси ўн ёшда эди) стол ёнида ўтириб, меҳмондан кўзларини олмас эдилар. Чечевици Володя билан тенг ва бўйи баровар бўлса ҳам унга ўхшаган - семиз ва оқ эмас, балки бугдой ранг, ориқ ва юзига сепкил тошган бола эди. Сочлари наҳмок, кўзлари тор, лаблари қалин бўлиб, ўзи анча хунуккина ва агар устида гимназист кийим бўлмаса, уни ошпаз хотинининг боласи деб ўйласа ҳам бўлар эди. У қовоғини солиб, ҳеч индамай ўтирди ва бир марта ҳам кулмади. Қиз болалар унга қараб ўзларича уни жуда ақли ва олим киши бўлса керак деб ўйлаб қўйдилар. У қандайдир бир нарса устида ўйнаб, ўз фикрларига шунчалик берилган эдики, биров бир нарса сўраганида чўчиб тушиб, бошини силкитиб саволни яна такрорлашни илтимос қилар эди.

Қиз болалар шуни ҳам сездиларки, донмо ўйнаб-кулиб юрадиган Володя ҳам бу сафар камгап бўлиб қолган. У сира кулмайди ва ҳатто уйга келганига хурсанд бўлмагандай кўри-

нади. Чой ичилар экан сингилларига фақат бир мартагина караб кўйди-да, қандайдир ғалати гапларни айтди.

Кўли билан самоварни кўрсатиб:

– Калифорнияда чой ўрнига жин деган ичимлик ичадилар, деди.

У ҳам қандайдир ўйга чўмган ва дўсти Чечевицин билан сўзлаган сўзларига караганда бу икки боланинг фикри бир экани аниқ кўринар эди.

Чойни ичиб бўлиб, булар ҳаммаси болалар бўлмасига кетдилар. Володянинг отаси билан болалар стол ёнига ўтириб, икки ўғил боланинг келиши билан тўхтатилган ишга тутиндилар. Улар турли рангдаги қоғозлардан арчани безатиш учун гул ва попуқлар қилар эдилар. Бу жуда қизик ва кўнглили иш эди. Яна бир дона гул тайёр бўлиши билан қизлар чинкирар эдилар ва ҳатто, гўё гул осмондан тушгандай бакирар эдилар. Володянинг отаси ҳам хурсанд бўлар ва баъзида қайчининг ўтмаслигига жажл қилиб, уни ерга ташлар эди. Онаси эса болалар бўлмасига кириб, ташвишланиб:

– Қайчимни ким олди? Яна қайчимни сен олдингми, Иван Николаич? дер эди.

Бунга жавобан Иван Николаич йин ламсиратган овоз билан:

– О, худо, қайчинга ҳам тегиб бўлмас экан-да! – деб халфаланиб бир дақиқадан кейин яна хурсанд бўлар эди.

Володя ўтган сафарлари арчани безатишда иштирок этар ёки ховлига чиқиб отбоқар билан подачининг қордан тоғ қилаётганини томоша қилар эди, бу сафар Чечевицин билан рангдор қоғозларга айланиб ҳам карамайди ва ҳатто отхонани ҳам бирор марта бўлсин бориб кўрмади. Улар дераза олдига бориб нимадир гаплашадилар, дарров иккаласи жўтрофия атласини очиб, текшира бошладилар.

– Аввал Пермьга... – деди секингина Чечевицин... – Ундан Тюменьга... сўнгра Томск... сўнг... сўнг... Камчаткага... Бу ерда самоселлар қайикда Берингов бўғозидан олиб чиқадилар... Мана сенга Америка... Бунда мўйнали хайвонлар кўп.

– Калифорния-чи? – деб сўради Володя.

Калифорния пастрокда... Америкага етсак бўлгани, Калифорния узок эмас. Овқатимизни эса ов ва босмачилик қилиб топамиз.

Чечевицин куни бўйи ўзи кизлардан четга тортиб, уларга хўмрайиб қараб юрди. Кечкурунги чойдан кейин у беш дақиқа кизлар билан ёлғиз ўзи қолди. Индамай ўтириб бўлмади. Шунинг учун у бир йўталиб, сўнгра кўлини кўлига ишкалаб Катяга қаради-да:

- Сиз Майн-Риднинг китобини ўқиганмисиз? деб сўради.

- Йўқ, ўқиганим йўқ... Сиз конькида юришни биласизми?

Чечевицин ўзини ўйларига чўмиб, бунга жавоб бермади ва фақат дунжини шишириб, гўё жуда иссиқлаб кетгандай нафасини чиқарди. У яна Катяга қараб:

- Бизон деган ҳайвонлар Пампас чўлларидан югуриб кетаётганида ер титрайди. Шу вақтда мустанглар кўрқиб, кишнай бошлайдилар, деди.

Чечевицин ғамгин табассум билан илова қилди:

- Шунингдек, хиндилар ҳам поездларга ҳужум қиладилар. Лекин ҳаммадан ёмон чивинлар билан оқ чумоллар.

- Булар нима ўзи?

- Чўмолига ўхшаган, лекин қаноти бор. Жуда ёмон чақади. Менинг кимлигимни биласизми?

- Чечевицин жаноблари.

- Йўқ. Мен Монтигомо Қарчиғай Тирноғимац, ситилмаслар йўлбошчисиман.

Машина аввал унга, сўнгра деразага қаради. Ташқарида қоронғи тушмоқда эди. Ўйланиброк:

- Бизда кеча овқатга чечевица пиширган эдилар, - деди.

Чечевициннинг ҳеч бир тушуниб бўлмаётган гаплари, унинг Володя билан доимо пичирлашгани, Володянинг ҳеч ўйнамай, ўйга чўмиб юргани галати ва сирли бир хол эди. Шунинг учун Катя ва Соня деган икки каттароқ киз ўғил болаларнинг нима қилганларини кузати бошладилар. Кечкурун иккала ўғил бола ухлагани ётганида, кизлар билдирмасдан эшик ёнига келиб, уларнинг гапларини тинглаб турдилар. Уларнинг гаплари эсанкиратарли гаплар эди. Ўғил болалар тилла топмоқ учун қаергадир Америкага қочмоқчи эканлар, улар йўл учун ҳамма нарсани: тўпшошча, иккита пичок, қок нон, олов ёкиш учун дурбин янаси, компас ва тўрт сўм пул тайёрлаб ҳам қўйган эканлар. Қизлар билдиларки, ўғил бола-

ларга печа миш чакирим пиёда юрнша, йўлда йўлбарслар ва ёввойилар билан жанг қилишга тўғри келаркан, сўнгра тилла ва фил суяги топар эканлар, душманларни ўлдирар, денгиз босмачилари бўлар эканлар. Жиш ичимлиги ичар ва энг охирида чиройли хотин олиб, далаларда деҳқончилик қилар эканлар. Володя билан Чечевицин шулар тўғрисида катта ҳавас билан гапиришиб бир-бирларининг сўзларини бўлар эдилар. Шу гап давомида Чечевицин ўзини «Монтигомо Қарчиғай Тирноги» деб Володяни «оқ юзли биродар» деб атайти.

– Сен онамизга айтиб қўйма, – деди Катя Соняга ухлагани кетаётганда, – Володя бизга Америкадан тилла билан фил суяги олиб келади. Сен айтиб қўйсанг уларни юборишмайди.

Ҳайит арафасидан бир кун илгари Чечевицин кун бўйи Осиё харитасини караб, нималарнидир ёзди. Володя эса гўё ари чаккандай шишиб, бир бўлмадан иккинчи бўлмага ўтиб юриб, ҳеч нарса емади. Ҳатто бир марта болалар бўлмасида бурчакка илинган бут олдида тўхтаб:

Э, худо, мен гуноҳкорни кечиргин! Э, худо, менинг бечора бахтенг опамни сақлагин! – деди-да, чўқинди.

Кечкурун у йиғлади. Ухлагани кетишдан олдин ота-онаси ва сингилларини кучоқлади. Катя билан Соня гапининг нимада эканлигини билар эдилар. Лекин кичкина Маша ҳеч нарса ни тушунмай, Чечевицинга караб чуқур нафас олиб:

Энага, рўза келганида ҳаммамиз похот билан чечевица сийшимиз керак дедилар – деди.

Арафа кунини сахарда Катя билан Соня ўринларидан секингина туриб, ўғил болаларнинг қандай қилиб Америкага қочмоқчи бўли ашларини томоша қилғали эшик ёнига келдилар.

– Сен бормайдиган бўлдингми? – деб сўради жаҳл билан Чечевицин, – Айтгин, бормайсанми?

Э, худо! – деб йиғлади Володя, – мен қандай қилиб борайин. Ойимни аяйман.

Оқ юзли биродарим, юргин, мен сендан илтимос қиламан! Сен аввал бораман дединг, ўзинг мени қизиктирдинг, энди гап жўнашга келганида қўрқиб қолдинг.

– Мен... Мен қўрққаним йўқ, мен... мен фақат ойимни аяйман.

Борасанми, йўқми?

- Мен бораман. Лекин... лекин бир оз тўхта. Мен бир оз уйда турмоқчиман.

Ундай бўлса ўзим кетаман! – деди Чечевицин. - Сенсиз ҳам ўлмайман. Сен яна йўлбарс овламоқчи, жанг қилмоқчи эдинг. Ундай экан, менинг ўқларимни бер!

Володя шундай ўқсиб йиглаб юбордики, унинг сингиллари ҳам чидамай йиғлай бошладилар. Сўнг атроф жимжит бўлиб қолди.

- Шундай қилиб, бормайсанми? – деб яна бир марта сўради Чечевицин.

- Бо... бораман.

- Бўлмаса кийимларингни кийгин!

Шундан кейин Чечевицин Володяни кўндириш учун Американи мақталади, йўлбарсдай қилиб ариллади, парохол бўлиб кўрсатди, сўқинди. Володя ҳамма фил суяги ва йўлбарс териларини беришга ваъда қилди.

Бу орик, бугдойранг, сочлари пахмоқ ва бетларига сепкил тошган ўғил бола қизларнинг кўзига ҳаддан ташқари ажойиб кўринди. У қахрамон, қатъий кўркмас киши эди. Ариллани шундай эдики, эшик орқасида туриб, уни, хақикатан, йўлбарс деб ўйласа бўлар эди.

Қизлар ўз бўлмагарига қайтиб келиб кийинаётганларида Катя кўзларига ёш тўлган ҳолда:

- Мен жуда кўрқаяпман! деди.

Овқат вақтигача, яъни соат иккигача ҳаммаёқ жимжит эди, лекин овқат вақтида ўғил болаларнинг уйда йўқлигини сезиб қолдилар. Ётоқхона, отхона, приказчи туратурган уйни ахтардилар, тополмадилар. Кишлоқдан изладилар - ундан ҳам тополмадилар. Чой ичилганда ҳам ўғил болалар йўқ эди. Кечкурунги овқат вақтида эса Володянинг онаси безовта бўлиб, йиғлай бошлади. Кечаси яна кишлоқни кезиб изладилар, фонарь кўтариб дарё бўйига бордилар.

Уйда жуда қатта тўполон бўлди.

Эртасига қишлоқ назоратчиси келди, ошхонада қандайдир қоғоз ёзилди. Володянинг онаси йиғлади.

Мана эшик олдига келиб, чана тўхтади, унга қўшилган учта оқ отдан қуюқ буг кўтарилар эди. Қимдир ҳовлида:

– Володя келди! – деб кичкирди.

– Володя келдилар! – деб чинкирди Наталья ошхонага югуриб кириб.

Мишорд йўғон товуш билан «вов! вов!» деб хура бошлади. Болаларни шаҳарда меҳмонхонада тутиб олибдилар (улар мил-тикдори излаб юрган экаллар). Володя дахлизга кириши билан йиғлаб, онасининг бўйишига осилди. Қизлар кўрқиб, титраб, нима бўлишини кутар эдилар, улар ўз оталарининг Володя билан Чечевинини ўз кабинетига олиб кириб узоқ гапиришиб ўтирганини эшитдилар, оналари ҳам гапириб, йиғлар эди.

Бундай қилиб бўладими, ахир? – деб насихат қила бошлади Володянинг отаси. – Худо сақласин, бу тўғрида гимназияда билиб қолишса сизларни ундан ҳайдайдилар. Сизга уят, Чечевини жаноблари! Яхши эмас! Ҳамма ишни бошлаган сиз. Умид қиламанки, ота-оналарингиз сизга бунинг учун жазо берарлар. Бундай қилиш мумкинми ахир? Қасрда ухладишгиз?

– Вокзалда! деди Чечевини маҳкам туриб.

Сўнг Володя ётиб қолди ва унинг бошига, сиркада хўлланган сочиқни босдилар. Қасрдадир телеграмма юбордилар ва эртасига бир хотин (Чечевинининг онаси) келиб ўғлини олиб кетди.

Кетаётганда Чечевинининг киффаси мағрур ва жиддий эди. Қизлар билан хайрлашаётганида уларга ишдамади. Факат Катянинг дафтариини олиб, эсадалик учун:

«Монтигомо Қарчиғай Тирноғи» деб ёзди.



## ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ

**П**ётр Павлович Посудин киракаш извошга тушиб, ҳеч ким билмасин учун алақандай пастқам йўллардан юриб, П. деган шаҳарга шошилмоқда. У яқинда ўша шаҳардан имзосиз бир хат олган, униги шошилганининг сабаби ҳам хатда айтилган гапларни тезроқ текшириб чиқиш эди.

«Томдан тараша тушгандай бостириб бораман... деб ширин хаёл суриб борарди у, юзини мўйнали ёқасига беркитиб. Аблахлар қилғиликни қилиб, энди ҳеч зот билмайди деб суюниб юришгандир... Хе-хе-хе... Уларнинг устига бостириб бориб, «қани, гуноҳкор Тяпкин-Ляпкин буёққа чақирилсин!» дейман. Ана томоша-ю, мана томоша! Хе-хе-хе!

Ширин хаёлларга тўйгач, Посудин извошчи билан суҳбатлашди. Шуҳратнараст одам бўлганидан у энг аввал ўзи тўғрисида гап сўради:

Сен Посудинни танийсанми?

- Нега танимайлик, деди извошчи қулиб, таниймиз!

- Нега қуласан бўлмаса?

Ажаб гапларни гапирасиз-а! Шаҳардаги ҳамма мирзаларни таниймиз-ку, Посудинни танимайликми? Уни ҳамма танисин, деб шу ишга қўйилган-да!

Рост айтасан... Хўш, қалай? Сенингча қанақа одам у? Тузук одамми?

Ёмон эмас... деди извошчи, эсанб. У киши яхши, ўз ишини биладиган одам... Бу ерга келганига ҳали икки йил ҳам бўлгани йўқ, аммо кўп иш қилиб қўйди.

- Нима иш экан у?

- Кўп яхши ишларни қилди, отасига раҳмат. Темирйўл курдирди, бизнинг уездимиздаги Хохрюковни ишдан бўшат-

тирди... Хохрюков жуда ҳалдан ошиб кетган эди... Ўзиям жуда муттаҳам, итвогар одам эди, ҳамма катталар уни қўллар эди. Посудин келди-ю, Хохрюковнинг уйи куйди, даф бўлди, кўрмагандай бўлди... Мана шунака, оғайни! Посудини минг пора берсанг ҳам илинтиролмайсан, унака одаммас. Хоҳ юз сўм пора бер, хоҳ минг сўм бер, барибир олмайди, харомга юрмайди. Сира!

«Хайрият-е, менинг ҳам яхши томонларимни билишар экан, – деб ўйлади Посудин хурсанд бўлиб. Ёмон эмас».

– Жуда билимдон одам у киши... – деб давом этди извошчи. Камтарин одам... Бир куни бизникилар унга арз қилиб боришган эди, у худди бообрў одамларни кутгандай кутибди, қўлларини сикиб кўришиб: «Қани, қани, ўтиринглар...», – депти... Жуда ўткир одам-да. Гапига тупшунмайсан, бидир-бидир килаверади! Юриши ҳам шунака: одамларга ўхшаб аста-секин юриш йўк, югургани югурган. Бизникиларга оғиз ҳам очирманти, дарров: «Извошни кўн!» – деб буюрибди-да, дам ўтмай бу ерга етиб кепти... Келган заҳотиёқ бутун ишни битқизди-кўйди... бир тийиш ҳам олгани йўк. Илгаригисидан ўлса ўлиги ортик! Бир томондан караганда олдингиси ҳам ёмон эмас эди. Басавлат, улуғвор одам эди. Бутун губернияда унинг овозидан ўткир овоз йўк эди... Агар бирон ёкка кетаётган бўлса, ўн чақирим наридан овози эшитилиб турарди. Ташки томони ёки ички ишларини суруштирсангиз – буниси эпчил. Янгисининг мияси минг марта ўткир. Аммо битта ёмон томони бор... Ўзи жуда яхши одам-у, бироқ жуда кўн ичади, арақхўр!

«Ана холос!» – деб ўйлади Посудин.

Менинг... унинг кўн ичишини касрдан биласан? деб сўради у.

– Мен-ку унинг ичиб маст бўлиб юрганини ўз кўзим билан кўрганим йўк, ёлғон айтишнинг нима кераги бор? Одамлар айтишади-да! Одамлар ҳам унинг мастлигини кўришмаган, аммо арақхўр дегани рост... Одамлар олдида ёки меҳмонга борса, ё базмда бўлса, жамоат ўргасида бир қултум ҳам оғзига олмайди. Аммо уйида сувдек ичади... Эрталаб уйкудан кўзини очар-очмас арақ буюради, хизмагчи бир стақан арақ келтирса, яна келтир дейди... Эртадан кечгача ичгани ичган. Хайронман,

шунча пчади-ю, хеч маст бўлмайди! Ўзини тутолса керак-да. Илгарилар Хохрюков арақ ича бошласа одамлар уёқда турсин, ҳатто итлар увилларди. Посудин-чи? Посудиннинг бурни ҳам кизармайди! Кабинетини беркитиб олади-да, арақдан бош кўтармайди! Биров кўриб қозмасин деб, столнинг ичига бир яшик ясаптирибди, у яшиқдан кичкина найча чиқиб турар экан. Қачон керак бўлса яшиқда арақ... Ўнгашиб найчани сўрдими, бўлди, кайфи тароқ... Извошда ҳам олиб юраркан, портфелида ҳам...

«Қасрдан билинади бу нарсаларни? - деб кўрқиб кетди Посудин. - Ҳатто буниси ҳам ошкор бўпти-я! Шунчалик бемазалик!».

- Хотинларга пашшахўрда бўлишини айтмайсизми? Вой баччагарей! (Извошчи кулиб, бош чайқайди). Гуноҳдан кўрмайди-я... Ўзининг ҳам ўнгача ўйнаши бордир... Иккитасини ўз уйида олиб туради. Настасья Ивановна дегани бутун уй ичини бошқаради, иккинчиси... хах оти ҳам нимамайди, ҳа Людмила Семёновнасини котиб қилиб кўйган... Аммо ҳаммасидан Настасьянинг сўзи ўтади. Айтганини қилдиради, ҳукми билади-да. Ҳамма Посудиндан эмас, ўшандан кўркади... Вой тавба-ей! Яна бир ўйнаши бўлса Качальная деган кўчала туради... Уятсиз аблах!

«Ҳатто уларни помма-пом билади-я! - деб ўйлади Посудин, - кизариб-бўзариб. - Тагин, ким денг, бир умр шаҳарга бормайдиган мужик, аравакаш-а!.. Қандай наслик бу! Аблахлик!».

- Бу гапларни қасрдан биласан? - деб сўради у, жаҳл билан.

Одамлардан-да, кимдан бўларди... Ўзим-ку, кўрганам йўқ. Одамлардан эшитганман... Билиш қийин дейсизми? Хизматчининг ёки кучернинг тилини киркиб бўлмайди. Настасья-си ҳам кўча-кўйларда мактаниб юради. Эл оғзига элак тутиб бўладими... Посудин яқинда яши қилик чиқарибди: хеч кимга билдирмасдан текширишга борадиган бўпти. Илгариси бир ерга бормокчи бўлса бир ой олдин хабар бериб кўярди. Йўлга чикса - шунча шовқин, шунча тўнолон, ғавго солардики, асло кўяверинг! Олдида, кетида, атрофида чоғларлар от кўйиб боришарди. Манзилига етиб бориб, роса ухлаб оларди, ўлгу-

лек ичарди, ерди-да, кейин бакиргани бакирган эди. Томоғи бўғилгунча бақириб, ер тешишиб бўлиб, уйқуга тўйиб олиб, яна тантанаю-дабдаба билан қайтиб келарди... Буниси бўлса бирон гап эшитиб қолса ҳеч кимга билдирмай, эшиттирмай аста-секин боради... Қиз-зиқ-да! Амалдорларга билдирмай уйдан чиқади-да, поездга ўтиради. Ўзига керак жойга бориб тушади-да, кираканг извош ёки тузукрок арава кира қилиш қаёқда! Мужик аравасига тушиб олади. Хотинларга ўхшаб, афт-башарасини ўраб, бора боргунча қарри ит сингари, хирллаб гапирди, чунки овозини кўйиб гапирса одамлар билиб қолар эмиш. Одамлар гапириб берса кула-кула ичанинг узилади. У аҳмоқ мени ҳеч ким таний олмайди, деб бемалол кетаверади. Биладиган одамга уни таниб олиш бирпаслик иш.

Қандай қилиб таниб олиш мумкин?

– Бундан осони йўқ! Ил-арилари Хохрюковнинг ҳеч кимга билдирмай сафар қилишини унинг қўли оғирлигидан билар эдик; аравага ўтирган одам извошчининг лунжига тушурдими, Хохрюков деяберинг. Посудинни дарров таниб олиш мумкин. Содда йўловчи – ўзини содда тутди. Посудин ҳеч соддаликка рноя қиладиган одам эмас. Почта бекатига етиб келишиданок қиладиганини қилади!.. Уй ичи сассик эмиш, дим эмиш, совук эмиш... Жўжа қовуриб келтир дейди, мева келтир, турли мурабболар келтир дейди... Кимки киши фаслида жўжа билан мева талаб қилса – Посудин бўлади, буни бекатда ҳамма билишади. Кимда ким бекат назоратчисини «азизим» деса ва одамларга бўлган-бўлмаган ишларни буюраверса – Посудин деяверинг. Унинг хиди ҳам одамларникига ўхшамайди, уйқуга ётиши ҳам бошқача... Бекатга келиб диванга ётади-да, атрофига атир сепади, ёстиғининг ёшига учта шам ёқиб қўйишни буюради. Ҳар хил қоғозларни ўқиб ётади... Унинг Посудинлигини назоратчи уёқда турсин, хатто мужик ҳам фаҳхламайди...

«Рост, рост... – деб ўйлади Посудин. – Нега буни олдин билмаган экашман!».

– Биладиган одам жўжасиз ҳам, мевасиз ҳам унинг кимлигини билиб олади. Телеграф айтади... Афт-башарани хоҳ беркит, хоҳ беркитма, барибир, кимлигини билишади. Келишини кутишади. Посудин ҳали уйдан йўлга чиқмасидан,

бу ерда ҳамма нарса ташла-тахт туради. У бостириб бораман, судга бергизаман, амалдан бекор қиламан деб елиб-югуриб келади-ю, аммо жиноятчилар уни масхара қилиб култилади. Ҳеч кимга билдирмай келдим дейсан жаноби олийлари, кани, топчи гулоҳимизни, дейишади. У курукдан курук қайғиб кета-веради... Тағин мақтаб ҳам қўяди, қўлларини сиқади, безовта қилгани учун афв сўрайди... Шунақа, оғайни! Сен нима деб ўйлардинг? Иш шунақа, жаноби олийлари! Бу ернинг одамлари шунақа айёр бўладики, бири-биридан ўтқир. Хавасинг келади! Ҳеч бўлмаса мана шу бугунги воқеани олинг... Эрта билан извош хайдаб кетаётсам, станция томонидан жухуд буфетчи извош чоғтириб келмоқда. «Йўл бўлсин, жухуд афандим!» деб сўралдим, у «И. шаҳрига вино билан газак олиб кетаётirman. У ерга бугун Посудин келармиш» деб жавоб берди. Мана, кўрдингизми? Посудиннинг ўзи шаҳарга энди отланаётгандир, ҳеч ким танимасин деб юз-кўзларини ўраб турган бўлса-ю, кетаётганимни ҳеч ким билмайди, деб ўйласа-ю, унга атаб вино, балиқ, ҳар хил газаклар тайёр турса... у бўлса «Қунигиз битди, аблахлар!» деб йўлда кетмоқда. Аблахлар эса пипакларини бузинмайди. Келса келаверсин! Уларнинг бутун жиноятлари аллақачонлар беркитилган!

· Қайт орканга! · деб бақирди Посудин бўғилиб, аравани бур, ҳайвоп!

Ҳайрон қолган извошчи аравасини орқага қайтарди.

## ИККИ МУХБИР

*(Бўлмаган воқеа)*

«**А**фтинга чучкирай» деган газетанинг ходими Рибкин, латтадек бўш ва лапашанг бир одам, мусофирхонадан ижарага олган номернинг ўртасида туриб, шундаги илмоқдан кўзини узмасди. Қўлида арқон.

«Кўтарармикан, ё кўтаролмасмикан?» деб ўйлади у. Тағил суғирилиб, бошимга келиб тушса-я?! Шуям турмуш бўптими! Ўзингни осай десанг тузукрок жой ҳам тополмайсан!».

Эшик бирдан очилиб, номерга Рибкиннинг дўсти, «Хоин» газетасининг ходими хушчакчақ, кип-қизил бетди, энцикл Шлёнкин кириб келмаганда, у тентакнинг фикри-хаёли қандай оқибат келтиришини билмайман.

– Салом, Вася! – деб гап бошлади кирган одам стулга ўтириб. Мен сени олиб кетгани келдим. Юр! Виборг даҳасида бир киши ўзини-ўзи ўлдирмокчи бўпти, ўттиз йўлча хабар чикади... Қандайдир бир муттаҳам ўзини-ўзи сўяман деб, чала сўйиб қўйибди. Биратўласи юз ўттиз йўлга мослаб сўймайсанми, муттаҳам! Менинг миямга бир фикр келди, мен хатто шу тўғрида мақола ҳам ёзмокчиман: агар иссопийг иссофли бўлсайди, доим корнимиз оч юрганни билсайди, бундан юз чандон кўпроқ осилар, ўзини ўтга ташлар, судларга тушар эди. Ийе! Бу нимаси? – деб хайроп бўлди у, арконни кўриб. – Ўзингни осмокчимисан?

Шундай, оғайни... – деб ух торғди Рибкин. – Бўлди энди... Алвидо! Турмуш жонимга тегди! Етар!

– Тоза аҳмоқ экансан-да! Не сабабдан турмушдан бездинг?

– Сабаби кўп... Бутун атрофинг қоронғи, сени нималар кутишини билмайсан... Сени ҳеч ким танимайди... Нимаши ёзишингни билмайсан... Атрофиндагилар бир-бирларининг этини ейишади, бир-бирига хиёнат қилади, бир-бирини ғарк этади, бир-бириши ҳақорат қилади, бетига тупуради... Аммо, ёзадиган нарса йўқ. Шунинг ўзи ҳам ўн марта дорга осилишга кифоя. Атрофда ҳаёт қайнайди, барк уради, хаяжонланади, ҳайкиради, аммо ёзадиган нарса йўқ! Лаънати дуализм...

– Нега энди ёзадиган нарса йўқ экан? Ўнта кўлинг бўлганда ҳам иш егиб ортади.

– Йўқ, ёзадиган ҳеч нарса қолмади! Қани, нималарни ёзгин дейсан! Кассирлар ҳақида ёзилган, дорихоналар ҳақида ёзилган, Шарқ масаласи ҳам ёзилган... Шу қадар кўп ва ҳалдап ортик ёзилганки, ҳамма нарса чалкаш бўлиб кетган. Диндан қайтиш ҳақида ёзилган, қайианалар ҳақида, юбилейлар, ёнғинлар, хотинларнинг шляпалари, ахлоқнинг бузилиши ёзилган, укки ҳам ёзилган... Бутун дунёин-оламдаги ҳамма воқеалар ёзилиб бўлишган, ҳеч нарса қолмади. Сен бўлсанг одамни сўйиб кетишибди деб ховлиқасан... Шу ҳам ходиса бўпти-ю! Мен

бир одамни бир вақтнинг ўзида ҳам дорга осиб, ҳам сўйиб, ҳам устидан керосин куйиб куйдириб ўлдирган одамни биламан, шундай воқеани билсам ҳам ёзмайман! Менга нима! Бунақанги воқеалар кўп бўлган, ҳеч қандай янгилиги йўқ. Деяйлик, масала сен икки юз мишг сўм пул ўғирладинг ёки Невский кўчасининг икки бошидан ўт кўйиб ёндириб юборганлар, бундан менга нима? Буларнинг бариси оддий бир нарса, булар хусусида кўп ёзилган. Алвидо!

- Ажабо! Масаладан кўпи йўқ, турли-туман воқеалар тўлиб ётибди. Ҳатто бирон нарсага тош отсанг ҳам бирон масала ёхуд воқеага бориб тетади...

- На сен айтган масала, на воқеа уч пулга арзимайди... Масала мана мен ҳозир ўзимни-ўзим осиб ўлдирмокчиман... Сенингча бу бир воқеа, бир масаладир. Менимча бу петитдан терилган беш йўлик хабар, ундан ортиқлиги йўқ: ёзишга ҳеч нарса қолмади. Одамлар илгари ҳам ўлиб келган, бундан буён ҳам ўлаберилади, бунинг ҳеч янгилиги йўқ... Сен айтган турли-туман воқеалар, барк урган ҳаёт ва бошқаларнинг ҳеч кизини қолмади, оғайни... Буларни ёзишдан ўзимнинг ҳам кўнглим айнибди, ўқувчига ҳам ачинасан киши. Ўқувчи бечоранинг кайфини бузиш нима ҳожат?

Рибкин бир ух тортди, бошини чайқаб, аччиқ илжайди.

- Агар бир бало бўлиб, ҳаддан ортиқ ғайри оддий, дунёни остиш-устин қиладиган мудҳиш, разил бир воқеа рўй берса, унда бошқа гап, унда менга ҳам жон кирган бўларди. Масала, ер қурраси учар юлдузининг думини кесиб ўтса ёхуд Бнемарк ислом динига кирса ёхуд турклар Калуга шаҳрини штурм қилиб олган бўлсалар ёхуд Потович махфий маслаҳатчи этиб тайинланиб қолса... хуллас, кишини киздириб юборувчи, ўтакетган бир воқеа бўлсаёди, унда бошқа гап, мен ҳам ҳаётдан мамнун бўлардим!

Сен масалаларга кенг қарайсан, бу ярамайди, олдин саёз ерда сузиб кўр. Тупроқнинг бир донасига, чумолига, ҳатто кум донасига бир бок, ҳамма ерда ҳаёт, ҳамма ерда драма, фожиа! Ҳар бир чўшнинг, ҳар бир чўчқанинг ҳам бошида – фожиа бор!

– Сенинг феълинг бошқача, сен тухумнинг пўчоғи ҳақида ҳам ёзаверасан. Мен эса... ёзолмайман!

Нима кишти тухумнинг пўчоғига? – хафа бўлди Шлёнкин. – Бунда қанча масала бор, биласанми? Биринчидан, тухумнинг пўчоғини кўрибок қазабласан киши! Бир жониворни дунёга келтириш учун табиат яратган тухумни кимса еб қўйган! Биласанки, бир тухумдан бир ҳаёт пайдо бўлади, бир ҳаётдан ўн ҳаёт келиб чиқади, ўндан бутун бир авлод пайдо бўлади. Шундай бир тухум еб юборилган, бир нафсга қурбон бўлган! Ўша тухумдан товук чиққан бўларди, товук эса то ўшунича мингдан ортиқ тухум қиларди... Мана, иккисодий тузумга путир етказиш, келажакка хиёнат! Иккинчидан, тухум пўчоғини кўриб хурсанд бўласан: ейилган тухум Русиянинг фаровонлигини кўрсатади... Учунчидан, тухум пўчоғининг гўнга аралаштириб ерга солиниши керак деган фикр келади, тухум пўчокларини тўплаш ҳақида ўқувчига маслаҳат берасан... Тўртинчидан, тухум пўчоғини кўриб, бу дунёда умрнинг қалғалигини ўйлайсан: бир жонивор бирдан йўқ бўлиб қолади, бу дунёдан ўтади! Бешинчидан... Санаб ўтиришнинг нима кераги бор? Юзгача санасанг ҳам етади!

– Йўқ, оғайни, ортиқ тоқатим қолмади! Мен ўзимга ҳам ишонмай қўйдим, табиатим ҳам хира... Бўлди, бас!

– Бекор қиласан, дўстим, худо урсин, бекор қиласан, – деб қайтарарди Шлёпкин, дўстини. Ўзинг бир ўйлаб кўр: йиғирмадан ортиқ газета чиқади, ҳаммаси мақолага тўла! Демак, ёзишга арзийдиган гап қўп эканда! Узок вилоятларда чиқадиган газеталарни олиб кара: улар ҳам материалга лик тўла!

– Йўқ, бўлди... Уйқулаги амалдорлар, кассирлар... – деб пўнғиллай бошлади Рибкин, бошқа илмоқ излаб. – Дворянлар банки, паспорт тизими, амалдорларни тугатиш, Румелия!.. Жонга тегди!

– Билганингни қил!..

Рибкин арқонни бўйнига солди-да, хузур қилиб ўзини осди ва ўлди. Шлёнкин стол ёнига ўтириб, бирпаснинг ичида ўз-ўзини ўлдирган дўсти ҳақида бир хабар, Рибкинга таъзия, ўз-ўзини ўлдириш воқеаларининг кўнайиши ҳақида фелъетон ва шу мавзуда яна бир неча мақола ёзиб ташлади. Ёзиб бўлиб, чўнтагига тикди-да, вақти хуш бўлиб, редакцияга югурди. У ерда уни қалам ҳақи, шоҳ-шараф ва ўқувчилар кутмоқда эди.



## ВАНЬКА

Уч ой аввал Алёхин деган этикдўзга шогирдликка берилган тўққиз яшар бола Ванька Жуков рождествога ўтар куни кечаси ётмади. Хўжайинлари ва бошқа шогирдлар эргалабки ибодатга кетишгандан кейин у, хўжайинининг жавонидан сиёҳдон билан занг босиб кетган ручка олди-да, гижимланган бир варақ қоғозни олдига ёзиб, хат битишга киришди. Хатни бошлашдан олдин эшикка ва деразаларга бир неча марта кўрка-писа қараб қўйди, икки томонига этик қолиллари тизиб қўйилган санамга ҳам кўз кириши ташлаб қўйди, кейин бир уф тортди. Қоғозни скамейка устига ёзиб, унинг олдига тиз чўкиб ўтирди.

«Бобожоним Константин Макарич! - деб ёза бошлади у хатни. - Мен сизга дуойи салом ёзмакдаман. Сизни рождество байрами билан қутлаб, у томонларда эсон-омон юришингизни худодан тилаб қоламан. Менинг отам ҳам, онам ҳам йўқ. Сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ».

Ванька шам шуъласи акс этиб турган қоронғи деразага қаради, Живарев деган бойникида кечаси коровуллик қиладиган бобоси Константин Макарич дарров кўз олдига келди. Бобоси олтмиш беш ёшлар чамасида кичкинагина, қотмадан келган, аммо ниҳоятда эпчил ва серҳаракат, юзлари доим кулиб турадиган, кўзлари сузук бир чол эди. Кундузлари у, хизматкорлар турадиган уйда ухлайди ёки ошпаз хотинларга тегнишиб ўтиради, кечалари эса кенг пўстиши кийиб, кўрғон атрофида шаклдоғини чалиб юради. Унинг кетидан Капитанка деган қари ит ва узун бўйи, қора жуни учун Вьон деб аталган яна бир ит бошларини осилтириб эргашиб юради. Вьон жуда итоаткор ва ювош ит, ўз одамларини ҳам, бегонани ҳам барабар ҳурмат қилади, аммо унга ҳеч ким ишонмайди. Унинг итоаткорлиги ва ювошлигида айёрлик бор. Билдирмасдан келиб туриб оёқни узиб олишда, музхонага кириб, у сиздаги тўшг-ёғларни уришда, дехконнинг товуғини қийратишда ундан ўткири йўқ. Одамлар бир неча марта унинг кейинги оёқини уриб майиб қилишган, икки марта дорга ҳам осилган, чала ўлик қилиб ҳам уришган, бироқ ҳар сафар ўлимдан омон қолган.

Бобоси шу тонда дарвоза олдида кишлок бутхонасининг чароғон ёнган деразаларига кўзини сузиб қараб тургандир. ё бўлмаса совқотганидан пиймаси билан ер тенишиб, қароллар билан ўйнашаётгандир. Шаклдоғини белбоғига осиб олгани аниқ. Қўлларини бир-бирига ишқаб, совукдан сескана-сескана, хириглайди ва ё бека оқсочини, ё ошпаз хотиннинг бикинини чимчилайди.

– Қани, тамакидан ҳидлайлик, тамакидан, – дейди-да, хотинларга тамаки тутади.

Хотинлар тамаки ҳидлаб, аксиринишади. Чол бундан ниҳоятда хурсанд бўлиб кетади-да, қаҳ-қаҳ уриб кулади ва:

– Буринини арт, яхлаб қопти! – деб кичқиради.

Кейин итларга ҳам тамаки ҳидлатишади. Каштанка аксирари, хафа бўлганидан бошини чайқаб-чайқаб четга чиқиб ўтиради. Выюн одоб саклаб, аксирмайди, думини силкитиб туради. Ҳаво шивам, жимжит, мусаффо. Тун қоронғи, аммо бутун кишлок, унинг ошпоқ томлари, мўрилардан буралиб-буралиб чиққан туғуилари, кумушдай киров босган дарахтлар, қор босган тепаликлар равшан кўришиб туради. Осмон жилвали чараклаб турган юлдузлар билан тўла, сомон йўли ҳам ойдиндек ёрик, ҳайит олдидаш уни ювиб, қор билан ишқалагандай...

Ванька хўрсинди-да, перони сиёҳга ботириб, яна хатни давом эттирди:

«Кеча бўлса мени ўлгудек кийнапти. Хўжайинларнинг беланчакдаги боласини тебратиб ўтириб, билмасдан ухлаб қолипман. Хўжайин сочимдан судраб ховлига олиб чиқиб, тасма билан роса савалади. Ўтган ҳафта бека менга селёдка тозалашни буюрди, мен уни думидан тозалай бошлаган эдим, бека балиқни кўлимдан тортиб олиб, унинг калласини башарамга ишқади. Халфалар мени масҳара қилишади, ковокхонага араққа юборишади, хўжайинларникидан бодринг ўғирлагатиришади, хўжайин бўлса кўлига тушган нарса билан уради. Овқатдан ҳеч нарса йўқ. Эрта билан пон берилади, тушда бўтқа, кечкурун ҳам қуруқ поннинг ўзи: чойни, қарам шўрваларни пуқул ўзлари туширишади. Кечаси ётадиган жойим – йўлак, хўжайиннинг боласи йиғласа, мижжа қокмай кечаси билан беланчакни тебратиб чиқаман. Жош бобом, худо хайр берсин, мени бу ердан уйга, қишлоққа олиб кетинг,

хеч сабр-токатим колмади... Оёқларингизга бошимни қўйиб ялинаман, ўлгунимча дуо қилай, мени бу ердан олиб кетинг, бўймаса ўлиб қоламан...»

Ваньканинг лаблари буришди, қон-қора мушги билан кўзларини артди-да, пикиллади.

«Мен сизга тамакиларингизни майдалаб бераман, - деб давом этди бола, - ибодат қиламан, бироқ айб қилсам итдай саваланг. Агар менга иш топилмайди десангиз, яшириб-ёлвориб гумаштага этик тозаловчи бўлиб қираман, ё бўлмаса Федьканинг ўрнига подачига шогирд бўламан. Бобожон, сира токатим колмади, жонимдан тўйдим. Қишлоққа шедда жўнай десам этгим йўқ, совуқдан кўркаман. Бу қилган яхшилигингизга катта бўлганимда сизни боқаман, хеч кимга хўрлатмайман, ўлганингизда онам Пелагеяга қилингандай, сизга ҳам дуоини фотиҳа қиламан.

«Москва катта шаҳар. Ҳамма уйлар бойларга қарайди, от кўп, қўйдан сира йўқ, итлари ювош. Бу ернинг болалари рамазон айтишмас экан. Черковларда ҳам хеч кимга кўшиқ айттиришмайди, бир куни бир дўконда ипи ва ёғочи билан сотиладиган қармоқ кўрдим, бунақа қармоқка ҳар канақа балик илинади, ҳатто бир пуд келадиган лакка балик илинадиган қармоқ ҳам бор. Шунангиди дўконлар ҳам борки, у ерда бадавлат кишиларнинг кучи етадиган милтиқлар бор, ҳар биттаси юз сўмдан турар дейман... Гўшг дўконларида эса қирғовуллар, какликлар, куёнлар тўлиб ётибди, уларни касерда отилганини кас-соблар сира айтишмайди.

Бобожоним, хўжайинингизшиқида арча байрами бўлганда менга усти ялтирок ёнғоқдан олиб, кўк сандикка солиб, яшириб қўйинг. Ванькага десангиз ойимқиз Ольга Игнатьева беради».

Ванька яна бир хўрсинди-да, деразага тикилиб хаёлга чўмди. Хўжайинга арча олиб келиш учун бобосининг ўрмонга боришини ва ўзи билан бирга Ванькани ҳам олиб борганларини эслади. Қандай яхши замонлар экан! Бобоси зўр берарди, совук ҳам зўр берарди, уларга қараб Ванька ҳам зўр берарди. Бобоси баъзан арча кесилдан олдин трубка чекиб оларди, тамаки хидларди, совкотган Ванькани масхара қиларди. Кировга ўраган ёш арчалар қайси бирларининг куни битганини

билмасдан тик турарди. Бир ёқдан лип этиб куёи чикиб қолар ва қор уюмлари устидан ўқдай учиб ўтиб кетарди... Бобоси эса:  
– Ушла! Ушла уни!.. Ушла! Ҳа, шайтон, деб кетидан қичкириб қоларди.

Кесилган арчаши бобоси хўжайинлар уйига судраб олиб келарди, кейин уни безатишарди. Ванькани яхши кўрган ойимқиз Ольга Игнатъевна ҳаммадан кўп жон куйдирарди. Ваньканинг онаси Пелагея тириклигида хўжайинларшиқида оксоч эди, Ванькага Ольга Игнатъевна попуқлар берарди, зерикканидан уни ўқишга, ёзишга, юзгача санашга ва хатто раке тушишга ўргатган эди. Пелагея ўлгандан кейин егим қолган Ванькани қароллар турадиган ошхонага чиқариб, бобосига кўшиб қўйишди, у ердан Москвага, Алёхин этикдўзиникига жўнатишди.

«Тезрок келинг, бобожон, – деб хатни давом эттирди Ванька, – худо хайр берсин, мени бу ердан олиб келинг. Мендек бечора егимга раҳмиңгиз келсин, бу ерда мени уззукун савалайдилар, ўлардек оч юраман. Шундай зерикдимки, йиғлаганим йиғлаган. Қайси куни хўжайин қолип билан бошимга шундай урдик, йиқилиб тушдим, зўрға ўзимга келдим. Турмушим ҳар қандай итниқидан ҳам бағтар... Алёнага ҳам салом айтиш, гилай Егоркага ҳам, кучерга ҳам, менинг гармонимни ҳеч кимга берманг, деб невараниғиз Иван Жуков, жон бобо, тезрок келинг».

Ванька хатни тўрт буклади-да, бир кун олдин бир тийишга сотиб олган конвертга солди... Бироз ўйлаб туриб кейин перони сиёҳга ботирди-да:

*Бобом қишлоғига*  
деб маъзилини ёзди.

Кейин елкасини қаниб, бироз ўйланиб «Константи Макарничга тегсин» деб кўшиб қўйди. Ҳеч ким халақит бермасдан хат ёзганидан хурсанд бўлиб, бошига шапкасини кийди ва кўйлақчан югурганича кўчага чикиб кетди...

Қуңдуз куни сўраганида кассоблар «хат почта қутисига солинади, қутилардан олиниб, маст ямшиқлар минган, уч отли қўнғироқлар осилган араваларда бутун ер юзига тарқатилади», деб айғишган эди. Ванька энг яқин почта қутисига чопиб борди-да, кимматбаҳо хатни қутига солди.

Бир соатлардан кейин умидлар алласи остида қаттиқ уйқуга кетди... Тушига печь кирди. Печда бобоси яланг оёқларини пастга осиятириб, ошпаз хотинларга хат ўкиб бераётган эмиш... Печь ёнида Вьюн думини ликиштириб айланиб юрганмиш...

## ТЕГИРМОНДА

**Т**егирмончи Алексей Бирюков ўрта ёшлардаги норғул бир одам, кулбасининг остонасида ўчиб қолган трубкасини эринчоклик билан сўриб ўтирарди. Унинг афти уйқудан олдин Жюль Верн китобини ўқиган ёш болаларнинг тушига кириб чиқалиган, худди болта билан йўнилганда кўпол, териси қалин, залвори билан юрувчи матросларга ўхшарди. Бу сафар унинг эғнида солдатлар киядиган кулранг мовут шим, оёғида қатта ва оғир этик бўлиб, кўча ним ва изгирин куз бўлса ҳам, бошланг ва кўйлакчап эди. Нам туман тугмалари ечилган нимчасидан кириб, бадавнида бемалол кезиб юрар, аммо тегирмончининг қадоқ бўлиб кетган ғадир-будир бадани совуқни сезмагандек эди. Унинг қип-кизил гўштдор юзи энди ухлаб тургандай ланж, шишиб кетган қовоқлари остидаги кичик кўзлари атрофга – гоҳ тўғонга, гоҳ бостир-мали эски саройга, гоҳ қари ва бесўнақай толарга хўмрайиб қарарди.

Сарой олдида эндигина монастирдан келиб турган икки монах ивирсиб юрарди. Уларнинг бири ошпоқ соққали иовча Клеопа бўлиб, пой сачраган камзул билан ямоқ солишган шимча кийган, иккинчиси – қорадан келган, қора сокол-мўйловли, эғнига олдий дехқонлар камзули кийган Диодор эди, афтида, грузин бўлса керак. Улар тегирмонга келтирган жавдарни аравадан туширмоқдалар. Улардан сал нарида эзилган ва ифлос ажриқда Евсей деган қарол ғирт маст ўтирарди. Евсей ҳали мўйлови чикмаган ёш ўсмир, эғнида йиртилиб кетган қалта чопон. У кўлидаги балиқ тўрини зўр бериб ғижимлар ва ўзини тўрини ямаш билан машғул одамдай кўрсативинга тиришарди.

Тегирмончи узоқ вақт атрофга қараб ўтирди, кейин кўзларини қоп ташиб турган монахларга тикди-да, йўғон овози билан:

– Ҳой, монахлар, нега дарёдан балиқ тутасизлар? Ким рухсат берди сизларга, – деди.

Монахлар индашмади, ҳатто тегиримончига қайрилиб ҳам қарашмади.

Тегирмончи индамай турубкасини чекди ва сўзида давом этди:

– Ўзингиз тутганингиз тутган, яна шаҳарлиларга ҳам нега туттирасизлар. Мен бу дарёни шаҳардан ва сизлардан ижарага олганман, ўз вақтида ижарасини тўлаб тураман, демак, балиқ меники, уни овлашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Худога сизгина-сизлар-у ўғирлик қилишдан кўркмайсизлар.

Тегирмончи эснади, бирпас жим туриб, яна вайсашга киришди:

– Тонгаи қилиқлариши қара-я! Монах бўлдим, авлиё бўлдим, ҳеч ким тегмайди деб ўйларсизлар. Судга ариза берсам нима қиларқинсизлар? Суд монахлигингга қараб ўтирмайди, қамаб қўяди. Судсиз ўзим ҳам бирёкли қилишга қудратим етади. Дарёда ушлаб олиб бир дўппослайки, қиёматгача ҳам балиқ егинг келмасин!

Бекор шунақа гапларни гапирасан-да, Аликсей Дорофеевич, – деди Клиона, ингичка овоз билан. – Худодан кўрккан сахий одамлар бундай гапларни, биз-ку монахлар-а, итга ҳам айтмайди!

– Монах эмиш - деди тегирмончи масҳара қилиб! – Сенга балиқ керакми? Керак бўлса мендан сотиб ол, ўғирлама!

– Вой, товба-ей! Қани ўғирлаганимиз? - деди Клиона, хуноб бўлиб. – Нега бундай дейсан, ахир? Монахларнинг балиқ тутгани рост, ахир бунга архимандрит ҳазратлари рухсат берганлар-да! Архимандрит сизни бутун дарё учун эмас, фақат бизнинг қирғокка тўр солиш учун пул тўлаган деб айтадилар. Дарёнинг ҳаммаси сизга берилган эмас... У сизники ҳам эмас, бизники ҳам, худоники...

– Архимандрит ҳам сенга ўхшаган одам, – деди тегирмончи, трубкасини этигинишг пошасига уриб, у ҳам мутгаҳам одам! Мен унинг қимлигини суриштириб ўтирмайман. Менга сен ҳам, архимандритнинг ҳам, анови Евсей ҳам бир. Агар дарёда ушлаб олсам, уни ҳам дўппослайман...

Монахларни тутиб олиб урмоқчи бўлсангиз, ихтиёр ўзингизда. У дунёда азобиши ўзингиз тортасиз. Виссарион билан Антипийни урдингиз, бошкаларни ҳам ураберинг.

Диодор Клиопанинг енгидан тортиб:

Кўй, тегма унга, – деди.

Клиона бирдан ўзига келиб, жим бўлди-да, яна қошни ташишга киришди. Тегирмончи ҳамон вайсар эди. У хар калима сўздан кейин трубкасини сўриб, ерга туфуриб, натар-нестамас вайсарди. Баллиқ устидаги гап тамом бўлгач, бир вақтлар монахлар муттаҳамлик қилиб олиб кетган иккига қопи эсига тушди-да, яна вайсая кетди; кейин Евсейнинг маст ва бекор ўтирганини кўриб, монахлар бир ёқда қолиб кетди-да, хизматкорига ёпишди. У ҳеч оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилар эди.

Монахлар олдиниға анча чидаб туриб, фақат ух тортибгина кўярдилар, бироқ охирида Клиопанинг тоқати тоқ бўлди... Қўлини қўлига уриб, жиғибийрони чикиб, деди:

– Э, царвардигор, тегирмонга келишдан бошқа жазо йўқмиди! Бу ердан дўзах яхшироқ!

– Келма, нега келасан? – деб пўнгилади тегирмончи.

– Жон деб келмасдинг-у, аммо бошқа тегирмонни қаердан олади! Ўзинг биласан-ку, бу атрофда сеникидан бошқа бирорта тегирмон йўқ! Ё доннинг ўзини ейиш, ё очдан ўлиш қолди, бошқа илож йўқ.

Тегирмончи гапдан қолмас, ҳамон сўкинарди. Трубка сўриш унга қанчалик одат бўлиб қолган бўлса, вайсаш ва сўкиниш ҳам шунча одат бўлиб қолганлиги равшан эди.

Клиона шошиб қолганидан киприкларини пирпиратиб:

– Жуда бўлмаса шайтонни тилиннга олма! Бирпас жим ўтир, раҳминг келсин, ахир! – деб ўтинарди.

Тегирмончи жим бўлди, аммо Клиопанинг ёлворишидан эмас. Тўғон бошида кичкина, думалоққина, очиқ юзли, худди кўшизинг орқасига ўхшаган йўл-йўл кўйлак кийган бир кампир кўринди. Кампир бир кўлида тугунча кўтариб, бир кўли билан ҳасса таяниб келар эди... Тегирмонга яқинлашиб келиб:

Ассалому алайкум, таксирлар! – деди, монахларга таъзим қилиб. – Худо мадад берсин! Салом, Алёшенка! Салом, Евсеюшка!..

Тегирмончи кампирга бошини кўтариб карамади, ковоғини солиб:

– Келинг, она, – деб пўнғиллади қўйди.

Кампир тегирмончининг юзига жилмайиб ва ёкимтойгина қараб:

– Сенга меҳмон бўлиб келдим, ўғлим! Кўпдан бери кўрмаганим учун соғиндим. Кўришганимизга хийла бўлди ўзиям... Сенга ёксаям келдим, ёкмасаям! Сен ҳам ўзингни апча олдириб қўйибсанми, пазаримда... – деди.

Кампир тегирмончининг ёнига келиб ўтирди, тегирмончининг баҳайбаг гавдаси ёнида унинг эғнидаги мурсаги яна ҳам кўнгиликка ўхшаб кетди.

Хийла бўлди кўришганимизга!.. – давом этди кампир. – Соғиндим, болам, юракларим эзилиб кетди, сени кўраман деб. Энди буюкка отланай десам ё ёмғир ёғадди, ё тобим қочиб қолади...

Тўғри шаҳардан келишишгизми? – деб сўради тегирмончи. хўмрайиб.

Шаҳардан келишим, болам, шаҳардан... тўғри уйдан чиқиб келишим...

Бемор одамсиз, қариб қолгансиз, меҳмондорчиликка юргандан кўра уйда ўтиринг. Хўш, нега келдингиз? Ковушингизни аямайсиз!..

Сени бир кўрай деб келдим-да, болам... – деди кампир. Кейин монахларга қаради. – Икки ўғлим бор, биттаси бу, яна бири – Василий. У шаҳарда туради. Нихояти иккитагина. Тирикманми, ўлиб кетдимми, уларнинг парвойига келмайди, мен бечора бўлсам болаларим, овинчоғим деб ўламан... Менсиз буларнинг куни ўтаверади, мен уларсиз бир кун ҳам туrolмайман... Қариб қолганман, шаҳардан юриб келиш менга оғирлик қилади.

Орага жимлик чўкди. Монахлар жавдар солинган қопларни саройга ташиб бўлиб, дам олгани аравага чиқиб ўтиришди... Кайфи тарок Евсей ҳамон тўрини ёғимлар ва мудрар эди.

– Бевақт кепсиз, она, – деди тегирмончи. – Шу топда Каряжинога жўнамокчи бўлиб турувдим.

– Кетабер! Йўлдан қолма! – деди кампир, хўрсиниб. – Мени деб ишингдан қолсанми... Бирпас дамимни олиб, қайтиб



кетаман... Сенга, Алёшенка, Вася бола-чакаси билан салом деб юборди...

Ҳали ҳам арақ ичгани ичганими?

Кўп ичмайди, ҳар замонда... Ичгани ичмаган дейдим, ичди... Кўп ичай деса ўзинг биласан пули йўк, сахий одамлар ичирса... Унинг турмуши ночор, Алёшенка, унинг ҳол-ахволини кўриб жуда қийналиб кетдим... ей деса овқати йўк, болалари яланғоч, ўзи кўчага чиқай деса уялади, оёғида этиги йўк, иштонлари йиртиқ... Олтовимиз бир уйга тикилганмиз. Қашшоклик ҳам шунчалик бўлар, булдан ортик бўлмас... Мен ҳам ёрдам берармикинсан деб келдим. Онангни ҳурмат қил, ўғлим, Василийга караш... Уканг-ку, ахир!

Тегирмончи тескари қараб, индамай ўтирарди.

– У қашшок, сен бўлсанг худога шукур, ўзингга тузуксан! Тегирмоннинг юриб турибди, экин эккансан, балиқ тутиб сотасан... Худо сени ақл-хушли қилиб яратибди... бопқалардан билади кўриб, давлатли қилибди... Ўзинг ҳам ёлғизсан... Васянинг тўртта боласи бўлса, унинг устига мен ўлгур ҳам унинг қўлидаман, оладиган ойлиги ниҳояти етти сўм. Нимасига еткисен? Ёрдам қил...

Тегирмончи трубкасига тамаки тикиб ҳамон жим ўтирарди.

Берасанми? деб сўради кампир.

Тегирмончи оғзинга талқон солгандай жим ўтираверди. Ўзидан ҳеч қандай жавоб олмагач, кампир монахларга, Евсейга бир-бир қараб чиқди-да, ўрнидан турди.

– Хўб, майли, бермасанг берма, – деди. Бермаслигини ўзим ҳам билардим. Назар Андренч деб келган эдим олдинта... Йиглайвериб қўймади мени, Алёшенка! Қўлларимни ўпиб, сенинг олдинта юборди...

Нима керак экан унга?

Қарзини узени дейди. Тортиб берсин деб жовдари элган эдим, қайтариб бергани йўк дейди.

Бировнинг ишига аралашманг, она, сизнинг ишингиз эмас бу, – деб пўнгилади тегирмончи. Ибодатингизни қилиб юраверинг.

– Ибодат қиламан-у, билмадим, худо даргоҳига қабул қилмапти. Васний қашшок, ўзим ҳам гадойчилик қиламан, устимдаги мурсак ҳам бировники, сен бўлсанг бадавлатсан,

билимадим юрагини қанақа экан! Қизгончилик сени одамгарчиликдан чиқарди, болам! Ўзинг туппа-тузук одамсан: ақл-хушинг жойида, чиройликкина йигитсан, кўнасларнинг кўнасисан, аммо ҳақиқий одамга ўхшамайсан! Келинг оин демайсан, чиройингни очиб гапирмайсан, худди ёввойидай, хасис, бераҳмасан... Афтинга караган кити кўрқадн... Одамлар орасида дув-дув гап... Ана, монахлардан ҳам сўраб кўр! Одамларнинг қонини сўрармишсан, жабр қилармишсан, карокчи-хизматкорнинг билан бирга кечалари йўловчиларни талармишсан, ўғирлармишсан... Тегирмоннинг худди бало-казонини макони... Қизлар билан йигитлар кўрқиб, яқин йўлашмайди, сендан ҳамма ўзини четга тортиб юради. Қани билан Ироддан қарқини қолмапти...

Нодонсиз она!

Сен қадам босган ерда ўт кўкармас, нафас олган жойиндан пашша учмас одамсан. «Қани эди, тезроқ уни биров бўғиб ўлдирса ёки суд қилиб кесдириб юборса!» деб ҳамма орзу қилади. Она бўлиб шундай гапларга мен қандай чидай? Сен мени ўз ўғлимсан, менинг қонимсан...

Мен кетай эди, деди тегирмончи ўрнидан туриб. Хайр, она, яхши боринг!

Тегирмончи бостирмадан арава ғилдираптиб чиқди, кейин от етаклаб чиқди-да, худди итти кўшгандай аравага кўнди. Кампир унинг атрофида юриб, намли кўзлари билан ўғлининг юзига термулиб қарар эди.

Ўгли, устига камзулини жадал қияётганда:

– Хайр, болам! Яхши қол, бизларни эслаб тур, деди кампир, овозини наслатаиб. – Шопма, сенга атаб совга олиб келувдим. Кампир тутунчани седи.

– Кеча дьячокпикига бориб эдим, – дастурхонга кўйишган экан... Битгасини сенга деб олиб беркиптиб кўйган эдим...

Кампир ўглига узатган нарса битга кичкина ширин қулча эди...

– Нарн турсангиз-чи! – деб ўшқирди тегирмончи, кампирнинг кўлини силтаб ташлаб.

Кампир хижолат бўлиб, кўлидаги қулчасини ерга тушириб юборди ва секин-секин юриб тўғон томонга кетди... Бу воқеа ҳаммага қаттиқ таъсир қилди. Ниҳоятда хайрагга қилиб, ғазаб-

ланган монахлар у ёқда турсин, хатто ғирт маст Евсей ҳам бу воқеани кўриб тошдай қотиб қолган ва хўжайинидан кўзини узмай ўтирарди. Монахларнинг ва ўз хизматкорларининг важоҳатларини пайкадим, ё кўкрагида аллақачонлар сўйган ўғиллик ҳисси уйғондим, хар ҳолда тегирмончининг юзида ҳам кўрқувга ўхшаш бир нарса акс этди...

– Она! – деб чақирди у.

Кампир бир сесканиб, кайрилиб қаради. Тегирмончи шошиб-пишиб чўнтагидан катта чарм ҳамёнини чиқарди... Ҳамёнидан бир ечим қоғоз ва тапга пул олиб, кампирга узатди ва:

– Мана, бу сизга, олин! – деди.

У қўлидаги пулларини нижимлаб кўрди, нима учундир монахларга бир қараб қўйди, кейин яна нижимлади. Қоғоз пуллар ва қумуш тапгалар бармоқ ораларидан бирин-кетин яна ҳамёнга тушиб кетди, қўлида фақат бир тапга қолди... Тегирмончи чақага бир қаради, бармоқлари билан артди-да, юзи қиққизаргани ҳолда, онасига узатди.

## ЁВУЗ НИЯТЛИ КИШИЛАР

*(Кўрганлар ҳикояси)*

**Т**рактир половойи<sup>1</sup> унга бир-икки хил бор таомларнинг номини айтиб берганч, у бироз ўйлаб туриб:

– Бўймаса бизга янги қарам соллинган иккита борш билан жўжа келтир. Хўжайинингдан сўра, винуни бормикин... – деди.

Кейин трактир шпинга қараб: – Бирам пашшаларинг кўп экан-эй, деганини ҳамма эшитди.

Мазкур кишини «у» деб айтишимизнинг сабаби шуки, на половойлар, на трактир эгаси ва на у трактирда ўтирган миждозлар унинг кимлигини, бизнинг шахримизга қаердан ва нима иш билан келиб қолганини биллirmас эди. У савлатли, ёши анчага бориб қолган, уст-боши янги ва афтидан кўнгли

<sup>1</sup> Илгарилар Россияда ресторани, ошхона ва трактирларда ёлғаниб ишловчи қароларни шундай деб агардилар. Половойлар ҳам овқат пилирар, ҳам полларни ювар, умуман у ердаги ҳамма қора ишларин бажарар эдилар. *(Тарж.)*

ок, олижаноб киши эди. Унинг уст-бошига қараб аристократ деса ҳам бўларди. Кўкрак чўнтагидаги олтин соатга, бўйнидаги гавхартош қадалган галлетутига кўзимиз тушди. Унинг жигарранг шляпаси ичиди тугмали кўлкалари ётарди, бундай фасон кўлкасини илгари фақат вице-губернаторнинг қўлида кўрган эдик. Овқат устида бизга нукул одобли ва олижаноблигини кўрсатмокчи бўлиб, вилкаси чап қўли билан ушлар, дам ўтмай сочик билан лабларини артар, олдидаги рюмкага паниша тушиб қолгулай бўлса афтини буриштиради. Паниша бор жойда идиш-товоқнинг тоза бўлмаслиги аниқ; оддий миқозлар у ёқда турсин, ҳаттоки исправник, становой ёки йўловчи помещиклар ҳам трактирга тушлик қилгани кирганда паниша ўгириб кетган товоқ ёки рюмка берилса сира шикоят қилинмайди, у бўлса половой идишларни иссиқ сув билан ювиб келтирмагунча овқатга қўл текизмади. Олифталик қилиб ўзида йўқ олижанобликни кўрсатмокчи бўлса керак.

Унинг олдида эди борич келтирилган эдики, стол ёнига яна бир номаълум шахс келиб ўтирди, бу киши тенакан, сокол-мўйлови қирилган, кўзида тилла кўзойнак, эгнида шохи костюм бўлиб, унинг ҳам олтин соати бор эди. Овқат устида у нукул французча гапирар, таомларини ва атрофдаги одамларни кизикиб томоша қиларди, бундан унинг ажнабий эканлиги билиниб турар эди. Унинг ўзи ким, каерлик, шаҳримизга нима иш билан келган – бу ҳам бизга номаълум.

Бир қошиқ шўрвани оғзига олиб, бояғиси, яъни гавхартош такқани, афтини буриштиради-да, захарханда билан:

Бу ҳафтафаҳмларнинг қўлига тушган янги карамдан ҳам сасиган хил келади. Сира еб бўлмайди. Мен а қара, хой азизим, бу шаҳарнинг ҳамма одамлари ҳам худди шундай чўчкадай инфлос туриндилми? Бутун шаҳарда бир коса маззалик борини топилмаса-я! Тавба!

Кейин ўзининг ажнабий ўртоғига французчалаб нималаринидир гапирди. Унинг гашидан фақат «котоп» деган бир сўз эсимизда. Олдидаги боридан сассик кўнғизин олиб ташлаб, половойга қараб:

- Мен сенга суварак солиingan борини келтир деганим йўқ, аҳмоқ! – деди.

- Боршга уни мен сояганим йўқ, тақсир, ўзи тушгандир. Хотирингиз жам бўлсин, суварак чикмайди, деб жавоб берди половой.

Жўжа сйилиб бўлгандан кейин бояги киши бир варак коғоз билан қалам чакиртириб, қандайдир доира ва ракамлар чизишга киришди. Ажнабий киши у билан анчагина келишмай, бошини чайкаб, баҳсланиб ўтирди. Доира ва ракамлар чизилган коғоз ҳали ҳам трактирнинг эгасида турибди; трактирнинг эгаси у коғозни мактабларнинг назоратчисига кўрсатган эди, у доираларга узок тикилиб қараб турди-да, бир ух тортиб, «Ҳеч нарса тушуниб бўлмайди» деб қайтиб берди. Бояги киши, яъни гапсизгига тавҳартош таққани, овқат пулини тўлаб, половойга ян-янги беш сўмлик узатди, у пулнинг ҳақиқий ёки қалбаки пулнинг помаълум, чуқи уни текшириб кўриш эсимизга келманми.

- Менга қара, трактир эрта билан соат нечада очилади? - деб сўради, бояги киши половойдан.

Кун чиқиши билан.

- Жуда соз. Эрта билан соат бешда биз чой ичгани келамиз. Овқат тайёрлаб қўй, лекин пашпаси бўлмасин. Эртага эрта билан қандай воқеа рўй беришидан хабаринг борми? - деб сўради у, кўзини қисиб.

- Йўғ-а.

- Ундюғ бўлса, эртага эрта билан хайрон қоларкансанлар!

Бу гап билан одамларни кўрkitиб, ўзининг ажнабийсига кулиб бир нима деди-да, иккови трактирдан чиқди. Улар Марфа Ёгоровна деган эс-хушли бир беваникида кўнишган эди, аммо у аёлнинг сира гунохи йўқ; улар билан тил бириктирмаган ҳам. Энди у қамаларканман деб, хум бўлиб йиғлаб юрибди. Унинг тўғри фикрли аёл эканлигига, унинг гунохсизлигига биз гувоҳ. Ўзингиз ўйлаб кўриш, уйига ижрачиларни кўйганда, уларнинг кимлигини ва уларнинг фикрини қайдан биларди, дейсиз?

Эртаси куни эрталаб нақ соат бешда бояги кишилар трактирда ҳозир эдилар. Бу сафар уларнинг қўшларида портфель, китоблар, ғалати-ғалати қутилар бор эди. Уларнинг гапларидан, юриш-туришларидан қандайдир хаяжонланиш ва

шошкалюклик сезиларди. Униси, яъни ажнабийдан бошқаси, бундай деди:

– Шимол-шарқ томондан булут босиб келмоқда. Ишимизни бузмасайди.

Бир стакан чой ичиб, трактир эгасини ўз олдига чакиртирди-да, трактир олдидаги сахнга бир стол билан икки курси чиқариб қўйишни буюрди. Трактирнинг эгаси нодон одам, аммо биронта нотўғри иш бўлишидан гумондор бўлса-да, бу буйруқни бажарди. Бояги кишилар, келтирган нарсаларини кўтариб, трактирдан чиқиб, стол ёнидаги курсига ўтиришди. Бутун халойиқнинг кўзи олдида, очик майдонда бемалол жойлашиб олишди. Тентакликни қараг! Иккови бир-бири билан гаплашиб, стол устига қоғозларини, чизмаларини, коп-қора ойналар ва қандайдир трубкаларини ёйиб қўйишди. Трактир эгаси ботинар-ботинмас стол ёнига бориб энгашиб қараган эди, бояги киши, яъни гавҳартош таққани, уни қўли билан итариб:

Нари тур, ўзинг билмаган ишга бурнингни суқма, - деб берди.

Кейин соатига қаради, ажнабийга бир нималар деди-да, коп-қора ойнадан кунга қаради. Ажнабий ҳам қўлига бир трубкани олиб, у ҳам осмонга қаради... Ана шундан кейин шу маҳалгача оламда бўлмаган даҳшатли бахтсизлик бошлашиб кетди. Бирдан осмон ва ерни коронғиллик босаётганини фахмлаб қолдик, гўё бирдан момақалдирик бўладигандай эди. Ажнабий қўлидаги трубкасини столга энди қўйиб, қоғозга шоша-пиша бир нарса ёзиб, қўлига қора ойна олган эди, бир киши:

– Халойиқ, кун куя бошлади! – деб бакириб қолди.

Дарҳақиқат, ёғлоғига ўхшаш коп-қора бир нарса офтобнинг устига босиб келиб, уни беркита бошлади. Куннинг ярми кўришмай қолганини ва бояги номаълум кишиларнинг ғалати ҳаракатларини давом эттиришларини кўрган кишилар, Власов деган городовойга мурожаат қилишиб:

Городовой, нега бундай тартибсизликларга йўл қўясан? – дейишган эди, у:

Офтоб менинг лахамга карамайди, - деб жавоб берди.

Шаҳар маъмурларининг мана шундай беғамликлари орқасида кўн ўтмай офтоб бутушлай йўқолди. Бирдан тун кирди,

кундузнинг каёкка йўқолгани ҳеч кимга маълум бўлмай қолди. Осмонда юлдузлар кўрипти. Туннинг бевақт бошланишидан шаҳримизда кўйидаги ҳодисалар юз берди. Ҳаммамиз жуда кўриқиб, довдираб қолдик. Нима қилишимизни билмай, ҳаммамиз майдоннинг у бошидан бу бошига югуришиб, бир-биримизни туртиб, «Городовой! Ҳой городской!» деб қичқира-вердик. Отлар, сизирлар ва ҳўкизлар (шу кунларда шаҳарда қорамол ярмаркаси очилган эди) думларини ҳола қилиб, маърағаларича шаҳарда югуриб, аҳолини кўрқитар эди. Итлар увиллади. Мусофирхонанинг номерларидаги барча қандачалар эҳди тун кирди, жон кирди деб севиниб, уя-уяларидан чиқиб, ухлаб ёташларни зўр бериб чақди. Шу пайтда ўз полизидан бодриш ортиб келаётган дьякон Фантасмагорскийнинг юраги чиқиб кетганидан, аравадан ўзини ташлаб, кўприк тагига беркиниб олди. Оти эса аравани бировнинг кўрасига судраб кирган эди, аравадаги ҳамма бодришларни чўчкалар еб қўйди. Лыстеев деган бир амалдор шу кеча уйда эмас, кўшни ховлидаги бир хотиншиқида ётган эди (ҳақиқат озор топмаслиги учун бу тафсилотни беркитиб кетолмаймиз), кўчага кўйлақчан югуриб чиқиб, ҳалойиқ орасига кириб, даҳшатли товуш билан:

– Қочганинг қочиб қол! – деб қичқирди.

Шовкин-сурондан уйғонган кўп хонимлар ҳатто бошмоқларини киймай кўчага оёқяланг қочиб чиқишди. Яна кўп воқеалар рўй бердики, уларни фақат яшринча айтиш мумкин. Фақат ўт ўчирувчилар кўркмасдан бемалол ётишди, чунки улар қотиб ухлар эдилар, биз бунга гувоҳмиз. Бу воқеаларнинг ҳаммаси 7 август куни эрта билан бўлиб ўтди.

Номаълум кишилар эса, қиладиганини қилиб, қогоз-дафтарларини йиғиштириб, яна кун чиқиши билан, извошга ўтириб, номаълум томонга жўнаб кетишди. Уларнинг қимлигини биз ҳам билмаймиз. Уларнинг аломатларини билдирамиз: ана унис, яъни кўкрагига гавҳартош таққани – ўрта бўйли, тоза юзли, пешонаси тиришган, ажнабийси – ўрта бўйли, гавдаси тўладан келган, соқол-мўйлови қирилган, юзи топ-тоза, энгахи ўртача; узоқдан қаралса, помещчик Карасевичга ўхшайди; кўзлари ожиз бўлса керак, кўзойнақ тақиб юради.

Австриядан келган жосуслар эмасмики?

## ОҚСОҚОЛ

(Кўриниш)

**Н.** деган бир уезд шаҳаридаги ифлос ковокхоналардан бирида оқсоқол Шельма ёғлиқ бўтқа еб ўтиради. У бўтқадан уч қошиқ егандан кейин бир рюмка арақ ичди-да, «бўлди. энди бошқа ичмайман» деб кўйди.

Шундай, азизим, дехқонларнинг можароларини бирёқлик қилиш ниҳоятда мушкул иш, дейди у ковокхона эгасига муурожаат қилиб. У туғмалари ҳадеб счилиб кетаверганидан қадаб кўйиш учун стол тагига энгашади. Шунақа, дўстим! Дехқонларнинг иши бутун бир сиёсат, бунга Бисмарк ҳам ожизлик қилган. Бунақа ишларни олиб бориш учун ўта ақлли ва эңчил бўлмоқ керак. Мана, нега мени мужиклар ҳурмат қилишади? Не сабабдан улар менга паппалек ёпишаверадилар? Нега? Нега мен ёғли бўтқа еб ўтирибман-ку, бошқа адвокатларнинг еган бўтқаси ёғсиз бўлади? Бунинг сабаби нимада? Сабаби шундаки, менинг миямда галапт, идрок бор.

Шельма пишқириб яна бир рюмка ичди-да, кирланиб кетган бўйинини чўзиб, кеккайиб ўтирди. Бу одамнинг бўйинигина эмас, балки кўлларини, кўйлагини, шимини, кўлидаги рўмолчасини, кулоқларини кир босиб саҳтиён бўлиб кетганди.

– Мен донишманд эмасман. Ёлғоннинг нима кераги бор? Адвокатлар курсида ўқимаганман, билимдонлар сингари олижаноб либослар киймайман, аммо мақтанчоғлик бўлса ҳам, дейманки, миллион сўм берсанг ҳам мендек адвокатни бир умр тополмайсан. Албатта, Скопинининг ишини бирёқлик қилиш кўлимдан келмайди, Сарра Беккер ишини ҳам эплотмайман, аммо дехқонларнинг ишига келганда ҳеч қанақа ўтқир химоячи, прокурор... ҳеч ким менга бае келолмайди. Рост айтаман! Дехқонларнинг ишини мендан бўлак ҳеч ким бирёқлик қилолмайди. Хох Ломоносов бўл, хох Бетховен бўл, мендаги талапт сенда бўлмаса бу ишга уриша кўрма ҳам! Мана, Репловодаги оқсоқолнинг ишини мисол қилиб ол. Реплово оқсоқолининг можаросини эшитгандирсан?

· Йўқ, эшитганим йўқ.

· Жуда яхши можаро, сиёсий иш! Плеваковнинг ҳам тиши синар эди, фақат менинг кучим етди бу ишга. Мана шунақа.



Мен сенга айтсам, биродари азиз, Москвадан сал нарида кўнғирок заводи бор. Ўша заводда, мен сенга айтсам, бизнинг репшоволик Евдоким Петров деган бир мужик катта мастер бўлиб ишлайди. Йигирма йилдан буён ўша заводда ишлайди. Паспортига карасанг мужикнинг ўзгиласи, ялангоёқ, аммо афтига карасанг сира мужикка ўхшамайди. Йигирма йил ичида сийқаланибди, одамга ўхшаб қолган-да. Хоҳ инон, хоҳ инонма, эғнида тринка костюм, кўлларида узук, кўкрагида тилла занжир, хуллас, олижанобдай! Ҳеч мужикка ўхшамайди. Ойлиги бир ярим миңг бўлса, уй-жой берган бўлса, егани олдида, емагани кетида бўлса, завод эгаси билан иноқ бўлса, шундай даражага ҳам етмасинми. Ўзингдан-ўзинг олижаноб бўлиб кетасан киши... Афт-башараси ҳам, мен сенга айтсам, мана бундок (у яна бир рюмка кўтарайди)... Қулардан бир кун ўша Евдоким Петров, мен сенга айтсам, ўз ватанига, бизнинг Реплово қишлоғимизга келмоқчи бўлпти. Ўша заводда туравериб, ўз кишлогини соғиниб қолпти. Кўнғирок заводида-ку катта мастернинг турмуши яхши-я, зерикиб нима қиласан, тинч туравермайсапми? Аммо, мен сенга айтсам, Америкага борсанг ҳам юз сўмнинг кўни бўлса, барибир, қовоққонани соғинасан, кўнлиниг кетади. Ҳар ҳолда соғинганидан, бир келгуси келибди. Хў-ўш! Хўжайинидан бир ҳафтага жавоб опти-да, Репловога жўнапти. Энг олдин туғилиб ўсган уйига кўнибди. «Мен ёшлигимда шу ерда турган эдим, хов анови ерда отамнинг подасини бокардим, мана бу ер - ётадиган жойим эди» депти. Хуллас ёшлиги эсига тушиб шунга ўхшаш гапларни қилибди. Тағин мақтаниб ҳам кўйибди: «Мана, кўрдиларингми биродарлар! Мен ҳам сизларга ўхшаш ялангоёқ эдим, меҳнат қилиб, тер тўкиб мартабага етдим, бадавлат бўлдим. Сизлар ҳам меҳнат қилсаларинг...» деб вайсапти. Ялангоёқлар олдицига унинг пасиҳатларини эшитиб, ҳурмат қилиб юришибди, кейин ўйлаб қолшибди. «Гапирган гапларнинг жойида, рост, ҳаммамизга ҳам ёқадн, аммо сендан бизга қандай фойда тегадн? Келганингга бир ҳафта бўлпти-ю, ҳануз бир қултим арақ ичирмадинг» дейишибди, уйига юзбошини юбориб.

- Евдоким, юз сўм пул бер!

- Ҳа, нега энди?

- Юрта. арак учун... юрт сенинг соъзиниң учун ичмоқчи...

Евдокимнинг ўзи бамаъни, одобли, художўй одам, арак ҳам ичмайди, тамаки ҳам чекмайди, бошқаларга ҳам ичирмайди.

-- Арак учун сарик чака ҳам бермайман.

-- Нега энди бермас экансан? Нима ҳақинг бор бермасликка? Сен бизнинг одамимиз эмасми?

- Сизнинг одам бўлсам нима китти? Сизлардан қарзим йўк... Орамиз очик. Шундай бўлгандан кейин, нега пул берай?

- Ана гап-у, мана гап! Евдоким ўз айтганида туриб олди, юрт эса ўз айтганида. Кейин юртнинг ғазаби қўзғаб кетди. Аҳмоқларни биласан-ку ўзини! Минг гапир -- барибир тушунмайди. Юртнинг ичгиси келгандан кейин ўн икки хил тилда гапир, замбаракка солиб от, барибир тушунмайди. Ичимиз келди деб туриб олишади. Тўғри-да! Ўзи ҳамкишлоқ бўлса-ю, химмати бўлмаса! Бу нима деган гап? Шундан кейин Евдокимдан ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам юз сўм олиш учун ҳар хил иғво тўқишга киришди. Шунча тиришсалар ҳам тўқий олмади ҳеч ким. Эшиги ёнига келиб, «Сеними, шошмайтур!» деб кўркитишади. Евдоким бўлса уйда бемалол ўтираверади. «Худонинг олдида ҳам, бацданинг олдида ҳам, конун олдида ҳам софман, нимадан кўрқай? Эркин кушман, қаскка учсам – учавераман!» депти. Хўш. Мужиклар пулдан умидларини узадилар, аммо уларнинг хурматини қилмаган ўша эркин кушнинг қанотларини юлиб олиш чорасини излай бошладилар. Қалаларида зигирча ақл йўқлигидан, менга одам юборишди. Дарҳол мен Рендогово бордим. «Ишлар хуржин Денис Семёнич, пул бермаётир. Ўзинг бунинг чорасини кўр!» деб арз қилишди менга. Қандай чора толиб бўларди дейсан? Чора толишининг сира иложи йўк, ҳамма гап равшан: барча конун Евдоким томонида. Манаман деган прокуроринг ҳам минг йил бош котирени, - чорасини тополмайди... Бунга шайтоннинг ҳам ақли етмайди-да.

Шельма яна бир рюмкани кўтариб, кўзини кисиб қўйди.

-- Чорасини мен топдим, менинг ақлим етди! – деди кулиб у. - Мен топдим! Қандай қилганимни ўйлаб топ-чи, қани! Минг ўйласанг ҳам тополмайсан! Мен мужикларга, «Халойик, уни ўз қишлоқларингга оқсоқол қилиб сайлашлар» делим.

Улар дарҳол тагининг тагига етиб, уни ўзларига оқсокол қилиб сайлашди. Бу ёғини эшит. Евдокимга оқсоколлик муҳрини келтириб беришди. У бўлса кулиб-қотиб ётибди. «Ҳазилини кўйинглар, мен сизларга оқсокол бўлишни истамайман!» деб жавоб берди.

- Сени истамасанг, биз истаймиз!

- Истамайман дедим, истамайман! Эртагаёк кишлюкни ташлаб кетаман!

- Кетолмайсан! Ҳаққинг йўқ кетишга. Қонун бўйича оқсокол оқсоколликни ташлаб кетолмайди.

Бунга Евдоким:

- Бу лавозимни устимдан соқит қиламан, – деб жавоб қилди.

– Ҳаққинг йўқ. Оқсокол камда уч йил оқсоқоллик қилиши керак, ўшанда ҳам суд ҳукми чиқарса соқит қилинади. Биз сени оқсокол қилиб сайладикми, бўлди, на ўзинг, на биз ўридан туширолмай-миз!

Евдоким дод солди, фарёд кўтарди, дарров волостной оқсоколга югурди. Волостной ва унинг мирзаси ҳамма қошуқларни олиб унга кўрсатишди.

Фалон-фалон моддаларга биноан уч йилгача оқсоқоллик қилишинг керак. Уч йил хизматни бажар, кейин кетавер.

– Қапака уч йил? Бу ерда бир ой туришимнинг ҳам иложи йўқ! Хўжайиннинг менсиз уйи куяди-ку! Неча минглаб зарар кўради! Заволдан танқари уй-жойим, бола-чақаларим ҳам ўша ерда!

– Ҳеч иложи бўлмади. Орадан бир ой ўтиб кетди. Евдоким юртга юз сўм эмас, уч юз ҳам беришга рози бўлди. Улар-ку пулни жон деб олардилар, фақат вақти ўтган эди. Евдоким, жаноби хазрат ҳузурига бориб унга арз қилди.

– Сизга арзим бор, жаноби олийлари. Оилавий сабаблар важдан хизмат қилолмайман. Мени бўшаттиринг, худо хайригизни берсин!

– Ҳаққим йўқ. Сени бўшатишга қонуний асос йўқ. Аввало, ўзинг соғина-соғ одамсан, иккинчидан сени қоралайдиган материал йўқ. Хизмат қилишга мажбурсан.

Сенга шуни ҳам айтиб кўяйки, у ерда ким бўлмасин ҳам-мани сансираб тагиришади. Волостной оқсоқоллар, кишлюк

оқсоқоллари попишоликнинг мартабали одамлари ҳисобланади, маҳкама чиновникларидан ҳам баланд туради, шундай бўлса-да, уларни карол сингари сансирашади. Тринко костюм кийган Евдокимнинг бундай сансирашни эшитишга гоҳати бор дейсанми? Жаноби ҳазратга ялинди, ёлборди.

– Ҳаққим йўқ, – деди у. – Инонмасанг уезд маҳкамасидан бориб сўра. Ҳамма ҳам сенга шундай дейди. Фақат мен эмас, губернатор ҳам сени бўшатоқмайди. Халқнинг ҳукми, агар қоида асосида чиқарилган бўлса, уни ҳеч ким бекор қилолмайди.

– Евдоким тўрага арз қилиб борди. Тўрадан исправникка югурди. Бутун уездни кезиб чикди, ҳамма ерда – ҳаққимиз йўқ, хизмат қил, деган жавобни қилдилар. Аҳволи танг. Заводдан бўлса кетма-кет хат келиб турибди. Евдокимнинг қавм-қариндошлари мени чақиртиришга маслаҳат беришибди. Хоҳ инон, хоҳ инонма, одам юбормасдан, ўзи от кўйиб келди. Кела солиб, гап-сўз йўқ, қўлимга юзталиқни тутқизди, «Умидим сиздан» деб ялинди.

– Хўп, майли, юз сўлкавойга сизни бўшаттиришим мумкин, – дедим.

Юз сўлкавойни олиб, унинг ишини дарров тўғриладим.

– Қандай қилиб? – деб сўради қовоқхона эгаси.

Тошқин-чи! Оппо-осон. Бутун гап – қонуннинг ўзида.

Шельма, унинг ёнига келиб, қахқахлаб қула-қула, қулоғига шивирлади:

– Бирон нарсани ўғирлаб, қўлга тушиб, ишининг судга оши-рилишини маслаҳат бердим. Қалай? Жойидами? Мен сенга айтсам, олдинига у шошиб қолди. Қандай қилиб ўғирлай, дейди. Мана шундай ўғирлайверасан-да, – дедим. Мана менинг ичи бўш ҳамёним, шуни ўғирла, бир ярим ой авахтада ётиб чиқасан, вассалом. Олдинига у номим бўлғанади деб, кўнмади. Покиза номнинг сенга нима кераги бор, дедим. Нима, сенинг битилган номаи аъмолинг бормиди? Бир ярим ой авахтада ётиб чиқасан, вассалом, иш битади кетади. Сени қораловчи материал ҳам тайёр, оқсоқоллик медалини ҳам сендан тортиб олишди! Ўйлаб туриб-туриб, рози бўлди-да, менинг қуруқ ҳамёнимни ўғирлаб кетди. Бир ярим ой авахтада

Ўтиб чиқди, менг халигача дуо қилади. Мана, ақлни кўрдингми энди, оғайши! Бутун дунёни ахтариб чиқсанг ҳам, деҳқонлар можаросидай сиёсатни тополмайсан, бундака ишларни меидан бўлак ҳеч ким ечолмайди. Ҳеч ким бскор қилолмайди, фақат менинг қўлимдан келади. Шунақа.

Шельма яна бир бугилка арак чакирди-да, бошқа бир ҳикоя, Реплово мужикларининг бировнинг ўрилмаган бугдойини еотиб, ичиб юборганлари хақида ҳикоя бошлади.

## ПОЧТА МУДИРИ БИЛАН СУҲБАТИМ

**П**очтмейстердан бир сўм солинган пакетни олатуриб:

- Айтинг-чи, Семён Алексеич, нима учун пул пакетларга бир-данига бешта муҳр босилади? – деб сўрадим.

- Бусиз мумкин эмас... - деб жавоб берди Семён Алексеич, қошлариши чимириб.

- Ҳа нега энди?

- Шунинг учун... Мумкин эмас!

- Тушунинчимча, бу муҳрлар аҳолига ҳам, пошшоликка ҳам малол келса керак. Муҳр пакетларни вазминлаштиради, аҳолининг ҳамёнига зиён, оғирлик келтиради; амалдорлар муҳр босаман деб кўп вақтларини сарф қилишиб, подшоликка зарар келтиради. Бунда фақат сургуч ишлаб чиқарадиган фабрика эгалари фойда кўради.

- Фабрика эгалари ҳам кун кўрини керакми, ахир... – деди чуқур маъноли қилиб Семён Алексеич.

- Бу гапингиз тўғри-ку, аммо фабрика эгалари ватанга бошқа сохаларда фойда келтиришлари мумкин эмасми?.. Йўқ, менга тўғрисиши айтинг, Семён Алексеич, бешта муҳр босишнинг маъноси нима? Бекорга босилмаса керак, ахир? Бирон рамзий моҳияти, бирон каромати бордир, ё бўлмаса яна бирон бошқа маъноси бордир? Давлат сири бўлмаса, менга шуни тушунтиринг, азизим!

Семён Алексеич бироз ўйлаб ўтирди, кейин оғир ух тортди-да:

- Ҳимм... - деди. – Керак бўлгани учун босилгандир-да!

- Ҳа нимага босишади. ахир? Илгарилари конвертлар елимсиз бўлмаган вақтларда, шунча муҳр босиш зарур бўлгандир, чунки конвертларни ёвуз кишилар очиши мумкин эди, эндиликда-чи...

Ҳа балли! деди почта мудири, суюниб. Ҳозир ҳам ёвуз одамлар йўқ дейсизми?

Эндиликда, деб давом этдим, - эндиликда конвертларни ёпиштириш учун уларга елим суртилади, бу елим – сургучдан ҳам яхши. Унинг устига пакетларни коғоз билан шунча қалин ўрайсизларки, унинг ичига ўғри у ёқда турсин, ҳатто микроб ҳам кира олмайди. Кимдан ҳам беркитасизлар конвертларни, хайронман! Бегона одамлар-ку ўғирламайди-я, агарда ўзингизга қарашли кичик амалдорлардан бири ёвузлик килмокчи бўлса муҳрга ҳам қарамайди. Ўзингизга ҳам маълум, муҳрни кўчириб олиш ва яна ўрнига ёпиш-тириб қўйиш бириаслик иш!

- Бу тўғри... – деб ух тортди Семён Алексич. Ўз ичиндаги ўғридан қочиб қутулолмайсан...

- Ҳа, баракалла! Ундок бўлса, муҳрнинг нима кераклиги бор?

- Ҳамма икир-чикирларини суриштирадиган бўлсанг, буниси нимага-ю, униси нимага дейман десанг, мияни айниб кетади, яхшиси қондада кўрсатилганини қилавериш керак... Тўғриси шу!

- Тўғри айтасиз... дедим, – лекин яна бир саволим бор сизга... Сиз почта ишларида мутахассиссиз. Киши туғилган вақтда ёки уйланганида нега бунчалик борди-келди бўлмайди-ю, аммо пул юбориш ёки пул олиш вақтида киши шунча сарсон бўлади? Менга шуни тушуштириб беринг! Масалан, мана шу бир сўмни юборган мушгинар онамни мисол қилиб олайлик. Бу иш ушга осон бўлганмикин? Йўқ, кечирасиз. Бир сўм пул юборишдан кўра, яна бешта бола туғиш осонроқ... Ўзингиз ўйлаб кўринг... Энг олдин у, уч чакирим йўл юриб почтахонага келиши керак... Почтахонада узоқ вақт тикка туриб навбат кутиши керак. Маданият почтахоналарга скамейка ёки курси қўйиш даражасига ҳали етгани йўқ! Типпа-тик турган кампирга ҳар ёқдан: «Шошилманг! Тиқилишч килмасангизчи! Бу ёққа суюнманг!» деган тапбех ёғилади.

- Бусиз мумкин эмас-да!

- Мумкин эмас, энди бусғини эшитинг: навбат келиб етди, кабулчи пакетни олди, ковоғини солиб, «Пакетнинг устига «пуллик» деб ёзмабсиз» дейди-да, кампирнинг олдига ташлайди... Муштипар онам, «пуллик» деган сўзни ёздирип учун почтахонадан биронга дўконга боради, у ердан яна почтага келиб, яна навбат кутади... Хў-ўш, ниҳоят, пакет яна кабулчининг кўлига тегади. Кабулчи, пакет ичиндаги пулни санайди-да, кейин: «Сурғучишиз қани?» дейди. Онам бечоранинг эсига сурғуч келармиди? Уйда сурғуч ишлатилмайди, бир дона сурғуч баққолда ярим таппа туради. Кабулчишнинг жаҳли чиқади, аммо пошшолик сурғучни эритиб, сурта бошлайди. Босган сурғучи шу қадар кичкинаки, уни дурбиндан караб ҳам ўқий олмайсан. «Мухрингизни беринг!» дейди яна почтачи. Кампирда мухр нима қилсин? Ангишвона билан темир кўзойнақдан бошқа унинг ҳеч қандай бисоти йўк...

- Мухрсиз ҳам бўлаберилади...

- Буёғини эшитинг... Кейин тарози ҳақи, сурғуч ҳақи, суғурта ҳақи тўлаш керак, имзо чеккашига ҳам ҳақ тўлаш керак, яна бир балоларга тўлаш керак... бир сўм юбормокчи бўлсанг, ёнингга икки сўм солиб келишинг керак... Хўш, кейин бир сўм пулни 20 та дафтардан ўтказишади, шундан кейингина пулни юборадилар... Энди у пулни сиз бу ердан, ўз почтахонангиздан олишингиз керак... Энг олдин уни сиз 20 та дафтардан ўтказасиз, беш ерига рақам қўйиб чиқасиз, худди ўғриши қамагандек, сандиққа солиб устидан ўнга кулф соласиз. Кейин почтачи менга бир сўм пул келгани тўғрисида сиздан қоғоз келтиради, бу қоғозни фалон кунда олдим, деб қўл қўйишим керак. Почтачи чиқиб кетгач, мен уйнинг у бошидан бу бошига юриб, онамдан ўпкаланаман: «Эҳ, она, мен сизни қачон хафа қилувдим? Нима гуноҳим бор эдики, менга шу бир сўмни юбордингиз? Энди сарсонликдан бошим қутулмайди!».

- Ота-онадан болиш гуноҳ бўлади! – деб ўх тортиди Семён Алексееч.

- Ҳа баракалла, отангизга раҳмат! Гуноҳ бўлсаям болимасдан иложи йўк-да! Ишинг бошингдан ошиб ётган бир чоғда полицияга югуришинг, ўз шахсингни, имзонгни тасдиқлатиб

келишинг керак... Яна шунга шукурки, тасдиқлатиш 10-15 тийин туради, агар беш сўмдан олганда-чи? Тасдиқлатишининг ҳам нима кераги бор? Сиз-ку, Семён Алексеич, мени отнинг кашкасидай танийсиз. Ҳаммомга ҳам бирга тушиб юрганмиз, бири алашиб чой ҳам ичиш анмиз, узун-узун суҳбат ҳам қуриб юрганмиз... Шахсимни тасдиқлатишининг нима кераги бор?

Бусиз мумкин эмас, коидаси шундай!.. Қоида шундай нарсаки, яхшиси, у билан ҳазиллашманг... Қоидабозлик, васалом!

– Ахир, мени яхши биласиз-ку!

– Билсам ҳам-да. Мен сизни биламан, аммо борди-ю бирдан сиз бўлмасдан, бошка одам чикиб қолсангиз нима бўлади? Балки номаълум кишидирсиз!

– Ўзингиз ўйлаб кўринг: бир сўм пулни ўғирлаш учун бошка кишининг имзосини қўйишдан менга қандай фойда? Бу қаллоблик бўлади! Тўппа-тўғри сизнинг олдингизга келиб, сандиқдаги ҳамма пакетларни чангаллаб олсам қайташга гуноҳим озроқ бўлмайдами? Мен сизга айтсам, Семён Алексеич, хорижда бу ишлар бошқача йўлга қўйилган. У ерларда почтачи уйингизга келади-да: «Сиз фалончимисиз? Мана, пулингизни олинг!» дейди.

– Йўк, ундоқ бўлмаса керак... – деди почта мудирини бошини чайқаб.

– Худди шундай-да! У ерларда ҳамма иш кишиларнинг бир-бирига ишончи асосига қурилган... Мен сизга, сиз менга ишонасиз. Қайси куни уйимга маҳалла миришаби мендан суд харажатларини ундиргачи келти... Мен ундан шахсини тасдиқловчи ҳеч қанака ҳужжат сўрамадим, пулни санаб беравердим... Биз фуқаролар сизлардан ҳеч қапақа ҳужжат талаб қилмаймиз-ку, сизлар...

Семён Алексеич ғамгин суратда илжайди-да, гапимни оғзимдан олди:

Ҳамма икир-чикирини суруштириб, буниси нимага-ю, униси нимага дегандан кўра, яхшиси...

Почта мудирини гапини тугатмади, қўлини сийтади-да, бироз ўйлаб, кейин:

– Булар бизнинг ақлимиз билан битадиган ишлар эмас! деди.



## ЖОНГИНАМ

**И**стёфоба чиккан коллегия ассессори Племянниковнинг кизи Оленька ховли эшиги олдидаги супачада хаёл суриб ўтиради. Кун иссиқ, пашшалар хиралиқ билан жонга тегар, кеч киришига якин қолганлиги кўнглига хуш келар эди. Купчиқар тарафдан ёмғирдан дарак бергувчи коп-кора булут бостириб келмоқда, хар замон ёмғир томчилаб кўяр эди.

Шу ховлидан бир уйни ижарага олган, «Тиволи» номли рохат боғчасининг эгаси ва антрепренёри Кукин ховлининг ўртасида туриб, осмондан кўзини узмасди.

– Ана холос! – деди у жигибийрони чиқиб. Тагин ёмғир ёғадиган бўлди-ку! Кунда ёмғир! Кунда ёмғир, менда касди борми! Уйим куйди-ку! Хошавайрон бўлдим! Зарар кўрмаган кун қолмади-ку!

У хайроплиқдан қўлларини кафтига уриб кўйиб, Оленькага қараб давом этди:

– Кўрган кунимиз – шу, Ольга Семёновна, йиғлагинг келади. Узукун ишлайсан, ўлиб тириласан, кечалари ухламай чиқасан, қаңдоғ қилсам яхшироқ бўларкин, деб бош қотирасан, оқибати нима? Бир томондан халқ подон, ёввойи халқ. Мен унга энг яхши опереткаларни, феерияларни кўйиб берсам, бориб турган лапарчиларни сахнага чиқарсам-у, унга ёқмас! Халқ бунга тушунмайди-ла! Халққа масхарабозлик ёқади, у энг паст, кишининг кўнглига урган томошаларни талаб қилади! Энди бу осмонни қаранг! Худонинг берган куни ёмғир ёғади! Ўнинчи майдан бери ёғди, бутун май тинмай ёғди, июнь ёғди, жонга тегди-ку, ахир! Одамлар боққа кирмай кўйинди, кириш йўқ, ижара ҳақини қандай тўлайман? Артистлар ёллаганман, уларга қандай ҳақ тўлайман?

Ўртаси куни кечқурун осмонни яна булут босди. Бутун умидини йўқотган Кукин ақдан озган одамдай қаҳ-қаҳ отиб сўзларди.

– Ҳа, майли! Ёғса ёғаверсин! Менга қолса бутун боғчани сув босиб кетсин, мени ҳам кўпиб олиб кетсин! Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бахтсиз ўга қолай! Артистлар мени судга бериб, кесдириб юборишсин! Суд ҳам гапми, Сибирга сургуш қилишсин! Дорга осиб ўлдиринсин мени! Ҳа-ҳа-ҳа!..

Учишчи куни ҳам худди шундай бўлди.

Кукишининг гапларини Оленька жим туриб, жиддий тинглар, гоҳо унинг кўзларига ёш келарди. Бора-бора Кукишининг бахтеизлиги Оленьканиннг юрагини эзди, киз уни яхши кўриб қолди. Кукин пакана, орик, заъфарон юзи, сочларини хўл тараб юрадиган одам эди; овози ингичка бўлиб, гапирганда лабларини буриб гапирарди, унинг афтида хамавақт умидсизлик, порозилик аке этарди. Шуларга карамай, у Оленькада хакикий, чукур севги уйғотди. Оленьканиннг ўзи бирон кишини севмасдан юролмасди. Энг олдин ўз отасини яхши кўрар эди, отаси энди отир касал бўлиб, қоронги қилиб кўйилган уйда нафаси бўғилиб ётарди; кейин йилда бир-икки марта Брянскдан келиб кетиб юрадиган холасини яхши кўриб қолди. Ундан олдин эса, прогимназияда ўқиб юрган вақтларида, француз тили ўқитувчисини севиб қолган эди. Оленька мулойимгина, хушфёъл, кўнгли очик, тўладан келган, дўндиққина, ювош киз эди. Унинг анордай кин-қизил юзига, қон-қора хол тушган ошшоқ юмшоқ бўйинига, биронга ёқимли сўз эшитганида чехрасида пайдо бўладиган жилмайишга кўзи тушган эркаклар бир жилмайиб: «Чакки эмас...» деб кўярдилар. Мехмонга келган хотинлар эса гашининг ўртасида бирдан унинг кўлидан ушлаб:

– Жонгинам! – демасдан кўйишмасди.

У тўғилиб ўсган ва мерос қогозида унинг номига ёзилган уй шаҳарнинг четида, Циганская Слобода деган жойда, «Тиволи» боғчасининг ёнида эди. Хар куни кечкурун ярим кечагача боғдан мусиқа овозлари ва мушакларнинг пақиллаб отилиши эшитиларди, мушакларнинг пақиллашини эшитиб у «Кукин ўз тақдири билан олишмоқда, энг ёвуз душмани бўлмиш ҳамма нарсага беларво қаровчи томопабинларнинг кўнглини олимоқда» деб ўйларди, юраги орзиқиб кетар, уйкуси келмас, тонготар пайтида Кукин уйга қайтиб келганда ўзининг ётоқ бўлмасида туриб деразани қоқар, парда орқасидан юзи ва бир елкасини кўрсатиб, меҳрибонлик билан жилмайиб қарар эди...

Кукин таклиф қилди, улар никоҳ ўқитишиб, эр-хотин бўлишди. Кукин, Оленьканиннг бўйинини ва юмшоққина тўла елкаларини кўриб, ўзида йўқ севинди ва:

Жонгинам! – деди.

Кукин ўзини бахтиёр сезарди, аммо тўйда куну тун ёққан ёмғир уни ашча хафа қилган эди.

Тўйдан кейин улар учун яхши кунлар бошлади. Оленька кассада ўтириб чишта сотар, боғча тартибларига караб юрар, ҳисоб-китоб ҳам шунинг қўлида эди; артистларга ойликни ҳам шу тўлар, унинг қип-қизил анордек чехрасини ва ёқимли, майин жилмайишини гоҳ касса дарчасида, гоҳ сахна орқасида, гоҳ буфетда кўриш мумкин эди. Оленька ўзининг ҳамма танишларига - дунёда энг яхши ва энг керакли нарса театр, фақат театрда кипи роҳатлашади, билимдон бўлолади, — дерди.

Аммо бунга халқ тушунмайди! — дерди у. Халққа масха-рaboзлик кўрсатсангиз ёқади! Кеча кечкурун биз «Фаустнинг тескариси» деган спектаклни кўювдик, деярлик ҳамма ложалар бўш қолди. Ваничка иккимиз биронта бемаза нарсаи қўйиб кўрсатсак, одам лик тўлиб кетади. Ортага Ваничка иккимиз «Дўзахга тушган Орфей»ни кўямиз, келинлар.

Театр хақида, актёрлар хақида Кукин нима деса Оленька ҳам шуни қайтарарди. Кукин каби у ҳам халқни бефарқ ва но-дошли и учун ёмон кўради, респетицияларга аралашади, актёр-ларнинг ҳаракатларини, сўзларини тузатади, мусиқачиларни тергайди, маҳаллий газеталда театрни ёмонлаб бирошта мақола босилиб қолса йиғилайди, кейин редакцияга бориб изох беради.

Артистлар уни яхши кўришарди, унга «Ваничка иккимиз» ва «Жонгинам» деб от қўйишган эди. Оленька уларга раҳм қилиб, оз-моз пул қарз бериб турар, агар уларнинг баъзилари пулни қайтармай, алдаб кетипса ҳеч кимга билдирмай йиғлар, аммо эрига айтмасди.

Қишда ҳам уларнинг турмуши яхши эди. Улар шаҳар те-атри бипосини бутун қишга ижарага олиб, гоҳ малороселар труппасига, гоҳ фокусчига, гоҳ шу ернинг театр хаваскорла-рига киска муддатга ижарага беришар эди. Оленька кун сайин семирарди, вақти хушлигидан қушдан-қушга очиларди, қиш бўйи уни ўнгидан келиб, даромад ёмон бўлмаса-да, Кукин «зарар кўнаиниб кетди» деб полигаши-нолинган эди, юзи тобора саргаяр ва ўзи озар эди. Кечалари йўталиб чиқарди, Оленька унга малина гули ва липа дарахтининг гулини қайнатиб ичи-рар, кўкрагига атир суртар, ўзининг юмшок жуи рўмолига ўраб қўярди. Унинг сочларини сслаб:

– Танимдаги жонимсан, – дерди у юракдан.

Труша тўшап учун Кукин, рўза кезида, Москвага кетди. Оленька усиз бутун ҳузур-халоватини йўкотди, кечалари мижжа қокмай, дераза олдида юлдузларга қараб чиқарди. Шундай пайтларда ўзини катакда хўрозсиз қолиб, уйқусиз безовталанувчи товукдек хис этарди. Кукин Москвада узок туриб қолди, юборган хатида хайитга егиб келишини ёзиб, «Тиволи» роҳат боғчасини ижарага олиш тўғрисида ҳаракат бошлашни буюрган эди. Бироқ чинарафа куни кечкурун биров бочкани гумбурлатиб урандек дарвозани хунук қоқа бошлади. Уйқудан зўрға кўзини очган кухарка ялашгоёқ сув кечиби, дарвозани очгани югурди.

– Деразани очинг тезроқ! – деди йўгон овозли киши дарвоза орқасида туриб.

– Сизга телеграмма бор!

Оленька илгарилар ҳам эридан телеграмма олиб турарди, бироқ бу сафар ўтирган ерида котиб қолди. У титроқ кўлиари билан телеграммани очиб ўкиди:

«Иван Петрович бугун тўсатдан ўлиб қолди, амрингизни кутамиз, хатук шапба куни дафу этилади». Телеграммада шундай «хатук» деган тушуниб бўлмайдиган сўз ва «дафн» сўзига «дафу» деб ёзилган: уни оперетта труппасининг режиссёри юборган эди.

– Сенинг ўрнингга мен ўлсам бўлмасмиди-я! – деб йиғи содди Оленька. – Жоним Ваничка! Нега учрашдим сен билан? Нега сени севдим? Бечора бахтсиз Оленькани кимга ташлаб кетдинг!

Кукилни сешанба куни Москвада Ваганьков кабристонига кўмишиди, чоршанба куни Оленька уйига қайтиб келди, остонадан кириши биланоқ ўзини кроватга ташлади-да, хўнграб йиғлаб юборди. Унинг дод-фарёди ҳатто кўчага ва кўшни ҳовлиларга ҳам эшитиларди.

– Жонгинам! – дерди кўшнилар чўкинишиб, – жонгинам Ольга Семёновна йиғлайвериб адо бўлди-я, бечора!

Орадан уч ой ўтди. Қора кийинган Оленька бир кун черковдап уйига қайтиб келмоқда эди. Иттифоқо унинг кўшниларидап бири Бабакаев деган савдогарга қарашли ёғоч-тахта омборининг гумаштаси Василий Андрееч Пустовалов ҳам

черковдан чиқиб, уйига қайтиб келар эди. Бошига похол шляпа, эгнига ок жилетка кийиб, кўкрагига тилла занжир таққан Пустовалов савдогардан кўра кўпроқ помешчикка ўхшаб кетарди. У Оленькага ачишиб улуғворлик билан деди:

– Ҳар қандай ишнинг ўз тартиби бўлади, Ольга Семёновна. Бирон яқин кишимизнинг куни битган экан, демак, уни тангиниш ўзи олган бўлади. Модомики шундай экан, тақдирга тан беришдан бошқа иложимиз йўқ.

Оленькани эшик олдигача узатиб, хайрлашди-да, ўз йўлига караб кетди. Шундан кейин унинг товуши кечгача Оленьканинг қулогидан кетмади, кўзини томса унинг қора соқоли кўзига кўринди. Пустовалов унинг кўнглига жуда ёқиб қолган эди. Оленька ҳам унга ёқиб қолган бўлса керак, шу воқеадан кўп ўтмай, уникига бир кекса хотин кофе ичгани келди. Меҳмонга келган хотин стол ёнига ўтириши биланок Пустоваловдан гап очди, унинг яхши ва савлатли эркаклигини, ҳар қандай кизнинг унга жон деб тегишини айтди. Уч кундан кейин Пустоваловнинг ўзи меҳмон бўлиб келди; у кўп эмас, ўн дақиқача ўтирди, кам гапирди, аммо Оленька уни яхши кўриб қолди, шу қадар яхши кўриб қолдики, ҳатто кечаси билан ўртаниб, ухламай чиқди, эртасига эрта билан кекса хотинга одам юборди, кўп ўтмай улар унаштирилди, кейин тўй бўлди.

Тўйдан кейин Пустовалов билан Оленька яхши турмуш кечиришди. Одатда, Пустовалов тушки овқат маҳаллигача омборда ўтирарди, кейин ўзининг ўрнига Оленькани кўйиб, турли ишлар билан кетарди. Оленька эса оқинишгача омборда мол сотиб, ҳисоб-китоб ишларини қилиб ўтирарди.

– Ёғоч, тахталарнинг нархи йилдан-йилга йиғирма фоиз ошмоқда, – дерди Оленька харидор ва танишларига. Ўзиниғиз ўйлаб кўринг, илгари биз шу ердан чиққан тахтаани сотардик, эндиликда Васичка ҳар йили Могишев губернасида мол келтиради. Нархнинг ошишини айтмайсизми! – дерди у, қафтлари билан икки юзини беркитиб.

Унга, бутун умри ёғоч-тахта сотиш билан ўтгандай, ёғоч-тахтасиз ҳаёт бемаъни ҳаётдай туюларди, хода, хари, сарроф, тахта, ёғоч деган гаплар унинг қулогига нозик ва ёқимли мусикадай эшитиларди... Тоғ-тоғ ёғоч, тахталар, хода-харилар ортиб, бир ёқлардан ташиб кетаётган арава-арава қарвонлар,

бир полк келадиган ўн икки газли, беш қаричли ходаларнинг омборга хужум қилиб, бостириб келишлари, ходаларлар, саррофлар ва тахталарнинг бир-бирларига урилиб, садо чиқаришлари, кейин ерга қулаб, яна туришиб, бир-бирларининг устига чирмашиб чиқишлари кечалари унинг тушига кириб чиқарди. Оленька тушида буларни кўриб, беҳосдан қичқириб юборарди. Пустовалов эса уни:

Оленька, нима бўлди сенга, жоним? Ўзингни босиб ол! – деб овуғтирарди.

Эри нимани ўйласа у ҳам шуни ўйларди. Агар эри уй жуда исиб кетди деса ёки ишнинг мазаси қочди деса, у ҳам худди шуни дейди. Эри ҳеч қанақа ўйин-қушга, кўнгли очишларни ёқтирмас, ҳайит қушлари ҳам уйдан чиқмас эди. Оленька ҳам уйда ўтирарди.

Ўйда ўтиргашларнинг ўтирган, дейишарди таниш-билишлари. Театрдами, от ўйингами бориб, ёзилиб келсангиз-чи, жонганим!

Васичка икковимизнинг театрда боришга вақтимиз борми? – деб жавоб берарди у, улуғворлик билан. – Биз меҳнаткаш одамимиз, бундай беҳуда нарсаларга сарфлайдиган бўлиб вақтимиз йўқ. Театрда бориб нима ҳам орттирардик?

Шанба кунлари кечқурун Пустовалов Оленька билан биргалашиб тошги ибодатга, ҳайит кунлари эса пешин ибодатига боришади, черковдан ҳам бирга қайтишади, икковининг чехраси очик, атрофга хушбўй ҳид сочиб келишади. Оленьканинг шоху кўйлагининг шитирлаши қулоққа ёқади; уйга қайтиб келиб, сўлқилдоқ поён ва ҳар хил мурабболар билан чой ичишади, кейин широг сийшади. Ҳар кун туш пайтида борич ва кўй гўнгида ёки ўрдадан шиширилган қовурма, рўза кунлари эса қовурилган балиқнинг хиди ховлидагилар ёки кўчадан ўтувчиларнинг димоғини қитқилаб, иштаҳасини очиб юборар эди. Конторада доим самовар қайнаб туради, харидорлар чой ва тешик қулчалар билан меҳмон қилинади. Ҳафтада бир марта эр-хотин биргалашиб ҳаммомга бориб, икковлари қип-қизил бўлиб, уйга қайтишади.

Худоба шукур, турмушимиз ёмон эмас, дерди Оленька танишларига. – Васичка иккимизни етқизган кунга ҳаммани етқизсин.

Пустовалов мол келтириш учун Могилев губернасига кетган вақтларида Оленька жуда зерикади, кечалари ухламай, йиғлаб чиқади. Ҳовлидаги уйлардан бирида турувчи, полкда от доктори бўлиб хизмат қиладиган Смирнин деган ёш йигит баъзан кечқурунлари унकिга келиб туради. Смирнин унга у ёқ-бу ёқдан сўзлаб беради ёки иккови карта ўйнайди, бундан Оленька анча овулади. Смирниннинг ўз оиласи ҳақидаги ҳикоялар уни, айниқса қизиктирарди. У уйланган бўлиб, бир ўғли ҳам бор эди, аммо хотини унга хиёнат қилгани учун ажраниб кетганди, шунинг учун хотинини жуда ёмон кўрарди, ўғлига атаб ҳар ойда қирк сўм пул юбориб туради. Оленька бу гапларни эшитиб, ух тортиб, унга ачинди. Смирнин билан хайрлашаётди:

Худо ўз паноҳида сақласин. Келганингиз учун раҳмат, илоҳим ҳаминша соғ-саломат бўлинг... – дерди ва уни шам билан зинагача кузатиб кўярди.

Гапирганда ҳам эрига таклид қилиб, улуғворлик билан гапирарди, от доктори аллақачон уйига кириб кетган бўлса-да, кетидан чакириб:

– Хотинингиз билан ярашиб кўя қолсангиз ҳам бўларди, Владимир Платонич! Ўғлининг туфайли гуноҳини кечин... Бола бояқин ҳамма гапга тушунса керак, – дерди.

Пустовалов сафардан қайтиб келганда Оленька унга от док-торининг барбод этилган турмушини ҳикоя қилиб берар, кейин икковлари биргаланиб ачинишар, бош чайқар, отасини соғинган ўғил ҳақида гапиришар, шундан кейин икковлари бахтиёр ҳолда ўринларидан туриб, бурчакдаги санамга қараб, худодан бола тилаб, сажда қиларди.

Олти йилгача Пустоваловнинг турмуши тинч, севинч ва тотувликда ўтди. Қиш кунларидан бирида омборда иссиқ чой ичиб, терлаб ўтирган Василий Андреевич харидорга мол сотмоқ учун теллаксиз ташқарига чиқди, шунда шамоллаб, бетоб бўлиб қолди. Оленька уни энг ўткир докторларга боқизган бўлса ҳам, тўрт ой ётгандан кейин дард устун келиб вафот этди. Оленька яна бева қолди.

Кимга ташлаб кетдинг, мен севгим! – деб ҳўнграб йиғлади у, эрини кўмгандан кейин. – Мен бечора сенси қандай

турай бу дунёда? Раҳмингиз келсин, яхшилар, мен етимнинг дардига даво топинглар-эй... – дерди.

У мотам тутиб, қора кийди, шляпа ва қўлқопни бутушлай киймай кўйди, кўчага камдан-кам чиқадиган бўлди, чикса ҳам черковга ёки эрининг қабрига бориш учун чиқарди, бўлак вақтларда таркидунё этган одамдай, уйда ўтирарди. Олти ой деганда мотам кийимларини ташлаб, дераза дарчаларини очадиган бўлди. Баъзан эрталаб у-бу келтириш учун кухарка билан бозорга чикқанини одамлар кўришди, бироқ эндиги гурмуши қандай, уй ичида нима гаплар бор, – бу ҳақда одамлар фақат гумон билан гапиринар эди. Масалан, одамлар унинг ўз боғчасида от доктори билан бирга чой ичиб ўтирганидан, докторнинг ушга газета ўкиб беришидан ва яна почтада бир ташин хотин билан учрашиб, унга:

– Шаҳримизда тўтри йўлга кўйилган ветеринария назорати йўқ, касалнинг кўплиги ҳам шундан. Анови сундан, манови отдан, сигирдан юкиб касал бўйти, деган ходисалар кўпайиб кетди. Инсон сихатига қандай гамхўрлик қилинса, жониворларни ҳам шунча боқиш керак, – деб айтган гашидан унинг нима ҳақида ўйлашини гумон қилардилар.

У от докторининг айтганини айтар, у нимани ўйласа шуни ўйлар эди. Оленьканинг севгисиз яшолмаслиги ва янги бахтни ўз ховлисидан топиб олганлиги ҳаммага равшан эди. Бошқа хотин бўлганда уни ҳамма кораларди, аммо Оленька ҳақида ҳеч ким ёмон фикрда эмас, унинг ҳаётидаги воқеалар ҳаммага маълум ва равшан эди. У ҳам, от доктори ҳам ўзаро муносабатларида юз берган ўзгаришлар ҳақида ҳеч кимга бир оғиз сўз айтмасликка тиришар эди, бироқ Оленька ҳеч қапдай сирни юрагида сақлаб юролмасди. Агар докторнинг ҳамкасблари меҳмонга келинса, Оленька уларга чой қуя туриб ёки овқат торта туриб, қорамолга келган вабодан ёки шаҳар қушхонасидан гап бошларди, доктор эса уялганидан қипқизариб кетарди. Меҳмонлар тарқалиниб кетгач, доктор унинг қўлидан ушларди-да, ғазаблангани ҳолда:

Тунунмаган нарсанг ҳақида оғиз очма деб печа марта айтдим сенга! Ҳамкасбларим йиғилишганда ва ўз ишимиз устида сўзлашганимизда сен зипҳор аралашма! Одамни зериктириб юборасан, ахир! – дерди.



Оленька унга таажжубланиб карар ва хавотирланиб:

Волюдичка, бўлмаса нимани гапирай? – деб сўрарди.

Ва кўзига ёш олинб, от доктори бағрига отилар, жаҳли чикмаслигини сўраб ялишарди; иккиси ҳам ўзини бахтиёр хис этарди.

Бирок, бу бахт кўнга бормади. От доктори ўз полки билан бирга жўнаб кетди, унинг полки бошқа ёққа, Сибирь томонга кўчирилган эди. Оленька яна ёлғиз қолди.

Энди у бутунлай ёлғиз қолган эди. Огаси азияқачон ўлиб кетган, унинг креслоси чердакда бир оёқсиз чапг босиб ётарди. Оленька ҳам ориқлаб кетган, хусни ҳам қочган, кўчада кўрганлар ҳам унга илгарингидек боқмас ва жишмайиб қарамас эди. Энг яхши йиллар – ёшлик вақтлари ўтиб, энди унинг учун қандайдир янги турмуш, бундан бу ёғи нима бўлишини билиш қийин бўлган давр бошланган бўлса керакки, яхшиси, бу тўғрида ўйламаслик лозим эди. Кечкурушлари Оленька эшик олдига чиқиб, «Тиволи» рохат боғчасида чалинаётган мусқани, мушакларнинг пақиллаб отилишини эшитиб ўтирар, аммо бу товушлар энди унда ҳеч қандай туйғу уйғотмасди. У ўз ховлисига бепўлтибор тикилиб ўтирар, ҳеч нарсага ўйламас, кўнгли ҳеч нимани истамасди, кечаси уйга кириб ётарди. Уйқусида яна ўзининг бўш ховлиси тушига кирарди. Овқатни ҳам биров зўрлаб едираётгандай ер эди.

Энг ёмони шу эдики, унда оргик ҳеч қандай фикр қолмаган эди. У ўз атрофида хилма-хил буюмларни кўрар, нималар бўлаётганига ақли етар, аммо улар хақида нима деб ўйлангани ва нималарни гапиришни билмасди! Ҳеч қандай фикрга эга бўлмаслик нақадар оғир! Бир шишанинг тикка турганини ёки ёмғир ёғишини ёхуд аравага тушиб кетаётган мужикни кўриб турасан-у, бирок шишанинг нимага кераклигини, ёмғирнинг нимага ёғишини, мужикнинг нега аравага тушиб боришини, уларда қандай маъно борлигини ўлсанг ҳам айта билмасанг! Кукиш ва Пустоголов бор вақтида, от доктори борида Оленька уларнинг маъносига ета оларди, ҳар нарса устида фикр юрига оларди, энди унинг ўйларини ва юрагини худди ховлиши босган зим-зиё корошти ва бўшлиқ қоплаганди. Гўё чуқур сойга гарк бўлиб кетаётгандай уни даҳшат босарди.

Бу орада шаҳар ҳар тарафга қараб кенгайиб кетди. Циганс-

кая Слобода энди кўча тусици олди. «Тиволи» роҳат боғчаси ва ёғоч-тахта омборлари бўлган жойларга янги иморатлар тушиб, анча-мунча боши берк кўчалар ҳосил бўлган эди. Мунча ҳам вақт тез ўтиб боради! Оленьканинг уйи эскирган, тушика томи занглаб кетган, сарой ҳам бир ёкка қараб ёнбошлаган, ховли саҳнини отқулоқ билан сассик алаф босиб кетган эди. Оленьканинг ўзи анча қариган, ҳусидан ҳам қолган эди. Ёз кунлари у эшик олдидаги супачага чиқиб ўтиради. Қалбида илгаригидек бўшлиқ ҳукм суради, ўздан ҳам сассик алафнинг хиди келиб туради, киш кунлари эса дераза ёнига ўтириб, ховлидаги қордан кўзини узмайди. Баҳор келганда ёки шамол черков кўнғирокларининг овозини учуриб келиб қолган чоғларда бирдан ўтмиш кунлар эсига тушиб, юраги «шув» этиб кетади. Кўзларига жикка ёш келади, аммо бу кўп давом этмайди, бириасдан кейин юракни яна бўшлиқ эгаллайди, бу дунёда нима учун яшайётганини яна билмайди. Бриска деган қора мушуги бир оҳангда миёвлаб, унга эркаланади, аммо бу ҳам Оленькага таъсир қилмайди. Унга бу керакмиди? Унга бутун борлигини, бутун юрагини, ақл-фаросатини мафтун эта оладиган, ҳаётига маъно берадиган, кишини ўйга соладиган, унинг совиб бораётган қонини қизига оладиган севги керак! Этагига чиқиб олган мушукни ерга итариб туширади-да, алами билан:

Кет, кет... жонга тегдинг! – дейди.

Шу йўсинда ҳеч бир шодликсиз, ҳеч қандай фикрсиз кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Кухарка Мавра нима деса шу эди.

Саратон кунларининг бирида, подалар ҳаммаёқни чангилиб даладан қайтиб келаётган окшом пайтида, кимдир кўча эшигини қаттиқ қокди. Оленьканинг ўзи бориб дарвозани очди, очили билан турган ерида қотиб қолди: келган киши – сочлари оқарган, штатский кийим кийган от доктори Смирнин эди. Оленьканинг эсига бутун ўтмиш келди, ўзини тутамай, фикр этмай бошини унинг кўксига қўйди-да, йиғлаб юборди. Ҳаяжонланиб кетганидан икковлари ҳам уйга кирганларини, чойга ўтирганларини билмай қолди.

- Вой жоним-эй! - деди у, севинчидан қалтироқ босиб.

-- Владимир Платонич! Қаердан худо ярлақаб қолди?

– Шу шаҳарда яшаб қолмоқчиман, – деди доктор. – Истеъфога чиқдим, энди эркинликда бахт излаб топмоқчиман, бир ерга қўниб олишим керак. Ўғлим ҳам катта бўлиб қолди, гимназияга беришим керак. Биласизми, мен хотиним билан ярашиб олганман.

– Қаерда улар? – деб сўради Оленька.

– Улар мусофирхонада қолди, мен уй кидириб юрибман.

– Ана ҳолос! Менинг уйимни олақолинг! Нима кипти бу уйга? Сизлардан бир тийин ҳам олмайман! – У яна ҳаяжонланиб, йиғлай бошлади. – Сизлар бемалол шу катта уйга жойлашаберинглар, менга ҳовлидаги кичкина уй ҳам етиб ортади. Сизни юборган худодан ўргилай!

Эртаси куни уй томини бўяб, деворларини оқлашга киришилди, Оленька икки қўлини белига қўйиб, ҳовлидагиларга ҳар хил ишларни буюриб юрар эди. Унинг чехрасида илгариги жилмайишлар пайдо бўлган, худди узок уйқудан уйғонгандай бутун вужудига қон югурган эди. Кейин ориқ ва хунук, сочлари калта қирқилган, илжик юзли бир хоним, семизгина, кўк кўз, икки юзида чуқурчаси бор Саша деган болани стақлаб кириб келди. Улар от докторининг хотини ва ўн яшар ўғли эди. Бола ҳовлига кириши биланок мушукни кува келди, унинг хушчакчак қўнғирок кулгиси бутун ҳовлини босди.

– Хола, бу сизнинг мушугингизми? – деб сўради бола. – Тукқанда биттасини бизга беринг, ойим сичқондан жуда қўрқадилар.

Оленька у билан анча сўзлашди, чой ичирди, гўё бу болани ўзи туғиб ўстиргандек ҳис қилиб, кўкрагига иссиқ югуриб, роҳатланди. Кечкурун Саша овқатхонада дарс тайёрлаб ўтираркан, Оленька севгига тўлган кўзларини ундан узмай:

– Чироғим... Хушрўйгинам... Ақл-хушли бола экансан! Оппоғим, – деб шивирлади.

– Ҳар тарафи сув билан ўралган курук ер – орол деб аталади, – деб ўқиди китобдан Саша.

– Ҳар тарафи сув билан ўралган курук ер орол деб аталади, – деб такрорлади Оленька. Бу – неча йиллаб ўйсиз-фикрсиз кун кечирган кишининг ишонч билан айтган биринчи фикри эди.

Энди у мустакил фикрга эга эди, кечки овқат устида Сашанинг ота-онасига гимназияда ўқишнинг нақадар оғирлашиб кетгани, аммо шундай бўлса-да, реал мактаб таълимидан кўра мумтоз мактаб таълимининг афзаллиги ҳақида гапирди, чунки унинг фикрича, гимназияда ўқиган кишига ҳамма йўл очик: хохла докторликка ўқи, хохла муҳандисликка.

Саша гимназияга катнай бошлади. Унинг онаси Харьковдаги синглисиникига кетиб, узок қолиб кетди. Отаси ҳар куни қаергадир йилки кўргани кетиб, баъзан уч кунлаб уйга қайтмас эди. Оленькага Сашанинг ота-онаси бутунлай ташлаб кетгандай, бола уйда ортиқча одамдай туюлди, бола бечора очдан ўлади деб ачинди. Кўп ўтмай у, болани катта уйдан ўз уйига олиб, жажжигина бир бўлмага жойлаштирди.

Ярим йилдан ошдики, Саша унинг уйида туради. Ҳар куни эрта билан Оленька унинг олдига киради, бола қўлини чаккасига қўйиб каттиқ ухлаб ётибди, ўйғотгани кўзи қиймайди.

– Сашенька, дейди у, тамгишлик билан, – тур, кўзим! Гимназияга борадиган вақт бўлди.

Саша ўрнидан туриб, кийинади, ибодат қилади, кейин нонушгага ўтиради. Уч стакан чой билан иккита катта тешик кулча ва мой суртилган яримта француз булкани еб олади. У ҳали уйкудан тоза ўйғонгани йўқ. Шунинг учун кайфи бузукроқ. Оленька уни худди узок сафарга узатаётгандай унга тикилиб дейди:

– Сашенька, масални яхшилаб ёдлаб олдингми? Мени ташвишга солиб қўйдинг-ку. Тиришиб ўқи, оппоқ кўзим... Муаллимларинг сўзидан чикма...

Кўйсангизчи бу гапларингизни! - дейди Саша.

Кейин у гимназияга кетади, ўзи кичкина, бошида каттакон шапка, слкасида китоб жилди. Оленька унинг кетидан аста-секин қадам ташлаб боради.

– Сашенька! деб чақиради.

Саша қайрилиб қарайди. Оленька унинг қўлига хурмо ёхуд попук қистиради. Гимназия жойлашган кўчага бурилгандан кейин, Саша ўзининг баланд бўйли семиз хотин кузатиб қўйишидан уялади. Орқасига қарайди-да:

– Хола, сиз энди уйга кетаберинг, ўзим бораман, – дейди.

Оленька тўхтаб, Саша гимназия эшигидан кириб кўздан гойиб бўлгунча қараб туради. О, Оленька бу болаши нақадар севади! У илгари кечирган севиғларининг ҳеч бири ҳам бунчалик чуқур бўлмаганди. Эндиликда унда оналик ҳисси кучайиб бораётган пайтда, унинг қалби шу қадар фидокорликка, саҳийликка ва севиғча тўлиб тошган эдики, бунақа ҳисси аввал у сира сезмаган эди. Мапа бу бировнинг боласи учун, унинг юзларидаги кулгичлари, бошидаги шапкаси учун бутун жонини беришга тайёр эди. Нега бундай? Қим биласи дейсиз?

Сашани гимназияга узагиб, ўзи хурсанд, оҳиста, хушфезъл холда уйга қайтади. Олти ой ичида анча яшарган юзидан жилмайиш аримайди. Йўлда учраган танишлар уни кўриб хурсанд бўлишади ва:

– Яхшимисиз, жонгинам Ольга Семёновна! Эсон-омонгина юрибсизми? – дейишади.

– Гимназияда ўқиш ҳам қийинлашиб кетди, – дейди у, бозорда учраган танишларига. – Ўзингиз ўйланг, кеча биринчи синф болаларига бутун бир масални ёдланга буюришибди, лотинчадан таржима қилдиришибди, ҳисобдан масала беришибди... Ёш бола чидармиди бунга?

Оленька муаллимлар, сабоқлар, дарсликлар ҳақида, хуллас, Саша нимани гапирган бўлса, у ҳам шуни гапирди.

Соат учда шкковлари ўтириб овқат ейишади, кечкурунлари дарс тайёрлашади, кўшялиниб йиғланади. Сашани ётқизиб бўлиб, Оленька уни узоқ чўкиштиради, шивирлаб дуо ўқийди, кейин ўрнига ётиб, узоқ ва номаълум келажак ҳақида, Сашанинг доктор ёки муҳандис бўлиб етишиб, уй-жойли бўлиши, от-аравага эга бўладиган, уйланиб бола-чака кўрадиган замонларни хаёл қилади... У кўзлари уйқуга кетаркан, ҳамон ўшаларни ўйлайди, юмук кўзларидан оққан ёшлар юзларини ювади. Қора мушук ҳам унинг биқинига кириб жойлашган:

– Хр...хр... хр...

Бирдан кўча эшик қаттиқ урилди. Оленька уйғониб, қўрққанидан нафас олмайди, юраги қаттиқ ура бошлади. Сал ўтмай эшик яна тақиллади.

«Харьковдан телеграмма келган бўлса-я, – деб ўйлайди у, вужу-дини титроқ босиб, онаси ўғлини чакиртирган бўлмасин... Ох, худоим!».

Уни умидсизлик босди, бошини кўтаролмади, кейин икки кўли, оёқлари бўнаниб кетди. Ўзини дунёда энг бахтсиз бандда ҳис қилди. Бирок, яна бирпасдан кейин ховлидан таниш овозлар эшитилди, от докторининг клубдап қайтгани маълум бўлди.

«Худо, ўзингга шукур!» деб кўйди Оленька.

Юраги аста-секин енгиллашди, у яна тинчиди. Яна ўринга ётиб, уйкуда ётган Сашани ўйлайди. Саша эса кўшни хонада қаттиқ уйкуда ётиб, гоҳо-гоҳо:

– Сеними, шошмай тур! Кет! Урушма! – деб уйкусирайди.

## ВАКИЛ ЁКИ ДЕЗДЕМОНОВНИНГ 25 СЎМ ЙЎҚОТГАНИ ҲАҚИДА ҚИССА

*Л. И. Пальминга бағишланади.*

– **Т**ессе. Юринглар, қоровулхонага кирайлик, бу ер покулай... Эшитиб қолиши мумкин...

Қоровулхонага киришди. Швейцар Макарни, гапларини эшитиб, чакимчилик қилмасин деб, газнахонага жўнатдилар. У газнахонага бормасдан, зина тагига беркишиб олди: у исён чиқишини аниқ билар эди... Олдин гаши Капалотов бошлади, унинг кетидан Дездемонов, ундан кейин Зрачков гапирди... Томирдаги қонлар қизишиб кетди! Қипқизарган юзлар тиришди, кўкракларига ура бошладилар...

– Биз даққионус замонларида эмас, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаймиз! – деб гап бошлади Капалотов. – Қорни йўғонларга илгари йўл қўйилган бўлса, энди қўйилмайди. Охир, жонимизга тегди-ку бу! У замонлар ўтиб кетган! Ва хоказолар...

Дездемонов ҳам тахминан шундай гапларни гапирди. Зрачков хатто беодоблик билан сўкишиб ҳам олди... Чугур-чугур бошланиб кетди. Аммо ичларидан акли расо бир киши ҳам чиқиб қолди. Акли расо киши юзини гамгинликка солди-да, бурун кокавериб хўл бўлиб кетган рўмолчаси билан бетини артиб, деди:

– Бу гапларнинг нима кераги бор-а? Эх... Хўп деяликки, гапирилган ҳамма гаплар рост, аммо нима кераги бор? Бировга отган тош ўзларингга келиб тегishi ҳам мумкин: ўзларинг маҳкамага бошлик бўлганларингда сизларга ҳам қарши исён чиқishi мумкин. Рост айтаман! Фақат ўз бошларингга тасизлар, ҳолос.

Бирок, ақли расонинг гапига ҳеч ким қулоқ солмади. Уни ташириб бўлишига ҳам қўймай, эшик ёшига суриб қўйдилар. У ақли расолик билан ҳеч нарсага эришолмаслигини кўриб, ақли наслик қила бошлади ва ўзи ҳам кизишиб, киришиб кетди.

- Биз ҳам унинг сизгари одам эканлигимизни кўрсатиб қўйиш вақти етди эйди! - деди Дездемонов. Яна такрор айтаманки, биз малай ёки авомлардан эмасмиз! Биз гладнатор эмасмиз! Биз ўзимизни таҳқир қилишга йўл қўймаймиз! Бизни сенсираса, саломимизга алик олмаса, ҳузурни а кириб бирон гап айтиб турсак юзиши тескари ўгирса, сўқинса... Бу нима деган гап? Ҳозирги замонда олижаноб одамлар у ёқда турсин, ҳатто малайларни ҳам сенсираш мумкин эмас! Кириб, ўзига худди шундай деб айтиш керак!

Қайси бир куни бўлса менига қараб: «Нега тумшуғинг бундай бўялиб қолибди, бор Макарниг олдига, тумшуғингни сулури билан тозалаб қўйсин!» дейди. Шу ҳам ҳазил бўптими! Яна бир куни бўлса...

– Бир куни мен хотиним билан кетаётган эдим, у учраб қолди!.. - деб унинг гапини бўлди Зрачков. -- «Ҳа, дўрдоқлаб, доим кизлар билан юрганнг-юрган. тағип купна-кундуз куни-я!» дейди. Бу менинг хотиним бўлади, жаноби олийлари, – дедим. Кечирим ҳам сўрамади, фақат лабини чўшилатиб кетаверди. денг! Шу таҳқирланишдан кейин хотиним бойкиш уч кунгача йиғлайвериб хум бўлди. У киз эмас, аксинча... Ўзларинг биласизлар-ку...

Хулласи калон, жаноблар бунга ортик чидаб бўлмайди! Ё у турсин, ё биз, бирга ишолмаймиз. Ё у кетсин, ё биз кетайлик! Обруни тўкиб юргандан кўра ишсиз юрганмиз яхшироқ! Ҳозир XIX аср бўлади! Ҳар кимнинг ўзига яраша иззат-нафси бор! Гарчи мен ўзим кичик бир одам бўлсам ҳам, бирон субъект эмасман, ҳатто кўнглимда ўз услубим бор! Бунга йўл қўймайман! Тўғри, шундай деб айтиш керак

бетига! Орамиздан бирон кимса кирсин-да, бундай бўлиши ярамайди, десин! Ҳаммамизнинг тилимиздан гапирсин! Қани ким киради? Шундай деб, тўнша-тўғри бетиға қараб атаберин керак! Кўрқмангиз, ҳеч нарса бўлмайди! Ким киради? Тфу... куриб кеткур... роса бўғилиб қолибман...

Вакил сайланга киришдилар. Узоқ можаролар ва сен кирдан кейин ақлли, потиқ ва энг жасоратли деб Дездемоновни сайланди. Ўзи кутубхонага аъзо, маълумоти баланд, ойимқизлар билан таниш, демак шундан маълумки, ақлли одам, гапини топиб гапира олади. Дадиллиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг хожати йўқ... Ҳаммага маълумки, бир кун маҳалла назоратчиси уни «хой малай!» деб чақиргани учун ундан афв сўрашни талаб қилган; маҳалла назоратчиси бу даъвони эшитиб, қовоғини солмасданок, Дездемоновнинг жасорати бутун оламга ёйилиб кетган эди...

Киравер, Сеня! Кўрқма! Шундай деб атавер! Мана, керак бўлса, дегин! Сен айтган одамлар биз эмас, жаноби олийлари, дегин! Бўлди, етар! Керак бўлса, бошқа малайларни топиб ол, биз унақангилардан эмас, жаноби олийлари, биз ўзимиз ҳам олифталикни биламиз, дегин. Бундай қилиқларинг ярамайди, деб айт. Худди шундай деявер... Кир олдиға! Сеня... Дўстим... Олдин сочларингиз тараб ол... Тўғри шундай деб айтавер бетига.

Жаҳлим тез-да, жаноблар... Яна ортикча гап айтиб қўйсам... Зрачков, сен ўзинг кирсанг яхшироқ бўлар эди!

Йўқ, Сеня, ўзинг киравер... Зрачковнинг факат қўй оғзидан чўп олади, ўшандаям маст бўлса... У ахмоқ одам ўзи, сен бўлсанг ҳар ҳолда... Киравер, азизим, киравер...

Дездемонов сочларини таради, желиткасининг у ёқ-бу ёғини тортиб қўйди, қўли билан оғзини беркитиб, бир йўталиб олди-да, кабинетга кирди. Ҳамма нафас олмай кута бошлади. Дездемонов кабинетга кириб, эшик олдида тўхтади ва тигроқ қўли билан лабларини силади, гапни нимадан бошлашини билмасдан саросималаниб қолди. Ўзига таниш қон-қора холли тешакалга кўзи тушган эди, юраги шув эгиб, эти жимирашиб кетди... Орқасидан чумоли ўрмалаб кетаётгандай бўлди... Бунинг зарари йўқ, албатта; ўрганмаганликдан, ҳар ким ҳам шунақа бўлади, факат юрак дов берса бўлгани... Тетик бўл!

Э-э-э... Хўш нима деб келдинг?



Дездемонов олдинга бир кадам ташлади, тилини кимирилатган эди, бироқ ҳеч товуш чиқмади: тили танглайига ёпишиб қолган эди. Шу билан бирга вакил, ичининг ҳам аллақандай бўлиб кетганини сездди... Унинг мардлиги юрагидан чиқиб, корнига ўтди, у ерда ғулдираб, соңлари орқали товоғига ўтиб кетди-да, этик тагига кирди... Афеуски, этиги йиртиқ эди!

Э-э-э... Нима тишинг бор эди? Эшитаяпсанми ўзинг?

-- Ҳим... Мен ўзим... Ўзим, шундай. Мен, жаноби олийлари, кулоғимга кирувдики!..

Дездемонов тилини тўхтагиб олмақчи бўлган эди, бироқ итоат қилмай, давом этди:

Мен, жаноби рафиқангиз ташкил этган лотореяга соябон арава ҳам чиқармиш деб эшитувдим... Битта чипта бўлса... Жаноби олийлари... Ҳим... Жаноби олийлари...

Чипта дейсанми? Хўн бўлади... Атиги бешта чипта қолди... Бешаласини ҳам оласанми?

– Йў... йў... йўқ, жаноби олийлари... Биттагина бўлса бас...

– Бешаласини ҳам оласанми деб сўраётиман!

– Жуда яхши, майли, жаноби олийлари!

– Биттаси олти сўмдан... Сен беш сўмдан бера қол... Мана, қўлингни қўй... Илоҳим толеинг келиб югтин...

– Ҳе-хе-хе... Раҳмат, жаноби олийлари... Ҳим... Жуда хурсанд қилдингиз...

– Жўна эди!

Бир лақиқадан кейин Дездемонов қоровулхона ўртасида кие-кичбақадай қипқизариб турар ва йиғлағудай бўлиб, ўртокларидан 25 сўм қарз сўрар эди.

– 25 сўм пулимни бериб чиқдим, оғайнилар, ўзи меники эмас эди! Ижара ҳақини тўлаб кел деб қайнанам берган эди... Бериб туринглар, оғайнилар! Ўтишаман сизлардан!

– Нега йиғлайсан эди? Соябон аравада юрасан маза қилиб!

– Соябон аравада... Соябон арава-я! Соябон арава билан одамларни кўрқитиб юраманми эди? Мен руҳоний эмасман! Мобода ютиб олганимда ҳам, қасрга қўяман ушш?

Анча вақтгача гапланиб турдилар; улар гапланишар экан, Макар (унинг хат-саводи бор) ҳамма гапни бирма-бир ёзиб олмақда эди, ёзиб бўлгандан кейин... у ёғи маълум. Айтаман десанг жуда узун, жаноблар! Ҳар ҳолда, бу киссадан келиб чиқадиган ҳисса шуки, неён қилмаслик керак.

## САНЪАТ АСАРИ

Онасининг ёлғиз ўғли Саша Смирнов «Биржа ведомствълари» газетасининг 223-сонига ўралган бир нарсани кўлтиришга кетириб, юзи сўлғин бир ҳолда доктор Кошельковнинг кабинетига кирди.

– Э-э, келинг яхши йиғит! – деб кутиб олди доктор. – Хўш, соғлигингиз қалай? Қандай хушxabарлар келтирдингиз?

Сашанинг кўзлари пирпирлади, ўнг кўлини чап кўкрагига босиб, ҳаяжонланган ҳолда деди:

Ойим сизга салом деб юбордилар ва сизга миниатдорлик билдирадилар, Иван Николаевич... мен ойимнинг ёлғиз ўғлиман, сиз мени ўлимдан сақлаб қолдингиз... Қаттиқ касалдан қутқаздингиз... Иккимиз сизнинг бу яхшилигингизни ҳеч унутмаймиз...

Кўйинг бундай гапларни, йиғит! – деди доктор, бу сўзлардан эриб кетиб. – Мен қилган ишни ҳамма қилолади.

Мен ойимнинг ёлғиз ўғлиман... Ўзимиз камбағал одамимиз, хизматингизга яраша ҳақ тўлашга ожизмиз... Жуда уятда қолдик, доктор... Шунинг учун ойим ва унинг ёлғиз ўғли мен, иккимиз бизнинг сизга миниатдорлигимиз аломати бўлмиш мана бу нарсани қабул қилишингизни ўтинамиз... Ўзи жуда қимматбаҳо нарса, қадимги бронзадан ишланган... Камдан-кам учрайдиган санъат асари.

– Ҳеч кераги йўқ! – деди доктор, афтини бурштириб.

Йўқ деманг энди, деди Саша, қоғозни очатуриб. – Олмасангиз мени ҳам, ойимни ҳам хафа қиласиз... Жуда асал нарса ўзи... Қадимги бронзадан ишланган... Марҳум дадамдан қолган, биз буни қимматли ёдгорлик деб сақлаб келардик... Дадам қадимги бронзадан қилинган нарсаларни олиб ишқибозларга сотарди. Ҳозир ойим ҳам, мен ҳам шу иш билан машғулмиз...

Саша қоғозни очди-да, келтирган нарсасини таптанали суратда столга қўйди. Бу нарса қадимги бронзадан нафис ишланган настак қандил эди. Қандил бир гуруҳ одамларни тасвир этарди: қуйидаги суначага Момаҳаво кийимларини кийган икки хотиннинг фигураси ўрнатилган, уларнинг туриш-турмуши шундай эдики, уш ёзиб тасвирланган учун жасоратим ҳам етмайди, эҳтиросим ҳам. Фигуралар таннозлик билан жилмайишар, шамдошни кўтариб туриш вазифаси бўлмаса, суначадан

сақраб тушиб, уй ичини тасаввур этиб бўлмайди аш даражада остин-устин қиладигандай кўринар эдилар.

Доктор совғага бирпас қараб турди-да, кулогининг орқасини қашлади, кейин бир йўталиб, бурнини коқди.

- Айтганишиз рост, аёл нарса экан, - деди у, пўнғирлаб. Аммо, нима десам экан... Ҳеч кимга кўрсатиб бўлмайдиган нарса эканда... айиб...

- Яъни нега энди?

Ўтакетган устаси ҳам бундан баттарини ўйлаб тополмас. Бу нарсани столга кўйини бутун уйни харом қилиш демақдир.

- Санъатга нега бундай кўз билан қарайсиз, доктор, - деб хафа бўлди Саша. Ахир, бу санъат асари, ўзингиз бир қаранг! Бундаги нафислик ва гўзалликдан кишининг юраги шодликка, кўзи ёшга тўлади! Бундай гўзалликни кўрган киши бутун дунёни унутиб юборадн... Бир қаранг, қандай маллоҳат, қандай нафосат, орзу бор бунда!

Буни ўзим ҳам кўриб турибман, азизим, - деди доктор, Сашанинг сўзини бўлиб. - Аммо, мен оилали, бола-чақали одамман, уйимга турли-туман хонимлар келиб туради...

- Албатта, агар подон халқ базари билан қаралса бу юксак санъат асари бошқача бўлиб кўринади... - деди Саша. - Аммо сиз, доктор, оддий халқдан баланд турмоғишиз керак. Бу нарсани қабул қилмасангиз мени ҳам, ойимни ҳам қаттиқ хафа қиласиз. Мен ойимнинг ёнғиз ўғлиман... Сиз мени бир ўлимдан кутқардингиз... Биз сизга энг қимматбаҳо буюмимизни тақдим этаётгубмиз... Фақат шунга мос келадиган бошқа нарсангиз йўқлиги мени ачиштиради...

- Раҳмат, раҳмат, азизим, кўп миннатдорман... Ойингизга салом айтинг. Аммо, яна бир ўйлаб кўрсангиз бўларди, ҳар ҳолда бола-чақалар бор, хотин-халажлар келиб туради... Ҳа майли, қолса қола қолсин! Барибир, сизга тушунтириш кийин.

Тушунтириб ўтиришнинг хожати йўқ, деди хурсанд бўлиб кетган Саша. - Қандилни мана бу ерга вазанинг ёнига кўйинг! Алташ, жуфти йўқ-да... Эҳ, алташ! Хўб, хайр энди, доктор!

Саша чиқиб кетгандан кейин доктор анча вақтгача қандилга қараб ўтирди, кулогини орқасини қашиб, узоқ ўйлади.

«Ўзи ёмон нарса эмас, буинси тўғри, – деб ўйлади у. – Улоктириб ташлаш увол... Бу ерда қолдириб ҳам бўлмайди... Аббо! Тога мушкул ишга йўлиқдимми! Кимга ҳадя қилсам экан?»

Узоқ ўйдан кейин Ухов деган ўзининг қалин ўртоғи эсига тушди. Ўртоғи адвокат бўлиб, докторнинг жапжалли ишларини бошқарар эди.

– Жуда соз-да, – деди доктор, ўзига-ўзи. Ошналик важдан мендан сира пул олмайди. Бирон нарсани ҳадя қилсам – жуда хурсанд бўлади. Мана шунини олиб бориб берақоламан! Ўзи ҳам бўйдок ва енгилтак одам...

Ишни кейин а қўймай, доктор дарҳол кийинди-да, қандилни кўтариб Уховникига кетди. Адвокат уйида экан.

– Яхшимисан, оғайни! – деди доктор, адвокатга. – Менга қилган хизматларинг учун ташаккур билдиргани келдим... Пул берсам олмайсан, жуда бўлмаса мана буни ол... Мана, буни ол... Мана, кўрдингми, оғайни... Жуда ажойиб нарса!

Ажойиб нарсани кўришни билан, адвокат ўзида йўқ севиниб кетди.

– Ана холос! – деди у, қах-қах уриб кулиб. Вой куриб кет-гурсей! Шунанга нарсаларини ҳам ўйлаб топишадия! Ҳақиқатан ҳам ажойиб нарса экан. Қасрдан топдинг буни?

Адвокат, ичидаги бутун севинчини изҳор қилиб бўлгач, уйининг эшигига кўрқа-пуса кўз ташлади-да:

– Йўк, биродар, бунинг олиб кет бу ердан, мен олмайман... – деди.

– Нега олмайсан? – деди доктор, кўркиб кетиб.

Олмайман-да... Уйимга онам келиб туради, мижозлар келади... хизматчи хотинлар олдида ҳам уят...

– Бу гапларингни қўй, оғайни... Совгадан ҳам қайтиб бўладими! – деб туриб олди доктор. Олмасанг чўчкалик қилган бўласан. Ўзи жуда нафис нарса... Қандай нафосат!.. Қандай малоҳат, орзу бор бунда... Бўлди, гап тамом! Хафа бўламан, олмасанг!

– Баъзи жойлари ёниқ ёхуд барг билан беркитилган бўлса ҳам майли эди...

Доктор аввалгидан баттар каттиқ туриб олди. Совгани бошлаб ўтказганидан хурсанд бўлиб, Уховникидан чиқиб, уйига кетди...

Доктор кетганидан кейин адвокат кандилни яхшилаб қараб чиқди, у ср-бу ерини ушлаб кўрди, кейин худди доктор сингари «буни нима қиламан?» деб узок бош қотирди.

«Ўзи ёмон нарса эмас экан, – деб ўйларди у. – Ташласанг увол бўлади, бу ерда қолдириш ҳам уят. Яхшиси, бирон кишига тақдим этиш қўйингда... Ҳа, ҳа, топдим! Бу кандилни бугун кечқурун қизикчи артист Шашкинга тақдим этаман... у аблах бунақа нарсаларга ўч. Айгмоқчи, бугун унинг бенифиси-я...»

Айтилган гап – отилган ўк. Жуда пухта ўралган кандилни Ухов кечқурун қизикчи артист Шашкинга тақдим этди. Ярим кечагача Шашкиннинг пардозхонаси совғани кўрини учун келган эркак артистлар билан лик тўла эди, пардозхонадан ҳадеб от кишигаандай кулги эшитиларди. Бирон артистка эшик олдига келиб: «Кирсам майлими?» деб сўраса, қизикчи артистканинг дарҳол:

– Йўк, йўк, хоним, мен кийинган эмасман! – деган товуши эшитиларди.

Томошадан кейин артист кифтини қоқиб:

– Бу ярамас нарсани энди нима қиламан? Ахир, бировнинг уйида ижарага турсам, уйимга артисткалар келиб туради... Бу фоторасем эмаски, дарров стол ичига яшириб қўйсанг... – дерди.

- Обориб сотинг, қўйинг, - деб маслаҳат берди, артистни ечинтираётган сахна сартароши. – Бир жойда шунақанги қадимги бронзаларни олиб сотувчи бир кампир бор. Бориб Смирновани сўрайсенз... Ҳамма танийди.

Қизикчи артист сартарошнинг маслаҳатига кирди... Шу воқеадан икки кун кейин доктор Кошельков ўз кабинетида бармоғини пешонасига тираб, меъда кислоталари тўғрисида ўйлаб ўтирарди. Бирдан эшик очилиб, кабинетга Саша Смирно югуриб кириб келди. Унинг оғзи қулоғига етган, юзида шодлик акс этар, юриш-туришида бахтиёрлик кўриниб турар эди... Қўлида газетага ўралган бир нарса кўтарган эди.

- Доктор! - деб гап бошлади Саша, нафаси бўғилиб. - Шу топда дунёда мендек хурсанд одам бўлмаса керак! Бахтингизга кандилшигизнинг жуфтини топишга муваффақ бўлдик!.. Ойим ҳам жуда хурсандлар... Мен ойимнинг ёлғиз ўглиман... Сиз мени бир ўлимдан олиб қолдингиз...

Мишнатдорли идан титрок босган Сана докторнинг олдига қандилни келтириб қўйди. Доктор бир нима демокчи бўлиб, оғзиши очган эди, ҳеч нарса деяолмади: тили танглайига ёпишиб қолган эди...

## МУШТИПАР

**К**истуновнинг кечаси қаттиқ бод касали тутиб, асаблари кўзаб, нари бориб, бери келган бўлса ҳам эрталаб ишга борди-да, аризачилар ва банк мижозларини ўз вақтида қабул қила бошлади. У чарчаган ва азоб чеккан кишидай кўринар, худди жон бераётган бемордай, зўрға нафас олиб гапирарди.

- Хўш, хизмат? – деди у, устига даккюнуслдан қолган либос кийган, орқасидан худди тўнг кўнгизга ўхшаган аёлга қараб.

Менинг арзимга кулоқ солиниб, жаноби олийлари, – деб гап бошлади арз қилиб келган хотин, чакаги чакагига тегмай. Эрим коллежский асессор Шчукни беш ой бетоб бўлиб ётиб қолди. Мен сизга айтаман, эрим шу беш ой касал бўлиб, шифоланиб ётганида, ҳеч қандай вазисиз уни ишдан бекор қилиб қўйишибди. Ойлигини олгани борсам, ойлигидан 26 сўму 36 тийинини ушлаб қоллишибди. «Нима ваздан эди» деб сўрадим, «эрингиз ўзаро ёрдам кассасидан қарз олган эди, бошқа амалдорлар унга кафил бўлишга» дейишади. Бу қандоғ бўлди? Мендан ижозат олмасдан туриб сираям пул олмасди. Бундай бўлиши мумкин эмас, жаноби олийлари! Нега бундай қилишади энди? Мен бир бечора аёл бўлсам, фақат ижрачиларимдан тушадиган пул билан кун кўрсам... Ўзим бир муштипар аёлман, йўқлайдиганим йўқ... Ҳамма мени хўрлайди, ҳеч кимдан яхши гап эшитмайман...

Арз қилиб келган хотин кичрикларини пир-пир учирди-да, чўнтагидан дастрўмол чиқариб, кўзига тутди.

Кистунов унинг аризасини олиб, ўқий бошлади.

Кечирасиз, гапингизга тушунолмаётган қолдим, – деди Кистунов кифтини учириб. - Сиз бу ерга адашиб келиб қолгансиз, назаримда, хопим. Аризангизнинг бизга сира дахли йўқ. Эрингиз хизмат қилган маҳкамага бориб арз қилишингиз керак.

Йўгей, барака тоқкур! - деди Шчукина. - Беш жойга бориб арз қилдим, аризамни ҳеч ким қўлига ҳам олиб кўрмади. Куёвим Борис Матвейч сизни айтмаса, нима қиларимни ҳам билмай қолган эдим. «Сиз Кистунов деган жанобга мурожаат қилинг, унинг қўли баланд, айтганингизни қилиб беради» деди. Ёрдамишгизни аяманг, жаноби олийлари!

- Шчукина хоним, бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмайди... Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, менинг билишимча, эрингиз харбий-тиббиёт маҳкамасида хизмат қилган, бизнинг маҳкамамиз мутлақо хусусий идора, тижорат идораси, бу ер банк деб аталади! Шунга ҳам тушунмайсизми!

Кистунов «хайронман» дегандай яна елкасини қисди-да, харбийча кийинган ва лунжини боғлаган кишига ўгирилди.

Жаноби олийлари, - деди яна Шчукина, мушги бир товуш билан, - эримнинг касал ётганлигига справка ҳам бор. Мана, ўзингиз бир қараш.

- Жуда яхши, галингизга мен ипонаман, - деди Кистунов, ранжиган ҳолда. - Аммо яна такрор айтаманки, бунинг бизга ҳеч дахли йўқ. Ажабо, паҳотки қаерга арз қилишни эрингизнинг ўзи билмаса?

У ношуд, ҳеч нарсани билмайди, жалоби олийлари! «Бу сенинг ишинг эмас! Аралашма!»дан бошқа ҳеч нарсани билмайди... Менинг ишим бўлмаса, кимнинг иши бўларди? Ахир, бариси менинг устимга чиқиб олишган! Менинг устимга!

Кистунов яна Шчукинага ўгирилиб, харбий-тиббиёт маҳкамаси билан хусусий банк ўргасидаги тафовутни тушунтиришга киришди. Хотин унинг гаини диққат билан тинглаб, тушундим дегандай бошини эгади-да, кейин:

- Дуруст, дуруст. Тушундим, ишим, тушундим, - деди. Ундоғ бўлса, жаноби олийлари, одамларингизга буюринг, жуда бўлмаса 15 сўмини беришсин! Қолганини кейин олсам ҳам майли.

Уҳх, - деди Кистунов, нишга қараб. - Фаросат борми ўзи? Бундай арз билан бизга мурожаат этиш эрингиздан ажралли тўғрисида дорихонага ёки шиша заводига арз қилиш билан баравар, тушундингизми энди? Эрингизнинг пулидан ушлаб қолишган экан, бизга нима?

- Жаноби олийлари, ўла-ўлгунимча сизни дуо қилиб юрай, - деди Шчукин, кўз ёши қилиб, - мен муштипарга раҳмингиз келсин! Мен бир муштипар аёлман, ҳимоячим йўк... Қийналганимдан ўлиб бўлдим... Ижарачилар билан судлашсам, эримнинг ташвишини тортсам, уй-рўзғорга қарасам, бунинг устига куёвим ҳам беамал бўлса... Номига ейман, ичман, аслини суриштирсангиз, зўрға юраман... Туни билан ухламай чиқдим.

Кистуновнинг юраги гупиллаб ура бошлады. Афтини буриштириб, қўлини чап кўкрагига қўйиб, Шчукицага яна гап тушунтира бошлаган эди, бироқ овози бўғилди...

- Йўк, кечирасиз бўлди, сиз билан сўзлашишга тоқатим қолмади, - деди у, қўлини силтаб. - сизга гап тушунтираман деб бошим айланиб кетди. Бизни ҳам ишдан қолдиришсиз, ўзингиз ҳам бекор вақт сарфлаб ўтирибсиз. Уҳх!.. Алексей Николаич. - деди, хизматчилардан бирига, Шчукина хонимга сиз гап тушунтиринг!

Кистунов кабулхонада ўтирганларнинг арзини эшитиб бўлгач, ўзининг кабинетига кириб кетди-да, ўн-ўн бешта коғозга кўл қўйди, Алексей Николаич ҳамон Шчукина билан овора эди. Кистунов ўзининг кабинетига ўтириб, Алексей Николаичнинг гудиллаган ва босиқки товушлари ва Шчукинанинг йиғи аралаш чийиллаган овозини эшитиб ўтирарди.

- Мен бир ожиз муштипар, касалман аёлман, - дерди Шчукина. - Афтимдан бақувват кўрилсам ҳам, суруштириб қараганда битта ҳам соғ томирим йўк... Иштахам ҳам қочган, зўрға юраман... Бугун эрталаб кофени ҳам зўрға ичдим. Мазасини ҳам билмадим.

Алексей Николаич бўлса ҳамма маҳкамалар ўртасидаги фарқни, қайси аризаларнинг қайси идорага бориш кераклигини ҳамон тушунтириб ётарди. Ахир чарчагандан кейин унинг ўрнини бухгалтер босди.

- Шунака ҳам бадҳазм хотин бўладими! - дерди Кистунов, жиғибийрони чикканидан бармоқларини кирсиллатиб ва графиндан дамба-дам сув ичарди. - Жуда ҳам аҳмоқ, бекфаросат хотин экан-ку. Мени кийнади, энди уларнинг устига чиқиб мияларини қоқиб ейди, бу! Уҳ... юрагим тарс ёрилиб кетай десапти-я.



Ярим соатдан кейин қўн ирокши босди. Кабинетга Алексей Николаич кирди.

– Хўш, нима бўлди у хотиннинг иши? – деб сўради Кистунов хоргин бир ҳолда.

– Гапга тушунтирамиз деб ўлиб бўлдик, Петр Александрович! Қийнашиб кетдик! Биз боғдан келсак у тоғдан келади...

Овозини яна бир эшитсам ўламам... Тобим қочди... Жопим бўғзимга келди...

Қоровулни чакириб, кўчага хайдаб чикартирамиз, кўямиз.

Йўк, йўк, асло! – деди Кистунов, кўркиб кетиб. У дод-фарёд кўтариши мумкин, бу уйда хонадонлар кўп, тагин устимиздан гап-сўз бўлиб юрмасин... Ўзингиз, яхшилаб тушунтиринг, азизим.

Бироздан кейин яна Алексей Николаичнинг гўнгири-гўшири товуши эшитилди. Чорак соатча вақт ўтди, унинг ўрнини бухгалтернинг жаранглаган овози босди.

Жуда қабих хотин экан! – деб газаби кайнаб Кистунов, асабийлашиб кетганидан елкалари даг-даг калтирарди. Эшакдан ҳам баттар бефаҳм экан... Яна бод кўзгади...

– ...Бошим лўкиллаб отрияпти...

Нарини уйда Алексей Николаич жуда кучдан толиб, бармони билан столни урди, кейин пешонасини уриб кўрсатди.

– Хуллас, бош деб ковокни кўтариб юрган экансиз, – деди ахири, тоқати тоқ бўлиб.

– Ҳа, нима деясан ўзини! – деб хафа бўлди кампир. – Бу гапларни хотиннингга бориб айт! Амалдор бўлмай кет! Кўлингга эрк берма.

Алексей Николаич, даргазаб ҳолда уни бўғиб ўлдиргудай бўлиб қаради-да, бўғик товуш билан секин:

Йўқол ҳозир бу ердан, – деди.

– Нима деясан? – деб бирдан чинкириб юборди Шчукина. – Нима ҳақингиз бор? Мен бир муштинар ожиз аёл бўлсам, мен бунга сира чидаб туролмайман! Эрим коллежский ассессор бўлади! Вой, сенинг амалингга! Адвокат Дмитрий Карличининг олдига бориб бир арз қилсам, ному нишонинг қолмайди! Учга ижарачини каматтирдим, бундай бетамиз гапларингга оёғимга йиқилиб узр сўрайсан ҳали. Мен сенларнинг генералингга

бориб устишдан арз қиламан! Жаноби олийлари! Ҳой жаноби олийлари!

– Йўқол дейман ҳозир бу ердан, аблах! – деб ўшқирди Алексей Николаич.

Кистунов эшикни очиб, маҳкамага қаради.

Тағин нима гап? – деб сўради, йиғлагудек бўлиб. Қискич-бакадай қизариб кетган Шчукина уйнинг ўргасида туриб олиб, кўзларини жавдиратар, қўлларини паҳса қилар эди. Банк ҳолдмлари ҳам кип-қизариб атрофида тизилиб туришар ва жуда холдан тойиб, бир-бирларига қарардилар.

– Жаноби олийлари! – деб ташланди Шчукина, Кистуновга. – Мана бу... мана бу одам... (хотин Алексей Николаични кўрсатиб) бармоғи билан пешонасини, кейин столни қоқиб кўрсатди. Сиз унга менинг арзимни тинглашга буюрсангиз, у мени масҳара қилади! Мен бир муштираш ожиз аёл... эрим коллежский асессор... ўзим майорнинг қизи бўлсам!

– Хўб, хоним, аризангизни ўзим кўриб чиқаман... – деди Кистунов зўрга. – Чорасини кўраман... Энди кетинг!.. Кейин келарсиз!..

– Пулни қачон олишим мумкин, жаноби олийлари? Менга бугун пул жуда зарур!

Кистунов даг-даг тиграган қўли билан пешонасини силади-да, ух тортиб, яна тушунтиришга киришди:

– Хоним, мен сизга ҳаммасини айтиб тушунтирдим-ку, ахир! Бу ерни банк дейдилар, хусусий тижорат идораси... Яна нима дейсиз, энди? Сиз бизни ишдан қолдираётинсиз, тушунасизми?

Шчукина гапни тинглаб бўлиб, ух тортди.

– Майли, майли... – деди у, – фақат жаноби олийлари, ўзингиз раҳм қилинг, ўлгунимча дуо қилай, мени химоя қилинг, отам бўлинг. Агар доктор справкаси камлик қилса, участкадан ҳам справка келтириб бераман... Айтинг, пулни беришин!

Кистуновнинг кўзлари жимирлаб кетди. У ўлкасидаги бугун нафасини нуф деб чиқарди-да, холдан тойиб, стулга ўтириб қолди.

– Неча пул дейсиз? – деб сўради, ҳолсиз товуш билан.

24 сўму 36 тийин.

Кистунов чўнгагидан ҳамёниши чиқариб, 25 сўмлик пулни олди-да. Шчукинага берди.

- Мана, буни олинг-да... Кетинг!

Шчукина пулни дастрўмолига тугиб, кўйнига солди-да, юзи ҳатто сатангларнинг юзидай тиржайиб, сўради:

- Жаноби олийлари, эримни яна ишга жойлаштириб кўйиш қандоғ бўлди?

- Ҳозир кетмасам бўлмайди... Касалман... – деди Кистунов, зўрға. – Ҳозир юрагим кинидан чиқиб кетади...

Кистунов уйига жўнаб кетиши билан Алексей Николаич Никитани дорихонадан дори келтиришга юборди. Амалдорларнинг ҳаммалари 20 томчидан дори ичиб, ишга киришдилар. Шчукина эса яна икки соатча йўлакда дарвозабон билан сўзлашиб Кистуновни кутиб ўгирди.

У эртаси куни ҳам келди.

## ЛАТТА

**Я**кинда мен болаларимнинг мураббияси Юлия Васильевнага ҳақиқи бериш учун кабинетимга чақирдим.

Ўтиринг, Юлия Васильевна! дедим. – Сизга пул керак бўлса ҳам, соддадиллигингиздан ўзингиз сўрагани уяласиз... қани, ўзаро хисоблашиб чиқайлик-чи. Биз сизнинг маошингизни ҳар ойга ўттиз сўмдан гапашган эдик...

– Қирқ сўмдан...

– Йўқ, ўттиз сўмдан... Менда ёзилган... Мен мураббияларга ҳамавақт ўттиз сўмдан тўлаб келаман. Хў-ўш, сиз бизда икки ой турдингиз...

– Икки ой-у, беш кун...

– Менда ёзилган. Роса икки ой... Демак, сизга олтмиш сўм тегади... Сиз Коля билан якшанба кунлари машгулот ўтказганингиз йўқ, ўша кунлари дам олиндингиз, шунинг учун тўққиз якшанбани чиқариб ташлаймиз... Уч кун байрам...

Юлия Васильевна бирданига қизаринди, кўйлак бурмасини гижимлади-ю, лекин ҳеч нима демади!..

– Уч байрам куни... Демак, ўн икки сўм... Коля касал бўлиб қолиб, тўрт марта дарс бўлмади, ўша кунлари сиз машгулотни

факат Варя билангина ўтказдингиз... Уч кун тишиниз отриди, хотиним пешиндан кейин уйга кайтишинизга ижозат берди... Ўн икки сўм ва етти сўм, демак яна ўн тўққиз сўмни чиқариб ташлаймиз... Қолади қирк бир сўм. Тўғрими?

Юлия Васильевнанинг чап кўзи кизариб, ёшга тўлди. Няги титради, асабийлашиб йўталди; бурниши қоқди, лекин гинг демади.

- Янги йил олдидап бир тарелка билан чапкани сандирдингиз. Буни икки сўм дейлик, идишга фамилия ёзилган эди, кимматроқ бўлса ҳам, майли, розиман! Бизнинг ҳакимиз кимларда кетмаган дейсиз! Сўнгра сизнинг бепарволигингиз пағижасида Коля дарахтга чиқиб, камзулини йиртиб тушди, бу ҳам ўн сўм... яна сизнинг яхши қарамаганлигингиз пағижасида уй хизматчиси Варянинг ботиқкаси ўғирланган. Ахир, сиз маош оласиз, шуларнинг устидан назорат қилиб туришингиз керак. Демак, яна беш сўм... Ўпинчи январда менап ўн сўм қарз олдингиз...

- Мен олганим йўқ, деди Юлия Васильевна, ескинигина. Менда ҳаммаси ёзилган.

- Хайр, майли... яхши.

- Қирк бир сўмдан йилгирма етти сўмни чиқариб ташласак ўн тўрт сўм қолади...

Мураббиянинг икки кўзи ёшга жик тўлди... Узун, чиройли бурни терлаб кетди. Бечора киз!

- Мен фақат бир мартагина олудим, деди у, калтирок товуш билан. Бекачингиздан фақат бир марта уч сўм олганман, холос... Шундан бошқа пул олганим йўқ...

- Ҳали шундайми? Мен буни ёзиб қўймаган эканман! Ўн тўрт сўмдан уч сўмни чиқарсак ўн бир сўм қолади... Олинг пулингизни жоним! Мана, уч... уч... уч... бир, тагги бир сўм... олиш!

Мен унга ўн бир сўмни бердим... Пулни титроқ кўллари билан олиб, чўнтагига солди.

Мерси!<sup>1</sup> деди шичирлаб.

Мен ўрнимдан сакраб туриб кетиб, уй ичиде юра бошладим. Жуда жаҳлим чиқиб кетган эди.

-- Нега менга мерси дейсиз? – дедим.

<sup>1</sup> Мерси (*франц.*) раҳмат.

- Пулишгиз учун...

Ахир, пулишгизни ўтирибман-ку, мен сизни таладим-ку! Пулишгизни ўтириладим! Нега тагин менга мерси дейсиз?

- Бошқа жойларда менга шуни ҳам бермас эди...

Беришмас эди? Ажаб эмас! Мен сизга ҳазилладим, сизга унутилмас сабоқ бердим. Мен сизнинг саксон сўм пулишгизни бераман, ана, конвертга солиб тайёрлаб қўйганман. Одам ҳам шундай датта бўладими? Нега ҳакиншгизни талаб қилмайсиз? Нега тек турсиз? Бу замонда одам ўткир тишли бўлиши керак! Одам шундай бўшанг бўладими?

У бўшашиб кулди. Унинг юзидан: «бўлиши мумкин!» деган маънони ўқидим.

Унутилмас сабоқ учун ундан кечирим сўрадим-да, қўлига саксон сўмини бердим. У кўрка-нусса чиқиб кетди... Унинг кетидан қараб туриб: бу дунёда кучли бўлиш осон экан! - деб ўйладим.

## ИШДАН ҚАЙТГАНДА

- **Г**ригорьевларшикидан китоб сўраб келишган эди, уйда йўксиз деб юбордим. Почтачи газета билан икки хаг ташлаб кетди. Айтгандек, Евгений Петрович. Серёжага икки оғиз гашириб қўйишг демоқчи эдим. Ўтган кунни ҳам, бугун ҳам папирос чекканини кўрдим. Мен унга насихат қилсам қулоқларини беркитиб, хуштак чалади.

Округ судининг прокурори Евгений Петрович Биковский суд мажлисида эди уйига келиб, ўз кабинетига қўлқопларини ечиб турарди. У ахборот бергувчи мураббияга бир қаради-да, қулиб юборди.

- Серёжа папирос чекади дейсизми!.. -- деди у елкасини қисиб. - Бўйи бир қарич бола папирос чекса-я. Негага кирди ўзи, биласизми?

- Еттига. Сизга бу хазил кўринади, бу сира хазил эмас. Ёшликдан папирос чекиш зарарли ва ярамас одат, бундай ярамас одатларга тубдан барҳам бермок керак.

- Тўғри айтасиз. Папиросни қасрдан оларкан?

– Столингиздан.

– Шунаками? Утдог бўлса буёкка чакиринг.

Мураббия чиқиб кетгач Биковский ёзув столи олдида турган креслога ўтириб, кўзларини юмиб, хаёлга чўмди. У нима учундир бир газча келадиган напирос чекиб турган, тамаки тутунлари ичига кўмилиб кетган Серёжани кўз олдига келтирган эди, кулиб юборди. Шунинг билан бирга, мураббиянинг жиддий ва хавотирланган юзи аллақачонлар ўтиб кетган ва унутилган вақтларни эслатди, у вақтларда мактабда ва уйда тамаки чекилса педагог ва ота-оналарни қандайдир бир дахшат босарди. Болаларни роса савалашарди, гимназиядан ҳайдаб юборишарди, тамаки чекишнинг зарарини ва қанака жиноятлигини на педагог, на ота-оналар билмасалар ҳам, шундай чораларни кўллаб, болаларнинг умрини майиб қилар эдилар. Ҳатто унча-мунча ақли расо кишилар ҳам ўзлари билмаган ва тушунмаган жиноят билан ўйламай-петмай курашардилар. Евгений Петрович, ўзи ўқиган гимназия директорини эслади. У жуда маълумотли ва хушфёъл мўйсафид бўлиб, агар напирос чекиб турган гимназистни кўриб қолса, шу қадар кўрқиб, ранглари оқариб кетарди. Шошинич суратда педагоглар кешанини чакириб, гунохкорни гимназиядан ҳайдашга қарор қилдирарди. Бу дунёнинг қонуни шунақа бўлса керак: ёвузлик қанча номаълум бўлса унга қарши шунча кескин ва кўпол курашадилар.

Прокурор яна, гимназиядан чиқарилган икки-уч болани, уларнинг ундан кейинги кўрган умрларини эслади-да, бериладиган жазо жиноятга қараганда кўпроқ зарар келтиради деган фикрга келди. Тирик жон ҳар қандай шароитга ўзини мослай олиш, тезда кўникил қобилиятига эга, йўқса одам ўзининг ўйлаб қилган ҳар бир ишининг тагида ақлсизлик борлигини ва ҳатто педагоглик, ҳуқуқшунослик, алиблик фаолиятларидек оқибати масъулиятли ва дахшатли фаолиятларда асл ҳақиқатнинг нақадар оз эъқалигини ҳар қаламда сезиб туришга мажбур бўлар эди.

Чарчаган ва энди роҳатланаётган мияга келувчи снгул ва ҳавойи фикрлар Евгений Петровичнинг миясида ҳам ўрмалай бошлади, улар қаердан ва нима учун келадилар – номаълум; мияда бирпас айланишади-да, унинг чуқур бурчакларига

кирмай, яна ўрмалашиб чикиб кетади. Соат сайин, ҳатто кун бўйи ўз амали ва иш атрофидаги фикрлар билан банд бўлган кишилар учун уйга қайтганда келадиган бундай эркин фикрлар бир роҳат...

Оқшом, соат саккиздан ошган. Тепада, болохонада кимдир уйнинг у бошидан бу бошига кезиб юрар, учинчи қаватда эса кўшиқлар икки кишилашиб рояль чалишар эди. Тепадаги кишининг уйни ке-зиб юриши (унинг тез ва асабийлашиб юриши бирон нарса устида жуда бош қотирганидан ёки тиши оғриганидан дарак берар эди) ва роялнинг бир оҳангда чалиниши кечанинг сукунати ва кишини мудратар эди. Икки хонадан нарида жойлашган болалар бўлмасидан мураббиа билан Серёжанинг овози келарди.

- Дадам келди! - деб ашула айта бошлади Серёжа. - Дадам келди! Да! Дам! Да!

Veret r'ere vous appelle, alliz vite - деб қичқирди мураббиа хурқан кушдай чийиллаб. - Сизга айтаман!

«Нима десам экан унга?» - деб ўйлашиб қолди Евгений Петрович.

Бироқ у бирон нарса ўйлаб тонгунича етти ёшларга кирган ўгли Серёжа кабинетга кирди. У шундай эдики, унинг қайси жинсга тобеллиги устидаги кийимидангина аниқлаш мумкин эди: нимжон, юзи опшок, орик... У худди царшиқда ўсган ўсимликдай нозик бўлиб, ҳаракатлари, жингалак сочлари, кўз боқишлари, бахмал камзуллари гоятда мулойим ва юмшак кўришарди.

У отасининг тиззасига чикиб, майин товуш билан:

- Яхшимисиз, дада! - дедида ва бўйиндан ўтди. - Сиз мени чакиртирувдин изми?

- Кечирасиз, кечирасиз, Сергей Евгеньич, - деб жавоб қилди отаси, уни ўзидаш итариб. - Ўшишдан олдин биз яхшилаб гаплашиб олингимиз керак... Мен сендан хафаман, сени энди яхши кўрмайман. Шуни билиб қўй, оғайни: мен сени ёмон кўраман, менга ўғил ҳам эмассан... Хўш...

Серёжа отасига тикилиб қаради, кейин столга ўгирилди-да, елкасини киеди. У таажжубланганидан, кичрикларини пириллатиб деди:

Мен сизга нима ёмонлик қилдим? Мен бугун сизнинг кабинетингизга бир марта ҳам кирганим йўқ, ҳеч нарсангизга ҳам тегмадим.

Наталья Семёновна ҳозир сенинг устингдан менга арз қилди. Папирос чекар эмишсан... Шу гап ростми? Папирос чекадиган бўлдингми?

Ҳа, рост... Бир марта чекдим-да...

Ана, кўрдингми, - деди прокурор, илжайишини яшириш учун қовоғини солиб. Бунинг устига ёлғон ҳам кўшасан! Сенинг папирос чекканингни Наталья Семёновна икки марта кўрибди. Демак, сен учта жиноят билан қўлга тушдинг: папирос чекасан, бировнинг столидан папирос олсан ва ёлғон гапирасан, учта гуноҳ-а!

– Ҳа-ҳа, рост! – деди Серёжа қилган иши эсига тушиб ва жилмайди. – Рост, буниси рост! Икки марта чекдим: биттасини бугун, биттаси илгари.

– Мана, кўрдингми, демак бир марта эмас, икки марта чекибсан... Мен сендан жуда хафаман! Илгари сен яхши бола эдинг, аммо энди бузилибсан, ёмон бола бўлибсан.

Евгений Петрович Серёжанинг букилиб қолган ёқасини тўғрилаб қўйди-да, «тагин нима десам экан?» деб ўйлади.

– Яхши эмас, – деб давом этди у. – Мен сендан бунақанги ишларни кутмаган эдим. Биричидан, бировнинг тамақасини олишга ҳақнинг йўқ. Ҳар бир киши фақат ўз молигагина эга, агар бировнинг нарқасини олса у... ёмон одам! («Бошқача гапларни айтиш керак эди!» деб ўйлади Евгений Петрович). Масалан дейлик, Наталья Семёновнанинг сандик тўла қўйлақлари бор. Сандик уники, шунинг учун биз, яъни сен ҳам, мен ҳам унга тегишга ҳаққимиз йўқ, чунки у бизники эмас. Тўғрими? Сенинг тойчаларинг, расмларинг бор... Мен уларга ҳеч тегмайман-ку! Эҳтимол, менинг ҳам ҳавасим келар, бироқ... Улар меники эмас, сеники!

– Истасангиз ола қолинг! - деди Серёжа, қолларини чиқариб, – дадажон, уялмасдан олаберинг. Сизнинг столингиз устида турган сарик итча ҳам меники, аммо мен сира индамайман-ку... Тураверсин!

- Гашига тушунмаётирсан, - деди Биковский. У итчаши сен менга ҳадя қилиб бергансан, у энди меники, нима қилсам



шуни қиламан. Аммо мен сенга тамакини ҳадя қилганим йўқ эди-ку! Тамаки меники! («Бутунлай бошқа гапларни гапираётирман!») - деб ўйлади прокурор. – «Айтадиган гаплар бу эмас!». Агар бировнинг тамакисини чекнинг келса энг олдин эгасидан сўрашинг керак...

Биковский, худди болаларга ўхшатиб сўзлашга гиришиб, гапларни зўрға-зўрға бир-биринга улаб, хусусий мулкнинг нималигини ўглига тушунтира бошлади. Серёжа отасининг кўзларидан кўзини узмай, диққат билан тингларди (у кечкурунлари отаси билан суҳбатлашини яхши кўрарди), кейин столга ёнбошлаб, узокни кўролмайдиган кўзларини қисиб, қоғоз билан сиёҳдонга тикилди. Унинг кўзлари бутун столни кезиб чиққач, елим шишасида тўхтади. Шишани олиб, кўзига яқин келтириб, бирдан:

– Дада, елим нимадан қилинади? – деб сўради.

Биковский шишани унинг қўлидан олиб столга қўйди.

– Иккинчидан, тамаки чекар экансан... Бу жуда ёмон нарса! Мен ҳам папирос чекаман, аммо мен бошқа, сен бошқа. Мен папирос чекаман-у, бироқ чекканимга пушаймон қиламан, ўзимни ўзим сўкаман, чунки папирос ёмон нарса... («Жуда уста педагог экансан!») деб ўйлаб қўйди педагог). – Тамаки кишининг сиҳатини бузади, тамаки чеккан одам олдин ўлади. Сенга ўхшаган ёш болаларга тамаки чекин, айниқса зарарли. Сенинг кўкрагинг ожиз, ҳали етилгани йўқ, кўкраги ожиз одамлар папирос чекса сил бўлади, бошқа хил касалларга йўликади. Ана, Игнатий амакинг ҳам сил бўлиб ўлди. Агар у тамаки чекмаганида балки ҳозир ҳам тирик юрган бўларди.

Серёжа хаёлга ботиб, лампага қаради, бармоғи билан унинг калпоғини силаб, узок нафас олди.

– Игнатий амаким скрипкани яхши чалар эди, – деди у. – Унинг скрипкаси Григорьевларникида.

Серёжа яна стол чегига ёнбошлаб, хаёлга чўмди. Унинг сўзларини юзида шундай аломат пайдо бўлдики, гўё у бир нарсага диққат билан кулок солгандай ёки ўз фикрларининг боришини кузатаётгандай эди. Унинг катта ва бақрайган кўзларида қайғу ва қандайдир кўркинч акс этарди. Балки у, ўзининг ойиси ва Игнатий амакисини олиб кетган ўлим тўғрисида ўйлаётган бўлса керак. Ўлим – оналарни ва амакиларни у дуниёга олиб

кетаркан, уларнинг болалари ва скрипкалари бу дунёда қоларкан. Ўлган одамлар осмонда юлдузларга яқин бир жойда яшарканлар, улар у ердан ерни томоша қиларканлар. Жудодликка чидай олармикан улар?

«Тағин нима десам экан? – деб ўйларди Евгений Петрович. – Гаҳимни эшитмайди, хаёли бошқа ерда. Ўзининг жипоятлари, менинг насихатларимни аҳамиятсиз нарса деб, нарво қилмаса керак. Қандай қилиб мен унга тушунтирай?».

Прокурор ўрнидан туриб, кабинетда юра бошлади.

«Илгарилар, ёш бола чоғимда, бундай масалалар жуда осонлик билан ҳал этиларди, – деб ўйлади у. – Папирос чеккан боланинг иштонини ечиб роса савалар эдилар. Қўрқок ва тортиқчоқлари чекишти ташлардилар, ақлли ва ладилрок болалар калтак егандан кейин тамакини этик кўнжида олиб юриб, бостирмага кириб чекадиган бўлардилар. Агар бостирмада ҳам қўлга тушиб қолинса сой бўйига бориб чекардилар, то ўсиб катта бўлгунича шундай қилардилар. Мени папирос чекмасин деб, онам менга нукул пул ва конфетлар бериб юрарди. Ҳозир эди бу воситаларнинг кучи қолмади, ахлоққа ҳам тўғри келмайди. Ҳозирги замон педагоглари эса мағликий йўлга кириб, гўдак боланинг қўрққанидан, бонқаларга ибратли бўлиш ёки муқофот олиш йўли билан эмас, балки онгли равишда одобли бўлишига тиришадилар».

Евгений Петрович уй кезиб хаёл сураркан, Серёжа оёқлари билан столга чиқиб олди-да, столга энгашиб, сурат солишга киришди. Керакли қоғозларга ва сиёҳга тегмасин учун, ҳаммавақт столда фақат унга атаб қирқилган қоғоз ва кўк қалам ётарди. Серёжа уй суратини солатуриб, тилини осилтириб:

– Бугун Кухарка карам кесаман деб бармоғини кесиб олди, – деди. – Бир бақирдики, ҳаммамиз кўркиб кетибмиз, ошхонага югурдик. Вой, тентагей! Наталья Семёновна унга бармоғинини совуқ сувга тик деса, у қонини сўради... Кир бармокни қандай қилиб оғзига тикар экан-а! Дада, бу беодоблик-ку!

Кейин у, тушки овқат вақтида қўрага шарманчик билан бир киз киргани, у кизнинг чолғу билан кўшиқ айтиб, ўйнаб берганини ҳикоя қилиб берди.

«Унинг мясида ўзига хос фикрлари бор, деб ўйларди прокурор. – Унинг ўзига хос дунёси бор, қайси нарса муҳим, қайсиси муҳим эмас, буни ўзича ҳал этади. Унинг диққатини ва оштини жалб эгиш учун болаларга ўхшатиб гапириш кифоя қилмайди, балки у каби ўйлашни ҳам билиш керак. Агар мен ҳақиқатдан ҳам тамакинни қизгансам, ундан хафа бўлиб кўз ёши қилсам яхши тушилиб олар эди. Болаларни оналардан яхшироқ тарбиялайдиган одам йўқ, чунки, улар болалар ҳис қилган нарсани ҳис этадилар, улар билан кулишади, йиғлашади... Мангик ва одобли сўзлар билан ҳеч нарсага эришолмайсан. Хўш, тагин нима дейман унга? Нима?».

Умрининг ярмини одамларга турли жазо бериш, жиноятнинг олдини олиш ва хоказоларга сарф қилган тажрибали ҳуқуқшунос Евгений Петрович болага нима дейишини билмай, ўзини йўқотиб кўйганидан тааажжубланар ва куларди.

Менга қара. деди у. – Бундан буён сира папирос чекмасликка сўз бер.

Серёжа столга яна пастроқ энгашиди-да, қалам учини қаттиқ босиб:

– Сўз бе-раман. Сўз бе-ра-ман! Ман! Ман! – деди.

«Сўз беришнинг нималигини ўзи билармикан?» деб сўради Биковский ўзидан. – Йўқ, мен сира ҳам мураббий бўлолмайман! Агар биронта педагог ёки ҳамкасбларимдан бири шу топда мянга кириб бир қараб чиқолса, мени латта дерди ва ҳаддан ортиқ ақли бўлибди деб гумон қиларди... Чалқаш масалаларни уйда ечин кийин, мактабда ёки судда жуда осон, бу ерда жонингдан азиз кўрган одамларга дуч келсан, севги жуда ишжик бўлади, масалани чалқаштиради. Агар мана бу бола менинг ўғлим бўлмай, гимназия шогирди ёки айбдор бўлса мен бунчалик кўркмаган бўлардим, фикрларим ҳам паришон бўлмасди...»

Евгений Петрович стол ёнига келиб ўтирди-да, Серёжа чизган суратлардан бирини олдиға тортиб қарай бошлади. Расмда томи кийшайиб кетган уй, мўридаш яшиндай қишқир-кийшиқ бўлиб чиқиб, қоғознинг бир бурчагига бориб йўқолган тутун солинган, уй ёнида солдат турибди, солдатнинг кўзлари ўрнига биттадан нукта қўйилган, милтигининг найзаси 4 рақамга ўхшайди.

– Одам сира уйдан баланд бўлмайди. – деди прокурор. – Мана бунга кара: солдатнинг елкаси том билан барабар.

Серёжа отасининг тиззасига чикиб, яхши жойлашиб олгунча анча кийшалади.

– Ҳечбир-да! – деди у, суратга қараб. – Солдатни кичкина қилиб солсанг – кўзлари кўринмай кетади.

Бола билан бахсланиб бўладими? Ўз ўғлига ҳар кунни назар солиб юрган прокурор шундай фикрга келдики, ёввойи одамлар сингари болаларнинг бадний қаранглири ҳам ўзгача, уларнинг талаблари ҳам ўзларига хос, бунга катта одамлар сира тушуниб етолмайдилар. Диккат билан синчиклаб қараган кишига Серёжа тентак, бефаросат бўлиб кўриниши мумкин. У одамларни уйдан баланд қилиб содишни, буюмлардан ташқари ўз хиссаларини ҳам қалам билан тасвирлашни мумкин деб билади. Масалан, мусика овозини у тутунга ўхшатиб солади, хуштак товушини буралиб-буралиб кетган илга ўхшатиб чиқади... Унинг хаёлида овоз шакли ва рангли бўлиб кўрилади. шунинг учун Л харфини ҳамавақт сарик, М харфини кизил, А харфини қора қилиб бўяйди.

Серёжа сурат солишдан зеркиб, яна ўйнайроқ жойлашиб олди-да, дадасининг соқоли билан шугулланади. Олдин соқолни тириштириб таради, кейин иккига ажратди-да, икки ёққа қаратиб тарай бошлади.

– Ҳозир Иван Степановичга ўхшайсиз, – деб шивирлади у. – Мана энди... Бизнинг дарвозабонимизга ўхшайсиз. Дада, дарвозабонлар нимага эшик олдида туришади? Ўғри кирмасин дебми?

Ўғлининг нафаси унинг юзига урарди, юзи билан унинг сочларини силарди. қалби шу қадар илқ ва эриб кетган эдики, унга гўё Серёжанинг бахмал камзулини қўли билан эмас, башки жони билан кучоклаб олгандай туюлар эди. У ўғлининг катта қора кўзларига тикилиб қарарди, бу кўзларнинг қорачуғида ўзининг онаси, хотини ва бутун севган нарсалари унга қараб тургандай бўларди.

«Буни саваланга қўл борармиди? – деб ўйлади у. Қандай қилиб жазолайсан болани? Йўқ, бўлмайди, бизлар тарбиячи бўлолмас эканмиз. Илгари замонлар одамлар содда эди, кўп ўйлаб бошларини қотириб юрмас эдилар. масалаларни ҳам

шарпта ҳал қилар эдилар. Биз бўлсак ўйлаганимиз ўйлаган, ҳаммаёғимизни магтик босиб кетган... Одам қанча ўқимишли ва билимдон бўлса, қанча кўп ўйласа ва тағ-туғини суруштир-са, шунча жасоратсиз бўлади, ишга ҳам кўрқа-писа киришади. Нафсиламрига қараганда таълим бериш, кишиларни суд қилиш, қалин китоблар ёзини учун кишида қанча куч, ирода ва ўзига ишонч бўлиши керак...»

Соат тўққизга жом ўрди.

Ўғлим, бориб ёт энди, – деди прокурор. – Хайрлашгинда, бориб ёт.

– Йўғей, дадажон, – деди Серёжа эркалик билан. – Тағин бирпас ўтирай. Бир эртак айтиб бериш!

– Марҳамат. Эртак айтиб бўлганимдан кейин бориб ётсанг айтиб бераман.

Кўли бўш кечалари Евгений Петрович Серёжага эртаклар айтиб берарди. Умри нуқул иш билан ўтадиган кишилар сингари битта ҳам шеърни ёддан билмас эди, ҳамма эртаклар унинг ёдидан чиқиб кетган эди, шунинг учун эртакларни хар сафар ўзи тўкиб чиқарар эди. Одатда, у «бир бор экан, бир йўқ экан»дан бошлаб, давомини ўзи тўқир эди, бошини айтиб, ўртаси нима бўлади, охирида нима келади, буни ўзи ҳам билмас эди. Манзаралар, шахслар тўсагдан тўкиларди, эртакнинг фабуласи ва ундан чиқадиган маъно ҳикоячининг ихтиёрисиз, ўз-ўзидан келиб чиқарди. Серёжага бундай тўқималар жуда ёқарди, эртак қанча оддий бўлиб чикса болага шунча кучли таъсир қилиши прокурорга ҳам ёқар эди. У кабинетнинг шиппага қараб, бошлади:

– Тингла, бўлмаса. Бир бор экан, бир йўқ экан, бир мамлакатда ошпоқ соқози киндигача ўсиб тушган бир подшо бор экан. У подшо ойнадан ясалган қасрда яшаркан, қаср худди қаттақон яхдай офғобда ялтираб тур аркан. Қасрнинг ўзи ҳатто боғда бўлиб, агрофи анельснлар, олча-гилюслар, анорлар билан тўла экан, атиргуллар, лолалар гуллаб ётаркан, булбуллар сайраркан... Хўш... Дарахтларнинг шоҳларига шиша қўнғироқлар осилган экан, шамол турганда у қўнғироқлар шу қадар сайрарканки, уларнинг овози қушлардан ҳам ўтиб кетаркан. Темирдан кўра вишадап чиққан овоз анча назикрок бўлади... Хўш деганимда... Боғда фонтанлар бор экан... Соёя

холоангининг боғида кўрган фонтан эсингда борми? Подшошинг боғидаги фонтанлар ҳам худди ўшанака экан-у, аммо каттарок экан, улардан отилиб чиққан сув терак бўйича келар экан.

Евгений Петрович у ёғини ўйлаб олди-да, давом этди.

– Қари подшошининг худди сенга ўхшаган ягона ўғли ва меросхўри бор экан. У жуда яхши бола экан. Сира хархаша қилмас экан, эрта ётиб ухларкан, стол устидаги нарсаларга тегмас экан ва... ва хуллас, ақлли бола экан-да. Унинг биргина нуксони бор экан: папирос чекар экан...

Серёжа, кўзларини отасининг кўзларига тикиб, диққат билан тишлар эди. Прокурор эртакини давом эттириб, «Бу ёғи нима экан?» деб ўйларди. У анчагача эзмаланиб ва чўзиб, ниҳоят, тамом қилди:

– Шахзода папирос чекавериб, сил бўпти, 20 ёшга кириб, ўлибди. Қаршанидан букчайиб қолган чол мададсиз қолти. Душманлар келиб, подшо чолни ўлдиришибди, қасрини бузишибди. Боғда энди ҳеч нарса қолмапти, гилослар ҳам, булбуллар ҳам, қўнғироклар ҳам қолмапти. Мана шунақа, оғайни...

Эртакиниш бу хилда тугани Евгений Петровичнинг ўзига кулили ва ғайри табиий кўрици, бироқ Серёжага қаттиқ таъсир қилди. Унинг кўзларида яна қандайдир қайғу ва кўрқинч акс этди, у қон-қоролги деразага бирпас қараб турди-да, сесканиб бўғик овоз билан:

Энди сирям папирос чекмайман... деди.

У хайрлашиб ўз бўлмасига чикиб кетгандан кейин, Евгений Петрович кабинетнинг у бошидан бу бошига юриб ўзидан ўзи жилмаярди.

«Буни эшитган одамлар болага гўзал эртақ, бадий сўзлар таъсир этди. дердилар, деб ўйларди у ўзича. – Балки шундайдир, аммо бу йўл нотўғри йўл. Бу нотўғри восита... Одоб ва ҳақиқатни яланғоч холида эмас, балки бошқа балоларга қўшиб, устига шакар сециб, либос кийдириб кўрсатишнинг нима кераги бор? Бу нотўғри... Сохтачилик... Ҳийлакорлик бу...»

У, албатта «нутқ» сўзлаши керак бўлган суд амалдорларини, тарихли фақат эртақ ва тарихий романлардан билиб олган кишиларни, ҳаёт маъноларини ваъз ва қонулардан эмас, балки масаллардан, романлардан, байтлардан ўзлаштириб олган ўзини ҳам эслади:

«Дори ширин бўлиши, ҳақиқат эса гўзал бўлиши керак... Бу ахлоқона фикрни ишсон ҳазрати Одам замонидан бери ўзига сингдириб келади... Балки... Бу табиийдир, шундай бўлмоғи ҳам керакдир... Фойдали пуч хаёллар, ёлгонлар табиатда озми...»

У ишламок учун стол ёнига ўтирди, бироқ хонаки ва ялқов фикрлар анчагача унинг миёсида кезиб юрди. Учунчи қаватда рояль товушлари тинган, бироқ иккинчи қават эгаси ҳамон ўз уйишиг у бошидан бу бошига кезиб юрарди...

## УЗУН ТИЛ

**Б**угун эрталаб Ялтадан келган ёшгина жувон, Наталия Михайловна тушлик қилиб ўтириб Қримдаги оромижонлар ҳақида бидирлаганича эрига ҳикоят этарди. Суюнчи ичига синмаган эри эса унинг жўшқин юзига боқарди, сўзларига кулоқ соларди ва ора-сира савол ҳам бериб кўярди...

– Лекин у ёқда жуда қимматчилик эмиш-а? – дея сўз ора сўраб кўйдди.

Нима десам экан? Менимча нарх-навоми жуда ошириб айтишган бўлса керак, даласи. Шайтон ҳам тасвир этилганидек кўркинчли эмас. Масалан, Юлия Петровна иккимиз кушга йиғирма сўмдан тўлаб кетиворган номерда турдик. Ҳамма ган, жонгинам, ишнинг кўзини билишда. Албатта, агар тоғ-моққа чиқадиغان бўлсанг... Масалан, Ой-Петрига дейлик ... От кира қиласан, стакчи оласан, – у вақт албатта катта чикимдор бўлишга тўғри келади. Вой-вой, жуда қимматга тушиб кетади! Ваягина, у ердаги тоғлар қайда! У тоғлар шундай баланд, шундай баландки, мингта черков бўйи келади... Тенаси хар доим туман, туман, туман... Этаклари тош, тош, тош... Бодомзор, эх, эсласам туролмайман!

– Дарвоқи... сенинг йўқлигингда ашлақайси бир журналда ўша ерли стакчи тотарлар ҳақида ёзилган хабарни ўқидим... Жуда разиел кишилар экан-ку! Ҳақиқатдан ҳам шунақа бўлакча одамларми?

Наталия Михайловна юзини нафратла тириштириб, бош чайқади.

– Эл катори одамлар, ҳеч бўлакча эмас... – деди. – Ҳе-я, мен уларни узоқдан... Менга кўрсатишди-ю, лекин мен эътибор қилмадим. Ҳар вақт мен у черкес, юнон, арабларга ундай назар билан қараб келаман, даласи...

– Ўлғудай хогинбоз бўлармиш.

– Эҳтимол! Шундай юзсиз хогинлар бўладики, улар...

Наталия Михайловна, даҳшатли бир нарса эсига тушгандек сапчиб ўрнидан турди, эрига кўрқувли кўзлари билан ярим дақиқагина тикилиб қарагач, сўзларни чўза-чўза деди:

– Васягинам, қандайин ах-лок-сизлар борлигини мен сенга айтиб бераман! Вой беҳаёллар! Қораки, қора халқ ё ўрта даражали кишилар бўлса ҳам гўрга дейсан, бу ишларни яланг оқсуяк ва аслзодалар қилади! Кўриб юрагим оркамга тортиб кетди, ўз кўзларимга ишонмадим! Ўлсам ҳам эсимдан чикмайди! Ҳа-да, шу даража ўзини йўқотиб қўйиш... эҳ, Васягинам, ҳатто тилим ҳам ор қилади ганиришга. Мана, масала, ҳамроҳим Юлия Петровнани олсак... Бирам яхши эри, ойдек болалари бор... ўзи эса тупна-гузук оиладан, ҳар вақт ўзини авлиёдек кўрсатиб юради. Ана энди шу хотин, билсанг... хой, даласи, бу гаплар, албатта, *entre nous*<sup>1</sup> ҳеч кимга айтмаслигинг тўғрисида ваъда берасан-да!

– Ана уни қаранг энди! Албатта, айтмайман.

– Чин сўз-а? Ҳа-да! Мен сенга ишонаман...

Жувон вилакани қўйди, юзига сирли тус бериб, аста шивирлади:

– Уни қарагинки... Ана ўша Юлия Петровна токка чиқди... Ҳаво жуда яхши эди. У ўзининг етакчиси билан олдинда борди, орқароқда – мен. Уч-тўрт чакирим юрганимиздан сўнг бир вақт Юлия айюханшос солиб, кўкрагини юла бопласа борми, Васягинам! Тотор келиб дарров белидан кучоқлаб олди, йўкса эгардан кулаб кетарди... Мен ўз етакчим билан унинг олдига етиб келдим... «Нима гап, нима бўлди?» – деб сўрадим. «Вой, ўламан! Аҳволим ёмон бўлиб кетаяпти! Энди юролмайман!» – деб бакирди. Паккос эхонам чиқиб кетса бўладими? «Йўкса, орқага қайтайлик!» дедим. «Йўк, Наталия орқага ҳам қайтолмайман, агар бир олим ташласам оғрикка

<sup>1</sup> *Entre nous* (франц.) – ўзаро.



чидолмай ўламан! Чангтак тугяпти» - деди ва мендан ҳам менинг Сулаймонимдан ялиниб-ёлвориб шаҳарга кайтишимизни, у ердан бунинг дардига даво бўладиган дори келтиришимизни илтимос қилади.

Шошма... Гапинга тушунолмай қолдим... - дея гудурлади эри маплайини қашиб. Боя бу тотарларни фақат узокдангина кўрганман, деб эдинг, мана энди аллақандай Сулаймон тўғрисида гапираясан.

Жувон тарикча ҳам изза тортмасдан:

Ана, яна сўзни қийиғига олаясан! -- деб юзини буриштирди. – Гумонсираган одамни ҳеч жишим севмайди. Асти! Ахмоқчиликнинг ўзгинаси!

– Мен қийиғига олаётганим йўқ, лекин... ёлгон гапиришнинг нима кераги бор? Тоторлар билан сайр қилибсан, бўларини бўпти, лекин... имонни ютти нега даркор.

– Астафурullo... Галаги-я! деди жувон тепа сочи тик бўлиб. - Сулаймонга кунчилик қияпти! Тоққа етакчисиз чиқиб кўрсанг эдинг, кўрардим! Ҳа, кўриб кўярдим! У ернинг аҳволини билмаганингдан, тушунмаганингдан сўнг, яхшиси, илламай ўтиравер. Ҳа, жим ўтиравер, жим! У ерда етакчисиз бир одим ҳам ташлаб бўлмайди.

Бўлмасам-чи!

- Унақа ахмоқона ишжайишингни кўй! Мен сенга Юлия эмасман. Мен уни оққа чиқараётганим йўқ, лекин мен!.. Лекин мен ўзимни авлиё қилиб кўрсатмасам ҳам, ҳарқалай, ўзимни унчалик йўқотиб қўйганим йўқ. Менинг Сулаймоним хаддидан ошмади... Ошмади! Маматқул Юлиянинг олдидан бир қарич ҳам жилмади десам бўлади... Мен эсам соат ўн бир деганда дарҳол: «Сулаймон, марш, жўнан!» – дейман. Тоторим секин жўнаб қолади. Унинг жилови қўлимда эди, дадаси... Агар пул-мул ё бўлак нарсга тўғрисида оғиз очгундай бўлса, дарҳол: «Нима-а? Нима-нима? Хў-ўш?» - деб ўшқирсам жони чиқиб, мурданинг ўзи бўларди-қоларди... ха-ха-ха... Кўзлари, билсанг, Васеяжоним, бирам қора, бирам қораки, худди кўмирнинг ўзи дейсан. Турки тоторча, тўпоригина, кизикгина... Мен уни мана шундай ушлаб олардим! Мана!

Эри ион юмалоқлаб ўтириб гулдиради:

- Биламан!

- Нодонлик бу, Вася! Миянда нима фикрлар борлигини билиб турибман ахир. Нима ўйлаётганингни биламан!.. Лекин мен сени ишонтира оламалки, у хатто сайр килиб юрган вақтимизда ҳам халдан ошгани йўк. Масалан, тоққа чиқсак ҳам, Учун-су шалоласига борсак ҳам, ҳар вақт унга: «Сулаймон, оркада юр! Оркада!» деб кўяман. Бечора ҳар вақт оркада юради... Ҳаттоки, ўшандай вақтларда ҳам... ҳа, юрагингни чангаллаб юрадиган жойларда ҳам «ҳар қолда эсиндан чиқмасинки, сен фақат бир тоторсан, мен эсам катта амалдорнинг хотиниман!» - дердим. Ха-ха-ха!

Жувон қаҳқаҳлаб кулдию, ялт ўтирилиб, юзига кўркувлик тус бергач, шивирлади:

- Лекин Юлия эса! Вой, Юлия-эй! Васяжоним, маъносиз ақобирлар ҳаётидан дам олиб нега шўхлик қилмайлик? Қилиш керак... Ўйна, кул, марҳамат, ҳеч ким сенга дашном бермайди, лекин бунга жиддий тус бериб, галва қилиш... Сен нима десанг-де, лекин мен бунга тушунолмаيمان! Қара-я, менга кунчилик килиб юрибди! Аҳмоқчилик эмасми-а?.. Бир кун уни хуштори Маматқул қидириб келди... Юлия уйда йўк эди. Мен уни ўз уйимга олиб кирдим... ўртамизда ган кетди... У дедик, бу дедик... улар жуда дилкаш одамлар! Оқномимиз шундай яхши ўтди. Бир вақт Юлия кириб қолди-ю, мен билан уришди. Маматқул билан ҳам уришди... Бизни ўйнашга ҳам чиқариб қўйди дегин... тфу! Мен бундай нарсага тушунолмаيمان, Васяжоним!..

Васянинг қош-қовоғи тушиди, уйда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Ниҳоят, жирканч билан кулимсираб туриб:

- Вақтларингиз хўб чоғ ўтибди, тузук! - деди гулдираб.

Наталья Михайловна хафа бўлди:

А-а, аҳмоқчилик-ку бу! Биламан нималар ўйлаётганингни! Нуқул миянда шунақа ифлос фикрлар юради! Энди сенга ҳеч нима айтмайман! Ҳеч нима!

Жувон лабларини бурди-да, жим бўлди.

## МУЖИКЛАР

### I

**М**осквадаги «Славян бозори» мусофирхонасининг ма-  
лайи Николай Чикильдеев касал бўлди. Унинг оёғи тортишиб,  
силтангланиб юрадиган бўлиб қолди. Бир куни патнисда яхна  
гўшт, нўхат кўйиб бораётганда йўлакда қоқилиб, йиқилиб  
тушди. Хизматдан чиқиб кетишга тўғри келди. Ўзининг ва  
хотинининг пулларини дори-дармонга сарф қилиб, овқатга  
ҳам пул қолмади, ишсизликдан зерикди, сўнгра ўз қишлоғимга  
борсам яхши бўлар деб ўйлади. Ўз уйинида касаллик ҳам  
билинмайди, харажат ҳам кам; уйда бўлсанг ҳар бир девор  
суййди, деган гап бежиз эмас ахир.

Николай кеч пайтда ўз қишлоғи Жуковога кириб келди.  
Болалик чоғлари осига тушганда, тугилиб ўсган уйи ҳаёлида  
ёруғ, дилдор, бағри кендек кўринган эди; энди уйга кираркан  
хатто кўркиб кетди: ёруғ деб ўйлаган жойи ниҳоятда қоронғи,  
тор ва ифлос эди. Николай билан келган хотини Ольга, кизи  
Саша, уйнинг салкам ярмисини эгаллаган, ис ва пашшадан қо-  
райиб кетган бесўнакай печга қараб ҳайрон бўларди. Пашша-  
нинг сон-саноғи йўқ! Печь кийшайган, деворларнинг ёғочлари  
эгри-бугри, уй худди ҳозир қулаб тушадигандек. Иконалар  
турадиган бурчакда шиша ёрликлари, газет парчалари ёпишти-  
рилган – булар гўё сурат ўрнига қўйилган. Камбағаллик, қаш-  
шоқлик! Уйда катталардан ҳеч ким йўқ, ҳамма ўроқда. Печь  
устига ёши саккизларга борган малла соч, афт-боши кир бир  
қиз бепарвогина ўтирибди. У келганларга ақалли қарамади.  
Пастда оқ мушук косовга сурқалиб турарди. Сапта:

– Ма, пиш-пиш-пиш, – деб мушукни чақирди.

Печь устидаги қиз:

– Мушугимиз кар бўлиб қолган, эшитмайди, – деди.

Нега?

Шундай. Уриб кар килишган.

Николай билан Ольга бир қарашдаёқ бундаги турмушнинг қандай эканини фаҳмладилар, ammo тугунларини ерга кўйиб, индамай кўчага чиқдилар. Уларнинг уйи бир чеккадан учишчи бўлиб, кўришини энг хароб, энг эски эди; иккинчи уй ҳам уларникидан яхши эмас, лекин учинчиси тузука томши, ойчаларига парда тутилган эди. Бу уйнинг олди гўсилмаган, ўзи алоҳида турибди. Уйлар бир қатор тизилган, бутун кишлок жимжит, хомуш, ховлилардан кўришиб турган тол, қарағай, четан дарахтлари кишлок манзарасини чиройли ва ёқимли килиб турибди.

Деҳқон уйларининг нариги томонида сой бўйига қараб тушган жарлик бор эди, бу жарлик баланд ва тикка бўлиб, гоҳ жойларда тупрок тагидан каттакон тошлар чикиб турибди. Бу тошлар, кулоллар қовлаган чуқурлар ёнида, жар бағрида айланма ёлғизоёқ йўллар бор; сишик идишларнинг қора, қизил нарчалари тўп-тўп бўлиб уйилиб ётибди, пастдаги кенг яланглик кўм-кўк ўланзор; ўланзорнинг ўти ўрилган, ҳозир деҳқонларнинг моллари ўтлаб юрибди. Қишлоқдан бир чакиримча нарида буралиб-буралиб оққан сой бўйида баррадек сабзалар яшлайди, сойнинг нариги ёғида яна кенг ўланзор, моллар ўтлаб қатор-қатор ошпоқ ғозлар юрибди, сўн ра у ёқда ҳам бу томондагидек баланд қир, қир тепасида кишлок, кишлоқда беш гумбазли черков, парирокда номенчикнинг уйи.

Ольга черковга қараб чўқингач:

– Сизларнинг жойларинингиз яхши экан, яйрайдиган ер экан, эй худо! – деб кўйди.

Худди шу пайтда кечги ибодатга кўнгирак чалинган (шанба оқшоми эди). Пастда челақда сув олиб келаётган икки қичкина қиз кўнгирак овозини эшитиш учун, черковга қайрилиб қарадилар.

Николай хаёл суриб:

«Славян бозори»да овқат вақти бўлди... деб кўйди.

Николай билан Ольга жар бўйида ўтириб қушнинг ботишини, сувда, черковнинг ойчаларида тин-тиник, соф ва салқин, мулойим ҳавода қип-қизил осмоннинг товланиб товиш урушини – Москвада ҳеч қачон бўлмайдиган бу манзарани томоша

килдилар. Қуёш ботгач пода маъраб, бўкириб ўтди. Нариги томондаги ғозлар учиб келди, ҳаммаёқ жим бўлди, хаводаги сокиг шуъла сўлди, қоронғи туша бошлади.

Бу орада Николайнинг отаси билан онаси, чол-камшир қайтиб келдилар. Икковининг бўйи баравар, мункайган, тишлари тушган, иккови ҳам озғич. Сойининг нариги ёғида помешчикликкида ишлаган келинлар Марья билан Фекла ҳам келди. Кирьяк деган ўғилларининг хотини Марьянинг олти боласи бор, солдатга олинган Денис деган ўғилларининг хотини Фекланинг икки нафар боласи бор эди. Николай уйга кириб бола-чакаларни, сўри устида, беланчакда, уйнинг хар ёғида, бурчак-бурчакларда уймаланиб юрган катта-кичик гавдаларни, чол билан камширнинг қора пояни сувга ботириб қандай иштаха билан еяётганларини кўрганидан кейин касал ҳолда, пулсиз, бунинг устига бола-чакаси билан бу ерга чакки келганини фаҳмлади – бекор қилибди!

Сўрашиб бўлганидан кейин:

- Кирьяк оғам қасқла, – деб сўради.

- Савдогарликкида, ўрмонда қоровуллик қилади, ўзи ёмон мужик эмас-у, бироқ жуда ёмон ичади, – деб жавоб берди отаси.

Камшир кўзига ёш олиб деди:

- Уддабуро чиқмади, мужикларимизнинг пенюнаси шўр, уйга таниб келмадан, уйдан ташиб кетадилар. Лайбимизни бекитиб нима қиламиз, Кирьяк ҳам хўш ичади, чол ҳам ичади, қовоқхонадан бери келмайди. Худонинг қаҳрига қолдик.

Мехмонлар келгани учун самовар кўйдилар. Чойдан баллик неси келарди, қанд мижилган ва сарғайган, пош ва идишоёқлар устида сувараклар юришибди. Ичишга одам жирканади, гаплар кишини ранжитади – мухтожлик, касаллик тўғрисидагиша сўзлашади. Бир пиёладан чой ичилигани ҳам йўқ эдики, бир маҳал, ховлидан мастнинг бўкиргани эшитилди:

Ма-арья!

- Кирьякка ўхшайди, – деди чол, – ая ўзи ҳам келиб қолди.

Ҳамма жим бўлди. Бироздан кейин худди ер тагидан келгандай ҳалиги дағал бўкирик яна эшитилди:

Ма-арья!

Катта келин Марьянинг ранги ўчди, печь ёнига бориб тикилди. Кенг яғринли, дурқун, кучли ва хунук хоғинининг

кўркиши галати кўринди. Унинг қизи, печь устида бепарво ўтирган халиги киз тўсатдан бакириб йиғлаб юборди.

Чиройли, кенг яғрили, бакувват Фекла қизни жеркиб:

– Вабо теккур, сен нега йиғлайсан? Жонинг чикмасин, ўлдирмас! – деб бакирди.

Николай чолдан суриштириб билса: Марья ўрмонда Кирьяк билан бирга туришга кўркар, эри ҳар гал ичиб маст бўлганда Марьяни йўклаб келиб, шовкин-сурон кўтариб, хотинини ҳеч аямасдан урар экан.

Худди эшик тагида яна:

– Ма-арья! – деган бўкирик эшитилди.

Марья биров уни муздек сувга шўнғитиб олгандек, энти-ка-энтика:

Худо хайр берсин, жигарларим, куткариб олинг, меҳрибонларим, унга тошириб кўйманг!... – деб гулдирди.

Уйдаги болаларнинг ҳаммаси, уларга қараб Саша ҳам йиғлаб юборди. Маст кишининг йўталгани эшитилиб, баланд бўй, қора сокол, кулоқчин кийган киши кириб келди; чироқ хира ёнганидан юзи кўришмагани учун даҳшатли туюлди. Бу Кирьяк эди. У хотинига яқин келиб унинг юзига кулочкашлаб бир мушт урди. Хотини эса калтақдан гандираклаб, чурк этмай ўтириб қолди, шу ондаёқ бурнидан қон келди.

Чол печга чикар экан:

Ана шармандалик, уят, номус. Меҳмонлар олдида-я. Қандай багтоллик! – деб гулдирди.

Кампир букчайганича нимашидир ўйлаб, ишдамай туради. Фекла беланчак тебратарди... Кирьяк чамаси ўзининг бундай даҳшатли эканлигини билиб ва бундан қувониб Марьяни кўлидан ушлаб эшикка судради, бадтарроқ кўрkitмоқ учун хайвондек бўкирди, аммо шу чоғ меҳмонларга кўзи тушиб тўхтади.

Кирьяк хотинини кўйиб юбориб, деди:

– Ҳа, келибсизлар... Туғишган оғам бола-чақаси билан келибди... – деди.

Гандираклаб туриб қип-қизил маст кўзларини йириб иконага чўкинди-да, яна ган очди:

Оғам ота уйига бола-чақаси билан келибди... Москвадан келибсизлар-да. Пойтахтдан, шаҳарлар онаси Москвадан келдим дег... Айбга қўшмайсизлар...

Самоварга яқин жойда скамейкага ўтириб идишдан хўп-лаб-хўшлаб чой ичди. Бошқалар ишдамай ўтирарди... Ўн ишлага яқин чой ичди, сўнгра скамейкага суяшганича хуррак ота бошлади.

Ётар вақт бўлди. Николай касал бўлганидан уш а чол ёнига печь устига жой солиб бердилар: Саша ерда ётди. Ольга аёллар билан ётгани саройга кириб, Марья ёнига ётар экан:

- Эй, ўргилай, кўз ёши қайгуни ювмайди! Сабрдан ўзга чоранг йўқ. Азиз китобларда, ш ар биров ўнг бетингга урса, чап бетишгни ҳам тутиб бер... дейилган, эй ўргилай, – деди.

Сўнгра Москвада, мусофирхонада чўри бўлганини салмоқлаб гапириб берди.

- Москванинг уйлари катта, бир мишг олти юзта черков бор, ўргилай; уйларда бадавлат одамлар туради, ҳаммалари чиройли, келинган, боадаб!

Марья Москва у ёқда турсин лоакал ўзининг уезд шаҳарига ҳам бормаганлигини гапириб берди. Марья ўкимаган, дуоларнинг ҳеч қайсисини, хатто «'Ой бор худоё»ни ҳам билмас эди. Марья ҳам, нарироқда булар гапига кулок солиб ўтирган иккинчи келин Фекла ҳам ниҳоятда подон бўлганларидан ҳеч нарсага тушунмасди. Икковн ҳам эрини ёқтирмас эди. Марья Кирьякдан кўрқар, унинг олдида турганда кўркканидан қалтирар ва қачонки унинг билан бирга турса, ундан арак ва тамаки хиди буруқсиб турганидан боши карахт бўлар эди. Фекладан эрингни соғинмайсанми, деб сўраганда:

– Кўйинг ўшани! – деб жавоб берарди.

Гаплари тугаб жим бўлдилар...

Куш салқини, бостирма олдида хўроз кичқириб ухлатмас эди. Тонгнинг кўкимтил нури ҳар тешикдан кўришиб турган чоғда Фекла аста-секин ўрнидан туриб эшикка чиқди, сўнгра ялашгоёқ пинишлаб каёққадир кетди.

## II

Ольга черковга бораркан Марьяни ҳам бирга олиб кетди. Улар сўкмоқдан бориб ўланзорга караб тушаётганларида хурсанд эдилар. Ольгага бу ернинг кенглиги ёқар эди. Марья бўлса овсинини яқин қариндошдек биларди. Кун чиқди. Уйкудан

карахт бўлган кирғий ўланзор тепасидан пастлаб учмоқда, сой усти хира, унда-бунда туман тенгираб юрарди, аммо сойнинг нариги томонидаги куёш шуъла ташлади, черков яркираб турибди, помешчикнинг боғида зағчалар чағилларди.

- Чош тузук, лекин камшир сержахл, уришаверади. Ўз бугдойимиз хайтгача етиб берди, энди қовоқхонадан уни сотиб олиб еб турибмиз, шунинг учун камширнинг жинибийрони чикаёғибди, кўп нон ейсизлар, деб жаҳл қилади, - деди Марья.

- Эй, ўргилай. Сабр қил, бошка чора йўқ. Китобла, барча ожиза ва бечоралар, ғам-ғуссада қолганлар сабр қилинлар, дейилган.

Ольга салмоқлаб сўзлар, юргада тиширчилаб, тез юрар эди. Ҳар куни отиноилардек кироат билан инжил ўқир, ўқиганининг кўпига тушунмаса ҳам азиз сўзларга келганда кўнгли бузилиб йишлаб, «ашче» «дондеже»<sup>1</sup> каби сўзларни юраги эзилиб, ҳазин товуш билан айтар эди. У Худога, биби Марьямга, азиз-авлиёларга ишонар, дунёда на олдий одамларга, на немисларга, на лўлиларга ва на яхудийларга, хуллас ҳеч кимга озор бериб бўлмайди, ҳатто хайвонларга ҳам озор етказган кишининг шўри курийди, деб билар эди, муқаддас китобларда шундай ёзилган деб ва шунинг учун бу муқаддас китобларни ўқиганда, гарчи сўзларига тушунмаса ҳам, кўнгли бузилиб, юзи ёришиб, раҳм-шафқат аломатлари пайдо бўларди.

Сен қаерликсан? - деб сўради Марья.

Мен владимерликман. Москвага бориб қолганимга анча бўлган, саккиз ёшимда.

Сойга яқинлашдилар. Соининг нариги бўйида сув ёқасида қандайдир бир хотин ечинмоқда эди.

Марья у хотини таниб:

Бизнинг Фекла-ку, - деди, - соининг нариги бўйидаги бойнинг ховлисига бориб келаётгандир. Унда бойнинг гумашталари бор. Шундай шўх, қакажонки, асло кўябер!

Қора кош, сочлари ёйилган, ёш, дурқун, киздек Фекла сой бўйидан ўзини сувга ташлаб, оёқлари билан сувни шалолатиб кетди, тўлқинлар ҳар томонга ёйилди.

<sup>1</sup> «Ашче» - агар, «дондеже» - қачонки; ҳар икки сўз - экин славянча диний сўз.



Марья яна:

Бениҳоят шўх, леги.

Сой устида лапанглаб турган ёлғизоёқ ёғоч кўприк бўлиб, кўприк тагида зоғора баликлар галалашиб юрар эди. Сувга энгашиб турган майда буталар баргида шудринг томчилари яркирайди. Хаво илиди, кўнгиш кувонади. Накалар гўзал тонг! Агар муҳтожлик, кочиб кутулиб бўлмайдиган, лаҳшатли кашшоқлик бўлмаса бу дунёда турмуш печоғлик гўзал бўларди! Агар орқага қайрилиб кишлоққа бир қаралса, кечаги ходисалар дарҳол эса тунади, бу ернинг афсонавий гўзаллиги, хурсандлик нашъаси бир лаҳзада йўқолади.

Черковга келишди. Марья ичкари киргани бөгинчолмай эшик олинди тўхтаб қолди. Гарчи ибодатга чақирган кўнғирок соат саккиздан ошганда чалинган бўлса-да, тик тураверди ва шу турганича сира ўтирмади.

Ишқил ўкилаётганда бутун халойик алғоқ-далғоқ бўлиб, черковга кириб келган помешчиклар оиласига йўл берди; оқ кўйлак, соябони кенг шляпа кийган икки киз билан матрос кийим кийган кизил юзли, семизгина бир бола кириб келди. Уларнинг келиши Ольгага таъсир қилди. У бир қараандаёқ булар одамшаванда, ўқимишли, кўҳлик кишилар экан, деб кўйди. Марья бўлса, келганлар одам эмас, йўл бермагудай бўлса уни босиб-янчиб кетадиган бало-казодек, уларга зимдан хўмрайиб, маъюсланиб қаради.

Дьякон йўғон товуш билан бир сўзни ўқиса Марьянинг назарида эри «Ма-арья» деб бўқиргандай бўларди ва чўчиб тушарди.

### III

Меҳмонларнинг келгани кишлоққа ёйилди, шунинг учун ибодатдан кейин уларни кўргани анча одам келди. Леоничевлар ҳам, Матвеевичлар ва Ильичовлар ҳам Москвада хизмат қилган қаришдошларини кўргани келди. Жуково кишлоғидан чиққан саводли болаларнинг ҳаммасини Москвага элтиб, ошхона ва мусофирхоналарга хизматкорликка берардилар (сойнинг нариги томонидаги кишлоқ болаларини эса фақат булкахонага берардилар); бу нарса қадимдан, крепостной-

лик замонидан бери расм бўлиб қолган, у замонда Жуково кишлоғида бўлган Лука Иванович деган бир дехқон нукул ўз ҳамқишлоқларини хизматга олар экан. Қилган ишлари ҳозир чўнчакка айланиб қолган бу одам Москвадаги клубларнинг бирида буфетчилик қиларди. Унинг келтирган одамлари ўр-нашиб олганларидан кейин ўз қариндошларини чақириб олиб, уларни ковокхона ва ресторанларга жойлаштирар эканлар. Шу сабабдан шу вақтдан бери атрофдаги қишлоқларнинг одамлари Жуково кишлоғини «Малайобод» ёки «Юндихўр» дерди. Николайни ўн бир ёшида Москвага элтиб, у вақтда «Эрмитаж» боғида капелъдинерлик<sup>1</sup> қилувчи ва Матвеевичлар оиласидан бўлган Иван Макарич ўрнига жойлаштириб қўйгандилар. Энди Николай Матвеевичларга миннатдорлик билан дер эди:

– Иван Макарич менинг валийицеъматим бўлган, унинг кечаю кундуз дуо қилиш менинг вазифам, чунки мен унинг орқасида одам бўлдим.

– Эй, болам, – деди кўз ёши аралаш Иван Макаричнинг опаси, новча, орик кампир, – улардан ҳеч хат, хабар йўқ.

– Қишда Омонда<sup>2</sup> хизмат қилган эди. Ҳозир шаҳардан ташқарида аллақандай бир боғда эмиш, кексайиб қолди! Бурун ёзда кунига ўн сўм ишлаган кушлари бўлар эди. Ҳозир ҳар ерда ҳам ишнинг мазаси йўқ, қариганда азобга қолди.

Кампирлар ва хотинлар Николайнинг пийма кийган оёғига, ошпоқ рангига қараб, хафаланиб дедилар:

– Улдабуро эмассан, Николай Осипич, топишингда маза йўқ! На чора!

Хамма Сашани эркалатар эди. Саша ўн бирга қадам қўйган бўлса-да, бўйи ёшига яраша эмас, пакапа, ўзи ориқ, кўрган киши уни еттига кирган дейди. Офтобда қорайган, сочлари пала-партиш қирқилган, узун ва кенг этакли кўйлак кийган, бошиқа кизлар орасида ошпоққина, шахло кўз, сочининг учига қизил тасма боғлаган Саша бир турфа кизик кўринар, худди даладан тутиб, уйга олиб келинган жониворга ўхшар эди.

– Қизим ўқишни ҳам билади! – деб мактанди Ольга, қизига мулоиймгина қараб, – қани, ўқи-чи, қизим! – деди унга

<sup>1</sup> Капелъдинер – театр, цирк каби томошахоналарда чипта текшириб турувчи одам.

<sup>2</sup> Омон – 90-йилларда Москвада бўлган бир ресторан тасисининг фамилияси.

бурчакда турган инжилни олиб бериб, – сен ўки, мўминлар эшитсинлар.

Инжил эски, оғир чарм муковасининг четлари тўзиган эди. Ундан шундай бир ҳид келдики, уйга мопахлар киргандай бўлди. Саша қошларини чимириб кироат билан бошлади:

– «Опалар чиқиб кетганларидан кейин Юсуф тушида Жаброилни кўрди, Жаброил унга айтдики, тур ўрнингдан, болани онаси билан Мисрга олиб қоч... ва мепдан хабар бўлгунча унда тур...»

– Болани онаси билан... – деган иборани Ольга яна қайтарди ва хаяжонидан кипқизариб кетди.

«Дондеже» иборасини эшитганда Ольга ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Унга караб аввал Марья, сўнгра Иван Макаричнинг опаси ҳам йиғлаб юборди. Чол йўталди ва неварасига дастурхондан бирор нарса олиб бермоқчи бўлиб, жовдиради: ҳеч нарса тополмай, қўл силтади. Шундан сўнг инжил ўқиш тамом бўлиб, таъсирланиб, кўнгли бузилган кўшнилари Ольга ва Сападан мамнун бўлиб тарқалдилар.

Байрам муносабати билан ҳаммалари кун бўйи уйда қолди. Эри ҳам, келинлари ҳам, неваралари ҳам ача, деб атаган кампир бутун ишни ўзи қилишга тиришар эди. Печни ҳам ўзи ёқди, самоварни ҳам ўзи қўйди. Ҳатто ертўлага ҳам ўзи тушар, кейин «ишлайвериб ўлиб бўлдим» деб шикоят қиларди. Бироп киши бекор қолмаслиги, бировнинг ортиқча емаслиги, чол ва келинлар бекор ўтирмаслигининг ғами ҳам унинг устида. Қўшни ковокхона эгасининг ғозлари назарида чорвоққа келаётгандай бўлади. Кампир дарҳол узун таёқ олиб югуриб чиқди-да, ўзи сингари буришган ва шимжон карамни ёнида ярим соатча чинқариб вайсайди. Назарида жўжаларга сор тегаетгандай бўлиб, уришиб-қарғаб сорни хайдашга тутинади. У эртадан кечгача аччиқланар ҳамда вайсарди, кўпинча шундай шовқин кўтарар эдики, кўчадан ўтиб бораётган кишилар тўхтаб қарашар эди.

Ўз чолига ҳам яхши муомала қилмасди. Уни гоҳ ялқов, гоҳ балога учрагур, дерди. Чол ҳам энчилигина, ишобатли одам эмасди, агар кампир шундай қилиб турмаса, у ҳеч ишламас, печканинг устига чиқиб, гаплашиб ўтираверар эди. У ўглига ўзининг аллақандай душманларидан, қўшниларидадан етган аламлардан хасрат қилиб, эзмалик билан уни зериктирар эди.

У бикиниши ушлаб туриб деди:

– Шунака... Байрамдан сўнг орадан бир ҳафта ўтиб, пудини ўн уч тийиндан пичан сотдим. Ўз ихтиёрим билан... шундай қилиб... ҳўн, демак, мен пичанни ўз ихтиёрим билан олиб бораман, ҳеч ким билан ишим йўқ. Шу вақтда қарасам йўлдаги ковокхонадан оқсоқол Англин Седельников чиқиб қолди. «Қаёққа олиб бораётирсан, бу хашак-пашакни» – деб қулонимнинг тагига бир гарсаки туширди.

Кайфи тарқалган Кирьякнинг боши қаттиқ оғрир ва ака-сидан хижолат бўлар эди.

Кирьяк қарахт бошини қимирлатиб:

– Аракнинг оқибати шу. Эй, худо-ей! Акалар, оналар гуноҳимни кечиринг, Исо хақи, ўзим ҳам пушаймонман – дерди.

Байрам муносабати билан ковокхонадан шўр балиқ сотиб олиб, унинг калласидан шўрва қайнатилди. Қиём вақтида ҳамма чой ичгани ўтириб, чойни узоқ, то терлагунча ичишди. Ҳамма чой ича-ича худди пишиб кетгандай кўринар эди. Шундан сўнг шўрвани қатта бир тоғорага қуйиб ўртага қўйдилар. Ҳаммалари шу бир тоғорадан ичдилар. Шўр балиқни эса кампир яшириб қўйди.

Кечкурун қулол жар бўйида ўт ёқиб, қувачаларни хумдонга солди. Пастдаги ўтбюкда қизлар қўшиқ айтишди. Гармонь чалишди. Соининг нариги юзидаги хумдонга ҳам ўт ёқилган. Унда ҳам қизлар қўшиқ айтдилар. Қўшиқ узоқдан оҳангдор ва мушғли эшитилар эди. Ковокхонада ва унинг атрофида мужиклар говур кўтарарди. Бадмаслик билан пойма-пой апула қилар ва шундай сўкишар эдики, уни эшитганда Ольга бир ирғиб тушиб:

Вой, шўрим курсин! – дерди.

Сўкишларнинг ҳеч тинмаганлиги, бир оёғи гўрда бўлган чолларнинг ҳаммадан кўра қаттиқроқ ва узоқроқ сўкишиллари Ольгани хайратда қолдирди. Болалар ва қизлар эса бу сўкишишларни эшитиб, ҳеч уялмас, афтидан, ёшликданок бушга ўрганиб қолган эди.

Вақт ярим кечадан ўтди. Соининг бу ва нариги юзидаги хумдонларда ўт ўчди. Пастдаги ўтбюкда ва ковокхонада ҳамон ўйин-қулги давом этар эди. Чол билан Кирьяк маст – бир-бирини суяб, бир-бирини турткилаб, Ольга билан Марья ётган омборнинг олдига келишди.

Кўй, дерди чол ёлбориб, – кўй... яхни, мўмин хотиш...  
Гуноҳ бўлади..

Ма-арья! – деб кичқирди Кирьяк.

Кўй... гуноҳ... бу ёмон хотиш эмас.

Иккови сарой ёнида бироз туриб, сўнгра кетишди.

Севамаи мен дала гулларини, чамагзорда гуллар териши,  
– деб, чол чинкириб бирданига ашула бошлади.

Сўнгра тунурди. Ёмон бир сўкинди-да, уйга кириб кетди.

#### IV

Кампир Сашани полизни кўриклагали кўйиб, ғозларни киргизма, деб буюрди. Исеиқ август куни эди. Қовокхона эгасининг ғозлари галалашиб нариги ёқдан полизга кирсалар бўларди-ку, аммо ҳозир қовокхона ёнида тўкилиб ётган сулинни териб ейиш билан овора эди. Фақат бир эркак ғоз, кампир таёгини кўтариб келмаётибдими, дегандай бўйинини чўзиб қараб кўйди. Бошқа ғозлар паст томондан келиши мумкин эди, аммо булар ҳозир сойнинг нариги ёғидаги ўтлоқда қатор-қатор тизилишиб, ўтлаб юрар эди. Саша бироз турди-да, зерикди. Ғозлар келмаганидан кейин жар бўйига қараб кетди.

Саша у ерда Марьянинг катта қизи Мотькани кўрди. Мотька катта бир тошнинг устида туриб, черковга қарар эди. Марья ўн уч бола туққан, аммо булардан фақат олти нафари қолган. Буларнинг ҳаммаси қиз, энг катта қизи саккиз ёшда эди. Мотька ялашгоёк, узун кўйлак кийиб, офтоб кизигида турар эди. Офтоб унинг миясини қайнатар, аммо буни сезмай, тошдай қотиб турарди. Саша унинг ёнига бориб, черковга қараб деди:

Черков худонинг уйи. Одамлар чирок, шам ёкадилар, худонинг эса кизил, кўк, зангор, кўзга ўхшаган шамчироғи бор. Кечаси черковда худо юради: унинг ёнида биби Марьям билан худо севган Николай дук, дук, дук қадам ташлайди... Қоровул кўркади, ваҳима босади! – Саша онасининг гашига ўхшатиб, сўнгра-чи, ўргилай, киёмаг бўлганда ҳамма черковлар осмонга кўтарилиб кетади.

Кўн-чи-роқ би-лаш-ми? – деди Мотька йўғон овоз билан, ҳар бир хижони бўлиб.

Кўнғирок билаш. Қиёмат бўлганда яхши одамлар жаннатга киради, ёмонлар, баджаҳиллар, ўрғилай, дўзахга тушади. Ўтда ёнади. Доим ёнади, ўрғилай. Менинг онамга, Марьяга ҳам Худо: «Сизлар ҳеч кимни ҳафа қилмаган эдингиз, шунинг учун ўнг ёкка, жаннатга боринглар», дейди, Қирьяк билан кампирга эса: «Сизлар чапдаги дўзахга боришлар», дейди. Рўза тутмай, гўштлик овқат еганлар ҳам дўзахга тушади.

У кўзларини катта-катта очиб юқорига осмонга қаради-да, деди:

– Кирик қокмай осмонга қара, фаришталарни кўрасан.

Мотька ҳам осмонга қаради. Орага бир лаҳза жимлик чўкди.

– Кўраётирсанми, - деди Саша:

Кўришмайди, деди Мотька дўриллаб.

Мен кўраётирман. Кичкина фаришталар учиб юрибди, қанотлари кичкинагина: худди чивинининг қанотидай лип-лип қилади.

Мотька ерга қараб бироз ўйланди-да, сўшра деди:

Кампир ўтда ёнадими?

Ёнади, ўрғилай.

Катта тошдан то настгача бир текисда қияланиб тушган жарликнинг ёнбағрида барра ўтлар ўсган, бу ўт шунча майинки, ушлагинг ёки устида ётгинг келади. Саша ётиб, настга қараб думалади. Мотька ҳам тунгайиб туриб, ерга ётди ва настга қараб думаланган эди, этаги елкасигача кўтарилди.

Кушим қиетайди! деди Саша севиниб.

Яна юмалаш учун иккови юқорига чиқди. Шу вақтда чийиллаган таниш бир товуш эшитилди. Ана энди кўркишини қараш! Тишсиз, қок суяк букчайган кампир узун таёғини кўтариб полздан ғозларни қувар ва кичқирар эди:

Ҳамма қарамларни расво қилди! Қуруб кеткурлар, қирлиғурлар, худонинг қаҳрига учрагурлар, ярамаслар, жониш чиккурлар!

У қизчаларни кўриб қолиб таёғини ташлади, сўшра ердан хипчин олди-да, қок суяк, таёқдек қаттиқ ва дағал қўллари билан Сананинг бўйиндан ушлаб ура кетди. Саша қалтак зарбидан ва кўркканидан йиғлади. Шу вақтда бир ғоз лапан-лаб, бўйинини чўзиб кампирнинг олдига келдида ғок-ғок деди.

Сўнгра ғозлар олдиға қайтиб борганда гўё кампирға ғоқ-ғоқ деганини маъқуллағандай, улар ҳам гагиллашди. Сўнгра кампир Мотькани тутиб олиб урди. Мотьканинг этаги яна елкасигача кўтарилди. Сашанинг хўрлиги келиб, кампирни чакқани уйға кирди. Унинг кетидан Мотька ҳам кирди, у ариллаб йиғлар, кўз ёшини артмас, юзи сув сепилгандай шалоббо эди.

Вой ўлай! Мени худо урди, - деди Ольга хайрон бўлиб, улар уйға кирганда.

Саща бўлган воксани айта бошлади. Шу вақтда карғай-каргай шовқин солиб кампир келди. Фекланинг аччиги чиқди, уйда ғовур-ғувур кўгарилди.

Зарари йўк, зарари йўк! У бувинг, унга жахл килсанг гунохкор бўласан. Ҳечкиси йўк, кизим – деди Ольга ошноқ оқариб, авзойи бузилиб, Сашанинг бошини силади.

Бу доимий шовқин-сурон, очлик ва бадбўй ҳидлар жонига теккан ҳамда ота-онаси туфайли хотини билан кизи олдида хижолатға қолган Николай, печдан оёғини осилтириб, титраб-қақпаб йиғламосираб онасига деди:

– Уни уришға ҳаддингиз сизмайди! Уни уришға ҳеч ҳаққингиз йўк!

– Печь устидан тушмай харом ўл, сан илғози, сен текки-хўрларни бу ерга қайси офат келтирди, – деб бақирди Фекла газаб билан.

Саща, Мотька ва бошқа ҳамма қизлар печанинг бурчагига ўтиб Николайнинг орқасига ғуж бўлишиб, илдаммай, ганга қулок солишар ва кўркувлан юракларининг дуқуллаши эшитилиб турар эди. Онлада касали узокқа чўзилган ва тузалиш умиди бўлмаган киши бўлса, шундай дақиқалар бўладики, яқинлари дилларида унга ўлим тилайдилар ва фақат болаларгина яқин кишиларининг ўлимидан кўрқиб, шу ҳақда ўйлаганда, ваҳимаға тушадилар. Қизларнинг нафаслари ичига тушиб Николайға маънос карашди ва ичларида: бу яқин кунларда ўлади, деб унга кўнгила кўтарилган, раҳм-шафқатли бирон сўз айтгилари ва йиғлаи илари келди.

Николай худди ҳимоя қутгандай Ольганинг пиязига кирди ва секин, титрок товуш билан деди:

Жоним Ольга, бунда турнишға тоқатим қолмади, худо хаки, онаң Клавдия Абрамовнаға хат ёз, бор бисотини сот-

син, гаровга кўйсин ва бизга пул юборсин. Бу ердан кетамиз. Э, худо!.. Яна бир Москвани кўрсам армоним йўқ, тушимда кўринса ҳам майли!

Кеч бўлиб, уйга қоронғи тушгач, шундай диққинафас бўлдики, гапириб ҳам кийин эди. Баджаҳил кампир қора поннинг қобиғини сувга ботириб бир соатча сўриб ўтирди. Марья сигирини соғиб, пакирда сут олиб келиб скамейкага кўйди. Кампир сутни шошилмасдан, рўза бўлгани учун ҳеч ким ичмайди деб хотиржам бўлса керак, пакирдан қувачага куйди. Факат кичкина тарелкага Фекланинг боласига озгина қуйиб берди. Кампир билан Марья қувачани ертўлага олиб тушиб кетганда, Мотька бирдан кўзгалиб, печини устидан осилиб тушди-да, қоқ пон тўғраган ёғоч коса турган скамейканинг олдига келиб, тарелкадаги сутдан косага жиндай куйди.

Кампир уйга қайтиб келиб, яна ўша каттик поннинг қобиғини кемира бошлади. Саша билан Мотька эса, печини устида ўтириб, унга қарашар ва унинг рўзаси бузилганидан энди дўзахга тушади деб хурсанд бўларди. Иккови тинчланиб, ухлагани эди. Саша тушида киёматни кўрди: хумдондай катта печь ёқилган, сигирга ўхшаш қон-қора дев, кампир боя гозларни хайдаганидай, узун таёқ ушлаб, кампирни ўтга хайдар эди.

## V

Ҳайит кечаси соат ўн бирдан ошганда дастлаги ўтлоқда ўйнаб юрган қиз ва йиғитлар тўсатдан кий-чув кўтариб қишлоққа қараб югуришди: жар тепасида ўтирганлар аввал нима бўлганини пайкамадилар.

– Ўт тушди! Ўт тушди! Ёндик! – деб бакирган овозлар эшитилди.

Юқорида турганлар қайрилиб қараб, даҳшатли, жуда ғалати бир манзара кўришди. Энг четдаги уйларнинг похол томи устида одам бўйи аланга буралиб ёниб турибди, ундан худди фонгандай ҳар томонга учкунлар сочилямоқда. Олов ловиллаб бир лахзада бутун томга туташди ва ўтнинг чарсиллаган овози эшитилди.

Ойнинг юзи хираланди, лопиллаб турган қип-қизил шуъла бутун қишлоқни босди, ерда тутуннинг қора қўланкаси юради,



хар ёқдан курум хиди келади. Пастда югуришиб юрганларнинг нафаси бўғилди, қалтирашиб, бир-бирларини туртишиб йиғлашиб, гаплашишга тиллари келмас, ўтнинг равшан нуридан яхши кўролмай, бир-бирларини танимас эди. Ҳаммаёқ ваҳима ичида эди. Тутун аралаш ўт ичида каптарлар учиб юриши, ковокхонадагилар ёнғиндан беҳабар, бемалол гармон чалиб, ашулани баралла қўйиб ўтириши, айниқса, ваҳимали эди.

Биров бўкириб:

– Семён аканинг уйи куйди, деди.

Гарчи ёнғин кишлукнинг нариги томонида бўлса-да, Марья уйнинг олдида бетокатлик билан йиғлаб, титраб-қаҳшаб қўллариши ишқаб юрибди. Николай ҳам оёғига нийма кийиб чиқди, гўдаклар ҳам кўйлақчан югуришиб чиқдилар. Ўнбошининг уйи олдидаги чўяни чаладилар. Донг, донг, донг... овози кўкка ёйилди, тинмай донғиллаш юракни орзиқтирар, бадашни жимизлатар эди. Қари кампирлар иконаларни кўтариб чиқадилар. Ҳовлилардаги кўй, сигир ва бузоқларни дарвозадан кўчага хайдаб юбордилар, сандик, пўстак, бочкаларни ташкарига олиб чиқдилар. Уйирда отларни тепиб зарар етказганидан йилқига кўнмай кўйилган кора айғир счиб юборилгач тепиниб, кишнаб бир-икки марта кишлукнинг у бошидан-бу бошига чошиб ўтди, бирдан арава олдида тўхтаб, орка оёғи билан аравани тена бошлади.

Сойиниш нариги томондаги черковда қўнғирок ҳам чалинди.

Ёнган уй олди иссиқ ва шундай ёруғ эдики, ердаги ўт-ўланларнинг хар бири кўринарди. Ташкарига чиқарилган сандикларнинг бири устида чўмичбурун, шапкасиши қулогигача бостириб кийган, эгида нимча Семён ўтирарди. Семённинг хотини мукка тушиб хушсиз, инграб ётар эди. Саксонларга бориб қолган, бўйи бир қарич, соқоли икки қарич дегандек, узун соқолли пакана бир чол кўлида оқ тугун билан бошланг шу орада юрибди, чол бу ерлик бўлмаса-да, ёнғинга сабаб бўлганга ўхшайди. Унинг тенакал бошида ўтнинг шуъласи акс этади. Ўзи ва сочлари лўлидек коп-қора оқсоқол Антип Седельников болга билан уй олдига келиб дарчаларни уриб туширди, сўнгра негадир уйнинг эшиги олдидаги айвончани буза бошлади. У:

– Хотинлар, сув! Машинани келтир! Айлантир! – деб кичкирарди.

Яқиндагина ковокхонада кайф суриб ўтирган кишилар сув сенадиган машинани судраб келардилар. Буларнинг барчаси маст, гандираклаб йиқилар, ҳаммаларининг юзларида ожизлик ифодаси бор, кўзлари ёш эди.

Оқсокол ҳам маст, у:

– Қизлар, сув! Буёққа бур! – деб кичкирарди.

Хотин-қизлар пастдаги булокқа тушиб челак ва бочкаларни тўлдириб сув келтирадилар, сувни машинага қуйиб яна югурганча сувга кетадилар. Ольга ҳам, Марья ҳам, Саша ҳам, Мотъка ҳам сув ташидилар. Хотинлар ҳам, болалар ҳам машинани босмоқдалар, машинанинг ичаги нишиллаб, сув сениб турибди. Оқсокол сувни хали эшикка, хали деразага каратиб, баъзида бармоғи билан тўсади ва бу сабабдан сув баттарроқ нишиллайди.

Ҳар томондан:

– Кандингни ур. Антип! Баракалла! – деган овозлар чиқади.

Антип бўлса уйнинг даҳлизига, ўт ичида кириб, ундан кичкиради.

– Машинани бос! Мўминлар, ғайрат қилиш, бундай балодан сакласин!

Мужиклар ғуж-ғуж бўлиб, анграйиб, ўтга караб турадилар. Нима қилишни ҳеч ким билмас, ҳамма хайрон, атрофда эса лохол, бугдой боғлари ғарам-ғарам. Кирьяк билан отаси чол Осип ҳам шундалар, икковларининг ҳам кайфи тарок. Чол бундай бемалол кайф суриб юрганидан хижолат тортгандай ерда ётган хотинга караб:

– Олахол, мунча ўзингни кийнайсап! Уйинг бўлса хатга олинган. Ҳукумаг пули. Қайғириб нима қиласап! – деди.

Семён ҳар кимга бир гапириб, ўтнинг нимадан чиққанини сўзлар эди:

– Тугун кўтариб юрган халиги мўйсафид генерал Жуковнинг хизматкори... Худо раҳмати генералимизнинг ошпази эди. Кечкурун келиб: «Бир кеча кўниб кетай!» – деб сўради... Маълумки, бир стакандан арақ ичишдик, ўзингиз биласиз-ку... хотиним самовар қўймоқчи бўлди, мўйсафидга чой бериш

керак эди. Бемахалда фалокат босиб, самоварни дахлизга қўйган экан, карнайидан чиққан олов шипдаги похолга уриб, шу фалокат бўлди, ўзимизнинг ёшиб кетишимизга сал колди. Мўйсафиднинг шапкаси ҳам ўтда колди, фалокат босди.

Чўяши тинмай чалаяшдилар, сойнинг нариги ёғидаги черковнинг қўнгироси ҳам ҳар дамда чалиниб турибди. Олы а ўтда ярқиллаб, олов алангасидан кизарган қўйларга ва тутун ичида учиб юрган қизғин капгарларга ваҳима билан қараб, ҳали пастга, ҳали юкорига ҳарсиллаб чопар эди. Унинг назарида қўнгирокниш овози тигларрондек юрагига кадалаётгандай, ёнғин сира тугамайдигандай, Сапаси йўқолиб қолгандай эди... Уйнинг шини гумбирлаб кулаб тушганда, энди бутун киплок ёниб тушади, деган фикр унинг тинкасини қуритди, сув ташинга дармони қолмай, челагини ёнига қўйиб, жар бўйида ўтириб қолди. Унинг ёнида пастроқда биргалай хотинлар ўтириб, азага келгандай йиғлашарди.

Шу пайтда нариги томондан помешчикнинг гумашта ва хизматкорлари икки аравада ўт ўчирадиган машина келтирдилар. Тугмалари очик оқ кийим кийган ёшгина бир талаба ҳам келди. Болталар билан уйни буза кетдилар. Ёниб турган ёғоч деворга нарвон қўйиб, бирданига беш киши чиқди. Ҳаммадан аввал ҳалиги талаба чиқди. У кинкизарган, бўғилиб бакирар, ўт ўчиришнинг машқини олган одамга ўхшар эди. Уйнинг ёғочларини, оғилхона ва четан деворни бузиб ташладилар, фарам қилиб қўйилган яқиндаги ичанини ташиб кетдилар.

Тўшланган халк орасидан:

– Буздирманг! Бузгани қўйма! деган товушлар чиқди.

Кирьяк ғайратга кириб, нариги томондан келганларнинг уйни бузишларига йўл қўймаслик учун, дадиллик билан уйга қараб юрди. Лекин помешчикнинг хизматкорларидан бири уни қайтариб, бўйнига бир солди. Бошқалар кулишди. Хизматкор яна бир урди, Кирьяк йиқилиб тушди, сўнгра эмаклаб орқасига қайтди ва одамлар орасига кириб кетди.

Нариги томондан шляпа кийган чиройли икки қиз келди, ҳалиги талабанинг сингиллари бўлсалар керак. Қизлар нарироқда туриб, ўтти томоша қиладилар, уйдан бузиб чиқарилган ёғочлар ёнмасалар ҳам тутаб ётардилар, талаба сув

сепадиган ичакни гоҳ бу ёғочларга, гоҳ турган одамларга, гоҳ сув ташиётган хотинларга қаратиб сув сочар эди.

Қизлар хавотир олиб, йигитдан койиғандек:

– Жорж! Жорж! – деб кичкирардилар. Ўт ўчди. Одамлар таркала бошлаганларида тонг ёришиб колган эди, ҳамманинг ранги ўчиб, сўррайган... Осмонда юлдузлар сўниб, тонг эди ёришиб келаётган чоғида ҳамиша шундай кўринади. Мужиклар тарқалиб кетаётганда ҳазиллашиб кулар, генерал Жуковнинг ошпазиги мазах қилиб, унинг куйган шапкасини аскияга оларди. Улар ёнғин чиқариб ўйнашгилари бор, ёнғиннинг бундай тез тутаганидан ҳатто ачингандай кўринадилар.

Ольга талабага қараб:

Бойвачча, сиз ўт ўчиришга уста экансиз. Бизнинг Москвага борадиган экансиз, унда ҳар кунни ўт тушиб туради, – деди.

Қизлардан бири:

Сиз москвалимисиз, – деб сўради.

Балли. Эрим «Славян бозори»да ишларди. – Совуқдан қалтираб, онаси пинжигга тикилиб турган Сашани кўрсатиб, – бу кизим, у ҳам москвалик, – деди.

Қизлар талабага французчалаб бир нарса дедилар, у Сашага бир танга берди. Чол Осин буни кўргач илжайиб, юзиде тамагирчилик аломати кўришди.

Бойвачча, худога шукурки, шамол бўлмади, шамол турганда бир соатга колмай ёниб тушардик, – деди у талабага қараб. Сўнгра овозини андак пасайтириб, уялинкараб яна деди, мартабангиз улуг бўлсин, сахий жаноблар, орталаб совуқ, андак илинкараб олсак яхши бўларди. Илғифот қилиб ярим ниша араққа етадиган хайр қилсангиз.

Унга ҳеч нарса беришмади, у ғулдираб койишди-да, уйига қараб кетди. Ольга жар бўйида туриб, ҳалиги икки араванинг кечувдан ўтишини, бойваччаларнинг ўланзордан боришларини томоша қилиб турди. Париги ёқда уларнинг файтунлари турибди. Ольга уйга қайтиб келгач, шодлик билан эрига айтар эди:

– Шундай яхши, шундай чиройликки, асло кўяверасиз! Қизлар хурга ўхшайди.

Уйкусираб турган Фекла жаҳл билан:

– Ер ютсин уларни! – деди.

Марья ўзини бахсиз ҳисоблар ва ўзига ўлим тилар эди. Фекла эса бу турмушдан рози, кашшоқлик, ифлослик, тинимсиз сўкиш унга ёқар эди. Нима берсалар суриштирмасдан ер, тўғри келган жойда ётиб кетаверар эди. Ювиндини шундоққина остонага тўкиб, тўккан ювиндисини ялангоёқ босиб кетаверар эди. У Ольга билан Николайни биринчи кунданок ёмон кўриб колди, буниш сабаби шу эдики, Фекла яхши кўрган бу турмушни улар ёмон кўрардилар.

– Кўраман, бу ерга келиб нима еркинсиз, москвалик аслзодалар! Кўраман! – дерди Фекла улар ҳолига кулиб.

Сентябрь ойининг бошида, бир кун эрталаб, Фекла бирданга икки челақ сув кўтариб келди, совукдан кичкизариб, ҳуснига-ҳуси кўшилганди. Шу пайтда Марья билан Ольга ўтириб, чой ичмоқда эди.

Буни кўрган Фекла уларга теккизиб:

– Ҳа, канд-чой ичинлар! – деб кўйди. Сўнгра челақларни ерга кўяркан, зарда билан Ольгага яна гап отиб, бойваччаларни каранг! Ҳар кун чой ичинни хўп одат қилиб олишибди! Чой ичабериб тагин қоринларинг ёрилмасин! Москвада хўп яйраб, семириб юрган-да, семиз, бақалок!

Сўнгра обкаш билан Ольганинг елкасига шундай туширди, икки овсин чапак уриб:

– Вой, шўрим курсин, – деб колди.

Сўнгра Фекла сой бўйига кетаёғиб шундай баланд овоз билан қарғаб кетдики, уйда ўтирганларга аниқ эшитилар эди.

Кеч кирди. Узун куз кечаси бошланди. Уйда инак ўрардилар. Фекладан бошқа ҳамма инак ўраш билан машғул. Фекла сойнинг нариги томонига кетган. Инакни яқиндаги фабрикадан олардилар. Ҳаммалари бир бўлиб ҳафтада йнгирма тийиндан ортиқ пул ишламас эди.

Жаноблар кўлида эканимизда яхши эди, леда чол инак ўраркан. – Вақтида ишлаб, вақтида ухлаб, вақтида овқат ердик. Тушда қарам шўрва билан бўтка, кечкурун яна шу овқат. Бодринг билан қарам мўл, хоҳлаганинчга еявер. Қаттиққўллик ҳам баравж эди. Ҳар ким ўз ишини билар эди.

Факат битга чирок тугаб, хира ёниб турар эди. Биров чирок олдини тўсиб, ойнага соя тулса ойдин равлан кўринарди. Чол Осип салмоклаб, озодликдан илгари<sup>1</sup> деҳқонларнинг қандай яшаганларини, ҳозир буғдай мухтожлик, буғдай кашшоқлик ичида қолган жойларда, бир замошлар този итлар билан ов қилишиб, ов вақтида мужикларга арақ ичирганларини, овла ушланган паррадаларни араваларга солиб Москвадаги бойваччалар учун олиб кетганларини, ёмонларни дарра билан уриб, Твер музофотига бадарга қилинганини, яхши одамлар кўп иномлар қилинганини гапириб кетди. Кампир ҳам ундан-бундан гапириб берди. Кампир ҳеч нарса ни унутмабди, кўрганлари ҳаммаси эсида. Кампир, эри бузук, фоҳишабоз бўлса-да, ўзи жуда тақводор бўлган бекаси тўғрисида сўзлаб берди. Унинг ҳамма кизлари ноҳўя одамларга теккан. Бири арақхўрга, бири мешчага теккан экан, яна биттасини олиб қочиб кетганлар ( у маҳалда ёш бўлган кампир кизини олиб қочишга ёрдам берган экан), кизларининг ҳаммаси, оналари сингари доғ-ҳасрат билан тез кун ичида ўлиб кетган экан. Кампир буларни эсга олиб, ҳатто ўлкаси тўлиб, кўз ёш ҳам қилиб қўйди.

Тўсатдан биров эшикни қоқини билан ҳаммалари қўчиб тушдилар.

– Осип амаки, бир кеча уйингда кўндир!

Генерал Жуковнинг ошнази, шапкаси ёнғинда куйган, пакана, тенакал мўйсафид кириб келди. У ўтириб гап тинглади-да, бўлиб ўтган ҳар хил воқеаларни эслаб, гапга киришди. Николай печь устида оёғини осилтириб ўтириб, мўйсафиднинг сўзларини тинглар ва нукул жаноблар замонида қандай овқатлар пиширилганини сўрарди. Битки, котлетка, ҳар хил шўрвалар, ковормалардан гаплашдилар, ҳамма нарса эсида яхши турган ошназ бу вақтда пиширилмайдиган овқатлар номини айтар эди. Чунончи, бука кўзидан пишириладиган «наҳори» деган овқат бор экан.

Маршалъ деган котлетка у маҳалда ҳам бўлармиди? – деб сўради Николай.

– Йўқ.

<sup>1</sup> Бу ўринда 1861 йилда, Александр II замонида деҳқонларни крепостной ҳуқуқдан озод қилмасдан илгариги авҳол гапирилади.

Николай назарга илмагандай бошини чайқаб:

Эй, сизлар ҳам ошназми! - деб қўйди.

Қизлар печь устида туриб, бақрайганича пастга боқар, улар булутни осмондаги юлдузлардек уймалашиб, жуда кўпдай кўринарди. Лайилаётган гаплар уларга ёқар, улар уҳ тортиб, хаяжонланиб турар, қувончдан ва кўрққандан ранглари ўчар эди. Ҳаммадан ҳам кизик воқеани гапирган камширнинг сўзини улар нафасларини ичга ютиб, кимирагани ҳам кўриб, жим тинглардилар.

Ҳамма ҳеч нарса демай, жимгина ухлашга ётди: хотинлардан кўнгиллари безовта бўлиб, хаяжонга келган кексалар ёшликнинг яхшилиги тўғрисида хаёл суриб кетдилар, нима бўлса-да, ёшлиқдан унутимас шодлик, дилдор хотира қолади, кексалик қандай совуқ, қандай мапшум, ўлим яқинлашиб келмокда, уни ҳатто ўйламаган яхши! Чироқ ўчди... Қоронғилик, ойнинг ёригида ярқираб турган икки дарча, жимлик, беланчакнинг ғирчиллаши негадир умрнинг ўтганини, ўтган умрни асло қайтариб бўлмаслигини эслатарди... Одам мудраб, андак ўзини унутиши билан биров елкасига тегиб, юзини а дам уриб уйғотади-ю, шу билан уйку қочади, бутун бадани увуниган, ўлим хаёли миядан сира чиқмайди. У ёнбошга айланса ўлим эсидан чиқади, лекин муҳтожлик, овқат ёми, унинг кимматлашгани тўғрисидаги эски фикрлар бошидан кетмайди, аммо бироздан кейин умрнинг ўтгани, уни қайтариб бўлмаслиги яна эсга тушади...

Ошназ уҳ тортиб:

- Эй Парвардигор! - деб қўйди.

Биров секин-секин ойнани чертди. Фекла қайтиб келган бўлса керак. Ольга ўрнидан туриб, эсаб, шивирлаб дуо ўқиди ва эпикни очди, сўнгра даҳлиз эшигининг тамбасини тортиб чиқарди. Лекин ҳеч ким кирмади, фақат кўчадан гуриллаб совуқ кирди ва ойнинг ёруғи тувиди. Очик эшиқдан жимжит бўш кўча, осмонда сузиб кетаётган ой кўринди.

Ким? - деди Ольга.

- Мен, - деган жавоб эшитилди.

Эшик олдида кишялангоч Фекла деворга суяниб турарди. Совуқдан қалтираб, тиши тишига тегмас, ой ёруғида ошноқ, чиройли ва галатирок кўринди. Баданидаги соялар, терисидаги ойнинг жилваси, айникса қора қошлари ва диркиллаб турган

кўкраги аниқ, равшан кўринарди.

Анав томондаги багтолар кийимларимни ечиб олиб, шу ҳолимда қўйиб юбордилар... Қипялангоч келдим. Бирор кийим келтир, - деди Фекла.

Ольга ҳам келтираб, секингина:

– Уйга кирсангиз-чи! - деди.

Чол-кампир билиб қолмасдилар.

Дарвоқе, кампир безовталаниб, валдирай бошлагач, чол ҳам: «Ким ундаги» деб сўради. Ольга ўз юзқаси билан кўйлагини келтириб Феклага кийдирди, сўнгра икковлари эшикни тикирлатмасдан, секингина уйга кирдилар.

Кампир ким келганини фахмлаб жаҳд билат:

Сенмисан барно? Ха, сакк юрмай жуванмарг бўлгур! деб қарғади.

Ольга Феклаши ўраркан:

- Ўргилай, майли, майли хафа бўлма деб шивирлади.

Яна жимлик бошланди. Уйда хамманинг уйқусида ҳаловат йўқ, ҳар кимни бир баю безовта қиларди. Чолнинг бели оғрир, кампир гапнинг ва жахлдан, Марья кўрқувдан, болалар кўтир ва очликдан ухлаёлмас эди. Бу кун ҳам уларнинг уйқусида ҳаловат бўлмади. Ҳамма безовта бўлиб, ағанашар, уйқусирар, сув ичгани турарди.

Фекла тўсатдан дағал овоз чиқариб, хўнграб юборди, аммо дарҳол ўзини босиб олди, фақат пиқиллаб йиғлагани тобора пасайиб, бора-бора ўчди. Гўх-гўх сойнинг нариги ёнидаги соатнинг жаранлагани эшитилди; аммо соат ғалаги: аввал бешга, кейин учга жом уради.

Ошиаз ух тортиб:

- Эй Парвардигор! деб қўйди.

Деразадан қараганда ойдинми ёки тонг отиб қолдими, билини кийин эди. Марья туриб ташқари чиқди, ховлида ситир соғаркан: «хў-ўш, хў-ўш» дегани эшитилиб турибди. Кампир ҳам ташқари чиқди. Уй ичи қоронғи бўлса-да, буюмлар кўринар эди.

Кечаси билан ухлаган Николай печдан тушди. Кўк сандикчасидан хизматда қиядиган тўпини олиб кийди, сўнгра дераза олдига келиб енгларини ростлаб, этагини ушлаб боққач, илжайди. Сўнгра тўпини авайлаб ечди-да, сандикка солиб қўйгач, яна ётди.



Марья кайтиб келиб печга ўт ёкди. Афтидан уйкуси чала бўлса керак, юрган йўлида эснар эди. Тушида бирор нарса кўрганми ёки кечаги хотиралар эсга тушдими, печь олдида хузур қилиб бир керишди-да:

Йўқ, ҳар қалай, эркинлик яхши, - деб қўйди.

## VII

Улуғ келдилар, - приставни қишлоқда улуғ деб атардилар. Унинг қачон ва нега келиши бир ҳафта илгари қишлоққа маълум бўларди. Жуковода атиги қирк хонадон бўлса-да, подшолик хазинаси ва земствога тўланадиган боқиманда икки минг сўмдан ошиб кетган эди.

Пристав ковоқхонага келиб тушди. Бунда у икки стакан чой «шимиргач», оксоқол уйига шёда жўнади. Оксоқолнинг уйи олдида боқимандаси бор бир талай одам тўпланиб турарди. Оксоқол Антон Седельников ён, ўттиздан сал ошган, сержаҳл бўлиб, камбағал, солиқларни вақтида тўламаса ҳам, доим улуғлар тарафини олар эди. Оксоқоллиги ўзини юпантириб, қўлида ҳукумати борлиги ёкса керакки, буни қаттиққўллик билан намоён қилар эди. Йиғинларда ундан ҳамма кўркар, унинг айтганидан чиқмас эди. Баъзида кўчада ёки қовоқхона олдида биронта мастни кўриб қолса, қўл-оёғини бонлаб авахтага камар эди, бир кун ҳағто, Осип ўрнига йиғинга келиб қарғайверган кампирни ҳам авахтага бир кеча-кундуз қамаб қўйган эди. У шаҳарда турмаган, ҳеч китоб ўқимаган бўлса-да, ахлакаерлардан ҳар хил пурим сўзларни биллиб олиб, бу сўзларни гапирганда такрорлашни яхши кўрарди, буларни одамлар яхши тушунамаса ҳам, оксоқолни ҳурмат қиладди.

Осип солиқ дафтарини кўтариб, оксоқолнинг уйига кириб келганда, икки чеккасида узун баки қўйган, кулранг камзул кийган, озгин мўйсафид уйнинг тўрида еғолида ўтириб бир нарса ёзар эди. Уй озода, деворларга турли журналлардан қиркиб олинган ҳар хил суратлар ёпиштирилган, иконалар осилган, кўзга кўринарли жойда эски булор подшоси Баттенбергини<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Александр Баттенберг 1879 йилда рус подшоси Булгория тахтига ўтказган немис тўраси. 1886 йилда Александр III ғазабига дучор бўлиб, тахтдан кечиб Булгорияни ташлаб кетинга мажбур бўлган.

сурати осилган. Стол олдида Ангип Седельников кўларини ковуштириб турибди.

Гап Осипга келганда Ангип приставга қараб:

– Жаноби олийлари, бу кишининг бир юз ўн тўққиз сўм қарзи бор. Ҳайит олдида бир сўм берганича, бошқа бир чака бергани йўқ, – деди.

Пристав Осипга қараб сўради:

Жигарим, нега бундай қилдинг?

Осип ҳовлиқиб гап бошлади:

Раҳм-шафқат қилдинг, жаноби олийлари, ўтган йил Луторенц-кнейлик бой «ничанингни менга сот» деб жуда кистаб кўймади. Сотсам сотай дедим. Юз путча ничанни бола-чакам тўқайда ўриб кўйган эди, сотиш учун. Шундай қилиб битишдик... Ҳаммаси жойида, ўз хоҳишим билан битишдик...

Осип оқсоқол устидан арз қилмоқчи бўлиб, бошқа му-жикларни туювдга чақирган тарзда гапириб, бир уларга қарар, терлаб-нишиб, кўзлари жавдирар, тазабланар эди.

Пристав Осипга қараб:

Нима деяётганингни тушунмайман, – деди. Мен сендан нега боқимандани тўламадинг, деб сўрайман... Ҳеч қайсингиз тўламайсиз, еизлар учун мен жавобгар бўлайми?

– Қурбим келмайди!

Оқсоқол гап қотиб:

– Жаноби олийлари, бу гаплар тағсиз, Чикильдеевлар бечоралар тоифасидан, бу тўғри, лекин марҳамат қилиб бошқалардан сўрасангиз ҳаммасининг сабаби бор аракхўрлар. Сўнгра ҳаммалари жуда хавойи бўлиб кетганлар. Ҳеч нарсага тушунмайдилар, нодонлар, – деди.

Пристав аллаларсалар ёзди-да, сўнгра Осипга қараб, худди сув сўраётгандай охистагина, қоймасдан:

– Бор йўқол, – деди.

Бироздан кейин пристав кетди. У йўтала-йўтала жўшгина шалди-рок аравасига чиқаётганда, ҳатто унинг чўзинчоқ қоқ суяк орқасига қараганда ҳам, Осип, оқсоқол, Жуково кишлоғидаги боқимандалар ҳам аллақачон осидан чиққанлиги, фақат ўзининг юмушлари билан машғуллиги кўришиб турарди. Пристав бир чақирим жойга ҳам бормасдан, бир маҳал Ангип Седельников Чикильдеевлар уйидан самовар кўтариб чиқиб қолди, унинг кетидан камшир чиқариб, харсиллаб келарди.

Бермайман! Куриб кеткур, бермайман дедим, бермайман!

Антип қадамини катта-катта ташлаб, илдам келаётибди, муш-кайган кампир бўлса энтикиб, йнклишиб-сурилиб газаб билан унинг кетидан борарди. Кампирнинг рўмоли елкасига тушган, кўкиш сочларини шамол учирарди. Кампир бирданига тўхтади-да, худди қўзғолон кўтарган хотиндек кўкрагига мушглаб, дод-вой кўтариб, бакира бошлади:

— Мўмишлар, худодан кўркканлар! Шўрим курсин, поймол бўлдим! Дўстлар, булар дастидан дод! Вой, вой... болаларим, додимга стинг.

Оқсоқол кампирга жиддий тусда:

Хой кампир, аклингни йўкотма! – деди.

Чикильдеевлар уйи самоварсиз бутунлай бефайз бўлиб қолди. Самовардан ажралин уйнинг ор-номусини таҳқир этиш ва ҳақорат қилишдай туюлди. Оқсоқол стол, ҳамма скамейка, ҳамма хурмачаларни олиб кетганда бунчалик хувуллаб қолмас эди. Кампир шовқин солар, Марья йиғлар, унга қараб қизлар ҳам йиғлар эди. Чол ўзини айбдор биллиб, бир бурчакда ғамгин ва хомуш ўтирарди. Николай ҳам жим. Кампир Николайни яхши кўрар ва унга раҳми келар эди, лекин энди раҳм-шафқатини ҳам унутиб, тўсатдан унинг устига ўдагайлаб борди ва муштнинг башарасига ниқтаб, таъна қила бошлади:

– Ҳамма бало сенда, ёзган хатларингда «Славян бозори»да ойига эллик сўмдан пул тонаман, деб мақтанар эдинг, нега бизга кўпроқ пул юбормадинг! Нега келдинг, яна бола-чақанг билан келибсан? Ўлиб қолсанг кўминга пул қани?..

Николай, Ольга ва Сапага қараган одам ачишар эди.

Чол йўталиб шапкасини кўлига олди-да, оқсоқолшикига қараб кетди. Қоронги тушиб қолган эди. Антип Седельшиков печь олдида ўтириб лунжини шишириб, бир нарсани пайванд қиларди. Ис-тутун бурқсарди. Чикильдеевларнинг болаларига ўхшаган өзгич, ирқит болалари ерда уймаллашиб юрибди. Сепкил юзли, қорни чикқан хулуккина хотини ишак ўрагани. Бу оила қашшоқ ва бечора, ёлғиз Антипчиша чиройли, азамат йигитдек эди. Курси устида қатораси а бешта самовар турибди. Чол, Баттенберг суратига қараб чўкишач, айтди:

Антип, раҳминг келсин, самоварни бер! Исо пайгамбар ҳақи, бер!

– Уч сўм олиб келсанг, оласан.

Қурбим келмайди!

Ангин дунжиси шишириб ўтти пуфлаб, ўт ловуллаб ёнар ва самоварларда шуъласи кўринар эди. Чол кўлидаги шанкасиши гижимлар, бироз ўйлаб кейин яна:

Бер! деди.

Қорачадан келган оксокол бу онда коп-қорайиб жодугарга ўхшаб кетди. Оксокол Осипга жаҳл билан қараб, бидирлаб айтди:

– Ҳар нарса қилса, земство бошлиғи қиладди. Йиғирма олтинчида бўладиган катта мажлисда оғзакими ёки ариза ёзибми шикоят қилақол.

Осин ҳеч нарсага тушунмади. лекин шу билан қаноат ҳосил қилиб, уйга қайтиб кетди.

Орадан ўн кунча ўтгандан кейин, пристав яна келиб, бир соагча турди-да, қайтиб кетди. Бу кунларда изғиринли қора совук эди. Соининг суви музлаган бўлса ҳам, қор ёққани йўқ, одамлар йўлсизликдан жуда кийналиб қолган эди. Бир кун ҳайит арафасида кеч-қурун Осипнинг қўшнилари гаплашиб ўтиришгани келдилар. Ҳайит окшомида юмуш қилиш гулоҳ бўлганидан чироқ ёқмасдан қоронғида ўтирдилар. Апчагина нохуш хабарлар бор эди. Чунончи, боқиманда учун икки-уч хонадошнинг товуклариши тортиб олиб, воласт маҳкамасига юборган эканлар, уларга қарайдиган одам бўлмаганидан ҳаром ўлиб қолибди. Бир печа қўйининг оёқларини боғлаб аравага солиб юборган эканлар, ҳар кишлоқда аравадан-аравага солиб бир қўйни ўлдириб қўйибдилар. Энди айб кимда деб можаро қилиб ўтиришибди.

Кимда бўларди, земство-да, – дедди.

Албатта, земствода!

Земствонинг шималигини ҳеч қайсилари билмасаларда, бутун айбни земствога юқлардилар, боқимандалар можаросида ҳам, жабр-зулмларда, ҳосилсизликда ҳам земствони айблардилар. Фабрика, дўкон ва қарвон саройлари бўлган бадавлат мужиклар земствога вакил бўлиб<sup>1</sup>, қайтиб келганларидан кейин

---

<sup>1</sup> Земство вакили – земство маҳкамасига дехқонлардан сайланган вакил. Бу сайловда катташмоқ учун апча давлатманд бўлмоқ керак бўлганидан нуқул бойлар, яъни кулоқлар сайланардилар.

порози бўлиб, фабрика ва ковокхоналарда земствони сўка бошладилар ва шундан бери земствони сўқин одат бўлиб қолди.

Худо қор бермапти, ўтин кетирай десак, қатқалоқдан на пиёда юриб бўлади, на отлик дейишар эди. Бурун, бундан 15–20 йил аввал Жуково қишлоғида бўладиган суҳбатлар анча мазали бўлар эди. У вақтда ҳар бир кекса кишининг қиёфасида аллақандай сир бордай, қақдайдир бир нарсани биладигандай, алланарсаларни кутгандай кўришарди. Олтин муҳрли ёрликлар, ертарканаси, яши ерлар, ёмбилар тўғрисида аллақандай киноя билан сўзлашар эди. Энди жуковонликларнинг ҳеч қандай сирли сўзлари йўқ, бутун турмушлари рўёбда, қафт устида: мухтожлик, очлик, қор ёлмаганлиги ҳақида сўзлашади, ҳолос...

Ҳап сон бўлиб, жим бўлдилар. Сўнгра яна товуқлар, қўйлар эсларига тушиб, айбдор қимлиги тўғрисида можаро қила бошладилар.

Осин хафаланиб:

Земство айбли-да, бошқа ким бўларди, деб қўйди.

## VIII

Қишлоқнинг қатта черкови олти чакрим наридаги Косогоровда бўлиб, одамлар бу жойга фақат иши тушганда, яъни болаларига ном қўйиш, никоҳ қилиш, жаноза ўқини лозим бўлганда борар эди. Ибодат қилишга сойнинг нариги бетидagi черковга борарди. Байрам кунларида, сўнгра ҳаво очик кунларда кизлар ясашиб, гала-гала бўлиб кундузи ибодатга борарди. Қизлар ранг-баранг - қизил, кўк, сарик қўйлак кийиб, ўланзордан ўтиб бораётганларида уларга қарасангиз кўнгиш шодланарди. Ҳаво булут бўлган кунлари ҳаммалари уйда ўтирар эди. Фитр рўзани черковнинг жиловхонасида берардилар. Фитрни вақтида бермаган кишилар бўлса, ҳайит қупи пош хоч кўтариб уйма-уй юриб, ўн беш тийиндан йиғиб олар эди.

– Чол худога нишонмас ва шу сабабдан асло уни эсига олмас эди. Ғайритабиий ҳодисаларга нишонар ва лекин буни ёниз хоғишларга тегилсин деб биларди. Унинг олдидан диндан ёки мўъжизадан гапирсалар ва ушга биронга савол берилса, хушёқмаслик билан чаккасини қаниб:

- Ким биледи дейсан-а! – деб кўярди.

Кампир худога ишонарди-ю, лекин ундаги бу ишонч аниқ ва равшан эмас эди. Унинг хаёли али оқ-далгоқ, гуноҳлар, ўлим, имонни сақлаш эсига тушди дегунча, мухтожлик ташвишлар дарров хаёлини олиб қочарди-да, хозиргина ўйлаб турган нарсаларни эсдан чиқарарди. Дуоларни эсдан чиқариб қўйган, кечкурунлари ётар олдида иконалар олдига келиб, шивирлаб:

- Қозон шаҳридаги азиз авлиёларга, Смоленск шаҳридаги азиз авлиёларга, биби Марьямга сиғинаман... – дерди.

Марья билан Фекла чўкинар, ҳар йил рўза тугар, аммо ҳеч нарсага тушунмасдилар. Болаларига ибодатни ўргатмас, худо тўғрисида ҳеч нарса демас, ҳеч қандай одоб-қоида ўргатмас, фақат рўзада гўшти ва мойли овқат едиргимасдилар. Боника оилаларда ҳам шундақа, худога ишонган, тушунган одам кам эди. Лекин шундай бўлса-да, ҳамма муқаддас китобларни ҳурмат қилар, севар эди, бироқ, китоб йўқ, ўқиб тушунтириб берадиган одам топилмас эди, шунинг учун ҳам Ольга баъзида ишқил ўқиганидан уни иззат ва ҳурмат қилиб, у билан Сапани сизлаб гапиришарди.

Ольга кўйиши қишлоқлар ва икки монастыр, йиғирма етти черкови бўлган уезд шаҳаридаги жомеларда бўладиган ибодат ва тантанага қўн борар эди. Ольга мероврок эди, шу сабабдан тоат-ибодатга кетганида, бола-чақасини бутунлай унугар, сўнгра уйига қайтаётганида эри билан кизи борлиги эсига тушиб, шодманар ва хурсандликдан илжайиб:

- Худо марҳамат қилди! – дерди.

Қишлоқда бўлган ҳар бир иш унинг наздида қабоҳат эди ва диққатини оширарди. Байрамларнинг ҳаммасида Азиз Илья, Успенье, Воздвиженья қишлоқи ичишарди. Покров куни Жуково қишлоғида байрам қилиниб, эркаклар уч кун муттасил ичинди. Жамоа пулидан эллик сўмни ичкиликка сарф қилдилар, сўнгра ҳар хонадондан арақ пули йиғиб олдилар. Байрамнинг биринчи кунинда Чикильдеевларнинг кўйи сўйилди, эрталаб ҳам, тунда ҳам, оқшом ҳам беармон едилар, сўнгра болалар кечаси уйғониб ҳам едилар. Кирьяк уч кунгача хўн ичди, ҳагто шапқаси билан эгиници ҳам сотиб ичди. Марьяни шундай дўнпосладик, бечорага сув селиб зўрга ўзига

келтирдилар. Кейин ҳамма хижолат тортиб, ўз қилишидан ўзи жирканди.

Малайбод, деб ном чиқарган Жуково кишлоғида ҳам озиб-ёзиб бир куни катта диний байрам бўлди. Август ойи эди, хоч, туғ ва аламларни кўтариб, кишлокма-кишлок айлантриб чиқдилар. Бу маросим Жуковога келадиган куни ҳавони булут босди; қизлар эрталаб ранг-баранг кийим кийиб, ясашиб, пешвоз чиқишди. Кечга яқин хоч кўтариб, бошлаб келишди, бу чоғ сойнинг нариги бетидаги черков кўнироғи чалишди. Кишлоқнинг ўз одамлари ва бегоналар тўпланиб, кўча тўлди. Шовкин-сурон, тўполол, қий-чув... Чол, кампир, Кирьяк ҳаммалари хочга қўл чўзиб, унга илтижо қилар, кўзлариши жавдиратиб, йиғлаб:

- Мададгоҳимиз! Волидан меҳрибонимиз! - дедилар.

Худди ҳамманинг кулфи дили очилиб, ер билан осмон ўртаси бўш эмаслигини бирданига англагандек, бойлар ва зolimлар эгалламай қолган парсалар ҳам бордай, хўрлик ва ҳақоратлардан, қулик исқанджасидан, тоқат қилиб бўлмайдиган ҳаддан ташқари муҳтожликдан, даҳшатли арақдан химоя қилувчи меҳрибон бордай туюларди.

Марья хўнграб:

Пушти папоҳимиз! Волидан меҳрибонимиз! - деб йиғлар эди.

Тоат-ибодат тугади, хочларни олиб кетдилар, барча ишлар яна эски изига тушди, ковокхонадан яна ҳақорат ва мастларнинг галвалари эшитилаверди.

Ўлимдан фақат бадавлат мужиклар кўрқардилар. Улар бойинган сари диллари сусайиб, худога, охиратга ишонмасдилар. Ёлғиз, қиёматда нима қиламан деган ҳаёлда, кўрқакшларидан черковга чирок ёқар, гоҳо ибодатга бориб кўярдилар. Камбағалроқ мужиклар ўлимдан кўрқмас эди. Чол билан кампирнинг юзига: ёшингни яшадинг, у дунё сафарига отланавер, дердилар, бунга улар хафа ҳам бўлмасди. Николайдан ҳеч андиша қилмай, унинг олдида Феқлага, Николай ўлса эрнинг Денисга ижозат бўлур, аскарликдан бўшаб келади, деган гапларни айтадилар. Марья бўлса ўлимдан кўрқиб у ён гурсин, ўлим тез келмаяпти, деб афеусланар, болаларни ўлса суюнар эди.

Ўлимдан кўрқмасалар ҳам, лекин ҳар хил оғриқлардан жуда каттик кўркардилар. Кампирнинг қорши оғриб, эти увушиб қолгудай бўлса, дарҳол печга чикиб, ўралиб ётиб оларди-да: «ўлдим, ўлдим!» деб вой-войлашга тушарди. Чол дарров попникига югурар, поп кампирнинг бошида калима айтиб, кампирга ўлимлик кийим кийдираддилар. Тумов, чиққон, курсок оғриғи ва қорнидан юракка ўтиб кетадиган гижжалар тўғрисида кўп гапириншарди. Тумовдан жуда ёмон кўркишар, шунинг учун ҳатто ёзда ҳам калин кийимлар кияр ва печга чикиб исинардилар. Кампир ўзини бокизишни яхши кўрарди, шу сабаблан касалхонага кўп қатнар ва буида доим – ёшим етмишда эмас, эллик саккизда дерди. Кампир ўз хаёлида доктор ёшимни билиб қолса, касалимини бокмай, ўладиган вақтинг бўлиб қолибди, каратиб нима қиласан дер, деб кўркар эди. Касалхонага борганида одатда икки-уч қиз болани ёшига олиб эрта билан кетиб, кечкурун очикиб ва аччиғланиб, ўзига томизғи дори, қизларига суртадиган дори олиб қайтарди. Бир борганида Николайни ҳам олиб борди, сўнгра Николай икки ҳафтагача томизғи дорини ичиб анча сиғишландим, деб юрди.

Кампир ўттиз чақирим атрофидаги доктор, фельдшер ва табибларнинг ҳаммасини танир ва лекин уларнинг биттасини ҳам ёқирмас эди. Байрам куни, поп хоч кўтариб уйма-уй юриб, фитр рўза йиғиб юрганда, поп билан бирга келган дьячок кампирга, шаҳарда авахта олдида, бурун ҳарбий фельдшер бўлган бир мўйсафид бор, жуда яхши даволайди, шу кишига бокизиб кўринг, деб маслаҳат берди. Кампир дьячокнинг айтганини қилиб, дастлабки қор ёғиши билан, шаҳарга бориб, сереқол, узун кийим кийган, юзининг кўк томирлари чиққан, «чўқинган»<sup>1</sup> бир мўйсафидни олиб келди. Худди шу кезде уйда халфалар яшлар эди. Ваҳимали кўзойнак таққан чол машиначи латта-путталардан, ямаб-ясақ шымча тикмоқда, икки йиғитча кигиз этик босмоқда эди. Аракхўрлиғи учун ишдан бўшатилиб, уйга келиб қолган Кирьяк машиначи ёшида ўгириб хомут ямар эди. Уй тикилинч, ҳавоси бузук, рутубатли. Чўқинган Николайни кўриб, банка қўйинини буюрди.

<sup>1</sup> Насроғийлик динига кирган яхулй, татар ва бошқаларни «чўқинган» дер эдилар.



Чўкинган Николайга банка кўйди, чол машиначи билан Кирьяк ва қизлар томоша қилиб турибди, назарларида касалнинг чиқиб кетаётганини кўргандай бўлишди. Кўкрагига кўйилган банкаларнинг этини сўриб, секин-секин қора қонга тўлиб бораётганини Николай ҳам кўрди ва баданидан дарҳақиқат алланарса чиқиб кетаётганини сезиб, суюнганидан илжайди.

– Яхши экан, худо шифо берсин, – деди машиначи, чўкинган табиб ўл иккита банка кўйгач, сўнгра яна ўн иккита кўйди-да, чой ичиб жўнаб кетди. Николайни қалтирок босди, хотинлар айтгандай, бужмайиб, юзи бир бурда бўлиб қолди. Бармоқлари кўкарди. Кўрпага ўралиб, пўстигини устига ташласа ҳам исимади.

У кечга томон ўсал тортди, ерга ётқизинг, машиначи тамаки чекмасин, деб инжиқлик қилди, сўнгра жим бўлди, эрталаб ўлди.

## IX

Эвоҳ, қандай узун, қандай қаҳрагон киш!

Йил бошида ўз бундойлари соп бўлиб, шундан бери уни сотиб олардилар. Энди уйига келиб қолган Кирьяк кечқурунлари шовқин-сурон кўгариб, ҳаммани кўрқитар, эрталаб бош оғриғи ва хижолатдан кийиналарди. Уни кўрган кишининг раҳми келарди. Оғилхонада оч қолган сигир кеча-қундуз маъраб, кампир билан Марьяннинг юрагини эзарди. Аксига олиб, совук ҳеч юмшамасди, қор кўн ёғиб тепа-тепа бўлиб кетди, киш чўзилди. Ҳайит арафасида қаттиқ изғирин туриб, қор ёғиб берди.

Аммо ҳар қалай киш ўтди. Апрель бошида қундузи ҳаво исиб, кечалари совук бўлиб турди. Киш бўш келмай турибди. Лекин бир кун иссиқ бўлиб, киш енгилди, ариқларга сув келди, қушлар сайради. Ўлапзорни, сой бўйидаги буталарни баҳор суви босди. Жуково қишлоғи билан сойнинг нариги томони ўртасидаги жойларнинг ҳаммасини сув босиб, қатта қўл ҳосил бўлди, қўлда гала-гала ёввойи ўрдақлар пайдо бўлди. Кўкламда қуннинг қизариб ботиши, барра булутлар ҳар кун кечқурун қутилмаган бир ҳодиса кўрсатарди. Қуннинг ботишидаги шу ранг ва шу булутларнинг суратда кўрганда киши ишонмайди-ган ажойиб ҳодисалар рўй берди.

Туриалар бирга юр деб чақиргандай, муингли овоз билан кичкириб, тез учиб бормоқда. Ольга жар бўйида туриб, тошқин сувга, кунга, гўё яшаргандай яраклаб турган черковга анчагача караб қоларди, кўзларидан ёш оқар, каёққа боши оғса шу ёққа, ҳатто душённинг нариги чеккасигача кетгиси келганидан, юраги сиқилиб шошарди. Москвага қайтиб кетиб, оқсоч бўлишга, Кирьяк ҳам у билан бирга бориб қоровулликка киришга жазм қилиб қўйган. Кошки, тезроқ кетишнишг иложи бўлса.

Йўллар куриб, ҳаво андак илиши билан йўлга тушдилар. Ольга ва Саша орқаларида тўрвалари, оёқларига чипта кавуш кийиб, гонг ғира-шира отиши билан уйдан чиқдилар. Марья ҳам чиқиб уларни кузатиб кўйди. Кирьяк касал бўлганидан бир hafta кейинроқ жўнамоқчи бўлди. Ольга эрини эсига олиб сўнги марта черковга караб чўқинди; йиғлаб юбормаса ҳам, юзи буришиб, кампирларникидек хунуклашди. Қиш ичи Ольга озиб, хунуклашиб, сочлари бироз оқарди, чехрасидаги аввалги мулойим, ёқимли табассум ўрнида, тортиган қайғу-аламлар доғи кўринар, қараплари сўнник, ожиз, ҳаракатсиз, ўзи меров бўлиб қолди. Қишлоқ ва мужиклардан ажрагиси келмасди. Николайнинг жасадини кўтариб кетаётганларида, ҳар уй олдида тўхтаб, дуо-фотиҳа қилганлари, унинг қайғусига кўшилиб, ҳамманинг йиғлашгани ёдига тушди. Ёз ва қиш ичи шундай оғир дамлар, шундай қийин кунлар бўлдики, бундаги одамлар ҳайвонлардан баттар яшагандек, улар билан бирга янамоқ даҳшатли кўринган эди. Улар дағал, инсофсиз, ифлос, доим маст, бир-бирларини ҳурмат қилмаганларидан доим уришардилар, бир-бирларидан кўрқадилар ва шубҳаланадилар. Қовоқхона очиб халқни арақхўрликка ўргатган ким? Мужик. Жамоа пулини, мактаб ва черков пулини ичкиликка сарф қилиб қўйган ким? Мужик. Қўшнисининг молини ўғирлаган, бировларникига ўт қўйган, бир шиша арақ учун судда ёлғон гувоҳлик берган ким? Земство йиғинларида, бошқа мажлисларда мужикларга қарши гапирган ким? Мужик. Шундақа, улар билан бирга турмоқ даҳшат, бироқ ҳар ҳолда улар ҳам одам, улар ҳам қайғу-ҳасратлар тортадилар, улар ҳам одам болаларидек йиғлайдилар. Улар турмушида бесабаб ҳеч нарса йўқ. Кечалари аъзойи-баданларини оғир меҳнат оғритади, шиддатли қаҳратон қишлар, баракасиз ҳосил, тор-танқислик

уларни кийпайди, лекин уларга ҳеч касрдан ёрдам, нажот йўқ. Бойроқ ва зўрроқлари уларга ёрдам қилолмайди, чунки буларнинг ўзлари дағал, инсофсиз, аракхўр, булар ҳам жирканч сўзлар билан сўкишади. Энг кичик амалдор ёки ҳар бир бойнинг гуманистаси мужикларга бехонумон, дарбадарлардек муомила қилади, ҳатто оксоқолларни, руҳоний бошлиқларни ҳам сансираб гапиреди ва бунга ҳақим бор деб ўйлайди. Зотан юлиб-юлкамок, ҳақорат қилмок, дўқ қилиб кўрқитмок учун кишлоққа келиб кетадиган манфаатнараст, очкўз, бузук ва дангаса одамлардан ёрдам ёки яхшилик кутиб бўладими? Қишда Кирьякни савалагани олиб кетаётган аиларида чол билан кампирнинг қандай бечора ва ожиз ҳолда турганлари Ольганинг эсига тушди. Энди Ольганинг бу кишиларга раҳми келиб, юраги эзилиб, йўлда бораркан, кишлоқ уйларига қайта-қайта қаради.

Марья уч чақирим жойгача кузатиб боргандан кейин, хайрланди, чўкка тушиб, юзини тупроққа уриб, фарёд кўтарди:

Яна ёлғиз қолдим, бечора, шўрлик бошим, яна якка қолдим...

Марья анчагача шу ҳолда йнглаб қолди. Ольга ва Саша, Марьянинг тиз чўкиб, икки кўли билан бошини ушлаб, кимгадир таъзим қилганини, унинг боши устида зағчалар учиб юрганини анчагача кўриб бордилар.

Куш кўтарилиб, ҳаво исиди. Жуково кишлоғи узокда қолди. Йўл юришининг пашъаси бор. Ольга билан Саша кишлоқни, Марьяни унутдилар, вақллари чоғ, ҳар парса бахрларини очар эди. Гоҳ эски кўрғонлар учрайди, қатор-қатор симёғочлар уфқда ғойиб бўлиб, аллақасқларга кетади, симларнинг гувиш-лашида ҳам сир бор. Гоҳида узокда, кўм-кўк дарахлар ичида кўрғончалар кўришади, у ёқда нам ҳаво, қушжут исн келади ва негадир унда бахтли кишилар тургандек туюлади. Гоҳ далада танҳо оқариб ётган от суяги учрайди. Тўрғайлар тинмасдан сайрайди, бедапалар бир-бирини чақиради. Қизилоёқ биров заш боғган михин суғураётгандай чинғиллайди.

Туш пайтида Ольга билан Саша қатта кишлоққа келдилар. Бундаги қатта кўчада генерал Жуковнинг ошпази бўлмиш чол учраб қолди. Чол иссиқдан терга ботган, қип-қизил тепакал боши офтобдан ялтирайди. У ҳам, Ольга ҳам бир-бирларини

танимадилар, сўнгра икковлари бирданига қайрилиб қараб, бир-бирларини танисалар ҳам сўзлашмасдан ҳар қайсиеси ўз йўлига кетаверди. Ольга бойроқ, янгироқ кўринган уйнинг очик деразаси тагида тўхтаб таъзим қилгач, ингичка овозини хошиш қилгандай баланд кўтариб, тиланди:

– Мўмишлар, худо йўлига хайр-эҳсон қилинглар, раҳмингиз келсин, ота-боболарингизни худо раҳмат қилсин, тан-жошингиз соғ бўлсин.

Сапа ҳам онасини айтганини такрорлади:

Мўмишлар, худо йўлига хайр-эҳсон қилинглар, раҳмингиз келсин, ота-боболарингизни худо раҳмат қилсин...

## СОЙЛИКДА

### 1

**У**клеево қишлоғи сойликда бўлиб, тош йўлдан ва темир йўл станциясидан қараганда чит фабрикаларининг мўриси ва черковнинг кўнғироққонасигина кўринар эди. Ўтган-кетган йўловчилар, қайси қишлоқ деб сўраганларида:

Маъракага келган дьячок икранинг ҳаммасини еб қўйган қишлоқ, – деб жавоб берардилар.

Бир кун фабрикчи Костюков маърака қилганда дьячок чол дастурхонга қўйилган овкатлар орасида донатор икрага кўзи тушиб қолиб, тўрт қадокча келадиган бир бопка икрани паккос еб қўйибди. Ён-веридагилар шунча туртсалар, енгидан тортсалар ҳам ҳузур қилганидан ўзини унутиб, пинагини бузмай сяверибди. Бу воқеага кўн замон бўлиб, дьячок аллақачон ўлиб кетган бўлса ҳам икра воқеаси халигача эсдан чиқмайди. Бу ердагиларнинг тирикчилиги шунчалик қашшоқлигиданми ёки одамлари бу ўн йилги анчайин воқеадан бошқа ҳеч нарса-ни билмаганлариданми, Уклеево қишлоғи тўғрисида бундан бошқа тузуккина гап айтолмас эдилар.

Уклеево қишлоғидан безгак сира аримас, ҳатто ёзда ҳам лойи қуримас, хусусан қариб қолган катта тол дарахтлари соясидаги девор таги ҳамиша лой эди. Фабрикадан чиқариб ташланган ахлатлар билан читга нақш босганда ишлатила-

диган тезоб дориларнинг сассини сира кетмасди. Учта чит фабрикаси билан битта кўн заводи қишлоқдап бир чеккароқ, нарида бўлиб, ҳаммасидаги ишчиларнинг сопи тўрт юздан ошмас эди. Кўн заводининг ахлатларидан соининг суви сасиб, ўтлоқ ерлар ҳам завод ахлатларидан ифлос бўлиб, бу ўтларни еган молларга куйдирги касали юкиб, деҳконларнинг моллари кириларди; шу бопедан фабрикаи ёпмокка буйрук бўлди. Аммо фабрика отига ёпилган хисобланиб, қишлоқ пристави ва уезд докторига эгаси ҳар ойи ўн сўмдан бериб, фабрикаи яширин ишлатаверди. Қишлоқда иккитагина тунука томли тузуккина ғишт уй бўлиб, бирида волюсть маҳкамаси, иккинчисида, черков рўбарўсидаги болохоналик уйда, Елифан мешчанларидан Григорий Петров Цибукин жойлашган эди.

Григорийнинг баққолик дўкони бор эди, аммо бу номига баққолик бўлиб, арақ, тери, буғдой ва ҳар бало сотиларди, Григорий шу дўкон оркали ҳатто мол жаллоблик ва чўчка жаллоблик ҳам килар эди. Чет элдаги хонимлар кашшоқларига зағизгон пати керак бўлиб қолса, ҳар жуфт зағизгондап ўттиз тийиндан фойдаланиб қоларди. У дарахтларни сотиб олиб, кесиб сотар, ижарага пул қарз берар, хулас, удлабуро чол эди.

Григорийнинг икки ўғли бўлиб, Ашсим деган катта ўғли полиция кидирув бўлимида ишлар, уйга ахён-ахёнда келарди. Степан деган кенжа ўғли дўконда отасига қарашарди, аммо ундан тузуккина ёрдам умид килиб бўлмас эди, чунки у нимжон ва қар эди. Хотини Аксинья, қомаги келишган, хушбичим, чиройли аёл, ҳайит кушлари ясапиб, бошига шляпа кийиб, соябон кўтариб савлат тўкиб чиқар, тонг отиши билан, барвақт турар, кечаси алламаҳалда ётар, кундузи тишмай, этагини кўтариб, калитларни шиқирлатиб, ҳали омборхонага, ҳали дўкошга, ҳали ертўлага югурар эди. Чол Цибукин келишига тикилиб туриб, ич-ичидан қувонар, кўзлари ўтдек ёниб кетар ва, айли вақтда, бу келин катта ўғлига тушмай, афтидан, чиройли хотиннинг нималиниши яхши билмайдишган қар ўғлига тушганига ачинарди.

Бола-чакага, уй-рўзғорга чолнинг меҳри баланд, дунёда бола-чакасидан ортиқ кўрган нарсаси йўқ, изкувар катта ўғли ва халиги келиниши, айниқса яхши кўради. Қар ўғлига тушган келини Аксинья жуда ишбилармон, чаккон, эпчил чиқди; уйга

келиган кунидан бошлаб, дарров ҳамма ишни тасарруф қилиб олди. Кимга насияга мол бериш, кимга бермасликни ҳам билиб олди. Қалитларни ҳеч кимга бермас, ҳатто эрига ҳам ишонмас эди. Чўт қоқинга ҳам жуда уста. Худди эркактардек отларнинг тишини кўрар, юзи доим кулиб тиржайиб турар, бакирган чақирган эди. Чол ҳам унинг деганидан чиқмас, нима деса завқи келиб:

- Баракалла, хўб келишим бор-да! Хуссинига балли, баракалла... – дерди, холос.

Чол бева эди, аммо ўғли уйлангандан кейин чидолмасдан, бир йилдан сўнг, ўзи ҳам уйланди. Уклеєво қишлоғидан ўттиз чақирим наридан Варвара Николаевна помли таг-туғли бир қари қизни топдилар. Қизнинг ёши анчага бориб қолган бўлса ҳам, кўхлик ва барваста эди. Боллохонадаги уйга янги келин тушиши билан уйга файз кириб, деразаларга янги тоза ойна солингандек, ҳаммаёқ ярақлаб қолди. Шамчироклар ёкилди, столларга кордек оппок дастурхонлар ёзилди, дарчалар таги гулзор бўлиб, қип-қизил тугмача гуллар очилди, овқатни ҳамма бир илдидан емай, ҳар бир киши алоҳида тарелкада еядиган бўлди. Варвара Николаевна доим ёқимтойгина жилмайиб турар, уйдаги ҳамма нарса жилмайиб тургандек кўринарди. Илгари бу ҳовлига гадойлар, мусофир-мушовир, художўйлар ҳеч йўламас эди. Энди дарча тагида Уклеєво қишлоғидаги бева-бечора хотинларнинг тилангани, арақхўрлиги учун фабрикадан бўшатиб юборилган, ичкилик хароб қилган кишиларнинг йўталлиши эшитиладиган бўлди. Варвара уларга пул, нон, эски кийим-кечак хайр-эхсон қилар эди. Кейин ўрганиб қолиб, дўкондан ҳам унча-мунча олиб чиқиб берадиган бўлди. Бир кун нимчораклик чойдан икки думалоғини олиб чиқиб кетаётганини кўриб қолган қар, хижолат тортиб ерга қаради. Кейин:

-- Ойим шимчорақдан икки думалок чой олиб кетдилар, пулини кимга ёзиб қўяй? -- деб отасидан сўради.

Чол ҳеч нарса демасдан бирпас ўйлади ва қолларини чимириб, боллохонадаги хотиннинг олдига чиқиб кетди.

- Жоним, агар дўкондан бирон нарса керак бўлса тортишиб ўтирма, хижолат ҳам бўлма, олавер, – деди мулоқимлик билан.

Эртасига кар ҳовлидан югурганича ўтиб кетаётганида Варварага қараб:

– Ойи, нимаики керак бўлса олаверинг! – деб қичкириб ўтиб кетди.

Шамчироқлар ва қизил тугмача гуллар бу уйда бир янгилик бўлганидек, Варваранинг бева-бечораларга хайр-эҳсон қилиши ҳам бир янгилик, файз ва хурсандлик эди. Шак кунни ва уч кунлаб давом этадиган катта байрам кунларида сас-сиғидан одам олдида туриб бўлмайдиган гўшглари қишлоқ одамларига сотганларида, маст қишлоқ одамлари ўроқ, шанка, хотинларишинг дуррачалари ва нима бўлса шуни гаровга олиб қолаётганларида, ярамас арақни ичган фабрика ишчилари лойларга буланиб думалаб ётганларида, рўйи заминни гуноҳ босиб кетгандек кўринган вақтларда, кўланса, тузланган гўшг билан ҳам, арақ билан ҳам ҳеч ниси бўлмаган ювошигина, озодагина покиза хотин уйда ўтирганлиги эсларига тушиб, бу гуноҳлар азобидан кўнгиллари бироз тасалли тошар эди; бундай оғир, вазмин кунларда унинг қилган хайр-эҳсон ва садақалари гўё уларга бир радди балодек туюларди.

Цибукиннинг уйида ҳеч тиним йўқ, эрталаб кун чиқар-чиқмас Аксинья даҳлизда пишкириб юз-қўлини юваётгани эшитилиб турар, ошхонада самовар гўё бир похуш хабардан дарак бергандай бақир-буқир қайнаб турар эди. Чол Григорий Петров узун қора тўлини, чипт шимини, баланд кўнжли ярақлаган этигини кийиб олиб, машхур кўшикдагидек, қайнаталикни ўрнига кўйиб, пошнасни ғирчиллатиб олифталик билан уйдан-уйга юрар эди. Дўкон очилиб, кун ёйилгандан кейин отларни хипча пойга аравага қўшиб, дарвозахонага келтиришарди. Чол катта шапкасини қулогича босиб кийиб, олифталик билан аравага ўтириб оларди, кўрган киши уни ҳеч эътибор олтига қирган демасди. Хотини билан келини уни кузатгани чиқардилар. Чол тон-тоза янги чакмонни кийиб, уч юз сўмга олган катта қора от қўшилган пойга аравага ўтирганда қишлоқ одамларининг эшикка келиб илгимос ва шикоят қилишларини ёқтирмас эди. Қишлоқ одамларидан ҳазар қилар, уларни ёмон кўрар, биронга қишлоқ одами келиб дарвозахонада уни кутиб турганини билса, қойиб:

– Нима қилиб турибсан, йўлинидан қолма, кетавер! – деб бақирар эди. Ёки қутиб турган одам гадоё бўлса:

– Худо берсин! – деб жўнатиб юборар эди.

Чол иш юзасидан сафарга чиққанда хотини қирчимол қийимлар устидан қора фартук қийиб олиб уйларни йиғиштирар ёки ошхона ишларига қарашар эди. Аксинья дўконда мол сотар, дўконда пишаларнинг чакир-чуқури, тапша-чақаларнинг жаранглаши, Аксиньянинг қулган ва қичқиргани, харидорларнинг қойиб аччиқланганлари ҳовлида эшитилганда билингки, дўконда яширин арак сотин қизиб кетибди. Қар ҳам дўконда ўтирар, баъзан кўчада бошланг, икки кўлини чўнтагига солиб, уйларга ва осмонга анграйиб қараб юрарди. Уйдагилар қунига олти марта чой ичар, тўрт марта овқат ер, кечкурун савдодан тушган пулни санаб, дафтарга ёзгандан кейин мириқиб ухлар эди.

Уклесво қишлоғидаги қит фабрикасининг учтасида ҳам, фабрика эгалари биродарон Хриминларнинг қаттасиникида ҳам, қичигиникида ҳам, Костюков ва перикларининг уйларида ҳам ҳам телефон бор эди. Волость маҳкамасига ҳам телефон ўтказилган эди-ку, лекин кўп фурсат ўтмай, бузилиб қолди, чунки телефоннинг ичи қанахона, суваракхона бўлиб қолди. Волость бошлиғи саводсиз одам эди ва ҳар бир сўзини бош харфдан ёзар, аммо телефон бузилиб қолганда у:

Ҳа, энди телефонсиз ишимиз қийин бўлади, – деб қўйди.

Биродарон Хриминларнинг қаттаси қичиги билан доим судлашиб умр ўтказар эди. Гоҳо қичик Хриминлар ҳам бир-бирлари билан уришиб қолиб, судлашар, ярашувларича орадан бир-икки ой ўтиб кетар ва бу муддат ичида фабрикалари ётиб қолиб, бу воқеа Уклесво қишлоғининг одамларига анча эрмак бўларди, чунки Хриминлар ҳар уришганларида аллақачча гап-сўз, миш-мишлар ёйиларди. Байрам қушларида қичик Хриминлар билан Костюков арава пойга қилар ва ҳар гал қишлоқдан бир неча бузқончи босиб ўлдирар эди. Аксинья оҳорлик қўйлақлар қийиб, ясашиб дўкони олдида томонга қилиб юрганда қичик Хриминлардан биттаси келиб, худди уни олиб қочгандек, аравага солиб олиб кетарди. Бундай байрам қушларида чол Цибукин ҳам янги сотиб олган отини кўрсатмоқ учун аравасини қўшиб, хотини Варварани ҳам ёнида олиб чиқарди.



Сайилдан кейин, кечаси ётар пайтида, кичик Хриминларнинг ховлисида кимматбаҳо яхши гармон чалиниб, ўйин бошланарди, ойдин кеча бўлганда, гармоя овозидан ҳамма ҳаяжонланиб ва димоғи чоғ бўлиб, бундай кезларда Уклеєво кишлоғи сойликдаги пасткам жойга ўхшамай кетарди.

## II

Чолнинг катта ўғли Анисим уйига ахён-ахёнда, катта байрамларда келарди, аммо ҳамқишлоқларидан тез-тез совға, хаг юбориб турарди. Хатти ўзи ёзмай, бошқа бир хушхаг одамга ариза ёзгандек бир тахта коғозга ёздирадди. Хатида Анисимнинг ўзи биров билан гаплашганида ҳеч бир айтмайдиган гаплари кўн бўларди. Чунончи: «Хурматли отамиз билан онамизга ўз итєсьмоғингиз учун бир кадок гулчоғ юбордим» каби иборалар билан ёзар эди.

Ҳар бир хатнинг охирида хит перо билан ёзилгандек, тирпаб: «Анисим Цибукин» деб қўл қўйилар эди. Бу имзодан кейин яна халғи хушхаг одамнинг қўли билан: «Агент» деган сўз ёзилар эди.

Анисимдан келган хатни қайта-қайта баланд овоз билан ўқирдилар. Кўнгли бузилиб, ўпкаси тўлган чол ҳаяжонидан кишкизариб дерди:

– Отасининг уйида турмоқни хоҳламади, муллалик кўчасига кириб кетди. Майли, ўз таъби! Ҳар кимнинг хунари!

Бир кун катта байрам олдида, жала қуйиб, ёмғир аралаш қор ёғиб турганда, чол хотини Варвара билан дераза олдига келиб ховлига қараб турар эди, станция томондан чанага тушиб келаётган катта ўғли – Анисимни кўриб қолди. Ҳеч ким уни келиб қолар деб ўйламаган эди. Анисимнинг дили ғаш, аҳволи наришроқ кўринди; уйга киргандан кейин ҳам мудом чиройи очилмай юраверди. Қайтиб кетадиган авзойи ҳам йўқ, аҳволи хизматдан бўлаганга ўхшарди. Варвара унинг келганига хурсанд бўлиб, кулимсираб тикилиб-тикилиб қараб турди, кейин ух тортиб, бошини чайқади.

Бу нима деган гап, йигитнинг ёши йигирма саккизга борган бўлса-ку, ҳали ҳам уйланмасдан бўйдоқ юраверса-я. Войбў...

Варваранинг нариги уйдан туриб охиста войбўлагани эшитилиб турарди. У чол билан Аксипьяга шивирлаб бир парсалар деди, буларнинг чехралари бир парсага касл қилган исёнчилардек, аллақандай сирли тусга кирди.

Хуллас Анисимни уйлантиришга қарор қилдилар.

- Войбў... сендап кичик уканг аллақачон уйланса-ю, сен хали ҳам бозордаги хўроздек тоқ юрсанг. Шу ҳам ишми? Войбў, хотин олиб уй-жой қилганидан кейин худо хохлаسا билганингни қилсан, агар хизматингга жўнасанг, хотининг бу ерда бизга қанот-куйруғ бўлиб қолади. Йигит кишига бу юриш ярамайди. Қараб турсам, гартиб-қонладан жуда чиқиб кетибсан. Шўрм курсин, шаҳарлик бўлгандан кейин кийин экан-да, войбў, деди Варвара...

Цибуканининг ўғиллари бойвачча бўлганидан уларга чиройли кизларни кидириб топардилар. Анисимга ҳам чиройли бир кизни топдилар. Анисимнинг ўзи хунук, кўрмисиз, заиф, бўйи паст, юзлари шишган, хомсемиз, кўзлари ўкрайган, қарани хунук, соколи яккам-дуккам, сап-сарик, кўса эди. Хаёл суриб, фикрга чўмганида, соқолини оғзига тикиб чайқар, хунуклиги устига аракхўр эди, унинг бу қилиғи афт-башарасидан ҳам билиниб турарди. Аммо унга жуда хушрўй каллик топилишини айтганларида:

- Мен ҳам чакана одам эмасман. Бизнинг уругимизнинг ҳаммаси чиройли, деб қўйди.

Шаҳарнинг шундоқкина ёнида Торгуево кишлоғи бор эди. Бу кишлоқнинг ярмиси яқинда шаҳарга қўшилиб, ярмиси кишлоқнингича қолган, шаҳарга қўшилган қисмида бир бева хотин бор эди. Бу бева хотиннинг мардикор ишлаб кун кўриб юрган бечораҳол бир синглиси бор эди, унинг Липа деган бир кизи бўлиб, бу киз ҳам мардикор ишларди. Липанинг ҳусни ҳамманинг оғзига тушган бўлса ҳам, жуда кашшоқлиги кўнларни андишага солиб қўярди. Биронта хотини ўлган ёки хотинини қўйган, қари одам топилиб қолса, қизнинг камбағаллигига қарамай олса ажаб эмас, жуда хотин қилиб, никоҳлаб олмаганда, «шунчаки» олар, қизни олса, онаси ҳам қизникида қорни тўйиб қолади, дейишар эди. Варвара совчи хотиндан Липанинг таърифини эшитиб, Торгуево кишлоғига бориб уни кўриб келди.

Бундан кейин бояги холасинниг уйида кизкўрар бўлиб, бунда ичкилик билан зиёфат берилди. Липа ҳам кизкўрар учун атайин тикилган лушти кўйлагини кийиб келди, сочига такилган кип-қизил тасма чўғдек ловуллаб ёниб турарди. Қиз нозиккина, нимжон, рангпар, афт-башараси бежирим, офтобдан юзи қорайган эди. Дардли, маънос табассум юзидан аримас, гўдакона маъсум кўзлари жавдираб турар эди.

Қиз хали ёш, кўкраклари ҳам билинар-билинмас, лекин бўйи етиб қолганидан никоҳ раво хисобланар эди. Қиз дарҳақиқат чиройли, фақат бир айби бор, у ҳам бўлса шуки, қўллари эркакларникидек катта ва иккита катта чангакдек осилиб турар эди.

Чол кизнинг холасига қараб, қизингиз сепсиз экан, лекин бунга ҳеч нарса демаймиз, кичик ўғлим Степанга ҳам шундай камбағал боласини олиб бердик, лекин ҳозир келишимиздан ниҳоятда хур-сандмиз, ишга эгчил, чевар, кулидан ҳар бирини келади, – деди.

Липа эшик ёнида: «Нима қилсангиз билганингизни қилинг, ихтиёрим сизда», дегандек мўлғайиб турар эди. Мардикор опаси Просковья ҳам кўрқанидан нафаси ичига тушиб, овозини чиқармай, ошхонада ўтирар эди. Бир вақтларда ёшлик чоғида, у бир бойнинг полнини ювиб юрганида: бойнинг жаҳли чикиб, тешииб, уни қаттиқ қойиб берган экан, шундан бери юрагини олдириб қўйган экан. Қачон сиз кўркса қўл-оёғи, хатто юзлари ҳам титраб кетар эди. Ошхонада ўтириб меҳмонларнинг гапига қулоқ солар экан, бурчақдаги иконаларга қараб чўкиниб қўяр эди. Андак ичиб олган Анисим кайф билан ошхона эшигини очиб:

– Онажон, нега бу ерда ўтирибсиз? Сиз йўғингиз учун бизга татимаяпти, – деди.

Просковья бўлса юраги ёрилиб, озғинлигидан суяклари чикиб қолган кўкрагига қўлларини қўйиб:

– Куллик, раҳмат... жуда-жуда миннатдормиз... деди.

Қизкўрардан кейин тўй кунини тайинлапти. Анисим уйга келгач, ҳуштак чалиб, уйдан-уйга кириб юрди, гоҳ тўсатдан бир нарса эсига тушиб, кўзи билан ерни тешмокчи бўлгандек тикилганча хаёл суриб қолади. Яқинда тўй, уйланишига хурсанд бўлгани ҳам, қаллиғини кўргиси келгани ҳам маълум

эмас, хуштак чалиб юради, холос. Уйланишга ҳам отаси билан ўгай онаси хоҳлагани учун рози бўлгани, сўнгра қишлоқда одат шунақа бўлиб ўғил отанинг уйига бир хизматкор келтириб бериш учун уйланиши расм, уйланиши шу сабабдан экани билиниб туради. Анисим қайтиб кетаётганда ҳам ҳеч шошмади, хуллас бу гал юриш-туриш бутунлай бошқа, маҳмадонароқ, гаплари пойинтар-сойинтар эди.

### III

Шикалова қишлоғида эгачи-сишил икки художўй машиначи бор эди. Тўйнинг сарполарици тикишни шуларга буюрдилар, булар кийим бичгани келиб бемалол ўтириб, чой ичиб кетардилар. Варварага қора ука тутилган, майда маржон тақилган жигарранг кўйлак тикдилар, Аксиньяга оч-кўкдан, кўкрагига сарик ука тутилган кеш этакли кўйлак тикдилар. Машиначилар сарполарни тикиб бўлганларидан кейин Цибукин уларга пул бермасдан, дўконидан мол берди. Шунинг учун улар мўм, шам, тузлаб қутига тақилган балиқларни тутиб, жуда хафа бўлиб чиқиб кетдилар. Бу нарзалар уларга сира керак бўлмаганидан қишлоқдан далага чиққач, бир теса устига ўтириб, йиғи бошладилар.

Анисим янги сарпо кийиб тўйга уч кун қолганда етиб келди. Оёғида ялтираб турган янги қалиш, ёқасида галстук ўрнига икки учига думалоқ соққа тақилган қизил боғич, енгини киймасдан елкасига ташлаб олган янги пальто.

Анисим уйга келиб улуғворлик билан ибодат қилгандан кейин, отаси билан кўришиди ва унга бир сўлкавойликдан ўнта, ярим сўлкавойликдан ўнта, онаси Варварага ҳам шунчадан пул берди. Аксиньяга чорак сўмликдан йигирма дона берди. Бу совғаниш чиройи шу эдики, сўлкавойларнинг ҳаммаси яп-янги, офтобга тутса ялтирар эди. Анисим ўзини улуғвор ва одми кўрсатмоқ учун тумтайиб, лунжларини шиширар, ундан доим вино иси келиб турарди; келаётганда ҳар станцияда буфетдан вино ичиб турган бўлса керак. Бу гал ҳам унинг гап-сўзида алақандай бемаъинлик, ҳаракатларида одамга ярашмаган қилиқлар бор эди. Кейин Анисим билан чол чой ичиб, овқатлашиб ўтирди. Варвара яп-янги сўлкавойларни

кўлида ўйнаб туриб, шаҳардаги хамқишлоқларини суриштирар эди.

Анисим унинг саволларига жавоб бериб, деди:

– Худога шукур, яхши, омон-эсон юришибди. Фақат Иван Егоровнинг уйдаги ходиса шуки, унинг камшири Софья Никифоровна ўлиб қолди. Сил касал экан. Маъракаси ҳар киши бошига бир сўм йиғирма беш тийиндан тўлаб булқачиникида ўтказилди. Узумдан қилинган виолалар қўйилди. Бизнинг кишлоғимиздан бўлганларга ҳам бир сўм, бир сўм йиғирма беш тийиндан тўланди, аммо улар ҳеч нарса емадилар. Қишлоқ одамлари овқат мазасини биладими?

Бир сўм йиғирма беш тийин! - деди чол, бошини чайқаб.

Ҳа, нима бўпти? У ёк кишлоқ эмас, биронта ресторанга кириб озроқ овқат смокчи бўлсанг, битта-иккита одам билан ўтиришиб қолсан; ичкилик бошланиб кетади, бир маҳал карасан тонг отиб қошти. Киши бошига уч-тўрт сўмдан тушаверди. Самородов билан ўтиришиб қолсак, у овқатдан кейин коньяк солинган қаҳва ичишни яхши кўради, коньякнинг бир рюмкаси олгини тийиндан.

Чолнинг хаваси келиб:

Ҳамма гапинг ёлғон, ҳамма гапинг ёлғон! - деди.

Мен энди фақат шу Самородов билан улфатчилик қилладиган бўлдим. Самородов деган одамим сизга юборган хатларимни ёзган киши. Хати жуда яхши.

Анисимнинг хурсандлиги охиб, Варварага қараб деди:

Она, агар бу Самородов деган одамнинг қанақалигини айтиб бераверсам ишонмайсиз. Ҳаммамиз унга Мухтор деб от қўйганмиз, чунки ўзи арманига ўхшаган қон-қора. Мен унинг бутун икир-чикиридан хабардорман, ҳамма сирларини биламан, у ҳам буни пайқаб ҳеч менинг кетимдан қолмайди. Ҳозир орамиздан қил ўтмайди. Мендан ҳадиксирайди-ю, лекин менсиз бир лаҳза ҳам туролмайди, қаерга борсам кетимдан қолмайди. Ойи, сизга айтмай, менинг кўзим дарров ҳар нарсани илади. Биронта кишлоқ одамнинг бозорда қўйлақ сотиб турганини кўрсам, дарров фахмлайман, шонима, албатта ўғирлик қўйлақ дейман, кейин суриштириб карасам дарвоқе ўғирлик чиқади.

– Қандай қилиб биласан? – деб сўрайди Варвара.

– Қандай қилиб билардим, кўзим пишиб қолган-да. Мен кўйлакнинг қандайлигини ҳам билмайман-у, лекин кўнглим ҳадеб шунга чопаверади, ўғирликка ўхшайверади. Қидирув бўлимидагиларнинг ҳаммаси мени билиб қолганлар. Ўғирлик молларни кидиргани бозорга чиққанимда «овга» чиқди дейдилар. Ўғирликни ҳамма ҳам билади, лекин гап ўғирланган молни бекитишда, ернинг бағри кенг-у, лекин ўғирлик молни бекитишга жой тополмайди.

Бизнинг кишлоғимизда ўтган ҳафта Гунторовларнинг битта кўчқори билан иккита совлиғини ўғирлаб кетдилар, лекин бунинг пайига тушиб кидиралиган одам йўқ, – деди Варвара ух тортиб.

Қидириб кўрсак бўлади. Бунинг қийинлиги йўқ, мумкин.

Тўй қуни ҳам келиб қолди. Ҳаво салқин, лекин осмон очик, равшан апрель ҳавоси эди. Орталабдан бошлаб Укисево кишлоғида араванинг дўғасига, отларнинг ёлига раш-баранг шокилдалар тақилган уч отлик, икки отлик аравалар кўнги-роқларини жишгилашиб ўтавердилар. Толлардаги кўнгишлар ва чуғурчуқлар араваларнинг тўнолонидан безовталаниб, Цибуқниларнинг тўйига хурсандлик қилаётгандек, тицмай сайрар эди.

Дастурхонга узун-узун балиқлар, яхна гўштлар, тухум тўлдириб пиширилган шаррандалар, тунука кутидаги тузланган балиқлар ва бошқа хар хил лазиз овқатлар, бир талай нишаларда арагу вишолар, дудланган қолбасалар ва аниган киекичбақалар кўйилди. Чол кўлидаги пичоқларни бир-бирига қайраб, пошнасини дўкиллашиб дастурхон атрофида юрар эди. Варварани у ёкка-бу ёкка чақириб, хали уни, хали буни сўрашар эди. Варвара ҳам ховликиб, ҳарсиллаб меҳмонхонадан ошхонага, ошхонадан меҳмонхонага чопар эди. Ошхонада тонг отардан бери Косцюковлардан бир ошпаз, кичик биродарон Хриминлар томонидан юборилган бир ошпаз хотин овқат тайёрламоқда эди. Аксинья сочларини жипгалак қилиб, ғарчиллама яши ботинкаси кийиб, белини сириб олиб, ич кўйлак билан ховлида у ёкдан-бу ёкка чопар, яланғоч сонлари билан кўкраклари хар замонда бир кўришиб қолар эди. Шовқин-сурон, қойинган-сўкишган, худони ўртага солиб қасам ичган, ўтган-кетганлар ланг очик дарвоза олдидан

тўхтаб томоша қиларди. Бундаги ҳаракатлардан, фавқулодда бир ишга тайёргарлик борлиги сезилиб турарди.

Келинга арава кетди! – деди биров.

Араванинг кўнғироклари кишлоқдан чиққандан кейин ҳам узоқдан эшитилиб турди, кейин кўнғирок овози тинди... Соат иккидан ўтганда одамлар яна чувалашиб қолдилар. Яна кўнғирок овози чиқди. Ҳамма ҳар тарафдан:

– Келин келаяпти, келип келаяпти – деб қолишди. Черков одамга лиқ тўлди, шамчироклар ёқилди, чол Цибукишнинг раёйига қараб ҳофизлар нота ўқидилар. Чирокларнинг шуъласи, ранго-ранг кийимларнинг жилваси Лицанинг кўзини камаштирди, ҳофизларнинг каттик овози назарида бошига болғадек тегар эди. Умрида биринчи марта кийган корсети<sup>1</sup> белини, тор ботишкеси оёғини сиқар эди. У беҳушлиқдан уйғонгандек қарахт, ҳайрон бўлиб, анграйиб турарди. Қора камзул кийган, галетук ўрнинга кизил боғич таққан Анисим ҳам бир нуктага тикилиб, ҳуши қочиб турар, ҳофизлар авжга чиққанларида шошиб-нишиб чўқиниб оларди; кўнгли бузилиб, ўпкаси тўлиб, йиғлагуси келарди. Бу черковни Анисим ёшлик чоғларидан билади. Бир вақтларда, болалик чоғида марҳума онаси уни шу черковга келтириб чўқинтирган, сал катта бўлганида болалар билан бунда ҳофизлик қилган эди. Шунинг учун черковнинг ҳар ерини, ундаги иконаларнинг ҳар бирини жуда яқин билади. Бу қун никоҳ, расм-одағ шу экан, уйланмоқ керак экан, лекин бу онда уйланиш тўғрисида ҳеч бир ўйламас, тўй эсидан тамомила чиқиб кетган эди. Кўзига жик-жик ёш тўлиб, иконаларни яқин кўролмас, юраги сиқилар эди. Кўнглида худога ёлбориб, қурғокчилик вақтида осмонда найдо бўлган қора булутлар кишлоқ тепасидан томчиламай ўтиб кетганидек, бугун бўлмаса эртага унинг бошига тушай деб турган бало-казоларнинг ҳам беэиён-заҳмат ўтиб кетишини сўрар эди. Гуноҳи тўла, гуноҳ лойига ботган, нажотдан ҳеч бир умид йўқ, шунинг учун худодан марҳамат сўрашга ҳам тили бормаиди, лекин шундай бўлса ҳамки, худога илтижо қилиб ёлборди, ҳатто шик-шиқ йиғлаб юборди, аммо унинг бу ҳолига

<sup>1</sup> Корсет – ҳоғишлар белларига боғлайдиган, белни сиқиб турадиган белбоғ.

ҳеч ким нарво қилмади, чунки ҳамма уни ичиб олган деб ўйлар эди. Ўпкаси пишиб йиғлаган боланинг овози эшитилди:

Ойижон, мени бу ердан тезроқ олиб кет! Ўргилай ойи!  
- Шовкинлама, ҳой! - деб бақирди поп.

Черковдан қайтиб келаётганларида аллақанча одам орқаларидан эргашди: дўконнинг олдини, дарвозахонаси, ховлини, дарча тагини одам босиб кетди. Мақтовчи хотинлар келдилар. Келин билан куёв дарвозадан кириши билан, эшик тагида нота ушлаб тайёр турган ҳофизлар бирдан қўшиқ бошладилар; атайин шаҳардан келтирилган мусиқа чалиб юборди. Баланд бўйли қадахларда доннинг вижилаб турган винолари келтирилди. Қашин қошлари орасидан кўзлари зўрға кўришиб турган, баланд бўйли, котмадан келган пудратчи уста Елизаров келин билан куёвга насихат қилиб, деди:

- Ўғлим Анисим, кизим сен ҳам бир-бирингизга озор берманг, хафа қилманг, худонинг амридан чиқмасангиз, ҳеч маҳал хор бўлмайсиз. Бу сўзларни айтиб пудратчи чол бошини Григорийнинг елкасига кўйиб, йиғлаб юборди. Григорий Петров хурсандликдан йиғлайлик! - деди ишгичка товуш билан, сўнгра хахолаб кулди. - Бу келиннинг ҳам маъқул. Бекаму кўст, ҳеч қаерда нуқсонни йўқ. ҳаммаси жойида, чакки эмас.

Бу мўйсафид устанинг асли Ёгорьев уездидан эди, аммо ёшлигидан бери Уклеево қишлоғидаги фабрикаларда ишлаб, шу ерлик бўлиб қолган қадимги чол эди. Ҳамавақт унинг афт-баъараси шунақа, бўйи новча, котма эди, шунинг учун ҳам уни ёғочоёқ дердилар. Қирк йилдан ортиқроқ фабрикаларда фақат устачилик иши билан шуғулланганиданми, ҳар ҳолда, биров тўғрисида гаширганда, биров нарса устида сўзлаганда фақат унинг мустаҳкамлигини ёки бепандлигини суруштирар эди. Стол олдига ўтираётганда ҳам аввал биринчи стулни кимирлагиб кўрар, дастурхондаги балиқни ҳам ушлаб кўярди.

Келтирилган қадахни бир сидра ичиб бўлгандан кейин меҳмонлар дастурхонга ўтиришди. Стулларни суриб, бир-бирлари билан гаплашар, ичкарида ҳофизлар ашула айташар, мусиқа чалар, ховлида хотин-халажлар отишлик қиларди. Биров чиқирган, биров бақирган, хуллас шовкин-сурон галвадан бош оғрир эди.



Бояги ёғочоёқ чол жим ўтирмай, стулини ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа сурар, ёнидагиларни тирсаги билан турткилаб гаплашгани кўймас, ҳали йиғлар, ҳали хахолаб кулар.

– Чирогларим, бўталарим... Бўтам Аксинья, Варвара, жигарларим, ҳамжиҳат бўлайлик, иттифок бўлайлик... дерди гулдираб.

Бу мўйсафид ичкиликни кам ичарди, ҳозир бир рюмка инглиз араги ичиши билан маст бўлиб қолди. Нимадан қилингани номаълум бўлган бу заҳардек аччиқ арақ ичган кишини дарров юмалатар эди. Ҳамма маст бўлиб, гулдираб қолди.

Меҳмонларнинг ичкда руҳонийлар ҳам, хотини билан келган гумашталар ҳам, бошқа қишлоқлардан келган савдогар ва қовокхоначилар ҳам бор эди. Ўн тўрт йилдан бери бирга хизмат қилиб келаётган ва лекин бу муддатда бир қоғозга ҳам қўл қўймаган, маҳкамаларига келган кишини алдамасдан, ранжитмасдан чиқазмаган волюсть бошлиги ва унинг мирзаси ёнма-ён ўтирар эди. Иккови ҳам бир-биридан семиз, тўқ, икковининг ҳам афт-башараси шундай эдики, ёлгончилик бадалларига жуда сингиб кетганидан юзларининг териси ҳам алланечук доғулликларидан шаҳодат бериб турарди. Волюсть мирзасининг озиб, қотиб кетган гилай хотини бола-чақаларининг ҳаммасини эргаштириб келган, худди олғир лочиндек дастурхонга қинғайиб қарар, қўлига тушган парсани ўзининг ва болаларининг чўнтагига тикар эди.

Лица черковда қай ҳолда ўтирган бўлса ҳали ҳам шу ҳолда бе-ҳушдек ўтирар эди. Анисим Лица билан танишгандан бери ҳалигача у билан гаплашгани йўқ, шунинг учун унинг товуши қанақа экаини ҳам билмайди. Ҳозир у ёнида ўтирган бўлса ҳам инглиз арагини индамай ичиб ўтирибди, ҳўб ичиб маст бўлгандан кейин рўбарўсида ўтирган ҳоласига сўз қотиб деди:

– Самородов деган бир ошнам бор, кўп ишбилармон одам, обрўси баланд, мартабаси улуг киши, гапни ҳам ўрнига қўяди, аммо сизга айтсам хола, мен унинг ҳамма сиридан вокифман. Бундан унинг ўзи ҳам беҳабар эмас. Энди икковимиз Самородовнинг соғлиги учун ичсак нима дейсиз?

Варвара дастурхон атрофида югуриб-елиб юрар, меҳмонларга олинг-олинг қилар, лекин ўзи хориган, чарчаган, паришонрок, аммо дастурхондаги турли-туман овқатларга қараб

хурсанд бўлар эди, чунки ҳеч ким унинг меҳмондорчилигини таъна қилиб, айбситолмайди. Кун ботиб кеч кирса ҳам зиёфат давом этди. Меҳмонлар нима еган — нима ичганларини, гапирган гапларини билмас дара-жага етдилар. Ҳеч кимнинг гапи эпитилмас, фақат онда-сонда мусиқа тўхтаганда ҳовлида бақираётган бир хотиннинг овози эшитилиб қолар эди:

— Қонимизни хўб ичдинглар, жувонмарглар, нега сизларга кирон келмайди! — деб бақирар эди хотин.

Кечкурун мусиқа билан ўйин бошланди. Кичик Хримилар ўз виоларини кўтариб келдилар. Уларнинг бири икки кўлида икки шиша, оғзида рюмка билан кадрийль ўйинига тушиб ҳаммани кулдирди. Кадрийльга тушиб туриб, бирдан бошқа ўйинни бошлаб юборардилар. Бошидан оёғигача кўм-кўк кийган Аксинья ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа лип-лип ўтиб турар ва унинг узун этагидан шамол кўтарилар эди. Биров унинг этак бурмасини босиб олган эди, буни кўриб, бояги ёғочоёқ мўйсафид уста бақириб:

Ҳой, этагингдagi шокидангни юлиб олди! Эй жигарларим! — деб кўйди.

Аксиньянинг бақрайиб турган соддагина кўк кўзлари ҳеч юмилмас, оғзи доим илжайиб турарди. Унинг ҳеч юмилмай бақрайиб турган кўзлари, узун бўйини, кичкинагиша бошини, тишпа-тик гоз турган бўйи илонга ўхшаброк кетар эди. Кўк кийими, кўкрагидаги сарик уқаси, таноби қочиб доим илжайиб турган оғзи — баҳорда кўкариб ётган бугдой ичидан бошини чиқариб турган илонга ўхшарди. Биродарон Хримилар Аксинья билан жуда опоқ-чапоқ эдилар ва шу сабабдан Хримиларнинг катгаси билан аллақачондан бери ораси жуда яқин бўлиб кетганлиги ошкор бўлиб турарди. Кар эри ҳеч нарсага найқамас, хотинига боқмас ҳам эди. У икки оёғини чалиштириб олиб, тўшпонча отгандек қарсиллатиб ёнғоқ чақип билан овора эди.

Бир маҳал чол Цибукиннинг ўзи ҳам давра ўртасига тушиб ўйин тупмоқчи бўлганини билдириб, рўмолчасини бир-икки силқитган эди, ичкари ва танқаридаги одамлар кий-чув кўтариб:

Ўзи чиқди! Ўзи! — деб қичқиринди.

Ўйинга Варвара тушди. Чол эри кўлидаги рўмолчасини силкитиб, пошпасини дукуллатар эди, холос, ҳовлида гавжум бўлиб дарчадан томоша қилиб турганлар, шу пайт хурсандликдан унинг бойлигини, ундан кўрган жабр-жафоларини унутдилар.

Томошабинлар орасидан:

– Қойилман, баракалла, Григорий Петров! Қандингни ур! Хали ҳам жойида экансан, бор бўл, баракалла! деган овозлар чиқди.

Бу ўйин-кулги алламаҳалгача чўзилиб, соат бирдан ошганда тамом бўлди. Анисим гандираклаб ҳофиз ва созандалар билан хайрлашаркан, ҳар қайсисига янги ярим сўмликдан инъом қилди. Чол гандиракламасдан сал силтангланиб, меҳмонларни кузатаркан, ҳаммага:

Тўй икки мингга тушди, – деди.

Меҳмонлар таркалаётганда Шикалова кишлоғидаги қовокхона эгасининг янги тўнини биров кийиб, эскисини ташлаб кетибди деган овоза тарқалди. Бундан вокиф бўлган Анисим тутоқиб кетиб:

– Тўхта! Топмасдан кўймайман! Ўғрининг кимлигини биламан! Тўхта! деб шовкин солди.

Кўчага чиқиб бировнинг орқасидан югурганича кетди; кейин уни ушлаб олиб, қўлтиғидан судраб, ҳовлига олиб келдилар. Маст, жаҳлдан қиқизариб, терлаб кетган Анисимни орқасидан итариб, холаси Липани счинтираётган уйга киргизиб, эшикни ёпдилар.

#### IV

Орадан беш кун ўтди. Кетмокчи бўлиб отланган Анисим Варвара билан хайрлашгани болохонага чиқди. Варвара ўтирган уйдаги шамчирокларнинг ҳаммаси ёқиллик, ҳаммаёқдан хушбўй хид келар, Варваранинг ўзи дераза тагида ўтириб, кизил тивитдан пайнок тўқир эди. Варвара деди:

– Нега бунча тез отланиб қолдинг, зерикдингми? Войбў... Ҳеч нарсадан камчилигимиз, муҳтожлигимиз йўқ, еганимиз олдимизда, емаганимиз орқамизда, тўйингни ҳам хўб яхши ўтказдик, расм-одатни бажо келтирдик. Отанг тўйга икки минг

сўм сарф бўлди дейди. Қисқаси ҳеч бир савдогар бойдан кам-лигимиз йўқ, фақат зерикамиз, шуниси бор. Халққа кўп озор берамиз. Бўтам, халққа ёмон жабр киламиз, шунга юрагим сикилади. Худо ўзи кечирсин! Отимизни алипгирсак ҳам, сотсак-олсак ҳам, биронта хизматкор олсак ҳам алдамасдан кўймаймиз. Дўконда сотилаётган оклама мойимиз аччиқ, бўрсигаш, бошқаларнинг аравага суртадиган қора мойи ҳам бизникидан яхши. Ахир инсоф қилиб ўзинг айтсанг-чи, ёғнинг яхшисини сотсак бўлмайдами?

Ойи, ҳар кимнинг хунари!

Ахир ўлим бор-ку орада! Қандок қилай, вой-вой, ахир оташта айтсанг-чи!

Сиз айтганингиз маъқул.

Э-э! Мен айтганим билан нима дерди, сендақа ҳар кимнинг хунари, дейди кўяди. Ахир охиратда ҳар кимнинг хунари деб қўя қолинмас, худо одил.

Албатта, охиратда буни ҳеч ким суриштириб ўтирмайди, ойи, барибир худо йўқ-ку, суриштирини нимаси! – деди Анисим, кейин бир ух тортиб кўйди.

Варвара унинг башарасига ҳайрон бўлиб қараб, кулиб юборди, кейин кўлини силтаб қўя қолди. Онасининг ниҳоятда ажабланиб, унга тентак дегандек қараганига Анисим изза бўлиб, деди:

– Оқтимол худо бордир, лекин дин йўқ. Никоҳ вақтида мен ўз фикрим билан овора эдим. Тухум босиб ётган товукнинг тагидан тухумини олганда тухумдан чиқмаган жўжа чийиллагандек никоҳ ўқиётган вақтда менинг ҳам виждоним бирдан чийиллаб кетди, худо бормикин деган фикр хаёлимдан кетмайди. Лекин черковдан чиқишим билан сал ёзилдим. Худонинг бор-йўқлигини мен қаердан билай. Бизларни болалик чоғимиздан бошлаб бу хил нарсаларга ўргатмадилар. Ўмчакдан айрилмаган болага ҳам фақат ҳар кимнинг хунари деган гапни ўргатдилар, холос. Отам ҳам ҳақиқатда худого ишонамайди. Бир кун сиз менга Гунторевнинг кўйи ўтирланибди деган эдингиз. Мен тондим, Шикалова қишлоғидаги бир киши ўтирлаган экан. Ўтирлаган биров-ку, терилари дадамнинг дўконига келиб қошти... Дин-инсоф ана шу!

Анисим кўзини қисиб кўйиб, бошини чайқади.

– Қишлоғимизнинг каттаси ҳам, мирзаси ҳам, дьячоги ҳам хулоға ишонамайди. Черковга бориб чўқинишлари, рўза тутишлари ҳаммаси хўжақўрсинга, риёкорлик, мабодо қиёмат қойим бўлиб қолса, расво бўлмайлик, деб қўрққанларидан қилган ишлари. Охирзамон бўлди, халқнинг дили сусайди, болалар ота-оналарини, кичиклар катталарни хурмат қилмайдилар, шундақа шумликлардан қиёмат яқин келиб қолди, дейдилар. Бу гапларнинг бариси ёлғон. Ойи, меннинг тушунганим шунчаликки, бу шумликлар ҳаммаси одамларда инсоф қолмаганидан. Мен ҳаммасидан воқифман, ақлим етади. Агар бировнинг эгиндаги кўйлагини ўғирлик бўлса кўзим дарров кўради. Биров ковоқхонада ўтирган бўлса сиздақа одам кўрганда: чой ичиб ўтирибди, дейди қўяди, лекин мен бўлсам унинг виждони ҳам йўқлигини биламан. Эртадан-кечгача изтиб юриб, битта ҳам виждонли одамни кўрмайман. Бу ишларнинг ҳаммаси шунданки, бу виждонсизлар худонинг бор-йўқлигини билмайдилар... Хўш, энди хайр, ойи, соғ-саломат бўлинг, ёмон-яхши гаширган бўлсам рози бўлинг.

Анисим Варваранинг оёғига таъзим қилиб, миннатдорлик билдирди.

Ойи, қилган яхшиликларингиз учун миннатдорман. Бизнинг уруғимиз сиздан кўп манфаат кўрди. Кўп яхши хотинсиз, мен сиздан жуда хурсандман.

Анисим кўнгли бузилиб, ўпкаси тўлиб ташқарига чиқди, аммо бироздан кейин қайтиб келиб, ойнасига деди:

Самородов меши бир чаток ишга тиқиб кўйди, бу ишдан ёки боғи бўлиб кетаман ёки расво бўламан. Мабодо бу иш туфайли бирор ҳодиса бўлса ойи, сиз отамнинг кўнглига тасалли беринг.

Ёмон ният қилма, кўй! Шўрим қурсин... Худонинг даргоҳи кенг. Сен, Анисим, хотиништа сая яхшироқ қараб силаб-сўйна, эркалат, инковнингиз ҳам бир-бирингизга тумшайганингиз-тумшайган, сая чиройингизни очиб кулсангиз нима қилади.

Хотиним жуда ғалати... - деди Анисим уҳ тортиб. – Ҳеч укуви йўқ, индамасдан ўтираверади. Жуда гўр, ёш. Майли, бироз ўссин.

Баланд бўйли семиз жийрон от кўшилган арава эшик тагида тайёр турар эди.

Чол Цибукин югуриб келиб олифталик билан аравага чиқиб, тизгинни ушлади. Варвара, Аксинья ва укаси билан Анисим ўинишиб хайрланди. Лица ҳам эшик тагидаги зина устида турар эди. У эрини кузатгани эмас, ўзи шунчаки чиққан одамдек хар тарафга алашлаб турар эди. Анисим унинг олдига келиб, лабларини юзига сал текизиб ўнгач:

Хайр, – деди.

Лица эрига карамасдан туриб алпанечук илжайди. Юзлари титради. Буни кўрганларнинг негадир унинг ҳолига раҳми келди. Анисим ҳам иргиб аравага чиқиб, биқинини ушлаб ўтириб олди, чунки у ҳам ўзини хушрўй деб биларди.

Сойликдан юқорига чиққач Анисим дам-бадам орқасига қараб кишлокни томоша қиларди. Ҳаво илиқ, осмон очик, бугун биришчи кун пода далага чиққан, молларнинг атрофида ясанган киз-жувоғлар, хотин-халажлар айланишиб юришарди. Қорамтир тарғил буқа яйловда яйраб бўқирар, олдинги оёғи билан ер қазирди. Ер ва кўкда тўрғайлар сайрар. Анисим яқиндагина бўялган баланд черковга қараб, бундан беш кун аввал у ерда ибодат қилгани эсига тушди. Кўк томли мактабга, бир вақтларда ўзи кармоқ солиб балик тутган, чўмилган сойга қаради. Кўнглида аллақандай шодлик туғилди ва бу чоғда кўнглида: олдимда бир баланд девор пайдо бўлиб, йўлимни тўсса-ю, бошқа ҳеч нарса кўрмасам, шу кўрганларим бас бўлса, ўтмишим билан қола қолсам, деди.

Станцияга келгач буфетга кириб бир рюмкадан херес вино ичдилар. Чол пул тўламоқ учун киссасига қўл солган эди, Анисим:

– Йўк, мен тўлайман! – деди.

Чолнинг кўнгли кўтарилиб, Анисимнинг елкасига қокиб кўйгач, буфетчига қараб, қандай ўғлим бор-а, дегандек кўзини кисиб кўйди.

– Ўғлим, кетмасдан уйда қолсанг, ишимизни қўлга олсанг яхши бўларди, жуда бебаҳо одам бўлардинг! Сени мен бошингдан оёгингача зар қуярдим.

Дада, ҳеч иложи йўк.

Херес бироз пордонрок, сургич хиди келар эди, аммо шундай бўлса ҳам яна бир рюмкадан ичдилар.

Чол ўғлини кузатиб станциядан қайтиб келгач, кичик келини таниёлмай қолди. Эри ҳовлидан чиқиб кетиши билан Липанинг чехраси очилиб кетибди. Эски юбкасини кийиб олиб, ешгини кифтигача шимариб, ялангоёқ, дахлизни ювиб турган экан. Майин овоз билан қўшиқ айтиб, қатта тогорани лойқа сув билан кўтариб чиқаётганда, маъсум гўдаклардек офтобга қараб илжайганда, осмонда юрган тўрғайларга ўхшаб кетди.

Ошик олдидан ўтиб кетаётган кекса хизматкор бошини чайқади ва гўлдираб:

– Григорий Петров, худо санга хўб яхши келин берди-да. Хотин эмас, ёмби! деди.

## V

Ёғочоёқ Елизаров ва Липа саккизинчи июль, жума куни Казанское қишлоғидаги черков байрами муносабати билан ибодатга бориб, уйга қайтаётган эди. Уларнинг орқасидан анча нарида Липанинг онаси Прасковья ҳам келар, у бетоб бўлиб, ҳарсиллаб, кейинроқда қолган эди. Вақт ҳам кеч бўлиб қолган эди.

Ёғочоёқ Липанинг гапини эшитганда таажжубланиб.

А-а-а!.. Шунақами... Хўш, хўш, қани гапир, – деб кўяр эди.

Илья Макарич, мен ўзим мураббони жуда яхши кўраман. Бир бурчакка ўтириб олиб мураббо билан чой ичганим-ичган. Гоҳида Варвара Николаевна билан бирга ўтириб чойхўрлик қиламиз. У киши ҳар хил эртақлар сўзлаб берадилар. У кишининг мураббоси кўл, тўрт банка. «Липа, тортинмасдан еявер» дейдилар.

– А-а-аа!.. Тўрт банка!

– Давлатлари жойида, чойни оқ булка билан ичишади, мол гўшти ҳам мўл, рўзғорлари бикир, фақат, сизга айтсам Илья Макарич бу уйда донм ваҳимадаман, жуда кўрқаман!

Болам, нимадан кўрқасан! – деб сўради мўйсафид, кейин Прасковья касерда қолдикиш деб орқасига қайрилиб қаради.

Аввали шуки, тўйдан кейин Анисим Григоричдан юрагим чўчиб қолди. У киши-ку мени ҳеч нарса қилиб рағжитганлари йўқ, лекин қачонки менга яқинлапса баданим увушиб, суяк-суякларим зиркираб кетади. Бир кеча ҳам ухлаганим йўқ. Қўрққанимдан қалтираб, худо дедим, холос. Энди Илья Макарич, сизга айтсам, Аксињьядан қўрмаман, У-ку ўзи ёмон эмас, ҳамавақт кулиб туради, бироқ гоҳида ойшадан ўкрайиб қараб қўйса, кўзлари оғилхонадаги қўйниқидек кўм-кўк ёниб кетади. Кичик Хриминлар уни йўлдан оздиришяпти. «Қайнатамнинг Бутёкинода қирк ботмонча ери бор, ер деганда ҳам қандай ерки, сувлик, қумлик ер. Сен, Аксињья, ўз номингдан шу ерга хумдон сол, бизларни ўзиништа шерик қилиб ол» дейдилар. Ҳозир гиштнинг минни йнгирма сўм, омади юришганиш. Кеча овқат еб ўтирганимизда Аксињья қайнатамизга, «Бутёкинога мен хумдон соламан, ўзим юргизаман» деб кулиб қўйди... Григорий Петровичнинг ранги ўчиб кетди. Унинг гапи ёкмади шекилли: «Мен тирик борман, ҳеч қайсингни айирмайман, ҳамманг бир уйлик бўлиб тураверасан» дедилар. Аксињьянинг кўзлари чакчайиб, тишлари ғижирлаб кетди... Қўймок келтириб бердилар, емади!

Чол ажабланиб:

– А-а-аа! Емади дегин! – деб қўйди.

Липа сўзида давом қилди:

– У кургурнинг ухлаганини ҳам билиб бўлмайди. Ярим соат ўтар-ўтмас, дарров туриб, изғий бошлайди. Битта-яримта ўт қўйиб кетмадим, бир нарсани ўғирламадим деб ташвиш қилаверади... Илья Макарич, сизга айтсам мен ундан жуда қўрмаман! Кичик Хриминлар тўйдан кейин, ухламасдан ҳам, тўша-тўтри шаҳарга судлашгани кетдилар. Одамлар бу гапларнинг ҳаммасини Аксињьядан кўрадилар. Икки оғанини унга хумдон қуриб бермоқчи бўлти, учинчиси бундан хафа бўлиб, ўртада бир ойдан бери фабрика тўхтаб қолди. Бушнинг орқасида Прохор амаким ишсиз қолиб, эшикма-эшик гадойчилик қилиб юрибди. Мен амакимга: бекор юрмасдан экин-тикин қилсанг бўлмайдим, тирикчиликнинг айби йўқ! дедим. У менга «Ҳалол ишдан чиқиб қолибман, ҳеч ишга бўйним ёр бермайди, Липинька!» дейди. Ёш буталар ўсган чакалакзорга келганда дам олган ва Просковьяни кутгани ўтирдилар. Елизаров кўп



замонлардан бери пудратчилик қилса ҳам мишгани оти йўқ, хамиша яёв юрар, битта халтага нон билан пиёз солиб, елкасига ташлаб кетаверар; юрганда ҳам кадамини узун ташлаб, кўлирини кериб юрар, шунинг учун унга ҳамроҳ бўлган одам етиб юролмас эди.

Чакалакзор олдида ерга қадалган бир ёғоч бор эди, Елизаров ёғочнинг маҳкамлигини билмоқ учун уни кимирлатиб кўрди. Шу пайтда ҳарсиллаб Прасковья ҳам етиб келди. Унинг бужмайган ва хамиша хавф-хатарда турган чехрасида шодлик аломати бор эди. Чунки бугун ҳам одам бўлиб у ҳам черковга кирди, бозор айланиб, нок сувидан қилинган кивас ичди. Бундай бахтли кунлар унинг умрида ниҳоятда кам бўларди. Ҳатто бугун унинг назарида энди биричи марта роҳат қилиб яшагандек эди. Бироз дам олгандан кейин уччовлари бирга йўлга тушдилар. Кун ботиб, офтоб шуъласи дарахтларга тушиб турар эди. Олдинда одамларнинг шовқилангани эшитилди. Уклеево кишлоғидан келган кизлар аллақачон ўтиб кетган эди, лекин чакалакзорда юрган эканлар, кўзиқорин терган бўлсалар керак.

Елизаров:

- Ҳой, кизлар! Ҳой, позанишлар! - деб бақирди. Қизлар хаҳолашиб кулишиб:

Ёғочоёқ келяпти! Беговфик чол келяпти! - деди.

Қизларнинг кулгиси аке-садо берди. Бироздан кейин чакалакзор ҳам орқада қолди. Фабрикаларнинг мўриси, черков кўнғирокхонаси тешасидаги хочлар яркираб кўринди. Бу эса – «маъракага келган дьячок икранинг ҳаммасини еб кўйган кишлоқ»нинг ўзи эди. Бора-бора уйларнинг томи ҳам кўринди. кишлоқ жуда яқин қолди, сойнинг ичига тушилса кишлоққа кириларди. Ялангоёқ бўлиб келаётган Лиля билан онаси Прасковья оёқларига кийиб олмоқ учун ўт устига ўтирдилар, пудратчи чол ҳам улар ёнига бориб ўтирди. Соё тешасидан туриб қаралса кишлоқнинг кағта-кағта толлари, ошпоқ черкови, соёи жуда чиройли кўринар эди. Хаснеликдан қорага бўялган фабрика томлари хунук қилиб турмаса, кишлоқ ҳам чиройли эди. Соёнинг нариги бағрига экилган қора бугдой бўрон сочиб юборгандек тўп-тўп бўлиб, ҳар каерда ётар, яқиндагина ўрилиб, ҳали боғланмаган бугдойлар кўриниб турар, сули ҳам

аллакачон пишиб, куннинг шуъласидан садафдек товланар эди. Ўроқ кистов вақти эди. Бугун байрам, эртага шанба куни бугудой ўрмоқ, похол ташимок, индинга якшанба, яна байрам. Ҳар кун узокда чакмок чакиб, момакалдирок бўлиб турар, ҳаво дим, осмоннинг ёмғир ёғадиган важоҳати бор эди. Ҳар ким экинларга караб, худо ҳавони берса, дон-дунларни йиғиштириб олсак, дерди. Ҳамманинг думоғи чоғ, кўнгли хурсанд, юрагида тезрок йиғиштириб олсак, деган ташвиш.

– Бу йил ўроқчилар қиммат, кунига етти тангадан, деди Прасковья.

Казанское қишлоғидаги бозордан қайтган одамлар ҳали ҳам тўхтамаздан келмоқда. Ясанган хотин-халажлар, янги шапка кийган фабрика ишчилари, бева-бечора гадоёлар, бола-чақалар келар эди... Гоҳо кўчанинг чапчили кўтариб аравалар ўтиб қоларди, араванинг орқасида бозордан қайтган от, сотилмаздан қолганига қувонгандек ўйнаб келар эди. Юргани унамай, тихирлик қилаётган сизирни биров шохидан судраб келаяпти, биров оёғини осилтириб ўтириб олган мастларни солиб олган аравасини чоптириб келаяпти. Бир кампир бошига каттакон шапка, оёғига катта этик кийиб олган ўғил болани кўлидан ушлаб етаклаб келаяпти; бола куннинг иссиғидан, этигининг катталиғидан ва оғирлиғидан тиззасини буколмай оёғини зўрга кўтариб кўяётган бўлса ҳам, сурнайини оғзидан кўймай чалар эди. Соёликдан пастга тушиб кўчага бурилганда ҳам сурнайининг овози келар эди.

Бизнинг хўжайинларимизга бир бало бўлди... деди Елизаров, – иш чатоқ! Костюков мендан хафа. «Карнизга тахтани кўп ишлатиб юборибсан!» дейди. Мен нега кўп бўлени, Василий Данилич, керакнигидан ортик ишлатганим йўқ деб эдим, шундан можаро бошланиб кетди. Мен, ахир тахтани нишириб емагадирман деб эдим, «Аблаҳ, менга шуздай гаплар айтгани қандай тилинг борди. Сен хаддингдан ошма! Сени пудратчи қилган мен бўламан!» деб қойиб кетди. Мен ҳам, ана холос, пудратчи бўлиб ҳам ҳар куни ичишим чой эди, ҳали ҳам шу, дедим. «Ҳаммангиз бир-бирингиздан беш баттар муттаҳамсиз...» деган сўзларни ҳам қилди. Лекин мен бир гандан қола қолай дедим. Кўнглимда, бизлар-ку бу дунёда муттаҳаммиз-а, лекин сизлар у дунёда муттаҳам бўласиз,

дедим. Эртасига дабдабасидан тушибди. «Сен, Макарнич, мендан хафа бўлма, айтган сўзларимга ранжима. Агар мен бир-икки калима ортикча сўзни айтиб юборган бўлсам, ёшим сендан улуғ, ўзим первой гельди савдогарман, сен бир сўздан қолишниг керак эди» деди. Мен, албатта сиз первой гельди бойсиз, мен анчайин бир устаман, буниси тўғри, аммо Юсуф пайғамбар ҳам дурадгор уста эди. Бизнинг касбимиз табаррук, халол касб, лекин сендан каттаман десангиз, Василий Данилович, бу гапингизга икрорман, дедим. Икковимиз ўртамызда бўлиб ўтиб кетган бу гаплардан кейин мен тапамга ўйлаб кўрдим, ким катта? Биринчи гельдия савдогари каттами ёки дурадгор устами? Чироғларим, албатта уста катта бўлса керак!

Ёғочоёқ бироз ўйлаб туриб, яна деди:

Чироғларим, гап шу, ким меҳнат қилса, кимки жабр-жафони кўн тортса ўша катта.

Кун ботди, сой тепасида черковнинг деворлари ва фабрикалар олдидаги ялангликларни сундек ошшоқ туман босди... Бир лахзада қоронғилик тушиб, сойликда чироқлар милтиллаш бошлади. Ҳаммаёқни босган туман энди тағсиз жардикни бекитиб тургандек кўринарди. Қашшоқликда тутилиб, кўркиб, юрак олдириб кўйган, вайрон дилларида бошқа ҳамма бор-йўқларини бошқаларга бериб, умр бўйи бечорагарчиликда қолишга рози бўлган Липа билан онаси, бу чоғда сирлар ичига ботган беноён оламдаги сон-саноксиз жониворлар қаторида «бизлар ҳам бир махлукмиз» деган хаёлни кўнгилларида кечирган бўлсалар керак; сой тепасида ўтиришнинг уларга гапти бор эди, бу чоғда ўзларини бахтиёр билиб қувонар, ҳатто сойликка тушмасдан иложлари йўқлигини ҳам унутдилар.

Ахири уйларига қайтиб келдилар. Дарвозахонада, дўкон олдида ўроқчилар ўтирарди. Уклеево кишлоғининг ўзидаги ўроқчилар, одатда, Цибукиннинг ишини қилмасдилар ва шу сабабдан бошқа кишлоқдан ўроқчи оларди. Ўтирган ўроқчилар қоронғида узун-узун қора соқоли одамларга ўхшаб кўринарди. Дўкон очик, ичкарида бир бола билан қар дамка ўйнаётгани кўришиб турарди. Ўроқчилар секин-секин овоз чиқариб, охиста-оҳиста кўшиқ айтар; дам-бадам шовқинлаб, кечаги мардикор пулни қистардилар, аммо уларни эртага ҳам кеткизмасдан ишлатмоқ учун ҳақларини бермай турардилар.

Чол Цибукин факат нимча кийиб Аксинья билан эшик олдиданги дарахт тагида чой ичиб ўтирар, столда чирок ёниб турарди.

Дарвоза орқасидан бир ўрокчи Цибукинни мазах қили андек:

- Ҳой, бува, ҳеч бўлмаса пулимизнинг ярим-ёртисини бериб тур! Ҳой, бува! -- дерди.

Бу гандан кейин дарров хаҳолаб кулишарди, кейин яна секин-секин кўшиқ айтардилар... Ёғочоёқ чой ичмоқчи бўлиб улар ёнига бориб ўтирди ва сўз бошлади:

Бозорга бордик, чироғларим, худога шукур, жуда яхши сайл қилиб қайтдик. Бирок бир хулук гап бўлди. Темирчи Сашка озрок тамаки олиб дўқондорга ярим сўм бериб эди, берган ярим сўлкавойи қалбаки чиқиб қолди, -- деди. Бу сўзни айтиб Ёғочоёқ у ён, бу ёнига алашглаб қўйди. Овозини чиқармасдан оҳиста гапирмоқчи бўлди-ю, лекин хириллаб қолиб, гапини ҳамма эшитди.

- Берган ярим сўлкавойи қалбаки эканлиги билиниб қолиб, дарров қардан олдинг деб суриштириб кетдилар. Менга Аписим Цибукин бериб эди, тўйга борганимда берган эди... деди. Дарров миришабни чакириб, даканглатиб олиб кетдилар... Петрович, эҳтиёт бўл, яна бирон гап чиқиб қолмасин...

Дарвоза орқасидан ҳалиги масҳара қилиб гапирётган ўрокчининг овози яна чиқди:

- Ҳой, бува! Ҳой, бува!

У жим бўлди. Ёғочоёқ яна тилга кирди:

Эй, чироғларим, чироғларим... деб гулдирганича ўрпидан турди. Уни уйқу ештиб, мудроқ босди.

- Чироғларим, чойингиз ва кантингиз учун раҳмат, энди бориб ухлай. Қариб шартим кетиб партим қолибди, ҳеч соғ жойим йўқ, вой, вой! -- деб қузгалди.

Ўлим ҳам яқинлашиб қолганга ўхшайди! -- деб қўйди кегаётиб.

Чолнинг кўнгли бузилиб, ўпкаси тўлди. Кекса Цибукин қуйилган чойини ичиб тамом қилмай, хаёл суриб ўрнидан турмай ўтираверди. Унинг башараси аллақачон кўчага чиқиб кетган Ёғочоёқнинг оёқ товушига кулоқ солиб турганга ўхшарди.

Аксинья қайнатасининг нима хаёлда эканини фаҳмлаб:

- Темирчи Сашка ёлғон айтган бўлса ҳам ажаб эмас, деди.

Цибукин уйига кириб кетиб, бироздан кейин бир тугунчани кўтариб чиқди; тугунни очиб эди, йилтираб турган яп-янги сўлкавойлар кўринди. У сўлкавойнинг битгасини тишлаб, кейин патнисга ташлаб кўрди, сўнгра яна бирини олиб, ҳалигидай патнисга ташлаб кўрди...

Хайрон бўлиб, таажжубда қолгандек Аксиньяга қараб туриб:

– Сўлкавойлар дарвоқе қалбаки экан... Аписим совғага келтирган сўлкавойлари шу-да... Қизим, буларни сен олиб қўй, – деб шивирлаб тугунчани Аксиньяга тугқазди. Олиб бориб кудукка ташла, қуриб кетсин! Эҳтиёт бўл, дамингни чиқарма, яна бир бало бўлмасин... Самоварни ол, чирокни ўчир...

Омборхонада ўтирган Липа билан Прасковья чирокларнинг бирин-кетини ўчганини кўрдилар, фақат Варваранинг болохонасида кўк, қизил шамчироклар ёниб турарди, у ерда осойишталик, фаровонлик ва беҳабарлик аломати акс этарди. Прасковья кизи Липанинг бойларга тушганига ҳеч кўниколмас ва кизиникига келганда тортиниб, ичкарига кирмасдан, ғариб кишидек даҳлизда ўтирар, илтимос қилгандай жилмаяр эди. Чой-қанди даҳлизга олиб чиқиб берардилар. Липа ҳам янги уйига кўниколмади, эри жўнаб кетгандан кейин ўз ўрнида ётмасдан, ошхонадами, омборхонадами, дуч келган ерда ётиб юраверди. Ҳар куни кир ювар, уйларни тозалар, назарида ҳали ҳам мардикор ишлаётгандай эди. Ибодатдан қайтиб келгач, ошхонага кириб, оқсоч хотин билан бирга чой ичгандан кейин бостирмадаги чана билан девор орасига кириб ерга жой солиб ётдилар. Чирок йўқ, коронги, хомут хиди келиб турарди. Унинг олдидаги чирок ҳам ўчди. Карнинг дўконни бекитгани, ўроқчиларнинг ҳовлига ётгани эшитилди. Кичик Хримишларникидан қимматбаҳо гармоннинг овози эшитиларди... Прасковья билан Липа уйкуга кирдилар.

Бировнинг оёқ товуши уларни безовта килиб уйғотганда ой тўлиб қолган эди. Бостирманинг эшиги олдида кўлида кўрпа-ёстик билан Аксинья турибди.

– Бу ер салкипрокка ўхшайди... – деди-да, шундоққина остона тагига жой солиб ётди, унга ой нури тушиб турарди.

Аксинья иссиглаб, ухлолмай, устидаги кўрпаларни олиб ташлади, дам-бадам уҳ тортиб қўярди. Ойдин кечанинг ёруғида аллақандай чиройли, басавлат бир хайвондек кўришарди.

Бир муддат ўтар-ўтмас яна оёқ товуши эшитилиб, ошпоқ оқариб эшикдан кириб келган чол кўришди.

– Аксинья! Шу ердамисан?

Аксинья жаҳл билан:

– Нимаиди! деди.

Мен сенга кеча пулларни кудукка ташла деб эдим, ташладингми?

– Нега энди дунёни кудукка ташлайман? Ўрокчиларга бердим...

Чол ваҳимага тушиб, хайрон бўлиб:

– Эй, худойим! Жуда баттол хотинсан-да... Эй худойи! деб кўйди.

Кўлини силтаб, ўз-ўзи билан гашлашиб чиқиб кетди. Бирпасдан кейин Аксинья ўтириб, афеус ва надомат билан, қаттиқ-қаттиқ ух тортиб кўйди. Кейин ўрнидан туриб, кўрпачестиғини кучоқлаб, чиқиб кетди.

Онажон, нега мени шу уйга бердинг! деди онасига караб Лица.

Қизим, эрга тегиш қизларнинг пешонасида бор. Буни мен расм қилганим йўқ.

Беҳад ва бепоеён қайғу-хасрат икковининг ҳам кўпглини ваёрон қилгудек эди. Лекин юқоридан, юлдузлар макони бўлган кўм-кўк осмондан биров уларни кўриб, Уклево кишлоғида бўлаётган ҳар бир ипдан хабардор бўлиб пойлаб турганга ўхшарди. Ёруғ дунёда ёмонлик ҳар қанча кўп бўлса ҳам, ҳаққоният ҳам бор, бу ҳаққоният ҳам кечанинг гўзаллигидек гўзал ва кечанинг сокинлигидек сокин. Ой нури кечанин қоронғиси билан кўпчилиб кетгандек, ер юзида бор нарсалар ҳам ҳаққоният ва адолат билан қўшилмоқ фурсатини кутади. Икковининг ҳам кўнгли ором топиб, бир-бирининг ишига кириб ухладилар.

## VI

Анисимни, қалбаки пуллар ясагани ва уларни тарқатгани учун турмага тикиб кўйганликлари тўғрисида хабар келганига анча бўлди. Бир ой ўтди, ярим йилдан ҳам ошиб кетди, узоқ киш ўтиб баҳор келди. Анисимнинг аллақачондан бери турмада ётганига унинг уйидагилари ҳам, кишлоқдагилар ҳам

кўникиб қолдилар. Биров кечаси уларнинг уйи ёки дўқони олдидап ўтиб кетаётган бўлса, Анисимнинг қамоқда ётгани эсига тушарди. Кўнгирок чалинганда ҳам негадир Анисимнинг қамоқда ётгани ва яқинда суд бўлиши эсига тушарди.

Хамманинг назарида бу уйни қора боғандек кўршарди. Уйдан файз кетди, томини зағ босди, дўқоннинг тунука қолганган, кўкка бўялган эниги эскиб, қар айтгандек «тоб ташлаб», бақавли, кекса Цибукин қабн қорайиб қолди, у ҳам қорайиб кетганга ўхшарди. Неча вақтлардап бери соч-соқолини олдирмас, мўйловлари ўсиб кетган, аравага ўтирганга эски олифтахчилигини қилмас, сакраб чиқмас, эшигидаги гадоёларга: «Худо берсин!» демас эди. Куч-қуввати кетиб, мункайиб, бедармон бўлиб қолганлиги ҳар бир ишидан кўришиб турар эди. Одамлар ҳам аввалгидек иззат қилмайдиган, тап тортмайдиган бўлиб қолдилар. Миришаб ҳам, аввалгидек порани халигача олиб турган бўлса ҳам, дўқонни баённома қилди, яширинча арақ сотгани учун суд қилмоқчи бўлиб уни уч марга шаҳарга чақирдилар; аммо ҳар гал гувоҳлар келмаганидан суд қолиб, чол кўн сарсон бўлди.

Цибукин ўғлининг олдига кўн катнади, бировни ёллаб кимгадир ариза берди, назр-шиёзлар, хайр-эҳсонлар қилди. Анисим қамалган турма бошлиғига «кўнгли ўз халдини билди» деган ибора ёзилган қумуш стакан билан узун қумуш қоник тухфа қилди.

Варвара уйда ўтириб, деди:

Тузуқкина ҳаракат қиладиган одам йўқ, шўрим курсин... Биронта амалдор одамдан илтимос қилинса, тепамиздаги улуғларга ариза берилса яхши бўларди. Ҳеч бўлмаса судгача қафилга берардилар! Бола фақир жуда эзилиб кетди!

Анисимнинг қамалганига Варвара жуда хафа бўлса ҳам анча семириб, ошпоқ оқариб кетди, ҳали ҳам уйда шамчи-роклар ёқар, уйини покиза тутар, келган меҳмонлар олдига мурабболар, олма халволар кўяр эди. Қар билан Аксинья дўқондорлик қиларди. Аксинья Бутёкинода янги хумдон солмоқ ҳаракатига тушиб, ҳар кун тарапгасда хумдон тенасига бориб келар, тарапгасни ўзи минарди. Йўлда биронта танишни кўриб қолса, барра буғдой ичидан бошини чиқариб турган илондек бўйинини чўзиб, кўнглида бир сирни билгандек илжа-

ийиб кулиб кўярди. Лица бўлса рўзага яқин туғиб олиб, эрмаги бола бўлиб қолди. Боласи озғин, заиф, йиғлаши ҳам, қараш ҳам, ҳатто одам қаторига санаб Никифор от қўйганлари ҳам кишига ғалати кўринарди. Лица болани беланчакка ётқизиб кўйиб, ўзи эшик ёнига борар ва:

– Саломалайкум, Никифор Анисимич! – деб салом берар эди.

Кейин югуриб келиб ўнарди, яна эшик тағига қайтиб бориб халитидек:

– Саломалайкум, Никифор Анисимович! – дерди.

Бола кин-қизил оёқларини кўтариб йиғлар, уста Елизаров-шикига ўхшаб унинг йиғиси билан қулчиси бир эди.

Окибат суд қуни тайин бўлди. Чол суддан беш қун ил ари жўнаб кетди. Кейин қишлоқдагилардан бир неча кишини туювоҳликка олиб кетганликлари овоза бўлди. Цибукиннинг ёски хизматкорига ҳам чакирик қоғози келиб, у ҳам жўнаб кетди.

Суд пайшанба қуни бўлди, лекин орадан бир неча қун ўтиб, душанба келиб қолган бўлса ҳам, чол қайтиб келмади ва ҳеч бир дараги йўқ эди. Сешанба қуни кечкурун Варвара деразаларни очиб, чол келиб қолармикин деган умид билан кўчага кулок солиб ўтириб эди, нариги уйда бўлса, Лица боласи билан ўйнаб, уни ирғитиб-ирғитиб хурсандлигидан дерди:

– Каттақон киши бўласан, икковимиз бирга мардикор ишлаймиз!

Буни эшитган Варвара қойиб:

– Ҳой, бу нима деганинг, мардикорнинг нимаси, ахмоқ? Катта савдогар бўлади!... – дерди.

Лица секин-секин кўшик айтиб турди-да, бироздан кейин Варваранинг гаши эсидан чиқиб:

Каттақон бўласан, бирга-бирга мардикор ишлаймиз! деган гагини яна такрор қилди.

Ҳой, ҳой тағин нима деб жавраянсан?

Лица қўлида боласи билан эшик олдида туриб сўради:

Ойин, нега бола мунча ширин-а? Мулча улга меҳрим баланд? – деб овози тугилиб, кўзига жик-жик ёш тўлди. -- Ким бу, қанақа бола, осмонда учиб юрган патдек енгил, ўзи бир бурдагина, лекин бирам яхши кўраман-эй, пазаримда туппатузук одамга ўхшайди. Тили йўқ, ҳеч парса гаширмайди-ю,



аммо кўзлариши жавдиратиб турганда шима деганиши тушушиб тураман.

Станцияга яқинлашиб қолган кечқурунги поезднинг овози эшитилиб қолди. Варвара эрим келармикин деб қулоқ солиб турди. Линанинг гаши унинг қулоғига кирмас, унинг нима деяётганига эътибор ҳам бермас эди. Вақтнинг ўтиб кетганини ҳам фаҳмламас, аъзойи бадани титрар, кўркканидан ёки ваҳимасидан эмас, воксанинг нима бўлганини билмоқчи бўлиб жуда ажабсинганидан титрарди. Лиқ тўла одам тупган араванинг тақир-туқир қилиб тез ўтиб кетганиши кўрди, булар станциядан қайтиб келаётган гувоҳлар эди. Арава дўкон олдида ўтиб кетаётганида Цибукиннинг ёски хизматкори ирғиб тушиб, ховлига кириб кетди. Ховлида ундан гап сўраётганлари, у билан сўрашаётганликлари эшитилиб турар эди...

– Хуқукдан маҳрум қилишиб, мол-мулкни тўртиб олишсин, ўзи олти йил Сибирга каторга ишига юборилсин, деб ҳукм бўлди, – деди у шовкишлаб.

Бировга керосин сотаётган Аксинья дўконнинг орқасидаги эшикдан бир кўлида шиша, бир кўлида чўмич билан, оғзида бир танга пулни тишлаб чиқиб келди.

– Дадам қани? – деб сўради лабини шипиллатиб.

Станцияда қолди. «Қоронғи тушгандан кейин бораман» деди, – деб жавоб берди хизматкор.

Аннсимнинг каторга ишига ҳукм қилинган ховлидагиларга маълум бўлгач, ошхонадаги оксоч хотин бундай гапни эшитгандан кейин йиғламасдан бақрайиб туриш уят деган каби, худди биров ургандек шовкиш кўтариб йиғлаб юборди.

Аннсим Григорич, лочиним, бизларни кимга ташлаб кетдинг...

Йиғи овозини эшитиб кучуклар ҳам вовуллашди. Варвара югурганича дераза олдига келиб, бетоқатликдан юраги сиқилиб, шовкишлаб оксоч хотинни койимокқа тутинди.

– Бас қил, Степанида, бас қил! Худо олсин сени, юрагимни озма!

Самовар қўйиш ҳам эсларида йўқ, ҳамманинг боши гапниган эди. Фақат Лиша нима воқеа бўлганини билмайди, чақалоғи билан овора эди.

Чол станциядан келгач, ундан хеч ким хеч нарса сўраб хам ўтирмади. Хамма билан бир-бир сўрашайдан кейин илдамасдан уйлариини хаммасига бир-бир кириб чиқди, овкат хам емади.

Ор-хотин холи қолганларидан кейин, Варвара сўз бошлаб:

- Ҳаракат қилади ан одам бўлмади... Бигта-яримта обрўнироқ кишидан илтимос қилайлик демадимми, меннинг гапимга кулоқ солмадинглар... Ариза ташлаш керак эди... деди.

Чол кўлини силтаб:

- Хўб ҳаракат қилдим! Анисим кесилгандан кейин дарров уш ҳимоя қилган қаттамиз олдига бордим. «Энди хеч нарса қилиб бўлмайди, вақт ўтди» деди. Анисимнинг ўзи хам вақт ўтди деди. Аммо мен суддан чиқишим билан дарров бир адвокат билан гаплашиб, унга закорат хам бердим... Бирон ҳафта ўтказиб яна бораман, худо ўнгига олса, ажаб эмас. — деди.

Чол яна хомуш бўлиб илдамасдан уйлариин айланаб чиқди, кейин қайтиб яна Варвара олдига келганда деди:

- Бетобга ўхшайман. Ёшим аглакандай қарахт, хаёлим наришон.

Чол, гапимни Липа эшитиб қолмасин деб, эшикни бекитиб келгач охиета яна сўз бошлади.

- Пулларимда бироз чатоклик бор. Эсингда борми, тўйдан аввал Анисим менга бир сўмлик, ярим сўмлик янги пуллар келтирган эди? Шу, пулларини бирмунчасиши тутиб бекитиб қўйган эдим, лекин қолганини ўз пулимга қўшиб юборган эдим... Бир замонларда худо раҳмати амаким Димитрий Филатич Москва билан Қримга катнар эди. Амакимнинг бир хотини бор эди, бу хотин эри савдогарчилик билан юртма-юрт юрганда ўйнаш қиларди. Олти нафар боласи бор эди, ана шу амаким ичиб маёт бўлганда, «Бу болаларини қайси бири менки-ю, қайси бири менки эмаслигини хеч ажратиб ололмайман» дерди. Шунгака енгил табиат киши эди. Шунинг синлари мен хам ҳозир пулимнинг қайси бири тоза-ю, қайси бири қалбакидигини биллолмай қолдим. Назаримда, хаммаси қалбакига ўхшайди.

- Қўйсангиз-чи, худо хайрингизни берсин!

- Вокзалда чинга олганимда уч сўм бериб эдим, назаримда у хам қалбакидек кўриниб, ваҳимага тушдим. Гоёим йўқка ўхшайди.

– Нимасини айтасан, хаммамиз ҳам худонинг бандасимиз... Шўрим курсин... – деб бошини чайқаб қўйди Варвара. Кейин сўз котиб деди:

– Петрович, бунинг андишасини қилиб қўймоқ керак... Замон нозик, сен ҳам ёш эмассан, ўлиб кетсанг неварангли хор қилмасинлар. Шу бечора Никифорни хафа қиладилар деб кўркаман-да! Огасини энди йўққа чиқариб қўявер, онаси ёш, ақли паст... Ҳеч бўлмаса Петрович шу Бутёкинодаги ерни неваранг номига ёздириб қўйсангчи, яна ўз танашига ўйлаб кўр! Боласи кургур ширингина, одамнинг юраги ачийди! Сустилик қилма, эртагаёқ бориб васиқа қилиб бер!

– Неварам эсимдан ҳам чикиб кетибди-я... Бориб кўриб келай. Болани тузук дейсанми? Ундай бўлса ўссин, катта бўлсин, худо умр берсин!

Цибукин эшикни очиб, бармоғи билан Липани чақириб ишора қилди. Липа боласини кўтариб қайнатасининг олдига келди.

Сен, болам Липа, муҳтожлигини бўлса караб ўтирмасдан айтавер. Кўнглинг нимани хоҳласа саявер, биз сендан қизғанмаймиз. Ишқилиб ўзинг соғ бўл. Болаини асра, энди, ўғлимиз йўқ, унинг ўрнини боссин.

Чолнинг икки юзидан кўз ёшлари шариллаб оқиб, ўнкаси тўлиб, пиқиллаб ўрпидан туриб кетди. Бироздан кейин ётди, етти кундан бери кўзи уйқу кўрмаганидан қаттиқ ухлади.

## VII

Чол андак муддатга шаҳарга кетди. Кимдир, унинг васият-нома ёзгани шаҳар нотариусига кетганини, хумдон солнинг ерни невараси Никифорга васият қилиб қолдирмоқчи бўлганини Аксиньяга айтиб қўйибди. Чол билан Варвара иккови, дарахт тагида ўтириб, чой ичаётганда бу хабар Аксинья қулоғига етиб, дарров дўконини кўча томондан ҳам, ҳовли томондан ҳам бекита солиб қалитларнинг хаммасини қайнатасининг оёғи тагига ташлади.

– Бўлди, энди мен сизларга мардикор бўлмайман! Энди билсам мен сизларга келин эмас, малай эканман. Ҳамма мени масхара қиляпти, кимни кўрсанг «Цибукинлар хўб яхши малай

тошиб олдилар-да!» дейди. Мен сизга хизматкор тушмагандим. Мен ота-онаси йўқ етим эмасман, худога шукур отам ҳам, онам ҳам бор, – деб айюханнос солиб бирдан йиғлаб юборди.

Аксинья шариллаб оқиб турган кўз ёшини артмасдан жаҳли чикқанидан ғилай тортиб, дарғазаб бўлиб, кўзларини чолга тикканича тураверди. Кучининг борича бақириб шовқин солаётганидан юз-кўзи, бўйинлари кипкизариб кетди.

– Энди сизга хизматкорлик қилиб бўлдим. Шунча азоб торганим бас! Иш бўлса, эртадан-кечгача дўконда ўтириб, кечаси ҳам тинмай араққа югуриш бўлса мен эканман-ку, ерни кесилганнинг хотини билан ажинага ўхшаган боласи олар экан-да. Уйнинг эгаси у экан-у, мен унга оксоч эканман-да! Нимагиз бўлса ҳаммасини ўша кесилган ўғлингизнинг хотинига беринг, ўшанинг бошида қолсин, мен ўз уйимга кетай! Энди бошқа бир аҳмоқни кидириб, тошиб оларсиз!

Чол умрида, болаларини сўкмаган, урмаган эди, бола-чакаларидан битта-яримгаси ушга бундай дағдага билан сўзлар, уни беҳурмат қилар деб хаёлига ҳам келмаган эди. Шунинг учун келинининг қилиғидан кўрқиб кетиб, уйидаги жовон орқасига кириб, бекиниб олди. Варвара бўлса эсанкираб, ўтирган жойидан туролмай қолди, ари талаган кишидек нуқул икки қўлини силтар эди, холос.

– Вой, шўрим курсин, вой, ўла қолай, бу қандай гап? Нега шовқин соляпти бу? Вой, шўрим курсин, ахир кўни-кўшчилар эшигади! Секинроқ, ахир секинроқ гапирсанг нима қилади! – дерди юраги ёрилиб.

Аксинья шовқинини кўймак эди:

– Ерни кесилганнинг хотинига берибсиз-ку, ҳаммасини ўшанга беринг, менга ҳеч нарса керак эмас. Ҳамманг қора ерга кир, ҳаммангиз бир гўрсиз. Жабру жафонгизни хўб тортидим, энди бас! Муттаҳам ўғрилар, ўтканиннг ўроғини, кетганиннг кетмонини олдингиз, ёшу қари деманингиз. Ижозат олмасдан яширинча арақ сотган ким? Қалбаки пуллариингиз-чи? Қалбаки пуллар билан сандикларингизни хўб тўлатиб олдингиз, энди мен керак бўлмай қолдимми?

Ланг очик турган дарвоза олдида аллақанча одам томоша қилиб турарди.

– Одамлар караса карасин, халойиқ ичида шармандангизни чиқарамаи, расвои олам қиламан, оёғим тагида думалаб ётаренз!

Хўй шовқин солгандан кейин:

– Ҳой, Степан! – деб қар эрини чақирди. – Юр, дарров, уйимизга кетамиз! Ота-онамникига кетаман. Жиноятчилар билан турмайман. Йиғиштир, ҳамма парсангни!

Ховлига тортилган арқонга ёйилган кир ичида Аксиньянинг ҳам кийимлари бор эди. Бориб хўл кийимларини йиғиштириб, ҳаммасини карнинг қўлига ташлайверди, кейин аламига чидолмай, у ёқдан-бу ёққа югуриб, бошқа хўл кирларни ҳам ерга ташлаб, оёғи билан тепкилади.

Вой, шўрим курсин, ахир уни тийсанлар-чи! Нима бало бўлди унга. Барақолинг ўна ерни, олаколсин, худо урди кетди, олаколсин! – дерди Варвара.

Дарвозахонада томоша қилиб турганлар Аксиньянинг қилаётган шаллақилигини кўриб:

– Ана холос, хотин боши билан қилаётган шаллақилигини қара, барақалла, шармандаликни хўб бўйнига олибди-а! – дерди.

Аксинья кир ювилётган ошхонага югуриб кирди. Оқсоч хотин сойга кир чайгани кетган, Лица ёлғиз кир ювмоқда эди. Ўчоқ тепасидан и қозондан, кир тоғорадан чиққан бўғга ошхона тўлган, ҳеч нарса кўринмас эди. Ерда ювилмаган бир тўда кир турар, бу кирлар олдидаги скамейкада қип-қизил оёқларини осмонга кўтариб Никифор ётарди. ерда ювилмаган кир бор, бола скамейкадан йиқилиб тушса ҳеч қаери майиб бўлмасди. Аксинья ошхонага кирган пайтда Лица кирлар ичидан унинг кўйлагини олиб, тоғорага солиб, энди стол устида турган катта чўмичдаги қайноқ сува қўл узатиб эди.

– Буёққа бер! Буёққа бер! Мениш киримни ювиш сенга қолгани йўқ! Сен жиноятчининг хотинсан, мартабангни, кимлигингни билиб кўй, – деб бақириб, кўйлакни Липанинг қўлидан торғиб олди.

Лица эсанкираб анграйганча қолди; хайрон бўлиб турган пайтда, Аксиньянинг ётган чақалокқа олайиб қараганини кўриб қолиб, унинг нияти ёмон эканига тушунди ва юраги ёрилгандай бўлди...

-- Еримни олганинг жазоси мана!

Аксинья бу сўзни айтиб чўмридаги кайнок сувви Никифорнинг устига сочиб юборди.

Бундан кейин бир қаттик овоз чикдики, Уклесво кишлоғида халигача бундай қаттик товушни ҳеч ким эшитмаган ва Липадек кичкинагина, нимжонгина одамнинг бундай қаттик бақиринишга ҳеч ким ишонмас эди. Бу қаттик овоздан кейин ҳовли жим бўлиб қолди. Аксинья ўша эски илжайишини қилиб индамасдан, бемалол уйга кириб кетди... Кар кўлида кир билан ҳали ҳам ҳовлида юрар эди, кейин яна индамасдан, ишонмасдан кирларни ёя бошлади. Оксоч хотин сой бўйидан келмагунча охинонага кириб, унда нима бўлганини билиб чиқишга ҳеч ким юрак ботинолмади.

## VIII

Никифorni земство касалхонасига элтдилар. Кечкурун бола касалхонада ўлди. Липа уни олиб кетгани одам келишини кугмай, боласининг ўлигини кўрпачага ўраб, йўлга тушди.

Яқинда солинган янги, деразалари қатта-қатта касалхонанинг турган жойи баландлиқда эди. Энди болаётган куннинг шуъласи тушиб, касалхонанинг ичига ўт кетгандек ловуллаб турарди. Липа йўлдан пасига тушиб бориб, кишлокқа етмасдан, кичкина ҳовуз олдида тўхтади. Бир хотин от суғоргани келди, лекин оти сув ичмади, хотин секин-секин гапириб:

– Нега ичмайсан? Нима бўлди?– дер эди таажжуб билан.

Қизил кўйлакли бир бола ҳовуз бўйида ўтириб отасининг этигини юварди. Қишлоқда ҳам, юқорида ҳам булардан бошқа ҳеч бир махлук кўринмасди. Липа отга қараб туриб:

– Ичмаяпти... деди.

Хотин киши ҳам, этик югани келган бола ҳам жўнаб кетди. Бошқа ҳеч ким йўқ эди. Офтоб ҳам кип-қизил зарҳал алвошши ёйиб ботди. Шафакдан қизарган узун-узун булутлар осмон юзига ёйилиб, гўё офтобга поёбонлик қилар эди. Қаердадир узоқда оғилхонага камалиб қолган сугир маърагандек мушғир кичқирарди. Номандум бир куннинг овозини кўкламда эшитмаган одам йўқ, лекин унинг қандай кунлигини ва қаердалигини ҳеч ким билмайди. Юқоридаги касал-

хонада, ховуз ёнидаги майда дарахтлар ичида, кишлоқнинг нариги тарафида, атрофдаги ўланзор, чаманзор манзаралар ичида булбуллар сайрайди. Какку куш гўё бировнинг ёшани санар, ҳар гал сапоқдан янглишиб, яна қайтадан бошларди. Ҳовузда қурбақалар бир-бирларини чакиришиб вақиллашар, хагто уларнинг вақирлашиб нима деяётганини уқиб олса ҳам бўларди: «Қурбақа, қурбақа, сен ҳам бўлгил шундака!» Ҳовузда шундай вақир-вукур шовқин эдики, ундаги махлуклар худди бу баҳор кечасида ҳеч ким ухламасин дегандек, ҳатто баджаҳил қурбақалар ҳам ҳар нафасни ғанимат билиб роҳат ва фароғат қилсинлар, дунёга ҳар ким бир келади деб, ғавғо кўтариб сайра-шаётгандек эди.

Осмонда янги туғилган ой кумушдек ялтирар, юлдузлар чарақлар эди. Липа ховуз бўйида узок ўтириб қолганини пайқамасди, лекин ўрнидан туриб йўлга тушганда кишлоқдагилар ҳаммаси уйкуга ётган, чироғлар ўчган эди. Уйига яна ўн икки чакиримча йўл бор, лекин юрмоққа мадори, йўлни топиб юришга эс-хуши йўқ эди. Ой ҳали оқидан, ҳали ёнидан ялтираб кўринар, какку куш ҳали ҳам тишмасдан сайрар, Липага, «хой, эҳтиёт бўл, йўлдан аданасан» деб уни масхара қилгандек, кулгандек гуюларди. Липа жадаллаб келаётганда бошидаги рўмоли тушиб қолибди. Осмонга қараб боласнинг арвоҳини изларди: онасидан беҳабар орқамдан келаётганмикин ёки осмонда юлдузлар орасида учиб юрганмикин? Киши кечалари сайроқи кушлар орасида ўзи сайрай олмай сайр қилиб юрганда, ўзи хурсандлик қилолмай, шодлик-хурсандлик товушлари ҳар тарафдан тўхтамай келиб турган жойларда юрганида, ўзини қандай ғариб сезади. Ер юзида кўкламми, зимистон кишми, ундаги ипсонлар ўликми-тирикми, бунга ҳеч нарво қилмай осмондан қараб турган ой ҳам сендек танҳо, сендек ғариб кўринган кезларда одам ўзини нечоғлик ғариб хис қилади... Кўнглида ғам-ғуссалар, дарду аламлар тўлиб тошган вақтларда ёлғизлик, ғариблик оғир. Кошки Липанин ёнида онаси ёки мўйсафид уста бўл-са ёки оқсоч хотин, ҳеч бўлмаганда биронта эркак бўлса!

Мушғирнинг бу-булагани эшитилди.

Шу пайтда тўсатдан:

- Вавила, аравани кўш! – деган овоз эшитилди.

Олд томондаги йўл устида гулхан ёниб турарди. Ўтнинг алаңгаси ўчган, фақат чўғлари қолган. Отларнинг пичан чайшани эшитиларди. Гира-шира қоронғида икки араванинг кораси кўринди, бирига бочка юкланган, иккинчиси пастрок, қон ортилган. Яна икки кишининг кораси ҳам кўринди, бири арава қўшмоқчи бўлиб от етаклаб келар, иккинчиси қўлини орқасига қилиб жим турарди. Арава олдидаги ит ириллади. От етаклаб келаётган тўхтаб:

- Биров келаётганга ўхшайди, деди.

Қимирламасдан жим турган одам:

- Шарик, жим тур! - деб кичқирди. Бу одамнинг товушидан мўйсафид эканлиги билишиб турарди. Липа тўхтаб:

- Ҳорманглар! - деди.

Мўйсафид Липага яқин келди, лекин дарров жавоб бермасдан, бироздан кейин:

- Эсонмисан! деди.

- Бува, итнингиз қонмайдами?

- Йўқ, ўтиб кетавер, тегмайди.

Липа бирпас индамай тургач:

- Мен касалхонага борган эдим, ўтчим касалхонада ўлди, ўлигини уйга олиб кетяпман, - деди.

Липанинг бу гапи мўйсафидга ёқинқирамади шекилли, у нарироқ туриб, шошиб-пишиб деди:

- Чироғим хафа бўлма, худонинг хохиши, кейин ёнидаги ҳамроҳига қараб. - Болам мунча ивирсыйсан, тезроқ бўлсан-чи! - деди.

- Сенинг дўғанг йўқ-ку, кўринмайди, деди бола.

Вавила, ҳеч шудинг йўқ-да.

Мўйсафид чўғ олиб пуфлаб ёндирди, чўғнинг ёруғида унинг кўзи билан бурни кўринди, холос. Кейин дўга тошилгач, қўлида ўт билан Липанинг олдига келиб, унинг юзига қаради. Унинг бу қарашиди шафқат ва меҳрибонлик бор эди.

- Бола-да, онага бола пири.

Бу сўзин айтиб мўйсафид ух тортди ва бошини чайқаб қўйди. Вавила ўтга бир нарса ташлаб тепкилаб эди, қон-қоронғи бўлиб қолди. Кўришиб турган нарсалар ғойиб бўлди, яна ўша-ўша дала, юлдузлари чарақлаб турган осмон, бир-бирларини безовта қилиб, ухлагани қўймай, чиркиллашиб турган



қушларнинг гавгосигина қолди. Қизилоёқ қуш ҳам ўт ёкилган жойнинг худди ўзида сайраб тургандек эди.

Аммо, бир лаҳзадан кейин аравалар, мўйсафид, узун бўйли Вавила яна кўринди. Аравалар ғижирлаб катта йўлга чиқди.

Лица мўйсафиддан:

– Сизлар бузрукларданмиёсизлар? – деб сўради.

– Йўқ, биз Фирсанов кишлоғиданмиз.

– Сен хали менга бир بازار килиб эдинг, юрагимдаги хасратим бироқ ёзилгандек бўлди. Ёнингдаги бола ҳам ювошгина экан. шунинг учун мен сизларни бузруклармиёсиз деб гумон қилдим.

– Қасрга борасан?

– Уклеево кишлоғига.

– Аравага чикиб ол. Кузьминко кишлоғигача элтиб кўямиз, у ерга боргач сен тўғрига қараб кетасан, бизлар чапга буриламиз.

Вавила бочка ортган аравага чикиб ояди, мўйсафид билан Лица бошка аравага чиқдилар. Вавила олдинда, секин-секин кетавердилар.

– Ўғлим қуни бўйи кийнади, кўзларини мўлтиллаптиб бир нарса демокчи бўлади-ку, лекин айтолмади. Парвардинг орим! Мен дардимга чидамай ҳадеганда ўзимни кўтариб-кўтариб уравердим. Боламнинг кравати олдида туролмасдан йиқилиб тушавердим. Бува, ахир сен биларсан, ёш гўдақнинг ҳам жон берини шунча кийини бўладими? Эракми, хотинми катта одам кийналиб жон берса, гуноҳини худо кечиради, лекин гўдақнинг ғима гуноҳи бор, нега гўдақ ҳам кийналиб жон беради?

– Ким билади! – деб жавоб қилди чол.

Ярим соатча индамасдан кетавердилар.

Кейин чол сўз бошлаб:

Ҳар нарсани билаверини яхши эмас, паррандага худо гўрт эмас, икки канот берибди, икки канот билан учса ҳам бўлади. Шунингдек, одамзод ҳам ҳамма нарсани билавермайди, ярминсини ёки чорагини билади. Дунёда яшамок учун қанча билимок керак бўлса шунчасини билади, – деди.

Бува, пиёда юрганим осонроқ, аравада юрагим ўйнаб кетаяпти.

Майли, ўтиравер.

Мўйсафид эсанб от зини чўкиптирди. Кейин яна.

Майли, ўтиравер... деб кўйди. - Сенинг хасратинг хасратми. Ҳали кўн яшайсан, яхшини ҳам, ёмонни ҳам кўрасан. Юртимизнинг бағри кенг, Россия улкан! - шуларга деб чолиқки томонга қараб кўйди. - Мен Россиянинг ҳамма ерини кўрдим, ҳар ерига бордим, ҳар нарса кўрдим, чироғим, меннинг сўзимга бовар қил. Ҳали яхши-ёмонни кўн кўрасан. Ниёда Сибирга бордим, Амурга бордим, Олтойга бордим, кейин Сибирга кўчиб кетиб у ерда лехкончилик қилдим. Аммо Россияни соғиниб, яна ўз кишлотимга қайтиб келдим. Россияга қайтиб келганимизда ҳам ниёда келдик... Қайинка тушиб келганимиз ҳали ҳам эсимда бор. Мен жуда озиб аёлга бўлиб қолган эдим. Эгин-бошим йиртиқ, оёқларим, совуқда жунжикиб бир бурда каттик пошин шимиб келаётган эдим, қайиқда бир боғи ҳам келаётган экан, агар ўлиб кетган бўлса худо раҳмат қилсин, бу боғи мени кўриб жуда раҳим қилди, кўзидаги ёши оқиб кетди. «Бечора, еган нонинг ҳам қора, кўрган қунинг ҳам қора экан...» деди. Қишлоққа келганимда на бош тикқундай уй бор, на ховли. Хотиним бор эди, Сибирда ўлди, ўша ерга кўмдим. Энди батраклик қилиб ишлаб юрибман. Нима қилай, мен сenga айтаман, бундан бешбаттар ҳам бўлганман, лекин яхши кунларни ҳам кўрдим. Аммо, чироғим, нима бўлса ҳам ўлишни хохламайман. Яна йигирма йил бўлса ҳам яшасам дейман, демак, умримда яхши кунлар кўн бўлганидан-да. Аммо, юртимиз Россиянинг бағри кенг! - Бу сўзин айтиб тўрт тарафга қараб, яна аламлиаб кўйди.

- Бува, одам ўлгандан кейин унинг жони ер юзиде қанча вақтгача юради? - деб сўради Липа.

- Ким билсин! Қани, Вавилдан сўрайлик-чи, у мактаб кўрган. Замона мактабиде ҳар бир нарсани ўқигади. Вавила!

- Ҳа!

Одам ўлгандан кейин унинг жони ер юзиде қанчагача юради?

Вавила аввал отини тўхташиб, кейин жавоб берди:

Тўққиз кун, Амаким Кирилла ўлганда жони ўн уч кунгача уйинимздан кетмаган эди.

Қасрдан биласан?

Ўн уч кунгача печни дуқиллатди.

– Хўб, яхши юр, – деди мўйсафид. Бу сўзларнинг ҳеч бирига ишонмагани авзойидан маълум эди.

Кузьменкога яқинлашганда аравалар тош йўлга бурилди. Липа аравадан тушиб пиёда кетди. Тонг ёришиб қолди, Липа сойликка тушганда қишлоқдаги уйлар, черковлар хали ҳам туман ичида эди. Ҳаво совук, Липанинг назарида қакку қуш хали ҳам тинмасдан қуккулаб тургандек эди.

Липа уйга қайтиб келганда хали пода чикқани йўқ эди. Уйда-гиларнинг ҳаммаси ухлаб ётарди. Эшик олдидаги пиллапоёга чиқиб, куғиб ўтирди. Ҳаммадан аввал чол тапқари чиқди. Чол Липага кўзи тушиши билан дарров воксани фаҳмлади. Анчагача ҳеч нарса деёлмасдан, лабларини қимирлатиб турди. Бирпасдан кейин:

Эй, шўрлик Липа, неварамни асролмадинг!... – деди.

Варварани уйғотдилар. У йиғлаб болани саранжомланга тутунди ва деди:

Эй, худойим, шўрим курсиц, бола фақир яхшигина эди... Биттагина болани ҳам эпллмадинг, тентак...

Эрталаб ва кечкурун мотам тутдилар. Эртасига болани кўмдилар. Гўристондан қайтиб келгач қишлоқ руҳонийлари ва яна аллақанча меҳмонлар келиб овқат кўрмаган кишилардек хўб едилар. Липа хизмат қилиб турди. Поп тузланган кўзиқоринни санчикига илиб, уни юпатар эди:

– Боланга кўп ачинма, худонинг хоҳиши шу экан.

Ҳамма тарқаб кетгандан кейин Липа боласининг йўқлиги, ундан ажраганлигини билиб, хўнграб йиғлаб юборди. Қайси уйга кириб, йиғлаб юрагини бўшатишини билмас, чунки бола ўлгандан кейин, бу уйда бегона ва ҳеч кимга кераги йўқ, ортиқча киши эканини фаҳмлади, бунга бошқаларнинг ҳам ақли етиб турарди.

Бир маҳал Аксинья эшик олдида келиб:

– Овозингни ўчир, кўп бўкираверма, – деб бақирди. Аза муносабати билан Аксинья бош-оёқ янги кийимлар кийиб, юзига упа-эликлар суртиб олган эди.

Липа йиғисини бас қилмоқчи бўлса ҳам, ўзини тўхта-толмай, яна баттарроқ хўнграб йиғлади.

– Кимга айтяпман? Бас қил! Чиқиб кет ҳовлидан, йўқол! Қадам босма, бу ерга! Жиноятчининг хотини! Йўқол!

Чол каловланиб:

- Ҳой, ҳой!.. Болам, шовқинлама, чироғим... Боласи ўлгандан кейин нима қилсин... – деди.

Аксинья чолни масхара қилиб:

– Нима қилсин дейди-я... Майли бугунча ётсин-ку, эртага йўқолсин! – Чолнинг гапини масхара қилиб яна, – нима қилсин дейди-я, – деб кулганича дўконга кириб кетди.

Либа эртасига тонг отиши билан онаси турган Торгуево кишлоғига жўнаб кетди.

## IX

Энди дўконнинг томи, эшиги сирланган, янгидек ялтирайди. Уйнинг дарчаларида аввалгидек очилиб турган гуллар. Цибукиннинг уйида бундан уч йил аввал бўлган воқсаларни ҳамма унутган.

Ҳали ҳам аввалгидек уйнинг эгаси ва она бошлиғи Григорий Петрович ҳисобланади-ку, лекин ҳамма ишни Аксинья ўз тасар-руфига олган. Сотган ҳам у, олган ҳам у. Унинг розилиги бўлмаса ҳеч ким ҳеч нарса қилолмайди. Хумдоннинг ишлари ривожга миниб кетди. Темир йўлга ғишт кўп керак бўлганидан, ғиштнинг минги йигир-ма тўрт сўмга чикди. Хотинлар, киз-жувонлар станцияга ғишт ташийдилар, вагонларга ортадилар, қунига ташга миридан пул ишлайдилар.

Аксинья Хриминларга шерик бўлди, энди уларнинг фабрикаси «Кичик Хриминлар ва шериклари» деб аталади. Станцияга яқин жойда ковокхона очдилар, қимматбаҳо гармонни энди фабрикада эмас, ковокхонада чаладилар. Почтахона бошлиғи билан станция бошлиғи ковокхонага тез-тез кириб турадилар бўлди. Почта ва станция бошлиқлари ҳам савдогарчиликка айланишадиган бўлди. Кичик Хриминлар қар Степанга олгин соат инъом қилдилар. Қар соатини дам бадам чўнгагидаш олиб қулоғига тутиб кўради.

Қишлоқдагилар, Аксинья ҳар нарсага қурби стади дейдилар. Дарвоқе эрталаб туриб ўзига оро бериб, илжайиб заводга кетаётганида, кейин, заводга бориб, уни қил, буни қил, деб хўжайинлик қилганида ҳамма иш униш қўлида экаши, нима қилса қўлидан келиши, ҳар нарсага қурби етиши кўриниб

турарди. Ундан уйдагилар ҳам, қишлоқдагилар ҳам, заводдагилар ҳам кўрқарди. Почтахонага келганда цотга бошлиғи дарров ўрнидан сакраб туриб, такалдуф билан:

– Ксения Абрамовна, марҳамат қилиб, ўтирсинлар! – деб туради.

Пафис мовутдан тикилган бели бурма камзул, кўнжи баланд амиркон этик кийган, ёши қайғиб қолган бўлса ҳам олифтачилигини кўймаган бир помещчик, бир кун Аксеньяга от соғанида унинг тавига махлиё бўлиб, отни унинг сўраганига сотиб кетган эди. Помещчик Аксеньянинг кўлини кўйиб юбормасдан, унинг ўйнаб-қулаш кўзларига тикилиб туриб:

Ксения Абрамовна, сиздек хотинга жоним фило бўлсин, фақат айтгинг, қачон иккимиз холи ўтириб сўхбатлаша оламиз?

Ксения эса:

Қачон десангиз шу чоғ, – деб жавоб берган.

Бундан кейин олифта чол ҳар куни циво ичгани Аксеньянинг дўконига келиб турадиган бўлди. Пивосен какра ўтдан аччиқ бўлса ҳам, помещчик калласини чайкаб-чайкаб ичаверди.

Чол Цибукин эди ишга аралашмай кўйди, кўлига пул уншламайдиган бўлди, чунки ростакам пулни қалбакиядан ажратолмас ва лекин дами ичида, бу ерни ҳеч кимга айтмас эди. Чолнинг эси кирди-чикди, парижонрок бўлиб қолди, овқатни ҳам берсалар еб, бермасалар сўрамас эди. Уйдагилар аввал чолсиз овқат емас эди, эди у бўлмаса ҳам еяверадиган бўлиб қолдилар. Варвара бўлса кўпинча:

Кеча чол яна овқат емай ётиб қолди, – дерди.

Бу ганин ҳам жуда беғамлик, бепарволик билан айтарди, чунки бу ҳолга оdatланиб қолди. Цибукин негалир ёзда ҳам, кишда ҳам пўстин кийиб юрар, фақат ҳалдан ташқари иссиқ бўлганда уйдаш эшикка чиқмай ўтирарди. Аксари пўстинининг ёқасини кўтариб, олдини ўраб олиб кишлоқ кўчасида, станция йўлида сайр қилиб юрарди ёки баъзида эртаю кеч черковнинг дарвозаси олдидаги скамейкада ўтирарди. Бир ўтирганича кимир этмасдан кечгача ўтирарди. Ўтган-кетганлар салом берсалар жавоб бермас, чунки ҳали ҳам кишлоқ одамларини ёқтирмас эди. Ундан биров нарса сўрасалар жуда яхши, маъқул деб жавоб берар эди-ку, лекин ганин чўзмасдан, киеқа қилиб кўя қоларди.

Қишлоқда Цибукинни келини уйдан хайдаб юборибди. овқат бермасмиш, гадоиччинк қилиб юрганмиш. деган гаплар ёйилди. Ынча баъзилар суюнди, баъзилар хафа бўлди.

Варвара баггаррок семириб, бадаши тоза бўлиб, оқариб кетди. хали ҳам хайр-эхсонни кўймас. Аксенья ҳам унни бу ишга индамас эди. Мураббоси кўплигидан бу йил қайнатилгани келаси йилгача ёйилмасдан шакар бойлаб қоларди. Варвара бўлса мураббосини нима қилишини билмай, йиғлагудек бўларди.

Анисимни эларидан чиқара бошладилар. Бир кун ундан хат келиб қолди. Бу хат ҳам аввалги хатларидек аризага ўхшаган катта, бир тахта қоғозга байт билан чиройли қилиб ёзилган эди. Дўсти Самородов ҳам унинг билан бирга қамқоқда бўлса керак. Байтнинг охирида зўрға ўқиб бўладиган бадхат билан: «Мен бу ерда касалдан чиқмай қолдим, аҳволим ёмон. худо хаки менга озрок ёрдам беринг» деган бир йўлгина хат ёзилган эди.

Хаво оқиқ. куз кунларидан бирида кеч пайти, чол Цибукин нуётинининг ёқасини кўтариб олиб, черков эшиги тагида ўтириб уни, бурқаниб оланидан ванкасининг соябони билан бурнидан бошқа ҳеч жойни кўрнимас эди. У зун екамейканинг нариги бовида пудрагчи Елизаров, унинг ёнида ёни етмишларга бориб қолган, ишни тўқилиб кетган мактаб қоровули Яков ўтирар эди. Ёл очоёқ билан қоровул гап-лашар эди:

– Ота-она кексариб қолганда уларни боқини болаларнинг бўйида... Ота-онани хурмат қилиш ҳам боланинг бўйида. Келини буни уз уйдан хайдаб қуйибди. Бечора чолга овқат бермайди. қаскка борсин? Уч кундан бери овқат емасмиш, - дерди Яков жаҳл билан.

– Уч кундан бери-я! – деди Ёл очоёқ ажабланиб.

Шу ҳолда утираверади, биров билан гаплашмайди, хароб бўлиб қолди, индамасдан юраверади. Билмадим нега индамаскин. Судга берса-ку, келинига яхши бўлмайди.

Елизаров унинг сўзини эшитмасдан:

– Ким судга берибди? – деб сўради.

– Нимади?

– Келини-ку эпчил хотин-а. Уларнинг уйида у бўлмаса бўлмайди... Яъни қорибатсиз уларнинг уйи уй эмас демокчиман...

Яков ҳамон жаҳл қилиб:

- Ўз уйдан-а, аввал худо берса ўзинг уй қил, кейин бировни уйдан ҳайда. Сени қара-ю, баччағар, ярамас, - дерди.

Цибукин бу гашларни эшитиб кимир этмасдан ўтираверди.

- Ўзингнинг уйингми ёки бегонаникими, майли ишқилиб илиққина бўлса, хотининг уришавермаса бўлгани... - деди Ёғоч-оёқ ва кулиб юборди. - Ёшлигимда хотиним Настасьяга жуда мэхрибон эдим, ўзи жуда ювош эди. «Макарич, уй олсангчи, уй олсангчи! Макарич, от олсангчи, битта от олсангчи!» деб жаврагани-жавраган эди. Ўлиб кетаётганида ҳам «Макарич, ахир ўзингга чопқир от билан битта арава олсанг-ку, пиёда юрмайсан-а» деб ўлиб кетди. Мен бўлсам унга ширин-ширин нондан бошқа ҳеч нарса олиб бермадим.

Яков Ёғочоёқнинг гапига кулоқ соймай яна гапини маъкуллайди:

- Эри қар, тентак, ахмоқлиги шунчаки, ғоздан ҳам баттар, нимага ақли етарди? Ғозни калласига урсанг ҳам тушунмайди.

Ёғочоёқ уйига кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Яков ҳам турди, икковлари гаплашиб кетдилар. Улар эллик қадамча нари кетганларидан кейин чол Цибукин ҳам ўрнидан туриб, худди сийпанчиқ ердан зўрға юриб кетаётгандек, секин-секин, имиллаб, улар орқасидан кетаверди.

Пастликдаги кишлокка аллақачон қоронғи тушиб, фақат пастдан юқорига илон изи бўлиб кетган йўлнинг тепасигина ёруғ эди. Кампирлар ва улар билан болалар ўрмондан келарди. Станцияда вагонга ёширт юклаган қиз-жувонлар юз-кўзларини қип-кизил турпоққа булаб, галалашиб, кўниқ айтиб станция томондан келарди. Липа ҳам худди куш ботиб, кеч кириб роҳат вақти келганига суюнгандек, осмонга қараб, ингичка товуш билан чинқириб, кўниқ айтиб, ҳаммаинг олдига тушиб келарди. Келаётган хотинлар ичида Лишанинг онаси мардикор Прасковья ҳам бор, у қўлида тугун билан ҳарсиллаб келар эди.

Липа Ёғочоёқни кўриб:

- Салом, Макарич! Қалайсиз! - деб сўрашди.

Ёғочоёқ кувониб:

- Яхшимисан, болам! Яхши қизлар, яхши жувонлар, бой бува-ларингга ҳам қараб қўйинглар, қўзиларим, бўталарим, чироғларим!

Ёғочоёқнинг хўрлиги келиб, ўлкаси тўлди.

Ёғочоёқ билан Яков иккови гаплаша-гаплаша ўтиб кетди, анча нари кетганларидан кейин ҳам уларнинг говур-ғувур гаплари эпитилиб турарди. Бироздап кейин чол Цибукин ҳам келиб қолди. Хотинлар уни кўргандап кейин хаммалари жим бўлиб қолдилар. Липа билан Прасковья хотинлардан кейинроқда қолиб, қараб турдилар. Чол улар олдига келганда Липа энгашиб салом берди:

— Ассалом, Григорий Петрович!

Онаси ҳам энгашиб салом берди. Чол тўхтаб индамасдап уларга тикилганича қараб турди; лаблари қалтираб, кўзларига жик-жик ёш тўлди. Липа онасининг тугунидаги гуручли сомсадан бир бурда ушатиб чолга берди, чол сомсани олиб еди.

Кун боғиб офтобнинг баланддаги йўлга тушиб турган ёруғи ҳам ўчди. Қоронғи тушиб хаво совуди. Липа билан Прасковья анча ерғача чўкина-чўкина кетдилар.



## ҒИЛОФ БАҒДАСИ

**К**еч қолиш овчилар тунаш учун Мироносицкое кишлоғининг бир четидаги оқсоқол Прокофийнинг саройига тупдидлар. Улар икки киши бўлиб, биттаси мол доктори Иван Иванович, иккинчиси эса гимназия муаллими Буркин эди. Иван Ивановичнинг кўшалок ва кизиккина бир фамилияси бўлиб, ўзига ярашмаган бу фамилия Чимша-Гималайский эди. Шунинг учун ҳам уни бутун губернала оти ва отасининг номи билан аташарди. У шаҳарга яқин бир жойда от заводида яшар ва тоза ҳавода нафае олмоқ учун овга чиққан эди. Гимназия муаллими Буркин бўлса, ҳар ўз граф П. ларники а меҳмон бўлар ва кўндан бери бу ернинг ўз кишиси бўлиб кетган эди.

Улар келаси ухламай чиқдилар. Новча, ориқ ва узун мўйловли чол - Иван Иванович ташқарида, ичк олдиди, ой ёруғида ўтириб трубка чекар. Буркин бўлса, ичкарида иччан устида ётар ва қоронғида кўринмас эди.

Турли воқеаларни гапирдилар. Сўз орасида, оқсоқолнинг хотини Мавраини бақувват ва кизиккина хотин экани, бутун умрида ўз кишлоғидан ташқарида чиқмагани, ҳеч қачон шаҳар ҳам, темир йўлни ҳам кўрмагани, сўнги ўн йил ичида пель олдидан сизжимасдан кеча-ларигина кўчага чиққининг ҳам сўзладилар.

- Бунинг хайрон қоладиган нимаси бор! - деди Буркин. - Бу дунёда табиатлари бир хил бўлган ва киекичбака ёки шиллик кург каби беркиниб, ўз нўстлари ичига кириб ётишни севган кишилар оз эмас. Балки бу бир атавизм<sup>1</sup> ҳодисасидир, яъни одам болаларининг қатта боболари хали ижтимоий ҳайвон бўлмаган ва яқка ўзи ўз ишида яшаган замонларга қайтишдир;

<sup>1</sup> Атавизм - узоқ наслига қайтиб ўхшаш хусусияти.

балки одам боласининг характеридаги турли-туманшликнинг бир кўриниши шудир – ким билади дейсиз? Мен табиятшунос эмасман ва бу хил масалаларга аралашшиш менинг ишим эмас, мен фақат шуни айтмоқчиманки, Мавра сингари кишиларнинг учраши сийрак ҳодиса эмас. Узоқдан изламайлик, мана, икки ойча илгари шахримизда, грек тили муаллими Беликов деган бир ўртоғим ўлди. Сиз унинг тўғрисида эшитган чиқарсиз, албатта. У одам шу билан танилган эдики, доим, ҳатто об-ҳаво яхши пайтда ҳам, каллиш кийиб, соябон тутиб ва, албатта, иссиқ пахтали польто кийиб юарди. Унинг соябони ҳам ғилофда, соати ҳам кулранг чарм ғилофда, қалам очиш учун ёнидан қаламтарошнини олганда, қаламтарошнинг ҳам кинда эканини кўрардингиз; юзи ҳам ғилофга тушгандай кўринарди; чунки у, хамавақт ёқасини баланд кўтариб юзини ёқаси билан беркитарди. У кора кўзойнак тақар ва фуфайка кияр, кулонига пахта тиқиб юар ва извошга тушганида соябонини кўтариб кўйишни буюрарди. Хуллас, бу кишида ўзини бир ғилоф ичига олиш, ўзининг ёлғизлигини таъминлайдиган ва ташки таъсирлардан кўрийдиган бир ғилоф яратиш йўлида доимий ва бўшашмас бир ҳаракат борлиги сезилиб турарди. Вокелик унинг ғашини келтирар, кўрkitар ва доим тапвишга соларди; у ўзининг шу юраксизлигини, ҳозирги ҳолда бўлган нафратини оқлаш учун бўлса керак, ҳамниша ўтган замонни ва ҳеч бир содир бўлмаган нарсаларни мақтарди. Унинг ўқитадиган қадимги тиллари ҳам, тўғрисиини айтганда, унга ҳозирги ҳаётдан бекиниш учун қалиш ва соябон вазифасини ўтарди.

У тоғли бир ифода билан:

– О, грек тили нақадар оҳангдор ва чиройли! – дер ва гўё ўз сўзларининг ростилигини небот этмоқ учун, кўзларини сузиб, бармоқларини кўтариб туриб: – Антропос!<sup>1</sup> – деб кўярди.

Беликов фикрларини ғилоф ичига яширишга тиришарди. У бирон нарсани ман қилиб ёзилган фармойишлар ва газета мақолаларинигина очиқ аниларди. Фармойишда мактаб болаларига кечаси соат тўққиздан сўнг кўчага чиқиш ман этилган бўлса ёки биронта мақолада жиёмоний севги тақиқланган бўлса, бу нарса унга ошпа-очик ва равшан анилашилиб турар-

<sup>1</sup> Антропос (юнош.) – одам.

ди; ман килишганим – бўлди. Ижозатда эса унинг учун доим шубҳали, чала айтилган ва чучмал бир нарса яшириниб ётарди. Шаҳарда театр тўғрисидаги ёки кироатхона, ё бўлмаса буфет очишга рухсат берилса, у бошини тебратиб туриб астагина:

– Бу, албатта, шундайку-я, бу яхши иш, лекин орқасидан бир фалокат чиқмасин! – дерди.

Қай хилда бўлмасин қондаларнинг бузилиши, уларга риоя қилинмаслиги ва улардан бўйин товлашлар, гарчи унга алоқаси бўлмаса ҳам, уни танишига соларди. Агар ўртоқларидан биронтаси ибодатга кечикиб қолса ёки гимназия талабларининг бирон шўхликлари ё бўлмаса бемаҳалда бирон офицер билан бирон мураббиянинг бирга юганини эшитиб қолса, ҳадеб хавотирланар, бир фалокат чиқмасин тагин деяверарди. Таълим-тарбия кенгашининг мажлисларида эса, ўзининг ортиқча эҳтиёткорлиги, бадғумонлиги ва филофли мулоҳазалари билан тишқамизни қуритарди. Мана, ўтил ва кизлар гимназияларида ёшлар ўзларини яхши туголимайдилар, синфларни бошларига кўтариб шовқин-сурон қиладилар, ох, ишқилиб бошликлар қулоғига етмаса яхши эди; ишқилиб бир фалокат чиқмасин-да; агар иккинчи синфдан Петров, тўртинчи синфдан Егоров ҳайдалса жуда яхши бўлар эди, деган гапларни айтаверарди. Нима бўлар эди дерсиз? У ўзининг оҳ-воҳлари, кайгу-ҳасратлари, сассик кўзига ўхшаш кичкинагина рашғиз юзидаги қора кўзойнаги билан ҳаммамизни босиб турарди. Биз эса унга ён бериб, Петров ва Егоровларнинг одоб дарси бўйича баҳоларини насайтириб, ўзларини бир уйга қамаб кўяр эдик; ахир бориб Петровни ҳам, Егоровни ҳам ҳайдадик. Унинг кизик бир одати бор эди, яъни бизнинг уйларимизга кўп қатнар эди. Ўқитувчиларникидан бириникига келарди-да, жимгина ўтирарди, гўё яширинча алланарсани пойларди. Шу ҳолда, индамасдан бир-икки соат ўтириб кетарди. Бу нарсани унинг ўзи «дўстлар билан яхши муносабатда бўлмоқ», деб атарди. Бизнинг билишимизча, бизникига келиб кетиш, унинг учун анча оғир эди, лекин бу нарсани ўзининг ўртоқлик вазифаси, деб ҳисоблар эди. Биз, ўқитувчилар ундан кўрқар эдик; ҳатто директорнинг ўзи ҳам кўрқарди. Бизнинг ўқитувчиларимиз – фикр эгаси, ор-помусели, Тургенев ва Шчедрин каби ёзувчиларнинг асарларини ўқиб тарбияланган кишилар бўлса-да,

унга тоб беролмадилар. Бошидан соябони ва оёғидан калиши тупмайдиған шу одам гимназиямизни ўн беш йил мобайнида ўз кўлида махкам тутиб келди. Ёлғиз гимназиянигина эмас, бутун бир шаҳарни! Бизнинг хонимларимиз, унинг сезиб қолишидан кўрқиб, шанба окшомлари онлавий томошалар қилмас, ҳатто рухонийлар ҳам унинг олдида бемалол овқатланишдан ва карта ўйнашдан тортинардилар. Беликов сингари одамлар таъсири остида сўнги ўн-ўн беш йил ичида бизнинг шаҳримизда ҳар нарсадан чўчидиған бўлиб қолишди. Дадилроқ гапиришдан, хат бериб, хат олишдан, ошпачилик қилишдан, китоб ўқишдан, камбағалларга хайр-эҳсон қилишдан, одамларга савод ўргатишдан кўрқиб қолишди...

Иван Иванович алланима демоқчи бўлиб, йўталди, тамакисини чекиб туриб, ойга қаради-да, кейин дона-дона қилиб гапирди:

– Фикр эгалари бўлган ор-номусли, Шчедринни, Тургенев ва Бокларни<sup>1</sup> ўқиган кишилар ҳам шунга бўйин эгиб, чидаптилар-ку... шунақа бўлади-да...

Буркин давом этди:

– Беликов мен турган бинода бир каватда яшар, эшиги эшигим тўғрисида эди. Биз тез-тез кўришиб турардик, мен унинг турмушини билардим. Уйда ҳам ўша авҳолда эди: ўша чопон, ўша дарпарда, ўша илгаклар, ўша турли-туман тақиклар, чеклишлар ва «ох, бир фалокат чиқиб қолмасин тағин!» – деган ваҳималар. Ёвғон овқат зарарли, ёғли овқат эса бўлмайди, чунки Беликов овқат тўғрисида дин амрига бўйин эгмайди, дейдилар. Шунинг учун у сариёғда ковурилган балиқ ер эдики, бу дин амрига ҳам тўғри, кашпок овқати ҳам эмас. Одамлар бадгумон бўлмасинлар деб хотин кишидан хизматчи сақламас эди. Балки бир замонлар бир офицернинг хизматида бўлиб, наридан-бери қозон қайнатишни ўрганган Афанасий номли олтмиш яшар, пианиста ва телбароқ бир чолни ошпаз қилиб олган эди. Бу Афанасий ҳар вақт, икки кўлини кўлтиғига тақиб, дераза олдида турар ва доим қаттиқ оҳ тортиб:

Шу замонда уларнинг уруғи тозаям кўнайган-да, дерди.

<sup>1</sup> Бокль (1821-1862) - инглиз ёзувчиси, 60-70-йилларда машҳур бўлган «Англия маланияти тарихи» китоби муаллифи.



Беликовнинг ётоқхонаси, кичкинагина яшикка ўхшаган бўлиб, каравотига парда тутилган эди. У бошини буркаб ухларди: ҳоёбуки ҳаво жуда иссиқ, дим, ёпик эшикни шамол тақиллатар, печкадан гуруллаган овоз чиқар, ошхона томондан ваҳимали садолар келиб турарди.

Уни кўрпага бурканиб ётган жойда ҳам ваҳима босарди. У бир фалокат чикмаса яхши эди – Афанасий мени сўйиб кўймасин, ўғрилар уриб кетмасин деб ваҳима қилар ва тун бўйи кўркинчи тушлар кўриб чиқарди. Эргалаб гимназияга бирга келаётганимизда ранги ўчган, ковоғи солиқ бўларди; шу қадар обод ва одам кўп гимназия унга кўркинчи туюлгани, бутун борлигини сескантиргани, бутун вужуди билан ёлғизликни севган бу кишига мен билан, бир тоифа киши билан бирга бориш ҳам маъно келгани яққол сезилиб турарди. У ўзининг шу бадқовоклигига маъно беришга уришиб:

– Бизнинг синфларда шовкин-сурон катта, бу сира ярашмайдиغان ҳол, – дерди.

Мана шу грек тили муаллими, шу филоф бандаси, мен сизга айтсам, бир кун сал бўлмаса уйланай дедди.

Иван Иванович тезгина сарой томонга қараб олди-да:

– Ҳазилдир! – деди.

Йўқ, ишонинг бу ғалати гап-у, лекин уйланишига сал қолгани аниқ. Бизга хохоллардан Михаил Савич Коваленко деган бир одамни тарих ва география муаллими қилиб тайинлаган эдилар. У Варенька деган опаси билан бирга келган эди. У ўзи ёш, новча, қорачадан келган бир киши бўлиб, қўшари йўғон, гапирганда ҳам йўғон овоз билан гашириши юзидан ҳам билиниб турар, ҳақиқатан ҳам унинг овози хумдан чиққандай «гум-гум» қилиб чиқарди. Опаси эса, кўн ҳам ёш эмас, ўттизларга бориб қолган, у ҳам новча, қалди-қомати келишган, қора қошли, қизил юзли, қисқаси шакардаққина бўлиб, ниҳ, ўйноқи, ҳамавакт малорус ашулаларини айтиб, қаҳқаҳ уриб кулиб юрар эди. Сал нарсага ҳам овозини бориша хохолаб кулар эди. Коваленколар билан бизлар биришчи марта директорликда, туғилган кун шарафига берилган зиёфатда тузукрок танишганимиз хотиримда. Ҳатто зиёфатларга ҳам вазифаси юзасидан боровчи, ковоғи солиқ, гоят кўнгилисиз

ўқитувчилар орасида, бирданига тўлқинлар мавжида янги Афродита<sup>1</sup> пайдо бўлди. Икки кўлини белига қўйиб, хохолаб кулиб, ашула айтди, ўйнади... У «Шамол эсади» деган малорус ашуласини жуда берилиб айтди, сўнгра романслар куйлади, ундан кейин яна қўшиқлар айтиб берди, қисқаси бизнинг ҳаммамизни, ҳатто Беликовни ҳам ўзига мафтун қилди.

Беликов унинг олдига бориб ўтирди-да, ширин бир кулиш билан:

– Малорус тили майинлиги ва ёқимли эшитилиши билан қадим грек тилини эслатади, – деди.

Бу сўз кизга ёқиб тушди, шундан сўнгра у кўнглидан чиқариб ва ишонадиган қилиб, Беликовга Гадач уездида ўз кўрғони борлигини, у кўрғонда онаси яшашини ва у ерда мева-чева, қовун-тарвузлар ва ошқовоклар беҳисоб кўплигини сўзлаб берди. Хохоллар ошқовокни қовок, қовокни эса шинка деб айтишларини, помидор ва бақлажон солиб «ниҳоятда ширин, ниҳоят даражада мазали» шўрвалар пиширишларида ҳам гапирди.

Биз индамасдан қулоқ солиб ўтиравердик. Сўнгра бирданга ҳаммамизнинг миямизга бир фикр келди.

Директорнинг хотини менинг қулогимга секингина:

– Икковининг бошини қўшиб қўйсак яхши бўлар эди, – деди.

Шу вақтда ҳаммамиз негадир Беликовнинг хотинсиз эканини эсладик ва ҳозиргача буни пайкамасдан, унинг ҳаётидаги шу муҳим ҳолатни бутунлай назаримиздан четда қолдириб келганимиз ўзимизга ҳам ғалати туюлди. Умуман, бу одам хотин кишига қандай қарайди, бу одам шу муҳим ва зарур масалани ўзи учун қандай ҳал қилади? Илгари биз бу масалага ҳеч бир кизикмас, ҳар қандай об-ҳавода оёғидан қалишини ечмайдиган, парда тутиб ухлайдиган бу одамнинг сева олиш мумкинлигини биз ҳаёлимизга ҳам келтирмаган эдик.

Директорнинг хотини ҳалиги фикрни изох қилди:

– Бу одам аллақачонлар қирқдан ошган, хотин бўлса ўттизда, менинг фикримча хотин йўқ демас.

---

<sup>1</sup> Афродита – юнон афсоналаридаги муҳаббат тапгриси, бу афсоналарда Афродита деҳ из кўшиқларида биво бўлган дейилади.

Бизнинг вилоятда одамлар зерикканларидан нималар килмайдилар, қандай кераксиз ва бўлмағур ишлар билан шуғулланмайдилар! Бунинг сабаби шуки, керакли иш бутунлай қилинмайди. Бўлмаса хотин олиб умр кечиршини тасаввур килмоқ мумкин бўлмаган ана шу Беликовни уйлантиришимизнинг нима кераги бор эди? Директор хотини, инспектор хотини ва бошқа бутун гимназия хошимлари, худди, бирдан ҳаёт маъносини билгандек жонланиб, ҳатто чехралари ҳам очилиб кетди. Директор хотини театрда бир ложани сотиб олди, бир вақт карасак унинг ложасида қўлида ғалати бир елпигич, юзи гулдек очилиб, қулиб-яйраб Варенька, унинг ёнида эса, уйдан омбир билан суғуриб келтирилгандай, кичкинагина, бужмайган Беликов ўтирарди. Бир кун мен зиёфат бермоқчи бўлдим, хонимларнинг ҳаммаси Беликов билан Вареньканинг чақиришимни талаб килдилар. Хуллас, иш юришиб кетди. Маълум бўлдики, Варенька ҳам эрга тегишга рози экан. Унинг укасиникида туриши унча ҳам қувончли эмас, куни билан уришиб, қойишар эканлар. Мана бир кўриниш: кўчадан узун бўйли ва йўғон гавдали, бахайбат Коваленко ўтиб боради, устида гуллик қўйлак, шапкасининг остидан чиқиб турган сочлари цепонасига тушиб туради; бир қўлида бир даста китоб, яна бир қўлида йўғон сербугок таёк. Кетида опаси боради, унинг қўлида ҳам бир даста китоб.

Опаси овозини баланд қўйиб, укаси билан гап талашади:

– Сен, Михайлик, буни ўқиган эмассан. Мен сенга айтаман, онг ичиб айтаманки, бу китобни қўлингга ҳам олган эмассан.

Коваленко таёгини ерга уриб, чулдираб:

Мен дейманки, ўқиганман! – деди.

– Ё худойим-э! Ё худойим-э! Нега жаҳлинг чиқади, Минчик! Биз сен билан муҳим масала устида талашаётимиз-ку.

– Мен сенга дейманки, ўқиганман, ўқиганман! – деди Коваленко яна ҳам баттар чулдираб.

Уйда эса бегона одам келгудай бўлса, дарров урини бошланади. Бу хил турмуш жонга тегиб, кўнгли рўзгор тусаб қолган шекилли, бунинг устига ёш масаласини ҳам эътиборга олиш керак, энди эр танлайдиган вақт ўтган, ҳозир кимга бўлса ҳам, ҳатто грек тили муаллимига ҳам тегмай илож йўқ. Зотан қўн



қизларимиз учун шу топда кимга тегишнинг аҳамияти йўқ, эр бўлса бас. Ҳаркалай, Варенька бизнинг Беликовга очиқ майл кўрсата бошлади.

Беликов-чи? У Коваленколикка ҳам бизникка қатнагани сингари қатнаб турарди. Уникида ҳам индамасдан ўтирарди. У индамай ўтирар, Варенька бўлса, унга «Шамол эсади»ни айтиб берар, ё бўлмаса, ўзининг қора кўзлари билан Беликовга ўйчан қарар ёки бирданига:

– Ха-ха-ха, – деб куларди.

Муҳаббат ишларида, айниқса уйланишда, ишонтиришнинг роли катта. Ҳамма ўртоқлар ва барча хонимлар - ҳаммамиз бир бўлиб, Беликовга унинг уйланмоғи лозимлигини, унинг ҳаётида уйланмоқдан бошқа биров муҳим нарса қолмаганини айтиб, ишонтиришга киришдик, ҳаммамиз бирдан уни табриқладик, энг жиддий қиёфа билан унга ҳар турли бемаъни гапларни айтдик, чунончи, уйланиш жуда муҳим деган гапларни қилдик; бунинг устига Варенька ҳам чакки эмас, кишининг ҳаваси келадиган сулув қиз эди; улуғ мартабали статский советникнинг қизи бўлиб, ўз ҳовли-жойи бор эди, ҳаммадан муҳими Беликовга меҳрибонлик билан ва чин кўнгилдан қараган бирдан-бир хотин эди. Мана шу сабаблар туфайли унинг боши айлади ва у, энди дарҳақиқат уйланмасам бўлмас экан, деган хулосага келди.

– Мана энди унинг қазини билан соябонини ташлатиш мумкин бўлади, – деб қўйди Иван Иванович.

- Кўрингки, шундай қилиш мумкин бўлмади. У Вареньканинг суратини ўз столи устига қўйиб тез-тез меникига келиб Варенькадан, оила ҳаётидан ҳамда уйланишнинг муҳимлигидан гаширар эди; тез-тез Коваленколикка ҳам қатнаб турарди, лекин бу билан унинг туриш-турмуши ҳеч бир ўзгармади. Аксинча уйланишга жазм қилиш унга ёмон таъсир қилиб, озиб-тўзиб кетди ва ўз филофига яна баттарроқ кириб олгандек бўлди.

Бир куни у ғайри табиий бир қулиш билан:

– Варвара Саввишна менга ёқади, ҳар бир кишига уйланмок кераклигини биламан, лекин... бу ишлар бирданига бўлиб қолди. Ўйлаб кўриш керак-да, – деб қолди.

Нимасини ўйлайсиз? - дедим унга. – Уйланинг, вассалом.

– Йўк, уйланиш ҳазил эмас, бўйинига тушадиган вазифаларни, жавобгарликларни илгарй тарозига солиб ҳўн ўлчаб кўрмоқ керакки... оркасидан бир балоси чиқмасин. Бу нарсани шу қадар ташвишга соладики, кечалари ухламай чиқаман. Паанинг ростини айтаман, мен кўркман ҳам: укаси билан икковининг фикру хаёллари бошқачарок, уларнинг фикр юргизишлари, билсангиз бироз ғалати ва характерлари ҳам жуда ўткир. Уйланиб кўйиб, бирор ҳодисага илашиб қолсан киши.

Шундай қилиб у, уйланиш ҳаракатида бўлмади, директор хотинини ва ҳамма хонимларимизни хижолат қилиб, тўйни кейинга сураверди: ҳадеб бўйинига тушадиган вазифа ва жавобгарликларни тарозига соларди, иккинчи томондан эса, ҳар кун деярлик Варенька билан бирга сайр қилишарди. Эҳтимол, бу нарсани ўз мавқенига муносиб деб ўйлагандир. Сўнгра, баъзан меникига келиб, оила ҳаёти тўғрисида гаплашиб ўтирарди. Эҳтимол, бора-бора, у тўй ҳаракатига тушар – бизнинг орамизда бекорчилик ва зеркишдан бўлиб турадиган минглаб кераксиз ва номатъкул уйланишлардан биттаси рўй берар эди, лекин бу орада қагга бир жанжал – Kolossalischer Scandal чиқиб қолди! Шунга айтиш керакки, Вареньканинг акаси Коваленко биринчи танишган кундан бошлаб Беликовни ёмон кўриб қолган ва уни кўрса жаҳли чиқарди.

У бир кунга елкасини қисиб, бизга шундай деди:

Тушунолмаймак, сира тушунолмаймак, бу чакимчи ва бу хушук баширани сиз қандай ҳазм қилоласиз. Э, афандилар, сиз бу ерда қандай яшай оласизлар! Муҳитингиз – нафасни бўғувчи ва сасенқ бир муҳит. Сиз ҳам педагоглар-у, муаллимлармисиз? Сиз – амал бандаларисиз, сизнинг мактабингиз билим манбаи эмас, молфурушлар дўкони. Миршабларнинг будкаси каби ҳар тарафдан сасенқ хид чиқади. Йўк, биродарлар, сизнинг ёнингизда кўн туролмаймак, яқинда ўз кўрғонимга қайтиб бориб, қисқичбака овлаб, хоҳол болаларини ўкитиб юрамак. Кетаман мен, сиз бу ерда ўша мунофик махлуқингиз билан ётаверинг!

У гоҳ йўгон, гоҳ ингичка товуш билан ичаги узишгудек бўлиб кулар ва таажжуб билан:

Нима килиб ўтиради мешикида? Унга нима керак? Бақрайиб ўтираберади, дерди.

У ҳатто Беликовга «текишхўр ўргамчак» деган ном қўйиб олган эди. Албатта, биз опаси Вареньканинг шу «ўргамчак»жа тегмак истагини сездирмасликка тиришар эдик. Бир кун директоримизнинг хотини унга опасини шундай бамаъни ва ҳамма хурмат қиладиган Беликов сингари одамга бериш маъкул бўлар деган мазмунда шама қилган экан, у ковоғини солиб:

– Бу менинг ишим эмас, опам хоҳласа, захарли илонга тегсин, бировларнинг ишларига аралашини ёмон кўраман, – дебди.

Энди бу ёғини эштинг, бир хазилкаш одам хажвий расм солибди, оёғида калиш, шимининг почаси қайтарилган, бошида соябон – Беликов келмоқда; Варенькани қўлтиклаб олган; расм тагида «ошиқ антропос» деган ёзув бор. Бу кўриниш жуда усталик билан солинган. Рассом, бу расм устида бир неча кун ишлаган бўлса керакки, ўғил ва кизлар гимназияларининг ҳамма муаллимларига, семинария муаллимларига, маъмурларга, ҳаммага ана шу расмдан бир нусхадан тегди. Беликовнинг ўзига ҳам тегди. Бу расм унга жуда қаттиқ таъсир қилди.

Биринчи май – якшанба куни эди, биз гимназия муаллимлари билан ўқувчилар, гимназия олдида тўшланишиб, ҳаммамиз шаҳардан ташқарига, ўрмонга пиёда бормоқчи бўлдик. Шунда Беликов икковимиз уйдан биргалашиб чиқдик, у кўкариб кетган, ковоғидан қор ёғилар эди.

– Қандай ёмон, ёвуз одамлар бор дунёда! – деб полди у ва шу заҳоти лаблари пирпираб кетди.

Унга ҳатто раҳмим келди. Кетаётсак, ёнимиздан бирданига велосипед минган Коваленко ўтиб қолди. Унинг кетидан велосипед минган Варенька борарди, у қизарган, эгтиккан, лекин қувнок, хушчақчақ эди.

– Биз сиздан олдинроқ бориб турамиз! Шундай яхши, шундай соз хавоки, асти қўяверинг! – деб кичкирди Варенька.

Шундай деб иккаласи ҳам кўздан ғойиб бўлди. Бизнинг Беликов башараси кўкдан оқка айланди ва ўзи қотиб қолди. Тўхтаб менга қаради.

– Менга қаранг, бу нима гап ўзи? – деб сўради у мендан. – Эҳтимол, кўзимга шундоқ кўринаётгандир? Йўқса, гимназия

муаллимларига ва аёл кишига велосипед миниб юриш ярашадими?

– Ярашмаслиги ҳам борми, – дедим. – Қўяверинг, миниб роҳат килсинлар.

Менинг беларво гапирганимга ҳайрон бўлиб:

– Нечук бундай бўлсин? – деб кичкирди. – Бу нима дега-цингиз?

У шу қадар эсанкириб қолган эдики, ўрмонга боришдан воз кечиб, уйга қайтиб кетди.

Ўртаси, куни бўйи тажанглик билан кўлларини ишқаб ва сесканиб юрди, унинг афтидан мазаси кетганлиги биллиниб турарди. Умрида – ҳаётида биричи ўпа куни дарсни ҳам ташлаб кетди. Тушлик ҳам килмади. Кеч киргач, ёз хавосидан илик хаво бўлишига қарамасдан иссиқкина кийиниб Коваленколарникига қараб кетди. Варенька уйда йўқ эди, акаси билан учрашиб қолди.

– Марҳамат, ўтиринг! – деди Коваленко, совук бир овоз билан ва ковоғини солди, юзларидан эндигина уйқудан тургани кўринарди. Кундузги тушликдан сўнг ухлаб, эндигина турган бўлса керакки, кайфи жойида эмас эди.

Беликов индамасдан ўн дақиқача ўтирди ва шундан сўнг гап бошлади:

– Мен сизнинг ёнингизга юрагимни бироз бўшатай деб келдим. Мен жуда ёмон, жуда қаттиқ мусибат тортаётirman. Аллақандай бир ҳазилқаш одам, мени ҳамда бизнинг икковимизга жуда яқин бўлган бир мухтарам хонимни кулги килиб сурат чизибди. Бу ишда менинг ҳеч бир айбим йўқлигига сизни ишонтирмоқни ўз бурчим деб биламан. Бу хилда ҳазилнинг рўй бериши учун менинг томонимдан ҳеч қандай сабаб содир бўлган эмас, аксинча, мен ўзимни ҳамавақт одобли бир одамдек тутаман.

Коваленко ковоғини солиб, индамасдан ўтирди. Беликов яна бироз жим қолгач, охиста ва кайғу овоз билан сўзида давом этди:

– Мен сизга яна баъзи бир сўзларни айтмоқчи эдим. Мен қўндаш бери хизмат қиламан, сиз бўлсангиз хизматни яқиндагина бошлагансиз, шунинг учун ўзингиздан катта ўртоғингиз

сифатида сизни огоҳлантириб қўйишни ўз бурчим деб билдим. Чунончи, сиз велосипед миниб юрар экансиз, холбуки, бу ёшларнинг тарбиячиси бўлган бир киши учун бутунлай келишмайдиган қилик.

- Нега ахир! - деб сўради Коваленко йўғон овоз билан.

- Айтиб ўтиришга хожати ҳам борми, Михаил Саввич, ўзи равшан эмасми?! Муаллим велосипед миниб юргандан кейин, ўқувчи нималарни қилмайди? Ўқувчилар одамнинг бошига чиқиб юрадиган бўладилар! Моломики, расмий фармойиш билан рухсат этилмаган экан, ярамайди. Кеча менинг жонпоним чиқиб кетди. Опангиз велосипед миниб кетаётганини кўриб, кўзларим тиниб кетди, аёл кишининг ёки киз боланинг велосипед миниши жуда ҳам хунук!

- Сиз нима демокчисиз?

- Мен фақат сизни огоҳлантириб қўймоқчиман, Михаил Саввич. Сиз ёшсиз, сизнинг истикболини из ҳали олдинда, сизга жуда ҳам эҳтиёт бўлмоқ керак, холбуки, сиз шу даражада бепарвосизки, асти қўяверинг! Сиз гулди қўйлақлар кийиб, кўча-қўйда ҳамавақт аллақандай китоблар кўтариб юрасиз, энди мана - велосипед минишни ҳам чиқардингиз. Опангиз билан велосипедда сайр қилиб юрганингизни директор билиб қолса, нозирнинг кулоғига ҳам етади... Бундан яхши иш чиқадими?

Опам билан велосипедда сайр қилиб юришимнинг ҳеч кимга дахли йўқ! - деди Коваленко ва кизариб кетди. - Менинг уй ишимга ва оила масалаларимизга аралашадиган одамни мен моховга ошна қилиб қўяман.

Беликовнинг ранги ўчиб, ўрнидан турди.

Сиз мен билан шу йўсинда гаплашадиган бўлсангиз, мен суҳбатни давом эттиролмайман! - деди у. Сиздан ўтинаманки, менинг ҳузуримда бошликлар хусусида бу хил сўзларни ҳеч гапирманг. Сиз ҳукумат маъмурларига ҳурмат билан қарамоғингиз лозим.

Коваленко Беликовга жаҳл билан қараб туриб:

- Ҳукумат маъмурлари тўғрисида нима ёмон гап гапирдим? - деб сўради. Ўтинаман, мени тинч қўйинг. Мен виждонли бир одамман ва сиздек жаноб билан гаплашишни хохламайман. Мен чакимчиларни ёмон кўраман.

Беликов тажаниг бўлиб гангиди ва юзларида дахшат аломатлари бўлгани холда, шошилиб кийина бошлади. У бу хил дағал гапларни умрида биринчи эшитгани эди.

Дахлгздан знанинг айвончасига чикаркан:

Нима десагиз деяверинг, - деди у, - сизга шунигина айтиб кўймоғим керак: эхтимол бизнинг суҳбатимизни бирошта одам эшитгандир, бунинг натижасида бизнинг сўзларимизга бошка хил маъно бермасликлари учун ҳамда бирор бало чикиб қолмаслиги учун мен суҳбатимизнинг мазмунини... энг муҳим нукталарини директор жалобларига маълум қилмоғим лозим. Бу менинг вазифам.

Маълум қиламан? Бор, маълумотиини беравер!

Коваленко унинг ёқасидан ушлаб пастга итариб юборди, у қалишларини ташрилатиб зинадан куйига юмалаб кетди. Зина баланд ва тик эди, лекин у саломат тушиб олди: ўрнидан туриб, кўзойнагининг бутунлигини билмоқчи бўлиб, буршини ушлаб кўрди. У зинадан пастга юмалаб тушаётган пайтда икки хоним билан бирга Варенька кириб келди. Улар пастда туриб томоша қилардилар. Беликов учун ҳаммадан ёмони ҳам шу эди. Бўйини остида қолиши, икки оёғидан ажралиши - бу хилда масхара бўлишдан яхшироқ эди. Энди бу гап бутун шаҳарга тарқалади, директорнинг, пазирининг қулоғига бориб етади. Ох, бир бало чиқмасин-да! Янги хажвий расмлар ясалди ва бутун иш оқибагида хизматдан истеъфо бериб чиқилиш абуюрини...

У ўрнидан турган эдики, Варенька таниди ва унинг одам куладиган юзига, фикимланган пальтосига ва қалишларига қараб, ишнинг асидан беҳабар, кокилиб йикилгандир, деб ўйлаб, ўзини тўхтатолмасдан, бутун бинони бошига кўтариб кула бошлади:

Ха, ха, ха!

Шу қаҳ-қаҳа билан ҳамма иш тамом бўлди: уйланиш ҳам, Беликовнинг бу дунёда яшаш иш ҳам. Вареньканинг нима деганини у эшитолмади ва ҳеч нарсани кўрмай қолди. Уйига қайтганидан сўнг, энг аввал стоя устидаги портретни олиб кўйди, сўнгра ётоғига кириб ётганича ўрнидан қайтиб турмади.

Уч кундан сўнг менинг олдимга Афанасий келиб, хўжайинимнинг ахволи оғир, доктор чакиртирсаммикан, деб

сўради. Мен Беликовни кўргали бордим. У парда оркасида кўрнага ўраниб ётарди; бир нарса сўрасанг, ё «ха», ё «йўк» деб жавоб берарди, бошқа ҳеч нарса демасди. У ёгади, унинг ёнидада хафа, ковоги солинган Афанасий юради ва огир-огир ух тортади; оғзидан эса худди хумдан чиққандай буруқсаб арақ хиди келади.

Бир ойдан сўнг Беликов ўлди. Уни ҳаммамиз, яъни икки гимназия билан семинария биргалашиб кўмдик. Энди тобутда ётаркан, юз ифодаси юмшоқ, ёкимли ва ҳатто бир даража кувлоқ бўлиб, гўё ахир келиб ҳеч қачон ичидан чиқмайдиган гилофга тушгани учун севингандек эди. Чинакам ҳам у мақсадига етган эди! Худди уни хурматлагандай – кўмиш куни хаво айниб, ёмғир ёккан ва ҳаммамиз калиш кийиб, соябон ушлаб чиққан эдик. Кўмиш маросимига Варенька ҳам иштирок килди ва ўлик гўрга туширилар экан, қаттик йиғлади. Шунда мен пайкадимки, хохол аёллари ё қаҳқаҳа отиб кулар, ё қаттик йиғлар эканлар, ўрта бир кайфият уларда бўлмас экан.

Иқроор бўлмогим керакки. Беликов сингари одамларни кўмиш кўн завқини бир ишдир. Гўристондан кайтаётганимизда чехраларимиз очик эмас ва бетакаллуф эди, ҳалиги завқ, яъни болалик вақтимизда, катталар бир жойга кетиб, уйда ёлғиз ўзимиз колгач, боғчага чиқиб бир неча соат эркин-эркин чопишган вақтимиздаги каби ҳисларни ҳеч ким изҳор қилишни истамас эди. Ох, эркинлик, эркинлик! У насиб бўлишни тўғрисидаги заиф бир умид, ҳатто бир шама ҳам қалбга мадад беради. Шундай эмасми!

Биз гўристондан кайфимиз чоғ бўлиб кайтдик. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, турмуш яна ўз изига тушиб олди: яна ўша фармойиш билан ман қилинмаган, лекин тамоман руҳсат ҳам берилмаган маънисиз ҳаёт бошланди: ҳаммаси аслича колди. Чиндан ҳам Беликовни кўмдик, лекин унга ўхшаган гилоф бандалари яна қанча бор, яна қанча бўлажак!

– Гап шунда-да! – деди Ивап Иванич ва трубкасини тортди.

– Бунақалардан яна қанчаси пайдо бўлади! – деб таъкидлади Буркин.

Гимназия муаллими ташқарига чиқди. Бу наест бўйли, семиз, бошида бир туки ҳам йўқ, узун кора соқоли белига етаёзган одам эди, у билан бирга иккита ит ҳам чиқди.

У осмонга қараб туриб:

- Ойни айтинг, ойни! - деди.

Ярим кеча бўлиб қолган эди. Ўнг томонда бутун кишлоқ кўринар, унинг узун кўчаси беш чақиримларга чўзилиб кетган, ҳаммаёқда жимлик, чуқур уйкуга толган: на бир ҳаракат сезилар, на бир говуш эшитилар, ҳатто табиатда бу қадар жимлик бўлишига одамнинг ишонгани келмас эди. Ойдин кечала, содда уйлари, ғарамлари, уйкуга толган мажнунтоллари билан кишлоқнинг кенг кўчасини кўрганда, кишининг кўнгли ҳам таскин топади, одамнинг кўнгли туш пардасида меҳнатдан, тановидан ва қайғу-ҳасратлардан бекиниб олгач, ўзининг шу жимлигида жуда ювош, муңли ва гўзал бўлади; юлдузлар ҳам унга меҳрибонлик билан қарагандай, ер юзида ортик ёвузлик деган нарса қолмасдан, ҳамма соадатга эришгандай туюлади. Кишлоқнинг чап томони дала уфқларгача чўзилган, бу ойдин далала ҳам на бир ҳаракат кўрилади ва на бир садо эшитилмайди.

- Гап шунда-да! - деб такрор қилди Иван Иванович. - Биз шаҳарда - дим ҳавода ва тикилтичда япанимиз, кераксиз қоғозлар ёзиб, карта ўйнашларимиз - булар ҳам бир ғилоф эмасми! Бутун умримизни дангаса ва такасалтанг одамлар, эен паст ва ўйиндан бошқани билмайдиган аёллар ўртасида ўтказишимиз, бўлар-бўлмас афсоналар ганириб, эшитишимиз, бу ҳам бир ғилоф эмасми? Агар хоҳласангиз яна битта жуда ибратли воқеани айтиб бераман.

- Йўқ, энди ухлаш керак, - деди Буркин. - Эртага қолсин!

Иккаласи ҳам саройга кириб, илчани устида ётди. Иккови ҳам ўраниб ётиб, энди кўзлари уйкуга кетган ҳам эдики, бир-данига оёқ говуши келди... Сарой ёнида алақим юрар эди! Бироз юради-да, тўхтади, бироз ўтгач, яна юра бошлайди... Итлар хуради.

Бу юрган Мавра, - деди Буркин.

Оёқ говуши тинди.

Иван Иванович нариги ёлбошига айлалиб ётиб:

Ёлгон ганирашларни эшитиб ва кўриб туриш, - деб гўлдирди, - шу ёлгонга чидаганинг учун сени аҳмоқ деганларини эшитиш, озор ва ҳақоратларга бардош қилиш, номусли ва эркин одамлар томонида бўлганини очик айтишга



бөтөнөлмәслигинг, ўзинг хам ёлгон гаприб, ёлгондан кулиб туришинг, бутун бу холларшинг бир бурда пон, иссиқкина бир жой, бир чакага арзитайдиган аллақандай бир амал учун бўлиши, чидаб бўлмайдиган хол; йўк, бундан сўнг бу хилда яшаш мумкин эмас!

-- Сиз энди, Иван Иванович, бошқа мақомга тушдингиз, -- деди муавелим. -- Кўйинг энди, ухлайлик.

Ўн дақиқадан сўнг Буркин каттик уйкуга кетди. Иван Иванович бўлса хадеб у ёнбошдан бу ёнбошга ағанаб, ух тортарди. Сўнгра ўридан туриб яна ташқарига чиқди ва эшик олдига ўтириб, тамаки чекди.

## АЗА ОЧИШ

**Т**епа Тўғон қишлоғидаги Биби Марям ибодатхонасида пешин ибодати ҳозиргина тугаб, қавмлар жонланганча ташқарига ёпирилиб чиқишмоқда. Уларнинг ичида баққол Андрей Андрейчига жойидан жилмайди. Ўзини яққаш оқил чоғлаб юрувчи бу киши меҳробнинг ўнг ёғидаги клирос<sup>1</sup> панжарасига суяниб олган. Бир пайтлари хусибузардан гудуриш тортиб, андомини йўқотган рафтори қирғишланиб, унга туйғу-кечинмаларнинг карама-қарши пукси уриб қолиши: бир қарасанг, бу боқиш тақдирнинг тақозосига таш бермасдан илож йўқлигини аңглатса, яна бир қарасанг, унинг ёғинасидан ўтиб кетаётган узун мовут чакмонли эркаклар ҳамда ола-була рўмонли аёлларга нисбатан у ўзини бағоят такаббур ва густохона тутаётганлигини билдирарди.

Яқшанба куни бўлгани учун у ясашиб олган: эгинда сарик суяк тугмали мовут пальто, кўйлагининг барини кўк нимидан чиқариб, оёқларига эса ақцинали ва тақводор кишиларгина киийиб юрадиган бесўнакай каттакон каллишни олган эди.

У кўрғошиндай оғир ковоқлари остидаги кўзларини эричюклик билан санамларга қаратган: санамларда азалдан ушга ташини авлиёю анбиёларнинг зиёбахш сиймолари тасвирланган; буцдан ташқари, у, лунжини пиширганча шамларни нуфлаб ўчираётган қоровул Матвейши, меҳробнинг пойида тўшоғлик уринган гиламин ҳамда шу топда меҳробдан чиқа солиб ибодатхона оқсоқолига тилёғламалик қилаётган қашини Лопуховни ҳам пазаридан қочирмаётганди... Буларни кўраве-риб Андрей Андрейчининг кўзлари пишиб кетган – ҳаммасини беш кўлдай билди... Дарвоқе, шу гоьда черковнинг шимол

<sup>1</sup> Кларос – насоралар черковида хор аъзолари турадиган жой.

томондаги эшиги олдида хазрат Григорий ридосини ҳам ечмасдан пайваста қошларини чимиранча турарди.

«Қошларини кимга чимираётганини, тап-жонинг омон бўлгир отагинам? – ажабланди баққол. - Десинганини-чи! Бу нимаси экан? Кимни чакираётган бўлса?»

Андрей Андреевич ибодат қилувчилардан бутунлай бўйнаган черковнинг ичкарасига кўз югуртирди. Эшикнинг олдидаги ўн чоғли киши ҳам меҳробга тере караб туришарди.

Чакирганда кела қолсанг бўлмайдими? Серрайиб турганинг нимаси? – Хазрат Григорийнинг жаҳди чикаётганди. - Сенга айтман!

Баққол хазрат Григорийнинг жаҳдан кизарган юз-кўзларига ҳадиксираб бокканча, бу қон чимириш ва имо-ишоралар униш ўзига ҳам дохил бўлиши мумкинлигини фахмлади. У титраб-қақнаб кинросдан нари кетаркан, бесўлакай калпичини шашиллатиб, талмовсираганча меҳроб сари юрди.

– Худованди карим раҳмат қилгур бақдан ожиза Мариянинг руҳини ёдлаб шам ёккан сенмидинг? – баққолнинг тер босган юзлариша важоҳатли тикилганча сўради отахон.

Шундай, отахон.

Бундан чикди, манавини ҳам сен ёзибсан-да? А?

Хазрат Григорий зарда билан бир эшлик қозон унинг кўзларига пеш қилади. Ушга эгри-бугри қилиб йирик-йирик харфлар билан: «Йўлдан адашган ожиза бақданг Мариянинг гуноҳидан ўтгайсан», деб ёзилганди.

Шундай... Камина ёз...ди, – деди чайналиб баққол.

– Қандай ҳаддинг сиғди? – гапни ичакдай чўзиб, секин гаширди хазрат. Унинг хирилдаган овозида ҳам нафрат, ҳам саросима зоҳир эди.

Баққол ҳеч нарсага тушушмай, унга анграйиб караб турарди. Унинг бутун вужудини ваҳима босган: шу пайтгача хазрат тепа тўғонлик зиёлиларга бундай дағал муомала қилмаганди-да. Улар бир-бирига илламай тикилиб қолишганди. Баққолнинг бетларига тепган ажабланиш тунчалик кучли эдики, унинг семизликдан ёғ босган юзлари худди ачиган ҳамир сингари ҳар ёққа ёйилиб борарди.

Қандай журъат эдинг? – деди отахон яна.

Ким... Ким... ни? – меровланганича саволга савол билан жавоб қилади Андрей Андренч.

Тушунмадингми дейман? – ҳазрат Григорий ҳайрон бўлиб овозини дастлатди ва қўл силтаганча ортига тисарилди. – Елкашда нимани кўтариб юрибсан, – каллапими ё ковокпими? Сен ёзган беҳаё сўзни ҳатто кўча-кўйда айтгани ҳам уяласан киши. Нимага кўзларингни гўлайтирасан? Бу сўз нимани англиштини нахотки билмасан?

– Э-ҳа-а, сиз ҳали ўша шаллакини айтяписизми? кизарган кўзлариши пирниратиб бобиллай кетди баккол. – Ахир худованди карим ўзининг лутфи карами ила ўша, ким эди... ҳалиги шаллакининг гуноҳларидан ўтган... раҳмат қилган...

Баккол ўзини оқлашга уриниб яна биров важ келтирмоқчи бўлди, лекин фикри чувалиб, пальтосининг еши билан лаб-даханиши артиб қўя қолди.

Сенинг тушунчанг бузуқлай бошқача-ку, Ҳазрат Григорий яна қўл силтади. Ори рост, парвардигор унинг гуноҳидан ўтган, фаҳмляяпсанми? Мағфират этган, сен бўлсанг киши айтишга андиша қиладиган сўзлар билан таҳқирляясан. Ахир кимни ҳақорат қилясан? Вафот этган жигарг ўшагини-я! Бундай маъсийатни наинки муқаддас китобларда, балки дунёвий битикларда ҳам учратмайсан. Яна айтаман, Андрей, оқиллигингни ҳадеб пеп қилаверма. Ҳа, бўтам, бу ерда зукколингни кетмайди. Модомики, Улуғ Зот олдида ҳаммамиз синозда эканмизми, демак, мўмин-қобил бўлиб юргил, дуч келган жойга тумшугингни суқаверма. Уқдингми?

– Ахир у, маъзур тутгайсиз, актёркалик қилган, – писанда қилди Андрей Андренч.

– Актёрка дейсанми? Ким бўлмасин, қазоси етгандан кейин мархумнинг барча номаи аъмолларида фаромун бўлмок вожибдур. Қир-дикорларини ёзиш-ку, инчунин.

Рост айтасиз... – маъкуллайди баккол.

– Ўзи сенинг бошлаб таъзирингни бериш керак. – Меҳробнинг ичкарисидан кашининг дўриллаган овози эшитилади. Унинг нафратомуз қараши изза тортган бакколни нактениб юборай деди. – Раҳматли кизинг мапхур артист эди. Унинг вафоти ҳақида ҳатто газеталарда ёзишди-я. Ўрилдим сендака файласуфдан.

Аслида ҳам шулайку-я... – гўлдирганча деди баққол. Эҳтимол, ножўя айтиб юборгандирман, бироқ, қиблагоҳим, каминна бу билан марҳума қизини зинҳор айбламоқчи эмас. шунчаки сизларга кимнинг руҳи ёдланаётганлиги равшан бўлиши учун ёзганди, холос. Зеро, ҳақкига ибодат қилинаётган банданинг насл-насаби маълум бўлиши керак-ку. Шундай эмасми?

Яхши эмас, Андрей. Худойи таоло, балки бу сафар гуноҳингдан ўтар, аммо-лекин бу ёғига ўйлаб ин тут. Авваламбор, ҳадеб зукколик қилаверма, бошқаларга қараб мулоҳаза юрит. Қани, энди ўн топқир таъзим бажо келтир-да, кейин кетавер.

Хўп бўлади. деди баққол, ҳазратнинг ваъз-насиҳатлари тугаганидан хурсанд бўлиб ва рафтorigа виқор ва сиқолик бағишлаб. Ўн топқир таъзим дедингизми? Бажонидил! Энди, отагинам, сизга бир илтимосим бор... Инма бўлганда ҳам, каминна раҳматлининг надари бузруквори. Шу... десаңиз, қизимга... аза очсам дейман. Маъзур тутгайсиз, шунга сиздан...

– Бу нининг кўп маъқул, – деди ҳазрат Григорий руҳонийлик либосини счарқан. Яхши ўйлабсан. Бўпти, энди кетавер. Биз ҳозир чикамиз.

Андрей Андрейч андомига жиддий азадорлик ифодасини солиб, кизарганча меҳробдан узоқланди ва ибодатхонанинг ўртасига бориб тўхтади. Қоровул унинг олдидаги столга қандайдир таом келтириб қўйгач, маросим бошланади.

Черков сукунат оғушида, Ладан<sup>1</sup> тутатиладиган идишлини жаранги ҳамда хиргойнамо тиловат эшитилади... Баққолнинг ёнида қоровул Матвей ва акашакқўл боласини стақлаб олган доя хотин Макарьевна ҳам бор. Гарчанд катташнинг тиловати бўғик, ёқимсиз бўлса-да, Андрей Андреевичнинг қалбини борган сайин қибру ҳаво тарк этиб, теран маҳзуслик эгаллай бошлайди. Шунда у ўзининг Маъшукасини эслаб кетади... Ҳамон ёдида, қизи у тена тўғонлик тўраларга малайлик қилиб юрган кезлари туғилганди. Югур-югур билан бўлиб қизалоқ бўйга торганини ҳам

<sup>1</sup> Ладан – диний маросимларда тутатиладиган баъзи ўсимликлардан ҳушбўй муми.

сезмай қолди. Кўз очиб-юмгулча оқ малласоч қизча кўзлари тапгадай-тапгадай хушандом ҳилкатга айланди. Бойвачча тўралар Машуткани ўз фарзанди қатори кўриб, коғозга ўралган қандай ардоқлаб парварини қилишди. Улар бекорчиликдан қизчага ўқиш, ёзиш ва рақс тушишни ўргатишди. Отаси эса фурсат топиб, Машуткани вақт-вақти билан ибодат қилишга, илоҳий китоблардан сабоқ чиқаришга даъват этарди. Бадқовоқ ва такаббур баққолнинг сабоқларини қиз жон қулоғи билан тинглар эди...

Удабурон Андрей Андренч жамнарган пулларига қишлоғидан баққоллик дўқони очиб олгач, Машутка тўраларга кўшилиб, Москвага жўнаб кетди.

Вафотидан уч йил олдин Машутка отасини кўргани келди. Баққол қизини аранг таниди. Хусни тавошшиҳ ва қийинишда боп ойимтиллалардан қолишмас эди. Ганирганда ҳам пўткида қиғобий қаломлардан ишлатар, тамаки чекиб, чошқоғача ухлар эди.

Андрей Андренч қизидан касб-корини сўраганда, у отасига тик қараб: «Мен артистман!» деди. Қизининг ҳозиржавоблиги собиқ малайга ўтакетган сурбетлик бўлиб туюлди. Машутка ўзининг актрисалик фаолияти ва бу соҳада эришган ютуқларидан мактанганда, у отасининг авзойи бузилганини кўриб индамай қўя қолди. Шундан кейин ота-бола бир-бири билан гаплашмай қўйишди. Шу зайлда икки ҳафта ўтиб кетди. Жўнаб кетадиган куни Машутка отасини соҳил бўйига сайрга таклиф қилди. Куппа-қундуз куни ор-номусли қишлоқдошларининг кўз ўнгида артист қизи билан сайрга чиқиш қапчалик ҳамоқат туюлмасин. Андрей Андренч барибир рози бўлди.

– Қандай хушманзара, сўлим жойлар-а! Машутка атрофга бокиб тўймас эди. – Табиатнинг бетакрор гўзаллигини-чи. Она юртимнинг хусну тароватидан ниғохимни узолмайман.

У ўзини тугулмай йиғлаб юборди.

«Бу ерларнинг турган-битгани даҳмаза... – қизининг дилида жўш ураётган завқ-шавқни идрок эта олмаган Андрей Андренч табиатнинг жамолига анграйиб боққанича ўйга толди. – Бу жойлардан ёруғлик кутмиш - итдан чориглик кутиндай ган».

Машутка нукул йиғлар, йиғлаш баробарида паймонаси тўлиб бораётганини кўнгли сезгандай, ўпкаларини тўлдириб, чукур-чукур нафас оларди...

Худди илон чаккан одамдай, Андрей Андреич ўрнидан сапчиб тушди ва шуурига ўтириб қолган бадбин кайфиятдан қутулмоқчидай тез-тез чўкина бошлади...

– Ё Парвардигоро, – мириғирлаганча юкинди у, – залолатга ботган ожиза бандани Марияни ўз раҳматинга олгин-да, уни билиб-билмай қилган маъсийатларини мағфират қил...

Чолнинг оғзидан яна ўзи англамаган ҳолда попором сўз чиқиб кетди, қайсики бу сўз унинг оғ-шуурига шунчалик маҳкам ёпишиб кетгандики, уни па ҳазрат Григорийнинг панд-насихатлари билан, на миҳ билан суғуриб тапилаш мумкин эди. Шу лаҳзаларда доя хотиш Макарьевна чукур уҳ тортиб, дамнини ичидан чиқармай нималарнидир пичирлар, унинг акашаккўл Мигъкаси бўлса хаёллар огушида парвоз этарди.

Кашиш кўлини ёноғига босиб, «... дарду ситам, ғам-ғусса ва оҳ-офатларни ўзини ариттайсан...» деб тиловат қилишда давом этарди.

Исирикдондан кўкимтир тутуни сизиб чиқиб, черковшинг ҳаёт асаридан мосуво бефайз гумбазлари аро тепадан қиялаб тушаётган сербар зиёсида чўмиларди. Гўё шу зиёга эшилиб раҳматли актрисанинг жонсарақ руҳи ҳам учиб юрганга ўхшарди. Мурғак гўдакнинг кўннироқ сочлари янглиғ ладан тутуни ҳавода айланиб-айланиб учар ва шўрлик Машутканинг цолаю фиғолларига лиммо-лим руҳидан ўзини олиб қочаётгандек, ибодатхонанинг баланд деразалари сари ўрлаб бормоқда эди.

## ГАРОВ

### I

**К**оронғи куз оқшоми. Кекса банкир хонада у ёқдан-бу ёққа бориб келар, бундан ўн беш йил илгари мана шундай куз оқшомида зиёфат берганини эсларди. Зиёфатга кўплаб ақли салим, ориф меҳмонлар ташириф буюришган ва кўп марокли суҳбатлар бўлганди.

Дарвоке, кечада ўлим жазоси ҳақида баҳслашдилар. Меҳмонлар орасида анча-мунча олимлар ва мухбирлар ҳам бор эди, уларнинг аксарияти ўлим жазосига порозилик билдиришди. Улар жазонинг бу усулини эскирган, насоро динига эътиқодда бўлган халқлар учун бадахлоқ ҳамда шармандалиқ деб топишди. Кечада йиғилганларнинг айримлари ўлим жазоси умрбод қамок жазосига алмаштирилиши лозим дейишди.

– Фикрингизга қўшила олмайман, деди банк соҳибни. Камши на ўлим, на умрбод қамок жазосини бошидан ўтказган, ваҳоланки, агарда арғиоғи<sup>1</sup> мулоҳаза юригадиган бўлсак, қатл умрбод қамок жазосидан ахлоқий ва инсонийроқдир. Жаллод маҳкумнинг жонини бир печа дақиқада танидан жудо қилса, умрбод тутқулик узок-узок йиллар давом этади. Айтиш-чи, уларнинг қайси бири инсонийроқ - бир печа сонияда ўлдирадиганими ёки йиллар давомида жонини зулукдек сўриб ётадиганими?

– Жазонинг ҳар иккаласи ҳам инсонийлик тамойилларига тўғри келмайди, таъкидлади меҳмонлардан бири, – чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам инсон ҳаётини сўндирishi ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ҳукумат – худо дегани эмас. Модомики, у истаган тақдирда ҳам, тортиб олган нарсани оғасига қайтариб беролмайди-ку!

Меҳмонлар орасида йиғирма беш ёшлардаги ҳуқуқшунос ҳам бор эди. Бу борада у ўз фикрини шундай баён этди:

– Ўлим жазоси ҳам, умрбод қамок жазоси ҳам бир хилда бадахлоқ чоралардандир, бироқ баъарти улардан биттасини танла дейишса, мен албатта иккинчисини ташлардим. Ҳарҳолда, янамоқ - ўлмоқдан афзалроқдир!

Даврада кизин баҳс бошланди кетди. Ўша кезлари бир-мунча ёш, шу боис сердиққат бўлган банкир қуюшқондан чиқиб кетиб, столши мушлагаганча ёш ҳуқуқшуносна ташланди:

– Бекорларни айтибсиз! хойнахой, сиз умрбод қамок жазосини енгил ҳисоблаётгандирсиз. Келинг, гаров ўйнаймиз, – сиз қазематда<sup>2</sup> беш йил ҳам ўтира олмайсиз!

<sup>1</sup> Арғиоғи (лот.) - илгаридан, олдиндан.

<sup>2</sup> Қаземат - чор Россия даврида маҳбуслар узок муддатга қамаллаган бир кишилик қамок камераси.



– Буни жиддий айтяпсизми? – кескин жавоб қилди ёш хукукшунос. – Бўпти, ўйнаганим бўлсин. Мен у ерда беш йил эмас, ўн беш йил ўтира оламан!

– Ўн беш йил! Наҳотки? Сиз-а? – хитоб қилди банкир. – Жаноблар, мен гаровга икки миллион тикаман!

– Розиман! Сиз миллионларингизни, мен бўлсам ўз эркимин тикаман! – деди хукукшунос.

Шундай қилиб, ақлга сиғмайдиган аҳмокона гаров ўйналди. У пайтлари миллионларининг ҳисобига ётмаётган бемудоҳаза тақдир арзандасининг гаровдан боши осмонда эди. Зиёфатда банкир хукукшуносининг устидан кулганча деди:

– Ҳой йигитча, эс-хушингизни йиғиб олинг. Ҳалиям кеч эмас. Каминна учун икки миллион пул шунчаки арзимаган нарса, сиз бўлсангиз зиндонда ҳаётишнинг энг гуллаб-яшпаган уч-тўрт йилини олган совурасиз, зеро казематда сиз ундан ортинга чидай олмайсиз! Янаям айтаман – умрингизнинг уч-тўрт йилини йўқотасиз. Шуниям унутмангки, эй потавон бандда, ўз инон-ихтиёри билан ўзини маҳкум этиш мажбурий камок жазосига қараганда, ниҳоятда машаққатли кечади. Хоҳлаган пайтигизда озодликка чиқиш ҳукуки сизда сакланиб қолаётганлиги бандиликда кечадиган ҳаётишгизга муттасил оғу солиб туради. Сизга раҳмим келганидан айтяпман бу гапларни!

Шу топда банкир хонада бетиним у ёқдан-бу ёққа бориб келар, шуларни эслаб, ўзини саволга тутарди:

– Гаровнинг нима кераги бор эди ўзи? Хукукшуноснинг ўн беш йил умрини йўқотиши, каминанинг икки миллионини кўкка совуришидан кимга фойдаю кимга зиён? Бу нарса одамларга ўлим жазосининг бешафқатлигини ашглатадимми ёки умрбод камок жазосининг афзаллигиними? Йўқ, асло ундай эмас! Гирг бемаънилик бу. Бу нарса каминна томонидан бадавлат кишининг шунчаки тўқликка шўхлиги бўлса, хукукшунос томонидан – пулга ўқлик, бойликка ҳирс кўйиш, тамом-вассалом...

Шундан сўнг у ўша оқтом тағин нималар бўлганини хогирига келтира бошлади: ўшада барча меҳмонларининг гувоҳлигида гаров ўйналиб, унинг шартларига кўра ёш хукукшунос банкирнинг чорбоғидаги хилват гўшада камок муддатини қаттиқ назорат остида ўташи лозим эди. Хукукшунос ўн беш йил давомида остона хатлаб чиқмаслиги, одамлар билан

учрашмаслиги ва улар билан мулоқот қилмаслиги, яқинлари ва дўстларидан хат-хабар олмаслиги керак эди. Аммо-лекин унинг чоли у чалиб хиргойи қилишга, хоҳлаганча китоб ўқиб, ёзиб-чизишга, мусаллас ичиб, тамаки чекишга руҳсат бериларди. Ташқи дунё билан ҳақ девордан атайлаб очилган чоғрок дераза орқали, унда ҳам лом-мим демасдан алоқа ўрнатиши, эҳтиёжларини бир энлик қоғозга ёзиб, талаб қилиш мумкин эди, холос. Ўзига керакли барча китоблару мусика ноталари, мусалласу тамаки, емагу ичмак ва хоказоларни истаганча сўрашга ҳаққи бор эди. Гаровда камок муддати 1870 йилнинг 14 ноябр кундуз соат 12 дан 1885 йилнинг 14 ноябрь кундуз соат 12 гача белгиланиб, ҳуқуқшуноснинг гаров шартларини озгина бузиши, айтайлик, муддат тугашига икки дақиқа қолганда казематни тарк этиши бақирининг унга икки миллионни тўлаш мажбуриятидан соқит қилар эди.

Ҳуқуқшуноснинг ёзма талабномаларидан шу нарса маълум бўлдики, тутқунликнинг дастлабки йилида у узлатда қаттиқ изтироб чеккан. У бандликка солинган хонадан кечаю кундуз мусика овози эшитилиб турган. Банди мусаллас ва тамакидан бош тортади. «Шароб, деб ёзди у, - иштиёқни бадтар алангалатади. Зотан, иштиёқ маҳбуснинг ашаддий душманидир, зеро, хушбўй ва хуштаъм мусалласдан сўнг кимсасизликда зеркиб ўтиришдан расво ҳолат бўлмаса керак. Тамаки бўлса, каталакдай хонанинг хавосини бузиб юборади».

Тутқунликнинг биринчи йилида ҳуқуқшуносна, асосан, енгил-елиш мазмундаги китоблар - чигал сюжетли ишқий романилар, жиноий ва фантастик руҳдаги хикоялар, комедиялар ва шунга ўхшаган нарсалар етказиб бериб турилди.

Иккинчи йили мусика ва кўшиқ садолари тишиб, юрист мусика тушиб олиб, нуқул мумтоз асарлар мутолаа қила бошлади.

Бешинчи йилга бориб камокхонадан яна оҳанг ва наволар тарала-диган, энди маҳбус шароб беришларини сўрайдиган бўлди. Унинг узлатдаги ҳаётини зимдан кузатганлар у йил бўйи факат еб-ичгани, тўшакка узала тушиб ётиб олиб, дам-бадам хомуза тортиб кўйгани, дилгирликдан ўзи билан ўзи тиллашиб ўтирганини айтишди.

Энди у мутлако мутолаа қилмай кўйганди.

Баъзан кечалари у туни билан ухламасдан алланималарни ёзиб чиқар ва тонгга яқин битикларининг ҳаммасини майда-майдалаб йиртиб тапшларди. Гоҳо уни йиғлаб ўтирган холда кўришарди.

Олтинчи йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб тутқун фалсафа, тарих ҳамда хорижий тилларни ўрганишга қатъий бел боғлади. У мазкур фанларни ўзлаштиришга шунчалик жидду жаҳд билан киришиб кетдики, хатто банк соҳиби унга қўлланма ва дареликларни етказиб бериб туришга ҳам улгуролмай қоларди. Кейинги тўрт йил мобайнида ҳуқуқшуноснинг талабига мувофиқ олти юз жилддан иборат ҳар хил китоблар харид қилинди. Ушбу фанларни ўрганиш жараёнида банкир ундан қуйидаги мазмунда нома олди:

«Биродари азиз! Ушбуни сизга олти хорижий тилда ёзмақдаман. Уларни ўз соҳасининг заршуносларига кўрсатишингизни сўрайман. Яхшилаб ўқиб чиқишин. Башарти улар номаларимдан хато ва камчилик топа олинмаса, унда чорбоғингизда милтиқдан икки марта ўқ узиб, маълум қилишин. Бу каминанинг саъй-ҳаракатлари бесамар кетмагашингини ашлатади. Қадимда булук даҳоларимиз турли тилларда ижод қилишган, бироқ уларнинг қалбларида ягона маелак ўт бўлиб ёнган. Камина даҳо инсонлар билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлишлик мақомига етганидан ўзини арши аълода ҳис этмоқда!»

Ҳуқуқшуноснинг хоҳиш-истагига биноан банкирнинг чорбоғида милтиқдан икки марта ўқ узилди.

Бандиликнинг ўн биринчи йилидан бошлаб ҳуқуқшунос Муқаддас Китобни хатм қилишга тушди. Қийин тушуниладиган олти юз жилдлик китобни тўрт йилда тушириб ташлаган зиёлининг бир йилдан бери рисолали ўқиб чиқолмаётганидан банкир таажжубда эди. Муқаддас Китобдан сўнг у «Динлар тарихи» ва «Илоҳиёт»ни қўлга олди.

Сўнгги икки йил мобайнида ҳуқуқшунос ниҳоятда кўп мутолаа қилди – қўлига нима тушса ўқийверди. Бир қарасанг, у табиий фанларни ўргана бошлаган, бир қарасанг – Байрон ва Шекспир асарларига ёпишиб олган. Баъзан у бир вақтнинг ўзида кимё ва тиббиётга оид дареликларга қўшиб биронта роман ёки бўлмаса фалсафа ва илоҳиёт қўлланмаларини келтириб беришларини сўрарди.

Хукукшуноснинг мутолааси ҳалокатга учраган кема парчасига ёпишиб олган киши ҳолатига ўхшарди.

## II

Шуларни эслаб банк соҳиби терап ҳаёлга чўмди:

«Эртага чошгоҳда у озодликка чиқади. Шартга кўра каминанга унга икки миллион тўлашим лозим. Агар гаровда ютказиб кўйсам, расвойи жаҳон бўламан».

Ўн беш йил илгари у йиққан сармоясининг ҳисобига етмас, пулли пўчоқча кўрмасди, энди бўлса у ўзидан, пуллари кўпми ёки қарзларим, деб сўрашга юраги дов бермасди. Гардкам биржа ўйинлари, қалтис олди-сотди операциялари ҳамда кексайганда ҳам қутула олмаётган, салга тутаб кетиш одати бора-бора ҳамма ишларини чал-параста қилиб ташлади ва бебоқ, ўзига бино қўйган калондимоғ бойвачча биржа қоғозларининг ҳар кўтарилиб тушишидан дағ-дағ титрайдиган ўртамиёна банкиргга айланди.

– Минг лаънат ўша гаровга! – тушкунликдан бошини чангаллаганча ўзидан ёзғириб олди у. – Шу пайтгача нега ўла қолмади-а? У эндигина қирқка кирди. Бор-будимдан айириб, менинг давлатимга уйланиб олади-да, роҳат-фароғатда яшаб, мени ҳар кўрганида: «Иқболимни сарбаланд этдишиз, энди сизга ёрдамлашишни бурчим деб биламан!» – деб қитиғимга тегади. Йўқ, бунига тоқат қилолмайман! Хонавайрон ва шармисор бўлишдан қутулишнинг бирдан-бир йўли – ҳукукшуноснинг ўлимидир!»

Соат туши учга жом урди. Башкир жим қолди: бутун бошли уй ором оғушида, фақатгина чорбоғдан дарахт япроқларининг сўлиги шитирлаши кулоққа чалинади. Қария сас-садосиз пўлат сандиқдан ўн беш йилдан буён кулфлюғлик турган эшик калитини олди-да, пальтосини кийиб ташқарига чиқди.

Чорбоғ қоронғи ва совуқ эди. Ёмғир ёғарди. Шиддатла эсаётган рутубатли шамол ваҳимали шовуллаб, дарахт шохларини силкитиб ўйнарди. Банкир чор-атрофга зингил қараш қилди, бироқ у на оёқлари остидаги ерни, на оппоқ хайкалчаларни, на чеккадаги овлоқ уйни кўрарди. У ҳукукшунос ҳибсда сакланаётган бинога яқинлашиб, қоровулни икки марта

чақирди жавоб эшитилмади. Афтидан, коровул ёмғирдан қочиб ўчоқбошигами, гулхонагами кириб олиб уйқуни урарди.

«Башарти ёвуз ниятимни амалга ошира олсам, – дея ўйлади банк соҳибни, – шубҳа дафъатан коровулга тушади».

У зим-зиё тун қоронғида пиллаңояларни бир-бир босиб тушиб, аста даҳлизга кириб борди. Сўнг гугурт чақиб, чоғроқ йўлакка ўтди. У ер ҳам қимсасиз эди. Яланг қаравот ҳамда чўян печкадан бўлак ҳеч вако йўқ эди. Тўғридаги эппик қулфлог бўлиб, сургич билан муҳрлаб қўйилганди.

Гугурт чўпи ёниб тугади, кекса банкир ҳаяжондан дағ-дағ калтираб, деразадан ичкарига мўралади. Хонани шам шуъласи хира ёритиб турар, ҳуқуқшунос бўлса, столдан бош қўтармай ўтирар эди. Бу ердан унинг елкаси, орқасига осилиб тушган сочи ва узун қўлларигина кўришиб турарди, холос. Стол устида, унинг икки ёнидаги ором-курсиларда ва гиламда китоблар тартибсиз сочилиб ётарди.

Орадан беш дақиқача вақт ўтди, бироқ тутқун қимир этмаётганди. Ўн беш йиллик қамок уни тош қотиб ўтиришга ўргатиб қўйганди. Банкир деразани чертди, аммо тутқун бунга жавобан лоақал қимирлаб ҳам қўймади. Шунда банкир қулфининг кўзидаги муҳрни авайлаб бузиб, қалитни тешикка тикди. Занглаб ётган қулф бўғиқ шиқирлаб очилди. Ҳуқуқшунос ҳозир ҳайратдан қичқирганча ўрнидан туриб кетади, деб ўйлаганди банк соҳибни, лекин орадан уч-тўрт дақиқа ўтса ҳамки, ҳеч қандай овоз эшитилмади. Ниҳоят, қария ичкарига кириб борди.

Стол ёнида оддий одамларга мутлако ўхшамаган аломат банди тош қотиб ўтирарди. Сочлари аёллар сочидек ўсиб, жингала-жингала бўлиб кетган, соқол-мўйлаби бароклашиб, устухониши юпка тери сириб турган скелетдангина иборат эди у. Ёноклари ич-ичига ботиб кетган, ранги мурдадай оппоқ, белидан елкаларигача чўзилиб камбар тортган танаси ҳамда узундан-узун соч-соқолли бошини тутиб турган қўллар шуңчалик ингичка ва қоқшол эдики, унга кўзи тушган кишининг кўркувдан юраги тарс ёрилиши тайин эди. Сочларига оқ оралаб қолган, зеро, бутун андоми қаримсик тус олган бу одамнинг элдигина қирққа қирғанига ақл бовар қилмасди. У шу ўтири-

нида уйкуга кетганди... Қуйи солинган боши қаршисида майда харфларда ёзилган бир варақ коғоз ётарди.

«Шўринг курсин! деди ичида банкир. Ухлапти, эҳтимолки, шу тонда туннида гаровга тикилган миллион-миллион пулларни кўраётгандир! Бу тирик мурдаги даст кўтариб тўшакка ётқизаман-да, парёстик билан оғиз-бурниши ёпиб тураман – жони узилади. Ўшанда энг адолатпена экспертиза ҳам у зўрлаб ўлдирилганини аниқлай олмайди. Дарвоқе, у нималар хақида ёзганини ўқиб кўрай-чи...»

«Эртага кундуз соат ўн иккида каминга овоздонка чиқиб, яна одамлар орасида яшаш ҳуқуқини қўлга киритаман. Аммо-лекин ушбу зиндонни бутунлай тарк этиб, офтобни яна ўз кўзим билан кўриш бахтига эришишдан олдин сизга қуйидагиларни етказиб қўйишни лозим топдим. Пок виждоним ҳамда Яратганининг гувоҳлигида сизга шуни айтмоқчиманки, энди мен сизларнинг минглаб жилд-жилд китобларингизда фойсий дунёнинг поз-неъматларини роҳат-фароғатлари дея мақталган хурлик, сиҳат-саломатлик, тўю томошалару шоду хуррамликлар – ҳамма-ҳаммасига тупурдим!

Узлатда кечган ўн беш йил давомида каминга бу ўткинчи дунё ҳаётини миридан-сиригача ўргандим. Тўғри, узок йиллар мен на куёшни, на одамларни кўрдим, аммо-лекин сизларнинг китобларини издан ажойиб мусалласлар нўн этиб, дилтортар наволар тиниладим, ўрмон ва ёбонларда охулару ғазаллар ортидан кувдим, офатижон хонимларнинг кўнглини овладим... Даҳо шоирларнинг соҳир ҳаёлотидан офарида бўлган ҳуруғилмонлар узок окшомларда хузуримга ташириф буюришар ва ақлу ҳушимни сармаст этиб, тонг отгунча мени эргаклар сўзлаб чиқишарди. Сизларнинг китобларингиздан мен Монблан ва Эльбрус чўккиларини забт этар; эрта тонда куёшнинг уфқ ортидан кўз уқалаб чиқиб келишини, кечга бориб осмону уммонларни ҳамда баланд тоғ чўккиларини доларангга бўяб юборишни сеҳрланганча томоша қилар эдим; юксак қояларга чиқиб олиб, йилдиримнинг булуғларни тилкалашини ваҳима билан кузатардим, у ердан туриб ям-яшил ўрмонлар ва ўтлоқлар, дарёлару қўллар, кентлар ва қўрғонларга завкланиб боқар, уларнинг пойимда ясташиб ётганидан лолу мусаххар бўлар, нари-пайкарларнинг сеҳрли овозини чўношларнинг си-

бизга сози рухимга ором бағишлар ва камина билан илохлар хакида суҳбат қургани хонамга учиб қирган фаришталарнинг оппоқ харир канотчаларини яққол ҳис этардим... Китобларнингиз саҳифаларидан ўзимни тубсиз жарликларга отган бўлсам, сабр-қаноатим, чидам-бардошим билан мўъжизалар яратар, бу ҳам етмагандай, ўзимни бебоқ ва ўтюрәк чоғлаб, кенту қишлоқларга ўт қўяр, одамқушлиқ килар, қатта-қатта мамлакатларни забт этиб, халқини қирғин-барот этар, ширвардида янги-янги илоҳий таълимотларнинг тарғиботи билан шугулланар эдим...

Китобларингиз аклимни чархлаб, идрокимни ўткирлади. Тишим билмас ва яратувчан инсон заковати асрлар мобайнида бўлиб этган нарсаларнинг ҳаммаси бош чаноғимда ихчам ҳолга келиб йиғилди. Энди камина ўзимни сизларнинг барчангиздан ҳар жихатдан қомил ва етук эканлигимга ишонч ҳосил қилолмаман...

Бундан бўён мен бу дунёнинг жумла ноз-неъматларидан нафратланаман. Уларнинг ҳаммаси ўтқинчи, ҳақир, турган-битгани сароб экан. Сизлар, яъни ўзини илму ҳикматда, дунёни англаб етишда барқамолликка эришгандек чоғлаётган мутақаббир бандалар қанчалик қибру ҳавога берилманг, ажал сизларни ертўла ва ер остидаги сичқону қаламушларга қўшиб, ер юзидан супуриб ташлайди, ортингизда қолаётган авлоду аждодларингиз яратган барча моддий ва маънавий бойликлар қурраи замини билан биргаликда қунпаяқун бўлади...

Бойлик, ҳасад, ҳирсу ҳавас барчангизнинг кўзингизни кўр, шуурингизни шафақ қилиб қўйган. Сизлар ёлғонни ҳақиқат, ҳамоқатни нафосат дейишга ўрганиб қолгансиз. Мабодо, фалакнинг гардиши билан дарахтларда, олма, пўртаҳол ва пок ўрпига қурбақа, қаттақесак ва илонлар осилиб турса; атиргуллар фирдавс боғларининг ифторларини эмас, балки бабурт тер иси таратиб туришидан қанчалик ирганиб, жирқанганингиз каби камина ҳам, арши аълони ёлғончи дунёнинг ҳою-ҳавасларига алмаштириб ўтирганингиздан бағоят таҳайюлдаман. Энди ичингизда каминани йўқ деб ҳисоблайверинглар!!!

Сизларнинг ҳулво мисол ботил турмушингизга нисбатан қалбимда уйғонган чексиз нафрат ва жирқанчимнинг исботи ўлароқ тақдирнинг буюқ неъматини ва қатта омад деб орзу қил-

ган икки миллионингиздан бутунлай бош тортаман. Ўша гаровга тикилган пулларга ҳақдорлик ҳуқуқидан ўзимни маҳрум этиш мақсадида муддатидан беш соат бурун бу ердан қочиб чиқиб, ўртамиздаги шартни атайин бузаман...»

Банк соҳиби помани ўқиб чиқиб, уни жойига қўйди, сўнгра ҳуқуқшуноснинг пешонасидан ўнди-да, кўзларига филт-филт ёш олиб, хонадан чиқиб кетди. У илгари ҳеч қачон, ҳатто гардакам биржа ўйинларида ютқизиб, қатта талофатга учраганда ҳам ҳозиргидек ўзидан бунчалик нафратланмаганди. Банкир уйига қайтиб келиб, ўзини тўшаққа ташлади, бироқ кучли изтироб ва кўзларидан оқабган ёшлар ушга тиричлик бермасди.

Эртасига эрталаб унинг ҳузурига чопа-чопа келган қоровул ва малайларнинг ранг-қутлари ўчган, саросимада эдилар. Улар бандининг деразадан бокқа, у ердан дарвоза орқали номаълум тарафга қочиб кетганини айтишди.

Банк соҳиби малайлари билан дарҳол қорбоғнинг этагидаги хилват тўшага етиб келди ва ҳуқуқшуноснинг камокдан қочганига ишонч ҳосил қилди. Ортикча гап-сўзларга йўл қўймаслик учун у ҳуқуқшуноснинг гаров шартномасини бузганлиги ҳақидаги қоғозни олиб уйига қайтиб келди-да, уни пўлат сандикка солиб қулфлаб қўйди.



## ҲАСРАТ

Кимга айтай дардимни?

**Ш**ом пайги. Ёғаётган лайлак қор яши ёқилган фонарлар атрофида айланар, эршибгина отларнинг устига, одамларнинг елкаларига ва теллақларига кўниб оқартирар эди. Извошнинг курсида букчайиб қимир этмай ўтирган Иона Потановнинг ҳаммаёғи опшоқ, худди арвоҳга ўхшайди. Агар устига катта қор уюми босиб тушганида ҳам кокиб ташламайдиган кўринар эди... Унинг оти ҳам қордан опшоқ оқариб тек турар эди. От ўзининг ҳаракатсизлиги, ориқ гавдаси ва ингичка чиллақдай оёқлари билан яқиндан келиб қараганда ҳам қант-ношдан ясалган «тойчоқ»ка ўхшаб кўринади. Ҳар ҳолда у ҳам ҳаёлга ботган бўлса керак. Чунки ўрганган даласидан, омонидан айрилиб, аломат чироклар ёнган, тўхтовсиз тарақ-турук, югуриб юрган одамлардан иборат бир жойга келиб қолганидан кейин ҳаёл сурмай иложи йўқ.

Иона билан оти анчадан бери шу ердан кўзгалмай туриб қолди. Гарчи саройдан пешиндан илгари чиққан бўлса ҳам ҳалигача ҳеч бир қира қилувчи одам топилмади. Маши, кеч кириб, шаҳарни қоронғилик ҳам босмоқда. Оқаришиб турган фонарлар энди чараклаб, норлаб кетди. Кўчанинг говур-гувори борган сари авж ояди. Ионанинг қулоғига:

– Извошчи, Виборгскийга - деган овоз эшитилди.

Иона сесканиб қор билан чаплашиб қолган киприклари орасидан қараб шинель ва кулоқчин кийган бир ҳарбий одамни кўрди.

- Виборгскийга! - деб такрорлади ҳарбий, - нима бало, ухляясанми? Виборгскийга деяман!

Иона рози бўлиб, отини тизгинини тортган эди, унинг устини ва ўзининг елкасини қоплаган қор тўкилди... Ҳарбий

киши чанага ўтирди. Извошчи чух деб ўрнидан сал кўтарилди-да, гозга ўхшаб бўйинини чўзиб, керак бўлмаса ҳам, одати бўйича камчини айлангирди. От ҳам бўйинини чўзди ва чиллакдай оёқларини маймаштириб арапг жойидан кўзгалди...

Иона энди юриши биланоқ, қоронғида у ёқ-бу ёққа ўтиб турган одамлар орасидан бировнинг:

– Қаёққа юраётибсан! Ўнгдан юрсанг-чи! – деган товуши эшитилди.

– Извош миннишни биласанми ўзинг. Ўнгдан юр! – деб қойиб берди извошдаги харбий ҳам.

Бир фаэтоннинг кучери ҳам уни сўкиб кетди. Кўчанинг у юзидан бу юзига ўтаётиб отнинг тумшугига ўзини уриб олган қандайдир киши хўмрайиб, енидаги қорни қокди. Иона игна устида ўтиргандай бетокат, гўё бу ерга нима учун, қандай килиб келиб қолганини ўзи ҳам тушунолмаётгандай атрофга аланглаб қарар эди.

– Мунча ҳам аблаҳ одамлар экан! дея ҳазил қилди харбий. – Ҳаммаси ҳам худди маслаҳатлашиб қўйгандай келиб, сенинг отингга ё аравангга урилишади-я.

Иона орқасига қайрилиб қаради-да, лабларини кимирлагди... У бир нарса айтмоқчи бўлди-ю, овози чиқмади, хириллади.

– Нима? – деди харбий.

Иона лабларини қийпайтириб кулимсиради ва бутун кучиши тўплаб товуши борича гапирди:

Афандим, мен сизга айтсам... шу ҳафта ичи ўғлим ўлди.

Ҳим... нимадан ўлди?

Иона бутун гавдаси билан ўгирилиб, ўтирган одамга қаради-да:

Ким билади дейсиз! Иситмадап бўлса керак... Уч кунгина касалхонада ётди-ю, ўлди... Худонинг хоҳиши-да.

– Отингни бур, иблис! – деди қоронғиликдан биров, – эсингни едингми! Кўзингга қарасанг ўласанми!

– Ҳайда-хайда... - деди харбий, – бу аҳволда эртага ҳам етолмаймиз. Тезроқ хайда!

Извошчи яна бўйинини чўзиб ўрнидан сал кўтарилди-да, яна камчини айлангирди. Сўнгра бир печа маротаба орқасига ўгирилиб қаради, лекин ўтириб бораётган одам унинг сўзла-



рини эшитгиси келмади шкилли, кўзларини юмиб олган эди. Выборгскийда бир майхона ёнида тўхтаб уни туширди. Ўзи яна букчайди, жим ўтириб колди... Ёгаётган лайлак қордан унинг ва отининг усти яна ошноқ тусга кирди. Орадан бир-икки соат вақт ўтди...

Қаттиқ-қаттиқ кадам ташлаб, сўкишиб йўлакчадан уч нафар ёш йигит келмоқда, уларнинг иккитаси орик ва новча, учинчиси букир ва пакана эди.

– Извончи, бизни Полицейский кўпригига элгиб кўй! – деди букир хириллаган товуш билан, – уч киши... Биттангага!

Иона чух деб тизгинни силкитди. Биттанга, албатта арзийдиган нарх эмас, лекин унга ҳозир нархнинг аҳамияти йўқ эди... Бир сўмми, беш тийинми – барибир, ишқилиб одам бўлса бас... Йигитчалар итаришиб, сўкишиб унинг ёнига келдилар-да, сўнг уччалоғи бирдан чанага тапландилар. Сўнгра ким ўтириб боради-ю, қайси биттаси тикка туриб кетади, деган масала устида тортишини бошланди... Узок вақт жапжаллашганларида кейин букирнинг бўйи пакана бўлгани учун унинг туриб кетгани керак деган қарорга келдилар.

Букир Ионанинг орқасида тик тураркан, хириллаган товуш билан:

Қани, хайда! – деди, унинг нафаси Ионанинг бўйинига уриб турарди. – Вой-буй, телшагингни қара, оғайни! Бутун Петербургни ахтарсанг ҳам бунақа расво телпакни тополмайсан...

– Хи-хи-хи... кулди Иона бори-да...

– Қани бўлмаса, тезроқ хайдачи! Ё бўлганинг шуми? А? Гарданингга солсам-чи!

– Бошим ёрилиб кетгудай бўлиб оғрияпти... – деди ўтирган новчанинг бири – кеча Дукмасовникида тўрт иници коньякни Васька иккаламиз ичиб қўйибмиз.

Ҳеч тушунолмаймак-да. Ёлғон гапининг нима кераги бор! – деб койиди иккинчи новча. Ўлгудай ёл ошчисан-да.

Худо урсин рост айтаяпман...

– Бу рост гапинг ҳам худди бит йўғалади деганга ўхшаган роствардан-да.

– Ҳе! – деб яна кулди Иона – жуда хушчакчак йигитлар экансизлар-ку.

– Минг лаънат!.. – деб қўйди букир. Чол ўлғир, тузукрок хайдайсанми ё йўқми? Шу ҳам юршими? Қамчи урсанг-чи!

Ур лаънатиши! Иона орқасида тилирчилаб турган букирнинг гавдасини сезиб, хиршлаб чикаётган товушини эшитди. Ўзига хитобан айтилаётган сўкинишларни энигади ва яқинида одамларни кўриб юрагидаги ёлғизлик сезгиси бироз йўқолгандай бўлади. Букир тутокиб, зўр бериб куракда турмайдирган сўзлар билан сўкар ва то йўтали тутиб қолгунча сўкинарди. Ўтирган йиғитлар қандайдир бир Падежда Петровна деган хотин ҳақида сўзлашиб борардилар. Иона уларга қараб кўйди. Уларнинг қисқагина сукут қилган вақтлариши пойлаб туриб яна ўгирилиб қаради-да, секингина:

- Шу ҳафта ичи, халиги... ўғлим ўлди, деб гўлдираб кўйди.

Ҳаммамиз ҳам ўламир-да... - деди букир йўталдан сўнг, лабларини арта туриб - қани, тезроқ юр, хайда! Афандилар, мен ортиқ токат қилолмайман, бу ахволда қачон етамиз?

- Ҳа, сеп елкасига туртиб, мадад бериб тур-да!

- Ўлат теккан чол эшитаяпсанми? Бўйнинг узилади-я! - деди букир. - Сешларни аяган киши пиёда қолади!.. Эшитаяпсанми? Ё бизларнинг сўзимизни писанд қилмаяпсанми?

Иона буларнинг норозилигини яхши билса ҳам:

- Ҳи... жуда ҳам хушчакчак экансизлар, худойим умрларингизни узун қилсин! - деб кулди.

- Хотиннинг борми? - деб сўради ўтирган новчанинг бири извошчидан.

- Меними? Ҳи-ҳи... Хушчакчак афандилар... Энди менинг биттагина хотиним бор - қора ер... Ҳи-ҳи... Гўр! Мана, ўғлим ўлиб, мен қолдим... Ажал менга келиб янглишиб ўғлимни олиб кетди.

Иона ўғлининг қандай қилиб вафот этганини сўзлаб бермоқчи бўлиб орқасига ўгирилган эди ҳамки, букир снгил нафас олиб «Худога шукур, етдик», деб қолди. Иона биттагани олиб саёк йиғитлар кириб кетган қоронғи йўлакка узоқ вақт тикилиб турди. Яна у тапҳо, яна сукунат... Садагина кўншлидап кўтарилган ёлғизлик алами қайта бошдан куч олиб унинг юрагини сиқа бошлади. Иона ҳаяжонли ва аламли кўзлари билан кўчаини икки томонида оқайган халойиққа боқди. У ёқ-бу ёққа ўтиб турган шу мингларча одамдан унинг дард-хаसरатига қулоқ соладиغان бирон киши топиламасмики?

Лекин ўткинчилар на унинг ўзини, на кўнглидаги аламини пайкамай ўтиб кетмоқдалар. Ҳасрат шундай зўр ва чексиз. Агар Ионанинг юраги ёрилса-ю, ичидаги чексиз, поёнсиз дард-ҳасрати оқиб чиқса борми, ер юзини тутиб кетарди. Аммо шундай бўлишига қарамай, у кўзга кўримайди, шундай кичкинагина жойга ўрнашиб олибди, агар кундуз чирок ёкиб изласанг ҳам тополмайсан...

Иона чинга халга кўтариб бораётган бир қоровулни кўриб қолиб, у билан гаплашишга жазм қилди.

– Азизим, соат неча бўлди?

– Тўққиздан ошди. Нега бу ерда тўхтадинг? Жўна!

Иона извошини бир неча қалам парироқ олди ва эди одамларга мурожаат қилишни беҳуда деб билиб, яна букчайи анича ҳаёлга ботди... Лекин орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас қаттиқ санчик турган одамдай қалдини ростлаб бошини кўтарди ва отининг жиловини тортди... Унинг тоқати тоқ бўлган эди:

«Саройга бораинн, – деди у, – саройга!»

Оти ҳам худди унинг мақсадига тушунгандай йўргалаб кетди. Бир ярим соатлардан кейин Иона қаттақон ифлос печка ёнида ўтирарди. Печка устида, полда, скамейкаларда одамлар хуррак отиб ухламоқдалар. Уй дим... Иона ухлаб ётганларга қараб қашинди ва бунчалик эрта қайтганига ачиқди...

«Ём нули ҳам ишюлмадим деб ўйлади Иона шуниг учун ҳам кўнглим ганг. Улдабуро одамнинг ўзи ҳам, оти ҳам тўқ, ҳамавақт хотиржам бўлади...»

Бир бурчакда ухлаб ётган ёш извошчи ўрнидан туриб, уйкули кўзлари билан сувли челакка ёпишди.

– Чўлладишми? – деди Иона.

Ҳа, сув ичгим келди!

Ҳим... Ош бўлсин... Менинг ўғлим ўлди ука... Эшитдингми? Шу ҳафта ичи, касалхонада...

Иона ўзининг сўзлари йиғитга таъсир қилишини билмоқчи бўлиб ушга қаради, лекин ҳеч нима кўролмади. Йиғит бурқаниб аллақачон уйкуга кетган эди. Чол оғир хўрсиниб, қашинди... Ёш йиғит қапчалик чапқан бўлса, буниг худди шунчалик сўзлагиси келарди. Ўғлининг ўлиганига бир ҳафта бўлиб қолган бўлса ҳам, ҳали бирон одамга ёрилиб ичидаги дардини, ҳасратини айтолгани йўқ... Ишдан игнасиғача сўзласа. Ўғлининг

қандай касал бўлганини, дард тортиб қандай азобланганини, ўлим олдида айтган сўзларини ва қандай жон берганини сўзлаб бергиси бор... Ундан кейин унинг жанозаси, кўмиш маросими қандай ўтганини, мархумнинг кийими учун касалхонага боришганини батафсил сўзлаб бергиси келади. Ундан ташқари кишлоқда Анисия деган кизи қолган... Унинг тўғрисида ҳам сўзламоқ керак... Хуллас у гапираман деса гап кўч; тишловчи оҳ-воҳ қилиб ачилиб эшитиши керак. Бу ҳақда хотинлар билан ҳасратлашиш яхшироқ бўлади. Улар сен пастроқ бўлса ҳам, бу тўғрида икки оғиз сўзласанг дарров кўз ёши қиладилар.

«Отдан хабар олайчи, – деб ўйлади Иона, – уйку бир гап бўлар... Ҳали хўб ухлармиз ҳам...»

У кийимини кийиб отхонага қараб кетаркан, беда, ем, об-хаво ҳақида ўйлади. У ёлғиз қолган чоғларида ўғлини ўй-долмайди... Унинг ҳақида биров билангина сўзлашса тузук. Ўзи ёлғиз ўйлаши, уни кўз олдига келтириш жуда оғир.

– Кавшаяпсанми? – деди отини ёниб турган кўзларига қараб, – чайна-чайна... Емга старлик пул ишлаблмаганимиздан кейин пичан еб турамиз-да... Ҳа... Энди извош ҳайдашга кексайиб қолибман... Ўрчимга... Ўғлим ҳайдаса... У ҳақиқий извошчи эди... Ўша ўлмаса бўлар эди...

Иона узоқ жим қолиб, сўнг давом этди:

– Шунақа экан, ука!.. Кузьма Ионичдан ҳам айрилиб қолдик... Бизларни гаплаб... ўлди кетди, чакки қилди... Мана, чунончи сенинг қулунинг бор, сен унинг туккан онасисан... Чунончи, ўша қулунинг бирданига сени доғу ҳасратга қўйиб ўлса-ю, кетса... киши ачинади-да?

От қулоқ солгандай унинг қўлларини ҳидлаб курт-курт хашак чайнайди... Иона берилиб кетиб, кўнглидаги бутун ҳасратини унга айтиб беради...

## НОДОНЛИК

**Я**ноқ суяклари чиққан, сариғдан келган, эғнида йиртиқ пўстип, оёғига катта қора пийма кийган ёшгина бир йигит земство докторининг қабул вақти тугаб касалхонадан уйга қайтишини пойлаб турган эди, тортиниброқ унинг ёнига борди-да:

– Таксир, жанобларига келган эдим, – деди.

– Нима ишинг бор?

Йигитча кафти билан наسدан юкори а қарата, бурнини артиб осмонга бир қараб олди-да, жавоб берди:

– Таксир, жанобларнига келувдим... Шу ерда, сизнинг қўл остингизда, ҳалиги бандилар ётадиган хонада Васька деган менинг акам ётибди. Ўзи варварипалик темирчи...

– Хўш, нима бўпти?

– Мени сўрасангиз, ўша Васьканинг укаси бўламан... Отадан икки ўғилмиз: ўша Васька-ю, мен – Кирилла. Бизлардап бошқа яна уч қизи ҳам бор. Васька уйланган, фарзанд кўрган... Жуда кўпчиликмиз-ку, ишловчи йўк. Ўйлаб кўринг, темирчилик дўкоңига ўт солмаганимизга ҳам икки йилдан ошиб қолди. Мен ўзим чиг заводда ишлайман, темирчиликни билмайман. Отамнинг қўлидан нима иш келади дейсиз! Ишлаш у ёкда турсин, овқатини эллаб ичолмайди.

– Ҳа, мен нима қилай?

– Барака топкур, Васькани қўйиб юборинг!

Доктор хайрон бўлиб Кириллага қаради-да, индамасдан йўлда давом этди. Йигитча югуриб бориб докторнинг оёғига ўзини ташлади.

– Доктор, барака топкур! – деб кўзларини пир-пир юмди ва яна кафти билан бурнини артди. – Худо хайр берсин, Васькани қўйиб юборинг, умрбод дуо қиламиз! Бўшатиб юборинг! Уйдагилар ҳаммаси очдан ўлади-я! Онам кечаю кундуз йишлайди, Васьканинг хотини йишлайди... Тоқатим қолмади! Ёруғ дунё кўзимга тор бўлди. Раҳм қилинг, худоё барака топинг. Бўшатиб юборинг!

– Ҳой, эсинг жойидами, ё жинни бўлиб қолдингми? – деди доктор жаҳл аралаш, – қамокдаги одамни мен қандай бўшата оламан? Ахир у қамокда-ку!

Кирилла йиғлаб юборди.

– Бўшатиб юборинг!

-- Тештак! Уни бўшатишликка менинг қандай ҳақим бор ахир. Мен турма позирими? Уни қасалхонага даволашга олиб келишган, даволаяпман. Менинг бировни қаматишликка ҳам ҳаддим сизмайди, бўшатишга ҳам. Вой хом калла-ей!

– Ахир уни ҳеч арзимайдирган нарса учун қамашди-ку! Ҳисоблаб кўринг, сиздгача бир йил тўла турмада ётди. Энди яна, нега қамашади? Одам ўлдирган, от ўғирлаган бўлса экан.



– Тўғри, мен нима қилай?

– Бир бечорани текширмай, нетмай обориб қамашди. Ичиб жуда каттик маст бўлиб эсини йўқотибди, ҳатто отамнинг ҳам чаккасига кўйиб юборибди, мастлик билан бутоққа урилиб юзини тилиб юборибди. Шу ўртада, ўзимизнинг болалардан иккитаси турк тамакиси чекамиз деб уни кечаси арманнинг дўконига ўғрилиikka олиб тушибдилар. Бу аҳмоқ ҳам мастлик билан шунга кўйибди. Кейин, билсангиз, кулфни синдириб дўконга киришибди. Ҳаммаёғни булғатиб, ойналарни синдириб, ушларни тўкиб остин-устин қилишибди. Мастда, нимасини айтасиз! Албатта, дарров полиция келиб, у деб, бу деб терговчига юборибди. Бир йил тўла турмада ётибди. Бир ҳафта бўлди – чоршанба кuni уччаловини ҳам шаҳарда суд қилибди. Орқасида милтиқ кўтарган солдатлар турди. Васьканинг гуноҳи кам бўлса ҳам улуғлар бутун оғирликни шунга юклабди. Апу иккитасини турмага юборибдилар. Васькани уч йилга бандилар ротасига жўнатишга қарор қилибди. Нимага денг? Худо ҳақи ўзингиз ўйланг!

– Ҳар қалай менинг кўлимдан ҳеч нш келмайди, тўраларга бор.

– Тўраларга бордим. Судга ҳам бордим, ариза берсам олишмайди. Становойга бордим – терговчида ҳам бўлдим. Ҳаммаси ҳам: менинг ишим эмас, дейди. Кимнинг иши ахир бу? Энди, барака топқур, касалхонада сиздан катта одам йўқ, нима хоҳласангиз шунини қиласиз.

– Аҳмоқ! – деди доктор ух тортиб. – Ҳакамлар суд қилган бўлса становой эмас губернатор, ҳатто министрнинг ҳам қўлидан ҳеч нш келмайди, бекорга овора бўлмай кўяқол.

– Кимлар суд қилди денг?

– Ҳакамлар суд қилгандир-да.

– Қаёқда дейсиз, ўзимизнинг мужиклар! Андрей Курев, Алешка Хуклар эди-да.

– Кўй, сенга гап тушуштираман деб совқотиб кетдим... – деб доктор кўлини силтаб, тез-тез юриб, уйга кириб кетди. Кирилла унинг орқасидан бормоқчи эди, эшикнинг каттик ёпилганини кўриб тўхтади. Касалхона ҳовлисида докторнинг уйига қараб ўн дақиқача жим тургандан кейин, каттик хўрсинди-да, бошини қашиб дарвозага қараб юрди; йўлга чиқаркан:

– Энди кимга борсам экан? – деди ўзига-ўзи секин. – Унисига борсанг менинг ишиммас дейди, бунисига борсанг менинг

ишиммас дейди. Кимнинг иши ахир бу? Йўқ, ҳақиқатда ҳам бирон нарса узатмагунча бир инг чиқариш кийинга ўхшаб қолди. Доктор гаплашаётиб тез-тез кўлимга қарайди. Беш сўлкавойини узатиб колармикни деб ўйлади шекилли. Хўб, омон бўлсам, губернаторгача бораман.

Алаш-жалаш қилиб оғирлигини дам бу оёғига, дам у оёғига солиб, қаёққа боришини билмай, эринибгина кадам ташларди... Совуқнинг захри анча кайтган, қор ҳам оёқ тагида эшитилар-эшитилмас ғирчиллайди. Ярим чақирим наридаги тенада яқинда акаси ҳукм қилинган шаҳарча ёйилиб ётибди. Ўнг томонида тўрт бурчида коровулхоналари бўлган кизил томли турма қорайиб кўринади. Чапда қировга кўмилган шаҳар ўрмони. Ҳаммаёқ жим-жит, фақат олдинроқда хотинларни-кидай пахталик ва катта шапка кийган қандайдир бир чолнинг йўталлини ва шаҳарга ҳайдаб бораётган сизирга ҳайкириб кўйиши эшитилади. Кирилла чолга етиб олгандан сўнг:

– Ассалом алайкум, бобо! – деди.

– Ваалайкум ассалом...

– Сотканими?

– Йўқ шундай... деди чол эринибгина.

– Менгачани бўлсангиз керак?

Сўзлашиб кетинди. Кирилла нима учун касалхонага борганини ва доктор билан нима тўғрида гаплашганини айтиб берди.

Иккови шаҳарга етиб борганларида, чол:

Ўзи олижаноблардан бўлса ҳам, доктор, албатта бу ишларни билмайди, у фақат турли дорилар билан даволаш йўлини ўқиган. Сенга яхши маслаҳат бериш ёки айтаёлик, баённома ёзинига ўхшаган ишларни билмайди. Бундай ишларни текшириш учун алоҳида тўралар бор. Мана мировойга ҳам становойга ҳам борибсан. Улар ҳам сенинг ишингни бир ёқли қилолмайди.

Бўлмаса кимга борай?

Сен деҳқонларнинг ишига қарагани Синуков деган кишини катта қилиб қўйишган, ана ўша кишига бор.

Ҳалиги, Золотово кишлоғидагими?

– Ҳа, ўша Золотовода. Сизларнинг катталаринг ўша киши. У киши бир нима дегандан кейин исправник ҳам индаёлмай қолади.

– Борсам узокми... Ўн беш чақирим келармикин, балки кўпроқдир.

– Керак бўлгандан кейин юз чақирим бўлса ҳам борасан-да.

– Шундай-ку... Ушга ариза бериладими?

– Борганда кўрасан-да, агар ариза керак бўлса, мирзаси бир зумда ёзиб беради. Ўзининг мирзаси бор.

Чол билан хайрлашгач, Кирилла йўлда бироз тўхтаб ўйланиб қолди ва шаҳарга етган жойида яна орқасига қайтиб Золотово кишлоғига кетди.

Беш кунча ўтгандан кейин доктор касалларни қараб бўлиб уйга кетаркан, касалхона ҳовлисида яна ҳалиги Кириллани учратди. У бир ўзигина эмас, ёнида қандайдир жуда ориқ, ранглари сомондай, боши қалтирок бир чол ҳам бор эди.

– Жаноби олийлари, яна сизнинг олдингизга келдим! – деб сўз бошлади Кирилла – мана, отам билан бирга келдик, барака топинг, Васькани бўшатиб юборинг! Тўрага арзга борган эдим, сўзлагиси ҳам келмади; «Йўқол!» деди.

– Жаноби олийлари! – деб хириллаб сўзга кирди чол қалтираётган қошларини кўтариб, – раҳмингиз келсин! Бирон нарса бериш кўлимиздан келмайди. Агар сиз хўб десаингиз Кирюша ёки Васька қанча хизматингиз бўлса қилиб беришади. Майли инпласин...

– Ишлаб берамиз! – деди Кирилла ва худди фотиҳа қилаётган одамдай кўлларини юқори кўтариб, – Жаноби олийлари бўшатсинлар! Ҳаммаси очдан ўлади-я! Кечаю кундуз йиғлашапти.

Йиғитча тезгина отасига қараб олди-да, унинг ешидан тортиб кўйди, сўнг иккаласи бараварига докторнинг оёғига йиқилишди. Доктор кўлини силтаганича, орқасига қарамасдан, уйига кириб кетди.

## УЙҚУ ИСТАГИ

**Т**ун. Ўн уч яшар дастёр киз Варька бола ётган бешикни тебра-тади ва эпитилар-эпитилмас минғирлайди:

Алла айтай сенга-ё,

Алла кўзим, ашпа-ё...

Санам олдига шамчирок ёқилган, уйнинг у бурчагидан бу бурчагига тортилган арғамчига йўрғак латта ва катта қора шимлар осилган. Чирок шуъласидан пипга катта доира шаклидаги кўкимтир доғ тушиб турибди. Шим ва латталар печга, беланчакка, Варькага узун-узун соя солган... Чирок липиллаганда шипдаги доғ билан сояларга жон кириб, шамолдан силкинаётгандай кимирлайди. Уй дим. Ҳаммаёқни қарам шўрва, чарм ва мум туғиб кетган.

Бола йиғлаяпти. У ашлақачонлар ҳолдан кетиб товуши бўғилиб қолган бўлса ҳам, бингиламоқда, ҳали-бери овунадиганга ўхшамайди. Варькани уйку босиб, кўзлари юмилмоқда. Бўйни толиб, боши ерга оғиб боради. На ковогини кимирлата олади, на лабларини. Назарида юзи қовжираб, тарашадай қотган, боши тўғноғичнинг бошидай кичкина бўлиб қолганга ўхшайди.

Алла қўзим, алла-ё,  
Сенга ошлар пишира-ё...

деб миғирлайди у.

Печкада чигиртка чириллайди, нариги уйда хўжайини ва унинг шогирди. Афанасий хуррак торғади. Беланчак нолигандай тижирлайди. Варька миғирлайди. Буларнинг ҳаммаси кўшилиб аллаловчи тун мусиқасига айланадими, бу мусиқани ўринга ётиб эшитганда ҳузур қиладими, бу мусиқа Варьканинг гашига тегади, чуқи уйқусини келтиради, ухлаш эса мумкин эмас. Худо кўрсатмасини, агар ухлаб қолса борми, хўжайини уриб ўлдиради.

Чирок липиллайди, шипдаги доғ, сояларга жон кириб, Варьканинг ярим очиқ ҳаракатсиз кўзига суқилгандай бўлади... Унинг мудраётган миясида алақ-чалақ тушга айланади. Варька осмонда бир-бирини қувлашиб, боладай йиғлаяётган қора булутларни кўради. Бирдан ел эсиб, булутлар ғойиб бўлди ва суяқ лой билан қопланган кенг тош йўл пайдо бўлди, йўлдан аравалар ўтмоқда, унинг орқасидан туғун кўтарган одамлар бормоқда, потайин кўланкалар елиб юрмоқда: йўлнинг икки томонида совуқ туман қоплаган ўрмон зўрға кўзга чалинади. Бирдан ҳалиги одамлар туғунлари ва соялар билан ўзларини

ерга ташлаб суюк лойга ётишади. – «Нега бундай қилдинглар?» – деб сўрайди Варька. – «Ухлаймиз, ухлаймиз», – дейишади улар. Маст ва ширин уйкуга кетишади. Қаргалар, зағизгонлар телеграф симларига кўниб, худди йиғлаётган боладай қичқириниб халигиларни уйғотишга уринишади.

– Алла айтай сенга-ё, алла кўзим, алла-ё... – деб мингирлайди Варька ва ўзини қоронғи дим уйда кўради.

Ерда унинг отаси раҳматлик Ефим Степанов тўлғанаётир, киз уни кўрмайди-ю, лекин оғриқка чидамай, ағанаётганини ва инграшини эшитади. Унда, унинг ўз таъбири билан айтганда, «грижа касали авж қилаяпти». Оғриқ шу қадар кучликки, бир оғиз сўз айтишнинг иложини қилолмай энтикади, инграйди.

Онаси Пелагея югурганича хўжайиннинг ҳовлисига, Ефим ўлай деяпти, деб айтгани кетган. Унинг кетганига хийла вақт бўлиб қолди, кела қолса ҳам бўлар эди. Варька печь устида уйғоқ ётиб, отасининг «оҳ-воҳига» кулок солади. Мана, аравада кимнингдир келиб тўхтагани эшитилди, хўжайин уйга шахарлап меҳмон бўлиб келган ёш докторни юборибди. Доктор уйга кирди, уни қоронғида кўриб бўлмаса ҳам йўталгани ва эшикни ёпгани эшитилди.

Чирок ёқинг, – деди у.

– Ух-ух-ух, – деб жавоб қилди Ефим.

Пелагея ирғиб печка ёнига келиб гугурт қутисини излади. Бир дақика жим қолишди. Доктор чўптагини қовлаб, ўз гугуртини ёқди.

– Ҳозир, таксир, хозир, – деб Пелагея югурганича уйдан чиқиб кетди-да, бироздан сўнг шам қолдиғини ёндириб кирди.

Ефимнинг икки юзи яллиғлаб, кўзлари ярақлаб турибди. Айниқса, кўз қараши шундай ўткирки, уйни ва докторни тешиб юбормоқчи бўлгандек текилади.

– Хўш, нима бўлди? – деди доктор энгашиб. – Эҳе! Қачондан бери шундай бўлиб қолди?

– Нима дедингиз? Ўлай деяман, жаноби олийлари, куним битган... тузалмайман...

– Кўй, кўй бемаза гапингни... даволаймиз!

– Билганингизни қилинг, жаноби олийлари, қуллик, фақат биз шунга биламиз... ажал тикилиб келса, чора йўқ.

Доктор чорак соатча Ефимниш у ёк-бу ёғини кўрди, сўнг ўрнидан туриб:

Кўлимдан ҳеч нарса келмайди... Касалхонага боришингиз керак, у ерда операция қилишади. Ҳозирнинг ўзида бор... Албатта, бор! Вақт бироз кеч, касалхонадагиларнинг ҳаммаси ухлаб қолгандир. Лекин майли, мен тўрт элик хат ёзиб бераман. Уқдингми?

Тақсир, нимада боради? Бизда арава йўқ, деди Пелагея.

– Ҳечқиси йўқ, мен хўжайинларга айтиб кўраман, арава беришади.

Доктор кетди. Чироқ ўчиб, яна ҳалиги «оҳ-воҳ...» эшитилади. Ярим соатдан кейин кўча эшиги олдига арава юборишибди. Ефим ўрнидан туриб, кийиниб, касалхонага жўнади...

Тонг отди, мусаффо эрталабки пайт. Пелагея уйида йўқ; у Ефимнинг ҳолини билгани касалхонага кетган. Қасрдадир йиғлаётган боланинг овози келади. Варьканиш кулоғига кимнингдир унинг товуши билан болани аллалаётгани эшитилади.

– Алла кўзим, алла-ё, алла айтай сенга-ё...

Пелагея қайтиб келди; чўкинди ва пичирлаб:

– Кечаси операция қилинган экан, эрталаб жон берибди... Жойи жаннатда бўлсин... Кечроқ ҳаракат қилибсизлар дейишди... Эртароқ олиб борганда бўлар экан.

Варька ўрмонга бориб ўша ерда йиғлаб ўтирди, бирдан биров унинг бўйнига шундай мушт урдикки, қизнинг пешонаси бориб қайинга тегди: кўзини очиб, олдида хўжайинни эдикдўзни кўрди.

Бу нимаси, лаънати? деди у, – бола йиғласин-у, сен ухлагин!

У яхшилаб қизнинг кулоғидан чўзди. Қиз бошини силкиганича беланчак тебратиб, мингирлаб аллани айтади. Шипдаги доғ ва ёйиғлик шим, йўрғак лағгаларидан тушиб турган соялар тебратиб, лишиллаб яна унинг мяясини ишғол қилди, у яна ҳалиги суяқ лой билан қошланган йўлни кўрди. Тугун кўтарган одамлар ва соялар ётиб, қаттиқ уйқуга кетган. Уларни кўриб Варьканиш ҳам жуда уйқуси келади. Ўзига қолса-ку, жон деб ётарди-я, лекин онаси Пелагея ёшида кетмоқда, у тезроқ юр деб шоширмоқда. Иккови ҳам жадаллаб шаҳарга кетишингизни, ишга киришмоқчин:

– Худо йўлига бироз хайр қилишлар! – деб опаси йўловчилардан садақа сўрайди. – Худо хайрингизни берсин, яхшилар!

Бер, болани буёкка! – деб қичкиради унга жавобан таниш бир овоз, – бер болани буёкка! дейди яна ҳалиги овоз, қаттиқроқ ва жаҳл билан, – ухляяпсанми, касофат?

Варька чўчиб кетади, у ёк-бу ёнига қарайди, на тош йўл бор, на Целагея ва на йўловчилар: боласини эмизгани кирган бекаси уйнинг ўртасида турибди, бу барваста хотин болани овутиб, эмизиб бўлгунча Варька кутиб туради. Дераза ёрашира ёрнишиб, шиндаги доғ ва соялар хираланиб боради. Бироздан кейин тош отади.

Ол! деди бека, қўйлагининг тугмасини сола туриб, – йиғлаяти, кўз текканга ўхшайди.

Варька болани олиб беланчакка ётқизиб яна тебратади. Соялар, шиндаги доғ аста-аста йўқолади ва кизининг кўзини тиндириб, миясини гангиталиган нарса ҳам қолмайди. Лекин ҳали ҳам аввалгича уйқу босиб келмоқда, ҳамон уйқуси келади! Варька бошини беланчакнинг бир четига қўйиб, уйқусини қочириб учун бутун гавдаси билан тебранади. Кўзи юмилиб, боши оғирлашади.

Варька, печкага олов ёк! – дейди хўжайинини нариги уйдан туриб.

Демак, ўрнидан туриб, иш бошлайдиган вақт бўлибди. Варька беланчакни қўйиб ўтин келтириш учун саройга қараб югуради. У хурсанд, чунки югуриб иш қилиб юрганда бир жойда ўтиргандай уйқу келмайди. У ўтин келтириб, олов ёқаркан, қоғиб қолган юзлари юмшаб, руҳи енгиллангандай бўлади.

– Варька, самовар қўй! – деб қичкиради бекаси.

Варька тутангирик қилиб, то уни ёндириб самоварга ташлагунча бекаси яна:

Варька, хўжайиннинг қалишини ювиб қўй, – деб буйруқ беради.

У ерга ўтириб, қалишни ювар экан: «Шу катта ва чуқур қалишга бошининг тикиб, бирпасгина мизғиб олсанг қандай яхши бўларди», деб ўйлайди. Бирдан қалиш шишиб-кешгайиб уйдаи катта бўлиб қолди. Варьканинг қўлидаги чўткаси ерга тушиб кетди. Варька дарҳол бошини силкиб, кўз олдигаги нарсалар катталашиб, ҳаракатланмасин деб кўзларини каттарок очишга тиршиди.

– Варька зинани ювиб кўй, миждозлар келса уят қилади.

Варька зинани ювади, уйларни йиғиштиради, сўнг иккинчи печкани ёкади ва бакқоллик дўконига қараб югуради. Иш кўп, бирон дақиқа бўш вақт йўқ.

Лекин ҳаммасидан ҳам ошхонадаги катта стол ёнида туриб, бир жойда кимирламай картошка арғиндан оғир иш йўқ. Боши столга оғиб боради, картошка жимирлашиб, личок кўлдан тушади, снгларини шимарган, семиз, баджаҳл бека бўлса атрофда шанғиллаб юради. У шундай қаттиқ сўзлайдики, унинг овози кулоғингда жиранглаб туради. Яна кир ювиш, иш тикиш, овқат вақтида хизмат қилиб туриш ҳам ўлгудай машаққат, шундай вақтлар бўладик, ҳеч нарсага карамай полга ётиб ухлагинг келади.

Кеч қиради, Варька деразадан қоронғи тушаётганини кўриб, қотиб бораётган чеккаларини икки қўли билан қисади ва нимага хурсанд бўлаётганини ўзи ҳам билмай кулимсирайди. Қоронғи унинг мудрок кўзларига хуш ёкиб, уйқудан дарак бераётгандай бўлади. Кечқурун уйга меҳмон келади.

Варька, самовар қўй! – дейди бекаси.

Самовар кичкина бўлганидан меҳмонлар чойга қонгунча уни беш марта қайнатишга тўғри келади. Чойдан кейин Варька соатлаб бир жойдан қўзғалмай меҳмонларга қарайди ва хўжайиннинг амрини кутади.

– Варька, югур, уч шиша пиво олиб кел.

У жойидан сакраб туради ва уйқусини ўчириш учун илдамрок югуради.

– Варька бор, арак олиб кел! Варька, парма касрда? Варька, балиқни тозала!

Ниҳоят, меҳмонлар кетишади, чирокларни ўчириб, хўжайинлар ётишади.

– Варька, болапи тебрат! – деган сўнгги буйрук эшитилади.

Печда чигиртка чириллайди; шипдаги доғ, ёйиғлик шим ва йўрғак латгалардан тушиб турган соялар лип-лип қилиб яна Варьканинг очик кўзига суқилади, уни гангитади.

– Алла айтай сенга-ё, – деб минғиллайди у, – алла кўзим, алла-ё...

Бола йиғлаб, қотиб-қотиб қолади, Варька яна ҳалиги катта лой тош йўлини, туғун кўтарган одамларни, Пелагеяни, отаси



Ефимни кўради. У ҳаммасини танийди, ҳаммасини тушунадди-ю, лекин қарахт қилиб, унинг қўл-оёғини боғлаб қўйган, яшашга монелик қилаётган бу куч канака эканлигига чала уйқу ичида сира тушунолмайдди. У ана шу кучдан кутулиш учун у ёқ-бу ёғига қарайди. Лекин уни тополмайди. У ниҳоят чарчаган холда ўзининг бутун кучини, сезгисини тўшлаб шипдаги лициллаётган доғга тикилади ва қулок солиб, яшашга монелик қилаётган душманини топади.

У душман – бола экан.

Қиз кулиб юборди, нега шунча кундан буён шу арзимаган нарсани тушунолмай юрган экан? Шипдаги доғ, соялар ва чигиртка ҳам хайрон бўлиб унга қўшилиб кулаётгандай туюлди.

Шу хаёл Варькани бутунлай чулғаб олади, у ўрнидан туриб, илжайганича кўзларини юммасдан, уйнинг у бошидан-бу бошига югуради. Қўл-оёғига кишан бўлиб турган боладан ҳозир кутиламан деган хаёл уни китиклайди, хурсанд қилади. Болани ўлдиради-ю, кейин хузур қилиб ухлайди.

У кулиб, кўзларини кисиб, шипдаги доғга қараб, бармоғи билан таҳдид қилади, аста беланчак ёнига боради ва энгашиб болани бўғади; кейин дархол полга ётиб ухлашнинг иложи тонилганидан беҳад севинади ва бир дақиқадан сўнг ўликдай ухлаб қолади.

## ҚИШЛОҚ ЛУҚМОНЛАРИ

**Қ**ишлоқ касалхонаси. Эргалаб.

Доктор даҳа полицияси бошлиғи билан овга кетгани учун касалларни Кузьма Егоров ва Глеб Глебич деган фельдшерлар қабул қилмоқда эди. Касаллар ўттиз нафарча бор. Кузьма Егоров уларнинг рўйхатдан ўтишини кутиб кабинетда кофе ичиб ўлтирибди. Туғилгандан буён юз-қўлига сув, сочига тарок тегмаган Глеб Глебич бўлса қатта столга кўкрагини бериб, куйиб-пишиб касалларни ёзмоқда. Рўйхат статистика учунгина олинади. Унда касалларнинг оти, отасининг оти, фамилияси, қасрлик, қайси табақадан, ёши, саводи борми-йўқлиги ҳақида ёзилиб, қабул тамом бўлганидан кейин касалнинг нима эканлиги ва берилган дорининг номи ёзиб қўйилади.

– Шунақа ҳам расво перо бўладими! – деб аччиғланди Глеб Глебич катта китобга ўхшаган дафтарнинг майда варақларига аломат ҳарфларни ёза туриб. – Шу ҳам сиёҳми? Худди кора мой-а! Бу земствога ҳайронман, касаллар рўйхати олинсин деб буйрук беради-ю, сиёҳ олиш учун йилига эллик тийин пул чиқаради. – Берирок кел! – деб бақирди у.

Юз-қўзини ўраган бир мужик билан «хофиз» Михайло унга яқинроқ келди.

Отинг нима?

Иван Микулов.

– А, нима дединг? Русча гапир!

Иван Микулов.

– Иван Микулов! Сендан сўраётганим йўк. Парирок тур! Сен! Отинг нима?

Михайлов кулимсенраб:

– Нима, ўзинг билмайсанми? деди.

Нега куласан? Жин урганми буни! Вақт танг, ўзим шошиб турибман-ку, бу хазил килади! Отинг нима?

Ўзинг билмайсанми? Ланжмисан, нима бало!

– Биламан, лекин сўрашим керак, чунки сўровномада шу савол бор... Биз унақа ланж бўлмаймиз... Сизга ўхшаб ётиб ичадиган одатимиз йўк... Отинг нима? Отангинг оти-чи?

– Ўзинг билгандан кейин айтишимнинг нима ҳожати бор? Беш йилдан бери билган одам, олтинчи йилга келиб эсиндан чиқариб кўйдингми?

Эсимдан чиқарганим йўк, лекин сўровномада шунақа! Тушуянасанми? Ё рус тилини билмайсанми? Сўровнома шунақа деяман-ку.

Жин урсин сўровнома шунақа бўлса! Ёз! Михайло Федотич Измученко...

Измученко эмас, Измученков.

– Ҳа майли Измученков бўлақолсин... Билганингни ёз... Ишқилиб тузатсанг бас... Бир бало Иванович десаи ҳам бўла-веради... Мешга барибир.

– Қайси табақадан?

Ҳофиз.

– Ёшинг нечада?

-- Ким биледи дейсан, бешик тўйимга борган эмасман, билмайман.

-- Қирққа боргандирсан?

-- Балки боргандирман, балки бормагандирман... Ёлганингча ёзабер.

Глеб Глебич бироз Михайлога қараб тургандан кейин ўттиз етти деб, ёзиб қўйди, сўнг бироз ўйлашиб турди-да, уни ўчириб қирк бир деб тузатиб қўйди.

- Саводиш борми?

- Йисе, бутхонада ҳофизлик қилувчининг ҳам саводи бўлмайдами? Мияшг жойидами ўзи!

-- Одамларнинг олдиди менга бақирмасдан, сизлаб гапирмоғинг лозим, яна ким бор? Қимсан? Отинг нима?

- Микифор Пугалов, хошоловоликман.

- Хошоловоликларни қарамаймиз! Яна ким бор?

- Худо хайрини изни берсин... Жаноби олийлари, йиғирма чақиримдан ниёда келдим.

- Хошоловоликларни қарамаймиз! Нарирок тур! Яна ким бор? Тамаки чекма!

- Мен чекаётганим йўқ, Глеб Глебич!

- Қўлингдаги нима?

- Буми, бармоғимни боғлаб қўйибман Глеб Глебич.

- Паширос эмасми? Хошоловоликларни қарамаймиз. Яна ким!..

Глеб Глебич касалларни ёзишни тамомлади. Кузьма Егоров кофени ичиб бўлгач, қабул бошланди. Глеб Глебич доридармон тайёрлаш учун аптекага кетди. Иккинчиси эса касал кўриш учун клеёнкадан қилинган фаргукни тутиб олди ва:

-- Марья Заплакшина, -- деб чақирди ҳалиги катта китобга қараб.

-- Шу ердаман, тақсир!

Кабинетга тақдирнинг раҳмисиз зарбаларидан қалди буқилган ва бужмайиб қолган кичкинагина камшир кириб, чўқинди ва лукмонга ҳурмат сақлаб салом берди.

-- Қим... Эшикни ёп!.. Қайернинг оғрийди?

-- Бошим, тақсир.

-- Хўш... Қаммасими ё бир ёғими?

- Қаммаси, тақсир... Қаммаси!

Бошингни бунча ўрама... Бу латтангни еч! Бош деганин салқин туттиш керак. оёкни иссик, гавда ўртача бўлсин... Қорнинг ҳам оғрийдими?

– Оғрийди, тақсир...

Қани, бармоғинг билан пастки ковоғингни оч-чи! Яхши, бас. Қонинг камайиб кетибди... Томизиб ичадиган дори бераман... Ўн томчидан уч маҳал – эрталаб, пешинда ҳам кечкурун ичасан.

Кузьма Егоров ўтириб рецепт ёза бошлади: «Rp: Liqueor ferri<sup>1</sup> 3 гр. деразада турганидан, тоқчадагисини Иван Яковлевич мен йўғимда очманглар деб кетган. Ўн томчидан кунда уч маҳал. Марья Заплаксинага берилсин».

Кампир томчини пимага томизиб ичишни сўради-да, таъзим қилиб чқиб кетди. Кузьма Егорович рецептни деворни тешиб қилинган туйнукчадан дорихонага ташлади ва навбат кутиб ўтирган касаллардан бирини чақирди.

Тимофей Стукотей!

– Лаббай!

Кабинетга повча ва орик, боши катта, узокдан караганда худди боши балдоқли хассага ўхшаб кўринадиган Стукотей кирди.

Қайеринг оғрийди?

– Юрак касалим бор, Кузьма Егорович.

– Қайси еригнда?

Стукотей кўкрагининг тагини кўрсатади.

Хўп... Қачондан бери?

– Хайтдан буён... Ҳали буёкка шёда кела туриб худди ўн марта дам олдим... Дам этим увишади, Кузьма Егорич... дам аланга-ю оташ бўлиб ёнаман, Кузьма Егорич.

Хим... Яна каеринг оғрийди?

– Тўғрисиини айтсам, Кузьма Егорич, оғриманган жойим йўқ. Сиз фақат юрагимгагина дори берсангиз бўлди, бошқасини кўяберинг... Колганини хотишлар даволашар... Сиз менга спиритга ўхшащ бирон нарса берсангиз-у, юрагимни чангаллашини колдирса. Шу бир нарса думалаб-думалаб тикилиб келаберади, кейин шундай чангаллайди, асти қўйини. Худди мана шу жойига, шундай тутганда оркам, белларим қақшаб

<sup>1</sup> Темпир эритмаси.

кетади... Бошимни кўтаролмайман, худди тош осиб кўйгандай.  
Ушич устига йўтал.

– Иштадан борми?

– Ҳеч, худо сақласин...

Кузьма Егоров Стукотейнинг қоринини очиб, муштуми билан ошқозонига босиб кўрди.

– Шундок қилса оғрийдимиз?

– Вой... вой... оғрийди!

– Бундок қилсам-чи?

Вой... ўламан!!

Кузьма Егоров унга бир неча савол беради ва бироз ўйлаб, сўнг Глеб Глебични ёрдамга чақиради. Маслаҳат боплади.

– Тилишни чиқар! – деди касалга Глеб Глебич.

Касал оғзини катта очиб тилини чиқаради.

– Яна кўпроқ чиқар.

Бундан ортиқ чиқариб бўлмайди, Глеб Глебич.

Бу дунёда қилиб бўлмайдиган иш йўқ.

Глеб Глебич бир канча вақт касалга қараб, ниманидир қаттиқ ўйлаб тургандан кейин, елкаларини қисиб кўяди-да, чурк этмай чиқиб кетади ва дорихонадан туриб:

Ошқозон касали бўлса керак! – деб қичқирди.

– Бўлмасам унга olei. ricini<sup>1</sup> ammonii edustici<sup>2</sup> бериб юборинг, – деди Кузьма Егоров, – эрталаб ва кечқурун қоринга сурсин!.. Қани, қимнинг навбати!

Касал қабулхонадан чиқиб коридор бўйлаб аптеканнинг деразасига боради. Глеб Глебич чоракам бир стакан сургини Стукотейга узатди, Стукотей зўрға ичиб лабларини ялади ва кўзини чирт юмиб бармоқларини бир-бирига ишқаб қўл чўзди; устидан сб юборинга бирор нарса сўрайди.

Бу спирт, – деб ўшқирди Глеб Глебич, шипада паша-тирний спирт узатар экан, – эрталаб ва кечқурун мовут яатта билан қоринишга сурасан... Идишни қайтариб юбор! Бу ерга суялмашлар! Нарирок тур!

Григорий хазратларининг оқсочи Целагея рўмолининг учи билан оғзини бекчиб, дарча ёнига илжайиб келган эди, Глеб Глебич унга:

<sup>1</sup> Касторка ёғи.

<sup>2</sup> Пашатир спирти.

– Хўш, хизмат? – деди.

Лизавета Григорьевна сизга салом айтдилар. Глеб Глебич, озроқ нордон дорингиздан бериб юборинишгизни сўрадилар.

– Жопим билан... Ундай нозанинлардан нимани аярдим!

Глеб Глебич токчадаги банкада турган нордон дорини олиб, ярмини Пелагеянинг рўмолига солиб берди.

– Борганингизда у кишига айтингки: Глеб Глебичнинг ниҳоятда вақтлари чоғ бўлди, жуда хурсанд бўлдилар дег. Мактубимни олдиларми?

– Олдилар-ку, йиртиб ташладилар. Лизавета Григорьевна унаканги муҳаббат ишларига аралашмайдилар.

Хўш сатаиғ хотин-да! Бориб шунака дег!

– Михайло Измученков, деб чақирди Кузьма Егоров.

Қабулхонага «хофиз» Михайло кириб келди.

– Михайло Федотич, эшитайлик, касрингиз оғрийди қадрдоним.

– Томоғим, Кузьма Егорич! Ҳузурларига келганманки, рухсатишиз билан айтсам, менинг бу томок оғригим жон койитишдан ҳам кўра ҳамёнга зиён бўлаётибди. Касаллик орқасида хофизлик қилолмаяпман, бошлиғимиз пенсия номозига тушган пулдан қирк тийин ушлаб қолаётир, кеча номозгарга тушган пулдан ярим сўм олиб қолди. Жанобнинг уйида бўлган жанозада салавот айтувчиларга уч сўм берилган эди, касаллигим туфайли менга бир тийин ҳам тегмади. Рухсатингиз билан айтсам, томоғим хусусида арз қилсам шуки, томоғим кирилиб, хириллаб қолаяпман, худди ҳалқумимда бир мушук ўтириб тирнаётгандай бўлаётибди.

– Ичкиликдандир-да?

– Билмадим, нимадан бўлганини айтолмайман. Рухсатингиз билан айтсам, ичкилик биздақа овози йўғон хофизларга зиён қилмайди, қайтага фойда қилади, Кузьма Егорич, йўғон товущини кўпроқ шамолаш бузади.

– Кампирга нима берай? – деб сўради Глеб Глебич тешикдан бошини чиқариб, деразада турган дори тамом бўлган, токчада-гисини очақоламан-да.

– Йўк-йўк! Иван Яковлевич тегманлар деб кетган! Хафа бўлади.

– Нима бераман бўлмаса?

– Бирон нарса бериб юбор!

Глеб Глебичнинг тилида «бирон нарса» «сода» дегани эди.

– Ичкилик ичин ярамайди.

Ҳали ҳам уч кундан буён ичганим йўк... Бу шамоллашдан бўлса керак... Ҳақиқатдан ҳам арақ товушни бўғадн-ку, Кузьма Егорич, лекин йўгон товушнинг бироз бўғик бўлиши ўзингизга ҳам маълум, овозни куюклаштиради... Менга ўхшаганларнинг кунн арақсиз ўтмайди. Арақ ичмаган ҳофиз ҳофизми! Рухсатингиз билан айтсам, ҳофиз эмас, ҳаммага кулги бўлади, холос... Касбим ҳофизлик бўлмаганда бу лаънати арақни оғзимга олмасдим. Арақ харом...

– Менга қаранг... Сизга дори бераман. Шу билан эрталаб-у, кечкурун томоғингизни чайқайсиз.

– Ютсам майлими?

– Майли.

– Жуда соз... Оғзингни чайқайсан-у, ютмасанг алам қилади кишига. Туфлаб ташлаш увол! Яна сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим... Тез-тез ичим бузилиб туради, ана шу сабабдан, рухсатингиз билан айтсам, ҳар ойда кон олдириб, дори ичиб тураман. Шундай бўлгандан кейин хотин олсам мумкинми, йўкми?

Кузьма Егоров бироз ўйлангандан кейин:

– Йўк, маслаҳат бермайман, – деди.

– Кўп мишагдорман... Баҳоси йўк ҳакимсиз-да, Кузьма Егорич. Ҳар қандай доктордан яхшисиз, худо ҳақи! Қанча-қанча одамлар ҳақингизга дуо қилади! Хай-хай!

Кузьма Егоров уялгансимон ерга боқди. У тетик рух билан *Natri bicarbonici*, яъни сода ёзиб берди...

## ОЛТИНЧИ ПАЛАТА

### I

**К**асалхона ховлисида кичикроқ бир иморат турибди, атрофини ўрмон сингари қирққиз, қичитқон, ёввойи наша босиб кетган. Томнинг тупукаси занглаган, мўрисининг ярми кулаб тушган, қираверишдаги зинапоя тахталари чириб, ўт босиб кетган, сувоғининг изигина қолган. Иморатнинг олди

касалхонага, оркаси далага караган, даладан уни касалхонанинг устига миҳ қокилган кулранг девори айриб туради. Ўтқир учлари юқори га караб турган шу миҳлар ва шу девор, шу иморатнинг ўзи ҳам, бизда фақат касалхона ва турма биноларига хос бўлиб, – жула бефайз ва хунук кўринадди.

Агар кичиккоп ловулатишидан кўркмасангиз, бу иморатга тор сўкмок йўлдан бориб, ичидаги ахволни кўрайлик. Биричи эшикни очиб, дахлизга кирамиз. Девор остида, печка ёнида касалхонанинг эски-тускилари уюлиб ётибди. Тўшаклар, ил-ма-тешик эски чопошлар, иптонлар, кўк йўзли кўйлақлар, ҳеч нарсага ярамайдиган эски пойафзаллар, бу чурук-чориклар бир-бирига қорингани ҳолда чириб, нафасни бўғадиган сассик ҳид чиқариб ётади.

Эски-тускиларнинг устида эса доим трубкасини тиншлаб, харбий хизматдан бўшаган, формасига ёшиштирилган белгиларнинг ранги ўчиб кетган кекса солдат Шикита ётади. Унинг юзи озгин, ковоғи солник, ўсик қошлари ва қизил бурни чеҳрасига ёввойи овчарка қиёфасини бериб туради; ўрта бўйли, кўринишда котма ва чайир; лекин жуссаи баҳайбат, мушлари ҳам жула бакуват. Унинг ўзи дунёда ҳамма нарсадаш кўра кўпроқ иттизомга берилган, шунинг учун ҳам, одамларни уриш керак деган фикрга каттиқ ипонадиган, нима буюрилса дарҳол бажарадиган, соддадил ва бефаҳм кишилардан бири. У одамларни кўкраги, елкаси, юз-кўзи демай дуч келган жойинга уради ва шусиз бу ерда иттизом бўлмайдиган деб ипонади.

Агар дахлиз ҳисобга олинмаса ундан кейин, халиги бинога, катта кеш уйга кирасиз. Уйнинг девори хира кўк рангга бўялган, мўрисиз уйдагидек ширини курум босяган – бу ерда кинда печкалардан тугун қайтиши ва ис чиқishi шубҳасиз. Ички томонидан темир панжара ўрнатилиб деразалар расво қилинган. Пол бўялмаган, зирачалари чиқиб ётибди. Уйдан ачиган қарам, қора чирок, қандала ва шиптир хиди келади. Бу хид димоғига урилган киши дастлаб йиртқич ҳайвонлар қатағига киргандек бўлади.

Уйда полга миҳлаб қўйилган кроватлар турибди. Кроватларда эгниларига кўк халат, бошларига қадимги қалпоқ кийган одамлар ётибди, баъзилари ўтирибди. Булар – жиннилар.

Ҳаммаси бўлиб улар беш киши. Фақат биттаси қиборлардан, қолганлари мешчанлар. Эшикдан қираверишдаги



биринчи киши новча бўйли, озгин, йилтиллаб турган сарик мўйловлик мешчанин бошини қўлларига тираб, йиғидан кизарган кўзларини бир нуқтага тикиб ўтирибди. У кечаю кундуз ғамгин хўрсинади ва бошини чайкаб-чайкаб кўяди, алам билан жиямаяди; суҳбатга кам қатнашади ва одатда саволга жавоб бермайди. Овқат берилса, беихтиёр сйди. Тинмасдан қийналиб кеска-кеска йўталишига, озгинлигига ва яноқларининг яллиғлаб туришига қараганда, унда сил касали энди бошланганга ўхшайди.

Унинг нарёғида чўкки сокол, занжиларга ўхшаши коп-кора жингалак сочлик, жуда питирак чол жойлашган. Кундузлари у, палатада деразалар орасида қатнайди ёки тўшағида чордона қуриб ўтириб, тинмасдан тўрғайга ўхшаб хуштак чалади, хиргойи қилади ва кикир-қикир кулади. У кечалари худога сиғингани, яъни муштуми билан кўкрагига ургани ва бармоғи билан эшикни қовлагани турганида ҳам болаларча қувнок ва питирак бўлади. Бу Моисейка деган жухуд, шапка тикадиган ишхонасига йиғирма йилча аввал ўт тунигач, эс-хушидан айрилиб қолган тентак.

Олтинчи рақамли палатадагилардан ёлғиз шунгагина ховлига, ҳатто касалхона ҳовлисидан кўчага чиқинишга руҳсат берилган. У касалхонанинг кадрдон кишини ва бсозор, беэиён тентаги. Аллакочолардан буён кўчаларда уни болалар ва итлар билан қуршалган ҳолда кўришга одатлашган шахарнинг масхарабози бўлгани учун бундай ҳуқуқдан кўн вақтдан буён фойдаланса керак. У кўчаларда эғнига чопон, бошига ғалати қалпоқ, оёғига туфли кийиб, баъзан ялангоёқ, ҳатто иштонсиз ҳам юраверади. Эшик ва дўконлар олдида тўхтаб, бир тийин сўрайди. Бир ерда унга қвас, иккинчи ерда пон, учинчи ерда бир тийин беришади. Шундай қилиб, у, одатда, хонасига қорни тўйиб ва бойиб қайтади. Олиб келган нарсасининг ҳаммасини Никита тортиб олади. Бу қиликни солдат дағаллик билан астойдил чўнтақларини ағдариб ва худони ўртага солиб, бундан сўнг жухудни асло кўчага чиқармай кўйишини ва дунёда тартибсизликдан кўра ёмон кўрган ишни йўқлигини айтиб, қилади.

Моисейка серманзират. Ўртоқларига сув беради, ухлаб ётган бўлсалар устларини ёпиб кўяди, кўчалар уларга бир

тийиндан пул келтиришни, яна ҳаммасига биттадан янги шапка тикиб беришни ваъда қилади; сўл томонда ётган фалаж кўшнисига қошиқ билан овқат едириб кўяди. Бу ишларни у ичи ачиганидан ё бирор одамгарчилик юзасидан эмас, ўнг томонидаги кўшнисини Громовга таклид этиб, бсихтиёр, унга бўйсунганидан қилади.

Иван Дмитрич Громов ўттиз уч ёшга кирган киши; ўзи киборлардан, илғари суд пристава ва губерна котиби бўлган, хозир биров таъкиб қилаётир деган дардга мубтало. У гужанак бўлиб ўрнида ётади ё сайр қилаётган одамдек уйнинг у бошидан бу бошига катнайди, жуда кам ўтиради. У қандайдир бир номаълум нарсани кутиб, доим хаяжон ичида, ваҳима чангалида, диққат қилиб туради. Агар дахлизда бирон шарна сезса, ё ҳовлида бирон товуш эшитса бас, дарров бошини кўтаради ва: мени олиб кетгани келаётган бўлмасинлар? Мени излаётган бўлмасинлар? деб кулок солади. Шундай пайтда унинг юзида каттик безовталиқ ва нафрат аке ётади.

Менга унинг яноклари чиққан, кенг, хамиша хомуш ва заҳил, кўп вақтлардан буён ваҳима билан курашиб, азоб чекиб келаётган калбини ойна каби ўзида аке эйтириб турган юзи жуда ёқади. Унинг юз бурништиришлари галати, бирон он рикнинг натижасига ўхшайди; лекин чуқур ва ҳақиқий изтироб из ташлаган латиф ҳасрасида идрок ва зақкилик аломати бор. Кўзларида ёқимтойлик, саломатлик жилваси кўринади. Унинг ўзи менга маъкул, ёқимли, сермулозамат ва Никитадан бошқа ҳаммага жуда одоб билан муомала қилади. Бирор кишининг қошиги ёки тугмаси тушиб кетса, сакраб туриб олиб беради. Ҳар куни эрталаб ўртоқларига салом беради. Ўрнига ётаркан, уларга хайрли кеч тилайди.

Диққати доимо каттик ишлаб туришни ва юз бурништиришларидан ташқари, унинг жиннилиги яна шундан иборатки, баъзан у, кечкурунлар чопонга ўралиб, аъзойи бадани калтираб, тиши-тишига тегиб тақиллаб, уйнинг у бошидан бу бошига ва кроватлар орасида тез-тез юра бошлайди. 1 ўё уни каттик безгак тутаётганга ўхшайди. Тўсатдан тўхтаб ўртоқларига қараб қолишидан қандайдир жуда муҳим гап айтмоқчи бўлганлиги билинади, лекин сўзимга кулок солишмайди ёки тушунишмайди, деган ҳаёлга боради шекиллиқ, чидамсизлиқ

билан бош силкигади-ю, яна юраверади. Лекин тезда сўзлаш истаги барча мулоҳазалардан голиб келади-да, у ўзини кўйиб юбориб, қизгин ва эхтирос билан сўзлайди. Унинг сўзлари тартибсиз, худди алаҳлашга ўхшаш қиска-қиска, шиддатли, баъзан тушуниб бўлмайди. Шуниси борки, сўзларида ҳам, товушида ҳам қандайдир гоят яхши бир оҳанг бор. Сўзлаётганда унинг жиннилиги ва инсонлиги намоён бўлиб туради. Унинг телбалик сўзларини ёзиб аниқлаш қийин. У инсон разилиги, ҳақиқатни бўғувчи жабр-зулм, яна вақти келиб ер юзида бўладиган гўзал ҳаёт ва ҳар дақиқа золимларнинг аҳмоқлиги ва бераҳмлигини унинг ёдига солиб турган деразалардаги темир панжаралар ҳақида сўзлайди. Унинг сўзларидан ҳали замони ўтмаган эски, тартибсиз ва қовушмаган ашулалардан тузилган қурама пьеса ҳосил бўлади.

## II

Бундан 12–15 йил аввал, шаҳарнинг энг катта кўчаларидан бирида, ўз ховлисида Громов деган ўзига тўқ, обрўйли бир мансабдор бўлиб, унинг Сергей ва Иван деган иккита ўғли бор эди. Сергей тўртинчи курс талабаси экан, сил бўлди-ю, тўсатдан ўлиб қолди. Бу ўлим эса Громов оиласи устига тўсатдан туша бошлаган бир қанча бахтсизликларнинг бошланиши бўлди. Сергейнинг вафотидан бир ҳафта кейин кекса отаси қалбаки ҳужжатлар ясагани ва ҳукуматнинг пулини еб кўйгани учун судга берилди ва шу орада тиф бўлиб, турма касалхонасида ўлди. Уйи ва бутун моллари кимошди савдоси билан сотилиб, Иван Дмитрич билан онаси ҳеч нарсасиз қолди.

Илгари, отаси бор маҳалда, Иван Дмитрич Петербургда яшаб, университетда ўқиётган чоғида ҳар ойда уйдан келган 60–70 сўмни олиб турар, муҳтожлик нималигини билмас эди. Энди эса ҳаётини катъий равишда ўзгатиришга тўғри келди. Арзимаган пул учун эртадан кечгача дарс бериш, ҳаг кўчириш керак, шунга қарамай очин-тўқин қолди. Чунки топган пулининг ҳаммасини онасига юборади. Иван Дмитрич бундай турмушга дош беролмади, руҳи тушиб, кўнгли сишиб, ўқиниши йиғиштирди-да, уйига кетди. Бу ерда, ўз шаҳарчасида танишлари орқали уезд мактабига ўқитувчи бўлиб кирди. Лекин

ўртоқлари билан чиқишолмади, ўқувчиларга ёкмади, тез кунда ишдан бўшади. Онаси ўлди. У ярим йилча ишсиз юрди, куни фақат нон-сув билан ўтди, сўнг суд пристави бўлиб ўрнашди, касаллиги учун ишдан бўшатилгунча шу жойда хизмат килди.

У ҳеч қачон, ҳатто йигитлик, талабалик чоғида ҳам соғлом кўринмас эди. Доим ранги кетган, нимжон, салга шамоллайдиган, чипхўр, кам уйқу эди. Бир рюмка вино ичса, дарров боши айланиб, эсини йўқотиб кўяр эди. Унда одамга аралашип майли зўр бўлса-да, ўзининг тезлиги ва бадғумонлиги туфайли ҳеч ким билан ошна бўлолмас, дўсти ҳам йўк эди. Шаҳар халқи ҳақида таҳқир билан сўзлаб, уларнинг кўпол нодонлиги ва ғафлат босиб, ҳайвонларча яшаши менга қабих ва жирканч туюлади, деярдди. У ишгичка овоз билан кичкириб, кизишиб, доим астойдил ё нафратланиб ва жаҳли чикиб, ё завқ билан ва таажжубланиб сўзлар эди. У билан нима ҳақида сўзланманг, гашии шу томонга айлантирарди: шаҳар дим, киши зеркади, жамиятда юксак мақсад йўқ, ҳаётни жабр-зулим, фахш, олчоқлик билан турли шаклга киргизиб бемаъни кун кечиради, муттаҳамларнинг эгни бутун, қорни тўқ, виждонли одамлар очин-тўкиш яшайди; жамиятга мактаб, тўғри йўлга бошловчи маҳаллий газета, театр, оммавий китобхонлик, илмий кучларнинг бир ўринга тўпланишлари зарур; жамиятнинг онги шунчалик оширилмоғи керакки, ўз нуқсини кўриб, кайфи учиб кетсин, деярдди. У одамлар ҳақида фикр юритганда қуюк бўёқларни беради, бошқа рангларни инкор қилиб, фақат оқ билан қорадан фойдаланади; унинг фикрича инсоният муттаҳамларга ва тўғри одамларга бўлинади; ўрта хили бўлмайди. Хотин-қизлар ва мухаббат ҳақида доим эҳтирос ва завқ билан сўзлайди-ку, аммо ўзи бирон марта ошник бўлмаган.

Фикрларининг кескинлиги ва ўзининг асабийлигини а қарамай шаҳарликлар уни севишади, эркалатиб, орқасидан Ваня деб аташади. Унинг назокати, сермулозаматлиги, серандишалиги, гўзал ахлоқи, нимдонгична камзули, заиф кўриниши ва онлавий бахтсизлиги ҳаммаси бир бўлиб кишида унга писбатад қандайдир раҳмдиллик уйғотади: унинг устига ўзи кўп китоб кўрган, яхшигина маълумотли ва шаҳарликларнинг фикрича ҳамма нарсадан хабардор, гўё жонлик луғат эди.

У жуда кўп китоб ўқиган. Ҳамиша клубда ўтирар, асабий ҳолда кичкина соқолини ўйнаб китобни, журнални варақларди; юзига қараб турилса китоб ўқиётганига эмас, бир нарсани чала чайнаб ютаётганига ўхшарди. Ўқиш ҳам унинг носозлом одатларининг бири дейиш мумкин, чунки қўлига нима тушса бултурги газетани, календарни бир зайилда иштиёқ билан дарҳол ўқинишга тутинарди. Уйда бўлса, китобни доим ётиб ўқирди.

### III

Куз кунларининг бирида эрталаб, пальто ёқасини кўтариб кўйиб, тор кўча, пасткам жойларда лойда шалоплаб Иван Дмитрич ижро варақа бўйича қандайдир мешчандан пул ундиргани кетаётган эди. Бугун эрталаб ҳам одатлагича унинг таъби хира эди. Тор кўчаларининг бирида оёқларига кишан урилган икки маҳбус билан милтик кўтарган тўрт солдат учради. Илгари ҳам Иван Дмитрич шу сингари маҳбусларни тез-тез учратарди ва ҳар гап улар бунинг кўнглини ғаш қилиб, юрагини эзар эди. Лекин бу гапни учратиш унда қандайдир алоҳида, ажойиб бир таъсир қолдирди. Нимагадир тўсатдан унинг кўнглига мени ҳам шуларга ўхшатиб, оёғимга кишан уриб, худди шу тахлитда лойда турмага ҳайдаб кетишлари мумкин деган гап келди. Мешчаннинг уйида бироз ўтиргач, уйга қайтаркан, почтаҳона олдяда ўзига таниш полиция но-зирини учратди, нозир саломлашди-да, биргалашиб бир печка кадам юрди, негадир бу воқеа унга шубҳали туюлди. Уйга келиб кечгача ҳалиги маҳбуслар, милтиқли солдатлар ҳаёлидан нари кетмади ва англаб бўлмайдиган бир васваса ўқишга ва фикрни бир жойга тўплашга халакиг берди. Кечқурун уйига чироқ ёқмади, тунни ухламай, мени қамокқа олиб, кишанга солишлари ва турмага қамашлари мумкин, деган ҳаёл билан ўтказди. У ҳеч қандай гуноҳи йўқлигини билади ва бундан сўнг ҳам ҳеч кимни ўлдирмаслиги, ўт кўймаслиги ва ўғирлик қилмаслигига ишончи қомил; лекин кимни ўзи билмай туриб ёки ғайри ихтиёрий равишда гуноҳ қилиши кийинми, тухматга қолиш, қолаверса суд хатоси-чи? Ахир, халқнинг асерий тажрибаси: турмага тушмайман, девона тўрвасини ил-

майман дема, дегани бежиз эмас-ку. Айниқса, судьяларнинг хозиргича иш олиб боришида хато қилишлари жуда мумкин, яна буида хайрон бўларлик ҳеч гап йўқ. Бошқаларнинг азобиға иш, хизмат юзасидангина қарайдиган одамлар, масалаи: судьялар, полициялар, докторлар, бора-бора шу қалар сийқа бўлиб кетишадик, иши тушган одамға, ҳарчанд расмий муомала қилмайман десалар ҳам қўлларидан келмайди: бу жихатдан улар уй орқасида қўй ва бузук сўйиб қонға парво қилмайдиган деҳқондан фарк қилмайди. Шаҳсга расмиятчилик, бепарволик билан муносабатда бўлинар экан, бугуноқ бир одамни барча ҳуқуқларидан, бор-йўғидан маҳрум қилиб, сургунға юборишлик учун судьяға фақат битта нарса керак, у ҳам бўлса вақтдир. Ишнинг баъзи расмий жихатларига риоя қилишға кетадиган вақт (ўша расмиятлар учун судьяға ойлик тўланади), сўнг – иш тамом. Қани ундан кейин темир йўлдан икки юз чақирим узокдаги бу кичкина, ифлос шаҳарчада адолат ва ҳимоятни излаб кўрчи! Турли жабр-зулм, жамият томонидан гўё шундай қилиниши лозим бўлган бир эзгуликдай қарши олиниб, ҳар бир инсоф юзасидан қилинган иш, масалаи, бировни оқлаш ҳақидаги ҳукм уларни қапоатлагирмай, интиқом уйғотган ерда, ҳақиқат тўғрисида ўйлашнинг ўзи киши қуларлик бир ҳол эмасми?

Эрталаб Иван Дмитричнинг юраги ваҳм олиб, пешонасини совуқ тер босган ва ҳар дақиқада келиб, қамокқа олиб кетишларига қаттиқ ишонгани холда ўрнидан турди. Кечаги қора хаёллар бу кунгача нари кетмаган экан, деб ўйларди у, демак, бир гап бор-да. Ахир, бекордан-бекорға кишининг бошиға бундай хаёл келмайди-ку.

Мана миршабнинг секин-ескин юриб дераза ёнидан ўтиши бежиз эмас. Икки киши уй олдида тўхтаб, жим турибди. Нега улар индамайди?

Шу зайилда, Иван Дмитрич учун мудхиш кечалар ва кундузлар бошланди. Дераза ёнидан ўтувчилар ва ҳовлиға кирувчиларнинг ҳаммаси жосуе ва изкувар бўлиб кўринаверди. Одатда, чошгоҳ пайтида исправник икки отлик извошда кўчадан ўтарди; ўзининг шаҳар ёнидаги боғидан миршабхонаға борарди, лекин ҳар гал Иван Дмитричнинг назарида у одатда-

гидан каттиқроқ от чоштираётгандек, айрим бир тарзда: худди шахарда бир янги хавфли гунохкор пайдо бўлганини айтиши а шонлиётгандек кўринарди. Иван Дмитрич ҳар кўнғирок товушидан, ҳар дарвоза тақиллашидан чўчиб тушади, беканикида ҳар бир янги одамни кўрганда кўнгли каттиқ ғаши бўлади; агар жандарм ёки полицияга дуч келиб қолса, кулимсирайди ва бепарво бўлиб кўриниш учун хуштак чала бошлайди. У бутун-бутун кечаларни камокқа олиб кетишларни кутиб, миужа қоқмай ўтказди, лекин уй бекасининг назарига ухлаётгандек кўриниш учун каттиқ хуррак тортиб, оғир нафас олиб чиқади; модомики кўзига уйқу келмас экан, виждон азоби кийпаётган бўлади-да, гунохкор ҳисобланиши учун нақадар кучли далил, фактлар ва соғлом маъниқ уни бу ваҳималарнинг ҳаммаси бўлмагур гап ва савдойилик, агар масалага чуқурроқ қаралса камокқа олинишидан, турмага қамалишдан кўрқарлик ҳеч гап йўқ, – кўнгли хотиржам бўлса бас, деб ишонтирар эди-ку, лекин қанчалик чуқурроқ, маъниқлироқ фикр юритса, ваеваса шунчалик кучайиб, баттарроқ кийнар эди. Бу эса бир дарвишнинг кўли урилмаган ўрмон дарахтларини кесиб, ўзига жой ҳозирламоқчи бўлганига ўхшарди: дарвини қанчалик жон оғиб болта урса, ўрмон шунчалик тез ўсиб, қуюқлаша берибди. Ниҳоят, Иван Дмитрич бунинг бефойдалигини кўриб, ўйлаш а бутунлай хотима берди, ўзини биратўла ваҳима ва умидсизлик чапгалли а ташлади.

У яккаликка берилиб, ўзини одамлардан четга торта бошлады. Илгари ҳам асло дидига ўтиришмайдиган хизмати, энди бутунлай жонига тегди. Негаким, қандай қилиб бўлмасин, кўлга туширишади, билдирмасдан чўнтагимга пул солиб кўйиб, кейин топиб, пора олди дейишади ёки ўзим билмай қолиб ҳукумат қозғоқларида ясама хужжатга тенг келадиган хатога йўл қўяман, ё бировнинг пулини йўқотиб қўяман деб кўрқар эди. Қизик бир ҳол: бошқа вақтда ҳеч қачон унинг зехни бунчалик ўтқир ва ижодкор бўлмаган эди, энди эса, ўз озодлиги ва номусига бўладиган таҳдиддан жиддий хавфсизраб ҳар қун минглаб турли-туман важлар ўйлаб чиқаради. Лекин шуниси борки, ундаги таъки оламга, жумладан, китобга қизиқини анча сусайди ва яхшигина овсар бўлиб қолди.





Бахорда ердан қор кетгач кабристон ёнидаги жардан бир ўғил бола ва бир камширнинг чала ириган ўлиги чикди. Белгиларга кўра уларни биров ўлдирган эди. Бутун шаҳарда ҳалиги ўликлар ва уларнинг номаълум қотиллари ҳақида гап тарқалди. Иван Дмитрич мени ўлдирган демасинлар, деб кўчага чиқиб илжайиб юрди, танишлари билан учрашиб колгудай бўлса қизариб-бўзариб, заиф ва ҳимоясиз одамларни ўлдиришдан кўра қабихроқ гуноҳ йўқлигига ишюнтиришга уринарди. Лекин бу хомхаёл ҳам тинкасини курутди ва бироз ўйлади-да, у: менинг аҳволимда энг яхшиси – беканинг ертўласида бекиниб ётиш деб билди. Ертўлада кечгача ўтирди, кечани ҳам ўтказиб, эртасига кун бўйи чикмади, жуда совук эди, короши тушишини пойлаб, худди ўғрига ўхшаб, аста чиқиб уйга кирди. Тонг отгунча уй ўртасида қимир этмасдан тик туриб, кулоқ солиб чикди. Эрталаб кун чиқмасдан беканинг уйига печь тузатадиган усталар келишди. Иван Дмитрич уларнинг ошхонадаги печи тузатгани келишини яхши билади, лекин васваса унга: булар уста кийинида келган полициялар, дейди. У секин-аста уйдан чикди-ю, ваҳима ичида, бошьяланг, камзулсиз кўча бўйлаб чошиб кетди. Орқасидан итлар вовуллаб қувлади, каердадир орқадан биров кичкирди, ел визиллаб кулоғини битирди ва Иван Дмитричга бутун дунёдаги жабр-зулм бир бўлиб, орқасидан қувлаётгандай туйилди.

Уни ушлаб олишди, уйга олиб келишди ва бекасини доктор чақиришга юборишди. Доктор Андрей Ефимич, - бу киши тўғрисида кейин гапирамиз, Иван Дмитрични бошига латга хўллаб ёпишни буюрди ва лавр-олча сувини ёзиб берди, қайғули ҳолда бош чайкаб, бскага, бундан сўнг келмайман, чунки ақлдан озаётган одамларга халакит бериб бўлмайди, деб кетди. Уйда ётишга ва даволанишга ҳеч нарсаи йўқлигидан, тезгина уни касалхонага юборишди, у ерда, венерик касаллар палатасига ётқизилди. У тун бўйи ухламас, хархаша килар, касалларни безовта этарди, Андрей Ефимичнинг буйруғи билан тезда олтинчи рақамли палатага кўчирилди.

Бир йилдан сўнг Иван Дмитрич шаҳарда ҳамманинг эсидан бутундай чикди ва бекаси бостирма тагидаги чанага олиб бориб ташлаган китобларини болалар ташиб кетди.

Иван Дмитричнинг чан томондаги ҳамхонаси айтиб ўтганим, жухуд Монсейка, ўнг томондагиси эса жуда семиз, думалок бўлиб қолган. юзида ҳеч қандай фикр ифодаси йўқ, теҳидан махрум бир киши. Бу кўп вақтдан буён фикр эғиш, сезини хусусиятларини йўқотиб кўйган кам ҳаракат, хўра ва ифлос бир ҳайвон. Ундан ҳаминча кўнгли оздирадиган қўлапса хид келиб туради.

Унинг жойини тозалайдиган Никита муштумини аямай, кучиниш борича жуда қаттиқ уради, бу ерда кишининг ваҳмини келтирадиган нарсаси уни уринилари эмас, бунга одатланиш мумкин, ҳалиги бефаҳм ҳайвоннинг таёққа қарши на товуш, на ҳаракат, на кўзларида бирор ифода аке эттириши билан жавоб қайтармай, безрайиб, фақат оғир бочқадек сал-пал кўзгалиб кўйишидир.

Олтинчи ракамли палатада истикомат қилувчиларнинг бепинчиси ва сўнггиси – бир вақтлар почтада хат сараловчи бўлиб ишлаган ушоққина, өзгич, ёқимли, лекин юзида маккорлик аке этиб турган сарик сочли мешчанни. Унинг хушнудлик билан боқаётган маъноли, хотиржам кўзларига қараганда кўнглида қандайдир жуда муҳим ва ёқимли махфий сирни бордек кўришади. Унинг ёстиғи ва тўшаги тагида бир нарсаси борки, уни ҳеч кимга кўрсатмайди. Ўтирлаб ёки тортиб олишди деб кўрканидан эмас, уяланидан кўрсатмайди. Баъзан дераза ёнига боради-да, ўртоқларига орқасини ўгириб, кўкрагига шимадир тақадди, кейин бошини эгиб қарайди, агар ўша тоғда унинг ёнига борилса, хижолат тортиб кўкрагидан ҳалиги нарсани юлиб олади. Лекин унинг сирини билиш кийин эмас.

Табрикланг. – дейди у, кўнингча Иван Дмитричга қараб, – мен иккинчи даража юлдузлик Станислав ордени билан мукофотланишга тавсия этилибман. Иккинчи даража юлдузлик фақат чет элчиларга берилувчи эди, лекин мен учун негадир истиснога йўл кўйинмоқчи, – деб ҳайрон бўлиб, елкаларини учуриб кулимсрайди, – буни қараш, тўғриенини айтсам, ҳеч қутмаган эдим!

Мен бу нарсаларга тунунмайман. – деди Иван Дмитрич хомушгина.

Лекин биласизми, мен эртами-кечми, ахир нимага муваффақ бўламан? – деб давом этади собиқ хат сараловчи, айёрлик билан кўзларини қисиб. – Мен, албатта, Швециянинг «Полярная звезда»сини оламан. Шундай орденки, киройи овора бўлганингга арзийди. Оқ крест, қора тасмали жуда чиройли орден.

Ўхтимол бошқа ҳеч ерда ҳаёт шу жойдагидек бир зайлда ўтмаса керак. Фалаж билан семиз кишидан бошқа касаллар эрталаб туриб, дахлизга чикиб, катта челақда юз-қўл ювишади ва чонопларининг барига артишади; ундан кейин Никита катта корпусдан келтирган чойдан кўрғошин кружкада ичишади. Бир кишига бир кружкадан ортик чой берилмайди. Туш пайтида нордон карам шўрва билан бўтқа ейишади, кечкурун кундузи идан қолган бўтқани ейишади. Овқат орасидаги вақтда ётишади, ухлашади, деразадан қарашади ва уйнинг у бурчидан бу бурчига юришади. Ҳар кун аҳвол шу. Ҳалиги собиқ хат сараловчи ҳам фақат бир хил орден ҳақида сўзлайди.

Олтинчи рақамли палатадагилар янги одамни камдан-кам кўради. Янги жинни бўлганларни доктор кўндан бери қабул қилмай қўйган, бориб жинниҳоналарни кўрадиган хаваскорлар эса бу дунёда жуда оз. Бу ерга ҳар икки ойда бир марта сартароп Семён Лозарич келади. Унинг қандай қилиб жинниларнинг сочини олиши ва Никитанинг қай тахлитда унга ёрдам бериши, ҳар гал маст бўлиб, кулимсраб келаётган сартарошни кўрганда касалларнинг қанчалик жон титроғига тушишлари ҳақида сўз очмаймиз.

Бу ерга сартарошдан ўзга ҳеч ким келмайди. Касаллар ҳар куни фақат Никитани кўришга маҳкум.

Айтмоқчи, яқинда бутун касалхонага анча ажиб хабар тарқалди.

Олтинчи рақамли палатага доктор келиб турадиган бўлибди деган овоза тарқалди.

## V

Ажиб хабар!

Доктор Андрей Ефимич Рагин – ўзинга яраша кўп яхши одам. Айгишларича, у ёшлигида анча художўй бўлиб, руҳоний мансаблардан бирида хизмат қилишга тайёрланиб юрган

экан. 1863 йилда гимназияни тамомлагандан кейин, диний академияга кирмокчи бўлибди, лекин жаррох ва тиб олими бўлмиш отаси заҳархандалик билан ушдаш кулиб, агар поп бўлсанг асло ўғлим демасман, дегти. Бу гашнинг қапчалик тўғри эканини билмайман, лекин Андрей Ефимичнинг ўзи печа бор тиб илмига ва умуман махсус фанларга майли ҳеч қачон бўлмаганини неча бор айтган эди.

Ҳарқалай тиббий факультетни битиргандан кейин поп бўлмади. Художўйлик ҳам қилмади, ҳозирги киёфати руҳонийларга қанча кам ўхшаса, докторликни бошлаган чоғларида ҳам худди шундай эди.

Унинг кўришини кўпол, дағал, дехконларга ўхшайди, юзи, соқоли, ясси сочи, мустаҳкам ҳамда беўхшов жуссаси, қатта йўллардаги бадшафс ва ўжар давангирдек майхоначини эслатади. Баджаҳл кўришадиган юзи майда-майда кўк томирлар билан қошланган, кўзлари кичик-кичик, бурни кич-кизи. Баланд бўйлик, кенг яғришлик бўлиш билан бирга оёқ-қўллари ҳам баҳайбат, қатта: агар бир мушт урса чилпарчин қиладиганга ўхшайди. Аммо кўп эҳтиёт ва оҳисталик билан секин-секин қалам кўяди; агар тор йўлакда дуч келиб қолсангиз у, албатта, сиздан олдин тўхтаб йўл беради ва қутганингизча йўғон товуш билан эмас, ингичка овоз билан «кечиринг!» дейди. Унинг бўйишга кичикрок шини келган, ўша шини оҳорланган қаттиқ ёқа тақинга халакият беради, шу сабабдан доим читданми, оқ сурунданми юмшоккина кўйлак кийиб юради. Умуман докторчасига кийинмайди. Битта костюми ўн йиллаб эғнидан туширмайди, жухуд дўкопидан олишган янгиен ҳам унинг эғнида худди эски ва гижим бўлган кийимга ўхшаб кўрилади; битта костюмда қасал ҳам қарайди, овқат ҳам ейди, меҳмонга ҳам бораверади; лекин бу пишиқлигидан эмас, уст-бошига бутунлай аҳамият бермаслигидан.

Андрей Ефимич бу шаҳарга, иш қабул қилмокчи бўлиб келганида бу «хайрия маҳкамаси» жуда ёмон аҳволда эди. Палаталардаги, йўлаклардаги, ховлидаги қўланса ҳилдан кишининг кўнгли озар эди. Қасалхонада хизмат қилувчи эркаклар, қасалларга қаровчи аёллар ва уларнинг болалари кечаси палаталарда қасаллар билан бирга ётишарди. Қандали, суварак, сичқонларнинг кўнлигидан дод дейишарди. Жар-

роҳлик бўлимадан сарамас касали аримасди. Бутун бошлик касалхонада иккитагина скальпель бўлиб, битта ҳам термометр йўқ, ванналарга картонка солиб қўйилганди. Касалхона ноизири, кастеляани ва фельдшер касалларнинг нарсаларини ўтирларди. Андрей Ефимичдан олдинги доктор хақида бўлса, касалхонанинг спиртинини ўтирлаб сотарди, касал аёллар ва касалларга қаровчи аёллардан ўзига бутун бошлик қарамхона қилиб олган эди, дейишади. Шаҳарда бу тартибсизликларини жуда яхши билишади, ҳагто муболага қилиб сўзлашади-ку, лекин совуққонлик билан қарашди; баъзилар касалхонада фақат мешчанлар билан дехқонлар ётишади, улар норози бўлишмайди, чунки уйларида касалхонадагидан ёмонроқ шароитда туришади; уларни куш эти бериб боксинми! дейишади. Яна бир хиллар земство ёрдам бермаса шаҳарнинг ўз кучи билан яхши касалхона тутиш қийин гап; худога шукур, ёмон ҳам бўлса касалхона бор-ку, дейишади. Яқинда дунёга келган земство шаҳарнинг ўз касалхонаси бор-ку, деб шаҳарда ҳам, шаҳарга яқин жойда ҳам шифохона очмади.

Андрей Ефимич касалхонани кўздан кечириб чиқкандан кейин бу муассаса ахлоқсизлик ўчоғи ва шу ерда яшовчиларнинг соғлиғига хаддан ташқари зарарли деган хулосага келди. Унинг фикрича амалга ошириш мумкин бўлган ишнинг энг яхшиси, – касалларни эркинликка чиқариб юбориб, касалхонани ёпиб қўйиш эди. Лекин у шундай хаёлга борди: бу царса ёлғиз менинг ихтиёримда эмас, яна бундай қилишнинг фойдаси ҳам бўлмайди; агар маънавий ва моддий ифлосликни бир жойдан чиқариб ташласангиз, иккинчи жойга бориб тушади; ўзи смиррилиб битишини кутиш керак. Бунинг устига ҳамон одамлар шундай касалхона очиб, чидаб келишаётган экан, демак, ўзларига керакдир-да; турмушдаги хурофотлар ва шунинг сингари ярамас ва қабих ишлар ҳам керак, чунки бора-бора гўнган қора тулрок ҳосил бўлгандек булардан ҳам бир эзулик пайдо бўлади. Ер юзиде бирон яхши царса йўқки, у ўзининг яралишида ифлосликдан келиб чиқмасин. Ишни қабул қилиб олгач, Андрей Ефимич ҳалиги тартибсизликларга кўринишидан анча бенарволик билан қаради. Касалхонада хизмат қилувчи эркаклар ва касалларга қаровчи аёллардан буидан сўнг налагазарда ётмасликларинигина илтимос қилди,

яна касалхонага инструментлар солинган иккита шкаф кўйди; аммо нозир, кастелянша, фельдшер, жарроҳлик бўлимидаги сарамас касали ўз жойларида қолишди.

Андрей Ефимич идрок ва ҳалолликни ғоят севади, лекин атрофида ҳалол ва оғли турмуш яратишга иродаси етмайди, ўз ҳуқуқига ишонмайди. Буюриш, ман қилиш ва мажбур қилишнинг мутлақо уддасидан чиқолмайди. 1 ўё асти қаттиқ гапирмаслик ва буйрук фесьлини бутунлай ишлатмаслик учун оғзига сўз олганга ўхшайди. «Бер» ёки «Олиб кел» дейишлик унинг учун манаққат; қорни очган чоғларида ботинолмасдан бир йўталиб кўяди-да, сўнг ошпаз хотинга, «чой ичиб олсам-микин-а»... ёки «овкатланиб олсаммикан-а» дейди. Касалхона нозирига ўғирликни тўхтат дейиш, ё уни ҳайдаб юбориш, бўямаса ҳалиги текинхўрлик вазифани бутунлай йўқотиб кўя қолишлик асти кўлидан келадиган иш эмас. Андрей Ефимични алдаётганларида, мунофиқлик билан мақтаётганларида ёки кўл кўйдириш учун ясама ҳужжат тутганларида қисқичбака сингари кипқизариб кетади ва ўзини айбли хис этади, шундай бўлса ҳам ҳужжатга кўл кўяди; агар касаллар унга очликдан ёки касалларга қаровчи аёлларнинг кўпол муомаласидан шикоят қилинса, у хижолат бўлади ва гуноҳкор одамдай:

– Яхши, яхши, ҳали суриштириб кўраман... эҳтимол бирон англашилмовчилик ўтгандир... – деб кўяди.

Янги келган чоғларида Андрей Ефимич жон кўйдириб ишлади. Ҳар кун туш пайтигача касал қабул қилди, операциялар қилди, ҳатто акушерлик тажрибаси билан ҳам шуғулланди. Хотинлар унинг тўғрисида: жуда диққат билан қарайди, касални, айниқса болалар ва хотинлар касалини яхши билди дейишарди. Лекин вақт ўтиши билан ишнинг бир хилдалиги ва чамаси натижасизлиги уни зериктирди. Бутун ўттизта касални қабул қилсанг, эртага қарабсанки, ўттиз бештаси тайёр, унинг эртасига кирктаси, шу таҳитда кундан-кунга, йилдан-йилга, шаҳарда эса, ўлаётганларнинг сони камаймайди, касаллар келишини кўймайди. Эртадан тушгача қабул қилинадиган кирк нафар касалга жиддий ёрдам беришнинг ҳеч имкони йўқ, демак, гайри ихтиёрний равишда алдаш бўлиб чиқади. Ҳисобот йили ўн икки минг каттаб бокизувчи касал қаралибди, демак, оддий қилиб айтганда, ўн икки минг киши алданибди. Оғир

касалларни палатага ёлқизиб, уларни фап қондаси билан да-  
волашнинг яна иложи йўк, чунки қоида бўлгани билан, фап  
йўк; агар фалсафа сотинини қўйиб, бонқа докторлар сингари  
эзмалик билан қоида бўйича иш олиб бормокчи бўлинганда  
хам, бунинг учун ифлослик эмас, аввало, озодаллик ва соф  
хаволи жой, сассик, ачиган қарам шўрва эмас, яхши овқат,  
ўтчилар эмас, ҳақиқий ёрдамчилар керак.

Ҳамон ўлим ҳар кимнинг бошида бор экан, нега энди  
уларнинг ўлишига ҳалақят бериб керак? Биронга савдогар  
ёки амалдор дунёда беп-ўл йил ортиқроқ турди нима-ю, тур-  
мади нима? Агар табобатнинг мақсади дори-дармон бериб  
чекаётган азобни енгиллаштириши деб ўйланса, унда ўз-ўзида  
шундай савол келиб чиқадики, хўш, нега енгиллаштириш  
керак? Биринчидан азоб чекиш кишини қамолга етказди дей-  
дилар, иккинчидан агар инсоният чиндан ҳам ўзи чекаётган  
азобларини ҳаб ва томчилар билан енгиллаштиришга ўрганса  
дип ва фалсафадан воз кечади, шу қунгача турли фалокатлар-  
дан сакланганинигина эмас, ҳатто бахт-саодатни ҳам улардан  
тошиб юради-ку. Пушкиндек одам ўлим олдида қаттиқ азоб  
чекканда, шўрлик Гейнелек одам йиллаб фалаж бўлиб ётганда:  
хаёти ҳар қандай мазмундан хориж бўлган қандайдир Андрей  
Ефимич ё Матрёна Савишна дард тортса нима бўпти? Улар  
дард тортмаганда хаётлари тамомилга бекорчи ва амёбалар<sup>1</sup>  
хаётига ўхшаб қолмайдими?

Мана шундай муҳокамалар билан эзилиб, Андрей Ефимич-  
нинг ҳафсаласи пир бўлди ва касалхонага қунда келмайдиган  
бўлиб қолди.

## VI

Унинг хаёти шундай ўтади: эрталаб соат саккизда ўрни-  
дан туради, кийинади ва чой ичади. Унда кейин кабинетига  
кириб китоб ўқийди ё касалхонага кетади. Бу ерда, тор ва  
қоронғи йўлакда, қатнаб бокизувчи касаллар қабул вақтини  
кутиб ўтиришади. Уларнинг олдидан ёнинг тўшаланган пол-  
ни этиклари билан тўкилатиб, касалхонада хизмат қилувчи

<sup>1</sup> Бир хужайрали, микроскоп билан кўринадиган жонивор.

эркаклар ва касалларга қаровчи аёллар у ёқдан-бу ёққа юришади, озгин касаллар чопонга ўралиб ўтиб туради, ўликларни ва ифлос идишларини олиб ўтишади, болалар йиғлайди, шамол ғириллаб у ёқдан-бу ёққа уриб туради. Андрей Ефимич, иситмаси баланд, сил, умуман кўнгли позик касаллар учун бундай жойда туриш гоят оғирлигини яхши билади, лекин нима қилсин? Қабулхонада уни, бақалок, сокол-мўйловларини тақир кирдирган, тоза ва тўла юзли, ҳаракатлари салмоқли, янги кенгрок костюм кийган, фельдшерлардан кўра кўпрок сенаторга ўхшайдиган Сергей Сергееч кутиб олади. Бу киши шаҳарда кенг миқёсда тажриба қилади, оқ талстук такади ва ўзини мутлақо тажрибасиз докторлардан аълорок деб ҳисоблайди. Қабулхонада, бурчакда киот<sup>1</sup> ичида санам осеғлик, тагида оғир шамчироклар. Унинг ёнида муқаддас китобни кўйиш учун кия қилиб ишланган оқ жилдлик курсича; деворларида азиз авлиёларнинг расми ва Святогорский монастырнинг манзараси, уларнинг атрофига куриб колган бўтакўздан гулчамбарлар тақилган. Сергей Сергееч диндор, шунинг учун ҳам зеб-зийнатни яхши кўради. Ҳалиги санам ҳам унинг ҳаракати билан кўйилган; ҳар якшанба кунн касаллардан бири унинг буйруғи билан қабулхонада товуш чиқариб акафист<sup>2</sup> ўқийди, ўқиш тугагач, Сергей Сергееч ўз кўли билан исирк солиб, ҳамма палаталарга тутатиб чиқади. Касаллар кўп, вақт оз, шунинг учун бутун иш, қисқа-қисқа савол берип, бирон суртадиган дори ёки сурғи берип билан чегараланади. Андрей Ефимич энг яхши муштгаги тираб ҳасл суриб ўтиради ва беихтиёр савол беради. Сергей Сергееч ҳам шу ерда бўлади, кўллариини бир-бирига ишқаб ҳар замонда сўз кистириб кўяди:

– Касал бўляпмиз, йўқчилик тортяпмиз, дейди у, худога яхши сиғинмаганимиздан бўляпми. Шундай!

Қабул вақтида Андрей Ефимич ҳеч қандай операция қилмайди; у кўпдан бери бу ишни тарк қилган, қонни кўрса кўнгли беҳузур бўлади. Агар боланинг оғзини очиб томоғини кўрмоқчи бўлганда бола чиркираб кўллари билан ўзини ҳимоя қилса, кулоқлари битиб, боши айлашиб кетади ва кўзларида ёш

<sup>1</sup> Киот — чанг ўтирмаслиги учун санам олиб кўйилмадиган ойналик яшик.

<sup>2</sup> Акафист — ўқилаётганда ҳамма тик турадиган дуо.



пайдо бўлади. У нари-бери дори ёзиб бериб, хотинга болани тезроқ олиб кет деб қўл силтайди.

Қабул қиларкан касалларнинг тортинчоқлиги, меровлиги, ёнидаги олифга Сергей Сергеевич, девордаги расмлар ва ўзининг йилгирма йилдан бери бериб келаётган бир хилдаги саволи дарров кўнглига тегади. Бениг-олти нафар касални кўради-ю кетади: қолганларини фельдшернинг ўзи қабул қилади.

Кўп вақтлардан бери уйда касал қабул қилмайдиган бўлиб кетгани ва ҳеч ким безовга қилмаслигини ўйлаб, худога шукур қилади ва уйига келиш билан Андрей Ефимич кабинетига кириб, стол ёнига ўтириб, китоб ўқишга тушади. У жуда кўп ва доим завқ билан ўқийди. Ойлигининг ярмиси китоб олишга кетади. Олти хоналик уйнинг учтаси китоб ва эски журналлар билан тўла. У кўпроқ фалсафа ва тарих асарларини севади: тиббий асарлардан фақат «Врач»нинггина олади, ўшани ҳам ҳамisha охиридан бошлаб ўқийди. Бир неча соатлаб, дам олмай ўкиса ҳам чарчамайди. У бир вақтлар Иван Дмитрич ўқигани сингари тез ва шиддат билан ўқимайди, шошмасдан у ёқ-бу ёғини ўйлаб, тушулмаган ё кўнглига ёққан жойларида тўхтаб-тўхтаб ўқийди. Китобнинг ёнида доим бир графинчада арақ ва тузланган бодрини, олмами, тарелкаси, столга ёзилган мовут устида ётади. Ҳар ярим соатда у, кўзини китобдан узмай туриб бир рюмка арақ қуйиб ичади, сўнг, тимискилаб ҳалиги бодрини толиб, ундаи тишлаб қўяди.

Соат учда секингина ошхона эшигига яқинлашади ва бир йўталиб қўйиб:

Дарьюшка, овкат еб олсаммикин-а... – дейди.

Тозалик томонига аҳамият берилмай шиширилган, жўнгина овкатдан кейин Андрей Ефимич икки кўлчини кўкрагига қовуштириб хонадан-хонага ўтиб ва хаёл суриб юради. Соат тўртга жом уради, кейин бешга чалади, у ҳамон юради ва хаёл суради. Гоҳ-гоҳда ошхонанинг эшиги ғичирлайди ва ундан Дарьюшканинг уйкудан бўртган қип-қизил банараси кўринади.

– Андрей Ефимич пиво ичадиган вақтингиз бўлмадимиз? дейди у хавотир олиб.

- Йўқ, ҳали вақт бор... дейди у, сиз туриб ичай... сиз туриб...

Одатда, кечга томон почта мудури Михаил Аверьянич келади. Бутун шаҳарда ёлғиз шу кишининг улфатчилиги Андрей Ефимичга ёқади. Михаил Аверьянич бир замонлар жуда бой помешчик бўлган ва отлик аскарда хизмат қилган эди. Лекин бор-йўғини барбод бериб, кексайганида мухтожлик орқасида почта идорасида ишлашга мажбур бўлади. Унинг кўриниши соғлом ва тетик, чиройли ошпок бакени<sup>1</sup>, тўзал хулки ва жаранглаган ёкимли овози бор. У раҳмдил ва зийрак, лекин гажанг. Агар почтага келганлардан биронтаси норози бўлса, кўнмаса ёки муҳокама қила бошласа Михаил Аверьянич бўғилиб, титраб, какшаб, товушининг борица «Бае кил!» деб қичкиради. Шунинг учун ҳам алақачонлардан бери почта бўлими киши боришга кўрқадиган идора деб ном чиқарган. У Андрей Ефимични маълумотли ва олижаноб бўлгани учун севади ҳамда ҳурмат қилади, бошқа фуқароларга эса жуда юқоридан, кўли остидаги одамлардек қарайди.

— Мана мен ҳам келдим! — дейди у, Андрей Ефимичнинг олдига кираркан. Салом азизим! Жонингизга ҳам теккан-дирман, а?

Аксинча, жуда хурсандман, — дейди доктор. Сиз келсангиз, доим хурсанд бўламан.

Дўстлар кабинетда диванга ўтиришади ва бир канча вақт жим қолишиб, папирос чекнади.

— Дарьюшка, бизга пиво бўлса эди! — дейди Андрей Ефимич.

Биринчи бутылкани ҳам жим ўтириб: доктор — хаёлига ботиб, Михаил Аверьянич эса, худди кўнглида айтадиган кизик тани бор одамдай хушхудлик билан, ичишади. Сухбатни хамиша доктор бошлайди.

— Қандай ачинарлик ҳол, — дейди у бошини қимирлатиб, шошмасдан секингина ва ҳамсухбатининг кўзларини а қарамай. У ҳеч қачон бировнинг кўзига қарамайди, — жуда-жуда ачинарлик ҳол, ҳурматли Михаил Аверьянич, бизнинг шаҳаримизда ақл юргизадиган, кизикарли сухбатни севадиган ва шунга қобилиятли одамлар йўқ. Бу бизлар учун ғоят катта маҳрумият. Ҳатто зиёлилар ҳам разиликдап устун туролмайдилар;

<sup>1</sup> Бакени — икки чаккасига қўйилган соқоли.

улардаги тушунча, сиз ишонингиз мумкинки, паст табака одамлар тушунчасидан юқори эмас.

Ҳақ гап. Тўғри айтасиз.

Ўзингизга маълумки, деб давом этади доктор секингина, салмоқлаб, – дунёда инсон аклининг юксак маънавий намоёндаларидан бошқа ҳаммаси арзимас, кизиғи йўқ нарсалар. Акл – инсон билан хайвон ўртасига катъий чегара кўяди ҳамда инсонни илоҳийлигига ишора қилади ва унга аслида бўлмаган бир қадар абалдийлик бахш этади. Бундан чиқди, хузур-халоват берадиган, ягона манба акл экан. Модомики, атрофимизда аклни кўрмас ва эшитмас эканмиз, – демак, биз хузур-халоватдан маҳрумимиз. Тўғри, бизда китоблар бор, лекин китоб жоши суҳбат ва алоқанинг ўрнини босолмайди. Агар руҳсат этсангиз, унча мувофиқ ўхшатиш бўлмаса ҳам, шундай дейиш мумкин: китоблар нога-ю, суҳбат ашула.

Ҳақ гап.

Жим қолишади. Ошхонадан Дарьюшка чиқади, эшик олдига келадилар, сиймосида ҳеч қандай маъно аке этмаган ҳолда, муштини юзига тираб кулоқ солади.

Ох! – деб чуқур нафас олади Михаил Аверьянич. – Ҳозиргиларда ақл бор дейишми!

Сўнгра у қадим замонда одамлар қандай яхши, кизиқ ва шодийна ҳаёт кечирганини, Россияда ақлни зиёлилар бўлганини, уларнинг номус ва дўстлик тушунчасини қанчалик юксак даражага кўтарганини сўзлаб беради. Векселез карз беришар эди ва мухтожликда қолган ўртоққа ёрдам қўли чўзмаслик айб ҳисобланар эди. Қандай ҳарбий сафарлар, ҳодисалар, тўқинишлар, қандай ўртоқлар, қандай хотинлар бўларди! Кавказ-чи – нақадар ажойиб ўлка! Багальон командирининг хотини-чи, аломат хотин эди, кечқурунлари офицерча кийиниб олиб, отга мишиб, ёлғиз ўзи тоққа чиқиб кетар эди. Унинг қишлоқда қандайдир бир князь билан ишк-муҳаббат можаролари бор дейишарди.

– Вой худо, дейди Дарьюшка чуқур нафас олиб.

– Ичинларимизни айтинг! Еган овқатларимизни айтинг! Қандай жасур либераллар эдик!

Андрей Ефимич кулоқ солади-ю, эшитмайди; пивони хўнлаб қўйиб, алланима тўғрисида ўйлайди.

— Акли одамлар ва уларнинг суҳбати тез-тез тушимга кириб туради, — дейди у тўсатдан Михаил Аверьяничнинг сўзини бўлиб. Отам мени хўи ўкитди-ю, лекин олтмишичи йиллардаги оқим таъсири остида доктор бўлишликка мажбур килди. Агар ўша вақтларда унинг сўзига кулоқ солмаганимда, hozir фикр ўчоғининг худди марказида бўлардим, леб ўйлайман. Эҳтимол, бирон факультетнинг аъзоси бўлар эдим. Албатта, ақл ҳам абадий эмас, ўткинчи-ку, лекин сиз менинг нима учун унга мойиллигимни биласиз. Ҳаёт — аламли бир дом. Фикрловчи инсон улгайиб, ақли камолга етганда, бенхтиёр ўзини қутулишнинг иложи бўлмаган бир домга илингандай хис қилади. Ҳақиқатан, унинг ихтиёридан ташқари, қандайдир тасодифлар орқасида йўқдан бор бўлиб, оламга келади... Нега? У нега мавжудлигининг маъносини ва мақсадини биллишни истайди — унга айтилмайди, ёки ақл бовар қилмайди ан сўзларни айтишади; тақиялатади. — унга эшик очмайдилар; ўлим ҳам унинг ихтиёридан ташқари келади. Мана, турмадаги кишилар, умумий бахтсизлик туфайли кишилар бир жойга тўнланганларидан анча енгил тортигандай бўладилар, ҳаётда ҳам ашаниз ва умумий хулоса чиқаринга мойил одамлар бир ерга йиғилишиб, оркин ва шарафли гоъларини ўртоқлашши билан вақт ўтказганларида халиги дом сезилмайди. Бу жиҳатдан ақл ҳеч киёссиз хузур-халоватдир...

— Ҳақ гап.

Андрей Ефимич ҳамсуҳбатининг кўзларига қарамай аста ва тўхтаб-тўхтаб ақли одамлар ва уларнинг суҳбати ҳақида сўзлайди, Михаил Аверьянич бўлса диққат билан кулоқ солади ва унинг фикрига кўшилиб, «ҳақ гап» деб ўтиради.

— Сиз рухнинг абадийлигига ишонасизми? — дейди тўсатдан почта мудир.

— Йўқ, хурматли Михаил Аверьянич, ишонмайман ва ишонилишимга асос ҳам йўқ.

— Тўғрисиши айтсам, мен ҳам шубҳа қиламан. Ундай десам, мен сира ўлмайдиганга ўхшайман. Ўзимга ўзим, ҳой чол, ўлим яқин! десам, кўнглимда қандайдир, бошқа бир овоз ишонма, ўлмайсан!.. — дейди.

Соат тўққиздан ўтган, Михаил Аверьянич кетади. Даҳлизда нўстгинини кия туриб, чуқур нафас олиб:

Буни қаранг, тақдир бизларни қандай қоронғи бурчакка келтириб ташлади! Ҳаммасидан ҳам кишига алам қиладигани шуки, ҳали шу ерда ўламинг ҳам. Ох!.. – дейди.

## VII

Дўстини жўнатгач, Андрей Ефимич стол ёнига ўтиради, яна ўқишга киришади. Кечқурунги ва ундаш кейин тунги сукунатни тик этган товуш бузмайди. Вақт ҳам доктор билан бирга китоб устида тўхтаб, қотиб қолгандай, шу китобдан, яшил қалноқли лампадан ўзга ҳеч нарса йўқдек туйилади. Инсон ақлининг ҳаракатини кўриб меҳри товлангани ва завк қилганидан докторнинг кўюли ва беўхшов юзларида аста-аста табассум пайдо бўлади. Ох! Нечун инсон абадий яшамайди? – деб ўйлайди у. Миянинг марказлари, миянинг эгри-бугри бурмачалари нечун, кўриш қуввати, сўзлаш қобилияти, кўнгил, даҳо нечун? Модомики, буларнинг ҳаммаси туироққа айланишга ва, ниҳоят, ер қуррасининг қобити билан бирликда совунишга, сўнг миллион йиллар давомида маъносиз, мақсадсиз бир тарзда қуёш атрофида айланишга маҳкум экан, у ҳолда ҳамон совуниб, ундан кейин ер билан бирга айланиб юриш учун инсонни буюк ва деярли илоҳий ақли билан йўқдан бор қилишнинг, сўнг уни масҳара қилгандек, лойга айлантиришнинг мутлако кераги йўқ эди.

Модда алманиши! Бу сохта абадийлик билан ўз-ўзини овутиш қандай кўрқоклик! Табиғатда рўй бераётган ғайри шуурий жараёнлар инсон қиладиган аҳмоқчиликлардан ҳам тубан, чунки аҳмоқчиликда оз бўлса ҳам тушунча ва ирода бор, бу жараёнларда-чи, мутлако ҳеч нарса йўқ. Фақат ўз фазилатини билишдан кўра ўлим олдидан кўркиш ҳисси кўнроқ бўлган кўрқоклар: менинг жасадим вақти билан кўкатда, тошда, бақада... қайтадан яшайди деб ўзини юнатади. Ўзининг абадийлигини модда алмашинида кўришлик худди қимматбаҳо скрипка сишиб, шидан чиққанда, кутисининг энди истикболи баланд бўлади дейишликдай, бўлмағур ғалати гап.

Соат жом чалганда Андрей Ефимич бироз ўйлаш учун креслога суяниб, кўзларини юмади. Китобдан ўқилган яхши фикрлар таъсири остида беихтиёр ўзининг ўтмишига ва хо-

зирги хаётига назар ташлайди. Ўтмиши жирканч, яхшиси уни эсламаслик. Ҳозиргиси ҳам ўшанинг ўзи. У яхши биладик, унинг фикри сўнган ер курраси билан бирга куёш атрофида айланаётганда, докторнинг уйи билан ёнма-ён катта корпусда, одамлар дарддан ва жисмоний инфосликдан сиқилиб, зорланиб ётишади: балки биров ухламай ҳашаротлар билан курашаётгандир, бировга сарамас касали юка бошлагандир ё бўлмаса каттиқ бошланган яранниг оғриғига чиқолмай оҳ-воҳ қилаётгандир; балки касаллар, касалларга қаровчи аёллар билан карта ўйнаб арак ичишаётгандир. Ҳисобот йилида ўн икки минг киши алданган эди; касалхонанинг бутун иши бундан йиғирма йил олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандай, ўтрилик, разиллик, итвоғарлик, қуда-аңдалиқ, очик муттаҳамлик асосига қурилган, касалхона хали ҳам бузук ахлоқли ва яшовчиларнинг соғлиғи учун гоаят зарарли бир жой. У темир панжара ўрнатилган олтинчи рақамли палатадаги касалларни Никита дўппослашини ва Моисейканинг ҳар қил шаҳарга бориб гадоёлик қилишни яхши билади.

Иккинчи томондан, сўнгги йиғирма беш йил ичида табобат илмида катта ўзгариш бўлганини у жуда яхши билади. У олдий мактабда ўқиб юрган чоғларида тиббий илм ҳам тез қундаёқ алхимия ва метафизиканинг қунига учрайди деб ўйлар эди, энди кечалари китоб ўқир экан, табобат унинг кўнглини ийдиради ва хайрон қолдиради, ҳатто завқини келтиради. Ҳақиқатан, қандай қутилмаган порлюк ҳодиса, қандай инкилоб! Антисептика ёрдами билан ҳатто буюк Пирогов умид ҳам этолмаган операциялар қилинаётир. Олдий земство<sup>1</sup> докторлари тизза бўғимини кесишга журъат қилишади. Кўр ичак касали операциясида, юз кишидан биттасигина ўлади, тош келиш касалини тузатиш шунчалик оддий гап бўлиб қолганки, у ҳақда ҳатто ёзилмайди. Заҳм таг-туғи билан даволанмоқда. Наслдан ўтиш назарияси, гипнотизм, Пастер ва Кохларнинг кашфиётлари, соғлиқни сақлаш ва ҳисобот олиб борилиши, бизнинг рус земство табобати-чи? Психиатрия

<sup>1</sup> Земство — ҳор Россияда 1864 йилда дворян-буржуа вакиллари-дан ташкил этилган ва солиқни сақлаш, ободчилик ва ҳокзо маҳаллий ишларни бошқариб турган муассасалар тизими Губерна ёки уезддаги шу хилдаги айрим муассаса.

ва унинг касалларни ҳозиргача гуруҳларга бўлиши, касални аниқлаш усуллари ҳамда даволашни аввалгига нисбатан бутун бошлик Эльборус-а. Ҳозир жишиларнинг бошига совуқ сув кўйилмайди ва махсус кўйлақлар ҳам кийгизилмайди; уларни туша-тузук шаронгта тутинишди, ҳатто газеталарнинг хабар беришига қараганда уларга томошалар ва базмлар қилиб беришармиш. Андрей Ефимич биладикки, ҳозирги нуқтаи назарлар ва талабларга қараганда олтинчи рақамли палата сингари кабиҳ жой фақат темир йўлдан икки юз чакирим нарида, шаҳар бошлиғи ва бутун катталаридаги тортиб докторни авлиё билалдиған, оғизларига эритилган кўргошини кўйиб юборганда ҳам унга ҳеч ташкилсиз нишонини керак дейдиган чаласавод мешчанлардан иборат ерда бўлмаса, бошқа жойда-чи, одамлар ва газеталар алақачон бу кичкина Бастилиянинг<sup>1</sup> титигини чиқариб юборган бўларди.

«Хўш нима бўпти? – деб ўзига савол беради Андрей Ефимич кўзларини очиб. Шулардан нима чиқди? Антисептика-ю, Кох, Пастерлар дейлик, ишнинг асли ҳеч ўзгаргани йўқ. Ўша касаллик, ўша ўлим, ҳаммаси эски ҳолича турибди. Жишиларга базмлар ва томошалар кўйиб беришгани билан овоз қилиб юборишманти-ку. Демак, ҳаммаси оворагарчилик ва бўлмағур гап. Вепанинг энг яхши касалхонаси билан менинг касалхонам орасида аслида ҳеч қандай фарқ йўқ».

Лекин ачиниш ва ҳасадга ўхшаш бир хис уни бепарво бўлишига йўл кўймайди. Бу чарчаганликдан бўлса керак деб ўйлайди. Боши оғирлашиб китоб сари эгилади, юмшок бўлсин деб юзини кўзларига кўяди ва ўйлайди:

«Мен зарарли ишга хизмаг қилмоқдаман ва ўзим алдаётган одамлардан ойлик олмақдаман; мен виждонсизман. Лекин менинг ўзимни олинса, ҳеч гап эмас, фақат зарур бўлган ижтимоий ёвузликнинг бир бўлакчасиман: уезд бошлиқларининг ҳаммаси зарарли кишилар, бекорга ойлик олиниди... Демак, ҳалол меҳнат қилмаганим учун мен эмас, давр айбли... Бундан икки юз йил кейин тугилганимда бошқа одам бўлар эдим».

Соат учга жом урганда, у чирокни ўчиради ва ётоғига киради, унинг ухлагиси келмайди.

<sup>1</sup> Бастилия – Париждаги крепость ва давлат турмаси, XVIII аср охирида француз буржуа инқилоби вақтида вайрон қилинган. (Мух.)

## VIII

Бундан икки йилча олдин земствонинг сахийлиги тутиб кетди ва земствонинг ўз касалхонаси очилгунча шаҳар касалхонасида тиббиёт ходимлари кучайтирилсин деб қарор чиқариб, ёрдам тарзида йилга уч юз сўмдан пул тайин қилди ҳамда Андрей Ефимичга ёрдамчи қилиб уезд доктори Евгений Федорич Хоботов чакиртирилди. У ҳали жуда ёш йилгит ўттизга ҳам бормаган, – баланд бўйли, қорачадан келган, яноқлари чиққан ва кўзлари кичик; эҳтимол ота-боболари бошқа халқдан бўлса. У шаҳарга бир тийин пулеғиз, кичкинагина чемодан кўтариб, ёш ва хушук жувоп билан бирга келди, уни хизматчим деб юради. Хотининг кўлида эмизликли боласи ҳам бор. Евгений Федорич козерекли фуражка, кўнжи узун этик кийиб юрар, кишида бўлса, қисқа пахталик киярди. У фельдшер Сергей Сергеевич ва хазиначи билан иннок бўлиб кетди. Бошқа мансабдорларни оқсуяклар деб, негадир улардан ўзини тортиб юради. Унинг бутун бошли уйида фақат битта – «Вена касалхонасининг 1881 йилги янги рецетлари» деган китоби бор. Касал кўргани борганида ҳаминна ўша китобни ола боради. Кечкурунлар клубда биллиард ўйнайди, карташи бўлса ёқтирмайди. Сўз орасига «галва», «сиркали мантифолия», «вахима қилма» сингари гапларни кистиришни жуда яхши кўради.

У ҳафтада икки марта касалхонага боради, палатадаги касалларни қарайди, унча-мунча касал ҳам қабул қилади. Антисенгика ва консўрғич банкаларнинг бутунлай йўқлиги уни жуда ҳам феолини айнатади-ю, лекин Андрей Ефимични таҳкирлаш бўлиб тушишидан кўркиб, янги тартиб киргизмайди. Ўзининг ҳамкасби Андрей Ефимични кекса фирибгар ҳисоблайди, жуда дунёён кўп бўлса керак деб ўйлайди ва унга ҳасади келиб юради. Жон деб унинг ўрнига ўтирар эди-да.

## IX

Баҳор кунларидан бирида, кечкурун, март ойининг охирларида, ердан қор кетиб касалхона боғида майшалар сайраган чоғда, доктор дўсти почта мудирини дарвозагача кузатиб қўйгани чиқди. Галдоёлик қилиб келаётган жуҳуд Монсейка худди шу пайтда ҳовлига кириб келди. У бошяланг, сарпной-



чан оёгининг учига калиш илан, кўлида садакалар солинган тўрваси бор эди.

– Бир тийин бер! – деди у докторга, совукдан титраган холда кулимсираб.

Йўк дейишга одаatlanмаган Андрей Ефимич ўн тийин берди.

«Бу яхши эмас, -- деди доктор унинг тўпиклари кизариб кетган орик оёгига караб, - лойгарчилик».

Аччишга ҳам, жирканишга ҳам ўхшаш бир ҳис уйғонди-да, Андрей Ефимич дам унинг тепакал бошига, дам тўпикларига караганича яхудийнинг оркасида палатага кирди. Доктор кириши билан чурук-чорик устида ётган Никита яриб туриб, коматини ростлади.

- Салом, Никита, -- деди Андрей Ефимич мулойимлик билан. - Бир плож қилиб шу яхудийга этик-петик берилса эди, бўямаса - шамоллаб қолар.

Хўп бўлади, жаноби олиёлари. Нозирга айтаман.

- Шундай қилгин. Менинг номимдан сўрагин. Мени айтди дегин.

Дахлиздан палатага кирадиган эшик очик эди. Иван Дмитрич кроватда ётган жойда, ёнбошлади ва хаяжон ичида бегона товушга кулок солди, бирдан докторни таниб қолди. Ғазабига чидамай бор вужуди ларзага келди, ирғиб турди ва қипкизариб, тутоқканича кўзлари олайган холда югуриб палатанинг ўртасига келди.

– Доктор келди! – деб кичкирди ва қах-қах уриб қолди. -- Нихоят! Афандилар, табриклайман, доктор бизларни келиб кўришни лойик топибди! Лаънати газанда! -- деди чиқкириб, палатадагилар ҳеч қачон кўрмаган ғазаб ичида ер тепиб. -- Ўлдирин керак бу газандани! Йўк, ўлдирин камлик қилади! Хожатхонага чўкгириб юборин керак!

Бу сўзларни эшитган Андрей Ефимич дахлиздан палатага қаради ва мулойимлик билан:

-- Нима учун? -- деди.

Нима учун, - деб кичкирди Иван Дмитрич, титраб чоюнига ўралганича ўдағайлаб ва хезланиб унга яқин борди. - Нима учун? Ўғри! -- деди цафраг билан лабларини худди тупурмакчи бўлгандай қилиб. - Мутгахам! Жаллод!

Тинчланинг, – деди Андрей Ефимич айби бор одамдек кулимсираб. Ишонинг, мен ҳеч қачон ҳеч нарса ўтирмаган эмасман, бошқа жиҳатларни бўлса, жуда ошириб юбордингиз дейман. Мендан қаттиқ хафа бўлганга ўхшайсиз. Сиздан ўтиниб сўрайман, тинчланинг, иложи бўлса қизинмасдан айттинг, нега мендан хафасиз?

– Нима учун мени бу ерда тутиб ўтирибсиз?

– Касаллигингиз учун.

– Ҳа, касалман. Лекин ўнлаб, юзлаб жинишлар озодликда юришибди-ку, ахир, чунки жаноблари подошниклари орқасида уларни соғлардан айиролмайдилар. Нега энди мен ва мана бу шўрликларгина ҳамма учун бу ерда ўтиришимиз керак? Сиз, фельдшер, назир ва касалхона ходимидан деб юрган аблахларнинг ҳаммаси ахлоқ жиҳатидан бизларнинг ҳар биримиздан қиёс килиб бўлмас даражада тубансиз. нега биз ўтирамыз-у, сизлар ўтирмайсиз? Қани манттик?

Бу ерда гап ахлоқ ёки манттиқда эмас. Ҳаммаси тасодифга боғлиқ. Ким ўтиргизилган бўлса ўна ўтирибди, ким ўтиргизилмаган бўлса, юрибди, мана шу меннинг докторлигим ва сизнинг руҳий хасталигингизда ахлоқ ҳам, манттик ҳам йўқ, фақат тасодиф, ҳолос...

Бундай бемаъни гапларга туншунмайман... – деди тўнғиллаб Иван Дмитрич ва кроватга ўтирди.

Никита докторнинг ёнида гингидан уялиб ўз ҳолига қўйган Моисейка ўрнига бурда нонлар, данаклар, қоғозларни ёйди ва ҳали ҳам совуқдан титраган ҳолда тез-тез чўзик оҳанг билан яхудий тилида шималариндир сўзлай бошлади. Эҳтимол, ўзича дўкон очдим деб ўйлагандир.

– Мени бўшатиб юборинг, – деди Иван Дмитрич, унинг товуши калтираб кетди.

– Иложи йўқ.

– Ҳўш, нима учун? Нега?

Чунки бу меннинг ихтиёримда эмас. Уйлаб кўринг, бўшатиб юборишимнинг сизга нима фойдаси бор? Боринг. Ё полиция, ё шахар ахлидан биронтаси сизни ушлаб яна шу ерга олиб келади.

– Ҳа, ҳа, бу тўғри гап... – деди Иван Дмитрич ва пешонасини шикади. – Бу дахшатли! Энди мен нима қилай ахир? Нима?

Иван Дмитричнинг товуши, унинг юз буриштиришларида, идрок аке этиб турган чехраси Андрей Ефимичга ёкиб келди. Уни оркалаттисен, юпаттисен келди. Иван Дмитричнинг ёнига, кроватига ўтирди, биров ўйлаб туриб:

Сиз нима қилай деяпсиз? – деди. – Сиз учун яхшиси – бу ердан кочини. Лекин, афеуски, фойдаси йўқ. Тутиб олишадн. Қачонки жамият рухий касаллардан, жинойатчилардан ва умуман бирга бўлиш ўнғайсиз деб ҳисобланадиган одамлардан ўзини четга тортеа, унга чора йўқ. Оиди сизга битга йўл: шу ерда туршим зарур, деб ўзингизга тасалли берасиз.

– Бу ерда туршимнинг ҳеч кимга кераги йўқ-ку.

– Модомики турма, жиннихона деган жойлар бор экан, ахир кимдир ўтириши керак-да. Сиз бўлмасангиз – мен бўлмасам – яна биров. Шопманг, бир замонлар келиб турма, жиннихона деган нарсалар йўқ бўлиб кетади, ўшада деразалардаги темир панжаралар ҳам, бу чононлар ҳам бўлмайди. Албатта, эртами-кечми шундай вақт келади.

Иван Дмитрич истехзо билан жилмайди.

– Ҳазиллашаяпсиз, – деди у кўзларини кисиб. – Сиз сингари ва ёрдамчингиз Никита сингари жанобларнинг келажак замон билан мутлақо иши йўқ, лекин хотирингиз жам бўлсин, мухтарам афандим, яхши замонлар, албатта, келади! Майли, меннинг олгимдан ярамас сўзлар чиқаётгандир, кула қолинг, лекин янги ҳаёт тоши отади, ҳақиқат юзага чиқади ва бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади! Мен кўролмайман, ўлиб кетаман, лекин кимларнингдир эвара, чевараси кўради. Жони-дилим билан уларни габриклайман, шодланаман, улар учун шодланаман! Олга! Худо ёр бўлсин, дўстлар!

Иван Дмитрич кўзларида алашга чақнаб ўршидан турди ва кўзларини дераза томон чўзганча товушида ҳаяжон аке эттириб давом этди:

Мана шу панжаралар орқасидан туриб фотиха бераман! Яша-син ҳақиқат! Шодланаман!

Мен шодлангудек бир сабаб кўраётганим йўқ, – деди Андрей Ефимич, гарчи Иван Дмитричнинг ҳаракатлари унга артистларга ўхшаб кўринган бўлса ҳам жуда ёқали. – Турма ва жиннихоналар йўқолади, тўғри, сиз айтганингиздек ҳақиқат ҳам юзага чиқади-ю, лекин нарсаларнинг асли ўзгармайди-да,

габиат конушлари шу ҳолича қолаверади. Ўшанда ҳам одамлар касал бўлади, қарийди, ҳозиргига ўхшаб ўлаверади. Ҳаётингизни ҳар қандай норлоқ ёғду ёритмасин, ахир бир кун сизни тобутга солиб, оғзини михлаб, чуқурга ташлайдилар.

– Абадийлик-чи?

– Бе, кўйсангиз-чи!

– Сиз ишонмайсиз-ку, майли, мен ишонаман. Ё Достоевскийда ё Вольтерда, кимдир битгаси: агар худо бўлмаганида уни одамларнинг ўзи ўйлаб чиқарар эди, дейди. Агар абадийлик йўқ бўлса эртами-кечми инсоннинг буюк акли уни ўйлаб тонади, мен шунга қаттиқ ишонаман.

– Маъқул гап, – деди Андрей Ефимич, кайфи чоғ бўлганидан кулимсираб. – Сизнинг ишонганингиз яхши. Бундай ишончи бўлган одам девор орасига шуваб ташланганда ҳам яшаши мумкин. Сиз бирон ерда билим олган эдингизми?

– Ҳа, мен олий мактабда ўқир эдим, лекин тамомлаган эмасман.

– Сиз фикр қиладиган чуқур мулоҳазалик одамсиз. Ҳар қандай шароитда яшасангиз ҳам ўзингизни юпата оласиз. Ҳаётни яхши аниқлаш аниқладиган чуқур ва озод фикр ҳамда дунёнинг бўлмағур икир-чикирига бутунлай нафрат билан қарашлик – мана шу икки неъматдирки, инсон бундан буюк нарсани кўрган эмас. Гарчи сиз уч қават темир панжара ичида пинҳон бўлсангиз ҳам унга эриша оласиз. Диоген бочкада яшаган, шунда ҳам ер юзиданги ҳамма подшоҳлардан бахтли бўлган.

– Диогенингиз аҳмоқ эди, – деди Иван Дмитрич кайгули оҳанг билан. – Нега менга Диоген, яна қандайдир ҳаётни яхши англашлар ҳақида сўзлаясиз? – деди у тўсатдан энсаси қоғиб ва пргиб турди. Мен ҳаётни севаман, эҳтирос билан севаман! Мени биров таъқиб қиладиган деган дардга мубғаломан, мудом қаттиқ қийнайдиган кўрқув чанғалидаман, лекин шундай дақиқалар ҳам бўладики, ҳаётга ташна бўламан, ана шунда жинни бўлиб қолишдан кўркаман. Жуда янагим келади, жуда!

У хаяжон ичида бир йўл палатанинг у бошига бориб келди-да, товушини пасайтириб:

– Ҳаёл сурганимда кўзимга алланималар кўринади. Олдимга қандайдир одамлар келади, қулоғимга чолғу овозлари эшитилади, назаримда, қандайдир ўрмонларда, денгиз бўй-

ларида юргандек сезаман ва ҳаётнинг икир-чикирлари, ҳаракатлари билан жуда банд бўлгим келади... Айтиб беринг-чи, қачин, у ёқда қандай яшиликлар бор?.. – деб сўради Иван Дмитрич. – Нима гаплар?

– Сиз шаҳар тўғрисида сўраётирензми? Ё умуманми?

– Майли, аввал шаҳар тўғрисида сўзлаб беринг, сўнг умуман.

– Нима бўларди? Шаҳарда киши бениҳоят зерикади... бир оғиз сўз қотгудай, ё сўзга кулок солгудай одам йўқ. Яши келган одамлар ҳам йўқ. Айтмоқчи, яқинда Хоботов деган ёш доктор келди.

– У мен борлигимда келган эди. Қалай, бинга аблахдир-да?

– Ҳа, маданиятсиз одам. Биласизми, шуниси кизикки... Умуман қараб турсангиз, пойтахтимизда ақл-идроқда турғунлик йўқ, ҳаракат бор, – демак, у ерда ҳақиқий одамлар ҳам бўлиши керак, лекин негадир бу ерга ҳар гал шундай одамларни юборишадикки, кўрмасам дейсан киши. Бахтсиз шаҳар!

– Тўғри, бахтсиз шаҳар! – деб чуқур нафас олди Иван Дмитрич ва кулиб юборди. – Умуман-чи? Газета, журналларда нималар ёзилаяпти?

Палата қоронғилашиб қолган эди. Доктор ўрнидан туриб чет элларда ва Россияда нималар ёзаётганлари, ҳозир қандай фикрий оқимлар борлигини сўзлай бошлади. Иван Дмитрич гоят диққат билан тинглаб ва саволлар бераётганди, лекин гўсатдан бир мудҳиш иш ёдига тушгандай бошини ушлади ва докторга орқасини ўгириб ётиб олди.

– Нима бўлди сизга? – деди Андрей Ефимич.

– Энди сиз мендан бирон оғиз ҳам сўз эшитмайсиз! – деди Иван Дмитрич кўрсак килиб. – Кўйинг мени?

– Сабаб?

– Айтдим-ку; кўйинг! Мунча энди?

Андрей Ефимич кифтларини учирди, ух тортиб, чиқиб кетди. Дахлиздан ўтаркан:

– Шу ер бир тозалансайди, Никита... Жуда сасиб кетибди! – деди.

Хўп бўлади, жаноби олиёлари.

«Қандай ёқимли йиғит! – деб ўйлади Андрей Ефимич уйига кела туриб. – Шу ерда турганимдан буён гал-сўзга тушуна-

диган одамни учратганим шу бўлса керак. У мухокама қила олади ва зарур нарсаларга кизикади».

Китоб ўқиётганда ва ётар вақтида ҳам Иван Дмитрич ҳақида ўйлади, эртасига эрталаб уйғониб, кеча ақлли ва ажойиб йиғит билан танишгани ёдига тупди, иложини топса яна унинг ёнига бир кириб чикишга жазм қилди.

## Х

Иван Дмитрич худди кечасидек вазиятда, бошини қўллари орасига олиб, оёқларини гужанак қилиб ётганди. Юзи кўринмас эди.

– Салом дўстим, – деди Андрей Ефимич. – Ухлаётганингиз йўқми?

– Аввало мен сизнинг дўстингиз эмасман, – деди Иван Дмитрич ёстикка юзини босиб ётганича, – иккинчидан бехуда уринаётирсиз: мендан бирон оғиз ҳам сўз эшитолмайсиз.

– Қизик... – деди Андрей Ефимич хижолат тортиб. – Кеча бир яхши, тотувлик билан сўзлашаётган эдик, лекин нимагадир тўсатдан хафа бўлдингиз ва суҳбатни тўхтатиб қўйдингиз... Оҳтимол, оғзимдан бирон ношоёи сўз чиқдим, ё бўлмаса, сизнинг ақидангизга тўғри келмайдиган фикрни айтиб қўйдимми...

– Шунақа денг, ишондим қўйдим-да, а, сизга? – деди Иван Дмитрич бошини кўтариб, ҳаяжон ичида истехзо билан докторга қараб; унинг кўзлари кизарган эди. Жосуселикни, сир олишни бошқа жойга бориб қилинг, бу ерда кетмайди. Нима учун келганингизни кечаёк билган эдим.

– Қизик хаёл! – деди доктор жинмайиб. – демак, сизнинг билишингизча мен жосус эканманда?

– Ҳа бўлмаса-чи... мен унинг қўлига синаш учун топширилганимдан кейин докторми – жосусми – барибир.

– Э-ҳа, ҳали ҳақиқатан афв этингиз... Тенгак экансиз-ку!

Доктор унинг кровати ёнидаги курсичага ўтирди-да, уни айбсизиб бош чайқадди.

– Хўн, айгайлик, сиз ҳақли бўлинг, – деди у, – айтайлик, мен мунофиқлик қилиб сизни сўздан тутиб полицияга бермоқчиман. Сизни камокқа олишсин, сўнг суд ҳам қилишсин. Хўн,

ўша судла ва турмада сизга шу ерлагидан ёмон бўладими? Агар бошқа шаҳарга, хатто сургунга юборсалар шу хужрада ўтиришингиздан ёмонми? Менимча, ёмон эмас... Демак, нимадан кўрқасиз?

Афтидан, бу сўзлар Иван Дмитричга таъсир қилди шеклиди, секин туриб ўтирди.

Соат кечки беш эди, - бу Андрей Ефимич одати бўйича ўз уйида хонадан хонага ўтиб юрадиган ва Дарьюшка ундаи, пиво ичадиган вақтингиз бўлмادими, деб сўрайдиган кез эди. Эшикда ҳаво соф, сокин эди.

- Мен овқатдан сўнг айланиб келиш учун чиққан эдим, хузуригизга киргим келди, - деди доктор. - Баҳор бўлиб қолди.

- Ҳозир қайси ой? Мартми? - деб сўради Иван Дмитрич.

- Ҳа, мартнинг охири.

- Ҳовли лойдир?

- Йўқ, унча лой эмас. Боғ йўллари селлиб қолган.

- Энди аравага тушиб бирон ерга, шаҳардан ташқарига чиқсам, - деди Иван Дмитрич кизарган кўзларини уйқудан турган одамдай ишқаб, - сўнг уйим, иссиқкина, саранжом-сарингта кабинетимга қайтиб келиб... кейин тузукрок докторга бошпоғрикни даволатсам... кўндан бери инсонларча яшаганим йўқ. Бу ер жуда ёмон! Чилаб бўлмаслик даражада ёмон!

Кечаги васвасадан кейин чарчаган, ланж ва анча хафсаласизлик билан сўзлар эди. Бармоқлари титрар ва юзидан бошининг каттик оғриётгани биллиниб турарди.

- Иссиқкина, саранжом-сарингта кабинет билан шу палатанинг ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, - деди Андрей Ефимич. - Кишининг хузуру-халовағи ташқи шаронгта эмас, унинг ўзида бўлади.

Яъни?

Оддий одамлар роҳатни ёки азобни ташқи шаронгдан, масалан, аравадан, кабинетдан, фикр этувчи киши эса ўзидан кутади.

Боринг, бу фалсафани Грецияда тарғиб қилиш, у ер иссиқ ва номеране ҳидида тўла, бу ернинг бод-ҳавоси тўғри келмайди. Ким билан Диоген ҳақида сўзлашган эдим? Сиз билан бўлса керак?

Ҳа, кеча мен билан.

– Диоген кабинет ва иссиқ уйга мухтож бўлган эмас; у ерда буларсиз ҳам иссиқ. Бочкага туш-да, апельсини ва зайтуни меваси еб ётавер. Агар Россияда туришга тўғри келганда борми, декабрда эмас, май ойида ҳам уй талаб бўлиб қоларди-ку. Совуқ бундоқ ҳам асар қилсинки...

– Йўк. Совуқни ва умуман барча оғриқларни ҳам сезмаслик мумкин. Марк Аврелей «оғриқ – одамнинг оғриқ ҳақидаги тушунчаси, ироданини кучайтириб, мана шу тушунчани ўзгартир, орқага ташла, полишни тўхтат, оғриқ йўқолади» дейди. Ҳақ гап. Дошшманд ёки умуман фикр қилувчи, мулоҳазали одам, фақат азобдан нафратланиши билан бошқалардан фарқ қилади; у доим мамнун ва ҳеч нарсага таажжубланмайди.

– Демак, мен азоб чекканим, порозилик билдирганим ва инсон разиллигига таажжубланганим учун аҳмоқ эканман-да.

– Бу гапларингиз ортикча. Агар сиз дурустроқ ўйлаб кўрсангиз, бизларни таҳликага соладиган сиртки нарсаларнинг қанчалик арзимаслигини англаб оласиз. Ҳаётни англаб олишга интилиши керак, – ҳамма бахт – ана ўшанда.

– Англаш... – деб юзларини буриштирди Иван Дмитрич. – Сиртки, ички... Кечиринг, мен буни тушунолмайман. Фақат шуни биламанки, – деди у ўршидан тураркан, ғзаб билан докторга қараб, – шуни биламанки, худо мени иссиқ қон ва асаблардан яратган, шундай! Органик тўқима агар янашга қобилиятли бўлса, сиртдан бўладиган ҳар бир таъсирга эътибор бериши керак. Мен эътибор қиламан! Оғриққа – долаш ва йинлаш билан разилликка – нафрат, қабихликка – ғзабланиши билан жавоб қиламан. Менимча, ҳаёт деб асли ўзи мана шуларни айтилса керак. Организм нақадар таракқий топмаган бўлса, шу қадар сезгирлиги оз ва ташқи таъсирга шунчалик сует жавоб қилади, қанчалик таракқийланган бўлса, шунчалик сезгир бўлиб, воқеликка тез ва ғайрат билан эътибор қилади. Шуни ҳам билмай бўладими? Доктор-ку, шунқадар оддий нарсаларни билмайди! Азоб чекишга нафрат билан қарамаслик учун, доим мамнун бўлишлик учун, ҳеч нарсага ҳайрон қолмаслик учун мана шундай ҳолга тушмоқ керак, – деди Иван Дмитрич, вужудини ёт босиб, семриб кетган мужикни кўрсатиб, – ёки киши ўзини азоб билан шундай нишигини керакки, ҳар қандай сезини қобилияти йўқолсин, яъни бошқача қилиб айтганда,



яшамай кўйиши керак. Кечиринг, мен на мутафаккирман, на файласуф. — деб давом этди Иван Дмитрич тулакиб. — ва бу тўғрида ҳеч нарса тушунмайман. Фикр юритишгадай ҳолим йўк.

Аксенича, фикр юритишишигиз жуда соз.

Сиз кудили равишда тақлид қиляётган стоиклар<sup>1</sup> анча дуруст одамлар эди, лекин уларнинг таълимоти буидан икки минг йил олдин бир жойда қотиб қолди, бир қадам ҳам олдинга силжигани йўк ва силжимайди, чунки ҳаётга татбиқ қилиб бўладиган қулай таълимот эмас. У фақат бутун умрини ўлиб-толиб турли таълимотларни ўрганиш, қотиб кўриш билан ўтказадиган *озчилик* ўртасида *шухрат қозона* олди, кўичилик унга тушунолмади. Бойликка, ҳаётдаги қулайликларга лоқайликликни ва азобга, ўлимга нафрат билан карамасликни тарғиб қилувчи таълимотга кўпчилик мутлақо тушунмайди, чунки бу кўпчилик ўз ҳаётида бойлик нима, турмушдаги қулайлик нималигини ҳеч қачон билган эмас; азоб чекнишга нафрат билан карамаслик улар учун ҳаётга нафрат билан қараш деган гап, чунки ишонинг вужуди очлик, яланғочлик, алам, айриликни сезишдан ва гамлетчасига ўлимдан кўркишдан иборат. Ҳаёт мана шу сезиларда: уш оғир кўришлик, ёқтирмаелик мумкин, лекин ундан нафратланиб бўлмайди. Мана шундоқ, такрор айтаманки, *стоикларнинг таълимоти* ҳеч қачон юзага чиқмайди. Ахир кўриб турибемизки, дунё пайдо бўлгандан то шу қушгача қураш, оғрикка сезирлик, четдан бўлган таъсирга жавоб қайтарин қобилияти ўсиб бормоқда...

Иван Дмитрич бирдан фикрининг арқонини йўқотиб кўйдиди-да, хуноб бўлиб, пешонасини ишқади.

Бир муҳим нарса айтмоқчи эдим, аданиб кетдим, — деди у. — Нима эди? Ҳа! Шун айтмоқчи эдим: стоиклардан биттаси ўзининг яқин бир одамни ажратиб олишлик учун кул бўлиб сотилган. Буни қараш, демак стоик ҳам сиртдан бўлган таъсирга эътибор қилибди, яқин қишини учун жондан кечишликдек *озижаноб* шини қилиш учун азобга қарши кўзгалувчан, раҳмдил бўлмоқ керак. Бу турмада ўқиб билганларимни ҳам эсимдан чиқариб қўйдим. Бўлмаса яна бирон нарсани хотирлар эдим. Исои олсак-чи? Исо вокиликка йнглаш, қулиш, қай-

<sup>1</sup> Стоицизм (фалсафаси муҳиблари) — ҳаёт кийинчиликлариин мардлик билан енгувчилар. (М.х.)

ғуриш, аччигланиш, хагто ғусса чекиш билан жавоб килган; у азобга карши кулиб борган эмас ва ўлимга ҳам нафрат билан караган эмас, Гефеиман богида мени бу бало-казодан сақта деб ибодат килган-ку.

Иван Дмитрич кулиб юборди-да, ўтирди.

– Фараз килайлик, инсоннинг хузур-халовати четда эмас, унинг ўзида бўлсин. Леги у. Фараз килайлик, азоб чекишга нафрат билан карайлик-да, ҳеч нарсага ҳайрон қолмайлик. Хўш, сиз нимага асосланиб буни тарғиб қилаётирсиз? Сиз допинимандмисиз? Файласуфмисиз?

– Йўқ, файласуф эмасман, аммо бу нарсани ҳар бир киши тарғиб қилиши лозим. Чунки бу оқилона гап.

Йўқ, мен шуни билмоқчиманки, нега сиз англаб олинч, азоб чекишга нафрат билан қаран сингари масалаларда ўзингизни билимдон ҳисоблайсиз? Сиз азоб чекиб кўрганмисиз? Азоб нималигини биласизми? Кечирасиз, болалигингизда сизни савалашганми?

Йўқ, менинг ота-онам уриб жазолашни ёмон кўрарди.

– Отам мени аямай урар эди. Менинг отам баджаҳл, бўйнигача сарғайиб кетган, сўррайган, кирра бурун, бавосил бир мапеабдор эди. Қани, сизнинг тўғришигизда сўзлашайлик. Умришигизда сизни биров чертаган эмас, ҳеч ким кўрқитиб, юрагингизни олиб қўйган эмас, букадек соғломсиз. Отангизнинг бағрида катта бўлгансиз ва унинг пулига ўкигансиз, сўнг дарҳол иши оз, даромади зўр ўришга ўтириб олгансиз. Йигирма йилдан ортиқ тайёр хизматчиси ўтин-чўши, чирогигача текип уйда яшагансиз. Бунинг устига қанча ва қандай ишлаш ёки ҳеч иш қилмаслик ўз ихтиёришигизда бўлган. Ўзингиз табиатан ялқов, цўк одамсиз, шунинг учун ҳам турмушишигизни ҳеч нарса безовга қилмайдиган ва жойдан қўзғатмайдиган қилиб тузгансиз. Ишни фельдшер ва ўшанга ўхшаш аблаҳларга топшириб, ўзингиз несиккина тинч уйда ўтириб, пул йиғиб, китоб ўқиган бўлиб, ҳар хил бўлмағур юксак фикрларнинг ва (Иван Дмитрич докторнинг кип-қизил бурнига қараб олди) ичкиликнинг қайфини сургансиз. Қисқаси, сиз ҳаётни кўрмагансиз ва мутлақо билмайсиз ҳам, воқеликни бўлса фақат назарий равишда биласиз. Азоб чекишга нафрат билан қарашингиз ва ҳеч нарсага таажжубланмаслигингиз сабаби

жуда оддий: ҳаётнинг икир-чикирлари ички ва ташқи ҳаётга, азоб чекишга ва ўлимга нафрат билан қараш, англаб олиш, ҳақиқий саодат – буларнинг ҳаммаси россиялик ялқов учун жуда мос фалсафа. Масалан, бир мужик хотинини урмоқда, сиз унга қараб тураверасиз. Ўртасига тушишини нима кераги бор? Қўявер, ураверсин, эртами-кечми иккови ҳам ўлади, бу-нинг устига ураётган киши уриш билан у одамни эмас, ўзини ҳақорат қилади дейсиз. Ичиб маст бўлиб юриш аҳмоқлик, беодоблик, лекин ичсанг ҳам – ўласан, ичмасанг ҳам – ўласан эмиш. Холиш киши келади, тишим оғрияпти... дейди. Хўш, нима бўпти? Оғрик – оғрик ҳақидаги тушунча, унинг устига бу дунёда касал бўлмайдиган киши, ҳаммамиз ҳам ўламыз, шунинг учун хотин, йўлингдан қолма, меннинг ўйлашимга ва ичкилик ичишимга халақит берма, дейилади-да. Ёш йигит, нима қилиш ва қандай яшаш ҳақида маслаҳат сўрайди, бошқа киши бўлса жавоб беришдан олдин ўйлаб кўрарди, сизнинг жавобингиз тайёр: англаб олишга ёки ҳақиқий саодатга интиля. Бу ҳаётнинг «ҳақиқий саодат» нима? Бунга, албатта, жавоб йўқ. Бизларни бу ерда, панжара ичига қамаб чиритишмоқда, ҳолдан кетгунча азоб беришмоқда, бу жуда яхши ва оқилона иш. чунки шу палата билан яхши ва иссиқ кабинетнинг орасида ҳеч қандай фарқ йўқ эмиш. Қулай фалсафа: иш ҳам йўқ, виждон ҳам соф, ҳам ўзингизни доно одамдай сезасан... Йўқ, афандим: бу на фикр, на фалсафа, на дунёга кенг қарашлик. Бу – ялқовлик, афеунгарлик, алахлаш... Тўғри! – деди-да, Иван Дмитрич яна аччиғланди. – Азоб чекишга нафрат билан қарамайсиз, агар бармоғингизни эшик қисиб олгундай бўлса, товушингизнинг борица додлар эдингиз!

– Борди-ю, додламасам-чи! – деди Андрей Ефимич салгина жилмайиб.

– Шундайми, додламасиз-а! Мана, агар бирдан фалаж бўлиб қолсангиз ёки биронта аҳмоқ, сурбет ўзининг мансаби ва амалидан фойдаланиб, халқ ўртасида сезни ҳақорат қилса ва унга ҳеч қандай жазо берилмаслигига кўзингиз етса, – ана унда бошқаларни ҳаётни англаб олишга ва ҳақиқий бахтга йўллаш нимадигини билиб кўяр эдингиз.

– Бу кизик гап, – деди Андрей Ефимич завк билан кулиб ва кўзларини бир-биринга ишқадн. – Сизнинг шу зайл хулоса

чиқаришларингиз менга жуда ёқади, ҳалигина менга жуда қойил қолдирадиган баҳо бердингиз. Тўғрисики айтсам, сиз билан суҳбатлашни менга гоҳат катта роҳат бахш этади. Хўб, мен сизнинг сўзларингизни тингладим, энди сиз ҳам меннинг сўзларимга қулоқ солинг...

## XI

Бу суҳбаг яна бир соатча чўзилди ва, афтидан, Андрей Ефимичга қаттиқ таъсир қилган бўлса керакки, ҳар кули шу ерга келадиган бўлиб қолди. У эрталаб ва овқатдан кейин келар, кўпинча қоронғи тушгунча ҳам Иван Дмитрич билан суҳбатлашиб ўтирарди. Дастлабки кунларда Иван Дмитрич ундан ўзини тортар ва ёмон шаяг билан келиб юрибди, деб шубҳаланиб, уни ёқтирмаслигини очикдан-очик айтар эди, кейинчалик ўрганиб қолди ва кўрс сўзликнинг ўрнига сал аяб, истехзо аралаш муомала қиладиган бўлди.

Тез кундаёқ касалхонага доктор Андрей Ефимич олтинчи рақамли палатага кириб юрар эмиш, деган овоза тарқалди. На фельдшер, на Никита, на касалларга қаровчи аёллар – ҳеч ким, унинг нима учун у ерга киришнинг, неча соатлаб у ерда қолиб кетишининг, нима ҳақида сўзлашганининг ва нега дори ёзиб бермай чиқиб кетишининг тағига етолмасди. Унинг бу қилиғи жуда ажиб туюлар эди. Михаил Аверьянич ҳам, кўпинча уни уйдан тополмайдиган бўлиб қолди, янаги ҳеч буидай бўлмасди; докторнинг маълум соатда пиво ичмаётганлигидан, баъзан ҳатто овқатга ҳам кечикиб келишидан Дарьюшка ҳам довдираб қолганди.

Бир кун, июннинг охирларида доктор Хоботов қандайдир бир ин билан Андрей Ефимичнинг олдига келди; уйдан тополмагач, ҳовлидан излай бошлади; кекса докторнинг рухий касалларнинг ёнига кириб кетганини ўша ердагилар айтишди. Хоботов у ерга борди ва даҳлизда туриб, шу сўзларни эшитди:

– Бизлар бир-биримизни ҳеч қачон англай олмаймиз ва мени ўз масаланингизга тўтиш қўлингиздап келмайди, – дерди Иван Дмитрич қизишиб, -- воқелик билан мутлақо таниш эмассиз, ҳеч қачон азоб ҳам чекмагансиз, фақат зулук сингари, бошқалар азоб чекаётган жойда туриб, тўйгансиз. Мен бўлсам туғилганимдан то шу дамгача муттасил азоб чекиб келаман.

Шунинг учун очини айтаман: мен ўзимни сиздан устун ва хар тўғрида муътабаррок деб ҳисоблайман. Менга ўрнатмай кўя қолинг.

– Менда сизни ўз маслагимга тортай деган ҳаёли мушакко йўқ, – деди ескинигина Андрей Ефимич, унинг англашни истамагани учун оғрингандай бўлиб. – Гап бунда ҳам эмас, дўстим. Гап сиз азоб чекиб, мен челмаганимда эмас. Азоб чекишлар, хурсандчиликлар ўтиб кетадиган нарса; кўйини, худо уларга ёр бўлсин... Гап шундаки, бизлар фикр юргизамиз ва бир-биримизда муҳокама қилишга, фикр юргизишга қобилиятли одамларни кўрмоқдамиз, ана шунинг ўзи, маслагимизнинг турли бўлишига қарамай, бизларни фикрдош қилади. Қошқи, сиз умумий аҳмоқчилик, қобилиятсизлик, бефахмлиқнинг жопимга қандай текканини ва хар гал сиз билан қандай шодланиб суҳбатлашишимни билсангиз эди, дўстим! Сиз ақлли одамсиз, сизнинг ёнингизда роҳат қиламан.

Хоботов эшикни сал қия очди-да, палатага қаради; қалпоқ кийган Иван Дмитрич билан доктор Андрей Ефимич тўнақда ёлма-ён ўтирарди. Жинни юзларини буриштиради, ессаканар ва беихтиёр халатга ўраларди, доктор бўлса жимгина, бошини қуйи солиб ўтирарди, унинг юзи кин-қизил, умидсиз ва ғамгин эди. Хоботов елкаларини учирди, кулди ва Никита билан кўз уриштирди. Никита ҳам елкаларини учирди.

Эртасига Хоботов фельдшер билан бирга келди, иккаласи ҳам дахлизда туриб қулук солишди.

– Чолимиз бутунлай айниб қолганга ўхшайди-ку! – деди Хоботов, у ердан чиқаркан.

Ё раббий, биз гунохкорларни ўзинг кечир! – деди чуқур нафас олиб олифта Сергей Сергееч, ялтирагунча пардозланган этикларига лой тегизмаслик учун кўлмак сувдан эҳтиёт билан ўтаркан, – тўғриси айтсам, ҳурматли Евгений Федорич, мен кўндан бери шундай бўлишни кутган эдим! – деди.

## XII

Шундан кейин Андрей Ефимич атрофида қандайдир сирли бир ҳол сеза бошлади. Қасалхонада хизмат қилувчи эркаклар, қасалларга қаровчи аёллар ва қасаллар унинг билан учрашганда савол назари билан боқишар, сўнг ивир-шивир сўзлашарди.

Позирнинг кизи Маша ҳам касалхона боғида учраб қолганда, Андрей Ефимич одатдагича унинг бошидан силамоқчи бўлиб, кулимсираб ёнига борса, негадир қочадиган бўлиб қолди. Почта мудирини Михаил Аверьянч унинг сўзларига кулок соларкан ортик: «хак гап» демасдан, англаб бўлмайдиган бир хижолат ичида, «Ҳа, ха, ха...» дер эди, ўйчанлик ва қайғу билан унга боқарди; шима учундир у дўстига ичкиликни ташлаш керак, деган маслаҳатин бера бошлади, лекин одобли одам бўлгани учун очик айтолмасдан гоҳ бир батальон командири бўлган яхши одам тўғрисида, гоҳ полк попи бўлган дуруст йигит тўғрисида гап келтириб, уларнинг ҳам ичиб касал бўлганликлари, лекин ичкиликни ташлаш билан бугундай тузалиб кетганлари тўғрисида шама қилиб сўзлар эди. Икки-уч марта Андрей Ефимичнинг уйига ҳамкаеби Хоботов ҳам келиб кетди; у ҳам ичкиликни ташлашни ва ҳеч қандай сабаб йўқлигига қарамай, бромли калий ичишни буюрарди.

Август ойида Андрей Ефимич шаҳар бошлиғидан жуда зарур иш юзасидан келиб-кезиниши илтимос қилиб ёзилган хат олди. Андрей Ефимич тайинланган вақтда маҳкамага борса, у ерда ҳарбий ишлар бошлиғи, уезд ўқув юртининг позирини, шаҳар маҳкамаси аъзоси бўлмиш бир киши, Хоботов ва яна тўладан келган сарғиш сочлик қандайдир бир одам ҳам бор экан, бу кишини унга доктор деб таништирди. Бу айтилиши қийин полякча фамилияли доктор, шаҳардан ўттиз чакирим нарида от заводида тураркан ва шаҳарга йўлақай тушган экан.

Сизларнинг ичингизга тегишли бир ариза бор, – деди маҳкама аъзоси Андрей Ефимичга, ҳамма кўришиб бўлиб, стол атрофига ўтиргандан кейин. – Мана, Евгений Федорич айтадиларки, катта корпусда аптекага жой торлик қилаётир, шунини уйлардан биттасига кўчирсак дейдилар. Бу, албатта, ҳеч гап эмас, кўчириниш мумкин, лекин асосий масала – уйни таъмир қилиш.

– Ҳа, таъмир қилинмаса иложи йўқ, – деди Андрей Ефимич ўйлаб кўриб. – Агар, масалан, бурчакдаги уйни аптекага мувофиқлаштирак, меннинг билишимча унга камида беш юз сўм керак, самарасиз чиқим.

Бироз жим қолди.

- Мен бундан ўн йил мукалдам, – деб давом қилди Андрей Ефимич, охишта овоз билан, – бу касалхонани ҳақиқий ҳолида асрашга шаҳарнинг кучи етмайди деб айтган эдим. Ўзи қиркинчи йилларда солинган, ахир у вақтдаги сармоя бошқа эди. Шаҳар бефойда иморатлар ва ортикча мансаблар учун жуда кўп пул сарф қилади. Менинг ўйлашимча, тартиб бошқачароқ бўлганда эди, шу пулларга иккита намунали касалхона қилиб қўйиш мумкин эди.

– Қани, бўлмаса ўша бошқача тартибни қилайлик! – деди тезлик билан маҳкама аъзоси.

– Мен ашлақачонлар айтган эдим: тиббий бўлимни земство ихтиёрига топширинг.

– Шундайми, пулни земство ихтиёрига топширинг, у ўғирласачи. – деб қулди сарғиш сочли доктор...

– Бу аниқ, – деб ҳалигининг фикрига қўшилди маҳкама аъзоси, у ҳам қулди.

Андрей Ефимич сарғиш сочли докторга эришчюклик билан маъносиз бир назар ташлади ва:

– Инсоф керак, – деди.

Яна жим қолишди. Чой келтирилди. Пимагадир жуда хи-жолат тортган ҳарбий ишлар бошлиғи, стол устидан қўлини чўзиб, Андрей Ефимичнинг қўлини ушлаб қўйди ва қулиб:

- Бизларни жуда упутиб юбордингиз, доктор, – деди. – Шуниси борки, таквадорсиз: карта ўйнамайсиз, хотинларни ёқтирмайсиз, бизларнинг орамизда зерикиб ҳам қоласиз-да.

Ҳаммалари бирдан, дуруст одам учун бу шаҳарда туриш оғирлиги ҳақида сўзлаб кетдилар. На театр бор ва на мусиқа бор, сўнгги марта бўлган танца кечасида йингирмага яқин дама ва иккитагина кавалер бўлди. Ёшлар танца тушмайди, ҳаминша буфетда уймалашади ёки карта ўйнайди, дейишди. Андрей Ефимич ҳеч кимга карамай, ишонилмасдан секингина сўз бошлаб, шаҳар халқи ўз қуввати, юраги ва ақлини картага ва ғийбатга сарф қилиши жуда-жуда ачинарлик ҳол эканини, вақтини қизик суҳбатлар ва ўқиш билан ўтказишни билмаслигини ва буни истамаслигини, яна ақл орқасида келадиган лаззатлардан фойдаланишни истамаслигини таъкирди. Ёлғиз ақлига гўзал ва яхши нарса, бошқа ҳаммаси майда ва тубан нарсалар, деди. Хоботов ҳамкасбини сўзларини диққат билан тинглаб туриб, тўсатдан:

Андрей Ефимич, бугун нечанчи кун? – деб сўради. Жавоб олгач, у билан бирга сарғиш соч доктор, ўз нўноқлигини биллиб турган имтиҳон олувчилардек, Андрей Ефимичдан бугун қайси кун, бир йилда неча кун бор ва олтинчи ракамли палатада ажойиб пайғамбар борлиги ростми деб сўради.

Сўнги саволга жавоб бераётганда Андрей Ефимич кизариб кетди ва:

Ха, у касал, лекин ажойиб йингит, – деди.

Унга бошқа ҳеч қандай савол беришмади.

У дахлизда пальтосини кияркан, ҳарбий ишлар бошлиғи Андрей Ефимичнинг елкасига кўлини тапплади ва ух тортиб:

Биз, кексалар энди дам олсак ҳам бўлади! – деди.

Маҳкамадан чиқа туриб Андрей Ефимич булар унинг эс-хушини текширгани тузилган комиссия эканлигини аниқлади. У ўзига берилган саволларни эслади ва қизариб кетди, негадир ҳаётида биринчи марта таъабат илмининг аҳволни қаттиқ ачшди.

«Ё раббий, – деб ўйлади у, врачларнинг ҳозиргина уни қандай текширганларини эслаб, – ахир улар яқиндагина рухий хасталикларни ўқиб, имтиҳон беришган-ку, бу қадар подонлик қасрдан келди? Рухий хасталик нима эканлигини билмайдилар-ку, ахир!»

У ҳаётида биринчи мароғабга ўзини ҳақоратланган ва таъабланган ҳолда кўрди.

Ўша кунёк кечкурун унинг уйига Михаил Аверьянович келди. Почта мудирини саломлашмасданок унинг ёнига борди-да, ники кўлидан ушлаб, қалдирок товуш билан:

– Азизим, дўстим, менинг кўнглим яқинлигинга ишонинишингизни ва ўзингиз ҳам мени дўст деб ҳисоблашингизни ишот қилинг... Дўстим! – У Андрей Ефимичга сўз бермасдан, хаяжонланиб давом қилди: – мен сизни илмли ва софдил бўлганингиз учун севаман. Сўзларимга кулок солинг, азизим. Фақат кондалари докторларни сиздан ҳақиқатни яширишга мажбур қилади, лекин мен ҳарбийчасига тўғриси шартга айлиб қўя қоламан: сиз саломат эмассиз! Кечиринг мени, дўстим, тўғриси шу, буни алақачонлардан бери атрофингиздагиларнинг ҳаммаси сезган. Ҳозиргина доктор Евгений Федорич менга, сизнинг соғлигингиз учун яхшиси дам олиш ва кўнгли очиш



зарурлигини айтди. Жуда тўғри! Жуда соз! Тез кун ичида мен таътил оламан ва бироз бошқа ҳавони ҳидлаб келгани кетаман. Дўстим эжанлигини тизини кўрсатинг, бирга кетайлик! Борайлик, ёшлик даврини эсга солиб, айланиб келайлик.

Мен ўзимни жуда соғлом сезаман, – деди Андрей Ефимич ўйлаб туриб. – Боринимнинг иложи йўқ. Рухсат этсангиз, дўстлигимни қандай бўлмасин бошқача қилиб билдира қолай.

Нима учун кетаётганини билмасдан, қаёқларгадир кетини, китобсиз, Дарьюшқасиз, пивосиз, 20 йилдан буён ўрнианиб қолган ҳаёт тартибини бирдан бузини, – бундай фикр биринчи дақиқада унга ажиб ва ҳаёлий бир гандай туюлди. Лекин маҳкамада бўлиб ўтган гапларни, у ердан келаётганида кечирган оғир ҳолатини эслади ва уни жиннига чиқариб қўйган аҳмоқ одамлар яшаётган шаҳардан бироз вақт узоклашини керак деган фикр ёққандай бўлди.

– Қани, ўзингиз қаёққа бормокчисиз? – деди.

Москвага, Петербургга, Варшавага... Варшавада ҳаётимнинг бахтли беш йилини ўтказганиман. Қандай ажойиб шаҳар! Кетайлик, азизим!

### ХIII

Бир ҳафтадан кейин Андрей Ефимичга дам олишни, тўғриси билдан бўшаб кетини таклиф қилинди, булга у анча бепарво қаради, яна бир ҳафтадан кейин Михаил Аверьянич билан иккови шалдироқ аравага тушиб, яқинроқдаги темир йўл станциясига қараб йўл ҳам олинди. Қушлар салқин, ҳаво очик, кўк юзи зангори бўлиб, узок жойлар кўринар эди. Станциягача бўлган икки юз чақирим йўзини икки кунда босинди ва йўлда икки марга кўпинди. Бекагларда чой ичгани яхши ювилмаган стакан берилса ёки тарагасга имиллаб от қўшилса, Михаил Аверьянич қипқизариб кетар ва бутун вужудини қалтирок босиб: «Товушингни ўчир!», «Маҳмадонаник қилма! деб қичқиради. Тарагасда бўлса, бир дақиқа тинмасдан ўзининг Кавказга ва Польша подшолигига борганларини сўзларди. Нақадар ажойиб ҳодисалар, қандай учрашувлар! У шаниллаб сўзларқан, кўзларида шундай бир хайронлик аломати пайдо бўлардики, қили бу одам ёлгон сўзлаётир деб ўйлар эди.

Униш устига, ганшаркан, тўғри Андрей Ефимичнинг юзига караб дам урар, кулоғининг тагида каҳқахлаб куларди. Бу хол докторни сикар, ўйлашга ва хаёлини бир жойга тўйлашга хашал берарди.

Темир йўлда бўлса иктисод қилиб, учинчи классга, на-широс чекмайдиганлар вагонига тушинди. Йўловчиларнинг ярми тоза кийим кийган одамлар эди. Михаил Аверьянич тез орада ҳамма билан танишиб олди ва скамейкадан скамейкага ўтиб, шаниллаб, бу ярамак йўллардан юрини керак эмас, деб сўзлади. Қай томонга қарасанг муттахамлик! Отга мишиб юришга нима егени: кунига юз чакиримдан йўл босасан-да, кейин ўзини тетик ва соғлом сезасан. Бизда ҳосил битмаслик, Цинский боткоқинини куришиб юборганларидан бўлаётир. Умумап тартибсизлик муҳим даражада.

У кизишиб, шаниллаб сўзлар ва ҳеч кимга гал бермас эди. Бу ора-чора каҳ-каҳ урин билангина бўлинадиган бит-мас-туғашмас бемаъни сўз, ифодали нмо-шпоралар Андрей Ефимичнинг тинкасини курибди.

«Қайен биримиз жиншимиз? - деб ўйларди у, диққати ошиб. Йўловчиларни бирон иш билан безовга қилмасликка тиришаётган менми, ё ўз хузурини кўзловчи, бу ерда иларини хаммасидан ўзини ақлпроқ ва аломатроқ деб ўйлайдиган, шунинг учун ҳам ҳеч кимга тишчилик бермаётган умми?»

Москвада Михаил Аверьянич доғонсиз харбий еяртук ва ён чокларига кизил кўйиб тикелган шим кийди. Кўчага чикканда харбий фуражка ва шинель кийиб юрар, солдатлар унга честь бериб ўгишарди. Энди Андрей Ефимичнинг назарида у ўзининг қачонлардир бўлган киборлик хулқларининг хамма яхши жиҳатларини йўқотиб, ўзига фақат ёмон жиҳатларини олиб қолган одамга ўхшаб кўришарди. Ҳеч кераги бўлмаган ерда ҳам бировнинг ўзига хизмат қилишини яхши кўрарди. Гугурт рўпарасида, стола ётибди, уни ўзи кўриб ҳам турали-ю, хизматкорга гугуртин олиб бер деб кичкиради; уй ходимасининг олдида тортинмакдан ички кийимда юради; хизматкорларининг хаммасини, фарқ қилмай, хатто кексаларини ҳам сансерайди, жаҳли чикқундай бўлса уларни ёси нает, аҳмоқ деб атайди. Бу ишлар Андрей Ефимичга киборликдай кўринса ҳам, лекин қабиҳликдай туюлди.

Михаил Аверьянич дўстини аввало Иверскоёга олиб борди. У икки букилиб астойдил ибодат қилар, кўзларига ёш олиб ва ибодат қилиб бўлгач чуқур нафас олади-да:

- Ишонмайман-ку, лекин ибодат қилгандан кейин киши тинчлангандай бўлади. Сажда қилинг, азизим, – дейди..

Андрей Ефимич хижолат тортиб санамни ўпади. Михаил Аверьянич бўлса лабларици чўччайтириб, бошини қимирлатиб шивирлаб ибодат қилади, яна кўзларига ёш олади. Ундан кейин Кремлга кетишди, у ерда царь-пушкани<sup>1</sup>, царь-колоколни<sup>2</sup> кўришди ва уларни ҳатто бармоқлари билан ушлашди. Замоскворечье манзарасини завқ билан томоша қилишди, Спаситель ибодатхонасига ва Румянцев музейига ҳам кириб чиқишди.

Тушлик овқатни Тестовнинг ошхонасида ейишди. Михаил Аверьянич чакка соколларини силаганича менюга узоқ вақт қараб ўтирди-да, рестороанларда ҳам ўзини уйда ўтиргандек сезишга ўрганиб қолган пинаванда сиғари:

– Кўрайлик-чи, бизларни нима билан меҳмон қилар экансиз, фариштам! – деди.

#### XIV

Доктор юради-туради, томоша қилади, сйди-ичади-ю. Михаил Аверьянич гашини келтираётганини ҳеч унутолмайди. У ўртоғидан айрилиб, яшириниб қолиуси, танҳо ўзи дам олгуси келади, ўртоғи эса уни ўзидан бир қадам нари юбормасликни ва мумкин қадар кўпроқ унинг кўнглини очишни ўзининг бурчи деб билади. Кўрадиган нарса қолмаганда, унинг кўнглини гап билан очишга уринади. Андрей Ефимич икки кун бирга чиқди. Учинчи кун дўстига касаллигини ва кун бўйи уйда қолиш ниятида эканлигини айтди. Дўсти, агар ундай бўлса, мен ҳам уйда қоламан, деди. Ҳақиқатан дам олиш керак, бундоқ юраверсак, оёқда-оёқ қолмайди, – деди. Андрей Ефимич диванга ётди, орқасини ўгирди-да, тишини-тишига қўйиб, унинг сўзларига кулок солди. Дўсти бўлса, эртамин-кечми Франция, албатта, Германияни тор-мор қилади, Москвада мутгаҳамлар

<sup>1</sup> Царь-пушка - Москвада, қадимги энг катта замбарак.

<sup>2</sup> Царь-колокол - Москвада, қадимги энг катта кўнғирок.

жу да кўн ва оғнинг кўринишига караб унинг яхши жиҳатлари хакида бирор фикр айтиш кийин, деб уни ишонтиришга харакаат қилиб астойдил гапирди. Докторнинг кулоғи битиб, дили ўйнай бошлади, лекин дўстига чиқиб кетнинг ёки гапирманг дейишга назокати йўл кўймайди. Унинг бахтига номерда ўтириш Михаил Аверьяничнинг жонига тегиб, овқатдан сўнг бир айланиб келгани чиқиб кетди.

Ёлғиз қолганидан кейин, Андрей Ефимич яйраб дам олди. Уйда ёлғиз ўзинг эканингни билганинг ҳолда кимирламай диванда ётиш қандай яхши! Ёлғизликдан бошқа бахтнинг бўлиши мумкин эмас. Тубанлашган фарингга<sup>1</sup> эҳтимол фаринглар билмайдиган ёлғизликин истаб худога хиёнат қилгандир. Андрей Ефимич сўнги купларда кўрган ва эшитганлари хакида ўйлай деса, Михаил Аверьянич хаёлидан сира нари кетмас эди.

«Ахир у тавтил олиб мен билан бирга келганида дўстингидан, олихимматанидан келди-ку, – деди доктор, хуноб бўлиб. – Мана шу дўстона ғамхўрлигидан ёмон нарса йўқ-да. Бўлмаса ўзи раҳмдил, олижаноб, хушчакчак одамга ўхшайди-ку, лекин кишини зериктиради, чидаб бўлмаслик даражада зериктиради. Шундай одамлар бўладики, доим маълуми ва яхши сўзларни гапирсаям, лекин бефахмлигини шундай сезиб туради киши».

Бундан кейинги кушларда ҳам Андрей Ефимич касалман деб номердан чиқмай кўйди. У диван суянишига юзини ўгириб ётар, дўсти гап билан унинг кўнлини очини а уришганда сиклар ва чиқиб кетганда дам оларди. Келгани учун ўзидан, яна қушдан-қушга баттар жағи очилиб, серган бўлиб бораётган дўстидан койиниб, хуноб бўларди: фикрини жиддий ва юксак изга солишинг асти иложини тономас эди.

«Мени бир вақтлар Иван Дмитрич айган воқеялик айлантираёттир, – деб ўйларди у, ўзининг фикр-чиқирларга аҳамият беривидан аччиқлаиб. Умуман бўлмағур гаплар... Уйга борсам хаммаси ўз жойига тушиб қолади...»

Петербургда ҳам ахвол шу бўлди: ортадан кечгача номердан чиқмади, диванда ётди, фақат пиво ичганигина ўрнидан турарди.

<sup>1</sup> Нб.мс.

Михаил Аверьянич уни тезрок Варшавага кетишга қистарди.

- Азизим, мен у ерга бориб нима қиламан? – деди Андрей Ефимич ёлвориб. Ёл из бора қолдинг, сиздан сўрайман! Менга рухсат беринг, уйга кетай!

- Асло иложи йўк! – деб қаршилик қилди Михаил Аверьянич. Варшава жуда ажойиб шаҳар. У ерда мен ҳаётимнинг бахтли беш йиллиги ўтказганман!

Ўз айтганини қилишликка Андрей Ефимичнинг иродаси кучезлик қилди ва бўйнидан бойлагандай Варшавага кетди. Бу ерда ҳам номердан чиқмади, диванда ётди, ўзидан, дўстидан ва рус тилини тушунишни айти натамаган хизматкорлардан қойинди. Одатда, соғлом, тетик, хурсанд Михаил Аверьянич бўлса эртдан-кечгача шаҳарни айланар ва эски танишларини ахтарарди. У бир неча марта уйда тунамади. Қаерда тунагани номаълум, бир кечадан сўнг кип-қизил бўлиб, сочлари тўзиган, қаттиқ хаяжонга тушгани ҳолда эрталаб қайтиб келди. Ўзича нималарнидир сўзлаб, узок вақт уйнинг у бошидан бу бошига юргандан кейин тўхтади ва:

- Ҳаммадан ҳам номус керак! – деб кўйди.

Яна бироз юргач бошини ушлади ва даҳшатли товуш билан:

- Тўғри, ҳаммадан ҳам номус керак! Биринчи гал бошимга шу шаҳарга келиш фикри етган дақиқага лаънатлар бўлсин! Азизим, – деди, докторга қараб, – мендан нафратландинг, ютказиб келдим! Менга беш юз сўм бериб туринг!

Андрей Ефимич беш юз сўмни санади ва индамасдан дўстига берди. У уятдан ва ғазабидан хали ҳам қизарган ҳолда ёўлдираб, қандайдир бир бефойда қасамни ичди-да, шапқасини кийиб чиқиб кетди. Икки соатлардан кейин қайтиб келиб, ўзини креслога ташлади ва қаттиқ ух тортиб:

- Номус сакланди! Кетамиз, дўстим! Бу лаънати шаҳарда менинг бир дақиқа ҳам тургим келмайди. Мутгаҳамлар! Австрия жосуслари! – деди.

Дўстлар ўз шаҳарларига қайтиб келишганда ноябрь ойи эди ва кўчаларда қалин қор ётарди. Андрей Ефимичнинг ўрнини доктор Хоботов олган эди; у Андрей Ефимичнинг касалхонага қарангли уйини бўшатиб беришини кутиб хали ҳам эски жойи-



да турар эди. У хизматчим деб юрган хунук жувон, касалхона уйларидан биттасида турарди.

Шахарда касалхона тўғрисида янги ғийбатлар тарқалганди. Айтардиларки, халиги хунук жувон касалхона позири билан уришиб қолган эмиш, нозир жувоннинг олдида тиз чўкиб узр сўраган эмиш.

Андрей Ефимич қайтиб келган кунини ўзига уй излашга тўғри келди.

- Дўстим, – деди почта мудури тортинибгина, – андишасизлик килиб бераётган саволим учун кечиринг: қанча дунёнгиз бор? Андрей Ефимич индамасдан пулларини санади-да:

- Саксон олти сўм. – деди.

- Мен уни сўраётганим йўқ, – деди хижолат тортиб Михаил Аверьянич, докторнинг сўзига тушунолмади. – Умуман қапча деяман?

- Мен ҳам ўшани айтаяпман-да, сизга. Саксон олти сўм... бундан бошқа ҳеч нарсам йўқ.

Михаил Аверьянич докторни ҳалол ва номусли одам деб билгани ҳолда, ҳеч бўлмаса ишғирма мишга яқин сармоёни бор деб ўйларди. Энди бўлса Андрей Ефимичнинг фақирлигини, ҳаёт кечирини ҳам етарлик нарсаи йўқлигини билиб, негадир тўсатдан йиғлаб юборди ва дўстини қучоқлаб олди.

## XV

Андрей Ефимич мешчанка Белованинг уч деразалик чоккина уйида турар эди. Ошхонасини ҳисобга олинмаса, бу уй учтагина хонадан иборат. Деразалари кўчага қараган иккита хонасида доктор турар, ошхона билан учинчи уйда Дарьюшка ва уч боласи билан мешчанканинг ўзи турарди. Гоҳо беканинг ўйнаши, маст мужик тунагани келарди, кечалари тўполоқ килиб болаларнинг ва Дарьюшканинг ўтини ёрарди. У келиб ва ошхонада ўтириб олиб арак талаб қилганда уйдагиларнинг ҳаммаси екилиб қоларди ва доктор раҳми келганидан йиғлаётган болаларни ўз уйига олиб чиқар, полга ётқизиб қўярди ва бундай қилиш унга кўп хузур-халоват бахш этарди.

У аввалгидай эрталаб соат саккизда турар, чойдан кейин ўтириб, эски китоб ва журналларни ўқир эди. Янгилини олишга

энди нули йўқ эди. Китобларнинг эскилигиданми ёки шароит ўзгарганиданми ўқини уни чуқур таъсирлантirmайди ва чарчатарди. Вақтини бекор ўтказмаслик учун китобларга тўла каталог тузиб, уларнинг муқовасига патта ёпиштирар ва бу ақл юргизилмайдиган, кунг талаб қиладиган майда иш ўқиндан кизикрок туюларди. Бир хил сердиқкат иш қандайдир тушуниб бўлмайдиган бир тарзда унинг фикрини аллалайди ва ҳеч нарса ҳақида ўйламайди, вақт ҳам тез ўтади. Ҳатто ошхонага кириб Дарьюшка билан картошка арчиш ва қора бугдой ёрмасидаги чўп-хасларни терини ҳам қизик туюларди. Шанба ва якшанба кунлари у черковга боради. Девор ёнида туриб, кўзларини сузиб, ўқиладиган оят кўйига кулок соларкан, ота-онасини, олий мактабдаги чоғларини ва динлар ҳақида ўйлайди; у қўнгли тинчиб, хомуш тортиб кетади ва кейин черковдан чиқиб кетаётганида ибодатнинг бунчалик тез тамом бўлганига ачинади.

У Иван Дмитрич билан суҳбатлашгани икки марта касалхонага борди. Лекин Иван Дмитрич ҳар гал ҳам ҳаддан ташқари туютқан ва дарғазаб эди; у ўзини тинч кўйишларини ўтинди, бўлмағур қурук сўзнинг аллақачон жонига текканини, чекаётган барча азоб-укубатининг эвазига бу лаънати разил одамлардан фақат битта мукофот – ёнғиз қамашларини илтимос қилганини айтди. Нахотки, шунини ҳам рад қилсалар? Ҳар икки гал ҳам Андрей Ефимич хайрланаётиб, хайрли кеч деса, у гижиниб:

Минг лаънат! – деди.

Андрей Ефимич энди учинчи марта боришини ҳам, бормаслигини ҳам билмасди. Лекин боргиси келарди.

Илгари Андрей Ефимич тушлик овқатдан кейин хонадан-хонага ўтиб юрарди ва хаёл сурарди, энди бўлса, овқатдан то кечки чойгача диванга орқасини ўгириб ётиб, ҳеч нарса кетмаётган майда-чуйда гапларни ўйлайди. Йигирма йилдан ортиқ қилган хизмати учун унга нафақа ҳам, на бир йўла ёрдам нули ҳам беришмагани алам қиларди. Тўғри, у ҳалол хизмат қилмади, лекин нафақани ҳалол хизмат қилган, қилмаганига қарамай хизматчиларнинг ҳаммаси олади-ку. Ҳозирги замоннинг бор-йўқ одиллиги ҳам шундаки, унвон, орден, нафақалар билан кишининг ахлоқи ва унинг қобилияти эмас, умуман вазифани мукофотлайдилар, қандай вазифа бўлишининг фарқи



йўк-ку. Нега энди бу қонладан битта у четда қолиши керак? Унинг ҳеч пули йўқ. Дўкон олдида ўттига ва уй бекасига қарашга номуе қилади. Пивочидан ўттиз икки сўм қарз. Мешчапка Беловадан ҳам қарз. Дарьюшка секин-аста бориб эски кўйлақларни, китобларни сотиб келади ва доктор яқинда жуда кўп пул олади деб, бекани алдайди.

Ингиб қўйган минг сўмини саёҳатга сарф қилгани учун доктор ўзини қойиди. Ҳозир ўша минг сўм, қандай иш берар эди! Яна одамлар уни ўз холига қўймаганларидан диққати ошарди. Хоботов онда-сонда келиб, касал бўлиб қолган ҳам-қасбини кўришни ўз бурчи деб билади. Унда бўлган ҳамма нарса: кўнжи узун этигидан тортиб тўлик юзи, сўзларидаги бемаъни, ортик даражада кибрли оҳанг, «ҳамқасб» дейиши, Андрей Ефимичга жирканч туюлади; ҳаммадан ҳам кўнглига урадигани Андрей Ефимични даволашни ўз вазифаси деб билиши ва ҳақиқатан ҳам даволаётган деб ўйлаши эди. Ҳар келганда бир нишча бромли калий ва ревендан ясалган ҳаб кўтариб келар эди.

Михаил Аверьянич ҳам дўстини кўриб туриши ва унинг кўнглини кўтаришни ўз бурчим деб биларди. Ҳар гал Андрей Ефимичнинг олдига ясама бетакалдуфлик билан кириб келарди, қаҳ-қаҳ уриб зўраки куларди, яна бутун рангингиз жуда яхши, мапа худога шукур, иш тузалиш томонга ўтди деб. Андрей Ефимични ишонтиришига уришарди, лекин буилан дўстининг тузалишидан умиди йўқлиги билиниб турарди. Ҳали у Варшавада олган қарзини беролмай, уялганидан гангиган, қаттиқ хижолатда эди, шунинг учун ҳам қаттиқрок кулишга, кизикрок қилиб сўзлашга уришарди. Унинг латиқалари узундан-узокдай туюлар ва Андрей Ефимичга ҳам, унинг ўзига ҳам озор берарди.

У борлигида Андрей Ефимич диван суяғичига қараб ётиб, тишини-тишига қўйиб тишларди; унинг кўнглига қатлам-қатлам бўлиб қуйка ўтирарди ва дўсти ҳар келиб кетганда ҳалиги қуйка кўтарилиб бораётганини ва бўғзига келаётганини сезарди.

Майда-чуйда сезгиларни кўнглидан чиқариш мақсадида у ўзини, Хоботовни, Михаил Аверьянични эртаги-кечми ўлиб, габнатда бирон нишон қолдирмаслигини ўйлар эди. Агар

миллион йиллардан сўнг ер курраси ёнида биров рух учиб ўтади деб фараз қилинса, у курук туврок ва ялғи оч қоялардан ўзга ҳеч нарса кўрмайди. Маданият ҳам, ахлоқ қонуллари ҳам – ҳаммаси маҳв бўлиб кетади, ҳатто уларнинг устида қарикиз ўт ҳам ўсиб чиқмайди. Бокқолдан уялиш, арзимаган Хоботов, Михаил Аверьянчининг малол келадиган дўстлиги нима деган гап? Буларнинг ҳаммаси бўлмағур, арзимайдиган гаплар деярдн.

Лекин бу ҳишдаги муҳокамалар энди ёрдам бермасди. У эндигина миллион йилдан кейинги ер куррасини кўз олдига келтира бошласа, ҳалиги ялғи оч қоялар орасидан кўнжи узун этик кийган Хоботов чиқарди ёки Михаил Аверьянч пайдо бўлиб, қаҳ-қаҳлар ва хижолат ичида: «Варшавадаги қарзини, азизим, уч-тўрт кўн ичида бераман, албатта, бераман...» деган шивирлаш эшитиларди.

## XVI

Бир кун тушлик овқатдан кейин Михаил Аверьянч келди. Андрей Ефимович диванда ётган эди. Худди ўйна тоғда бир ишча бром кўтариб, Хоботов ҳам келиб қолди.

Андрей Ефимович зўрга кўзғалиб, туриб ўтирди ва икки кўли билан диванга тиралди.

– Булунчи, азизим, – деб гап бошлади Михаил Аверьянч, рангини из кечагига қараганда анча яхши. Азаматсиз-да! Худо хақи, азаматсиз!

– Бўлди, бўлди-да, ҳамкасб, – деди Хоботов, эслаб. Бу галва ўзингизнинг ҳам жонингизга теккандир.

– Яхши бўламиз ҳам-да! – деди Михаил Аверьянч хушнудлик билан. Ҳали яна юз йил яшаймиз! Ҳа шундай!

– Юз йил-ку, бўлмас-у, яна йигирма йилларга бориларди, – деб тасалли берди Хоботов, – ҳечкиси йўк, ҳечкиси йўк, ҳамкасб, ҳам еманг... кўйинг, ваҳима қилманг.

– Ҳали биз ўзимизни кўрсатамиз! – деди қаҳ-қаҳ уриб Михаил Аверьянч ва дўстининг тиззасига уриб кўйди. – Ҳали биз кўрсатамиз! Келаси ёз, худо хоҳласа Кавказга қараб жўнаймиз ва бутун Кавказни хўп! хўп! хўп! деб от билан айланаб чиқамиз. Кавказдан қайтганимиздан кейин, қарабсизки, тўй

килиб юбормасак денг, – деб Михаил Аверьянич кўзини қисиб кўйди, уйлантириб кўямиз сизни, севикли биродаримни... Уйлантираимиз...

Андрей Ефимичнинг хаёлида бирдан халиги қуйқа бўғзига тикилиб келаётгандай бўлди; дили ўйнаб кетди.

– Бу андишасизлик! – деди у иргиб туриб, дераза ёнига бораркан, нахотки, беандиша сўзларни айтаётганингизни англамайсиз-а?

У назокат билан мулойимгина давом қилмоқчи эди-ю, лекин беихтиёр, тўсатдан муштумларини қаттиқ қисди ва кўларини юкори кўтарди.

– Кўйинг мени! – деди бошқача овоз билан кичқириб, бўғишиб, қизарган ҳолда бутун вужудини титроқ босиб:

– Йўқол, кўзимдан! Иккаланг ҳам йўқол, иккаланг ҳам! деди.

Михаил Аверьянич билан Хоботов ўришарида туриб, аввало ҳайрон бўлиб, сўнг кўркув ичиди унга тикилиб қолишди.

– Иккаланг ҳам йўқол! – деди Андрей Ефимич яна кичқириб. Бефаҳм кишилар! Аҳмоқ одамлар! Дўстлигинг ҳам керак эмас, дорингни ҳам олиб кет, бефаҳм одам! Қабих! Палид одамлар!

Хоботов билан Михаил Аверьянич шошиб қолиб, бир-бирига қаради ва орқалари билан тисланиб бориб, даҳлизга чиқишди. Андрей Ефимич бромлик калий солинган шинаани олиб уларнинг орқасидан улоқтириб юборди; шинча остонага тушиб, шарақлаб синди.

– Чик, йўқол! – деди, йини аралаш товуш билан уларнинг орқасидан даҳлизга чиқиб!

Меҳмонлар кетгач, Андрей Ефимич безгак тугаётгандек титраб, диванга ётди ва узок вақт:

– Бефаҳм кишилар! Аҳмоқ одамлар! – деб такрорлади.

У жаҳлидан тушганда аввало ёдига: шўрлик Михаил Аверьянич хижолат тортаётгандир, кўнгли жуда озор тошгандир ва умуман бу қандай ёмон иш бўлди, деган фикр келди. Илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. Эс қани-ю, одоб қани? Қани ҳар нарсани англаб олишлик ва файласуфча лоқайдлик?

Доктор уялганидан ва ўз қилиғидан хуноб бўлганидан тун бўйи ухлаёлмай чиқди, эргалаб соат ўнларда почтахонага бориб, почта мудиридан узр сўради.

- Бўлган ишни кўнчилдан чиқарайлик, деди чуқур нафас олиб, кўнгли бузилиб кетган Михаил Аверьянич унинг кўлини қаттиқ қисаркан. Ким ўтган ишни эсласа кўр бўлсин, - Любавкин. У тўсатдан шундай қаттиқ қичқирдики, хат ташувчилар ва почтахонага келган одамлар чўчиб кетишди. Стул келтир. Сен тура тур! деди бакириб наижарадан буюртма хат узатаётган хотинга. Кўрайсанми, кўлим бўи эмас-ку? Ўтган ишни эсга олмаймиз, давом қилди у мулойимлик билан Андрей Ефимичга караб. Қани, мархамат қилиш, азизим.

У индамасдан тиззаларини силаб, бир дақиқа ўтирди-да, кейин бундай деди:

- Сиздан гина қилиш менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ. Дард хазил гап эмас, мен тушунаман. Кеча касалишигини тутиб қолишни доктор билан мени кўрқитиб юборди, кейин узок вақт сиз тўғригингизда сўзлашдик. Азизим, нима учун касалишигини жиддий равишда даволаттингиз келмайди? Шу яхшимми? Дўстлик қилиб очиниш айтганим учун кеширинг, - деди шивирлаб Михаил Аверьянич, - сиз ўзингизга мутлако тўғри келмайдиган шароитда яшайсиз: жой тор, ифлос, парваринингиз йўқ, даволанишга ҳам ҳеч қарсангиз йўқ... Азиз дўстим, доктор икковимиз жопу дилимиз билан сиздан четимос қиламиз, бизларнинг маслаҳатими ва кўниши: касалхонага ётиш! У ернинг овқати яхши, парварин ҳам қилишсади, даволашсади ҳам. Гап шу ерда қолсин-ку, тарчи Евгений Федорич таълим-тарбиядан четдаги одам бўлса ҳам, лекин шимдан хабари бор, ушга ишонмиш мумкин. У етгани яхшилаб қараша ваъда берди.

Андрей Ефимич почта бошлигининг чини кўнчилдан қилаётган меҳрибончилигини ва тўсатдан унинг юзларига оқиб тушган ёшини кўриб, кўнгли бўшашиб кетди.

Азизим, ишонман! деди у секингина кўлини кўкеига кўйиб, - уларга ишонманг! Бўлмаган гап! Менинг касалим фақат шундаки, йиғирма йил мобайнида бутун бошли шаҳарда фақат битта ақли одамни учратдим, у ҳам бўлса жиши. Менинг ҳеч қандай касалим йўқ, фақат чиқинчининг иложи бўлмаган сеҳрли гирдобга тушиб қолдим. Менига барибир, нима десаингиз тайёрман.

- Касалхонага ётиш, азизим.

Менга барибир, ўрага десангиз ҳам майли.

- Ҳар тўғрида Евгений Федоричга кулок солишга ваъда беринг, жоним.

- Майли, сўз бераман. Лекин, ҳурмагли дўстим, такрор айтаманки, мен сеҳрли гирдобга тушганман. Ўнди ҳаммаси, ҳагто дўстларимнинг чин кўнглидан қилданган меҳрибонлигидан тортиб барча нарсая менга ҳалок қилишга олиб боради. Мен ҳалок бўлаётirman ва шунга айтишга иродам етаси.

- Жоним, тузалиб кетасиз.

Бундай дейишнинг нима хожаги бор? - деди Андрей Ефимич асабийланиб. - Камдан-кам одам ҳаётининг охирида ҳозирги мен сезаётган ҳолни сезади. Агар сизга буйрагингиз ярамайди ёки юрагингиз кенгайиб кетган десалар даволана бошлайсиз, анар сизни жинни ёки жиноятчи дейишса, яъни кескасен одамлар бирдан сизга эътибор бера бошласа, унда билсинки, сиз сеҳрли гирдобга тушдингиз, ундан чиқишнинг иложи йўқ. Чикишга ҳаракат қилсангиз баттарок адашиб кетасиз. Бўйсеуниб кўя қолсингиз, чунки ҳеч қандай инсон қудрати сизни қутқара олмайди, мен шундай деб ўйлайман.

Бу орада панжаранинг вариётида одам йиғилиб қолганди. Андрей Ефимич ҳалакит бермаслик учун турди-да, хайрланди. Михаил Аверьянович ундан яна бир қайта ваъда олди-да, кўча эшиккача кузатиб қўйди.

Ўша кунгек кечга томон Андрей Ефимичнинг олдига узун кўнгли эгик, кеска палъто кийиб, кутилмаган чоғда Хоботов кириб келди ва тўғ кеча ҳеч гап ўтмагандай бир вазиятда:

Мен олдингизга бир иш билан келдим, ҳамкасб. Сизни таклиф қилгани келдим: мен билан конселтумга<sup>1</sup> бориб келмайсенгизми-а? - деди.

Хоботов менга айлантириб, бироз кўнглимни очмоқчидир ёки ҳақиқатан пул ишлаб олсин деяётгандир, деган ҳаёлга бориб Андрей Ефимич кийинди ва бирга кўчага чиқди. Кечани гуноҳини унинг кўнглидан чиқариб, ярашиб олишга қулай пайт топишганига шодланар ва уни аяб бўлса керак, кечани гап тўғрисида оғиз очмай бораётган Хоботовга ниндан танаққур-

<sup>1</sup> Конселитум - оғир касални аниқлаш ва уни даволаш йўсларини ахтарини учун врачларнинг маслаҳат мажлиси.

лар айтарди. Шундай маданиятеиз одамдан бунчалик назокат кутиш кийин эди.

– Беморингиз касрда? – деб сўради Андрей Ефимич.

– Касалхонамда. Кўндан бери сизга кўрсатмоқчи бўлиб турган эдим... Жуда ажойиб ходиса.

Касалхона ховлисига киришди ва касалхонанинг қагта биноларидан ўтиб, ақлдан адашганлар ётадиган бинога қараб йўл олишди. Бунинг ҳаммаси негадир индамасдан қилинди. Ҳалиги уйга қирганларида Никита одаги бўйича ирғиб туриб, коматиши ростлади.

– Касаллардан биттаси ўпкасини олдириб қўйибди, – деди Хоботов сескигица, Андрей Ефимич билан палатага кираркан. – Сиз шу ерда тура туринг, мен ҳозир факат стетоскопни олиб келаман.

Чикиб кетди.

## XVII

Коронга туша бошлаган эди. Иван Дмитрич ўрнида башарасини ёстиққа босиб ётибди: фалаж одам харакатенг ўтириб, аста йиғлаб, лабларини қимирлатяпти, семиз киши билан соёбик хат сараловчи ухлацияпти. Жимжит.

Андрей Ефимич бўлса, Иван Дмитричнинг кроватига ўтириб кутди ва Хоботовнинг ўрнига, кўлтигида халат, қимчингдир ички кийимларини, туфли кўтариб хонага Никита кириб келди.

– Марҳамат, кийининг жаноби олийлари, – деди у сескигица. – Мана бу сизнинг ўрнингиз, буёққа марҳамат қилинг, деди, афтидан, яқинда келтирилган бўш кроватни кўрсатиб. Ҳечкиси йўқ, худо хоҳласа, тузалиб қоласиз.

Андрей Ефимич ҳаммасига тушунди. Бирор оғиз сўз қотмади ва Никита кўрсатган кроватга ўтирди; Никитанинг кутиб турганини кўриб, қияланғоч бўлиб ечинди ва уялиб кетди. Сўш касалхона кийимиши кийди; лозим жуда киеқа, қўйлак узун келди. Халагдан тузланган балникнинг хиди келарди.

Худо хоҳласа, тузалиб қоласиз. – деди Никита яна.

У Андрей Ефимичнинг кийимларини кўлтиклаб олиб чиқди-да, эшикни бекитиб кетди.

«Барибир... деб ўйлади Андрей Ефимич уялиб, халатга ўралар-каш, бу янги кийимда ўзини махбусларга ўхшатиб. - Барибир... Фракми, мундирми, ё шу халатми, барибир...»

Лекин соатни олиб кетди-ку? Ён чўнтагимдаги дафтарчам-чи, папиросларим-чи? Кийимларни Никита қаскка олиб кетдийкин? Энди эҳтимол, ўлчунимча ҳам шим, жилетка, этик кийимга гўтри келмас. Бу жуда кизик, дафъатан тушуниб ҳам бўлмайди, Андрей Ефимич хали ҳам меничанка Белованинг уйи билан олтинчи ракамли палатанинг ўртасида ҳеч қандай фарк йўк, бу дунёдаги ҳамма нарса курук галва ва бўлмағур гаплар деган фикрда эди. шундай бўлса ҳам қўллари титради, оёқлари муздади, яна ҳозир Иван Дмитрич уйғонади ва мени халат кийган ҳолда кўради деган фикрдан кайфи учиб кетди. Ўрнидан турди, бироз юрди, яна ўтирди.

Мана унинг ўтирганига ярим соат бўлди, бир соат ҳам бўлди ва жонига тегарлик даражада зерикди. Наҳотки, шу жойда мана бу одамлар сингари кушаб, хафталаб, ҳатто йиллаб яшаш мумкин? Мана у ўтирди, бир айланиб келиб яна ўтирди; бориб деразадан қараш мумкин, кейин яна уйнинг у бошидан бу бошига юрishi мумкин, Ундай кейин нима? Эргадан кечгача қаккайиб ўтирishi ва ҳаёл суришishi? Йўк, бундай бўлиши мумкин эмас.

Андрей Ефимич ётди, лекин ўйна ондаёқ турди, еши билан пешонасидаги совуқ терни артди ва бутун юзидан тузлаган балик ҳиди келаётганини сезди. У яна туриб юрди.

- Бу қандайдир англашилмовчилик... - деди у, қўлларини ёзиб, хайрон қолиб, - гапларини керак, бунда англашилмовчилик бор...

Шу топда Иван Дмитрич уйғонди. Туриб ўтирди, яноқларини мунигумларига тиради. Турурди. Сўнг эришчюлик билан докторга қаради ва, афтидан, дастлаб тушунолмади, лекин унинг уйқуси ўчмаган юзида бирдан ғазаб ва истехзо акс этди.

- Ҳимм, сизни ҳам шу ерга тикиб қўйингизми, азизим! - деди уйқудан бўғилиб турган товуш билан, бир кўзини кичиб, - жуда хурсандман. Аввал сиз одамларнинг қонини ичар эдингиз. Эндичи, сизнинг қонингизни ичишди. Жуда соз!

Бу қандайдир англашилмовчилик... - деди Иван Дмитричнинг сўзидан қўрқиб кетган Андрей Ефимич ва елкаларини учирди, яна: - қандайдир англашилмовчилик, - деди.

Иван Дмитрич яна тукурди-да, ётди.

– Лаънати ҳаёт! – деди у тўнгилаб. Ҳаммадан ҳам шимаси алам қилади денг, бу турмуш – азоб чекиш нар бадавша мукофот билан эмас ёки операдаги каби таштана билан эмас, ўлим билан тамом бўлади-я; касалхона хизматчилари келиб ўликни қўлидан, оёғидан олиб, судраб ери ўлга тўғиб ташлайдилар у... у! Ҳа, майли... шуниси борки, бизларга у дунёда байрам бўлади... Мен у дунёдан бу ерга арвоҳ бўлиб келамаи ва бу газандаларнинг ўтини ёраман. Мен уларнинг сочларини оқартириб юбораман.

Моисейка қайтиб келди ва докторини кўриб, кўлини чўзиб:

– Бир тийин бер! – деди.

## XVIII

Андрей Ефимич дераза олдига борди, далага қаради. Қоронғи тушиб колганди ва ўнг томонида уфқдан тўқ-кизил, совук ой кўтарилаётганди. Касалхона деворидан йирок эмас, кўн бўлса уч юз қадамча нарида тош девор билан айлантирилган баланд оқ иморат турибди. У турма.

«Вокелик бу экан!» деб ўйлади Андрей Ефимич ва юрагини ваҳима босди.

Ой ҳам, турма ҳам, деворидаги миҳлар ҳам, узокдаги суяк эритадиган корхонанинг мўрисида чикаётган аланга ҳам дахшатли кўринди. Орқада кимдир ух тортди. Андрей Ефимич қайрилиб қаради, янгироқ юлдузлар ва орденлар такқан кишини кўрди, у киши жилмаяр ва айёрлик билан кўз қисарди. Бу ҳам мудҳиш туюлди.

Андрей Ефимич ойда ва турмада алоҳида бир парса йўк, руҳий саломат кишилар орден тақиб юришади ва буларнинг ҳаммаси вақт ўтиши билан чириб, туироқка айланади деб ўзини-ўзи ишонтириб кўрди, лекин бирдан уни умидсизлик қамраб олди, икки қўли билан панжарага ёпишиб, кучининг борича силкитди. Мустаҳкам панжара кўзгалмади.

Кейин кўркувдан паноҳ тортиб Иван Дмитричнинг ёнига борди, ўтирди.

– Азизим, руҳим тушди, – деди титраган ҳолда, совук терини артаркан. – Руҳим тушди.



Яна фалсафа сотинг, деди Иван Дмитрич мазах қилиб.

Ё раббий, ё раббий... ха, ха... Бир кун сиз айтган эдингиз-а, Россияда фалсафа йўк, лекин ҳамма, ҳақто пастарин кишиларгача фалсафа сотади деган эдингиз. Аммо пастарин кишиларнинг фалсафа сотишининг ҳеч кимга зиёни йўқ-ку, - деди Андрей Ефимич гўё йнгламоқчи ва кишининг раҳмини келтирмоқчи бўлаётгандек бир оҳангда. – Нега энди мазах қилиб куласиз! Норози бўлгандан кейин пастарин киши ҳам фалсафа сотади-да! Ақлли, иштли, мағрур ва озодликни севувчи одамга, азиз зотга орқала қолган ифлос шаҳарчага бориб табиб бўлишликдан, кейин умр бўйи банка ва зулук солиш, гарчишник кўйишдап бошқа илож йўк. Муттаҳамлик, разиялик, фикрий чекланганлик, ё раббий!

– Бўлмағур гапларни вайсаясиз. Табибликни ёкғирмасангиз министр бўла қолинг эди.

– Ҳеч, ҳеч иложим йўк. Заифмиз, азизим... Мен бепарво эдим, тетик ва соғлом фикр юритардим, ҳаёт менга дағал томонини ўгириши билан руҳим тушиб кетди... мажолим қолмади... заифмиз, ярамасмиз... сиз ҳам шундайсиз, азизим... Сиз ақлли, олижаноб одамсиз, гўзал хулқ сизга суг билан кирган, лекин ҳаётга кадам кўяр-кўймаз хориб, касал бўлиб қолгансиз... Заифмиз! Заиф!

Ҳеч киргандан бери кўркув ва аламдан бошқа яна қандайдир сира нари кетмайдиган бир ҳис Андрей Ефимични эзиб турганди. Ниҳоят англади, унинг пиво ичгиси ва папирос чеккиси келаётган экан.

– Азизим, эшикка чиқаман, - деди у.

– Айгай, чирок келтиришени... Булдоқ туролмайман... Тоқатим йўк...

Андрей Ефимич эшик олдида борди ва эшикни очди, шу он Никита ирилб туриб йўлини тўсди:

– Қаёққа бормоқчисиз? Мумкин эмас, мумкин эмас! деди у. Ухлан керак!

– Ҳа, мен бир дақиқагина ховлини айлашиб келаман! деди Андрей Ефимич шолганидан.

– Мумкин эмас, мумкин эмас, ижозат йўк. Ўзингиз биласиз-ку.

Никита экишни қаттиқ ёпти-да, орқаси билан суяниб олди.

Агар мен шу ердан чиқсам, шундан бировга бир нарсга бўладими? - деди Андрей Ефимич сикаларини учириб. - Тушулолмадим! Никита, мен эшикка чиқиншим керак! - деди у калдираган товуш билан. - Ишим бор!

Тартибсизлик қилманг, яхши эмас! - деди Никита на-снхат қилиб.

- Бу нима деган гап-а! - деди Иван Дмитрич тўсатдан хайкириб ва сакраб турди. - Чиқармасликка унинг нима ҳақи бор? Бизларни бу ерда камокда тутишга қандай ҳақингиз бор. Қонунида-ку, суд ҳукм қилмагунча ҳеч ким озодликдан маҳрум қилинмайди, деб очик айтилган. Бу зўрлик! Ўзбошимчалик!

- Албатта, ўзбошимчалик! - деди Иван Дмитричнинг гашидан жасоратланган Андрей Ефимич. - Чикаман дедим, чиқиншим керак! Чиқармасликка ҳақи йўқ! Чикар, сенига айтаётirman!

- Эшитяпсанми, бефаҳм хайвон? - деди Иван Дмитрич, бакириб ва муштуми билан эшикни урди. - Оч, бекор эшикни синдираман! Муттаҳам!

- Оч! - деди бакириб Андрей Ефимич бутун вужудиши титроқ босган ҳолда. - Мен талаб қиламан!

- Вайсайвер! - деди эшик орқасидан туриб Никита. - вайсайвер-чи!

- Ҳеч бўлмаса, бор. Евгений Федорични айтиб кел! Мен чакираётганимни айт... Бир дакикага!

Эртага ўйлари ҳам келадилар.

- Бизларни ҳеч қачон чиқаришмайди! - деб давом қилди Иван Дмитрич. - Шу ерда чиритишди! Эй нарвардин ор. нахотки, ҳақиқатан, у дунёда дўзах йўқ ва бу аблахларни кечириб кўя қолишди? Қани адолат? Оч, аблах, нафаем бўғилиб кетди! - деди бўғик товуш билан кичкириб ва бор бўйи билан эшикни итарди. - Бошимни ёраман! Қонхўрлар!

Никита эшикни тез очди, икки қўли ва тиззаси билан Андрей Ефимични қаттиқ итариб юборди, кейин кулочкашлаб муштуми билан юзига туширди. Андрей Ефимичнинг хаёлида қаттақон шўр тўлқин бошигача кўмиб, кроватга судраб бораётгандай бўлди; дарҳақиқат оғзи шўртанг бўлиб кетди: қон тўлган бўлса керак. У сузиб чиқмоқчи бўлгандек қўлларини

қимирлаган эди, қимнингдир кроватини ушлаб олди. Шу тонда Никита икки марта елкасига урганини сезди.

Иван Дмитрич каттик кичкирди, уни ҳам уришган бўлса керак.

Сўнг ҳаммаси жим бўлди. Ойнинг хирагиша нури темир панжара оркали ўтиб, полга тўр шаклида соя ташлаб турибди. Дахшатли эди. Андрей Ефимич ётди ва дамини ичига олди; у яна уришадди деб, ўти ёрилиб кутарди. Худди биров ўрок олиб, унга санчиб, кўкрагида, қоринда бир неча марта бураб оларди. Оғриққа чидамай ёстикни тишлаб, тишини тишига қўйди, боши ва охири йўқ фикрий таркоқлик орасида тўсатдан: ҳозир ой ёруғида қора доғга ўхшаб ётган мана бу одамлар шу сизгари оғриқни неча йиллар давомида ҳар кун бошидан кечирган деган дахшатли, оғир фикр равшан эсига келди. Йигирма йилдан ортиқ вақт ўтса-ю, қандай қилиб шу нарсани англамаган ва англашни ҳам истамаган экан? У билмаган эди, оғриқ хақида тушунчаси ҳам йўқ эди, демак у айбли эмас, лекин ўзининг Никита сизгари дағал ва ўжар виждони эҳсасидан товоғингача совушга мажбур қилди. Сакраб турди, товушининг борича кичкирмокчи ва тезроқ югуриб бориб Никитани, Хоботовни, позирини ва фельдшерини, сўнгра ўзини ўлдирмокчи эди, лекин кўкрагидан бироқ товуш чиқмади, оёқлари бўйсунмади: бўғилиб, кўкрагидаги халақ ва қўйлақка чанг солди, йиртиб ташлади ва беҳуш бўлиб кроватга йиқилди.

## XIX

Эртасига эрталаб боши оғриб, қулоғи шанғиллаб, бутун вужуди шол-шол бўлиб турди. Ўзининг кечаги заифлигини эслашдан уялмади. Кеча у юраксизлик қилди, ҳатто ойдан ҳам кўрқди, бироқ илгари ўзида борлигини сезмаган хис ва фикрларни дадил айтаверди. Масалан, фалсафа сотувчи настарини кишиларнинг бемаънилигини гапирди. Лекин энди унга барибир эди.

У емади ҳам, ичмади ҳам, чурқ этмай, ҳаракатсиз ётаверди.

«Энди менга барибир, — деб ўйлар эди у, савол бераётганларида. — Жавоб бермайман... Менга барибир».

Тушлик овқатдан кейин чорак қадок чой, бир қадок мармелад кўтариб Михаил Аверьянич келди. Дарьюшка ҳам келди

ва сиймосида маъносиз ғамгиншик аке эган ҳолда бир соат кровать ёнида турди. Доктор Хоботов ҳам келиб кетди. У бир инша бромли калий келтирди ва палатага бирор парса тутатиб юборишни Никитага буюрди.

Кечкурун Андрей Ефимичнинг миясига қон куйишиб ўлди. Аввало жуда қаттиқ титради ва кўнгли айниди; хаёлида қандайдир жирканч бир парса бутун вужудига, ҳатто бармоқларигача сишиб, меъдасидан тортиб бошигача чиқиб, кўзлари ва кулоқларига тўлиб қолгандай бўлди. Кўз ўнги яшил тусга бўялди. Андрей Ефимич қазоеи ситанини англади ва Иван Дмитрич, Михаил Аверьянич яна миллионлаб одамларнинг абадийликка ишонишларини эслади. Борди-ю, абадийлик бўлса-чи? Лекин у абадийликни истамас эди ва бу ҳақда фақат бир лаҳзагина ўйлади. Униш ёнидан кеча китобда ўқигани ғоят гўзал ва виқорли кийиклар подаси югуриб ўтди; кейин бир аёл унга қўлини чўзиб буюртма хат узатди. Михаил Аверьянич шмадир деди. Сўнг ҳаммаси ғойиб бўлди ва Андрей Ефимич абадий уйкуга толди.

Касалхонада хизмат қилувчи эркаклар келишди, қўлидан, оёғидан ушлашди ва часовняга<sup>1</sup> элтиб қўйишди. У ерда Андрей Ефимич кўзлари очилган ҳолда стоя устида ётди ва кечаси уни ой ёритиб турди. Эрталаб Сергей Сергеевич келди, миҳлаб қўйилган Исо расмига қараб ихлос билан ибодат қилди ва собиқ бош.нигишининг кўзларини юмдирди.

Бир кундан кейин Андрей Ефимични кўминди. Дафни маросимида фақат Михаил Аверьянич билан Дарьюшка бўлди.

## КИШИ БИЛМАС КЎЗ ЁШЛАРИ

**С**им ёғочдай узун ва орик подполковник Ребротесов августнинг қоронғи кечаларидан бирида улфатлари билан такадап чиқиб келатуриб:

– Муҳтарам афандилар, деди, энди овқат есак чакки бўлмасди. Масалап, Саратов ва шулга ўхшаш тузукроқ шаҳарларнинг такаларида ҳар вақт овқатланишнинг мумкин. Бу сас-

<sup>1</sup> Часовня - черковца.

сик Червялскийдачи, ароғу пашша тушган чойдап бошка хеч бало йўк. Ичганингдап кейин тазаги бўлмагани ёмон!

Изгиридан нимдошғина пальтосига ўралаётган, диний мактаб инспектори Иван Иванович Двосточнев ҳам:

Шуни айттинг. деди, – бирон нарса еб олсак жойида бўларди. Ҳозир соат икки. ҳамма чойхоналар ёпилиб қолган. Тузланган башиқми... тузланган кўзикоринми... ёки шунга ўхшаган, чунончи...

Инспектор бармоқлари билан бир нарсанинг шаклини кўрсатиб имо-ишора қилди. Афтидан жуда ширин овқатни айтди шекилли. ҳамма ютинди. Улфатлар тўхтаб, ўйлаб қолишди. Ўйлай-ўйлай, сийдирган бир нарсани вужудга келтиролмаганларидан кейин, турли ширин овқатларни хотирдан кечирдилар:

Кеча мен Голонесовникида яхши пишилган курка гўшти едим. – деб чуқур нафас олди исправник ёрдамчиси Пружина-Пружинский. – Айтмоқчи, афандилар, хеч бирингиз Варшавада бўлганмиенз? Улар шундай қилишади: майда балиқни олиб тириклайин сутга солиб қўйдилар... Балиғи қурғурни, бир кун сутда сузиб юргандан кейин, эртасига кизиб турган қозонга солиб, қаймоққа қовиришади. Ана уни еб кўрсанг. Ука, хеч қандай кази-картани орзу қилмай қолсан! Худо хақи... Ажойиб нарса бўлади, қиёмат! Айниқса, бир-икки рюмка арақ ичиб юборсанг борми, томоғингдап қандай ўтганини билмайсан... Бай-бай, унинг хидини айтмайсензми!..

– Агар тузланган бодриниңдан кўшиб есанг... – деб кўшиб қўйди. Ребротесов Биз Польшада аскарликда юрганимизда бир ейишда чучваранинг икки юзтасини уриб олардик... Лаганини тўлдириб, унинг устига мурч, қашничиарни сенсанг борми... Ичмасини айтасиз!

1856 йилда Троицкий лаврасига зиёратга борганда ичган балиқ шўрваси ёдига тушди-да, Ребротесов тўхтаб ўйланиб кетди. Бу ширин хаёл уни шундай элтидики, бениҳтиёр тампаниб югннаркан, ҳатто қалинча алой тўлганини ҳам сезмай қолди.

– Йўк, бу билан иш битмайди! Токатим қолмади! Уйга бориб, бир иложини қилмасам бўлмайдиғанига ўхшаб қолди. – деди. Ҳай, афандилар, бизникига борақолайлик! Худо хақи! Бир рюмкадан арақ ичамиз. Бодрини ми, казими... ишкилиб.

пасиб қилиганини сод-шой-пой ичармиз... А, нима дейсиз? Овкат сийишиб, ўтган кетмадан танилашиб ўтирамыз. Хотиним бўлса ухлаб ётадир, биз уни уйғотиб ҳам ўтирмаймиз... Сескин кириб кетамиз – Қани торишлар!

Улфатлар бу таклифни қандай хурсандлик билан қабул қилишганини таъвиргагина ўрин йўқ. Шунга айтиш керакки, Ребротесовнинг уйига боришга ҳеч қачон бу кечадаги каби талабгорлар кўп бўлмаган эмас.

Ребротесов меҳмонларни қоронғи даҳлизга олиб кираркан, хизматқорни а:

– Бир кун мен билан турсаки ейсан-да! – деди. – Сен аблахга минг марта айтдимки, даҳлизда ётадиган бўлсанг тамакни хушбўй қоговга ўраш чек, деб! Бор, аҳмоқ! Самоварга олов ташла! Иршана ҳам эйи, у ҳалиги... ертўладаги бодрини ва туридан келтирсин... Тузланган башиқдан ҳам тозила... Кўк пиёздан тўгра, укроп-кашничлардан мўлроқ сеп... Картошка ва кизилчани пишириб, тўгра... Кейин ҳаммасини кўшиб, устига ёг билан сиркадан куй... Горчица билан қалампир ҳам сол... Тунувдинми?

Ребротесов, нармоқлари билан ҳалиги нарсаларни ара-лаштиришни кўрсатиб, айтиб битиролмаган нарсанини имо-ишора билан тунувтириб кетди. Меҳмонлар, қалинларини счиб, қоронғи уйга киришди. Меҳмон гугурт чакиб, уйни олтишугурт хизмат қўлдирди ва Нева манзаралари, Венеция кўринишлари, адиб Лажечников сурати ва кўзларида ҳайрон-лик аломати зоҳир бўлган қандайдир бир генералнинг расми билан беқизган деворларни ёритди. У столни кенгайттираркан:

– Ҳозир, – деди, – шу ерда ўтира қоламиз... Бугун Ма-шамнинг ёпроз тоби йўқ, хотинлар касали бўлса керак... Айбга кўшмайсенлар... Доктор Гусин ёвғон овкатдан дейди... Эҳтимол шундайдир! Мен бўлсам «жоним, гап овкатда эмас! Шарватда ҳам оғиз теккандан кўра оғзингдан ёмон сўз чиққани гуноҳ дейдилар. Ёвғон овкат ичсанг ҳам тажанилигинг аввал-гидан қамайгани йўқ... Ундан кўра ўзингни кўп койитма, сал гапга тутакиб, ҳалоб қакшайберма» дейди.

Деньшик кирди ва бўйинини чўзиб, хўжайинининг кулонига шивирлаган эди, Ребротесовнинг қонлари чимирилиб кетди.

– Хим, хўш... Хўш... Майли, ҳечкисни йўқ... Ўзим ҳозир...  
Мана хизматкорлардан ертўла ва жавонларни кулфлаб олган  
эди. Калитни олиб чиқай...

Ребротесов оёқ учида юриб хотини ётган уйга кирди, хо-  
тини уйкуда эди. У аста кроват ёнига бориб:

Машам! Тур Машагинам! Бир дақиқага кўзингни очгин!

– Ким? Сенми? Нима дейсан?

Мен, Машагинам, нима демокчидим... Халиги, калитларни  
бергин фаринштам, кейин бемалол ухлайбер... Меҳмонларни  
ўзим жўнатаман... Биттадан бодринг бераман, холос. Худо  
хақи, бошка нарсага тегмайман... Двоеточиев, Пружина-Пру-  
жинский яна бир-иккиталар... Ҳаммаси ҳам тузук одамлар...  
Обрўли... Пружинский тўртинчи даража Владимир ордени  
олган... У сени шундай ҳурмат қиладики...

Қайси гўрдаи ичиб кела қолдинг?

– Даррав жаҳлинг чиқади-я... Аломатсан-да... Биттадан  
бодринг бераман, холос... Шу билан кетишади... Ҳамма ишни  
ўзим қиламан, сени безовта қилмаймиз... Ёт, кўзим... Аҳволинг  
калай? Доктор Гусин келдими? Кўлингдан бир ўпиб кўяй...  
Келганларнинг ҳаммаси ҳам сени шундай иззаг қилишадики...  
Двоеточиевни биласан-ку, рухоний одам... Пружина бўлса  
ғазначи, ҳаммалари ҳам сени шундай мақташадики, «Мария  
Петровна хотин эмас, фариншта, уязимизнинг ёруғ юлдузи  
десак бўлади» дейишади.

– Ёт! Кўп алжирама! Тақия а бориб қасрдаги шаллақилар  
билан ўлгунча ичади-да, кечаси келиб яна ҳаммани қовлашти-  
риб юради! Бола-чақанг бор, уял!

– Шукур, бола-чақам бор... Лекин кўн қойима, кўзичоғим...  
Диққат бўлаберма... Сени қанча яхши кўраман, қандай кадрлай-  
ман! Худо хоҳласа болаларимни ҳам ўз жойинга жойлаштира-  
ман... Мана Митяни бўлса гимназияга киргазиб қўяман... Ахир  
келган одамни кет деб бўлмайди... Уят эмасми... Сизникига  
меҳмон бўламиз деб орқамдан киришди-да, овқат-повқатни-  
гиз борми дейишяпти... Двоеточиев, Пружина-Пружинский...  
шундай яхши одамлар... Сени ҳам жуда ҳурмат қилишади.  
Биттадан бодринг билан бир рюмкадан арак бўлса бас... Шу  
билан кетишади... Мен ўзим қузатаман.

– Бу қандай гана а? Ёнингги едингми? Қанака меҳмон у? Бу саёқлар келаси оғрошни босовта қилгани уялишса-чи! Ярим кечада ҳам меҳмонга борганим киши? Ё менинг уйим уларга карвонсаройми? Қанин берганим аҳмоқ йўқ! Бориб ухлашсин-да, меҳмонга кутути келишсин!

Ҳим... шундан тасманамми... Боядан буёқка сенга ялиниб ҳам ўтирмаганим... Бу билан чиқдики, сен шарият буюрганча эрингини умр кутганим ва оғирини снгил қиладирган хотин эмас, захарлик экан экансан да... Илонсан...

Ийе, ҳади суқиниша тундиги!

Хотин бошини кутарти. Ребротесов юзини ушлаб давом этди:

Қулишк! – Бир вақт бир бир журналда одамлар олдига фаринга бўлган хотин... уйда эри билан шайтони лани, деб ўкиган эдим. Уша жуда тўғри экан. Иблисдан каеринг кам...

Мана!

Ур! Ынтаво оғта эринни ур!.. Жаҳлнингдан тун, сенадан тиз чўкиб сураяман... Ялинаяман... Кўзичоғим кечир... Қалитин бер! Фарингам! Шунча ҳам раҳмеизсан-а... Берақол энди. Одамларини оғда шарманда қилмагин! Понисоф! Нега мурига кийнасан? Оёгингга бош уриб сўраяман!

Эр-хотин ўрмасгани бу можаро узокка чўзилди... Ребротесов уришнб оқди, тиз чўкиб кўрди, икки марта кўз ёши ҳам қилди. Тез тез юзини снлашга ҳам тўғри келди... Хушас, хотин жаҳл билан уридан турди-да:

– Қутилмайганимга ўхшайман, кўйлагимни олиб бер, жохил! – деди.

Ребротесов авайлаб, узмасдан хотинининг кўйлагини олиб бериб, ўзи сочларини тузатганча меҳмонлар олдига чиқиб кетди. Меҳмонлар генерал расми қаршиснда, унинг хайрон бўлиб турган кўзларига бокишиб, ким буюк – генералми ёки Лажечников, деган масалани ечишмоқда эдилар. Двоеточиев адибнинг воми абалдий қолишдан баҳе этиб, Лажечниковни ёқлади. Пружинский бўлса:

– Ёзувчининг яхшилигида сўз йўқ... Одамни ҳам қулдиради, ҳам йишлатади, лекин уни урушга юборсанг битта ротани ҳам эшлай олмайдн. Генералга бутун бошлиқ корпусни топширсанг ҳам ҳеч гап эмас...



- Маша ҳозир... - деб уйга кирган мезбон уларнинг сўзини бўлди, ҳозир чиқади...

- Сизни жуда овора қилиб қўйдик шекиллик... Федор Акимич, ийе, юзингизга нима қилди? Ё ширим, кўзингизнинг таги ҳам кўкарибди-ю! Дарров қаердан ундирга колдингиз?

Юзимми? Нима қилбди? - мезбон хижолат тортди. Ҳа, айтгандай! Ҳали секин бориб Машани чўчитаман деса, қоронғида каравотга уриб олдим. Хохо... хохо... Ана, Маша ҳам чиқдилар... Маша, жоним, пахмоқлигининг кўр, худди Луиза Мишелнинг ўзгинаси-я!

Хурсанд, сочлари тўзғинган, уйкули кўзлари билан кулиб меҳмонлар олдига кириб келган Мария Петровна:

Мана бу жуда яхши, хуш келибсенлар! - деб сўз бошлади - кундуз келмаганларингиздан кейин, эрим бечора кечаси бўлса ҳам зўрлаб олиб келганга ўхшайди. Уйку ичида товушларингиз қулоғимга кирди... Булар ким экан, деб хайрон бўлдим... Федя ётабер деса ҳам кўнглим бўлмади...

Мария Петровна ошхонага бориб келгандан кейин дарҳол овкатлар келтирилди...

Бир соатдан кейин харбий ишлар бошлигининг уйидан улфатлари билан чиқиб келаётган Пружина-Пружинский ўқсиниб, чуқур нафас олди ва:

- Хотиннинг бўлгани яхши-да! Истаган вақтингда ейсан, истаган вақтингда ичасан... Сен тўғрингда гамхўрлик қиладирган одам бўлганга нима етсин?.. Фортепиано чалиб беради... Ребротесов бахтлик-а? - деди.

Двосточиев хаёл суриб бораркан, оғир-оғир нафас олар эди. Уйга келгандан кейин у шунчалик каттиқ ох тортдики, хотини уйғониб кетди.

Секинроқ юрсанг-чи, айик! Ҳамманинг уйкусини бузсан! Ўлиудай ичиб келади-да, тагин шовқин солади, турқин қурсин! - деди хотини.

Уришидан бошқани билмайсанда-а! Ребротесовнинг тур-мушини кўрсанг эди! Вой, қандай ширин ҳаёт кечиришадди! Эру хотинга қараб кишининг ҳаваси келади. Мен ҳам хотиним бор деб юрибман-да, сен ялмонгизни олиб, парирок ё! -

Инспектор кўрпани бошига тортди, ўз тақдирдан қойинганича уйкуга кетди.

## ҚАЙНОНА – АДВОКАТ

**Бу** иш бир кун эргалаб Мишель Пузиревнинг Лиза Маушинага уйланганига роса бир ой бўлган рўй берди. Мишель эргалабки қахвани ичиб, ишига кетмоқчи бўлиб, шапкасизни кидириб кўз югуртираётган чоғда, унинг кабинетига қайнасан кириб келди.

– Сизнинг беш дақиқагина вақтингизни оламан, Мишель, – деди қайнана. – Қовоғингизни солманг, дўстим... Биладан куёвлар қайнаналар билан гаплашишни ёмон кўришадди. Лекин, биз бир-биримизни англаймиз, шекилли, Мишель. Биз қайнана-ю куёв эмас, ақлли одамлармиз... Гапимиз- гапимизга тўғри келади... Шундай-ку, а?

Қайнана ва куёв диванга ўтиришди.

– Хизматингизга тийёрман, она!

– Сиз ақлли одамсиз, Мишель, жуда ақллисиз; мен ҳам... бефаҳм эмасман... Бир-биримизни яхши тушунармиз деб ўйлайман... Мен кўндан бери сиз билан сўзлашмоқчи бўлиб юрган эдим. ўғлим. Худо ҳақки, ростини айтиш, кизимиз нима қилмоқчисиз?

Куёв бақрайиб қолди.

Мен биласизми, розиман... Майли! Нега рози бўлмас эканман. Ўлим яхши нарса. адабиётдан хабарсиз қонини ярамайди... Шешрийат-да! Уни тушунаман! Хотин киши ўқиган бўлиши яхши... менинг ўзим ҳам шундай тарбия кўрганман, биладан... Лекин фарингам, бушчалик хаддан оширинишни нима ҳожати бор?

Масалаи? Мен унча тушунолмайд турибман...

Мен, сизнинг Лизамга қилаётган муомаланингизни тушунмайман! Сиз унга уйландингиз; лекин у сизнинг хотиниңизми, умр йўлдошиңизми? У – сизнинг қурбониңиз! Ўлим, хали китоблар, турли навариялар... Булар ҳаммаси жуда яхши нарсалар, лекин дўстим, сиз шуни ҳам ёдингиздан чиқармангки, у менинг кизим бўлади! Мен бундай ишга йўл кўймайман! У менинг жоним-ганим ахир! Сиз уни ўлдираясиз! Қаранг, гўй бўлганига бир ой бўлмадан озиб, чўндай бўлиб қолди-я! Эргадан кечача китобга тикилади, бемаъни журналларни ўқийди! Қандайдир қогозларни кўчириб ёзади! Ахир шу хотин-

ларнинг ишими? Сиз уни ҳеч қасқа олиб бормайсиз, мундоқ ўйнаб-қулени демайсиз-а! Одамга қўшилмайди, рақеларга бормади! Шундай ҳам бўладими! Ҳали бирон марта балла боргани йўқ-а, бирон марта!

– Бирон марта бормаган бўлса, ўзи хохламаган. Унинг ўзи билан сўзлашиб кўринг-чи... Балларингиз, рақеларингиз ҳақидаги фикрни биласиз-кўясиз. Йўқ, онажон! Сизларнинг такасалтанглигингизни у хушламайди! Агар у эртадан кечгача китобга тикилса ёки иш устида ўтирса ишонинг, буниинг учун ҳеч ким унинг мулоҳазасига ҳалал бераётгани йўқ... Мен уш ишнинг учун ҳам яхши кўраман-да... Шунинг учун ҳурмат билан қулук қиламан ва илтимос қиламан, минбаъд бизнинг орамизга тушманг. Агар бирор нарса айтиш керак бўлса, Лизанингни ўзи ҳам айтади...

Шундайми? Сиз ҳали унинг кўнгилчанглик қилаётганини, дами ичида эканини билмас экансиз-да? Муҳаббат унинг тилини ҳам боғлаб қўйган! Мен бўлмасам, сиз унга бўйинтуруқ кийгазардингиз, афандим! Ҳа! Сиз раҳмсиз, золимсиз! Марҳамат қилиб, ҳозирдан бошлаб бу ҳулқиңизни ўзгартириши!

Ҳеч ўзгартирмаман!

Шундайми? Кераги ҳам йўқ! Ихтиёрингиз! Лиза айтмаса сиз билан сўзлашиб ҳам ўтирмасдим! Ўшанга ичим ачийди! Ўша, сен гапириб кўр, деб ялинганидан келувдим!

– Йўқ, энди буниен ёлғон!.. Бўлмаган гап... Бўйинингизга олиб қўяқолинг...

– Ёлғон? Ундай бўлса, мапа кўрчи тошбағир!

Қайнава сакраб турди, эшикнинг бандини юлқиб тортди. Эшик очилиб кетди ва Мишель ўзининг Лизасини кўрди. У остонада қўлларини ушлаб, пиқ-пиқ йиғлаб турганди. Унинг чиройли чеҳрасини кўз ёнлари тутиб кетганди. Мишель ирғиб туриб, унинг ёнига борди-да:

Эшигдинми? Қани тушунтир бўлмаса, онанг қизини ким эканини билиб қўйсин! – деди.

– Онам... Онам... тўғри айтадилар, – деди Лиза ўпкасини тутолмай. – Мен бу турмушга токат қилолмайман... Сиқилиб кетдим...

– Ҳмм... Ҳали шундаками? Қизик... Хўш нега бу тўғрида мен билан ўзинг гаплашмадинг?

- Ұзим. Узимми. Аяғиңниг кезиди деб...

Ахир ўзини доимо оёз орчеликка қарши муҳокама юри-  
тар эдинг-ку? Сенин муҳокаманг учунгина яхши кўраман:  
атрофимдан оёзларнинг хастидан безорман деган эдинг-ку?  
Мен ҳам сенини шушунг учун яхши кўрган эдим-да! Тўйгача  
сен беманси, оёзларнингки оёзган кечириладиган ҳаётдан  
нафрасланарнинг оёзга бурарнинг-ку! Нега бирданга бундай  
ўзгариб қолдинг?

- У вақтларда дителам мени олмайсан, деб кўркқан эдим...  
Жоним Мишель! Бугун Мария Петровнаникка балга борай-  
лик. Лида ўзини эрининг кучоғига ташлади.

Мана кўрдингизми! Оғзи шондондиренз! – деб қайнава  
керидашга қачон етган экинго кетди...

- 'Ох, ахмоқ!' – деди Мишель ийграб.

Ким ахмоқ? – деди Лида.

- Янлишан оёзим!

## ЛИДА КИМДА?

**А**маким Петр Демьянниг – қок баликка ўхшаган қотма,  
баджаҳл қоллежкни советник. Бир куп ўзи лотин тилидан  
даре бералдирган гимназияга боринга тайёрланаркан, наху ки-  
тобининг муқовасини сичқон кемирган жойини кўриб қолди.

– Менга қаран, Прасковья, – деди ошхонага кириб оқсоч  
хотинга – нега бунча уйда сичқон кўпайиб кетибди? Кеча  
цилиндрини кемирю кетибди, бугун наху китобини расво  
қилибди... Бу ахволда кийим бошни ҳам қўймае!

– Пима қил дейсиз? Мен кўнайтирялманми! – деб жавоб  
берди Прасковья.

– Бирон ялож кишини керак ахир! Мушук асрайсанми...

– Мушук бор, лекин мушук бўлмай ўладими! – деб Прас-  
ковья бурчакни кўрсатди. Бурчакда супургининг ёнида озгин,  
оппоқ мушукбола қулча бўлиб ётиб мудрамоқда эди.

Нега ундок дейсан?

– Ҳали ёш, оёш киргани йўқ. Икки ойлик ҳам бўлгани  
йўқ-да.

Ҳмм... бўлмаса, ўргатни керак! Бекор ётгандан кўра ўргансин.

Петр Демьянич ташвишли холда, бир хўреншиб олгач, ошхонадан чикди. Мушукбола бошини зўрга кўтариб унинг оркасида қарали-да, яна кўзини юмди.

Мушукбола ухламасдан ўйламоқда эди. Нима ҳақида? Ҳақиқий ҳаётни билмагани, ҳеч қандай таассуротга эга бўлмагани учун фақат шуурез сезги билан ўйлай олар ва ҳаётни ота-бобоси бўлмиш ийўлбаредан қон орқали ўтган (Дарвинга мурожаат) фаҳм билангина тасаввур этади. Унинг фикри мудрагани вақтидаги ширин ҳаёл сингари ўзининг мушуклик ҳаёлида Арабистон сахроларига ўхшаш жойларда худди Прасковьяга, печга, супургага ўхшаш соялар югуришиб юради. Шулар орасида бирдан-бир тарелка сут кўринади ва унинг ёнида дарров қичкинагина оёқлар пайдо бўлиб ҳаракатга келади, қочмоқчи бўлади. Мушукбола бир сакраб ўзининг қонхўрлигидан лаззатланган холда унга тирноқларини ботиради... Тарелка кўздан ғойиб бўлганда, Прасковьянинг кўлидан тушиб кетган бир парча гўнг кўринади. Гўнг кўркканидан чийиллаб четга қоча бошлайди. Лекин мушукбола ирғиб унга қанг солади... Хуллас ёш ҳаёлирастнинг кўзига кўринган ҳамма нарса – сакрап, қанг солини ва тишлаш билан бошланади. Кишининг кўнглини, айниқса, мушукнинг кўнглини билиб бўлмайди, лекин шу ёзилган сўзларнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини, шундан билса бўлади: ҳаёл суриб ётган мушукбола бирдан ўрнидан сакраб туриб ёниб турган кўзлари билан Прасковьяга қарайди ва юнглиарини хурпайтириб бир сакраб унинг барига қанг солади. У ўзининг қонхўр авлодига муносиб подвал ва омборлардаги сичқонларнинг қушандаси бўлиб яратилгандир. Агар тарбияси... хайр, воқеани олдиндан айтиб қўймайлик.

Петр Демьянич гимназиядан қайтиб келатуриб боққолдан ўн тийинга битта қонқон олди. Тушлик овқат вақтида бир парча қанглини қонқон илмоғига илди-да, мактаб болаларининг Прасковья майда-чуйдага иллатиб юрган дафтарлари уйилиб ётган диван тағига қўйди. Худди соат олтида лотин тили муавлими шогирдларининг дафтарларини кўриб ўтирар экан диван тағидан «так!» деган товуни чикди. Бу товуни шун-

дай каттиқ чик чик, амаким сесканиб, кўчидан қалам тушиб кетди. Дарҳол бориб қонқонни оёди. Кичкинагина тоғ тоза сичқон еимларини хидлар, кўрканидан қалтирарди.

- Ҳмм! — деди Петр Демьянич сичқонинини вахтсизинига шодланган ҳолда, тўё ёмон баҳо кўядиандай ушга қараб кўлга тушдишим, разил! Тўхтаб тур, мен сенга паху сийинини кўрсатиб кўяман!

Сичқонга хўн қарангидан кейин қонқонни ерга кўйиб:

- Прасковья, сичқон тушибди! Қани, мушукни бу ёкка олиб келчи! — деб кичкирди.

- Ҳозир, — дедо жавоб берди Прасковья ва ҳаял ўтмай ҳали йўлбарс авлодини кўтариб кирди.

- Жуда сөз! — деди Петр Демьянич, кўллариини бир-бирига ишқаб — ҳозир ушга ўргатамиз... Қонқонни рўнарасига кўй... Ҳа, балли... кўй, хидлаени, кўрени... Ҳа, балли...

Мушук ҳайрон бўлиб амакига, креслоларга қаради ва тушунолмаган ҳолда қонқонни хидлаб кўрди; сўнг чирогинини ёруғ нуридан ва ўзини тикилиб турганлардан чўчиди шекиллик бир сакраб эшикка томон отилди.

- Тўхта! — деб кичкирди амаким, унинг думидан ушлаб, тўхта лаънати! Сичқондан кўрқдингми, аҳмоқ! Қара, бу сичқон бўлади! Кўрени! Хўйи? Қара деянман сенга!

Петр Демьянич мушукни бўйнидан ушлаб тумшугини қонқонга ишқади.

- Қара, ўлакса! Прасковья, ол ўзини, ушлаб тур... Тенникчани тўғрисига кўйиб тур... Мен сичқонни чиқаришим билан кўйиб юбор... Эшиқдингми? Чикш биланок кўйиб юбор! Қани...

Амаким юзида сирли бир қиёфа билан аста қонқон эшигини оёди... Сичқон кўркибгича чикди, хид олди, сўнгра ўқдай диван тагига отилди... Кўйиб юборилган мушук ҳам думини хода қилиб стол тагига кириб кетди.

Кетди, кетди — деди Петр Демьянич жаҳл билан кичкириб, — қани ўзи, аблаҳ? Стол тагидами? Шошмай тур...

Амаким мушукни стол тагидан тортиб олди-да, силтаб юқори кўтарди... Касофат! — деди мушукни қулоқларидан чўзилаб — Мапа! Мапа! Яна оғзини очиб қараб қоласанми? Машуп...

Эртасига амаким яна:

Прасковья, сичқон тушибди! Мушукни олиб кел... деб кичкирди.

Мушук кечаги ҳақоратлардан кейин печь тагига кириб кетганича кун бўйи чикмади. Прасковья уни печь тагидан тортиб олиб бўйин елкаси аралаш чапталганча кабинетга кўтариб кирди: қошқон рўпарасига кўйганда мушук зир-зир титраб, шикоятгомиз миёвлади.

Қани, ўз ҳолига кўйчи, бироз ўзини ўнглаб олесин! – деб буюрди Петр Демьянич. Кўрсин, ҳидлаб боксин... Қарагин, ўрган! Тўхта, лаънати! – деб кичкирди у, мушук қошқонни кўргач орқасига тиеланганини кўриб. Қалтак ейсан! Чўз кулоғидан! Ҳа, баракалла... Қани, энди рўпарага кўй... Амаким қошқон эшигини аста кўтарди... Сичқон югургилаб, мушукболанинг тумшуги тагидан ўтиб кетаркан, Прасковьянинг кўлига урилиб, сўнг жавон тагига кириб кетди. Мушук бўлса ўзини озод кўриб бир ирғиб диван тагига тикилиб олди.

Бу сичқонни ҳам кочирди! – деб кичкирди Петр Демьянич. Шу ҳам мушукми? Ярамак ифлос! Уриш керак! Қошқонни кўрсатиб туриб уриш керак!

Учинчи сичқон тугилганда қошқонни ва унинг ичидаги махлукни кўриш биланоқ мушукболанинг бутун вужудига ларза кирди ва Прасковьянинг кўлини тирпаб олди... Тўртинчи сичқон кочгандан кейин амакимнинг феъли ниҳоятда айниб кетди ва мушукболанинг бир тешиб:

Йўқот бу ифлосни! Шу бутуннинг ўзидаёқ йўқот! Бирон ерга олиб бориб ташла! Ҳеч балонинг уддасидан чикмайди! – деди.

Орик ва нимжон мушукбола бир йилдан кейин эс-ҳуши жойида бўлган катта мушук бўлиб етишди. У бир кун том ошиб севиклиси билан учрашгани бораркан кўзлаган жойга етиб қолганда бир шарна эшитди, ундан кейин қудуқ ёнидаги моллар сув ичадирган силов ёнидан отхонага қараб югуриб кетаётган сичқонни кўрди... Менинг қахрамоним кўркқанидан юнгларини хурпайтириб, белини эгиб пигиллади ва бутун вужудини титроқ босган ҳолда қочиб қолди.

Ҳайхот! Баъзан мен ҳам ўша қочиб бораётган мушукка ўхшаб кулгили бир ҳолатда қоламан. Ўз вақтида мен ҳам худди

ўша мушук боладай, амакимдан лотин тилини ўрганиш бахтига муяссар бўлган эдим. Энди агар менга қадим замоннинг мумтоз асарларини ўрганишга тўғри келса жон-дилим билан ёнишни ўрнига, хаёлимга лотин тилининг қонуи-қондалари, амакимнинг қора сарик башараси келиб, рангим ўчади, тена сочим тик туради да, мушукка ўхшаб қочиб қоламан.

## ОРДЕН

**Х**арбий прогимназиянинг ўқитувчиси, коллежский регистратор Лев Пустьяков дўсти поручик Леденцовнинг ёнидаги хонада пестикомат қиларди. Яши йил куни эргалаб у худди шу Леденцовникка қадам раижида қилди.

– Биласанми Гринец, деди у поручикка одатдагича янги йил билан табриклашдан кейин. Агар бир поилож ҳолга тушиб қолмаганимда сени сира безовта қилмоқчи эмасдим. Бир кунга Станиславнингни бериб турсанг. Бугун савдогар Спичкинникка зиёфатга бормоқчиман. У аблахни ўзинг биласан, орденни жуда яхши кўради; агар бўйнида ёки кўкрагида бирон нарса осилиб турмаган одамни аблах дейишдан ҳам тоймайди... Унинг устига, иккита қизи бор... Ташийсан-ку, Настя билан Зинаи... Туншудингми, азиз дўстим... Сени дўстим деб айтаяпман... Берақол, бир яхшилик қил!

Пустьяков бу сўзларни кизариниб, тутила-тутила айтаркан, хаво-тирланиб, эшикка қараб-қараб кўярди. Поручик олдин жеркиб ташласа ҳам, кейин кўнди.

Қушдуз соат иккида Пустьяков извошга тушиб Спичкинникка кетаркан, нўстинининг ёқасини сал очиб, кўкрагини тикилиб борарди, бегона Станиславнинг зархали ялғирар, эмали товланар эди.

Пустьяков совукдан увишиб ўйлаб борар эди:

«Кинини нақадар олижаноб кўрсатади! Кўп бўлса беш сўмликкина нарса-ю, кинини шунчалик серсавлат қиладиди-я».

Спичкиннинг ҳовлисига етгандан кейин, нўстинини бутун кўкраги кўринарли қилиб очиб, извошчига шонилмасдан пул тўлай бошлади. Пазарида извошчи унинг тугмаларини, ногонларини ва Станиславни кўриб оғзи очилиб қолгандай бўлди.



Пустьяков мағрурона йўталиб олиб уйга кирди. Даҳлизда нўстинини еча туриб зала каради. Ичкаридаги узун стол атрофида ўтирган ўн беш чоғли киши овқатланмоқда эди. Одамларнинг ғовур-ғувур, идиш товоқларнинг тақир-тукири эшитилиб турарди.

Ким у? деган овози эшитилди мезбошини. — Ия, Лев Николаич-ку! Қани марҳамат, келинг. Бироз кечикдингиз, ҳечкиси йўқ. Энди ўтирган эдик.

Пустьяков кўкрагини кериб, бошини юкорига кўртарганча кўлларини бир-бирига ишқаб зала кирди. Бирок кайфи учиб кетди. Зинанинг ёнида ўзи билан бирга ишлайдиган француз тили ўқитувчиси Трамблян ўтирар эди. Француз орденни кўриб қолса қанча гап-сўз, шармандалик... Бутун обрў бир пул бўлади... Бирдан унинг бошига орденни узиб ташлаш ёки қайтиб чикиб кетиш фикри келди. Лекин орден пухта чагиб кўйилган, чикиб кетишининг ҳам энди иложи йўқ эди. Дарров ўнг кўли билан орденни бекитди, бироз қаддини букиб, ўнгайсизланиброк ҳаммага таъзим қилди ва ҳеч кимга кўл бериб кўришмай бўшапганича худди ўша француз рўнарасидаги бўш стулга ўтирди.

«Кайфи бўлса керак» деб ўйлади Сичкин унинг изза бўлган юзини кўриб.

Пустьяковнинг олдига бир коса шўрва келтириб қўйишди, у чап кўли билан қошиқни олди-ю, лекин шундай казо-казолар олдида чап кўлаб овқат еб бўлмаслигини сезиб, овқат еганини, корни тўқлигини ваҳ қилди:

Қориним тўқ... Раҳмат... деб гудурлади, у. Амаким протонерей Елесев айттириб юборган эканлар... Шу, қўймастан овқат едириб юбордилар...

Ҳиди гуркираб турган шўрва, иптаҳани жуда китик-лайдиган, буг чиқариб турган димлама балик Пустьяковнинг юрагини эзиб юборди. У чап кўли билан орденни бекитиб ўнг кўлини бўшатмоқчи бўлган эди, бўлмади.

«Сезиб қолмади... Чап кўлим кўкрагимга кўндаланг турса ашула айтмоқчи бўлаётганга ўхшаб қоламан. Э худо, зиёфат тезроқ тугай қолса-чи! Бирон ошхонага бориб овқат ердим!»

Учинчи овқат тугагач, у французга кўз кирини ташлади. Трамблян ҳам негадир қизарган, Пустьяковга тикилганча ҳеч

парса эмас-дан утиришти. Бу эвазга тушганда чикковлари ҳам яна қаттиқроқ мижолат тортиб, ояшларини ва бутун тарсонига қарашарди.

«Сездинг аёл!» Башараси билан куриб туришдан сезилганини. Бу паст, яна ушбу билан эмас, ёки — Оркаск оорло директорга чакади!» деб ушдан Пустьяков.

Меҳмонлар ва меҳмонлар туринчи овқатни еб, насиб қилган бешинчи овқатни ҳам сиғинди.

Қирғиғи буринининг кети калакларининг тук бостан, кўзлари кесидан кетиш новелга бир жанов буриндан турди. У сочиларини силаб туриб хитов қилди.

Х-х хўш — мувофиқ — шу — шу ерда ҳозир бўлган хонимларнинг тулгувчи бешинчилари учун кўтарайлик! Меҳмонлар ўрниларидан тулгу туриб калакларини кўзларига олишди. Бутун хоналар оўйнаб қаттиқ «ура» сандоси жаранглаб эшитилди. Хонимлар илжанишию, калакларини уриштирмоқ учун узатишди. Пустьяков ҳам ўрнидан туриб рюмкасини чап кўли билан олди.

Оркаклардан бири ушга муружаат қилиб қадахда ичкилик узатди:

Лев Николаич, сизга хизмат бўлса ҳам, шуни Настася Львовнага узатиб юборинг. Бир илож қилиб ўша кишига ичиринг! — деди у.

Пустьяковга кўн мажбул келган бўлса ҳам мажбуран ўшга кўлини ишга сочди. Ниҳоят, тасмаси ёғжимланган Станислав чирокда ялтираб кетди. Ўқигувчининг ранги ўчиб, бошини эгди ва ер тагидан секингина французга қаради: у хайрон бўлиб Пустьяковга тикилганича қолди. Сўнгра лабларида табассум пайдо бўлиб, юзидаги хижолат ва хомушлик аста тарқала бошлади...

Шу пайт уй эгаси французга ишга узатиб:

-Юлий Августович! Шуни ўша ёкка узатиб юборинг, — дедилгимос қилиб қолди.

Трамбляги истар-истамас зўрға ўнг кўлини ишга узатган эди... оҳ қандай бахт! Пустьяков унинг кўкрагидаги орденни кўрди. Яна Станиславнага эмас, бутун бошлик Анна экан. Демак француз ҳам мугтаҳамлик қилган экан! Пустьяков хурсандлигидан кулиб юбориб етулга бемалол ялнайиб ўтириб олди... Энди орденни яширишининг нима ҳождати бор! Иккалови

хам бир хил гуноҳ қилибди. Энди ким бориб чақадн, ким шарманда қилади... Спичкин муаллим кўкрагидаги орденни кўриб:

Эхе, деб кўйди.

Қаранг, Юлий Августович! -- деди Пустьяков -- жуда қизик иш-а! Байрамдан олдин биздан кўрсатилганлар жуда кам бўлди дейман! Бўлмаса канча одам бор эди, фақат сиз-у манга тегибди-да, ҳайрон қолдирган иш-а!

Трамблян суюниб кетди ва бош ирғитиб 3-даража Анна осилиб турган қайтарма ёқанинг чап томонини олдинроққа чиқарди.

Дастурхон йиғилгандан кейин Пустьяков уйма-уй юриб қизларга орденини кўрсатди. Қорни оч бўлса ҳам кайфи чоғ эди.

У орден ҳақида Спичкин билан сўзлашиб турган Трамблянга рапки келиб «Вой аттанг, шунақалигини билганимда-чи, нақ Владимирни тақиб келмасмидим, эсизгина, эсимга келмапти-да» деб ўзини койирди.

Фақат ана шу фикр уни кийнамоқда эди. Бошқа томонлардан бўлса у ўзини мутлако бахтиёр деб сезарди.

## ХОТИНИ

**С**отинини устидани парсапарга тетманг, деб айтгандим-ку, сизга... деди Николай Елизафич. Сиз йинтигиргандан кейин ҳеч нарса уни тошмо бўлмайдди. Телеграмма келувди, қани у? Қаскка ташлагинини? Қаранг, тошинг. Қозондан келган, кечани сана кутинган.

Рашидлар, ошини оқсочаси меросираган кўйи стол тагидаги саватдан бир пецта телеграммани тошиб, чурқ этмай докторга узатди; аммо ошаринини ҳаммаси шаҳарнинг ўзидан, мижозлардан экан. Шундан кейин меҳмонховадан, Ольга Дмитриевнанинг хонасидаги ишанди.

Тун яримбачи. У хотини ханшверни, соат учларгача уйга қайтмаслигини биларин. Николай Елизафич хотинига ишонмасди. Хотини жуда кеч қонио кетса, ухламас, юраги қон бўлар, шу билан бирга ундан нафратланар, ҳатто унинг тўшагидан, кўзи усти, шоколадкутиеси, махави аллаким унга ҳар куни қанда қилмай юбориб турадиган ва хоналарни гул дўқонидагидай бадхўр ҳидга тўлдирган сулбулу марваридгуллардан ҳам ҳазар қилар эди. Бундай кечаларда у ишжик, майдаган, жижзаким бўлиб қолар, хошир ҳам кеча акаси юборган телеграмма унга жуда зарур бўлиб туйнарди, ҳолбуки унда байрам табригидан бўлак ҳеч гап йўқ эди.

Доктор хотинининг хонасидаги столдан устига қоғоз кути бостирилган ашлакандай телеграммани тошиб, кўз ташлади. Телеграмма Ольга Дмитриевнига берини шарт билан, қайнонасининг номига юборилган экан. Монтге-Карлодан, остига *Michel...* деб янво кўйилишди. Уни ўқиб, доктор биронга ҳам сўзни тушунмади, чунки у ажабий тилда, чамасен, шунданча ёзилган эди.

Мишел дегани ким ўзи? Нима учун Монте-Карлодан? Нега энди қайнонанинг номига юборилган?

Етти йиллик турмушида доктор шубхаланини, фош этиш, далилларни киёслаш кабиларга шу қадар ўрганиб кетган эдики, ана шу аччиқ оилавий тажриба пагижасида теши йўк изкувар бўлиб кетганига ўзи ҳам амиш эди. Кабинетига қайтиб, ўйга толди ва лоп эгиб бундан бир ярим йил аввал хотини билан Петербургга борганида Кюб ошхонасида бир мактабдош ўртоғи билан овқат қилишгани эсига тушди. Ўртоғи ҳозир алоқа йўллари муҳандиси бўлиб ишлашини айтган, у билан хотинига 22–23 ёшлардаги Михаил Ивановни, фамилияси аллақандай галати – Рис деган бир ёшгина йигитни таништирган эди. Орадан икки ой ўтиб, хотинининг альбомида ўша йигитнинг расмини кўриб қолди, сурат орқасига французчалаб «шу кунлардан эсдалик учун ва келгусидаги шодиёна дамларни интиклик билан кутиб» деган дастхат битилган эди; кейин ҳам бу йигитни икки марта қайнонасининг олдидан учратди... Ўшанда, хотини тез-тез дайдиб, уйга тонгги тўрт ё бешларда қайтиб келадиган, ҳар куни ундан хорижга чиқиш учун паспорт олиб беришни талаб қилаётган куллар эди. Эр унга паспорт олиб бермаслигини айтар, орада жанжал чиқиб, неча кун дилсиёҳлик бўларди, хизматкорлар олдиданги хижолатни кўяверинг.

Ярим йилча аввал ҳамкасб шифокорлар униш силга чалишганини айтиб, даволаниш учун Крими га жўнашни маслаҳат беришди. Буни эшитиб, Ольга Дмитриевна ўзини қўрқиб кетганга солди, эрига эркаланиб, силаб-сийпаб, ҳозир Қримнинг хавоси совуқ, зерикарли эканини, ундан кўра Ниццага кетиш минг марта афзаллигини айтган, шундай қилишса, ўзи ҳам бирга бориб, парварини қилишини, аввайлашини изҳор қилганди...

Мана энди хотинининг нега ҳадеб Ниццага тортқилаши сабаби маълум бўлди: унинг *Micheli* шундоққина Монте-Карлода турар экан.

Николай Евграфич инглизча-русча луғатни қўлига олди, битгалаб ўғирган сўзларининг маъносини чақиб кўриб, охири шундай жумла тузди: «Азиз маъшукамнинг соғлиги учун ичман ва жажжи оёқчасини минг марталаб ўнаман. Келишининг



тўхтамай хонама-хона юрар, ёки столга ўтириб, қоғозга беихтиёр ёза бошларди:

«Хуснихат... Жажжи оёкча»...

Соат тўртдан ўтгач, тамом ҳолдан тойди-да, ҳамма нарсада ўзини айблашга тушди: агар Ольга Дмитриевна бошқага турмушга чикса, у одам бунга яхши йўлга солса, шунда, ким билади дейсиз? - бир кун келиб, эҳтимол ундан ҳалол-пок бир хотин чиқармиди, ўзи эса одамнинг руҳиятини, айниқса аёллар қалбини яхши билмайди, бунинг устига, зерикарли, кўнол одам...

«Бундан буёғига кўп яшамайман, – деб ўйлар эди у, – Мен ўлган одамман, шунинг учун тирикларнинг яшашига ҳалал бермаслигим керак. Энди, тўғриси, қапдайдир ҳақ-хуқуқимни талаб қилишим тентаклик бўлади. Мен очик гаплашиб оламан; майли, севган одамнинг ёнига кетсин... Жавобини бераман, ҳамма айбни ўз бўйнимга оламан...»

Ольга Дмитриевна ахийри пайдо бўлди, устидаги оқ иўстинчаси, теллагию этикчалари билан кабинетга кириб, ўзини креслога ташлади.

– Чўчкага ўхшаб семирмай ўлгур, ифлос, – деди у хансираганича, кейин йиғлаб юборди. Шунчаём номард, наст бўласанми. – У ер тенди. – Мен чидай олмайман, чидаёлмайман, чидолмайман!

– Нима гап? -- деб сўради Николай Евграфич унга яқин келиб.

– Мени ҳозир Азарбеков деган талаба кузатиб олиб келувди. Сумкамни йўқотиб кўйибди, нинда ўн беш сўм пул бор эди. Онамдан олган эдим.

У чинакамига, ёш қизчалар каби ниқиллаб йиғлади, даст-рўмолигина эмас, ҳатто кўлкони ҳам кўз ёнидан ҳўл бўлиб кетди.

– Хм, бўлар иш бўлти, – дея доктор хўрсинди. – Йўқотинга йўқотибсан, энди садқан сар. Ўзингни бос, сенга айтадиган гапим бор.

– Мен миллионер аёл эмасман, пулни шунақа совурадиган. У пулни қайтараман деяпти, каёқда, ўзи бир камбағал бўлса...

‘Эр тинчданнинг санини оштинини сурар, хотин бу жа ҳамон уша таллава нуво оштинини сумдан ташираб, хеч ўзини босотмас эди.

‘Экинчи эртада жонистон тинчданнинг сум озраман, овозини учирди, бу эди – деди Николаи Евграфич тинчданнинг аччилаши.

Мен кинизимни асқан тинчданнинг керак... дедо хикмлади хотин – Нустини тинчданнинг учирди, жонистон таллава олмаймак, биласан ку! Тинчдан!

Доктор хотинни а нустини тинчданнинг почо яшини ечинга ёрдамлашди, бу вақтда жонистон хотиндан келадиган вишо хиди уриди, бу уша хотинни учирди устини тинчданнинг яшини кўрадиган оқ вишонини асқан эди (жажмондеккина бўлса-да, хотинни жуда кўп оқил ошқан тинчданнинг эди). Хотин бир маҳал бошқадан кийини, юзини ушлаб, ичидан қизарган кўзлари ялтираб кириб келди, учирди ва тўр укалар тугилган хавоини кўйлади ичидан йукдан бушо кўчилиб келди. Бу пушти тўлқинлар ичидан эри хавоини кўйлади соғлари-ю туфли кийган жажжи оёқларини аран фарқлар эди.

Нима тинчданнинг бор? – деди хотин креслода тебранишича.

Мен тасо тинчданнинг маъанини кўриб қолдим... – дедо доктор телеграммани улашди.

Хотин уни уқиб кўриб, елкасини кияди.

Хўш? – дедо тинчданнинг кўроқ тебраниб. – Бу Янги йил билан табриклар юборишга оддий телеграмма, холос. Бу ерда хеч қанака ер тинчданнинг йўқ.

Сен менни тинчданнинг билмайди, деб ўйлайсан. Тўғри, билмайман, аммо нугатим бор. Бу телеграмма Риздан келган, у маънукасинини соғини учун ичидан ва сени мини мартабала ўпади. Майли, оуни бир ёққа кўйайлик... – деди доктор шошиб. – Мен сенига таъна қилмоқчи ҳам эмасман, жанжал чиқариш шиятим ҳам йўқ. Урини-жанжаллар керагидан ортирок бўлди, таънаво маломатлар ҳам, энди бас қилайлик... Менинг сенга айтадиган тинчданнинг шу: сен энди эркинсан, қанака яшашни хоҳласан, шунақа яшайсан.

Жим қолди. Хотин аста йиғлашга тушди.

– Майли, сен ўзини тинчданнинг фаршга қилиб кўрашиб, алдаб кийнамай кўяқол, – дедо давом эди Николаи Евграфич. – Агар



шу йигитни севсанг, сева бер; унинг ёнига, чет элга боргинг келса, бора қол. Сен ҳали ёшсан, соғломсан, мен бўлсам бир нотавонман, кўп яшамайман. Гапнинг қисқаси... ўзинг тушуниб турибсан.

Доктор ҳаяжонланиб, гапидан тўхтаб қолди. Ольга Дмитриевна эса йиғишиб давом эттириб, ўзига раҳми келаётган бир товушда Рисни яхши кўришини, паҳар тапқарисига айлангани чиқишганини, унинг номерида бўлганини, энди эса, ростдан ҳам чет элга боргани келаётганини бўйшига олди.

– Кўрдингни, сендан ҳеч нарсани яширмайман, – деди охирида хўрсиниб. – Менинг кўнглим пок. Аммо яна ўтилиб сўрайман, марҳамат килиб менга паспорт бер!

– Яна такрор айтаман: сен озодсан.

Хотин ўрнидан туриб, эрининг юзига яхшилаб тикилиш учун яқинроққа ўтирди. Эрига ишюмас, нима мақсадда шундай қилаётганини билиб олгиси келарди. Бу аёл ҳеч қачон ҳеч кимга ишюмас, қанчалик олижапоб шиятда қилинмасин, ҳар қандай ивдан озгина бўлсада ғаразни, қаллдликни, худбинликни қидирарди. Ҳозир, унинг юзига синчковлик билан пазар тапшлаганида, хотини кўзида ҳам, худди мушукнинг кўзидаги қабн, қўқимтир олов лип этиб ёнгандай туйилди.

Хўп, паспорт қачон кўлимга тегади? – деди у секингина.

Эри кўккирдан «ҳеч қачон» деб юборгиси келди, аммо ўзини босди.

Хоҳлаган кунинг ола берасан.

– Мен шихояти бир ойда бориб келаман.

Йўқ, сен Риснинг ёнига доимий яшайдиган бўлиб кетасан. Мен сенинг жавобини ни бераман, ҳар қапака айб бўлса, ўз бўйинимга оламан, шунда Рис сenga бемалол уйлана беради.

– Йўқ, мен ажрашишни ҳечам хоҳламайман! – деди Ольга Дмитриевна кескин равишда, хайратда қолган киёфада. – Мен ажрашмоқчи эмасман! Паспорт берсанг бўлгани, шу ҳолос.

– Нега энди ажрашишни хоҳламайсан? – деб сўради доктор, жаҳди қўзиб. – Сен ғалати хотинсан. Роса ғалатисан! Сен чиндан ҳам ёқтирсанг, у ҳам сени яхши кўрса, бу ҳолда сизлар икковингиз турмуш қуришдан яхшироқ чорани топа олмай-



гина, жудаям гўлгина бўлиб, ичидаги жами туйғуси ташига акс этиб тушган экан; семинария талабаларига хос табассум бутун юзига ёйилган, тақдир ўзини тасодифан қўшиб қўйган мана бу йиртқичлар тўдаси менга илхомли туйғулар билан янаш бахтиши ҳаля этади, толсим қулади, талабалик чоғларида кўнгилга туккан барча орзу-умидларимга эришаман, деб анқовларча ишонган чоғлари эди-да...

Яна, ҳеч тушунолмасдан, ўзидан ўзи, сен – кишлок попилинг ўғли, муллавачча, содда, дағалгина ва тўғрисиўз одам, қандай килиб мана шу ожиз, алдоқчи, палид, ипириски, табиаташ тамомаи тескари бўлган бир махлукқа бунчалар ожизлик билан тобе бўлиб қолдинг деб тақрор-тақрор сўраб эди.

Соат ўн бирларда, сюртугини кийиб, касалхонага ишга жўнамоқчи бўлиб турган эди, хонага оксоч кирди.

– Ҳм, шима гап? – деб сўради доктор.

– Бойвучча уйғондилар, кеча йигирма беш сўм ваъда қилган экансиз, ўшанга юбордилар.

## АЖОЙИБ ЯНГИЛИК

Москва дорилфунунида ўтган йил охиридан бошлаб талабаларга чиройли ва ифодали сўзлаш санъати – декламациядан сабоқ берилди бошлади. Бу ташаббус ҳаммаи мамнуи этиши шубҳасиз. Негаки биз, рус кишиларни, гаплашишни яхши кўрамыз, аммо нотиклик қўлимиздан келмайди. Махаллий идораларда, дворянлар йиғилишида, илмий кенгашларда, таътанали тушлик ва кечларда ё тортиниб ўтирамыз, ё энсани қотирадиган килиб зерикарли гапирамыз. Кимдир битта сўз айтиб мурожаат қилиб қолса, ўнта сўз билан жавоб берамыз, чунки лўнда гапира олмаймыз, оз бўлсини соз бўлсин, деган мақолни сўзга қўллай олмаймыз. Бизда суд маслахатчилари, прокурорлар, профессорлар, рухонийлар кўп, касби тақозосига кўра улар тугма воиз бўлиши шарт; бизда яна «гап идораси» деб аташадиган беҳисоб ташкилотлар ҳам борки, хизматига кўра уларда кўп ва узок гапирилади, бироқ ажаб: фикрвини тиник, лўнда, жўн ифодалай

оладиган одамлар ҳақида ошди. Москвадан Петербургда атини икки учта савонини потин боринини билмаган, чекка ўлкаларда яшувчиларнинг ошди. Кафедраларни эса дудуқлар билан хонини савонлар элтиб олишган; уларга мослашмаганини савонини ошди. Ушқунмайси. Адабий кечаларда ҳақоқо бўлиб қаракниша ҳам пул берилади, чунки тини повчослар буни ақаликаро келган, шу бонсе, бирон шоир шеър уқини бон тасла одамлар тини ламайди, қараб ўтиради, ҳоқос. Ўнр қонгиле сўтрисе та эса шундай латифа юради: ўлган айро сўтрисе сўтрисе қуниш олдидан, узок, таъсирли сўзлар ақлиниш ақлиниш, ойрок сўз беришган чоғда, видо пуқди уриша «Мен буни ошди!» дея товуш чиқариб, томоғини қирно қунишни бошқа ҳеч нима деймантин. ...Нойми лойи гаширно ҳақоқо ушқунгиле одамни ҳам қуқдирино тоборган адвокатлар ҳақоқо фан сўтриседа маъруза ўқини одамларни шимдан совушан фан фидойилари ҳақида латифалар бехисоб. Ёнз сўтрисе та маҳдуд одамлармиз, томирларимизда хуноби аршилик қониниш, қонини қонини. Завқданниша интилмаимиз ушқунгиле одамни билмаймиз, потниклик савонини бехабарлишимиз савонини, фақат одамнинг интизом билан ошқоқеак, ошқоқеак завқ сўйишидан ўзимизни бошқар қиламиз-у, бу нарвоимизга ям келмайди. Борини аниқ сўзлашган завқданнишнинг ушқунгиле хохламаймиз дейлик, аммо ушқунгиле ҳар қандай қимонда тини бойлиги билан потниклик савонини ўзаро ҳамқиле таринини эста олсак, чакки бўлмақ эди. Чиройни гаширини кадр тошмаган жамиятда риторика – сўз рибқорлиги, маҳмаданлик ҳоким бўлиб олади. Қадимни даврларда ҳам, янги қимонда ҳам маданиятнинг эн қучли омилларидан бири потниклик эди, ахир. Ҳар бир янги диннинг тарғиботини ақини найтда эн зўр потик бўлмаган деб ўйлайсизми? Давлатлар гуллаб-яшнаган даврларни элани: улуг арбоблар, файласуфлар, шоирлар, мутафаккирлар қучли потик эдилар. Ажойиб ваъзалар ислаган рутбага эришни йўлига нояндоз бўлиб тўналган, сўзга чечалик эса шарт ҳисобланган. Ким бивади дейсиз, оҳтинмоғи бунда ҳам вақти келиб, ҳуқуқшунослар, профессорлар ва мансадорлар, қўйишқин, инни сўзга боғлиқ бўлган ва шу савонини нафақат

оқилона, балки ифодали ва чиройли ҳам гапириши лозим бўлган кишилар «гапга нўнокман» деб ўзини оқлашни бас қилишар. Ахир зиёли одамнинг ёмон гапириши худди ўқини-ёзишни билмаслик каби уят ҳол, тарбия ва таълим ишида эса чиройли гапиришга ўргатиш айни муддаодир. Шунинг учун ҳам Москва дорилфунунининг бу ташаббусини айни соҳада олға томон қўйилган жиддий бир қадам деса бўлади. (1893).

## МИҶДАРИҶА

Наириёдан .....	3
-----------------	---

### *Ҷўтлон таржимаглари*

Эски кўра .....	5
Ғам .....	12
Битаётган авлодининг сўнги кизи .....	18
Егер .....	24
Бўйишга остиган Ашва .....	29

### *Абдулга Қасувор таржималари*

Ниқоб .....	46
Ёвуз ниятли киши .....	52
Лозим чоралар .....	57
Семиз ва орик .....	61
Хамелеон .....	63
Унтер Пришибеев .....	68
Чикди .....	73
Чиновникнинг ўшми .....	75
Сарлавхасиз .....	78
Қаптанка .....	82
Гриша .....	96
Ой туничиши .....	99
Ротиньёдининг скрипкаси .....	101

### *Мирзакалон Номоний таржимаси*

Ўғил болалар .....	113
--------------------	-----

*Одил Раҳимий таржималари*

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди .....	120
Икки мухбир .....	124
Ванька .....	128
Тегирмонда .....	132
Ёвуз ниятли кишилар .....	138
Оқсоқол .....	143
Почта мудирини билан суҳбатим .....	148
Жонгинам .....	152
Вакил ёки Дездемоновнинг 25 сўм йўқотгани ҳақида қисса .....	165
Санъат асари .....	169
Муштинпар .....	173
Лағта .....	178
Ишдан кайти анда .....	180
Узун тил .....	190

*Наби Алимўхамедов таржималари*

Мужиклар .....	194
Сойликда .....	227

*И. Раizzoқов таржимаси*

Ғилоф бандаси .....	272
---------------------	-----

*Илҳом Ҳафизов таржималари*

Аза очини .....	289
Гаров .....	294

*Зумрад таржималари*

Ҳасрат .....	304
Нодонлик .....	310
Уйку истаги .....	314

Китилек тукумотлари .....	320
Ойдини палати .....	326
Китилек оғома кулестари.....	387
Қашшоқ ашвоқ .....	393
Айвонимда' .....	395
Орден .....	399

*Ўзгиродди Исломиддинов таржималари*

Хотин .....	403
Ажойиб янгилик .....	410



**Чехов, А. П.**

**Ч 51** **Бўйинга осилган Анна: ҳикоялар/** Муал.  
А. П. Чехов. - Тошкент: „О‘қитувчи“ НМИУ,  
2018. - 416 б.

ISBN 978-9943-22-203-8

**УЎК: 811.161.1-32**

**КБК: 84(2 Рос)**

*Адабий-бадний нсир*

**Антон Павлович Чехов**

**БЎЙИНГА ОСИЛГАН АННА**

*Ҳикоялар*

*Нашрга тайёрловчи*

*Х. Абдиев*

*„О‘қитувчи“ нашриёт-матбаа ижодий уйи*  
*Тошкент 2018*

*Мухаррир У. Жўрақулов*

*Бадний муҳаррир Ш. Адилев*

*Техник муҳаррир Н. Ниёзмухамедова*

*Компьютерда саҳифаловчи Ш. Абдусаматов*

Нашриёт лицензияси А1 №291 04.11.2016. Оригинал-макетдан босишга  
руҳсат эгилди 11.01.2018. Бичими 84×108<sup>1/3</sup>. Келги 11 июнли.  
Ҳайме гарнитураси. Оффсет босма усулида босилди. Оффсет қоғози.  
Шартли б. т. 21,84. Ҳисоб-нашриёт т. 17,17. 5000 нусхада.  
Буюртма № 24 - 18

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигинини „О‘қитувчи“ нашриёт-  
матбаа ижодий уйи. Тошкент - 206. Юнусобод тумани, Янгишаҳар  
кўчаси, 1- уй. Шартнома № 27-18.

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

*Ушбу тўплам жаҳон адабиётида реалистик ҳикоялари билан танилган машҳур рус ёзувчиси Антон Павлович Чеховнинг Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Одил Раҳимий ва бошқалар томонидан ўзбек тилига ўгирилган сара ҳикояларидан тузилган.*



© „O'qituvchi“ NMIU  
100206, Toshkent sh.,  
Yangishahar ko'chasi, 1,  
Tel.: (+99871) 224-04-12,  
E-mail: [info@oqituvchi.uz](mailto:info@oqituvchi.uz),  
Web-site: [www.oqituvchi.uz](http://www.oqituvchi.uz)

ISBN 978-9943-22-203-8



**БЪИМНИТА ОСМЛТАН АННА**

*A. Nekol*

